Алишер Навоий

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

Насрий баёни билан

www.adabiyot.com

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

I

Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим.

Ҳар дур анга жавҳари жондин фузун,
Қиймат аро икки жаҳондин фузун.

Риштаси худ иқди жаҳон риштаси,
Дема жаҳон риштаси, жон риштаси.

Ганжи бақо зикрига улким етиб,
Бу дур ила риштани тасбиҳ этиб.

Ришта эмас, турфа камандедур ул,
Давлату дин сайдиға бандедур ул.

Қайси каманд, ўлмади ҳаргиз каманд,
Равзаи фирдавс ғазолиға банд.

Бал ариғедурки оқар жон суйи,
Йўқ, демаким жон суйи, ҳайвон суйи.

Ул сув яқосида алифдин шажар,
Шамрасидин ул шажар узра самар.

Йўқки, ўшул риштаи гавҳар баҳо,
Ганжи Илоҳийға эрур аждаҳо.

Ёки булар барчаси таъвил эрур,
Арши муалло аро қандил эрур.

Балки бу қандил аро айлаб аён,
Боғи аҳад фохтаси ошён.

Йўқки, эрур махзани ваҳдатқа йўл,
Йўлу не йўл, асру яқин йўлдур ул.

Лекин эрур ҳам қатиғу ҳам махуф,
Ўйлаки ожиздурур ондин вуқуф.

Қилғучи бу бодия қатъиға майл,
Аҳли қабулу рад эрур икки хайл.

Азмиға чун қўйди қадам аҳли рад,
Раҳбари тавфиқдин ўлмай мадад.

«Бо»си ибодин урар аввал сало,
«Ё»ки дегай ло не бўлур жуз бало.

«Син»и наҳанг арқосининг арраси,
Юз кеманинг офати ҳар парраси.

«Син» била «мим»и йўлида кўп ҳумум,
Йўли ҳумум анингу ели самум.

«Мим»и йилони дамидин ўт сочиб,
Йўл бошида ётибон оғзин очиб,

Уч «алиф», уч «лом»и солиб рустахез,
Олти жиҳатдин чекибон тиғи тез.

«Ҳе»лар учи қатл ишида тез ўлуб.
Румҳ учидек ҳар бин хунрез ўлуб.

«Ре»лариким зоҳир этиб иқтирон,
Фош ўлуб ондин зарари бегарон.

«Ҳе»си халок этгали қуллобваш,
Махлака қалби аро қуллобкаш.

«Нун» чекиб эл саҳми учун ёсини,
Балки бақо заръи учун досини

«Ё»си мухолиф сон ҳарфи нидо,
Яъни, эт оллимда ҳаётинг фидо.

Нуқталари ул йўл аро тошлар,
Тошлар ўлмайки, кесук бошлар.

«Мим»лар анда гириҳ узра гириҳ,
Жазмлар анда зириҳ узра зириҳ.

Ҳар сон «ташдид» тааддуд била,
Зоҳир ўлуб элга ташаддуд била.

Ҳар негаким нозири мақсуд ўлуб,
Аҳли назар кўзига мардуд ўлуб.

Лек қачон қатъиға аҳли қабул,
Азм қилиб айласа ул ён нузул,

«Бо»си бурун «бо»и башорат дурур
Шамраси кирмакка ишорат дурур.

«Син»и саломат йўлининг зинаси,
Балки саодат юзи оинаси.

«Мим»и очиб манзили мақсадға йўл,
Балки бу манзил аро сарчашма ул.

Ҳар «алиф»иким еридур жон аро,
Шамъ ўлуб ул тоза шабистон аро.

«Лом»лари борча ливойи зафар,
Бериб анга жилва ҳавойи зафар.

«Ҳо»си хувиятни қилиб жилвагаҳ,
«Лом»и била қойили «Ал-мулку лаҳ».

Равзаи жаннатға эшик «ро»лари,
Ғунчаи вахдатға бешик «хо» лари.

«Мим»ки «нун»дин қилибон интиҳо,
Жонға қўюб миннати бемунтаҳо.

«Ё» била «мим»и қилиб изҳори ям
Айлагали ғарқаи бахри карам.

Нуқтау ташдид анга чақмоқу тош,
Қилмоқ учун партав «алиф» шамъи фош.

Жазми солиб тавқ кўнгул бўйниға,
Нуқта бақо дуррини жон қўйниға.

Ҳам ҳаракотидин ионат етиб,
Этгали мақсудқа тахрик этиб.

Ҳам сақаноти қилиб ифшо сукун,
Анда таваққуфқа бўлуб раҳнамун.

Сойири чун пўяға гомин очиб,
Гардидин атрофиға жонлар сочиб.

Бош-аёғи боштин-аёқ жон бўлуб,
Бошдин-аёғ жон неки, жонон бўлуб.

Азмида ул қавмға доғ узра доғ,
Қатъида бу хайлға боғ узра боғ.

Ҳикмати ул қахр аро, бу лутф аро,
Ушбуки тўлғай икки мехмонсаро.

То агар ўт солса жалолияти,
Лутф ила урғай сув жамолияти.

Истабон, эй хаста Навоий, наво,
Бўйла сафарға қилур эрсанг ҳаво.

Йўл ёмону яхшисидин ема ғам,
Бисмиллоҳ, дегилу қўйғил қадам.

«Хайру саноин лимуфизил-карам»,
Ким карамидин эрур эл муҳтарам.

II

Ул холиқ ҳамдиким, махлуқот тасвириға анинг қалами сунъи чеҳракушодурур ва маснуот Таҳририға анинг хомаи ҳикмати жамолафзо ва ҳар кўнгул ғунчасиға бир ҳусн гули сори анинг силсилаи шавқидин вобасталиқ ва ҳар кўз ахтариға бир қош ҳилоли сори анинг риштаи муҳаббатидин пайвасталиқ

Ҳамд ангаким вожиби биззот эрур,
Ҳомид анинг зотиға заррот эрур.

Вахдати зотиға қуёшдек тонуқ,
Заррадин афзуну қуёшдин ёруқ.

Жисм сипеҳрини масир этгучи,
Рух қуёшини мунир этгучи.

Гулшани фирузани чеккан баланд,
Гулларидин меҳрни гулдастабанд.

Ҳар сори анжум гуликим очилиб,
Кўкка бу гулдастасидин сочилиб.

Минтақа бирла фалаки ложуворд,
Сунъи бисотида ики тахта нард.

Солмоқ учун тоқи сипеҳр ичра шайн,
Ойю қуёшдин қилибон каъбатайн.

Тахта келиб чархи мунаққаш анга,
Бурж ҳисобидин ики шаш анга.

Тун кун ила мухра намудорлиқ,
Анжум ила тахта садафкорлиқ.

Дахрда ҳар нақши савобу қусур,
Борчаси бу нарддин айлаб зуҳур.

Кўргузубон нақши хасису шариф,
Мисли қазову қадар икки ҳариф.

Чун очибон субҳ узори гулин,
Зулф этиб ул юз уза тун сунбулин.

Ул юз ўлуб дахрға кофурбез,
Устида ул зулф бўлуб мушкрез.

Оқу қаро узра бериб иштиҳор,
Мушк ила кофурини лайлу наҳор.

Чун ясабон ҳужраи тори димоғ,
Ақлдин ул ҳужрада ёқиб чароғ.

Ришта анга тори иноят бўлуб,
Шуъла анга нури хидоят бўлуб.

Андин олиб нур кўнгул маскани,
Лек ўчуруб ишқ елидин ани.

Ишқ елин еткурубон тунду тез,
Ақл алочуғин этиб рез-рез.

Ҳам учуриб зуҳду вараъ хирманин,
Ҳам совуруб сабру сукун масканин.

Боғи хирад нахлини хошок этиб,
Бахри бало мавжини кўлок этиб.

Дарду бало ўтини тез айлабон,
Тез неким, чархситез айлабон,

Васл сахобин чу қилиб қатрабор,
Айлабон ул ўтға сукун ошкор.

Ҳусн қуёшин қилиб офоқсўз,
Партавини айлади оламфурўз.

Дема қуёш, равзаи ризвон дегил,

Равза ичинда гули хандон дегил.

Жилваси жон гулшани оройиши,
Кўрмаги маҳзун кўнгул осойиши.

Зотиға жуз лутфу сафо бермайин,
Лекин анга бўйи вафо бермайин.

Ул чу вафо рангидин озод ўлуб,
Аҳли вафо жониға бедод ўлуб.

Кимга вафодин берибон чошни,
Бир нафас олмай кўзидин ёшни.

Кимки иши ғайри вафо қлмайин,
Бахра анга ғайри жафо қилмайин.

Ишқни жон риштасиға банд этиб,
Васл кўнгул ториға пайванд этиб.

Водийи ҳажр ичра солиб кўп хатар,
Хору гиёҳини қилиб ништар,

Лоласини шуълаи оҳ айлабон,
Сабзасини захргиёҳ айлабон.

Лола била сабзаси бу навъ бум,
Эли эмас мумкин анинг жуз самум.

Ул эл эмасдур бу биёбон ўти,
Бил бу биёбон ўти - хижрон ўти.

Кимники бу шуъла била куйдуруб,
Кўкка ҳамул эл кулини совуруб.

Кимни кул айлаб бу самуми бало,
Дарду бало кўзгуси топиб жило.

Чун солиб ул кўзгу аро тобу нур,
Ишқ юзига бериб андин зуҳур.

Доирани жуз бу сифат тузмайин,
Силсилани бир-биридин узмайин.

Бир-бирига бўйла тузуб мархала.
Силсилаға боғланибон силсила.

Айлади сокин кураи хокни,
Сойир этиб давраи афлокни.

Токи мухит ўрниға афлок эрур,
Маркази онинг кураи хок эрур.

Лутфи била борчаға мавжудлуқ,
Қахридин-ўқ бўлғуси нобудлуқ.

III

АВВАЛҒИ МУНОЖОТ
Ҳақнинг аввалиятидаким, хирад анга соний билмас, балки аввал ва охир эли сано десалар анга лойиқи соний топилмас ва мумкинот гулшанидағи гулларнинг адам шабистонидин вужуд гулистониға келмагининг сифати ва коинот бозоридағи дурларнинг хафо сахобидин зуҳур дарёсига тушганининг маърифати

Эй санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий ламъязал.

Не бўлуб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчаға Холиқ, бориға айн ўзунг.

Андаки бор эрди ниҳон бу жаҳон,
Балки ниҳон доғи жаҳондек ниҳон.

Не сочибон кун юзи барги суман,
Не кечанинг турраси мушки Хўтан.

Не очибон кўкда шафақ лолалар,
Не ёғиб анжумдин анга жолалар.

Не еру не ер юзида бир киши,
Не кўку не ғайри ситам ер иши.

Ҳусн ўти хангомафурўз ўлмайин,
Ишқ элига мояи сўз ўлмайин.

Ёрумайин шамъ ила кошонае,
Куймай анинг ишқида парвонае.

Жилваи ноз айламайин гул хануз,
Замзама чекмай анга булбул хануз.

Демаки наргис кўзи масти хароб,
Балки адам гулшанида масти хоб.

Хум боши муғ дайрида очилмайин,
Аҳли вараъ хирқа гарав қилмайин.

Ишва била муғбачаи майфуруш,
Зухд элини айламайин дурднўш.

Кўргузуб орому сукун бахри зот,
Мавж аён айламайин мумкинот.

Сен эдингу бас, яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунгга ўз ҳуснунг-ўқ.

Мазҳар ўлуб ҳуснунгга миръоти ғайб,
Жилва қилиб анда хаёлоти ғайб.

Нозир ўзунг эрдингу манзур ўзунг,
Ишқинга хуш, ҳуснунга мағрур ўзунг.

Бирлик эдию адасле йўқ эди,
Бирдин ўзга аҳаде йўқ эди.

Йўқ эди худ илминга ижмоли зот,
Монии тафсили шуюну сифот.

Лек ўшул чеҳраи ушшоқсўз,
Ким анга ҳар ламъадур офоқсўз,

Қилди мазоҳирда хаёли зуҳур,
Топқали ул ҳусн камоли зуҳур.

Жилваи ҳуснунгға чу йўқ эрди хад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.

Очти бу гулшанники рангин эрур,
Ҳар гул анга ойинаи Чин эрур.

Жилваи ҳусн ўлғали зоҳир анга,
Бўлди бу миръот мазоҳир анга.

Восита бу эрдики қилдинг тамом,
Кўкни тўқуз лавҳаи ойинафом.

Бўлди сафо важхида ҳар ахтаре
Кўзгу киби ҳуснунг учун мазҳаре.

Мехр юзин ойинаранг айладинг,
Юзда кусуфин анга занг айладинг.

Кўкни қилиб сафхаи мину киби,
Айладинг ул сафхани кўзгу киби.

Боғчасин дахрнинг эттинг назих,
Панжараси бўлди мусаддас гириҳ.

Сунъунг этиб конни муламмаъгуҳар,
Ҳукмунг этиб тоғни мурассаъкамар.

Топти ёғин риштаси чун бахри соф,
Эл илигин қилдинг анга хуллабоф.

Ел била чирмаштурубон тийра гард,
Чархдек эттинг ани гетинавард.

Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.

Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.

Турфа каломингға доғи комил ул,
Сирри ниҳонингға доғи хомил ул.

Кўнглига қилдинг чу яқин ганжи қисм,
Жисмини ул ганжга қилдинг тилисм.

«Каррамано» келди маноқиб анга,
«Аҳсани тақвим» муносиб анга.

маърифатинг ким қила олмай сифат,
Қилдинг ани орифи ул маърифат.

Илмиға ҳар зотни хайл айладинг,
Зотиға оламни туфайл айладинг.

Ё Раб, ўшул ганжки махрам анга,
Кимса эмастур, магар одам анга.

Айла Навоийни бурун одамий,
Ким бўла олғай бу ҳарам махрами.

Ончаки розингға амин қил ани,
Ҳарне қилурсен яна сен бил ани.

IV
ИККИНЧИ МУНОЖОТ

Махлуқот зеболарининг жилваи зуҳуридаким, холиқи ашё азамати

даргоҳиға ондин суде етмас ва мавжудот раъноларининг ҳодисаи футуридаким, воҳиди доно жабарути боргоҳиға кимса андин зиёнбуде тасаввур этмас

Эй бори мавжудға сендин вужуд,
Балки вужуд аҳлиға файёзи жуд.

Катми адамдин неки майжуд ўлуб,
Сожид ўлуб, сен анга масжуд ўлуб.

Кимки боши саждада - масжудисен,
Кинрки юзи қиблада - маъбудисен.

Мунчаки афлок сабуксанг эрур,
Ё кураи хок куханланг эрур.

Сендин алар жунбишу ороми ҳам,
Ўйлаки, ижоди ҳам, эъдоми ҳам,

Гунбади мино била тоқи сипеҳр,
Ким анга шамъ анжум эрур, шамса - меҳр.

Даркида қосир бўлубон хислари,
Чун кўрубон ақл муҳандислари.

Бўлмади юз ончаға меъморлиқ,
Санъатинг устодиға душворфиқ.

Ё десанг ул вазъға етсун халал,
Қахрингa бордур бу халал филмасал.

Тунд эл оллинда овуч хокдек,
Илдирим ўртасуда хошокдек..

Сарсари қсъхринг чу бўлуб кўҳкан,
Тоғ булут янглиғ бўлуб наъразан.

Соврулубон кўк бир этак кул киби,
Қўзғалиб анжум бит овуч гул киби,

Майл адам даштиға айлаб Зухал,
Пар бутуб эгнида нечукким жуал.

Қатъ ҳаётин кўрубон Муштари,
Тахтау тобути бўлуб минбари,

Тез этибон қатлиға Бахром тиғ,
Тортибон ўз ҳолиға ҳар дам данғ.

Бўйла қаро кун аро меҳри мунир,
Тийра бўлуб ўйлаки бир қурси қир.

Зухра ушотиб даф ила чангини,
Навха кўкида тузуб оҳангини.

Тийр илигида не қалам, не рақам,
Балки рақам ояти «Жаффал-қалам».

Аҳли адам шомиға зулматфизой,
Тахти шиои абадий ичра ой.

Ўт чекибон шуълаи бебокни,
Чуркабон анжум била афлокни.

Эл кўк ила ерни табоҳ айлабон,
Ўйлаки мазлумлар оҳ айлабон.

Баҳрға бир валвалау изтироб,
Ким тегиб ахтар юзига ҳар ҳубоб.

Ер қўпуб ўрнидин ўлуб ҳамлагард,
Ким итиб анда фалаки ложувард.

Одами ул дамда анингдек адам,
Ким бу дам одамда вафоу карам.

Ер тутубон авжу фалак тах тушуб,
Гаҳ бу чиқиб юқори, ул гаҳ тушуб.

Ўт қилибон бахрда ғаввослиқ,
Тоғ этибон чарх узра раққослиқ.

Чарх мисосида булутдек ғирев,
Девзада ўйлаки кўрганда дев.

Тоғу фалакларда тароқо-тароқ,
Борча тароқида аён алфироқ.

Бир неча дам борчаға бу рустахез,
Токи фано сарсари эсгунча тез.

Ул чу эсиб тоза ва гар худ кухун,
Бир дам аро «кона каан лам якун»,

Тенгри қолиб боқию дайёр йўқ,
Ёр муаббад бўлуб ағёр йўқ,

Арзу фалак йўқидину боридин,

Борчанинг ихфосию изҳоридин.

Не азамат ичра анга суд ўлуб,
Не жабарутиға зиёнбуд ўлуб.

Сўз «Лиманил-мулк» ўлуб ул дам анга,
Ким ангадур мулк мусаллам анга.

Ё Раб, агар етсам ўшул кунга жазм,
Ёки бурун айласам ул ёнға азм,

Ул нафас имон манга ҳамроҳ қил,
Кўнглум аро махви сивАллоҳ қил.

Раҳмати омингни нисор эт манга,
Лутфи амийминг манга ёр эт манга.

V
УЧУНЧИ МУНОЖОТ

Ул ма ънидаким, олам ва одамни вужуд кошонасидин адам фаро-мушхонасиға солмоқ вужуди мутлақдин ўзга вужуд тутмас ва бу маънини вужуд аҳли андин ўзга вужудқа мутлақо ёвутмас ва исён зулматида аёқдин тушганларга хулосаи олам шафоати дастгир дурур ва ул шафт ъ-шафоат қилғонларға холиқи олам ва одам шафоатпазир

Эй қилибон қахр ила лутфунг шиор,
Борни йўқ айламаку йўқни бор.

Йўқ эдилар ҳар неки - бор айладинг,
Фахму хирад бориға ёр айладинг.

Ҳам тўқуз афлокни чектинг рафеъ,
Ҳам кураи хокни ёйдинг васеъ.

Гар фалакиёту аносир дурур,
Борча саминқадр жавоҳир дурур.

Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бин бир гавриан оиий шот.

Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Қатрағача қулзуми заххордин,
Заррағача шамсаи заркордин.

Они мунга, муни анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб.

Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.

То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди мухайё бу улуғ коргоҳ.

Онча бўлуб вусъату оройиши,
Ким сари мў йўқ яна гунжойиши.

Борчасини бузмоқ агар истасанг,
Боштин-оёқ зеру забар истасанг,

Гарчи эрур ақл ҳаросон басе,
Ул доғи оллингдадур осон басе.

Чун қилибон қудратинг изҳорини,
Бирисининг қўймағунг осорини.

Эмдики жунбушқа келиб бахри жуд,
Зоҳир этарсен чу адамдин вужуд,

Кимки ҳисоб айласалар мавтидин,
Минг йилу ўн минг йил ўтуб фавтидин.

Қолабининг дафтари ажзо бўлуб,
Жузвлари лоятажаззо бўлуб.

Зоҳир ўлур «буъсира мо фил-қубур»,
Жилва қилур «ҳуссила мо фис-судур».

«Явмаизин мо халақаллоҳу фиҳ»,
«Явма яфиррул-маръу мин ахиҳ».

Не кун ўшул оҳу надомат куни,
Оху надомат не, қиёмат куни.

Аввалу охир эли зору асир,
Ҳар бир ўз аҳволиға тортиб нафир.

Бу чекиб ўз дарди учун вой-вой,
Йиғлаб ул ўз мехнатиға хой-хой.

Қайси фиғонким жазаи махшар ул,
Қайси йиғиким фазаи акбар ул.

Номалар эл оллиға паррон бўлуб,
Кўрмагидин эл юраги қон бўлуб,

Борчаси исён била бадхўйлуқ,
Бадхўйлуқ йўққи, сияхрўйлуқ.

Қизға ано боқмай, ўғулға ато,
Борчасининг оғзида «Воҳасрато!»

Ҳар сори журм аҳли гуруҳо-гуруҳ,
Юкианибон журмлари кўҳ-кўҳ.

Ҳар бин бир ҳайъати хойил била,
Боғланиб ағлолу салосил била.

Ҳам томуғ ўти солибон рустахез,
Кўрмагидин эл сўнгаги рез-рез.

Ҳам гули фирдавс бўлуб жилвагар,
Ҳасрати дўзах ўтидин ҳам батар.

Кун қизиғидин қилибон мағз жўш,
Кўкка чекиб аҳли қиёмат хурўш.

Кўпрук ўлуб ўйлаки тори хаёл,
Лек хаёлеки ул ўлғай маҳол.

Кучланибон панжау бозуйи адл,
Асрабон ойини тарозуйи адл.

Ҳокими одил бўлубон хукмрон,
«Дома лахул-мулк, ва лахул-хукму шон».

Авж тутуб шуълаи жабборлиқ,
Мавж уруб лужжаи қаххорлиқ.

Ҳам мутафаккир бўлубон авлиё,
Ҳам мутахаййир қолибон анбиё.

Ғайри набийи арабий ул нафас,
Ким бўлубон халқ шафиию бас.

Гоҳ Сирот устигача рўй уруб,
Лахзаи мезонға таку пўй уруб.

Солибон оғзига бийик химмати,
Замзамаи «уммати во уммати!».

Йўққи ҳамин уммати гумрпхни,
Балки тилаб мо халақаллоҳни.

Ҳарне таманноки расул айлабон,

Борчасини Тенгри қабул айлабон.

Бўлса не мақсудға майли анинг,
Ҳақдин ўлуб барча туфайли анинг.

Ё Раб, анинг хаққики қилдинг насиб,
Мартабаеким санга бўлди хабиб,

Ким бу сифат анжумани ғам аро,
Ғам демайин, мажмаи мотам аро,

Ким ани оламға шафеъ айлагунг,
Сўзига лутфунгни мутеъ айлагунг.

Боиғуси журм аҳлини истар замон,
Истамагию караминг тавъамон.

Умматидин келса бир ул навъ хайл,
Ким бориға бўлса жазо чоҳу вайл.

Умрида келмай биридин бир амал,
Ғайри хатоеки, топиб дин халал.

Жонлари андух ўтидин ғам аро,
Юзлари исён тутунидин қаро.

Истаса ул қавм халосини ҳам,
Кўзига учрат мени осийни ҳам.

VI

ТЎРТУНЧИ МУНОЖОТ

Карам дарёси васфидаким, иноят насимидин мавжға кирса, исён хасу хошокин қироғларға итурур ва кўҳи гуноҳдин лангар солғон-ларнинг гаронжонлиқ кемасин бир пари коҳдек мақсуд соҳилиға еткурур

Эй караминг оллида кўҳи гунох,
Элга учуб ўйлаки бир парри коҳ.

Нечаки жамъ ўлса сомон кўҳ-кўҳ,
Эл қошида анга не бўлғай шукуҳ.

Жумла жаҳон аҳли хато қилсалар,
Журм билан нома қаро қилсалар,

Номани оқ айламак осон санга,
Ким йўқ ўшул амрда нуқсон санга.

Тунки тузуб шуъбада хангомасин,
Қилди қаро аҳли жаҳон номасин.

Лутф қуёшиға чу бердинг зуҳур,
Меҳр ила қилдинг бори зулматни нур.

Чун санаме айлади эл кинидан,
Гулни ниҳон сунбули мушкинидин.

Элни қилиб чобуки бурқаърабой,
Кеча саводида аён қилдинг ой.

Афв чароғи қачон ўлғай ёруқ,
Қилмаса исён туни осий ёзуқ?

Журм ўтиға бўлмаса гар шуъла тез,
Абри карам қайда бўлур қатрарез?

Қилмаса олуда этак хирқапўш,
Ҳожат эмас баҳри иноятқа жўш.

Йиқмаса май айлабон элни асир,
Лутф илиги кимга бўлур дастгир?

Зуҳд ила қавмеки вараъ қилдилар,
Қилғон учун музд тамаъ қилдилар.

Ҳар амалеким киши хайр айлагай,
Коми буким равзада сайр айлагай.

Айламаган май била олуда лаб,
Тонгла қилур бодаи кавсар талаб,

Мунда жамил истамаган ҳеч кас,
Анда қилур ҳур жамолин ҳавас.

Гўшаи вайронани қилғон панoҳ,
Қасри мурассаъ тилар оромгоҳ.

Ҳар киши бир қатъи таматтуъ қилур,
Муздини юз онча таваққуъ қилур.

Аҳли вараъ гар бори музд олсалар,
Номасияҳ хайл боқиб қолсалар,

Айламагинг афви хато бас қани?
Баҳри карам бирла ато бас қани?

Лутфу карам баҳри лаболаб туруб,
Бир неча лабташнанинг оғзи қуруб.

Барчаларин ташналаб ўлтурмагинг,
"Ё бу тенгиз теграсидин сурмагинг,

Мумкин эрурму екин оё бу иш?
Айлагасен сен ҳар иш, илло бу иш!

Ҳар киши осию гунаҳкоррок,
Афв ила раҳмаиқа сазоворроқ.

Аҳли вараъ ажри бўлуб гар биҳишт,
Куйса томуғ ўтиға исёнсиришт.

Ул топибон равзани етса фароғ,
Дўзах аро бўлса мунга дарду доғ.

Лутфу карам ганжини неткунг дурур?
Кимга атою карам еткунг дурур?

Бир неча муҳтожу асиру гадо,
Юзлари силлийи гунаҳдин қаро,

Қойтса хони ниамингдин сенинг,
Ҳошо, лутфу карамингдин сенинг!

Хон анга ёйғилки эрур муштахи,
Тўқ эмас, ар эса бўлур мумтали.

Ўтса қуруб қолғон экиндин булут
Бахр уза ё асради ё ёғди тут.

Ансаб анга луқмаки, ул оч эрур,
Авли анга тўнки, ялангоч эрур.

Бу бори афсонаи бехудадур,
Кимки сен уммидисен - осудадур.

Ё Раб, урарда караминг бахри жўш,
Чексалар ул хайл фиғону хурўш.

Гарчи гунахнинг хаду поёни йўқ,
Айламасанг рахм ҳам имкони йўқ.

Чун чекибон лутф саропардасин,
Кечсанг алар кардау нокардасин.

Бўлса наво бирла бори муҳтарам,
Айлама маҳрум Навоийни ҳам.

Ермас анга хур ила жаннат ҳавас,
Сен анга бўлғилки, анга ушбу бас.

VII

АВВАЛҒИ НАЪТ

Ул ҳазратнинг нури қидамиятидаким зот баҳрининг аввалғи жунбушида ул дурри бебаҳо лам ъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржға интиқол етти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳға етти

Эй қилибон ламъаи нурунг зуҳур,
Андаки не соя бор эрди, не нур.

Нурунга тоб икки жаҳондин бурун,
Ҳарне йўқ ондин бурун, ондин бурун.

Зовияи жисмға ҳар зотдин,
Рух ёқиб шамъ бу мишкотдин.

Топти азал субҳи чу базминг чароғ,
Не тонг агар ёруса юз минг чароғ.

Бўлди санга Одам сабқатнамо,
Аввал ўғул, сўнгра гар ўлса ато.

Наслида ҳар ким анга пайванд ўлуб,
Борчаси фарзандинга фарзанд ўлуб.

Кимки мунга даъвийи ҳужжат етар,
«Кунту набийян» анга ҳужжат етар.

Ўзга далил истаса табъи сақим,
Басдурур Одамда «алиф», «дол»у «мими».

Борчаси Аҳмадда топиб иззу шон,
Ўғлида уч ҳарф атодин нишон.

«Ҳо»и муҳаббат анга-ўқдур насиб,
Ким сени ҳақ дэди ўзига ҳабиб.

Ҳар неки ҳақ важҳи аро мубҳам ул,
Зоҳир етиб юзда ҳабиби ҳамул.

Шоҳид етиб чеҳра бу кўзгу анга,

Ул не қилиб, кўргузубон бу анга.

Айлади чун одами хоки зуҳур,
Солди анга партавин ул пок нур.

Нур дема, борикаи сармадий,
Борика йўқ, шаъшааи Аҳмадий.

Бўлди чу Одамда бу партав ниҳон,
Анда ниҳон, лек юзида аён.

Егнига ёпилди давожи шараф,
Қилди макон бошиға тожи шараф.

Тахти рисолат уза шоҳ ўлди ул,
Хайли малойикка паноҳ ўлди ул.

Истади Ҳавво била чун иттисол,
Айлади Ҳаввоға бу нур интиқол.

Поку жамил айлади Ҳавво юзин,
Ўйлаки ҳақ нартави ҳавро юзин.

Шисқа чун бўлди яна мунтақил,
Ойни қилур ерди юзи мунфаил.

Риштасидин чун бу гуҳар бўлди кам,
Бир садаф ўлди яна гавҳаршикам.

То атодин ато, анодин ано,
Бир ано ким йўқ эди андоқ яно.

Бўлди рисолат дурининг махзани,
Балки нубувват гулининг гулшани.

Бўлғач-ўқ ул дурға садаф пардапўш,
Тушти жаҳон баҳриға жўшу хурўш.

Эмдики раф этти юзидин ниқоб,
Туғмади андоқ яна бир офтоб.

Ғам тунини нурсиришт айлади,
Ер юзини боғи бихишт айлади.

VIII

ИККИНЧИ НАЪТ

Анинг наврас ниҳоли жаҳон гулшанин сарсабз қилиб, қирқ йилғача андин ҳаё ва адаб гуллари очилиб, андин сўнгра нубувват меваси

бергани, доғи шох ва баргин сидра шохидин ўткариб, икки олам аҳлининг сояи раҳматиға киргани

Эй кўрунуб ғурра киби тифлзод,
Тифли рахинг чархи қадимийниҳод.

Инсу малак жонию жононаси,
Икки жаҳон гавҳари якдонаси.

Маҳд санга лавҳаи фирузаранг,
Ким ҳаракатдин анга бўлмай даранг.

Сен киби бу гулшан аро тоза вард,
Умрида кўрмай фалаки солхўрд.

Сурат аро тифл, вале ақли кул,
Қавлунг аро ғайри яли лам-яқул.

Ахтаринг ул тунки, тулуъ айлабон,
Чарх саломиға рукуъ айлабон.

Куфр бийик тоғиға солиб шикаст,
Ерга бўлуб паст буту бутпараст.

Маккада дин аҳлиға мукнат бўлуб,
Уззо ила Лотқа узлат бўлуб

Мухталиф аҳвол ўлуб аҳли қурайш,
Баъзи ўлуб ғамзада, баъзида айш.

Гар отадин йўқ эса бахранг не тонг,
Одам ўғул бўлса, ким ўлғай отонг?

Гавҳари зотингға садафсиз не бим,
Итти садаф, чиқти чу дурри ятим.

Дурға шараф бор ўзининг зотидин,
Тонг йўқ анга ор садаф отидин.

Гарчики минг дур чиқорур бир садаф,
Бир дур ила минг садаф айлар шараф.

Итса қалам қайда ғам ўлди санга,
Чунки жаҳон яккалам ўлди санга.

Хаттинга бош қўйди Ажам то Араб,
Тутмасанг илгинга қалам не ажаб.

Ўпмади илгингни чу нолон қалам,

Мотамий айлабтур они бу алам.

Ким юзин айлаб қаро ғамнок эрур,
Шаққи эмаским, ёқоси чок эрур.

Тутмоғонинг андин эди хомани,
Ким ул етибдур қаро кўп номани.

Нома қаро қилғали бўлдик сареъ,
Номасияҳларға чу сен-сен шафеъ.

Эй ёвумай номаға хоманг сенинг,
Хома йўқу ҳақ сори номанг сенинг.

Ҳақ азалий раҳмати жовиди сен,
Нома қаро қилғон ел уммиди сен.

Кимки амал номасин айлаб қаро,
Сен кириб онинг қаро жони аро.

Кимники гумраҳ қилибон толии,
Жодаи шаръинг ўлуб шории.

Зулмати куфр улки бўлуб жамъ анга,
Ҳар «алиф» исломинг ар6 шамъ анга.

Барча милалға чу юраб ҳимматинг,
«Лом» ила «те» дин лат уруб миллатинг.

Лотки андин эди динга бало,
Сен ушотиб поясини бўлди ло

Куфр елига улки бор ерди Манот,
Бўйнини сен синдурубон бўлди мот.

Куфр бошин кестинг етиб қаҳр фош,
Бошиға фар қолмади, жисмиға бош.

Хаста Навоий сори наззора қил,
Куфр анониятиға чора қил.

Эт бу иноят била ҳосил ани,
Зумраи ислом аро дохил ани.

X
ТЎРТУНЧИ НАЪТ

Ул рисолат сипеҳрининг рифъатида ва барча оламни сипеҳрдек ихота қилғон қудратида ва ашоби бобидаким ҳар бирига ул сипеҳрда бир кавкаби рахшандалиқ содиқ дурурки, «Асҳоби кан-нужум» бу мазмунға нотиқ дурур

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,
Рухи қудус нутқунга ҳамроз ўлуб.

Гоҳи такаллум санга муъжиз калом,
Назми каломинг бори муъжиз низом,

Нукта фасоҳатда мунаққах санга,
Шоҳиди даъво: «Ана афсаҳ» санга.

Сиххати хукм ичра хадисинг сахих,
Арзи фасоҳатда каломинг фасих.

Нутқ аро чун зоҳир ўлуб муъжизинг,
Аҳли фасоҳат бўлубон ожизинг.

Зотинг ўлуб бахри жавоҳирнишон,
Сўз аро бахринг кафи гавҳарфишон.

Каф неки, баҳре бўлуб ул панж шох,
Этти ҳубоб ул сувға бу етти кох.

Хамса салотингға чу навбат бўлуб,
Панжаи исломға қувват бўлуб.

Куфр қўлу панжасини ранжа бил.
Боис анинг ранжиға бу панжа бил.

Фақр аро ул панжа қабул этти ранж,
Лек ҳақиқатда эрур панж ганж.

Панжаи ислом чу махкам солиб,
Куфр ети қўрғонидин хумс олиб.

Дема илик, тиғеки бир бормоғи,
Ойни ики бўлди ишорат чоғи.

Тонг эмас ар ул кафи муъжизнамой,
Қилғач ишорат ики айрилса ой.

Ноқаси эр узра чу рафтор этиб,
Ҳар изи «Шаққал-қамар» изҳор этиб.

Амри этиб нахл қадин хуш хиром,
Ўйлаки қилғай бути саркаш хиром.

Хасмидин ўлғонда анга парда ғор,
Оғзида ўргамчи бўлуб пардадор.

Айламасун деб эл ила парда сайр,
Байзасидин тугма тоқиб анда тайр,

Пардаси жон риштасидин тор ўлуб,
Тугмалари гавҳари шахвор ўлуб.

Қўйди чу ул дом ила илл дона ғор,
Кўрки не давлат қушин этти шикор.

Ғорда ёри била ул тезхуш,
Тоғ ичида ўйлаки олтун-кумуш.

Куфр чу эълойи ливо айлабон,
Нусрат учун динға дуо айлабон.

Ким ики тандин бирин эт тожвар,
Бири Абу Жахлу бириси Умар.

Қисмати аввалғининг ўлди азоб,
Бўлди икинчида дуо мустажоб.

Буки каломуллоҳ ангадур насиб,
Ким йўқ анга муъжиза андин ғариб.

Сура дема, «қоф» ила «нун» ёки «сод»,
Яъниким ҳар ҳарфиға онинг савод.

Сунбулидек борча паришон эди,
Жомиъ анга жомии Қуръон эди.

Маккани чун қилди жудо дайрдин,
Тиғ суйи бирла юди ғайрдин.

Бўлди вале манзарадин бутфикан,
Сўнгра наби Ҳақ эвида бутшикан.

Наълини гар тожи шараф қилди Арш,
Қилди Али наълиға эгнини фарш.

Рух эди ул бахри нубувват дури,
Тўрт рафиқи танининг унсури.

Нақди киромий улу тожир анга,
Водийи хижратда мухожир анга.

Динға етиб рахна чу куффордин,
Саддиға нусрат кўруб ансордин.

Аҳлию авлодию атбоиға,
Олию ахфодию ашъёиға

Тенгри таоло карамидин қарин,
Юз тухафи "Раҳмат ила явмид-дин".

XI
БЕШИНЧИ НАЪТ

Меърож кечаси таърифидаким, каримаи: «Субҳоналлазий асро» анга мусаддақ дурур ва «биабдиҳи лайлан минал-масжидил ҳароми илал-масжидил-ақсо» анинг субутиға икки гувоҳи содиқ

Бир кеча зулматқа қолиб коинот,
Мехр ниҳон ўйлаки айнул-ҳаёт.

Гарчики ул чашма назардин қочиб,
Хизр кўк узра қатаротин сочиб.

Тун қилибон гардини анбарсиришт,
Бутратибон ерга насими бихишт.

Ер куравий шакл ила мижмар бўлуб,
Кеча саводи анга анбар бўлуб.

Ўт киби ер мижмари остида меҳр,
Ёпиб этак мижмара узра сипеҳр.

Ёғибон орому сукун ёғини,
Паст қилиб ҳодиса туфроғини.

Бу кеча ул сарви гулистони унс,
Равшан этиб шамъи шабистони унс.

Васл хаёлидин этиб кўнгли жўш,
Бахрдек ул жўш ила айлаб хуруш,

Ким етиб ул сойири улвий мақом,
Илгида бир тойири улвий хиром.

Пўяда кўк сайрича ором анга,
Ердин ўлуб кўккача бир гом анга.

Қосиди кудсий чу салом айлабон,
Ҳақ соридин арзи паём айлабон.

Дебким, аё махзани асрори шавқ,
Ҳақдин эрур васлингга изҳори шавқ.

Чунки набий муждаи жонон топиб,
Муждаи жонон чу топиб жон топиб.

Пайки ани қўлдабон отлондуруб,
Рахшини келган сори-ўқ ёндуруб.

Сойир ўлуб рокиби фаррухжамол,
Тойир ўлуб маркаби фархундафол.

Гарди била бораи суръатнамо,
Эткурубон ақл кўзига амо.

Ул махи шабгард бўлуб жилвасоз,
Жилвагаҳи борча шабистони роз.

Чун етибон кўк сон тавсан анга,
Ой бўлубон ўтгали равзан анга.

Тийри қаламзан чу топиб ул шараф,
Буқаламунлуғни қилиб бартараф.

Зухра тараб барбатини соз этиб,
Замзамаи тахният оғоз этиб.

Соясидин меҳр чиқармай жамол,
Тахти шуў ичра нечукким ҳилол.

Мехрида Бахромки якрў бўлуб,
Тиғи шараф юзига кўзгу бўлуб.

Мавкибидин поя топиб Муштари,
Йўлида бир поя бўлуб минбари.

Шамъи Зухал зулматини нур этиб,
Зангийи шабрангни кофур этиб.

Ҳам Ҳамалу Савф бериб жоҳ анга,
Жон этибон иккиси қурбон анга.

Ҳам тонгибон оллида Жавзо камар,
Ҳам Саратон туз бўлубон жилвагар

Шер йўлидин тутубон гўшае,
Сунбула рахшиға бўлуб тўшае.

Палла йўли гардидин иксирсанж,.
Ақраб аро нўшу даво, нишу ранж.

Қавс тутуб чилла дуоси учун,
Жадй бериб фулла ғизоси учун.

Далвға Юсуф киби солмай назар,
Ҳутда Юнус киби қилмай мақар.

Эл киби чун қатъи буруж айлабон,
Арш фасилиға уруж айлабон.

Фарши бўлуб Арш ила Лавху Қалам,
Қўймоқ учун рахши аларға қадам.

Рафраф уза пўя қилиб чун кушод,
Ҳамраху рахравға этиб хайрбод.

Қолмади йўлида чун асло макон,
Қилди макон бодияи ломакон.

Олти жиҳат қайдидин ихрож ўлуб,
Тўрт гуҳар тарки анга тож ўлуб.

Йўқлуғ аёғи била солиб қадам,
Андаки ёиу қадам ўлуб адам.

Ўзлугидин нақшу намудор йўқ,
Нақшу намудоридин осор йўқ.

Чун ўзини айлаб ўзидин халос,
Пардаи иззатда қилиб ўзни хос.

Анда етиб гум бўлубон ўтруси,
Ҳар неча кўз солса, бақо кўзгуси.

Чун бўлуб ул кўзгуда суратнамо,
Кўзгусидин ташқари қолғон фано.

Ахтариға чун етибон мунча авж,
Зоҳир ўлуб бахри иноятқа мавж.

Ҳақ тилидин умматин истаб тамом,
Ҳақдин ўлуб борча муродиға ком.

Ҳамрах анга қолаби хокинасаб,
Гар десалар бор эди йўқтур ажаб.

Ким тан анга боштин-оёқ жон эди,

Жони доғи восили жонон эди.

Икки жаҳон раҳматини қозғониб,
Ҳар нимаким қозғониб, олиб ёниб.

Равшан ўлуб юзидин ул боргоҳ,
Сурма қилиб гардини бу коргоҳ.

Ғунча бориб, тоза гулистон келиб,
Зарра бориб, меҳри дарахшон келиб.

Борғонию келгани бир он ўлуб,
Ақл бу мансубада хайрон ўлуб.

Қайда хавориқ била муъжиз дурур,
Ақл анинг идрокида ожиз дурур.

Боғону келган анга жузви сағир,
Ким эмас ул жузв тажаззипазир.

Қатъ бўлуб чун бу ҳумоюн сафар,
Рухсат олиб ҳодийи фархундафар.

Тахт уза олам шаҳи айлаб мақом,
Олам ишига берибон интизом.

Шаръи тили нома баёзин ўқуб, Тиғи
суйи куфр саводини юб.

XII

Ҳазрати Шайх Низомий мадҳидаким, назм
мулкида зўрбозу сарпанжаси била панж ганж
нуқуду жавоҳирин олди ва   Амир Хусрав
та ърифидаким, бу жавоҳир ва нуқуд тамаидин
панжа анинг панжасиға солди

Хайли фасоҳат бошининг афсари,
Ганжи яқин афсарининг гавҳари.

Кони фазилат гуҳариға амин, Баҳри
балоғат аро дурри самин.

Хилватининг каҳгили анбарсиришт,
Тўрт ҳади зимнида секкиз биҳишт.

Гарчи кўнгул кулбасидек мухтасар,
Икки жаҳон анда бўлуб жилвагар.

Масжиди қандили сипеҳри асир,
Шуъла бу қандил аро меҳри мунир.

Каъба уйидин бир очуқ боб анга,
Сажда чоғи ҳайъати меҳроб анга.

Ганжа ватан, кўнгли анинг ганжхез,
Хотири ганжуру тили ганжрез.

Фикрати мизони бўлуб хамсасанж,
«Хамса» дема, балки дегил панж ганж,

Каффаи мизон анга афлок ўлуб,
Ботмони тоши кураи хок ўлуб.

Тортса юз қарн хирад хозини,
Чекмагай онинг кўпидин озини.

Хони латойифқа сўзи мунқасим,
Дурри маонийға тили мунтазим.

Нозим ўлуб сўз дури серобиға, Чарх
«Низомий» ёзиб алқобиға.

«Қуддуса сирруҳ» - не маонидир ул,
Руҳи қудус файзи нишонидур ул.

Отики беш ҳарф қилурлар хитоб,
Минг бир эрур айласанг они ҳисоб.

Ушбу адад бирла оти гавҳари,
Ҳақнинг ўлуб минг бир оти мазҳари.

Мазҳар етиб чун алифин исми зот,
Ўзга адад ҳарфини исми сифот.

Дурларидин ер юзи мамлу бўлуб,
Балки фалак дуржлари ҳам тўлуб.

Чун қилибон сўз юзи оройишин,
Қўймай ел оройиши гунжойишин.

Ғайри ҳамул ҳиндуйи чобуксувор,
Ким чиқариб хаҳжари ҳиндий иёр.

Ханжарининг барқидин ўт чақилиб,
Рахши дағи тезлик ўтча қилиб.

Қай сари ўтдек юз уруб тунду тез,
Солибон ул кишвар аро рустахез.

Ушбу мамоликдаки маъмур эди,
Қилди тасарруф неки мақдур эди.

Ҳундуи чобук демаким, ройи ҳинд,
Килки учи мамлакаторойи ҳинд.

Назми саводи аро ҳар достон,
Ўйлаки, бир кишвари Ҳиндустон.

Ганжа шаҳи ганжфишон, пайрав - ул,
Шаҳ бу сўз иқлими аро, Хусрав - ул.

Хусрав ўлуб мулк етиб обод ҳам,
Ёлғузи Хусрав дема, Фарҳод ҳам.

Ранж тоғин қозмоқ анинг пешаси,
Тоғи анинг назму тили - тешаси.

Ишқ ўти оташгаҳи жони анинг,
Ғам тенгизи ашки равони анинг.

Шамъ киби базм фурузанда ул,
Базм фурузандау сўзанда ул.

Ганжа қуёшики, кўтаргач алам,
Айлади сўз мамлакатин яккалам.

Бўлмади бир мулк сари кинахоҳ,
Ким бу доғи чекмади ул ён сипоҳ.

Бир май ила бодапараст ўлмади,
Ким бу ҳам ул май била маст ўлмади.

Қайси шабистонғаки, ул қилди азм,
Базми ерида бу доғи тузди базм.

Ул безабон «Махзани асрор»идин,
Бу ёрутуб «Матлаи анвор»идин.

Маснави услуби мусаллам анга,
Пайраву монанд бу бир ҳам анга.

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ
ҳавас, Сарву гул ўтрусиға келтурди
хас.

Бир кишидин ўзгаки, андоқ   киши,
Бермади ёд эски фалак гардиши.

XIII

Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадда зиллахул-олий васфиким, васфға сиғмас ва таърификим, таърифға рост келмас ва ул хазрат илтифотининг қуёши бу хоксори тийра ро ъзгор ҳолиға партав солғонининг изҳори ва ул қуёш тарбиятидин бу туфроққа зоҳир қилған гули насрин, балки гуногун раёхин осори ва «Тухфат ул-ахрор»   тухафи мутолаасидин маҳзун ко ънгул тараби ва «Ҳайрат-ул аброр» лаоли ва жавоҳирин назм риштасиға тортмоқнинг сабаби

Улки букун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.

Кўкси хақойиқ дури ганжинаси,
Кўнгли маоний юзи ойинаси

Олий анга етти фалакдин маҳал,
Этти фалак мушкили оллида хал.

Мадрасаи Қудс анинг маъмани,
Хонақахи унс анинг маскани.

Жилвагаҳи гулшани чархи барин,
Обхўри чашмаи айнул-яқин.

Қасри каломи чиқиб андоқ баланд,
Ким анга гардун сола олмай каманд.

Анда шаётин хасиға йўқ сабот,
Баски уруб хайли малойик қанот.

Гухбадийи ҳужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки кўкгунбази ичражаҳон.

Қайси жаҳон, олами кубро дегил,
Қудрати Аллоҳу таоло дегил.

Хирқа анинг, жисмида қаптон бўлуб,
Қаптони тан, жисми анинг жон бўлуб.

Хирқа била топмағани ихтисос,
Танни риё тўнидин этмак халос.

Чунки таважжухда қуйи солса фарқ,
Сойири равшан равиш андоқки барқ.

Сайрдаким чархни айлаб хижил,
Тай қилибон арз «Катаййис-сижл».

Вақти қуёшин чу қилиб пардапўш,
Килки қаро абрдек айлаб хуруш.

Парда ясаб холати пинхон учун,
Сафха ёзиб сатр ила китмон учун.

Зулмат этиб жамъ давоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Қатрасидин кимки бўлуб комёб,
Умри муаббад қилибон иктисоб.

Назми ақолими жаҳонни тутуб,
Насри доғи кишвари жонни тутуб.

Файзи гадову шах аро мунташир,
Хизматига шоҳу гадо муфтахир.

Лек манга оллида ажзу ниёз,
Борча улусдин берибон имтиёз.

Мехридин офоқ аро гар нурдур,
Зарра анинг меҳрида машҳурдур.

Қуш кўп ўлур боғ ҳаримиға хос,
Булбул ила гулга бўлур ихтисос.

Номағаким роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин.

Мехр тулуъ айлади чун тоғ уза,
Тушти бурун партави туфроғ уза.

Гулбун уза ҳарне гул очти чаман,
Аввал анинг ҳамдами бўлди тикан.

Базмда бир кун юзидин нур эди,
Ҳар соридин нодира мазкур эди.

Тушти чу рахрав била пайравға сўз,
Этти Низомий била Хусравға сўз.

Ким не сифат олам аро солди шайн,
Иккисининг хомасидин хамсатайн.

Лек бу ўн турфаки, топмиш жамол,
Икки бурунғисида бор ўзга хол:

Гавҳаре йўқ «Махзан ул-асрор» дек,
Ахтаре йўқ «Матлаъ ул-анвор»дек.

Ўзга санамлар ҳам эрур жилвасоз,
Борчасининг ҳуснида зеби мажоз.

Ул икисидин бири гавҳарфишон,
Гавҳарида нури яқиндин нишон.

Ул бириси доғи бўлуб нурпош,
Нури аро партави тахқиқ фош.

Нукта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Бўлса ҳақиқат гуҳаридин йироқ,
Ришта сўзин сўзламаган яхшироқ.

Риштаға чун зоҳир эрур тору пуд,
Дурсиз анга ранги-ю нақши не суд?

Ўтти чу алқисса бир ой, икки ой,
Бир кун ўлуб, бахту хирад рахнамой.

Хидматин эттимки, таманно эди,
Тлгида кўрдум неча аизо эди.

Кулгу била қилди ишорат манга,
«Тўхфа» била берди башорат манга.

Ким олибон боштин аёғиға боқ,
Қил назар авроқиға боштин-аёқ.

Оллиға жон нақдини сочтим равон,
Олдиму ўптум, доғи очтим равон.

Боштин-аёқ гавҳари шахвор эди,
Қайси гуҳар, «Тухфат ул-ахрор» эди.

Наф топиб кимки бўлуб мустафид,
Мухтасар ул иккидин, аммо муфид.

Ул икини топса бўлур мунда-ўқ,
Мунда тухаф кўпки, ул иккида йўқ.

Шавқида кўксумни шикоф айладим,
Жилдиға кўнглумни ғилоф айладим.

Чун ўқумоқ замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдаға солди ҳавас,

Ким бу йўл ичраки алар солди гом,
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.

Форси ўлди чу аларға адо,
Турки ила қилсам ани ибтидо.

Форси эл топти чу хурсандлик,
Турк доғи топса барумандлиқ.

Ул икига фотиха ўқуб сўруб,
Фотиха бу бири манга еткуруб.

Ботин ила қилмаса ул икки рад,
Зоҳир ила бу бири қилса мадад.

Менки талаб йўлида қўйдум қадам,
Бордур умидимки, чу тутсам қалам,

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,
Қўлдаса, Хусрав била Жомий қўлум.

Нукта сурудида раво бўлмағай,
Буки Навоийға наво бўлмағай.

Элтса жоҳ аҳлиға муфлис панох,
Топса қабул ул ҳам ўлур аҳли жоҳ.

Мушкка ҳаргиз теридин ор эмас,
Лаълға ҳам хорадин озор эмас.

Боғи аносирки, эрур дилкушой,
Жадвали девори анинг чордой.

Бўлса ўту суву ҳаво дилпазир,
Ул аро туфроқ ҳам эрур ногузир.

Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.

Бўлса хазу атласу иксун либос,
Ит жули қилмоққа ярар ҳам палос.

Лаъл ила ёқуту дур истар баҳо,
Лек сомонни чекар кахрабо.

Уч қадахи соф ила шах бўлса хуш,
Лойи доғи қолса чекар дурдкаш.

Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипига боғладим.

Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам.

Кахфи бақо ичра алар боиса гум,
Мен ҳам ўлай "Робиухум калбухум".

XIV

Сўз таърифидаким, башар вужуди сипеҳрининг кавокиби жаҳонтоби ва инсон зоти маъданининг жавоҳири сероби дурур ва саъд кавкабламинг бир-бири бирла қирони яхши асар кўргузуридин ва самин жавҳарламинг бир-бирига иқтирони дилпазир ко ърунуридин, назм таркибин наср тартибиға таржих қилмоқ

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Тўрт садаф гавҳарминг дуржи ул,
Этти фалак ахтарининг буржи ул.

Боғчаи дахрки юз тоза гул - Топти
қаёнким назар этти кўнгул.

Катми адам гулшани ичра нухуфт,
Ғунчалар эрди бориси ношукуфт.

Чун бу насим эсти азал тоғидин,
Мунча гул очилди жаҳон боғидин.

Қайси насим улки эрур гулфишон,
Барги гулу настаран андин нишон.

Бу икки яфроғни қачон зуфунун,
Бир-бирига қўйса бўлур «кофу нун».

Дахр муқайяд била озодаси,
Борча эрур «коф» ила «нун» зодаси.

Зодасидин зода бўлуб беадад,
Зодага ҳам волид ўлуб, ҳам валад.

Васф не навъ ўлғай анга эл сўзи,
Ҳарне сўз айтилса эрур чун ўзи.

Жон ўлуб ул, рун анинг қолиби,
Ким танида руҳ, анинг толиби.

Борча кўнгул дуржи аро жавҳар ул,
Борча оғиз ҳуққасида гавҳар ул.

Гар худ эрур ханжари пўлод тил,
Суфтидоғи инжулари сўзни бил.

Тил бу чаманнинг вараqи лоласи,
Сўз дурариdин бўлубон жоласи.

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Рух доғи тан аро сўздин халок.

Тиргузуб ўлганни каломи фасих,
Ўзига жонбахш лақаб деб Масих.

Боис ўлуб шах сўзи бедодга,
Тухмат ўлуб ўртада жаллодга.

Сўздин этиб ўтға азимат Халил,
Сўз юкига хомил ўлуб Жабраил.

Тенгрики, инсонни қилиб ганжи роз,
Сўз била ҳайвондин анга имтиёз.

Ғунча оғизлик санами нўшлаб,
Сўздин агар айласа хомўш лаб.

Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.

Сурат ила бўлса махи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса.

Айламаса ғамзани новакфикан,
Қилмаса кирпик сафини сафшикан

Бўлмаса ғоратгару танноз ҳам,
Чин била ҳусн ўлса анга ноз ҳам.

Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх хадис ўлсаву ширин жавоб.

Фитна қилиб, ваъдау пайғом ила,
Ақлни маст айласа дашном ила.

Кўргузубон лоба малоҳат уза,
Лобаси туз сепса жароҳат уза,

Ким экин ул шуълаға ёқилғучи,
Ё бу жароҳатқа даво қилғучи.

Гар бўлубон ҳусн ила обидфиреб,
Бўлса малоҳат била ҳуснига зеб.

Ойтса бу ҳусну малоҳат била,
Нуктани ойини фасоҳат била.

Солғуси жинси бани одамға ўт,
Не бани одам, бари оламға ўт.

Ҳар дам етиб елни ҳалок ўртагай,
Балки башар хайлини пок ўртагай.

Базмда ҳар мутриби дастонсаро,
Чекса тараннум била дилкаш наво.

Нақшда ҳар неча талоло дэса,
Ё амал ичра танадирно дэса.

Борчасидин ҳаз етар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.

Ё бу наво зимнида асраб маҳал,
Чекса Навоий сўзидин бир ғазал.

Ким анга алфоз ўлуб оташфишон,
Берса улус кўнглига мунгдин нишон.

Базмда ул лаҳза алолони кўр,

Кўйи харабот аро ғавғони кўр.

Кўрки нечукдур ёқо чок айламак,
Ўзни фиғон бирла ҳалок айламак.

Донау дур сўзини афсона бил,
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил.

Мунчаки шарҳ етти қалам сўзга ҳол
-Насридадур, назмида бор ўзга ҳол.

Сўз аро ёлғон киби йўқ нописанд,
Айлар анинг назмини доно писанд.

Ўрнида тишлар дури манзум эрур,
Чун сочилур қиймати маълум эрур.

Варду шажар шоҳид эрур боғ аро,
Лек ўтун силкидадур тоғ аро.

Мунда паришонлиғи нохуш қилиб,
Анда мураттаблиғи дилкаш қилиб.

Навъи башар бошиға Рабби Ғафур,
Қўйди тавофут била тожи зуҳур.

Шоҳки, гулшанни бисот айлагай,
Базм тузуб, азми нишот айлагай,

Ҳар киши ўз пояси бирла мақом -
Тутса эрур анжуман ичра низом.

Эмдики май зойил етиб ҳушни,
Шаҳ ёниға тортти човушни.

Қуи бег ила тузди узун можаро,
Қайда ҳаловат яна ул базм аро?

Арсада шатранжни улким тўкар,
Неча йиғоч порасидурким ўкар.

Чунки биров ўлтурубон ҳар тараф,
Терса бисот ичра ани икки саф.

Ҳар ён ики саф ики мисраъ киби,
Тўрт саф ўлса, ики матлаъ киби.

Ҳар бири бир турфа муаммо бўлуб,
Отлар анинг зимнида пайдо бўлуб.

Фикри саҳиҳ елга бисотида от,
Қилса паришонлиғ ўлуб анда мот.

Дафтари назмида чу шерозадур, Гул
вараќи гулшан аро тозадур,

Узди чу шерозасини дафтари,
Эл учурур ҳар варақин бир сари.

Назм анга гулшанда очилмоғлиғи,
Наср қаро ерга сочилмоғлиғи.

Бўлмаса еъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.

Назмда ҳам аси анга ниаъм ууиуи,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур.

Назмки, маъни анга марғуб эмас,
Аҳли маоний қошида хўб эмас.

Назмки ҳам сурат эрур хуш анга,
Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Ё Раб, ани халқ дилафрўзи эт,
Хаста Навоийға доғи рўзи эт.

Бир неча сўз ул маънидаким, сўздаги таъни жоне дурурким, сўз қолиби онсиз қолибе дурур жонсиз ва ани топмоқ ишини киши билмас, балки ани топқон киши топилмас ва аҳли газоф ноинсофлиғиға мунсиф бўлмоқ, балки ўз газофиға инсоф бериб, аларнинг узрини қўлмоқ

Ул киши сўз бахрида ғаввос эрур,
Ким гуҳари маъни анга хос эрур.

Файз ҳаримида тажалли анга,
Ким ёрубон машъали маъни анга.

Сўз майини ул киши ошом этиб,
Ким дури маъни садафин жом этиб.

Рух сафолик не ажаб роҳдур,
Тийра кўнгул кунжига мисбоҳдур.

Лаб-балаб ул май била хуми сипеҳр,
Оғзидаги кирпич анга хишти меҳр.

Ғарқа анинг бахриға алуи жаҳон,
Кўздин этиб они латофат ниҳон.

Қатрасини ҳар киши нўш айлабон,
Нашъасидин хум киби жўш айлабон.

Нечаки файзи била олам тўлуб,
Қатрае бахридин анинг кам бўлуб.

Менки, бу май нашъасидин маст мен,
Дайри фано аҳлиға ҳамдаст мен.

Андоқ эрур гарм димоғим менинг,
Ким ёқиб ул шуъла чароғим менинг.

Гарчи етиб жоми хидоят манга,
Сўзда сукут ўлди бағоят манга.

Лек бирор вақт бориб ихтиёр,
Май илигимдан чиқориб ихтиёр.

Арсаи оламға сабодек бориб,
Мехрдек ободу бузуқ ахториб.

Илгима тушмай бори офоқ аро,
Балки тўқуз чархи кўҳан тоқ аро.

Ўйла ҳарифеки, чу базм айласам,
Ичгали бу бодани азм айласам.

Назм бийик маснадида ўлтуруб,
Оллима назм аҳли туман минг туруб.

Базмда шоҳона ясаб созу барг,
Бошим уза эгри қўюб нимтарг.

Сўз майидин оллима дарёйи жарф,
Илгима заврақ киби жоми шигарф.

Ҳар нафас айлаб тўла ул жомни,
Сипқориб ул бодаи гулфомни.

Турк суруди била солиб қўлум,
Қилсам адо хай тулугум, хай тулум.

Ул қила олмаса ҳамовозлиқ,
Қилса аёлғу била дамсозлиқ.

Бўлмаса бир жомим ичар журъати,
Бўлса бирор журъа чекар қуввати.

Базми муродимни сипеҳри баланд,
Қилмади бу тухфа била аржуманд.

Йўқ эди эркинму бурун ҳам киши,
Ким бу май ичмак эди эркин иши?

Ё бўлубон борчаси азм эттилар,
Базмға мен етмас экач кеттилар.

Манга бу бекаслик эмас эрди бас,
Ким чиқибон ҳар сари бир ҳечкас.

Табъкажу борча такаллумнамой,
Нағма чабу борча тараннумсарой.

Англамайин сўзда туюқ бахрини,
Қайси туюқ, балки қўшуқ бахрини.

Лафзлари бемаза, таркиби суст,
Носара маънию адо нодуруст.

Борчасиға даъвийи маънийи хос,
Хосларим топмай алардин халос.

Равзаи назм ўлғали рангин манга,
Ҳарне йўлуқти санами Чин манга.

Бор эди машшотаи табъим иши,
Бермак алар ҳуснининг оройиши.

Шона ураб сунбули гусусиға,
Сурма чекиб наргисижодусиға.

Қон ёш ила оразини ол этиб,
Юзида кўз мардумини хол этиб.

Лафз либосин тикиббн ранг-ранг,
Киймак учун ул санами шўху шанг.

Кийдурубон хуллаи мавзун анга,
Зевар этиб юз дури макнун анга.

Қилсам этиб боштин-аёқ жон ани,
Ҳажлаи ноз ичра хиромон ани.

Чун анга бу хайли жафогар етиб,
Ҳуллаларин ғорату торож этиб.

Жисмида не нулла қўюб, не ҳарир,
Ўзини бедод ила айлаб асир.

Зоҳир этиб йиғлагудек хол анга,
Кийдурубон эски қаро шол анга.

Турфа буким, шеър қўюб отини,
Эткурабон кўкка мубоҳотини.

Турфароқ улким, тониримни билиб,
Ҳақдин уялмай, манга зоҳир қилиб.

Вахки, манга жилвагар айлар чоғи,
Истабон эҳсон доғи, тахсин доғи.

Кўнглума кўп тиғи жафо урдилар,
Дема кўнгул, жонима еткурдилар.

Қолмади чун ўзга манга чорае,
.Қалъа ясардек топибон хорае.

Қулла чу ҳам олий эди, ҳам васеъ,
Устига қўйдум бу бинойи рафеъ.

Сувғача хоро била бунёд этиб.
Кўкка дегин пораи пўлод этиб,

Хандақини вахм анингдек қозиб,
Кимки боқиб қаърига ақли озиб.

Не тубига нақб бўлуб судманд,
Не етибон кунгурасиға каманд.

Маъмани ул хайли паризод этиб,
Жонларин ул хавфдин озод этиб.

Тегмак учун жисму учурмоққа бош,
Анда қилиб таъбия кўп ўқу тош.

Тоши анирфсг тақвийи жонкоҳдин,
Ўқлари ҳам оҳи саҳаргоҳдин.

Ногаҳ анга ёвуса бир беадаб,
Тош ила ўқдин анга етгай тааб.

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не афсонадур,
Ким бу фасона деса девонадун

Арбада кўп бўлди, магар маст мен,
Ёки жунун қайдиға побаст мен.

Ермас эсам маст, недур мунча лоф,
Махз жунун бўлмаса, мунча газоф.

Бу неча тандинки, шикоят дедим,
Англамайин ҳарза хикоят дедим.

Борчасининг нуктаси рангин эрур,
Назмлари дилкашу ширин эрур.

Ўзда йўқ эрдим-бу сўз айтур замори,
Борча алар яхши эрур, мен ямон.

Тебра Навоий-ю наво демагил,
Ҳарне эмас бўлса, раво, демагил.

Савтунг эрур боштин-аёқ ҳарза, кўп!
Бошлариға эврул, аёғларин ўп.

Борча гадо оллида бўлғил гадо,
То санга шах қурбини бергай Худо.

XVI

Салотин хайлининг сарафрози ва хавоқин мулкининг ганжпардози муиззиус-салтанатидд-дунё вад-дин Абулғози Султон Ҳусайн Баходирхон халладАллоҳу мулкаху ва султонаху ва авзаха алал-оламина битраху ва эҳсонаху мадхиким, гоё тил била мадхин демак маҳолдурур, батахсиским қалам тили мадхида лол дурур

Қайси шах ул хусрави олампанох,
Оламу одам анга мулку сипоҳ.

Қасри ети гунбади гардон келиб,
Этти атосиға дегин хон келиб.

Хон келибон ҳам ото, ҳам от анга,
Фақр оти бирла мубоҳот анга.

Турку мўғул қуллари хонлар анинг,
Мулкдехи мулкситонлар анинг.

Қуллуғи хонларға келиб фарзи айн,
Хонлара шахлар шахи Султон Ҳусайн.

Шоҳ Абулғозийи хуршедрой,
Роятининг махчаси хуршедсой.

Чархи барин тахти учун пояе,
Шамсаи хур тожиға пирояе.

Абри кафи бахри жавоҳирнисор,
Тиғи бу дарё суйиға жўйбор.

Мехр камарбандида ёқут ўлуб,
Ёнидаги ханжар анга Ҳут ўлуб.

Недур, агар Ҳут эмас ханжари,
Қабзада гавҳардин анга Муштари.

Қавс анга бир ёки чу тортиб кучун,
Ости фалак тоқиға маншур учун.

Турки фалак чун анга гоҳи етиб,
Тебрата олмай нечаким зўр этиб.

Чархи мудаввар анга қолқон келиб,
Қуббаси хуршеди дурахшон келиб.

Бўлди бу қолқон юзида Кахкашон,
Қини мурассаъ қиличидин нишон.

Найзасидур чархда эрмас шихоб,
Қавс киби ёпқон анга сийми ноб.

Лаълийи тах нукра қилурға шафақ,
Ранги-ю афшонға қуёш -зарварақ.

Қахри ўти чиқти мухолифгудоз,
Лутфи ех эсти раиятнавоз.

Бориқаи ханжари офоқсўз,
Шаъшааи соғари гетифурўз.

Илги саховатдин ўлуб зарфишон,
Лутфи талаттуф била гавҳарфишон.

Кўнгли билик гавҳаридин ганжхез,
Илги саховат кафидин ганжрез.

Ҳам карами бахр ила кон офати,
Ҳам ғазаби мулки жаҳон офати.

Лек қачон қахри ўти чекса бош,
Афви сахоби етибон қатрапош.

Разм куни бўлса темур ичра ғарқ,
Жавшани заркор қадам то ба фарқ.

Рост хазон барглари сув аро,
Ёки адув чеҳраси кбъзгу аро.

Тиғи темур панжа аро чун тутуб,
Тиғи ҳамоно бу темурдин бутуб.

Шуълаи тиғин демагил чаркаси,
Чекти забоҳа ҳамул ўт шуъласи.

Чун тушубон найза адув фарқиға,
Ўхшабон ул лахза бало барқиға.

Тушгач анинг абри кафидин бу барқ,
Тўда кулу тоғ аро йўқ ҳеч фарқ.

Ашхаби ранг ичра бўлуб баркфом,
Ранги неким, пояда ҳам барқгом.

Музмар айпғи, илигида сабо,
Оти бу маънидин ўлуб бодпо.

Ҳар сориким пўя қилиб тезу тунд,
Тавсани афлок ўлуб оллида кунд.

Жанбида гардун кўрубон тавсанин,
Уйки юруб янчар анинг хирманин.

Хирман уйи бўлмаса невчун мудом,
Дойир этар сайру тииз этмас хиром.

Истасанг ул хирману уйдин нишон,
Бас бу нишон Сунбулау Кахкашон.

Секримак ичраки анинг йўқ хади,
Гунбади гардун киби ҳар гунбади.

Йўрғаламоқ вақти чу солиб аёғ,
Кабки дари оллида андоқки зоғ.

Лек ёриш вақти югурган замон,
Тоғ ҳамон оллида хомун ҳамон.

Сайр чоғи тушса кўзи ҳар сори,
Солиб аёқ минг йиғоч андин нори.

Иш куни бу рахш уза жавлон уруб,
Юз туман аъдо черигин синдуруб.

Разм иши чун қолмаса майдон сори,
Ишрат учун қўйса юз айвон сори.

Тушсау Рустам киби қилса хиром,
Тахт уза Жамшеддек этса мақом,

Ҳам бошидин қўйса олиб тожи зар,
Ҳам белидин ешса мурассаъ камар,

Чиқса уруш бўктару хафтонидин,
Кийса тараб хуллау каттонидин,

Боғи Эрам сахнида базм айласа,
Бодаи ноб ичгали азм айласа.

Қилса навозандалар оҳанги руд,
Аҳли ғино тортса дилкаш суруд.

Соқийи гулчеҳра тутар бирла қўш,
Айласа базм аҳлиға торожи хуш,

Шахлар адабдин тикибон ерга кўз,
Сўрмаса, бегларга не имкони сўз.

Анжумани гулшани гардун бўлуб,
Анда қуёш соғари майдин тўлуб,

Зухра сурудини матў айлабпн,
Бадр бу мажлисда саму айлабон,

Балки Аторид киби ҳар дам Сухайл,
Зоҳир этиб мадх адосиға майл.

Базми бўлуб гулшани ахзар киби,
Қурси газак ҳар сари ахтар киби,

Маснади узра ўзи Жамшеддек,
Йўқки, сипеҳр авжида хуршеддек,

Эл кўзини партави равшан қилиб,
Бал қаро туфроғни гулшан қилиб,

Жуд илиги аҳли ғино бошиға,

Қайси ғино, шоҳу гадо бошиға,

Боди хазондек дирами зар. сочиб,
Абри баҳорий киби гавҳар сочиб.

Токи хазон ели зарафшон эрур,
Абри баҳорий гуҳарафшон эрур.

Ул биридек элга зарафшонлиғ эт,
Бу бири янглиғ гуҳарафшонлиғ эт.

Бахри фалакдин санга гавҳар хирож,
Гавҳари зотинг бори оламға тож.

Тожинга тарсиъ абад зевари,
Авжи уза бахри бақо гавҳари.

XVII

Кўнгул таърифидаким, кўнгул тилагандек қилилмайдумр ва анинг васфин соҳибдиллиқға мавсуф бўлғон кишидин ўзга киши билмай дурур. Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам саводи била кўнглин хуш қилмоқ

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ,
Одарни хокийни гулистони сунъ.

Ести насими бу гулистон сари,
Сунбулу сарву гулу райҳон сари.

Ким бу раёхинға етушти футух,
Ўйлаки тан гулшаниға кирди руҳ.

Ермас эди анда ғараз ҳеч гул,
Ғайри кўнгулким, ғараз эрди кўнгул.

Эйки, кўнгул васфи баён айладинг,
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг.

Гулшани жисминг аро гул ғунчаси -
Битса, гумон этма кўнгул ғунчаси.

Ғунча эмаским, бу кўнгул қон эрур,
Ё бўялиб, қон аро пайкон эрур.

Йўқки, бу бир шакл дурур рангу бў,
Ҳарне керак бўлсун, агар бўлса бу.

Гар бу дурур ҳар нимаким жони бор,
Жисмида бу ғунча сифат қони бор.

Ҳам они дажжол топиб, ҳам наби,
Исо била тенгму бўлур маркаби?

Гар бу эса Хожа, ўзин муттасил -
Қайси кўнгул бирла дегай аҳли дил

Бу худ эмас жазм сен истар кўнгул,
Гар бу кўнгул бўлса сен андин тўнгул.

Буки кўнгул дерсен эрур бу юрак,
Исм кўнгул бирла анга муштарак.

Кўнгул эрур булбули бўстони роз,
Қудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.

Ройихаи жаннати аъло ҳам ул,
Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул.

Солик ани Арши муалло деди,
Сўфи ани олами кубро деди.

Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,
Борча жаҳон аҳли кўзидан ниҳон,

Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоққи кўнгул каъбаси.

Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бин Холиққа эрур жилвагоҳ.

Топқуча ганжинаи асрорлиқ,
Кўп қилибон солики атворлиқ.

Каъбаға ҳам қатъи манозил қилиб,
Дайрға ҳам таййи мароҳил қилиб,

Ҳам етибон аҳли муножот аро,
Ҳам тушубон кўйи харобот аро.

Гоҳ бўлубон муътакифи хонақах,
Шайх они тоатға қилиб рўбарах.

Гоҳ кириб дайри фано сон маст,
Муғбача оллида бўлуб бутпараст.

Гоҳ қилиб шамъға парвоналиқ,
Гоҳ пари ишқида девоналиқ.

Гоҳ висол ичра бўлуб айшсоз,
Гоҳ фироқ ўтиға айлаб гудоз.

Гар кўрубон чобуки симинтахе,
Хандаи ширин била шўрафкане.

Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,
Тиниоғ анга тешаи пўлод ўлуб.

Ё йўлуқуб моҳрухи дилкаше,
Дашти малоҳат аро Лайливаше.

Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,
Дард биёбонида Мажнун ўлуб.

Сокин ўлуб ўтда самандар киби,
Ғўта уруб сув аро гавҳар киби.

Ғарқи ҳаво абри гуҳарсанждек,
Туфроқ ичинда ётибон ганждек.

Водие қолмай ул анга етмаган,
Қатъида такмили сулук этмаган,

Ориз ўлуб жумлаи холот анга,
То бўлубон касби камолот анга,

Олам афо ҳар тие кўруб, касб этиб,
То лақаби олами кубро етиб.

Кимга бу олам сари очилса йўл,
Олам аро аҳли дил ул бўлди, ул.

Улки етиб махзани раъфат анга,
Бўлди бу оламда хилофат анга.

Тахти сафо бўлди анинг маскани,
Сўфийи соҳибдил ани бил, ани.

Йўлида жону кўнгул айлаб фидо,
Жону кўнгулдан анга қил иқтидо.

Гар этагин тутмоқ эмас дастрас,
Тушса Навоий сари бир ришта бас.

XVIII

АВВАЛҒИ ҲАЙРАТ

Кўнгулнинг адам тунидин қутулуб, вужуд субҳиға ҳамнафас бўлуб, малак олами баҳористонининг ранго-ранг азхори ва гуногун ашжорин тамошо қилғони ва аларни «Саббихисма Раббикал-аъло» амри била қайюми хақиқий тасбиҳиға машғул эрконин билиб димоғи боғида ҳайрат гуллари очилғони ва ул гуллар атри димоғидин хуш олиб беҳуш йиқилғони

Субҳдур, эй соқий, этиб меҳр фош,
Тут манга бир жом нечукким қуёш.

Тонг қуши чун берди паёми сабух,
Нўш этайин бир-икки жоми сабух.

Субҳ сафолиқ майидин маст ўлай,
Тонг қушиға нолада ҳамдаст ўлай.

Берди саҳар хулласи зар риштатоб,
Қолмади тун пардасидин ришта тоб.

Ёзди фалак тоқиға килки қазо,
Ояти «Ваш-шамс» била «Ваз-зухо».

Сўфийи субҳ айлабон ул дам зуҳур,
Ёйди сипеҳр узра мусаллойи нур.

Шорн саводи асарин тийра хок,
Субҳ супургуси била қилди пок.

Чархки, дахр узра эди мушкрез,
Бўлди ҳамул мушкуза кофурбез.

Нилуфари чарх тўкуб жоласин,
Очти саҳар боғи сариғ лоласин.

Ож ўлубон панжараи обнус,
Ўт сочибон мижмараи сандарус.

Куйди қуёш ўтиға зулмат туни,
Учти ҳаво узра нужум учқуни.

Жилва бўлуб гум кеча товусидин,
Нур кетиб гуллари кўзгусидин.

Кўз очибон Хожа адам шомидин,
Жон топибон тонг ели пайғомидин.

Шоми адамни суруб андоққи дуд,
Ести димоғиға насими вужуд.

Зоҳир ўлуб ўзига бегонавор,
Юз урубон ҳар сори девонавор.

Ҳар нафаси субҳ киби сорғориб,
Тонг елидек ҳар дам ўзидин бориб.

Юз туман аъжуба тамошо қилиб,
Сиррини билмакни таманно қилиб.

Фикрати қилғон сойи кўпрак хаёл,
Англабон ўз комини кўпрак маҳол.

Бўлмади ул пардада чун кашфи роз,
Кўп қилиб изҳори сужуду ниёз.

Каср ҳаримида мақом айлади,
Ажзу тахайюрға қиём айлади.

Яъс ила ўз ажзини қилғоч адо,
Қилди анга хотифи ғайбий нидо

Ким, қўпу сайр айла бу гулшан сон,
Айла назар сабзаи равшан сори.

Қўптию қўйди чу бир-икки қадам,
Бўлди аён равзаи боғи Эрам.

Қайси Эрам, гулшани минусиришт,
Гулшани мину дема, боғи бихишт.

Ҳар шажари сидраға бош еткуруб,
Шохин анинг шохига чирмаштуруб.

Барглари кўкка қилиб сарзаниш,
Соясида меҳр топиб парвариш.

Сарвлари саркашу зангоргун,
Ҳар бири кўк боргаҳиға сутун.

Мехр чинор офатининг ранжаси,
Панжасини ожиз этиб панжаси.

Сорғориб ул мехнати жонкоҳ ила,
Куйдурубон они қизиқ оҳ ила,

Сандалининг атри Масихо дами,
Андин ўлук мисли Масих одами,

Сув бўлубон ройихасидин гулоб,
Сояси туфроғни қилиб мушки ноб.

Соқи сапидорнинг андоқки сийм,
Гард анинг сиймиға қўймай насим.

Сийм анга чун соқи сумансо бўлуб,
Яфроғи тах нуқраи мино бўлуб.

Чархқаким шохи санубар етиб,
Тугмаларин анжум учун хўд этиб.

Сарву сапидор сафи муттасил,
Сарву сапидорни айлаб хижил.

Турфа буким бошида гул очилиб,
Ул гул аёғиға доғи сочилиб.

Сабзасининг ранги зумуррад киби,
Риштасида тугма забаржад киби.

Ҳар сори бир хавзаи ойинаранг,
Ким намидин тутмайин ойина занг.

Жилвагар ул кўзгуда жон сурати,
Даста бўлуб анга ариғ ҳайъати.

Рухқа ориғ суйидин кут ўлуб,
Реза тоши лаъл ила ёқут ўлуб.

Гул оёғиға сув қўюб бошини,
Бошини қўйким, бу ушоқ тошини.

Зийнат учун қилғали халхол анга,
Йўқки бу накд ўлғали помол анга.

Бикр сифат ғунча бўлуб парда чех,
Риштаи бахтидин очилмай гирех.

Шоҳиди гул ҳусну намойиш учун,
Хон олиб илгига кушойиш учун.

Дур солибон шабнаму эсгач насим,
Барги шукуфа тўкубон анда сийм.

Сабзау гул акси тушуб сув аро,

Оразу хат ўйлаки кўзгу аро.

Гул уза шабнам чу тушуб ҳар варақ,
Кўргузуб афрухта юзда арақ.

Сунбули печон бўлуб афъи мисол,
Ғунча анинг нишидин озурда хол.

Захр ила ёшил бўлубон пайкари,
Булбул анинг бошида афсунгари

Тугмаки остида гумон этти хайл,
Захр дурур қилғон оёғиға майл.

Ништар урарға чидамай хордин,
Булбул этиб доия минқордин.

Сарв аёғида хиромон тазарв,
Шуъла тазарв ўлди, анинг дуди - сарв

Жилва қилиб ҳар сори товуси маст,
Гуллару гулбун топиб андин шикаст.

Толни янги шох ила барги ғулу,
Айлади девонаи жўлидамў.

Боғ хакими хиялу макр ила,
Солиб аёғиға судин силсила.

Наргис арилмай маразидин ариғ,
Кўзлари айни яракондин сариғ.

Кўз тикибон сувғау ранги синиб,
Сабзани сув ичра болиғ соғиниб.

Ҳар сори занг зар этиб ошкор,
Номия пайкиға ҳамишабаҳор.

Ринди муқаммирдек этиб лола шайн,
Тоси аро жола бўлуб каъбатайн.

Гул ул ўюнға чу ҳавас кўргузуб,
Жайбидағи хурдаларин утқузуб.

Жола бинафшаға уруб тошини,
Боғлаб кўк ёғлиғ ила бошини.

Кўргузубон барқ булутдин дарахш,
Қатра Хизр чашмасидек руҳбахш.

Қилғали амвотни ихё насим,
Фош этиб анфоси Масихо насим.

Қатраси гавҳар суйидин ҳам фирм,
Туфроғи жаннат гулидин ҳам назих.

Ул бу Эрам тавфида бехол ўлуб,
Зойил ўлуб хушу тили лол ўлуб,

Ҳар тарафиким боқиб ул равзанинг,
Кўзга ғаройиб кўрунуб бирга минг.

Неча назар бўлса тамошоталаб,
Булъажаб узра кўрунуб булъажаб.

Топмади сарриштани чун фикрати,
Ҳайрат уза қилди ғулу ҳайрати.

Ақл ишин яъс жунун айлади,
Васваса хушини забун айлади.

Ким бу гулистонким эрур бир жаҳон,
Балки жаҳоне гул ичида ниҳон.

Бутмак ўзи худ эмас имкон анга,
Гар бу эмас кирн эса деҳқон анга.

Солди ниходиға бу ҳайрат хуруш,
Ким деди ул ҳайрат ичинда суруш

Ким, недурур ҳайрати бефойида,
Санга бу ҳайрат ила не фойида.

Сирри ҳақиқатдин ўлуб бахравар,
Айла басират кўзи бирла назар.

Дур киби етгач қулоғиға бу сўз,
Нури хидоят била очти чу кўз

Фохтадин қумрию булбулгача,
Балки шажар яфроғидин гулгача,

Барчаси қайюмиға зокир эди,
Ҳар бир анинг шукриға шокир эди.

Гар ел, агар сув бўлубон нағмасоз,
Сониъ ила ҳар бирига ўзга роз.

Чекти бу ҳайрат била ўтлуқ хуруш,
Ким бори гўё эдилар, ул – хамуш

Солди димоғиға бу хомушлуқ .
Ох бухори била беҳушлуқ.

Соқий, етубдур яна жисмимға тоб,
Юзума ур, бода суйидин гулоб.

То топибон хуш такаллум тузай,
Сўз чамани ичра наво кўргузай.

XIX
ИККИНЧИ ҲАЙРАТ

Ул хумоюнбол қушининг малак олами гулистонидин малакут олами шабистониға ҳаво қилиб, ул рафиъ манозилнинг шамъ ва машоилин забона тилидин «Вазкурисма раббика ва табаттал илайхи табтило» хукми била холиқи аслий зикрига зокир эрканин маълум қилиб, ҳайратдин бир оламдин яна бир оламға борғони ва бу ҳайрат яна ани бехудлуққа солғони

Турки Хўтан топти чу зебо жамол,
Мушкфлшон бўлди насими шамол.

Урди нафас нафлиаи анбар насим,
Ёпти варақ сафхаи абҳаршамим.

Тўкди жаҳон гулбуни барги суман,
Очти фалак боғчаси настаран.

Луъбати Чин чеҳра ниҳон айлади,
Зулфин очиб мушкфишон айлади.

Ройихадин айлади бу суда мушк,
Анжуми шабгард димоғини хушк.

Ўйлаки ул юбс чу таъсир этиб,
Чекратибон кўзлари уйқу кетиб.

Пардаги ўлди эгин ичра карак,
Учти очиб пардаларин шабпарак.

Бумки азми фалак ўлди анга,
Доирадин ой дафак ўлди анга.

Кўк ўланг атрофида ҳар гуна вард,
Анжум ила доираи ложуВард.

Бу кечаким юз тааб ўлди анга,
Бир-биридин булъажаб ўлди анга.

Айлар эди чархи мушаъбидшиор,
Ҳар нафасе ўзга тилисм ошкор.

Кўк бу мушаъбиднинг ўлуб чодари,
Ахтар ўлуб луъбати симинбари.

Ҳайъати тулоний ила Кахкашон,
Чархқа сайр этгали йўлдин нишон.

Дема китоба фалак айвониға,
Рахрав ўлуб чарх шабистониға.

Қилди чу зийнат била боғи сипехр,
Ахтарининг ҳар гулини рашки меҳр.

Тойири қудсий яна истаб наво
Учти доғи ул сори қилди ҳаво.

Қолиби хокий қолибон хок уза,
Чиқти фалак ахтари афиок уза.

Рух қаноти била тойир бўлуб,
Чарх шабистониға сойир бўлуб.

Ушбу жинон равзасининг тойири,
Бўлди чу аввалғи чаман сойири.

Зоти анинг жавҳаре эрди басит,
Олам анга марказ ўлуб, ул Мухит.

Ҳалқа бўлуб жавҳари улвий хиром,
Хотам анга нуқтаи сифлий мақом.

Ҳалқа дема, балки мудаввар лаган,
Шамъи анинг машъалаи анжуман.

Машъал ўлуб ҳажр шабистониға,
Шамъи гадо кулбаи вайрониға.

Нури бериб кулбаға шамъи фароғ,
Шамъни қўйиким, гуҳари шабчароғ.

Ҳайъати гаҳ доирамонанд ўлуб,
Савт анга тасбиҳи Худованд ўлуб.

Гоҳ бўлуб пайкари андоқки тил,
Айтур учун Ҳаққа сано муттасил.

Чун яна бир равзани қилди ватан,
Сокин эди бир бути симинбадан.

Қоши фусунгар, кўзи танноз ҳам,
Ул бир этиб ишваю бир ноз ҳам.

Турраси марғуласида юз гириҳ,
Мушкдин айлаб қамар узра зириҳ.

Шоҳид ўзи эрди, навосоз ўзи,
Соқий ўзи, замзамапардоз ўзи.

Ранги йигитлик майидин ол ўлуб,
Ҳамдами бир пири кухансол ўлуб.

Зоҳир этиб заъф сўнгаклар анга,
Ким кўрунуб жисмида раглар анга.

Рагзан ўлуб мутриби хажжомваш,
Раглар аро қон йўқидин нолакаш.

Ўзи ҳам ул раглар ила ҳамсадо,
Раглару рагзан қилибон шукр адо.

Чун яна бир ҳужра сори чекти ранж,
Анда эди нодираи нуктасанж.

Исм ўлуб ул ҳужрада муншо анга,
Риштаи дур хат била иншо анга.

Мум киби табъи анинг дилпазир,
Борча нигиндин бўлубон нақшгир.

Сув киби ҳар зарфға оҳанг этиб,
Ўзини ул зарф ила ҳамранг этиб.

Хомасидин нома сиёх ўлмайин,
Ёзғони жуз ҳамди Илоҳ ўлмайин.

Чун яна гулшанни мақом айлади,
Ҳар чамане ичра хиром айлади.

Анда ниҳон эрди пари пайкаре,
Дуржи сипеҳр ичра самин гавҳаре.

Гавҳари сарчашмаи жондин ёруқ,
Ҳарне йўқ ондин ёруқ, ондин ёруқ.

Ҳайъати ойинаи гетинамо,
Кўзгуси ойнинг топиб андин жило.

Чарх уза парвози малойик сифот,
Хатти шуои анга ҳар ён қанот.

Чашмасини чунки Масихо топиб,
Пок дамидин ўлук ихё топиб.

Чашма аро оби ҳаёти анинг,
Кеча саводи зулумоти анинг.

Пайкаридин зоҳир ўлух чашмалиғ,
Хатти шуои анга ҳар ён ариғ.

Йўқки бу хат боштин-аёқ тил бўлуб,
Ҳар тилл Ҳақ зикрига қойил бўлуб.

Чун яна майдон сори кўргузди хез,
Тахмтане тортиб эди тиғи тез.

Қахри ўти чекса чу дуди ғазаб,
Ҳар шарари юз йил ўлуб зузанаб,

Жумлаи оламға иши қахр ўлуб,
Аччиғидин боштин-аёқ захр ўлуб.

Тиғ солиб ҳар сори аччиғидин,
Қон демаким, захр томиб тиғидин,

Эл бошининг косасидин жом анга,
Май ерида қон бўлуб ошом анга.

Ҳам ўқи тийра кеча анжумрабой,
Ҳам қиличи захми ўлуб янги ой,

Румҳи била ўқлари, бал тиғи ҳам,
Тиллар ўлуб дегали шукри ниам.

Чун яна бир мархалаға чекти рахт,
Сокин эди сахнида бир некбахт.

Ўзи малакваш, кийими хулласон,
Хоҳ ридо бил ани, гар тайласон.

Минбари шашпоя уза ўлтуруб,

Зухд шукуҳи юзидин билгуруб.

Чеҳрани очмоқ кеча одат анга,
Машъал ўлуб нури саодат анга.

Давлати сармад киби фаррух жамол,
Ақли мужаррад киби фархундафол.

Кишвар анга нуру сафо хиттаси,
Анши этиб ҳамду сано хутбаси

Чун яна бир дайр сори қилди сайр,
Кўрдики бир хинду эрур пири дайр.

Ҳар ишида сабр таманно анга,
Сабр киби ишда таанно анга.

Тийражабин ўйлаки мехнат куни,
Лангхиром ўйлаки фурқат туни.

Дайри сабукравға нигаҳбон бўлуб,
Лек батийсайру гаронжон бўлуб.

Томини бу дайрнинг айлаб матоф,
Қарн ўтубон айлаб ани бир тавоф.

Илгидаким субҳани айлаб мудир,
Тилни қилиб зокири Ҳаййи Қадир.

Чун яна бир қуллаға айлаб қарор,
Топиб анинг даврини махкам хисор.

Буржиға бу етти фалакдин уруж,
Балки анинг бобида «Зотил-буруж».

Хандақининг умқиға андоза йўқ,
Буржи ўн икки, анга дарвоза йўқ.

Развана ҳар буржи аро ғурфае,
Жилвагар ул ғурфа аро турфае.

Турфа буким сайр қилиб бардавом,
Сайрлари лек ўн икки мақом,

Ҳоиъ тили бирла мақол айлабон,
Ҳамди Карими Мутаол айлабон.

Чун боридин юққори урди алам,
Юққориғи пояға қўйди қадам.

Кўрди ўшул хиттани бутхонае,
Ҳар бутининг ҳайъати дурдонае.

Анда не рахбон эди, не барҳаман,
Лек бори бутлар эди сиймтан.

Ҳар бути бутгарға парастишда маст
Ўйлаки бут саждасида бутпараст.

Мунча ғаройибғаки қилди гузар,
Айлади ибрат кўзи бирла назар.

Борчасида зикру сужуд англади,
Маърифатуллоҳға шуҳуд англади.

Юзланиб ўз холида ғайрат анга,
Бирга минг ўлди яна ҳайрат анга,

Ким бори зокир эди, ул гунгу лол,
Борчаси мажмуу ул ошуфта хол.

Қилди яна ҳайрати бехад ани,
Ҳуш заволи била бехуд ани.

Соқий, эрур жисмим анингдек заиф,
Ким нафасим чиққали эрмас ҳариф.

Жомға худ мен қўя олмон оғиз,
Пахта била оғзима они томиз.

XX

УЧУНЧИ ҲАЙРАТ

Ул ошуфтахол мусофирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шахр истониға нузул қилғони ва ул кишвар аҳлининг ҳам «Фазкуруний азкурукум» буйруғи била Қодири мутлақ ёди бирла эрконин билиб, ҳайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кул бўлуб, фано елига.билкул совурулмоқ била иккинчи фано мақомин хосил этиб, андин сўнг Ҳақдин бақойи комилий етиб, Хожанинг ул мулкда хилофат тахтиға қарор тутқони

Мехр чу машриқ сори урди алам,
Олди жаҳон мамлакатин яккалам.

Тавсани гардунға минар майл этиб,
Чиқти уфуқ жонибидин секритиб.

Чунки бийик бўлғуча қилди шитоб,
Солди ҳарорат била оламға тоб.

Хожаки ҳайрат майидан маст эди,
Мастлиқ уйқусиға ҳамдаст эди.

Солди қуёш тоби чу мағзиға жўш,
Сесканибон кирди димоғиға хуш.

Асру ачиғ май била махмур ўлуб,
Балки қизиқ ўт била махрур ўлуб.

Ғурбат ўти ҳар дам ўлуб шуълазан,
Тушти хаёлиға ҳавои ватан.

Ёна сафар ранжи қабул айлади,
Манзили азмиға нузул айлади.

Чунки жаҳон арсасидин топти бахр,
Келди анинг оллиға бир турфа шахр.

Ҳар ёни аъжубаға хад нопадид,
Турфаи бехадға адад нопадид.

Сунъ илиги болчиғин айлаб хамир,
Лутф ила айлаб ани хайъатпазир.

Икки сутун узра қилиб таъбия,
Анда кўп аъжуба қилиб таъмия

Вазъини ул дамки мураттаб қилиб,
Тўрт жавоҳирни мураккаб қилиб.

Икки анга гавҳари улвий нажод,
Икки яна жавҳари сифлий ниход.

Ўйла таодулки бўлуб тўрт зид,
Борча тараккуб юзидин муттахид.

Масжиду бозору маҳаллот анга,
Кўчаву бўстону харобот анга,

Ўтиға Мусо ўти янглиғ зиё,
Эли Масихо дамидек жонфизо.

Суйи латофатда зулоли бихишт,
Туфроғи гул, нафхаси анбарсиришт.

Кишварининг қалбида бир тахтгоҳ,
Бўлмоқ учун хусрави кишваипаноҳ.

Тахтиға ҳар холки тори бўлуб,
Жумла ақолимида сори бўлуб,

Анда салоҳ ўлса, борида салоҳ,
Бўлмаса солих, бориси бефалоҳ.

Авжида бир қасрки меъмори сунъ,
Айлаб ани муқассам паргори сунъ.

Вазъида хайрон хиради хурдабин,
Лол қолиб тархида наққоши Чин.

Қаср уза бир гунбади олий асос,
Гунбади гардун била раъсан би раъс.

Ҳарне рақам гунбади гардури аро,
Борчаси бу гунбади мавзун аро.

Қасриға бир турфа эшик очилиб,
Ким дуру гавҳар унидин сочилиб.

Бўлуб икки лаълдин абвоб анга,
Ҳар сори дандона дури ноб анга.

Фаршики ёқут ила марбут ўлуб,
Дурлари ёқут аро мазбут ўлуб.

Ҳар неки маъкул ила машруб эрур,
Ким егали, ичгали марғуб эрур.

Шахрға бу йўл била айлаб хиром,
Шахр элининг қути бўлуб субҳу шом.

Фазлалари даф и учун икки йўл,
Жониби асфалдин ўлуб зоҳир ул.

Лаъл эшиги узра ики бодгир,
Ҳайъати матбуу ўзи дилпазир.

Ҳам кирибон, ҳам чиқиб андин насим,
Тошида гачкорлиғи сода сийм.

Гунбади рукниға махориж бўлуб,
Шахр йўлидин йўли хориж бўлуб,

Ушбу мамар бирла насими шамол
Шахт элини айлабон осудахол.

Шоҳ риёзиға ҳам айлаб мурур,
Эткурубон базмиға юз минг сурур.

Шоҳға бир нойиби ҳикматмаоб,
Кишвари атрофида ул комёб.

Диққат аро фикри қаёнким кетиб,
Нуқтаи мавхумни^юз қисм этиб.

Фикрати ҳар амрда фархундарой,
Ройи бори уқдада мушкилкушой.

Шоҳ ани ўз мулкида дастур этиб,
Мулкини ул адл ила маъмур этиб,

Юққориғи қаср уза фаррух вазир,
Сокину эл амриға фармонпазир.

Қасрда беш рахба мухайё анга,
Бўлғали ҳар сори тамошо анга.

Лек бу беш рахбада беш корвон,
Бир-биридек ҳар бири бисёрдон.

Ҳар бири бир равзада топиб маҳал,
Ўз фанида ҳар бирига йўқ бадал.

Бири назар илмини идрок этиб,
Айни сафодин назарин пок этиб.

Бирига иш буки эшитгач самў,
Қилғай ани диққат ила истимў.

Бирига қилмоқ бўлубон таъм дарк,
Нўши ҳаёт ўлсун, агар ниши марг.

Бирига ҳар ройиха айлаб асар,
Хоҳ қуруқ нофау, гар мушки тар.

Бирга гулу хор муассир бўлуб,
Совуғ, исиғдин мутаассир бўлуб.

Босирау сомиау ломиса,
Зойиқау шомма била хомиса.

Ҳар неки оламда бўлар мудраки,
Кимдаки идрок мунга йўқ шаки.

Қасрки дахлези топиб нақши Чин,
Соҳатида сокин ўлуб беш амин,

Ҳар неки зоҳир бўлубон беш ҳавос,
Ўз иши кунхида бўлуб рахшунос.

Борча жавоҳирни йиғиб келтуруб,
Бурноғи хозин қўлиға топшуруб.

Андин иккинчига топиб интиқол,
Ким бўлубон хозини онинг хаёл.

Андин учунчи бўлубон нақдсанж,
Ҳофиз ўлуб наме анга етса ганж.

Чун яна бирга бўлубон мунтақил,
Ул мутасарриф бўлубон муттасил.

Ҳарне тасарруф қўли онинг етиб,
Борчани дастурға таслим этиб.

Забт этибон нойиби равшанзамир,
Нақди мамоликни нечукким вазир.

Азм этибон даргаҳи иқболға,
Юз қўюбон Каъбаи омолға.

Арз қилиб борчани шоҳ оллида,
Додгари мулкпаноҳ оллида.

Шах бу хазойинға чу хозир бўлуб,
Диққат ила борчаға нозир бўлуб.

Рад қилибон ҳарнеки мардуд эрур,
Гйириб уи тухфаки мақсуд эрур,

Ҳазрати иззатқа ниёз айлабон,
Тухфаларин воситасоз айлабон.

То етиб ул лахза нидойи қабул,
Топибон ул тухфа тариқи вусул.

Бадрақаи роҳи нажоти бўлуб,
Мужиби раф и даражоти бўлуб.

Хожаки кўрди яна мундоқ жаҳон,
Заррада кавн, қатрада дарё ниҳон.

Фикр наҳангиға яна кут ўлуб,
Лужжаи ҳайрат аро мабхут ўлуб,

Фикрат ўти кўкка чекиб дудини,
Ҳайрати нобуд этибон будини,

Чунки бу ҳайрат аро ранжу ано
Фони этиб Хожани балким фано.

Ҳақдин ўлуб тоза вужуде анга,
Тоза вужуд ичра шухуде анга.

Шамъи бақо чун ёруғ айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра ўзин.

Фатх ўлуб мулк ила кишвар анга,
Балки жаҳон мулки мусаххар анга,

Мулк ўзию тахт ўзию шоҳ ўзи,
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.

Нафсға чун ориф ўлуб мў-бамў,
Фойиз ўлуб «Қад арафа раббаху».

Соқий, олиб кел қадахи хушгувор,
Бирга олиб тортай ани хожавор.

То чекибон бир-ики жоми шигарф,
Хожа мадихида сурай неча ҳарф.

XXI

Хожа Бахоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадхидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси била рўзгор сахифасида анинг вужуди нақшин исломий тарх этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнгли варақидин хитойи ва фаранги нақши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламахумул-лоҳға ниёз арзиким, ул хазратқа халафл мутлақ, балки халифаи бархақ дурур

Хожаки, наққоши сипеҳри баланд,
Бўлғали ҳар сафхасиға нақшбанд,

Айлади авроқ мунаққаш басе,
Нақш рақам айлади дилкаш басе.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади то хомасидур нақшсоз.

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Махв ўлуб ул сафхада нақши вужуд.

Нақшиға тенг тутмай ўзин нақши
Чин, Олам ўлуб илгида нақши нигин.

Бўйла нигин нақшига фармонбари,
Мунона ажаб нақш ила деву пари.

Саъй ила бу гунбади бисёмақш
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Нақшининг оллида намудор уза,
Нақш бўлуб сафхаи девор уза,

Мунча ажаб нақш била аржманд,
Кимса эмас ғайри шахи нақшбанд.

Жонға чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини,

Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фони бўлуб.

Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.

Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши ғайр.

Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳаи заркаш уза.

Чун изининг нақшиға суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин.

Равзаи жаннатқа чу айлаб хиром,
Ҳоли анинг ўрнида қойим мақом.

Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.

Чархи нигун даргаҳида хокрўб,
Балки жабини била хошокрўб.

Юз қўюбон қуллуғиға шоҳлар,
Базмида бехуд ўлуб огоҳлар,

Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.

Неча тушуб эгнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидин юз либос.

Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқаи хаззу палос этмайин,

Сухбатида ҳар неча бешакку райб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи ғайб,

Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай яшурун ошкор.

Атласи гардун била минг зебу фар,
Тўрқа тўни остида кўк остар.

Лек ўшул тўрқаси ҳар тор ила,
Фақрда юз муршид учун силсила.

Мулки жаҳон мазраи дехқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул.

Йўқки мамоликка нигаҳбон ўлуб,
Борча салотин уза султон ўлуб.

Руқъалари етса не шах қошиға,
Иш ани қўймоғлиғ ўпуб бошиға.

Англаб ани бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тож уза дурри самин.

Шахға дема, лутф чоғи тожбахш,
Балки гадоларға доғи тожбахш.

Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб оллида шоҳу гадо.

Чун чолиниб навбати қадриға кўс,
Шахлар ўлуб навбат ила хокбўс.

Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми ашоб анга.

Ҳар бири олам элига рахнамо,
Дема жаҳон аҳлики, аҳли само.

Борча сулук аҳлиға рахбар бўлуб,
Йўл элиға тийра тун ахтар бўлуб.

Тийра назарларға бериб нуру тоб,
Ҳар бириси ўйлаки нажму шихоб.

Гарчи тижорат бўлуб ойинлари,
Бўлмади бир мулкда таскинлари,

Юкларида тухфаи накди фано,
Ҳар бири ул нақддин истаб ғино.

Симлари борча фано конидин,
Дурлари йўқлуқ суви Уммонидин.

Чун кивуруб ҳар сори рахти нажот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот.

Олғучи гар вахми зиёнбуд этиб,
Лек бу савдо чу қилиб суд этиб.

Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.

Қўймасун айвони жаҳонни тихи,
Дабдабаи кўси Убайдуллахи.

Ҳимматидин бизни ҳам этсун Худой,
Фақр йўлида ғани, имонға бой.

XXII

АВВАЛҒИ МАҚОЛАТ

Имон шархидаким, «Ал-имону ан туъмину биллахи ва малоикатихи ва кутубихи ва русулихи ва бил-явмил-охири ва бил-қадари хайрихи ва шар-рихи» демакдин мақсуд бу калимот эмас ва агар аҳли зоҳир муни имон деса, аҳли маъни демас ва улухият дарёсиға шинолиғ ажзин зоҳир қил-моқ ва малойика ҳавосида бир неча қанот урмоқ ва кутуб авроқида бир неча ҳарфсурмак ва русул жодасида неча қадам югурмак ва қиёмат қойим бўлурида қиём кўргузмак ва қадар бобида алоқадри хол тараннум тузмак

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки нишони анга имон эрур.

Улки хаду расм қўяр мантиқий,
Токи бу ҳайвони била нотиқий.

Иккиси инсонға бўлуб хадди том,
Зумраи инсон аро айлар хиром.

Навъини нотиқ била ҳайвон қилур,
Нотиқу ҳайвонини инсон қилур.

Сен дағи инсон муни қилсанг гумон,
Билки ҳамон сен-сену ҳайвон ҳамон.

Муники инсон мутафовит эрур,
Тенгри каломи хабар андин берур.

Бас киши жазм айласа инсон они,
Яхши-ёмон ичра тафовут қони?

Бўлмади бас ноқису комилда фарқ,
Топмағай эл олиму жоҳилда фарқ.

Бу сифат инсонда топилмас фалоҳ,
Мантиқий айлабдур ани истилоҳ.

Бас ани инсон атағил бериё, Ким
ишидур сабр ила шукру ҳаё.

Бўйла буюрди риабийи Ҳошими,
Ким бу уч имоннинг эрур лозими.

Бас ани инсон демак ўлғай раво,
Ким иши имон била топқай наво.

Эйки, санга айладим инсонни шарх,
Емди эшитким қилай имонни шарх.

Олти дурур шаръда гўё адад,
Ҳарнеки мўминға керак муътақад.

Айласа бу олти била ихтисор,
Олти жиҳатдин анга бўлғай хисор,

Ким бу хисор ўлса анинг маъмани,
Ўғридин эмин бўлубон махзани,

Накдини бу ҳодиса бероҳидин,
Балки ўкуш бим гузаргоҳидин

Ўткарибон хайру саломат била,
Қолмайин ул йўлда маломат била.

Мақсади аслийға хиром айлагай,
Қурб ҳаримини мақом айлагай.

Англадинг ижмол ила таъвилини,
Емди эшит ҳар бири тафсилини.

Олтидин аввалғики мақсуд эрур,
Билмак эрур Ҳақники, мавжуд эрур.

Айтма мавжудки, айни вужуд,
Ҳарнеки мавжуд анга файёзи жуд.

Зоти вужудиға бўлуб муқтазий,
Нуқс, камолидин ўлуб мунқазий.

Андин ўлуб мунхат ила муртафиъ,
Мунхат агар муртафиъ ул мухтариъ.

Зотиға дарёйи қидам чун тошиб,
Бир ён азал, бир ён абаддин ошиб.

Ҳарнеки қойим, ўзи Қайюм ўлуб,
Бўлғуси ул, борчаси маъдум ўлуб.

Борча жаҳон аҳлиға зоти ниҳон,
Мазҳари асмоу сифоти жаҳон.

Борчани ҳам қилғучи нобуд ўзи.
Борча бориб, бўлғучи мавжуд ўзи.

Икки жаҳон мулки мусаллам анга,
Ўзга жаҳон бор эса ул ҳам анга.

Олтидин иккинчи - малойикни бил,
Борчаға тасдиқи вужудайлагил.

Билким эрур зойири афлок алар,
Нафснинг олойишидин пок алар,

Ҳар бир ули-ажниха товус ўлуб,
Донаи тасбиҳ анга маънус ўлуб,

Тоби мухаббат чоғи ул ажниха,
Ўтлари туғёни учун мирваха.

Бир била топмай бу жаноҳ инқитў,
Бир неки, масно ва сулоса рубў.

Не қадаме амрсиз олиб, не дам
Борча вужуд аввалидин то адам.

Поку мужаррад борининг жавҳари,
Туфроқу суву елу ўтдин бари.

Хулди барин қушларидек шавқнок,
Арм* адосидин ўлуб завқнок.

Бир қуш алар ичраки топмай бу завқ,
Фохта янглиғ топибон бўйни тавқ.

Лаънда уч ҳарфки бор ошкор,
Ҳар бирининг доманаси халқавор.

Ҳар бирининг халқаси топиб вусул,
Тавқда малъун бўлуб ул булфузул.

Англа учунчи кутуби осмон,
Тенгри сўзи бил бориси бегумон.

Қайси кутуб, ҳар бири дарёйи жарф,
Ҳар сўзи бу бахрда дурри шигарф.

Бахр дема, ҳар бири бир турфа кон,
Лаъл ила гавҳарға саросар макон.

Гар учи уч шамъи мунаввар бўлуб,
Лек бири машъали ховар бўлуб.

Бўлса маволиди салос ул учи,
Бу ети обонинг ишин қилғучи.

Бал ети обо мунга уммул-китоб,
Сабъи масоний топиб андин хитоб.

"Сабъи масоний" неки, ҳар сураси,
Давлату дин хиттаи маъмураси.

Бошида ҳар сураси тазхиб ила,
Даргаҳи коший анга тартиб ила.

Боғ анга ҳар сафхаи гулшан мисол,
Жадвали атрофида равшан зулол.

Боғ дема, балки фалак, не фалак,
Сатрлари ҳар сори саф-саф малак,

Бал анга ҳар доираи ашргард,
Рутба аро бир фалаки ложувард.

Ҳақ сўзи ҳар жузви варақ то варақ,
Борча хақойиқ, балким борча хақ.

Мисл анга маъдуму мушобих адим,
Қойили андоққи қадим ул қадим.

Бил яна тўртунчи русул маъшари,
Ҳар бири бир бахри сафо гавҳари.

Борчаси хақ амрила нахйин тузуб,
Элга бори хақ йўлини кўргузуб.

Ҳужжат агар истаса ҳар тийра зот,
Ҳар бириси кўргузубон муъжизот.

Зоҳир ўлуб борчаға сидқи мақол,
Шойибаи кизбға йўқ эхтимол.

Гарчи паямбар бориға исм ўлуб,
Лек алар жисми ҳам уч қисм ўлуб.

Зумраи аввал келибон анбиё,
Вахй ила руъёдин ўлуб пешво.

Сўнгра русулким, неки Ҳақдин етиб,
Борчасини халққа ирсол этиб.

Сўнгра улул-азмки айлаб жидол,
Даъвати дин қилга-ю хукми қитол.

Борчасининг аъзамию афсахи,
Англаки, келмиш набийи Абтахи.

Кўнгли Ҳақ ирсолиға росих бўлуб,
Дини - русул диниға носих бўлуб.

Куфр қоронғусида ҳар мурсале
Дини била ёрутубон машъале.

Қилғач анинг шаръи қуёши зуҳур,
Қолмайин ул машъалалар ичра нур,

Хатм анга ойини рисолат тамом,
Дин анинг исломи-ю бас ассалом.

Келди бешинчи анга явмул-ҳисоб,
Дема ҳисоб, айтки явмул-азоб.

Муътақид ўлмоққи қиёмат бўлур,
Қилғонидин элга надомат бўлур.

Шодлиқ ашоби яминға рақам,
Сафхалари лавҳиға етмай қалам.

Аҳли шимол ичра тушар можаро,
Номалари юзлари янглиғ қаро.

Тўғри тарозуға бўлур икки бош,
Бир сори гавҳар яна бир сори тош.

Кўприк уза халқ ҳаросон бўлур,
Бирга қатиқ, бирига осон бўлур.

Дўзах ўти дардиға йўқ интиҳо,
Халқ халокиға бўлур аждаҳо.

Этти боши гунбади даввордек,
Этти оғиз ҳар бириси ғордек.

Дема томуғ етти эшигин очиб,
Ким ети оғзи анинг ўтлар сочиб.

Гулшани фирдавс аро нозу наим,
Ончаки йўл топмай арода насим.

Ҳури анинг руҳи мусаввар киби.
Қадду лаби туби-ю кавсар киби.

Сокиниға жоми бақодин умид,
Қайси бақо, балки лиқодин умид.

Содис анга келди хадиси қадар,
Бил азалий сабт неким хайру шар.

Софу тўло бўлғали жоми аласт,
Бўлғуча ул майдин абад аҳли маст,

Ҳарне бу мажлис аро топти вуқуъ,
Хоҳ усул англаву хоҳи фуруъ.

Маст агар тортти нохуш садо,
Мутриб агар айлади дилкаш наво,

Баъзи агар Каъба сори қилди азм,
Баъзи агар дайр аро тузди базм.

Бодияда ул чекибон юз ано,
Бўлди мунунг маскани дайри фано.

Маст чиқиб муғбачаи майпараст,
Қилди салоҳ аҳлини расвову маст.

Зоҳид агар бўлди бориб дурднўш,
Фосиқ агар бўлди келиб хирқапўш,

Борчаси Ҳақ илмида маълум эди,
Лавхаи махфузда марқум эди.

Не етибон яхши амалдин бихишт,
Не солибон дўзах аро феъли зишт.

Улки қилиб Тенгрига минг йил сужуд,
Бўлса шақийи азалий қайда суд?

Муғбачалар дайрда қилғон халок
Бўлса саиди абадий қайда бок.

Кимгаки бу олтиға бор эътиқод,
Ҳам бу сифат бирлаки қилдим савод,

Ҳар нечаким номасиях бўлса ул,
Ғарқаи дарёйи гунах бўлса ул,

Тонг йўқ агар афВ ўлуб уммид анга,
Тутса илик раҳмати жовид анга.

Лек бу дард ўти эрур жонгудоз,
Ушбу гудоз ичра куюб аҳли роз.

Бу бири ўз ҳолиға мотам тутуб,
Ул бири тарки бори олам тутуб.

Ким бу бийик поякi қилдим баён,
Кимга етар-етмаси эрмас аён.

Этмаги ҳам кимсага мутлақ эмас,
Этмаси ҳам жазму муҳаққақ эмас.

Кофиру мўмин сори қилсанг соғинч,
Не анга яъсу не мунинг кўнгли тинч.

Куйдурубон халқни бийму умид,
То худ эрур ким шақи-ю ким саид.

Махлас иши барчаға ниятдадур.
Топмоқ ани лек машиятдадур.

XXIII

Султон ул-орифинни ғамгин кўруб, муридиға савол тили очилғони ва ул шофий жавоблар била андухлуқ кўнглин холи қилғони

Қайғулуқ ўлтурмиш эди Боязид,
Сўрди ғами кайфиятин бир мурид:

«К-ей фалак авжида хироминг сенинг,
Арш фазоси уза гоминг сенинг.

Кўнглунга не ишдин экин бу тааб,
Бу таабингға не иш эркин сабаб?»

Пир тўкуб ашку чекиб ўтлуқ оҳ,
Дедики: «Бу ғам ишим этмиш табоҳ,

Ким бу жаҳон ичраки, элдур ғулу,
Эл тўла,- аммо кишидиндур хулу.

Ҳар кишига хуш кўрунур ўз иши,
Бир киши йўққим, деса бўлғай киши,

Мунда киши борини билмон яқин,
Бор эса, ўтганлар аро бор экин».

Сўрғучиға зоҳир ўлуб изтироб,
Дедики: «Эй хуршеди олийжаноб,

Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,
Дохил эмассенму бу элга ўзунг?»

Шайх деди: «Эй иши гумроҳлиқ;
Топмоғон иш сирридин огоҳлиқ.

Мен доғи юз минг мени саргаштадек,
Ашки боғир қониға оғуштадек,

Бўлмаса имон била кетмак иши,
Англаки, они деса бўлмас киши.

Олам аро мунча сиғору кибор,
Мен бўла-ю, сен бўлу ҳаркимки бор,

Борча бу ғам тиғидин афгорбиз,
Борча бу мотамға гирифторбиз.

Ким ичи бу ғуссада қон бўлмади,
Кимсага бу нукта аён бўлмади,

Ким чу видў айлагуси жон анга,
Ҳамрах ўлур йўқса йўқ имон анга,

Чунки жаҳон аҳлиға бу бўлса хол.
Сўздаки дебмен не маҳалли савол».

Сойил этиб бўйла дури нукта гўш,
Оғзи садаф оғзидек ўлди хамўш.

Ё Раб, ўшул тухфани охир нафас,
Айла фтавоий ила ҳамроҳу бас.

Қуллуғунга махкам эт имонини,
Айлагил имонидек аймонини.

Соқий, ўлубмен, майи имон кетур,
Жисмима имон майидин жон кетур.

Қуйма бу кун жомима даврон майи,
Жоним ол, оғзимға қуй имон майи.

XXIV

ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Ислом бобидаким, «алиф»лари амният боғининг сарвлари дурур ва «син»и саодат қасрининг кунгураси ва «лом»и латофат гулчеҳрасининг сунбули зулфл ва «мим»и мухаббат машъалининг нури ва ул сарвлар соясида ер тутмоқ ва ул қаср кунгурасида талаб камандин солмоқ ва ул сунбули зулфни хабли матин қилмоқ ва ул маш ъал нури била кўз ёрутмоқнинг тарғиби

Олам аро халқни Яздони пок
Аҳли нажот этти-ю аҳли халок.

Бу бирисин обиди асном бил,
Ул бирисин зумраи ислом бил,

Куфр эли йўл топти малорнат сори,
Зумраи ислом саломат сори.

Ул бирига вайл эви бўлди мақом,
Зумраи исломға дорус-салом.

Кишвари исломки маъдуд эрур,
Халқи анинг ҳар неки мавжуд эрур,

Бoштин-оёқ борча мусулмон эмас,
Кимки мусулмон муни ёлғон демас.

Шартлари бор дурур исломнинг,
Ким ани билмас бириси омнинг.

Муслим эрур «Ман салимал-муслимун»,
Юз, илигу тил бу иш ичра забун.

Кўрки, бу иш ким илигидин келур,
Ёки бу сўз ким тилидин очилур.

Тилни хирад лол топар бу маҳал,
Ёъқки тил-ўқ лол, илик доғи шал.

Ўйлаки бу шартлар имкони бор,
Шартдин айру доғи аркони бор.

Беш ясамиш Тенгри таборак ани,
Деса бўлур хамси муборак ани.

Англағил арконини беиштибоҳ,
Аввали «Иллаллоҳ» ила «ло илоҳ».

Ёна Муҳаммадни анга бил расул,
Бер мунга тонуғлуғу қилғил қабул.

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не икки калом,
Ким икки оламғадур андин низом.

Лавх уза аввал муни ёзиб қалам,
Жаннат эшигида доғи бу рақам.

Ҳалқаи хотам киби чархи барин,
Ул бўлубон юзида нақши нигин,

Ёки бу хат зевари хотам бўлуб,
Хотами гардун юкидин хам бўлуб.

Нофия «ло»сидин айтиб «Ло илоҳ»,
Нафи неким, мумкин эрур мосивоҳ.

«Иллаллоҳ» — айлабон исботини,
Айни вужуд англатибон зотини

Буки расул ўлди Муҳаммад анга,
Юзланиб иқболи муаббад анга.

Амр ила нахйини баён қилғали,
Лутф ила қахрини аён қилғали,

Хайри русул бўлмоғи Тенгрига хост,
Ҳарне рисолатки қилиб борча рост.

Сони эрур анда адойи салот,
Лек адосида эрур мушкилот.

Аввали онингки тахорат дурур,
Билки тахорат не иборат дурур.

Ул демаким, майл қилиб сувға сен,
Бир неча узв ул сув била ювғасен.

Бўйла тахоратни билур ҳар хасис
Ўзга тахорат доғи бордур нафи

Буки сафо чашмасидин завқнок
Айлагасен лавҳаи хотирни пок.

Танни юмоғлиққа махорат бериб.
Жонға-доғи бўйла тахорат бериб

Жонни солиб бўйла тахорат аро,
Ким юзида нуқтача қолмай қаро.

Кўзни ариғ ашки зулоли қилиб,
Балки кўнгулни доғи холи қилиб.

Ўзлук уйин ўзга ҳаром айлабор
Тенгри эви сори хиром айлабон,

Қўйғасен анда ўнг аёқ илгари ,
Ғайри худо қўймағасен ичкари

Эв ияси бўлсаву сен — яхширок
Балки тутуб эв била сенлик қирок.

Бўлса қиёмингға сутун шеваси,
Ракъатинга сақфи нигун шеваси.

Саждада титраб қўюбон ерга бощ,
Сорғорибон чеҳра нечукким қуёш.

Вожибу фарзини риоят қилиб,
Суннат адосини бағоят қилиб,

Гар бу сифат сажда била пок чехр,
Ерга доғи киргасен андоқки меҳр

Субҳи қиёмат нетонг этсанг зуҳур,
Бoштин-оёқ меҳр киби ғарқи нур

Солис эрур фарз адойи закот,
Ҳақ неки бермиш санга молу жихот

Мунда доғи икки сифатдур тариқ,
Бириси аслу бири фаръ, эй рафиқ.

Фаръи буким, зоҳири шаръи расул
Ҳарне баён айласа қилсанг қабул,

Бергучи гар бор эса соҳибнисоб,
Қирқ дирамдин бирин айлаб ҳисоб,

Заръ ила дўкону ҳавоши доғи,
Балки хадам бирла мавоши доғи.

Ҳаме матоики, закотин берур,
Шаръ тариқи била билким эрар.

Кайли-ю миқдори муайян анинг,
Камми била кайфи мубархан анинг.

Масрифи секкиз кишидур бардавом,
Ким ангадур шаръ ила нотиқ калом.

Фаръ будур улки, дедук они асл,
Қилмоқ эрур борчасидин ўзни фасл.

Мақсади аслиға шуруъ айламак,
Ҳаме анинг ғайри, ружуъ айламак.

Бўлғонини бермаку шукрона ҳам,
Беннак агар худ топилур ёна ҳам.

Кўнгли қачон қилса захира ҳавас,
Бўлмоқ анга фақру фано ганжи бас.

Бўлмаса кўнглида дирам нақши доғ,
Қилмаса дур партавини шабчароғ.

Лаъл ғами бағрини қон қилмаса,
Дур ғами ашкини равон қилмаса.

Минг етибон асрамаса бирини,
Юкласа ўз бўйниға тақсирини.

Ганж топиб чекмаса вайрониға,
Берса қўюб миннатини жониға.
Ҳаме етар берса, тугуб ёпмаса,
Бергали шукрона яна топмаса.

Кимки анга базл бу чоғлиғ дурур,
Ганж доғи топса яроғлиғ дурур.

Робиъ анга савм дурур қочмағил,
Тутқилу нафйига оғиз очмағил.

Меъдани холилиқ ила қил тўло,
Неча хало анда сафодин мало.

Савм хадисида будур мужмали,
Ким ани Ҳақ дебдурур «Ассавму лий».

Айлади иснод ўзига ажрини,
Йўқса ул-ўқ қилғусидур зажрини.

Амр қилиб берса жазо чун Худой,
Демаки си рўза, йил ўн икки ой.

Тутсанг ани улча сазоворидур,
Сирфани билгилки сенинг соридур.

Савми эмас доғи машаққатнихи,
Муждада бўлса «Ана ажзи бихи».

Бу доғи уч қисм иладур мунқасим,
АвваҲ, бу расм иладур муртасим,

Ким чу саҳар кўргузур анворини,
Чеккуча кун ғарбға рухсорини,

Акл ила шурб айламагай рўзадор,
Лек икинчига будур эътибор,

Ким бу сифат савмки топти рақам,
Бўлғай изофат неча иш анда ҳам,

Сойири аъзоға халал етмамак,
Шаръ хилофиға шуруъ этмамак.

Ҳар бин ўз шуғлиға зоҳид бўлуб,
Манъи хилоф ичра мужоҳид бўлуб,

Бормаға-ю кўрмага-ю тутмағай,
Айтмагай, эшитмага-ю ютмағай.

Лекин учунчиси будурким, кўнгул,
Чунки эрур махбити анвори Кул.
Поку равонбахш ҳавоси анинг,
Жилвагаҳи файз фазоси анинг.

Махзани асрори Илоҳий ҳам ул,
Ойинаи чеҳраи шоҳий ҳам ул.

Даф қихб занги хаёлотни.
Асрамоқ ул навъ бу миръотни,

Ким анга жуз дўст зуҳур этмагай,
Балки анинг ғайри хутур этмагай.

Ҳеч сувар нақшиға бермай мадор,
Ғайр бу неъматдин ўлуб рўзадор.

Ушбу сифат йўққи, саҳар то ба шорн,
Қўй саҳару шомниким, бардавом.

Хомис анга қиблаға солиб қадам,
Бўлмоқ эрур зойири Байтил-Ҳарам.

Бўйла саодатқа аларким етиб,
Бодияни икки сифат қатъ этиб.

Бири буким, улки бўлуб мустафид,
Яъни ўлуб жоҳу тамаввул мумид.

Бўлса йўл амнияти воқиъ анга,
Оризае бўлмаса мониъ анга.

Барча йўл асбоби мухайё қилиб,
Ҳамрахи мушфиқ даги пайдо қилиб,

Фарзлиғин ўзига жазм айлагай,
Фарз адосин қила азм айлагай.

Лек икинчи буки, аҳли фано,
Ким ўзига фақрни билгай ғино.

Дўст тушуб хотири вайрониға,
Шавқу талаб ўт солибон жониға,

Ҳўй чекиб, йўлға тушуб пил киби,
Ишқ ўтидин телбарагон эл киби.

Минг йиғоч ар урғусидур гомини,
Боғлабон аввал қадам эхромини.

Не анга зоду не анга роҳила,
Не анга маркаб, не анга қофила.
Дашт анга гулшану насрин - тикан,
Йўлики ёнида муғилон чаман.

Ҳарне самум анда эсиб ранги ол,
Борча гулу лола учурғон шархол.

Бўйла самум ичра етиб ул салинт,
Ўйлаки гулзор аросинда насим.

Ул чаман ашжори муғилон бўлуб,
Анда қуюн сарви хиромон бўлуб.

Ҳақ анга раҳматни далил айлабон,
Шуълани гулзори Халил айлабон.

Токи ани еткурубон ул далил,
Уйгачаким, қўйди биносин Халил.

Тавфида ул сидқу сафо келтуруб,
Борча шароитни бажо келтуруб.

Дўст уйида чу бўлуб мехмон,
Ҳарне керак хозир этиб мизбон.

Балки бу меҳрнонни ўзи келтуруб,
Евигача ҳамрах ўлуб еткуруб.

Мунча саодатқа этиб сарфароз,
Кимсани бу йўлда фанову ниёз.

Фони ўлуб кимки ниёз айлади,
Тенгри ани кошифи роз айлади.

Фориғ этар бодия қатъ аҳли мол.
Аҳли фано қатъида бор ўзга хол.

Не топиб ул неъмату нози била,
Онча топиб юз бу ниёзи била.

XXV

Иброҳим Адҳамнинг Каъбаға намоз била борғони ва Робиаи Адвияға Каъбанинг ниёз била келгони

Қилди чу Адҳам халафи тарки жоҳ,
Тожи фано бошиға қўйди Илоҳ.

Берди фано елига мулку хашам,
Бодиянинг қатъиға қўйди қадам.

Бўлди мусаллони солиб саждасоз,
Ҳар қадам айлаб ики ракъат намоз,

Қолди бу йўл қатъида ўн тўрт йил,
Мадхиға ҳар хору гиях чекти тил.

Макка тавофиға чу қилди хиром,
Йўқ эди ўз ўрнида Байтул-Ҳаром.

Чекти фиғонким, бу недур, ё Илоҳ?
Ҳотифе ун бердиким: «Эй пири роҳ.

Бодия қатъида дурур бир ажуз,
Шавқу мухаббат юкидин қадди куз,

Заъфдин ул бўлмиш эди нотавон,
Каъба анинг тавфиға бўлди равон».

Айлади хайрон ани бу воқиа,
Боқса кейин кўрди келур Робиа.

Дедиким: «Эй Арш матофинг сенинг,
Каъба қилиб азми тавофинг сенинг.

Кўрки жаҳон ичра солибсен не шўр»,
Робиа деди ангаким: «Қилма зўр,

Шўр сенингдур бори оламда бил,
Бодия қатъи учун ўн тўрт йил».

Деди Бироҳимки: «Эй покрав,
Балки малак хайлидек афлокрав,

Недин экин буки манга етти ранж, Мен
чекибон ранжу санга бўлди ганж»

Робиа деди анга: «Огоҳ бўл,
Ким неча йил бодияда борча йўл,

Бўлди ишинг арзи намоз айламак,
Шева манга арзи ниёз айламак.

Санга самар берди намозу риё,

Бизга бу бар берди ниёзу фано.

Боқма, Навоий, яна ноз аҳлиға,
Арзи ниёз айла ниёз аҳлиға.

Соқий, олиб кел қадаху қилма ноз,
Кўрки, не муштоқдур аҳли ниёз.
Бер тўлаким, ичсун ани бир ҳариф.
Хосса мангаким, боридин мен заиф.

XXVI
УЧУНЧИ МАҚОЛАТ

Салотин бобидаким, «ИннАллоҳа яъмуру бил-адли вал-ихсон» амри Ҳақ субҳонаху ва таоло хусравлиқ худин аларнинг хилофати бошиға қойдиким, адолатлари «айни»нинг чашмаи зулоли мулк бўстонин сероб қилғай, то бу бўстондин амният ва фароғат гуллари очилғи ва алар зулм боғида май ичиб гул сочарлар, балки майдин хе дам ўзгача гул очарлар

Эй фалак авжидин ўтуб рифъатинг.
Ою қуёшдин чолиниб навбатинг.

Тахтинг ўлуб давлати жовиди мулк,
Сояи чатринг аро хуршеди мулк.

Тож бошингдин бўлубон сарбаланд,
Тахт аёғингдин ўлуб аржманд.

Сиймни алқобинг этиб муҳтарам,
Сиккаи қадрингға кавокиб дирам.

Хутбаи жоҳингни ўқуб Муштари,
Курсийи нухпоя анинг минбари.

Мехр бўлуб соянишининг сенинг,
Ой юзида мухри нигининг сенинг.

Мулки Сулаймон уза ишратнамой,
Бошинга солмай кўлака жуз хумой.

Маснади Жамшед уза айлаб мақом,
Топмай илигинг ўпарин ғайри жом.

Хотами адлингға сипеҳри баланд,
«Рости:>ю русти» билан нақшбанд.

Хутбаи жоҳинг қадар иншо қилиб,
« Яъмуру бил-адл» ила туғро қилиб.

Ҳаққи солиб сояи раъфат санга,
Рўзи этиб тахти хилофат санга.

Айлади оллингда бийикларни паст,
Дахр забардастларих зердаст.

Халқни оллингда қилиб нотавон,
Барчасиға айлади хукмунг равон.

Хизматингга элни забун айлади,
Қадларин оллингда нигун айлади.

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.

Ермас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок.

Барча жаворих била аъзода тенг,
Сурати навъи-ю хаюлода тенг.

Лек хунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқи хушу лутфи мақол ичра ҳам,

Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёу бори авсоф аро,

Шаръ тариқида ибодатда ҳам,
Ҳақ йўлида тақвию тоатда ҳам.

Сен тушубон йўл нахажидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.

Буки санга Тенгри бериб имтиёз,
Салтанат айжида қилиб сарфароз,

Тахтни шахсингға макон айлади,
Мулк уза хукмунгни равон айлади,

Мунда доғи қудратин ифшо қилиб,
Ҳикмат ила қатрани дарё қилиб.

Билдуруб элга хақу бархақлиғин,
Англатибон қодири мутлақлиғин.

Лек бу иқболнинг ўтрусида,
Бўйла бийик мартаба қаршусида,

Амр қилибдур неча хизмат санга,
Рўзи этибдур неча санъат санга:

Бин - анинг неъматиға шукр эрур,
Кимсаки, шукр айласа кўпрак берур.

Шукр қилиб айламасанг уштулум,
Деб ўзиким: «Лаазиданнакум».

Сўнгра раиятни вадойиъ деди,
Хуррам ани билки, бу ғамни эди.
Гарчики, Ҳақ амри фаровон эрур,
Борчаси бир ёну бу бир ён эрур.

Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.

Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар туъмасидур бори бил.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қуруғон ўтун.

Бўрини доғи галадин дур қил, Сув
берибон боғни маъмур қил,

Ғам эсанг ул гала манофиъ берур,
Боғ гулу меваи нофиъ берур.

Гала тугансау қуруса шажар,
Худ санга қолмас яна наф у самар.

Истаса топшурғонини кирдигор,
Фикр қил ул дамки, жавобинг не бор?

Кўз оч, агар худ бор эсанг рахшунос,
Иш равишин айла анингдек қиёс,

Ким не кишиким, санга махкум эрур,
Зулмунга бечорау мазлум эрур.

Гарчики, йўқ шавкату сармояси,
Сендин эрур ортуқ анинг пояси.

Негаки, чун хашр куни зулжалол,
Золиму мазлумни айлар савол.

Анга эваздур, санга шармандалиқ,
Анга бийиклик, санга афгандалиқ.

Тил чекиб ул ханжари пўлоддек,
Очилибон савсани озоддек.

Санга бинафша киби қадди нигун,
Бош кўфара олмай уётдин забун.

Анга нишоту санга - андуху ғам,
Ул санга андоқки, анга сен бу дам.

Ҳар не хато қилғонинг ўлғоч ҳисоб,
Бўлғусидур ҳар бирига юз азоб.
Тенгри бу дардингға даво айламас,
Ушбу жиҳатдинки, хақуллоҳ эмас.

Гарчи синуқ игна хаққун-носдур,
Бағринг аро ханжари олмосдур.

Қилмаса мазлум гуноҳинг бихил,
Дўзах製 ародур ватанинг муттасил.

АфВин анинг тутмасанг уммид сен,
Билки томуғ ўтида жовид сен.

Кимга тикан бирла қилибсен ситез.
Урғусидур кўксунга юз тиғи тез.

Кимки бўлур бир шараринг фош анга,
Дўзах ўти бўлғуси подош анга.

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,
Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Эйки, қавий айлауи давиат қўлунг,
Зулм сон тушти ва лекин йўлунг.

Зулмунг эмас эрди халойиққа кам,
Ким қиладурсен ани ўзунгга ҳам.

Зулм ўзунга фисқдур, эй хушёр,
Гум қил ани, бўлса санга хушёр.

Чунки фарах базмиға жазм айладинг,
Айшу тараб азмиға базм айладинг.

Қасрки, базм анда мухайё бўлуб,
Зийнати фирдавси муалло бўлуб,

Пардалари риштаси эл жонидин,
Лаълию шингарфи улус қонидин,

Шамсаси эл моли била зарнигор,

Эл дура лаъли била гавҳамигор.

Хиштини масжид бузубон келтуруб,
Тошини эл марқадидин еткуруб.

Анда тузуб маснади шоҳаншахи,
Айшу тараб жоми учун муштахи.

Базмда соқийлар ўлуб жилвасоз,
Аҳли ғино ҳар сорт дастоннавоз.
Ҳарнеки марғуби эрур нафснинг.
Топилиб ул базмда бир йўқки, минг.

Тил бори ул дебки, демак хўб эмас,
Кўз кўрубон оники, матлуб эмас.

Арбададин ўзга эшитмай қулоқ,
Коми учун тутмай илик жуз аёқ.

Ҳою ғулудин бу нишотинг куни,
Англамайин кимса муаззин уни.

Баски самоу ғазалу қавлу савт,
Бўлубон ул кунги намоз элга фавт.

Аҳли вараъким, топиб анда вужуд,
Чанг рукуъ ичра, суроҳи сужуд.

Улки бу тоат била тафзих анга,
Нуқл бўлуб донаи тасбиҳ анга.

Токи қуёш жирми бўлуб нурпош,
Махфили айшингда бу янглиғ маош.

Шорн жаҳон сафхасин айлаб қаро,
Пардаи зулмат чу ёпиб эл аро.

Рост ярим тунга дегин хол бу,
Ҳам санга, ҳам хайлинга аҳвол бу.

Жом бу аҳволинга қон йиғлабон,
Шамъ куюб, ашкфишон йиғлабон.

Қоқиб овуч санжу қилиб наъра кўс,
Кўкка чекиб нолау афғон хурус.

Сен чу бўлуб сархушу хилватгарой,
Анда қилиб наме тилаб нафсу рой.

Базмдағи қорию гар худ йигит,
Майдин ўлуб ҳар бири бир телба ит.

Шайнда қоплондин агарчи фузун,
Нафс итининг илгида лекин забун.

Ҳар бириси юз тамаи хом аро,
Ёйилибон кишвари ислом аро.

Ҳар сонъ бир маст ўлуб оромжўй,
Бир бути гулрухдин ўлуб комжўй.
Мастлиқ уйқуси чу айлаб ҳужум,
Борча ўлукдек ётиб ул хайли шум.

Субҳ чу зоҳир қилиб анворини,
Ҳар ён очиб ламъаи рухсорини.

Ончаки султоний ўлуб чоштгоҳ,
Уйқуда султон била хайлу сипоҳ.

Кўзларидин уйқу чу маъзул ўлуб,
Ҳар бири бир зулмға машғул ўлуб.

Очибон элга ситам абвобини,
Қилғали пайдо тараб асбобини.

Бўлди чу асбоб мухайё яна,
Кирди тараб базмиға ғавғо яна.

Ё-қки замона шахт бжи шевалик,
Ўз хўри ҳолиға улугс то кичик.

Ҳар куни бу шанъат ила тунгача,
Ҳар кеча бу ғафлат ила кунгача.

Эй хулафо ўрнида маснаднишин,
Кўр ўз ишингнию аларнинг ишин.

Қоида мундоғму бўиур, де ахи,
Бир ўз ишингнинг ғами ҳам е ахи.

Ҳақ сени адл этгали султон этиб,
Зулм ила сен халқни вайрон этиб,

Ул сени маъмури ибодат қилиб,
Сен лаъбу лахвни одат қилиб,

Неча бу бехудлуқ ила йилу ой,
Вой, агар келмасанг ўзунгга, вой!

Умр бу ишлар сўнгича кетти тут,
Марг нихиби бошинга етти тут.

Чун хашаму хайлдин айрилғасен,
Деки, бу аъмол ила не қилғасен?

Не амали хайр санга дастгир,
Не ситаминг кўргучи пўзишпазир.

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил.
Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,
Зулм ила фисқинг неча бўлғай, неча?

Гаҳ-гаҳи ёд айла надоматни ҳам,
Қайси надоматки, қиёматни ҳам.

Журму гунахдин киши маъсум эмас,
Таркини тутмоқ доғи мазмум эмас.

Ҳақнинг эрур сахвсиз иш лозими,
Сахв эрур лозимаи одами.

Сахвунга де узр, таваххум била,
Зулмдин эт тавба тазаллум била.

Кимники бедодинг этибдур асир,
Бўл анга адл илги била дастгир.

Рой ила зулматни мунир айламак,
Лутф ила оламни асир айламак,

Тиғ агар чекса нечукким қуёш,
Айламак онинг сўнгида меҳр фош.

Шахлар аро бўйла сифат кам дурур,
Ким Шахи Ғозийға мусаллам дурур.

XXVII

Шоҳи Ғозий қахрининг сарсари бир саркаш хўшани барбод этиб, адлининг суйи ул хуъша бутган бузуғ мазраани обод қилғони

Андаки Ғозий шахи фархунда бахт
Тож олайин деб талошур эрди тахт.

Юз, ики юзча киши бирла қазоқ,
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ.

Новаки душман юрагин қон этиб,
Тиғи адув бошини паррон этиб.

Бор эди зотида сазоворлиқ,
Ким Ҳақ анга берди жаҳондорлиқ.

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтурдию дод айлади.

Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этти адолат била,

Бидъату фисқ аҳли бўлуб мунзавий,
Адли шариат қўлин этти қавий.

Бир кун эди сайрға азми дуруст,
Шефта золе этагин тутти руст.

Нолаву афғон чекибон тортиб оҳ,
Дедики: «Эй шоҳи шариатпаноҳ,

Қилғум агар адл эса, маръий букун,
Сенинг ила даъвийи шаръий букун.

Шарт буким айлама махкам итоб,
Махкамаи шаръдабергил жавоб».

Шах деди: «Гар даъви эса қонима,
Шаръий эса миннатидур жонима».

Айладилар бўлди чу бу нукта жазм,
Қозийи ислом хузуриға азм.

Иккиси чун ёндашиб ўлтурдилар,
Ҳар сори ҳайрат била эл турдилар.

Маъракада Зол била Рустаме,
Бошлари узра ўкулуб оламе,

Зол дедиким: «Қазоқ эрканда шоҳ,
Тиғ чекибким, чекар эрди сипоҳ.

Бор эди мен тулға жигаргўшае,
Бал жигарим мазраидин хўшае.

Боғим аро сарви сихишева ул,
Балки қуруқ нахлим аро мева ул.

Шоҳ қиличи жигарим қилди чок,
Ул жигарим порасин этти халок.

Тиғ ила ёриб жигарим ёнини,
Ерга оқизди жигарим қонини».

Айтти қози: «Кетур, икки гувоҳ,
То қилайин хукмини беиштибоҳ».

Деди: «Гар икки тонуғ этсам ҳавас,
Ҳам анинг-ўқ адлию инсофи бас».

Бўйла чу икки тонуғ ўткарди зол,
Бўлди муқир хусрави фархундафол.
Қози ўлуб адл ҳаримиға хос,
Қилди равон хукм: дият ё қисос.

Шах деди: «Шаръ этса бу янглиғ адо,
Шаръи наби хукмиға жоним фидо».

Ёғлиғ ила боғлади бўйнини руст,
Юз ҳамённинг доғи бўйнини суст.

Тиғ бериб золға бевахму бийм,
Бир сори доғи тўкубон ганжу сийм.

Деди: «Қасос айласанг оллингда бош.
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр».

Тиғни ул адл ила инсофи тунд.
Золи хазин тишларидек қилди кунд.

Тушти аёғига бўлуб узрхоҳ,
Дедики: «Эй хусрави анжумсипоҳ,

Гар йигитим қилди фидо жон санга,
Мен қари жони доғи қурбон санга.

Мэндин агар бўлди аён изтироб,
Лутф ила афВ этки, мен ўлдум хароб».

Вах, бу не изҳори хижолат бўлур,
Бу не деган лутфу адолат бўлур.

Зол кечиб даъвию дастонидин,
Йўқки, ўғул қонидан, ўз жонидин.

Турфа буким, хусрави одил ани,
Адл ила ул даврда айлаб ғани.

Золни анжум киби сийми равон,
Золи фалакдек қилибон навжувон.

Сим кучидин бўлубон симбар,
Халқ лақаб айлаб анга «Золи зар».

Золи фалакдин неча кўрсанг алам,
Шах чу қилур адл, Навоий, не ғам.

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.
Адл аёғин тутки, бўлуб шод ичай,
Одили давронни қилиб ёд ичай.

XXVIII
ТЎРТУНЧИ МАҚОЛАТ

хирқапўшлар сулукидаким, ўз қошларида хирқаи талбисларига хақиқий либос от дурур ва хақойиқу маорифлари авомға либосот. Ва хақиқий боданўшлар равишидаким, хирқаи вужудлари фано илги зўридин чок дурур ва Мдсиходек жонбахш нафаслари руҳи муқаддас киби пок ва маҳалли тавфлари соҳати афлок

Эй бўлубон санъат ила хирқапўш,
Шому саҳар зикр ила солиб хуруш.

Хирқа уза бахяки ҳар ён чекиб,
Зухду риё вуслаларидин тикиб.

Руқъаи даври бу мураққаъда кўп.
Барча дирам остиға тикмакка жўб.

Иплар анга риштаи талбис ўлуб,
Игна анга сиблати иблис ўлуб.

Азрақ узакима бўлубон бахясоз,
Анжуми нахси фалаки нақшбоз.

Ушбу фалак узра ридо субҳидам,
Субҳки, козиб анга хўлмиш алам.

Ески амомаки бўлуб печ-печ,
Печдин ўзга нима ёъқ анда ҳеч.

Қайси асо хийла уйига сутун,
Кош синиб ул, бу уй ўлғай нигун.

Субҳа дема, бутки ёънуб буттарош,
Дона ясаб, ҳарне қолиб реза тош.

Муъзини қарробаи куффор анга,
Ришта бўлуб риштаи зуннор анга.

Ул йиғочиким, ани мисвок этиб,
Оғзи луоби била нопок этиб.

Номаи идбор дегил оғзи руст,
Оъпмак учун элтиб ўз оғзиға чуст.

Ҳар ён аёғидаки наълайн ўлуб,
Аҳли сафо хазли учун шайн ўлуб.

Турфа соқолин осибон кулгудек,
Эгри йиғоч узра чиқиб ўчкудек.

Ўчкуча ҳам йўқ ишида тўғрилиқ,
Ул тутуб ўғри, бу қилиб ўғрилиқ.

Ўчку тилаб хайлиға баргу наво,
Гар гала минг бўлса, бўлуб пешво.

Ўзини бориға шафиқ айлабон,
Ҳоди ўлуб қатъи тариқ айлабон.

Тоғ ила тузни туну кун бошқариб,
Хайлини йўл ақбасидин ўткариб.

Кўргузубон бу доғи хайлиға йўл,
Йўлки, борибон томуғ ўтиға ул.

Водийи зулмат аро ул турфа хайл,
Йўл итуруб айлабон ўт сори майл.

Мафсақае топибон элтиб панох,
Отини маъбад атабу хонақоҳ.

Хонақоҳ ичраки солиб бўриё,
Ранг анга зарқ ўлубон, бў - риё.

Масжиди аркони бўлуб мухталиф,
Қибла жануби тарафи мунҳариф.

Маст муғ ашжоридин абвоб анга,
Қахбаи тарсо қоши меҳроб анга.

Шайх бу меҳроб аро тоат қилиб,
Ҳар неки шайтон деб итоат қилиб,

Бўлуб анга жамъи халойиқ мурид,
Лек бори шайхқа лойиқ мурид.

Шайх қадин хам қилибон «нун» киби,
Оитурубон гўшада Зуннун киби.

Аҳлисулук ичра маориф дебон,
Они - мухаққиқ,   муни - ориф дебон.

Ҳарза музахрафники бунёд этиб,
Аҳли иродатқа ҳам иршод этиб.

Бирин этиб зўр ила хилватнишин,
Бирин этиб куч била узлатгузин.

Аҳли риёзатдин атаб бирини,
Бирига деб воқеа таъбирини.

Воқеа гар худ анга ёлғон дебон,
Ул доғи таъбирини хазён дебон.

Хилват аро қилғучи махрам ўзин,
Хизр била тутқучи ҳамдам ўзин.

Латтаки махкам тугубон банг анга,
Эткурубон банг ёшил ранг анга.

«Хизр паямбар» қўюбон отини,
Воқеа деб - ҳарза хаёлотини.

Йўққи ҳамин хилвати аҳлиға бас,
Шайхқа ҳам ушбу «Хизр» ҳамнафас.

Рутбада андоқ анга аъло мақом,
Ким бўлубон чарх анга адно мақом,

Қолмайин ул пояким, ул этмайин,
Арзи кароматни писанд этмайин.

Ногаҳ агар нағма чекиб бир найи,
Маст қилибон они холат майи.

Нағмаи хорижки қилиб истимў,
Секрибу оҳанг этиб ул дам самў.

Дебсабу сайха чекиб андоққи пил,
Чангаки нафс оллида хору залил.

Аҳли иродат доғи бу тавр ила,
Теграсига эврулубон давр ила,

Ҳарза хаёлот ила хол айлабон,
Даврни фонусхаёл айлабон.

Ҳолда ашоб доғи пирдек,
Бемазаликда бориси бирдек.

Ёва кўп айтурда бири чирчирак,
Чарх кўп урмоқда бири фирфирак.

Бу бири важд ичра тилин лол этиб,
Ул бир ўзин волаву бехол этиб,
Бу тутубон кўз учидин они пос,
Ул қилибон важдини мундин қиёс.

Зарқ ўтидин ҳар бири дўзах киби,
Лек бурудатдин ўлуб ях киби.

Ҳар бири онча урунуб бемалол,
Ким йиқилиб, қўпқали топмай мажол.

"Борчаға мақсуд буким аҳли жоҳ,
Кўрсалар ул шайх ила бу хонақоҳ,

Шайхни сажжодаи иршод уза,
Хайлни ҳам зикр ила аврод уза.

Фақру қаноатдин ўлуб сарбаланд,
Важд ила холатдин ўлуб баҳраманд.

Борчаларин аҳли яқин соғиниб,
Ҳои ила ул важдни чин соғиниб,

Зоҳир этиб шайх қошида ниёз,
Фоқалариға бўлубон чорасоз.

То билиб охир ани султони мулк,
Хайли дуо бирла нигаҳбони мулк.

Арзи ниёз айлабон ўлғай мурид,
Пояларин ҳар нафас этгай мазид.

Ҳадя, тухаф тортқаю мол ҳам,
Мустағалу кенту суюрғол ҳам.

Бўлса булар бирла барумандлиқ,
Этгай алар нафсиға хурсандлиқ.

СубҳонАллоҳ, бу не нафси лаим,
Нафсни қўйғил, не азоби алим.

Рўзи учун мунча фусунсозлиқ,
Мансаб учун мунча дағобозлиқ.

Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.

Ботин ўлуб фосиду зоҳир - салоҳ,
Тоши мусаллою ичи мустароҳ.

Кухм нафс оллида қул айлабон.
Ҳуллани дажжолға жул айлабон.
Дев ила шайтон уруб ичинда жўш,
Танға малоик паридан пардапўш.

Кўнглак аро мушку абири тараб.
Кўнглида юз ит ўлубу гандараб.

Гарчи бўлур қалб дирам рўйкаш,
Андин айирмоқ бўлур ўт бирла ғаш.

Лек томуғ ҳам бу неча ғашға хайф,
Ўт доғи бу хайли дағалвашға хайф.

Гар кўруб ўтдин бани одам азоб,
Ўтқа булардин бўлубон ҳам азоб.

Одам аро кўр не тафовут турур,
Қибла анга тенгри, миинга бут турур.

Равза сўзи доғи демасдур бири,
Куйгали ҳам лойиқ эмасдур бири.

Эй кўнгул, ул элга жаҳонлар фидо,
Дема жаҳонлар, деки жонлар фидо,

Ким қилибон икки жаҳон таркини,
Икки жаҳон демаки, жон таркини,

Ғусса жаҳон ичра чекиб жон учун,
Жонни фидо қилғали жонон учун.

Элга бериб дафтари солусни,

Ўтға солиб хирқаи номусни.

Масжиду майхона анга ёқмайин,
Дайр била Каъба сори боқмайин.

Силкибон эл яхши-ёмониға енг,
Англаб улус йўқию борини тенг.

Жону жаҳонни кўрубон хокча,
Кавну макон нақдини хошокча.

Борлиқ асбобини фоний билиб,
Йўқлуқ ўти ичра ўзин кул қилиб.

Куйдурубон чун бу хаёлотни.
Ёрутуб ул кул била миръотни.

Кўзгуда чун ғайрдин ўлмай асар,
Чеҳраи мақсуд ўлубон жилвагар.
Балки бу нобуд хаёлот анга,
Қайси хаёлотки, заррот анга.

Бошдин-аёқ ҳар бири кўзгу бўлуб,
Шоҳиди мақсудға ўтру бўлуб.

Кўзгуву шоҳид кўрунуб ҳар тараф.
Кўзга ёмон кўрмак ўлуб бартараф.

Ҳар сориким нозир ўлуб Ҳақ кўруб,
Қилғучини фоили мутлақ кўруб.

Туз йўИ ила қотии води алар.
Ким итуруб йўлини ходи алар.

Улки қолиб зулмати хижрон аро,
Ё озиқиб водийи хирмон аро,

Хизрдек ул қавм тутуб элга қўл,
Кўргузубон манзили мақсадға йўл,

Мониъ ўлуб ғайрати огоҳлиқ,
Хизрға ҳам қилғали ҳамроҳлиқ.

Зулмат алар ўтиға бир дуди оҳ,
Йўлларида Хизр бир ахзар гиёҳ.

Кўзларида қатраки ғалтон бўлуб,
Хизрға юз чашмаи ҳайвон бўлуб,

Гардлари кўзга бўлуб тўтиё,
Амрлари мисни қилиб кимё.

Чарх била анжуми бедодгар,
Қахрлари ўтиға дуду шарар.

Мехр била бадри манозилнавард
Лутфлари гулшанида икки вард.

Айласалар ҳар сон азми шигарф
Юзларининг қатраси дарёйи жарф.

Қайда таваққуфға топиб иттисоф,
Зимнида ҳар ҳарф виқор ичра Қоф.

Шахслари зовияи хок уза,
Сайрлари гулшани афлок уза.

Шаръ ақолимида равшан тариқ, Ким
хати мавхумдин ўлмиш дақиқ.
Бу йўл ўлуб сайрда майдонлари,
Балки бу майдон аро жавлонлари.

Тоат этиб ҳар бири то жони бор,
Жон чекибон ончаки имкони бор.

Ҳарне қилиб фахм набий суннатин,
Қилғоч адо жонға қўюб миннатин.

Нечаки аъмол этибон печ-печ,
Ҳеч келиб ҳар бири оллинда ҳеч.

Жид била айлаб кўрубон сарсари,
Ажз ила юз узр қўлуб бир сари.

Неки қилиб қасд анинг амри-ўқ,
Учмоқ умидию томуғ бийми йўқ.

Кимки хаёлиға келур мосиво,
Лофи мухаббат анга эрмас раво.

Эйки, бу гавҳарға тиларсен макон,
Билки анинг кони эрур тобакон.

XXIX

Муқарраби Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий сўзиким, ниҳояти сулукдин соҳибхабар эрди ва ўз сулуки ниҳоятидин хабар берди

Улки ани қибла дер аҳли Ҳирот,
Дема.Ҳирот аҳли, бари коинот.

Аҳли аён солики атвори ул,
Исмда Абдуллоҳи Ансори ул.

Деди буким, иш манга тоат турур,
Тенгрининг амриға итоат турур.

Дўзах ўти бийми ҳам эрмас ғараз,
Не буки жаннат анга бўлғай эваз.

Бим ила ким Ҳақни парастиш қилур,
Нафс нажотини тилаб иш қилур.

Ким чекар уммид ила фарсудалиқ,
Қасди эрур равзада осудалиқ.

Ҳақдин анию муни махжур бил,
Музд учун иккисини муздур бил.
Менки ишим бўлди парастиш мудом,
Бийму умид иккиси бўлмиш ҳаром.

Бандалиқ амриға чу маъмурмен,
Тун-кун ишим бу эса маъзурмен.

Гарчи анга лойиқ эмас тоатим,
Бўлмасун онсиз эса бир соатим,

Қил дедиким, қилмоқ эрур варзишим,
Радду қабули ила йўқ ҳеч ишим.

Учмоғу зоҳид, томуғу булҳавас.
Бўлса ҳавас ёр Навоийға бас.

Соқий, ул учмоқ сувини бедаранг,
Тутки, эрур дўзах ўти анда ранг.

Ёр юзи ёди била шод ўлай,
Дўзах ила равзадин озод ўлай.

XXX
БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ

Карам васфидаким, қалби дирам марги дурур, балки раҳмат шажара-синин барги ва бухлким, сахо қалбидин холи бўлса, ниҳоятсиз бало бо Ҳур ва базл сурати кўргузмаса, мурувватдин хадсиз хало ва исроф нафйиким, ҳар ёнидин боқса офати бехад эрур ва итлоф мазамматиким, кўпроқ ҳарфи лофдин хабар берур

Эй тушуб эгнинга карам кисвати,
Қолмайин илгингда дирам қиймати.

Панжанг ўлуб сиймфишонлиққа фош,
Машриқу мағрибда нечукким қуёш.

Сийм ила илгинга адоват бўлуб,
Анда фано, мунда саховат бўлуб:

Чун кафинг олтун сочиб, андоққи барқ,
Барқи ҳаёдин бўлубон терга ғарқ.

Бошинг уза жуду сахо афсари,
Афсаринг устида карам гавҳари.

Гавҳари зотинг топиб онча шараф,
Ким ети кўк ҳуққасин айлаб садаф.

Қадринг ўлуб торами ахзар киби,
Дурру гуҳар сочмоғинг ахтар киби,

Бошинг уза ахтари давлаттироз,
Фарқ уза «фо» нуқтасидек жилвасоз.

Фарқи шарифингға ливойи карам,
Бош уза андоққи «алиф»дин алам.

Икки қўлунг Қулзуму Уммони жуд,
Ҳар бирига улчаки имкони жуд.

Кафларинг ойини чу бермак бўлуб,
Қуи мунга Ҳотам, анга Бармак бўлуб.

Буки санга Тенгри ато айлади,
Қисм карам бирла сахо айлади.

Ҳар сари мў жисмингга бир тил бўлуб,
Бўлмас анинг шукр ила узрин қўлуб.

Жуду саховат чоғи бухл этмагил,
Шукр замони доғи бухл этмагил.

Бухл эрур борча сифатдин хасис,
Лек сахо жавҳари асру нафис.

Гарчи саховат санга ойин эрур,
Бошинга бу дур била тазйин эрур.

Бу дури серобни хор айлама,

Бухл ҳисобида шумор айлама.

Нечасахо ашрафи авсофдур,
Муфрит агар айласанг исрофдур.

Ақлки таъриф этар авсофни,
Бухл била тенг тутар исрофни.

Кўнглунг анингдек нега кенг қилғасен,
Ким дуру хармухрани тенг қилғасен.

Базлу карам шевасининг хоҳ бор,
Лек нечукким керак ашколи бор.

Эйки санга Тенгри насиб этти жоҳ,
Берди карам қилмоқ учун дастгоҳ.

Билки сахо қилғали кимдур мухиқ,
Сийм берурга ким эрур мустахиқ.

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун,
Нақд этак бирла мубоҳот учун,
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ,
Бухл бу жудунгдин эрур яхшироқ.

Бўлди бу иш маст ила мажнун иши,
Маст ила мажнун нега бўлғай киши.

Кимки керак жоми паёпай анга,
Маст ўлубон чун туганур май анга.

Дев агар ютса майи хушгувор,
Мулки Сулаймон тилар этгай нисор.

Банд мажонинға гар олтун эрур,
Зеб анга лаълу дури макнун эрур,

Саъй ила бандин чу аёқдин очар,
Истаса Қорун ани ташлаб қочар.

Сим унидин вахшу сибў этса рам,
Мунга сахо от қўёли, ё карам?

Лолау гулким, совурур девбод,
Қўйса бўлурму анинг отин жавод?

Чун деди Тенгрики: «Кулу вашрабу»,
Ёнида дедики, «Вало тусрифу».

Бўлди яқинким бу саховат эмас,
Аҳли сахо муни саховат демас.

Они доғи дема сахоким, киши,
Нечаки исроф эмасдур иши.

Бермагида маръи эрур эътидол,
Лек эмас мавқиида базли мол.

Ёяр анга супраки, ул оч эмас,
Берур анга тўнки, яланғоч эмас.

От анга тортарки, юз илқиси бор,
Сим анга берурки, юз илғиси бор.

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари.

Хизрға етгач тутар оби ҳаёт,
Миср шакаррезиға хабби набот.

Шамъни кундуз ёрутур беадад
Мехр зиёсиға берай деб мадад.
Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,
Тун сочиға бермак учун бўю ранг.

Муштахи эл юз эса нон бергали,
Луқма тотурмас тилабон мумтали.

Ўйла булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза,

Журъа учун жон берибон дурдхўш,
Жом тубин купга қуяр майфуруш.

Аҳли вабо тортиб ажал соғари,
Кон аро ёқут қўюб жавҳари.

Бу икки бир навъ саховат эрур,
Ўртасида сахл тафовут эрур.

Они доғи қилма сахо дохили,
Ким кишини томиаи комили –

Халқ жихотиға талабгор этар,
Ҳарнеки, кўрди тамаъ изҳор этар.

Зулму тааддию васойил била,
Ваъдау пайғому далойил била,

Коми улус молини олмоқ эрур,
Гар олур, аммо яна бирга берур.

Ҳам сочлари мухмалу ҳам термаги,
Ҳам олури ҳарзаву ҳам бермаги.

Чоҳ қозар ғусса чекиб солу моҳ,
Туфроғи даф иға қозар ўзга чоҳ.

Олмоқ эрур қасд анга бермак ғараз,
Бу ҳам ул иккидек эрур бир мараз.

Олмоғидин ғайри зиёнбуд йўқ,
Турфа буким бермагидин суд йўқ.

Они доғи дема сахийким, киши
То тиламас бермак эмасдур иши.

Ҳар нечаким, мустахиқ ўлсун азиз.
Истамагунча анга бермас пашиз.

Они ахи ҳар киши айтур сахий,
Билки сахий ул худ эмасдур ахи.
Кўрки фусунгар чу узатди йусун,
Олди йилон мухрасин айлаб забун.

Тилни чу метин узатиб ўт солур,
Хорадин олмос ила ёқут олур.

Шамъ чекиб тил чу узатди наво,
Шорн диёри уза чекти ливо.

Ўтки забона анга маълум эрур,
Темуру хора дамидин мум эрур.

Субҳ дам урмоқда магар деди сўз,
Ким қуёш олтуниға ёрутди кўз.

Они сахий англағил, эй ҳушманд,
Ким ани давлат қилибон сарбаланд.

Ҳоли агар яхши дурур, гар табоҳ,
Кимсадин этмас тамаи молу жоҳ.

Ҳар неки Ҳақ берса қаноат қилур,
Ҳам неки амр этмиш итоат қилур.

Илгидагидин неки малхуз этар,
Бир илиги қисқани махзуз этар.

Баҳрға етса тиламас шабнаме,
Захмни кўрса аямас марҳаме.

Мустахиқе чун талаб изҳор этар,
Улчаки мақдуридур исор этар.

Улки савол этмаса ҳам чун билур
Фоқау фақрини риоят қилур.

Аҳлии талаб бошиға еткурса тиғ,
Ҳарнеки бор илгида қилмас дариғ.

Ўйлаки метин урар ўз ханжарин,
Кон анга исор этар ўз гавҳарин.

Боши яланг бўлсун, агар аҳли тож,
Макрумат айлар чу кўрар эхтиёж.

Ўз ерида юз туман, ар бир дирам,
Базл ишида тенг кўрар аҳли карам.

Улча кўрар илгида хақ молини,
Англағач ошуфта биров холини,
Сарф қилур суд ила сармоясин,
Токи қилур хосил анинг воясин.

Боқмайин ўз лутф ила эҳсониға,
Миннатини ҳам қўяр ўз жониға.

Фахм этар ул нуктаниким бехато,
Элга мусаббибдин эрур ул ато.

Бу караму базл анга кеш эмас,
Ул аро ерда сабаби беш эмас.

Эйки, сахо кўйида авбош сен,
Тежбау усрук киби зарпош сен.

Накдни гулдек доғи совурмағил,
Ғунча киби доғи гириҳ урмағил.

Ҳарнеки бу сафхада ойин эрур,
Борча сахо аҳлиға талқин эрур.

Ғунча киби хурдани қилма тугун,
Тонгла чу сочқунг неки тугдунг букун.

Бухл ила чун ютти садаф дурри соф,
Қилдилар олмоғида кўксин шикоф.

Чархки, меҳр олтунин айлар ниҳон,
Юзини онинг қаро айлар жаҳон.

Ёшурур анжум дирамин турки меҳр,
Ерга кўмар бош тубан они сипеҳр.

Чунки хазон илги сочар зарварақ,
Кўрки қуёш ранги бўлур хат варақ.

Эйки, дафири ганж уза сен аждаҳо,
Англаки, бу ганжинг эрур хунбаҳо.

Қатлинга Бахроми фалак ногихон,
Тиғ чекиб олғуси ганжи ниҳон.

Зулм ила қонинг оқизиб ранж аро,
Лаъли равори қўйғуси ул ганж аро.

Қотили гардун чу бўлуб қонлиғинг,
Бўлғуси ул ганж уза яйронлиғинг.

Юйсен илик қонинга, яъники не?
Қасд этасен жонинга, яъники не?
Орзу айлаб неча кон нақдини,
Тарк этасен жавҳари жон нақдини.

Жонинг учун махзан эшигини оч,
Нақдин олиб сочу ўз ўрнига соч.

Донаки омборға таслим эрур,
Зойиъ ўлурдин анга юз бим эрур.

Мазрааи базлда сочмоғни туз,
Ким бирига Тенгри берур этти юз.

Екмак эмас, борча буким тўрғасен,
Арпау буғдой сочибон ўрғасен.

Не букун экилса, бу мақбул эрур,
Ким анга тонгла куни махсул эрур.

Дунё эрур мазрааи фохира,
«Ад-дунё мазраатул-охира».

Мунда экиб анда орарсен яқин,
Жахд этким бўлмағасен хўшачин.

Мунда экинларга тафовут дурур,
Яхшироғи жуду саховат дурур,

Тарки тамаъ қилки, сахо ул эмиш,
Базлда сарф этки, ато ул эмиш.

Бергали олмоқ ишидин бўл йироқ,
Бермак учун олмағанинг яхшироқ.

Улки карам дурриға дарё эди,
Бахр анинг дуррида пайдо эди,

Ғазвда неруйи ядуллоҳ анга,
Халқ лақаб айлаб Асадуллоҳ анга.

Хатм ўлуб отиға сахову карам,
Деди карам бермак эмастур дирам.

Анда карамдурки талаб билмагай,
Кимда дирам билса тамаъ қилмагай.

XXXI

Ҳотами Тойи хикоятиким, химмат ва сахо аҳлиға пешво эрди ва анинг мехмонлиғи таъзимиға бош индурмаган гадо химматини кўруб инсоф берди

Ҳотами Тойиға бир озодаваш Дедики:
«Эй химматинг озодакаш,

Токи сахо бўлди кафинг варзиши,
Кўрдунг экинму бир ўзунгдек киши?»

Дедики: «Бир кун қилибон жашни ом,
Индаб эдим бодия аҳлин тамом.

Матбах аро юз тева қурбон эди,
Қўю қўзи бехаду поён эди.

Базм ичидин дашт сон бир нафас,
Касби ҳаво айламак эттим ҳавас.

Сайрда кўрдум бир асири михан,
Бир кучоқ орқасиға юклаб тикан.

Жисми уйин айлабон ул юк нигун.
Тиркабон ул уйга асодин сутиин,

Ҳар қадам урғунча тиниб муддате,
Ҳар нафас олғунча ўтуб фурсате.

Солди ул эмгак ўти кўнглумга тоб,
Лутфу тараххум била қилдим хитоб:

«К-ей қадин эмгак юки паст айлаган,
Жисмида ғам хори нишаст айлаган,

Дашт аро гўёки хабар билмадинг,
Ҳотам уйи сори гузар қилмадинг?

Даъват этиб асм фаровон букун,
Қилди ёмон-яхшини мехмон букун.

Ташла тикан, гулшани иззатқа ет,
Чекма машаққат, кўпу даъватқа ет».

Менда чу фахм этти бу навъ изтироб,
Бош кўтариб кулдию берди жавоб;

«К-ей солибон ҳирс айбғингға банд,
Озу тамаъ бўйнунга боғлаб каманд.

Водийи ғайратға қадам урмағон,
Кунгури хемматға алам урмағон.

Сен доғи чеккил бу тикан мехнатин,
Торти^ағил Ҳотами Той миннатин.
Бир дирам олмоқ чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки биров берса ганж».

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мэндин анинг химмати афзун эди».

Ҳиммат агар бўлса Навоий санга,
Банда дурур Ҳотами Тоий санга.

Соқий, аёқ тут, карам изҳор қил,
Базлни Ҳотамга намудор қил.

Бизда чу май базмиға камдур дирам,
Камлиқ эрур биздину сендин карам.

XXXII
ОЛТУНЧИ МАҚОЛАТ

Адаб даъбидаким, кичикларга мужиби саодатмандлиқ ва улуғларга

боиси сарбаландлиқ дурур ва тавозуъ васфидаким, «дол»дек қаддини хам қилғон қадамин давлат фарқиға қўяр ва ҳаё риёзидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур

Эй талаб уйида нишаст айлаган,
Қаддини хизмат юки паст айлаган.

Эл йўлида гард ўлубон дард ила.
Кибр кўзин кўр этиб ул гард ила.

Ашки риёзатки сочиб ҳар сари,
Андин ўчуб нафсу ҳаво ўтлари.

Оху надоматки чекиб сидқ аро,
Кизб юзин дудидин айлаб қаро.

Сидқ ила ҳар гарм нафасиким уруб,
Реву риё хирмонини куйдуруб.

Қилмай ўзин рухсат ишига самар,
«Мим»и азимат била боғлаб камар,

Сарсари ғайратни чу бунёд этиб,
Ҳирсу тамаъ рахтини барбод этиб,

Бўйла тариқики қабул айладинг,
Кўйи тараб сори нузул айладинг.

Лек бу йўл қатъида шарти талаб,
Билки тавозуъ била келмиш адаб.
Чунки тавозуъға хам ўлди ҳилол,
Бўлди фузунроқ анга ҳар кун камол.

Ёға тавозуъ сифати берди даст,
Қадр ила мушаф уза топти нишаст.

Чарх тавозуъ уза то хам дурур,
Тобии амри бори олам дурур.

Ё киби қошким бу дурур шон анга,
Жонин улус айлади қурбон анга.

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.

Чунки ёғин манбаи ўлди ҳаё,
Қатраси тупроғни қилур кимё.

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.

Қахқаҳадин кабк наво келтуруб,
Бошиға ул кулгу бало келтуруб.

Ғунча кулуб бўлди очилмоқ анга,
Этти очилмоқда сочилмоқ анга.

Барқни кулгу йиқибон тоғ аро,
Балки қилиб ер қуйи тупроғ аро.

Субҳки, бу шева писанд айлабон,
Мехр ўти дуррини сипанд айлабон.

Кулгуки ўз хаддидин ўлди йирок,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхширок.

Равшан этиб шамъни ҳар тун йиғи,
Элга бериб ғунчани хандонлиғи,

Қилди булут ашки била дур нисор,
Бўлди чоқин кулгусидин хоксор.

Мастки йиғлай юруй ўздин кетиб,
Ашки ниёзи гунаҳин пок этиб.

Кимда адаб, кулгуга очмас оғиз,
Лек ҳаё абри эмас қатрасиз.
Қахқахаким, хазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур.

Ҳар кишиким хинду ўлур хазл аро,
Юзини қилмоқ керак аввал қаро.

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи,
Ўз тилини кўрки кесар ҳам ўзи.

Улки соқол боғлабон эл кулдурур,
Кулгу соқолиға ўзи келтурур.

Қилмоқ учун кўзга фузун кўркини,
Бошиға маймун.чу қўяр бўркини.

Кулгу учун келса улус қошиға,
Кулмас улус ёлғуз анинг бошиға.

Масхараким кулгу учун бож ер,
Бир дирам олғунча ики кож ер.

Шаклда чун масхараваш келди бум,
Урмоғиға қушлар этарлар ҳужум.

Ҳазлға лўли илик этса сутун,
Ўзини куч бирла қилур сарнигун.

Мунча мазаллат бориси булъажаб,
Даф бўлур келса ҳаёву адаб.

Жилвагар ўлди чу қуёш раъяти,
Ер тубига кирди кеча зулмати.

Музхик эрур маст чу айлар хуруш,
Сўзни тааммул била дер аҳли хуш.

Тулкуву ит кулгу эшигин очар,
Шер кўрунгач улус эвдин қочар.

Буки тавозеъдурур оти анинг,
Ёки адаб келди сифоти анинг.

Гарчи хирад васфидин ўзга демас,
Борча улус шаънида бирдек эмас.

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.

Қулғаки, бек қилса тавозеъ тузун,
Риштаи ранж ўзига айлар узун.
Сажда гадо оллида эрнас карам,
Билки карамдур анга бермак дирам.

Тифл учун қўпмоқ эмастур адаб.
Пирлар ул ишни демастур адаб.

Ул мутакаббир бўлуру сен енгил,
Бу икки иш эл нега қилғай дегил.

Гарчи адаб шарти бағоят керак,
Ҳар киши таврида риоят керак.

Рутбада сендин кишиким боиса паст,
Кўрсанг ўз илгингда ани зердаст,

Гар санга худ тобиу худдом эрур,
Қайғулари кўнглунга ноком эрур.

Фарзу сунан улча эрур дилпазир,
Борчаға ўргатмак эрур ногузир.

Ҳар не алар қилса хилофи ҳисоб,
Фарздурур айламагинг эхтисоб.

Ҳашрдадур чунки хитоби санга,
Ҳар не савол ўлса жавоби санга.

Лек риоятлари бўйнунгдадур,
Руқъаи рўзилари қўйнунгдадур.

Вожиб эрур борчасиға ёрлиқ,
Яхши-ёмон ишда хабардорлиқ.

Бу сифат уммид илаким бим эрур,
Ушбу жамоатға бу таъзим эрур,

Гар эрур атфолу иёлинг сенинг,
Будур аларға доғи холинг сенинг.

Улча эрур тифлға шоиста иш,
Билки кичикликта эрур парвариш.

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Бириси қўймоқлиқ эрур яхши от,
Ким десалар етмагай андин уёт.

Исмда кўп келди тафовут падид,
Бири Ҳусайн ўлди, бириси Язид.
Қилмоқ эрур бири муаллим талаб,
Қилғали таълим анга илму адаб.

Итга тааллумда чу бўлди камол,
Сайд анинг оғзидин ўлди халол.

Олим ул итким нажасул-айн эрур,
Ўғлинга жаҳл ўлса ажаб шайн эрур.

Гарчи анга шафқат эрур судманд,
Эткуруф ифроти ва лекин газанд.

Мехр ила зажрики тавақкуъ дурур,
Тифлға сендин бу тавозуъ дурур.

Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.

Нафқа била нафсни тутма дариғ,
Жонингға ифрот ила ҳам урма тиғ.

Айламагил хулласини ранг-ранг,
Кийса доғи ҳужрада тутсун даранг.

Англасанг отланғуча холотини,
Гар эр эсанг тутма анинг отини.

Қилса равон ёр ила ағёр аро,
Таъбияи кўй ила бозор аро.

Улки чиқиб кирди яна қўйнунга,
Билки олибсен ажаб иш бўйнунга.

Ғоза била қилди чу юзни қизил,
Юз қаролиқ фикридадур жазм бил.

Сочбоғини тоб ила чун солди банд,
Нафсу ҳаво бўйниға солди каманд.

Вусма сори топии чу вобастаиқ,
Бўлди ики фитнаға пайвасталиқ.

Мунча қабоҳат била боқиб туруб,
Берсанг ижозат ани отлантуруб,

Ушбу бўлур ғайрату мардоналиқ,
Рашку ҳамият била афсоналиқ.

Ул кун агар чиқса қўю қилма зўр,
Ким чиқиб эвдин ватани бўлса гўр.

Ҳарнеким ул шаръдин этти удул,
Ермас адаб айласанг они қабул.

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.

Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

Икки жаҳонингға тиларсен фазо
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.

Тун-кунунгға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Сўзларидин чекма қалам ташқари,
Хатларидин қўйма қадам ташқари.

Бўлсун адаб бириа бори хизматинг,
Хам қил адаб «дол»и киби қоматинг.

Сўнгра рахмнинг силасин қарз бил,
Рахм ўшул тоифаға фарз бил,

Сойири нос ичра улуғ то кичик,
Ёхуд аро ерда васат чаргалик.

Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Кимники қилсанг мутавассит хаёл,
Асра анинг ҳурматида эътидол.

Хизмат ила айлама тавқир ҳам,
Шанъат ила айлама тахқир ҳам.

Тутқил анинг ҳурмати ичра зарур
Қоидаи нуктаи «Хайрул-умур».

Иззати хаддин кам эса хўб эмас,
Ҳаддидин ортуқ доғи марғуб эмас.

Ёки сени гардиши чархи баланд
Айласа шах хизматиға аржуманд.

Гарчики, шах базми эрур дилрабо,
Вожиб эрур айламак андин ибо.

Марҳами зимнида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур нешлар,

Гул кўрунур ёнида юз хори бор,
Бор эса бир айш, минг озори бор,

Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон имкон эрур.

Тифл йилон нақшиға мойил дурур,
Захрини билмаски, халоҳил дурур.

Бахрда тушса дури хуршедранг,
Зимнидадур ғарқау коми наҳанг.

Англа бу қонун ила шах хизматин,
Айшидин ортуқ ғам ила мехнатин.

Суд эрур нечаки бўлсанг йироқ,
Турфа буким, бўлмағанинг яхшироқ.

Кимга фано ганжидин огоҳлиқ,
Мулки қаноатда анга шоҳлиқ.

Хизмат агар бўйнунга беихтиёр
Тушса қилурда санга не ихтиёр.

Мухтасар айлай, эшит ижмолини,
Фахминга зоҳир қилай аҳволини,

Топсанг шах хизматиға интисоб,
Тўрт иш этгил ўзунга иртикоб:

Ният анинг бирла бурун рост қил,
Ғайрин анинг кўнглунга бехост қил.

Яна будурким, тони хизмат чоғин,
Айла, вале айламагандек соғин.

Яна буким, яхши-ёмон дема сўз,
Эл ёмону яхшисиға солма кўз.

Яна буким ранж етар, гар тааб,
Асра ёмон-яхшиға шарти адаб.

Тошқилиғингнинг бу сифат холи бор.
Боиса тақарруб анинг ашколи бор.
Бу неча иш бўлса муяссар санга,
Давлат ила ёруғай ахтар санга.

Бу бори жузве дурур, эй нотавон,
Кулли эрур улки, агар ногаҳон.

Бўлса ғино шеваси оринг сенинг,
Фақр уйига тушса гузоринг сенинг,

Анда дурур шарт тавозуъ санга,
Ўтрусида қатъи таваққуъ санга.

Чарх киби етса забардастлиқ,
Ер қуйисида тиламак пастлиқ.

Этса ғаму ғусса юки тоғдек,
Бўлмоқ анинг остида туфроғдек.

Айламамак жола киби ёғса тош,
Рост бинафша киби юққори бош.

Вазъи тавозеъда вафо айламак,
Даъби адаб бирла ҳаё айламак,

То бу васила била топиб қабул
Мақсади аслий сон бўлғай нузул.

XXXIII

Нуширвоннинг ҳаё боғида наргис кўзидин кўзининг наргиси уёлиб, наргис кўзлук гулрухидин канор истамай, канора истагони

Шоҳ эмас эрканда Ануширвон
Бўлди биров ишқи била нотавон.

Ғунча киби кўнгли тўла қон эди,
Лек ғами хурдаси пинхон эди.

Этти ғаму мехнати бемар анга,
Токи висол ўлди муяссар анга.

Бир чаман ичра тузубон хилвате,
Гулрух ила қилди аён суҳбате.

Комға майл айлади чун комгор,
Айлади таслим ўзин гулузор.

Сунғоч илик дилбари мунис сон,
Тушти кўзи бир бута наргис сон.

Илгини чекти мутағаййир бўлуб,
Деди суманбар мутахаййир бўлуб.

«Ким бу не қўл сунмоғу чекмак эди».
Посухини шоҳи муаддаб деди:

«Ким бу висол ичраки воқеъ дурур,
Наргиси шахло кўзи монеъ дурур».

Айни ҳаё бирла рутувват анга,
Бермади ул амрда қувват анга.

Наргисини тўлдурубон ёшидин,
Қўпти, доғи кечти ул иш бошидин,

То ани охир бу ариғ нияти,
Бўйла ҳаё шеваси хосияти

Жумлаи олам аро шоҳ айлади,
Адлини оламға паноҳ айлади.

Айш, Навоий, неча дилкаш дурур,
Лек адаб бирла ҳаё хуш дурур.

Соқий, адаб шартини омода тут,
Оллима тўққуз юкунуб бода тут,

То ани ич, деб сенга мен юз тутай,
Томса тўқуз, оқса худ ўттуз тутай.

XXXIV
ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Қаноат бобидаким, айни жуъдин айрилса, замзами нажоти, балки салсабили ҳаёт сори учмоқнинг қаноти дурур ва паришон тамаъким,, мазаллат заҳри таъми мазоққа еткурур ва қониъким, кўзи узра қон мавж урса, иззати бор ва томиъким, олун маснад узра ором тутса, мазаллати бор

Кимгаки иш бўлди қаноат фани,
Билки, ани қилди қаноат ғани.

Ганжу тажаммулни ғино билмагил,
Балки ғино ганжи қаноатни бил.

Накди қаноатға чу йўқдур фано,
Жахд эту бу накд ила топғил ғино.

Кулбада дарвешки, қониъ дурур,
Фойиқ эрур шахғаки, томиъ дурур.
Чунки тамаъ бўлди гадолар иши,
Билки гадодур тамаъ этган киши.

Шах чу тамаъ қилди эрур луқмахоҳ,
Қониъи дарвеш эрур подшоҳ.

Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эхтиёж.

Қушлар аро шоҳки, анқо дурур,
Нуктае бу амрда пайдо дурур.

Бордур агар фикр ила топсанг вуқуф,
Қониъу анқоға мувофиқ ҳуруф.

Туъмаға худхуд неки муҳтож эрур,
Пайк бил, арчи бошида тож эрур.

Ҳиндуи лоиб бошида тож кўр,
Они қаропул сон муҳтож кўр.

Этса арозил кафидин бож анга.
Кўк сори ташлар нимадур тож анга.

Шоҳ бошимнг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки, муҳтож эмас.

Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,
Ҳарф ила муҳтожда ҳам тождур.

Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шах дели бу важх ила муҳтожни.

Шоҳ ани билким, боши қалпоқда,
Базл этар офоқ берур чоқда.

Бўлмаса ҳам шукр ила қониъ бўлур,
Базл ишидин нафсға мониъ бўлур.

Кимки қаноатдин эрур хужжати,
Яхши-ёмонға йўқ анинг хожати.

Топса қаноат сон ҳар кимса йўл,
Шоҳ бу тақдир ила ул бўлғай, ул.

Мулк ила ўзни демагил, аржуманд,
Мулки қаноат била бўл сарбаланд,

Чархки, бир қурс ила тузди маош,
Боғлади ой жиннини кўксига тош.
Айлади Ҳақ вазъида нодир ани,
Неки қилайин деса қодир ани.

Шамъки о:з ёғи била қоврулур,
Чарх анга фонус киби эвнилур.

Равшан эрур кўзки, тутар ком ила,
Гўшаи меҳроб ики бодом ила.

Чунки оғизнинг емак ўлди иши,
Ҳарби учун чекти ики саф тиши.

Кимса неча зебу тамаъдин йироқ,
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.

Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шахвори бил.

Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зархал ўтукдурки, аёқ оғритур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг ўтук оиди аёқ осойиши.

Топса киши бодия ичра зулол,
Олтун аёқ қайдау синғон сафол.

Сувға сафол ичра ҳаловат дурур,
Кўзгуга кул бирла тароват дурур.

Кўзгу жамолиға нафас бўлмасун,
Дастаси олтун гар эмас бўлмасун.

Ташнаки ул сув била истар фарах,
Қайда кирар кўнглига олтун қадах.

Ким қуруқ этмак сувга тўғраб есун,
Қурси хуру чашмаи ҳайвон десун.

Ошиға ким солса қилиб зийнат иш,
Зардагу шалғам киби олтун-кумиш.

Борча нахуд ўрнига дурри хушоб,
Реза чағандар ерига лаъли ноб.

Юзида зарришта бўлуб заъфарон,
Қурси қамардин табақ устида нон.

Сабзаси нон узра зумуррад бўлуб,
Танаси хон ичра забаржад бўлуб.
Тенгри учун, кел ўзунг инсоф бер,
Ким киши оч ўлса не навъ они ер.

Гарчики бор анда зарофат басе,
Дурлари тишларгадур офат басе.

Чайнаридин тишга ҳам озор ўлуб,
Ютмоғидин худ бўғуз афгор ўлуб.

Чунки ейилди бу такаллуфиуқ ош,
Ош дема, балки неча пора тош.

Меъда аро чунки бу даъват етар,
Деки, ани метда нетиб хазм этар.

Меъда ўзи хўрдидоғи ошни
Ҳазм қилур, йўқки, ушоқ тошни.

Айтмаким, тўмаи қобилдур ул,
Бошдин-аёқ заҳри халоҳилдур ул.

Кимса бу ажзоға санар чун баҳо,
Ўлтурубон ўзни берур хунбаҳо.

Ҳазм ҳам ўлса агар инсофдур,
Кўрки, не ифрот ила исрофдур.

Кимки эрур махзани Қорун анинг
Мулки Жаму тожи Фаридун анинг.

Базл дебон ганж эшигин очмаса,
Фойдасиз дурру гуҳар соснмаса,

Фойдасиз қилмаса зоҳир карам,
Бермаса бир базлаға юз минг дирам,

Очға емак берса, яланғочға тўн,
Юз тилаганларга мингу бирга ўн.

Қониъ эса улчаки мақдур эрур,
Тенгрию халқ оллида маъзур эрур.

Улки тажаммул анга воқиъ эмас,
Ончаки бор сарфиға қониъ эмас.

Кўрди эса мунъими итлофхў,
Айлар анинг шевасини орзу.

Топмай анинг махзаниға дастрас,
Базл ила исрофини айлар ҳавас.
Сарв ёнида чиқорур хошасин,
Рахш хиромида сурар лошасин.

Киймак учун эгнига топмай палос,
Элга тилар, берса мунаққаш либос.

Кимгаки андеша бу сурат бўлур,
Аввал анга бурч зарурат бўлур.

Бурч ишидин ўзга чу фан топмади
Олди, вале бергали тан топмади.

Айлади чун важхни хоки сиёх,
Ваъда етиб қилди ғулу қарзхоҳ.

Бурч этибу сарф этиб итлоф ила,
Борчани айлаб талаф исроф ила.

Ё улус ичра юзи суйин сочиб,
Ё олибон бошину бир ён қочиб.

Мунчаву юз мунча етибон алам,
Лек анга бўлуб яна юз мунча ҳам.

Тарки қаноат ани айлаб жало,
Келтурубон бошиға юз минг бало.

Улки қаноатни қилибдастпеч,
Ҳолиға бу печ етушгайму ҳеч.

Икки қаро пул чекибон дастранж,
Яхшироқ андинки, шах инъоми ганж.

Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч
Бехки, биров миннати бирла кулоч.

Кундуз ўкуш ранж ила муздурлуқ,
Кулбаға бермак кеча маъмурлуқ

Бехки тамаъ тоқини тортиб баланд,
Айласа муздурлиғин юз нажанд.

Эй хуш, ул ойини фано кўзлаган,
Мулки қаноатда саро кўзлаган.

Кўнгли агар боғ таманно қилиб,
Гулшани ахзарни тамошо қилиб.

Гунбад анга гунбади нилуфарий,
Равзаси сахни фалаки ахзарий.
Тоқи муалло анга гардон сипеҳр,
Шамсаси ул тоқ уза рахшанда меҳр.

Кун бўлубон варди гулистон анга,
Ой бўлубон шамъи шабистон анга.

Анжуми шабгардға боимай қарор.
Шамъ анинг атрофида парвонавор.

Чарху шафақ базмида фонуси ол,
Ўйлаки минқош анга жирми ҳилол.

Бўйла хаёлот ила қониъ бўлуб,
Истаридин нафсиға мониъ бўлуб.

Қилса тасаввур била хурсандлиқ,
Ёди била этса барумандлиқ.

Гар худ ўлуб химматининг рахши
тез, Қилса бийик пўя қилурға ситез.

Бўлса бийик чарх ила ахтар анга,
Тўда кул ичра неча ахгар анга.

Кўрса жаҳонни бир овуч хокча,
Тўби ила сидрани хошокча.

Бермаса кўк қасриға вайронини,
Тоқи фалакка йиқуқ айвонини.

Пора юрак қони бўлуб қут анга,
Балки фарах касбиға ёқут анга.

Хору қамишнинг тубидин луқмахўр,
Лек бериб таъм анга гулшакар.

Бўлса тобони даги ҳар сори чок,
Ер юзига ибрат учун ханданок.

Хирқасининг чокларин билса ул,
Гулшани тавфиқ насимиға йўл.

Пастини аъло била тенг қилмаса,
Шолини дебо била тенг қилмаса,

Кулбаси ой шамъидин ўлса ёруқ,
Эшиги ел илгидин ўлса очуқ.

Оқ ямоғу эгнида кўк хирқаси
Хушроқ анга субҳу фалакдин басе.
Ҳар сори вайронида бўлса шикоф,
Сатр учун ўргамчи анга пардабоф.

Роҳат учун бошки қўюб тош уза,
Фари хумой истамай ул бош уза.

Қиш куни еткурса совуқ тоб анга,
Даф иға гулхан кух синжоб анга.

Ёз топа олмай чу исиғдин панох,
Соя учун кўпрук анга хобгоҳ.

Факр бериб махзани Қорун анга,
Фоқа бўлуб мулки Фаридун анга.

Айлабон ойини қаноат ани,
Дахрда мустағни улусдин ғани.

Чун бу жаҳон ичра тамаъкорлиқ,
Эл кўзида бермай анга хорлиқ.

Ҳашрда доғи қўпуб андин азоб,
Кўнглида йўқ дахшати явмул-ҳисоб.

Балки бўлуб фақрда сармояси,
Ким қуёш авжиға тушуб сояси.

Дунёву уқбода баруманд ўлуб,
Кимки Ҳақ эҳсониға хурсанд ўлуб.

Улки этиб тарки қаноат шиор,
Айлаб ани ул тамаъ эл ичра хор.

Из тиласанг айла қаноат тамаъ,
Маснади иззат узадур «Ман қанаъ.

XXXV

Қониъи жувонмард ила томиъи жаҳонгард ҳамроҳлиғи ва бири фамғат ганжи ҳирсидин мазаллат ранжиға қолиб, биннинг қаноат ранжи чекардин фароғат ганжига етгони

Форс навдхисидин икки рафиқ,
Айладилар Чин сори азми тариқ.

Бири азал қисмиға қониъ эди,
Қисмидин ортуқ бири томиъ эди.

Борур эдилар қилибон пўя фош,
Бўлди аён йўл уза бир сода тош.
Ёрими ерда, ёрими юққори,

Ул ёримидаки, бўлуб тошқори

Нуктаи бас турфа қозилғон эди,
Чун ўқудилар - бу ёзилғон эди

Ким: «Киши гар эмгак ўтин ёндурур,
Тошни яна юзиға айлондурур.

Анда битиклик дурур афсонае,
Ким бу навоҳи аро вайронае

Борки, остида эрур турфа ганж,
Олғай ани ҳар киши кўрса бу ранж.

Ҳар киши бу ранждин ўлса йироқ,
Сабру қаноат боридин яхшироқ».

Томиъ ўқуғоч мутахаттик бўлуб,
Томиа ирқи мутаҳаррик бўлуб.

Ганж таманносиға беркитти тиш,
Бўлди анга тоғ тубин қозмоқ иш.

Қониъ ул ишга чу назар айлади,
Қилмади парвоу гузар айлади.

Деди: «Бу не мехнати жонкоҳ эрур,
Ганжи қаноат манга ҳамроҳ эрур.

Ким сориким, Тенгрининг эҳсони бор,
Тош ёрилиб чиқмоғи имкони бор».

Йўлдин олиб кеча тонг отқунча бахр,
Субҳидам оллинда аён бўлди шахр.

Шахрға эл киргали кўп йўл эди,
Улки бурун кирди, вале ул эди.

Бор эди дарвозаға сурмак ҳамон,
Ҳар соридин халқ югурмак ҳамон.

Бу эл аро расм бу эрмишки, шоҳ,
Қилса бақо мулки сори азми роҳ.

Асраб ани шахр элидин ёшурун,
Кимки саҳар шахрға кирса бурун.

Айлар эмишлар ани маснаднишин,
Бошиға тож, илгига солиб нигин.

Они ҳам ул расм ила хайлу сипоҳ,
Қилдилар ул мулку сипоҳ узра шоҳ.

Ёрики ранж ўзига олиб эди,
Ганж таманносиға қолиб эди.

Ранж била етти чу ўз жониға,
Тошни эвурди яна бир ёниға,

Хатқа боқиб кўрди бу мастур эрур:
«Хомтамаъ дахрда ранжур эрур».

Они қаноат қилибон шахриёр,
Муни тамаъ ранжи қилиб хоксор.

Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,
Бор эса берсанг худ эрур ул карам.

Соқий, этибмен тамаъ ул бодадин,
Ким олур озу тамаъ озодадин,

Журъасидин солики роҳ эт мени,
Мулки қаноат уза шоҳ эт мени.

XXXVI
САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Вафо бобидаким, «вов»и семурғ «син»ининг зимнида дахякидек ниҳон дурур ва «фо»си Қоф тоғи остидағи «фо»дек аён ва «алиф»и кимё тубидаги «алиф» нишонаси, ва нуқтаси меҳригиё бутасининг донаси. Бас булами тамаъ қилгон кишининг иши сув сатхида югурмак бўлғай ва қаро ерда кема сурмак

Чарх тўқуз дуржики заркор эрур,
Жавфида юз минг дури шахвор эрур.

Ҳар дурининг ламъаси шамъи фароғ,
Не дуру, не шамъ, дури шабчароғ.

Ҳар бирининг қиймати кондин фузун,
Кон демаким, кавну макондин фузун.

Улки лақаб қўйдилар «афлок» анга.
Анжуми юз минг гуҳари пок анга,

Қай бириким ўксук эрур покидин,
Ожиз эрут ақл анинг идрокидин.

Ҳарне жавоҳирки, хаёл айлагай,
Жавҳарийи ақлу савол айлагай.

Юз топилур, бир деса бу кон эро,
Юз деса минг онча бу Уммон аро.

Ғайри ҳамул дурки, жаҳонтоб эрур,
Ким бу тенгиз қаърида ноёб эрур.

Бир дур агар айласа зоҳир жамол,
Иккиси жамъ ўлмоқ эмас эхтимол.

Сўрса отин аҳли сафо жавҳари,
Ох чекиб деки, вафо гавҳари!

Бу дури ноёб вафому экин,
Гар ул эмас, меҳригиёму экин?

Мехригиё демаки, анқодур ул,
Жавҳари фарду дури яктодур ул.

Мехр узори уза хатти ғубор,
Тун сочининг тобида мушки татор.

Тушса биров илгига дурри ятим,
Бордур анинг жавҳари жониға бийм.

Ҳар киши ҳамким бу гуҳар бор анга.
Ранжу ано доим эрур ёр анга.

Ҳар кишини кўрса, ўзин ёр этар,
Мехру вафо гавҳарин изҳор этар.

Ул киши разл ўлсун, агар бахтиёр,
Ким мунга йўқ шафқатидин ихтиёр.

Ўйлаки хуршед эрур айни нур,
Кўзни ёрутмоқда анга не шуур.

Абрки, ҳар қатра гуҳардур анга,
Гул очилурдин не хабардур анга.

Гул не билурким, негадур зеби боғ,
Невчун этар атри муаттар димоғ.

Ўт эрур ўз хирқатидин бехабар,
Бодаға маст эрканидин не хабар,

Ҳар кишиким жуз бу гуҳар йўқ анга
Фош ўлур андоқки, хабар йўқ анга.

Ҳар нечаким, бу гуҳаредур шариф,
Хосиятидур анга бехад касиф.
Ким бу гуҳар ҳар кишидин бўлди
фош, Бошиға ёғди гуҳар ўрниға тош.

Ҳар кишига қилди биров бир вафо,
Махласи йўқдур кўрубон минг жафо.

Неча самар сочмоқ эса шох иши,
Кўпрак отар тош анга терган киши.

Кон неча базли гуҳари пок этар,
Олғучи кўпрак юрагин чок этар.

Шамъ ёрутуб уй ичу тошини,
Ев ияси кўпрак узуб бошини.

Хосса бу давронки, мухаббат қўли,
Синди анинг панжасидин бир йўли.

Чунки қуёш бошдин-аёқ бўлди мехр.
Ерга киюрди ани ҳар тун сипехр.

Хома вафодин битиди можаро,
Муфтийи гардун юзин этти қаро.

Чах бошиға эврулубон чархи тез,.
Боғлабон уй бўйнину айлаб ситез.

Вахки, фалак токи сабуксанг эрур,
Дахр анинг оллида куханланг эрур.

Мехр элига жаврму эрди экин?
Қоида бу таврму эрди экин?

Лутфу вафо йўлида бўлғонга гард,
Йўқ эди эркинму эваз, ғайри дард?

Кимки вафо узра бориб бош анга,
Сарзаниш-ўқму эди подош анга?

Ё бу замон аҳлига бу бўлди бахр,
Нўш олибон қуймоқ эл оғзига захр,

Кимга биров тутса гули тозарўй,
Гулшани ризвонча анга рангу бўй.

Буки эваз, бермагай ул жуз тикан,
Бир демагил, балки дегил юз тикан.

Халқ ишига гар бу намудор эрур,
Бир киши топмоқ иши душвор эрур.
Бир киши андоқ кишиким бир киши,
Тузгай анинг бирла мавандат иши.

Этса фалакдин ситаму хори дард,
Бир нафас этгай анга изҳори дард.

Бўлса замон ханжаридин ёрае.
Мунглашиб андин тилагай чорае.

Ҳарне етар дахр малоли .анга,
Айлагай ўз кўнглини холи анга.

Ҳар кишига етса фалакдин ғаме,
Бўлмаса ҳамдарди анинг ҳамдаме,

Роз лабин тиккон ипин сўкмаса,
Ҳарнеки кўнглида эрур тўкмаса,

Дард ёқиб шуълаи нобудини,
Чархдин ўткаргай анинг дудини.

Тиғи бало кўксини чок айлагай.
Дард они бир дамда халок айлагай.

Сарсари ғам жонига урғай сипеҳр,
Хирмани умрини совурғай сипеҳр.

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.

Ёрки, ойини вафо йўқ анга.
Шамъ кибидурки, зиё йўқ анга.

Шамъки йўқ анда зиё тўшаси,
Ўтсиз эрур ўйлаки, муз шушаси.

Ёрки, бор анда вафо - ёр бил.
Умр деган ёри вафодор бил.

Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шахворсиз.

Йўқ хунари ёлғуз эса, уз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.

Фард киши даврда топмас наво,

Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?

Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур,
Ёнса йиғоч ёлғуз, иши дуд эрур.
Тоқ киши айши уйин бил нигун.
Уйга қачон хомил оиур бир сутун?

Синса уқоб эгни уза бир қанот,
Тез учар, лек анга бирдам ҳаёт.

Солмас ўюн нард бисотида шайн,
Бўлса анинг тосида бир каъбатайн.

Тошки чақмоқдин ўлғай йироқ,
Тийра тутор иккаласин ул фироқ,

Бир-бирига чун етишурлар даме,
Равшан ўлур ўтларидин оламе.

Синса қаламнинг шақидин бир учи,
Ожиз ўлур нома рақам қилғучи.

Ёки сингор гўшага муҳтож эрур,
Билки камонкаш анга хилож эрур.

Дур нечаким, айбдин ўлди йироқ,
Лаъл ҳам ўлса ёнида яхшироқ.

Жумла жаҳон шаҳлиғидин ори бор,
Кимки гадодур доғи бир ёри бор.

Шоҳки йўқ ҳамдаму ёри анинг,
Кўнглида кўп бўлғуси бори анинг.

Қилса биров ҳамнафасу ёрлиқ,
Бўлғуси кўп ғамға сабукборлиқ.

Ёр эрур анаоқ гуҳари бебаҳо,
Ким анга муҳтож не шах, не гадо.

Ушбу сифат ёрки, марқум эрур,
Войки, бу даврда маъдум эрур.

Бўлса доғи топмоғи осон эмас,
Жинси башар ичра худ имкон эмас.

Хайли малак ичра агар бордур,
Чарх уружи доғи душвордур.

Бўлди пари ҳам бу сифатдин бари,
Одами ўлмоқни не билгай пари.

Гар санга бор эрса, бу сўзда хафо,
Қайси пари чеҳрада кўрдунг вафо?
Топмоқ ани гарчики, душвор экин,
Бўлса доғи одам аро бор экин.

Васли анинг кимгаки бўлғай насиб.
Шаънидадур ояти «Фатхун қариб».

Ҳар киши бир ёр иладур кўнгли шод,
Хайли малоикдин анга «Ин якод».

Васли ила кимки эрур баҳраманд,
Жоним анинг бошиға бўлсун сипанд.

Кимки вафо кўрди жафо қилмади,
Ўтрусида ғайри вафо қилмади.

Жонни санга топшурайин, эй сабо,
Элт анинг оллида қилмай ибо.

Бўл қуюну бошиға эврул басе,
Жон доғи қўйнунгда нечукким хасе.

Мэндин анга арзи дуо айлагил.
Йўлида жонимни фидо айлагил.

Демон, олиб кел чамани вардини,
Кўзума еткур йў лининг гардини.

Хидматида гар топа олсанг мажол,
Ончаки мэндин дегасен арзи хол.

Аввал аёғиға тушуб паст бўл,
Йўлида туфроғ ила ҳамдаст бўл.

Субҳ насими киби боима хамуш,
Шорн шамоли киби тортиб хуруш.

Айтким, эй боштин-аёқ руҳи пок,
Жисм санга руҳки, руҳи фидок.

Неча висолингни тилаб зор ўлай,
Неча фироқингға гирифтор ўлай.

Бағрим оиуб кўҳи бало лоласи,
Кўздин оқиб ҳар сари парголаси.

Жоним оииб ҳажринг ила дардманд,
Раглар ажалдин анга печон каманд.

Онча сени истабон урдум қадам,
Ким талабингда қадам оиди адам.
Сени тилаб ҳар неча кўрдум шиканж,
Ганж тилаб етмади жуз дарду ранж.

Сабза дедирн сончти ништар мени,
Лаъл дедим, ўртади ахгар мени.

Лола дебон кўксума кўрдум туган.
Гул тилабон кўнглума топтим тикан.

Кимки анга айламадим жон дариғ,
Қилмади жавр улчаки имкон дариғ.

Ҳар кишиким, қўйдум аёғиға бош,
Жола киби бошима ёғдурди тош.

Войки, юз тош аро ёлғуз бошим,
Чарх соғинмишки, эрур юз бошим.

Ҳам бу нафас бошима ет, рахм этиб,
Сўнгра не осиғ келурунг мен кетиб.

Гар бу таманнони қабул айласа,
Мехр бузуғ сори нузул айласа,

Турмаву зинхор етишғил манга,
Хизр ҳаёти бу хабар бил манга.

То чиқибон ўтру юз афғон қилай,
Қайси фиғон, балки фидо жон қилай.

Тушса кўзум йиғлаю жононаға,
Жон берайин оллида шукронаға.

Жондин олиб дард бу дармон била,
Бормайин охир дами армон била.

Гар манга бу ком қариб ўлмаса,
Давлати дийдор насиб ўлмаса,

Дашти фано сори хиром айласам,
Мулки адам ичра мақом айласам.

Ҳар киши ҳам қилса вафо жоми нўш,
Кўнгли муҳаббат майидин урса жўш.

Айласа бу ишда татаббуъ манга,
Андин эрур мунча тавaққуъ манга.

Ким анга ким қилса жаҳонин фидо.
Этса анинг меҳрида жонин фидо.
Чекса юкин ончаки тўққуз сипеҳр.
Ул доғи бир заррача кўргузса меҳр.

Десун ани гавҳари кони вафо,
Кони вафо йўққи, жаҳони вафо.

Шукрин анинг вирди забон айласун,
Кўнглини меҳрига макон айласун.

Бордур умидимки, бу давлат чоғи,
Бўлғай анинг садқаси мэндин доғи.

Жонни фидо этса бу жонониға,
Қўйғай анинг миннатини жониға.

Айласалар икки тарафдин вафо,
Этгай алар жониға онча сафо.

Ким сифати сиғмағай авроқ аро,
Демайин авроққи, офоқ аро.

XXXVII

Икки вафолиқ ёр бир-бириси вафосига бошларидин кечгани ва алар баракатидин юз минг бош қиличдин ва қилич қиндин қутулгани, балки қинга тушгани

Андоқ эшиттимки шахи комрон,
Тўрт улус хони Темур Кўрагон

Фатхи ақолимга қилғонда азм,
Ҳинд саводида қатиқ бўлди разм.

Фатх ила нусрат чу анга берди даст,
Чарх адув қалбига солди шикаст.

Чунки адув куфр эли эрди тамом,
Бек дедиким, қилсун улус қатлиом.

Касратидин даштни тутғон қатил,
Қон ила шингарфдин оқизди Нил.

Бош тушуб ул рудда сой тошича
Бош кесибон ҳар киши ўз бошича.

Ҳар сари қон тўкмак ила тиғи тез,
Жумлаи оламда соҳб рустахез.

Ушбу маҳалда ики бечора ёр,
Бўлди қитол аҳлиға ногаҳ дучор.

Тушти сипоҳи бирисин чопқах,
Шоҳ ёсоқидин амон топқали.

Қатл ишига чун ёнидин чекти тиғ,
Бошин анинг чопмоқ учун бедариғ.

Кўрди чу тиғ остида қўлдошини,
Ёри шафиъ ўлди очиб бошини.

Ким санга мақсуд агар бош эрур,
Қўй ани, бу бош анга подош эрур.

Чун анга юзланди қўюб ёрини,
Ёри ҳам етти бу сўз изҳорини.

Қайсиға айлай дэса ул зулм фош,
Ёри қўяр ерди аёғиға бош.

Тунд бўлуб қотили пўлодчанг,
Дэди: Иккингизни чопай бедаранг.

Қай бирининг қатлиға қилғач шитоб,
Ёна бири айлар эди изтироб,

Ким, мени қатл айла бурун, тез бўл,
Токи мен ўлгунча тирик бўлсун ул.

Базл қилурлар эди бир-бирга бош,
Бошлариға тиғ учун ерди талош.

Макс эди бу навъ арода бир замон,
Ким ел аро тушти нидо: «Ал-амон!»

Бир-бирига кечти алар жонидин,
Шоҳ доғи кечти улус қонидин.

Фош етиб ул сидқу мавaддат хавос,
Ҳам елу ҳам ўзлари бўлди халос.

Берса, Навоий санга ёре худо; Сен
доғи қил бошингу жонинг фидо.

Соқий, олиб кел қадаҳе ёр эсанг,
Меҳру вафо шарти била бор эсанг.

Оғзима жон етти, даво қил манга,
Ваъда неча?! Емди вафо қил манга.

XXXVIII
ТЎҚҚУЗУНЧИ МАҚОЛАТ

Ишқ ўти таърифидаким, шуъласи бало саҳросининг лолалари ва ахгари балокаш кўнгул парголалари дурур ва меҳнат қаро шоми анинг тутуни ва бу шомнинг муҳтариқ кавкаблари анинг учқуни дурур. Ва ҳусн анвориким, мунча ўтға боис, анинг барқидин бир ламъа ва мунча ҳароратга мужиб, анинг қуёшидин бир ашиъа дурур

Одами хокийни чу субҳи аласт
Айладилар руҳ майи бирла маст.

Ҳикмат илиги била туфроғини,
Туздилар андоққи Эрам боғини.

Қайси Эрам, равзаи хулди барин,
Равза неким, жилвагаҳи ҳури ин,

Қушлари ҳар лаҳза юз афсона деб,
Ҳар кишиким, ёна сўруб, ёна деб.

Саҳни фалак боғидек ороста,
Ҳар гули онинг маҳи нокоста.

Орази гулранги гули тозаси,
Гул уза гулгунлуқ анинг ғозаси.

Қомат ўлуб савсани озод анга,
Балки сиҳи сарв ила шамшод анга.

Зулф анга сунбули мушкин бўлуб,
Юз била енг лолаву насрин бўлуб.

Юзда қуёш чашмасидек обу тоб,
Ғабғаб ўшул чашма суйидин ҳубоб.

Кўздин ўлуб наргиси фаттонлари,
Лабдин ўлуб ғунчаи хандонлари,

Хат бўлубон сабзаи хуррам анга,
Тер ўлуб ул сабзада шабнам анга.

Ҳусну жамол анда гумондин фузун,
Ҳарне гумон айласанг ондин фузун.

Лек бу не ҳусн ўлубон дилфиреб,
Не бу жамол олибон андин шикеб.

Булбули ишқ ўлди чу достонсаро,
Кирди тамошога бу бўстон аро.
Чун назари гулга тушуб зор ўлуб,
Шавқ ўтидин жони хабардор ўлуб.

Маскан учун бўлди чу гулбуннишин,
Жонига ўт ёқти гули оташин,

Жони аро ишқ ўтидин тушти тоб,
Кўнглида ғам шуъласидин изтироб.

Ишқ чу торожи шикеб айлади,
Гул доғи изҳори фиреб айлади.

Жилва қила бошлади чун гул анга,
Қолмади имкони таҳаммул анга.

Куймак ила чекти анингдек хуруш,
Ким ўтидин тушти чаман ичра жўш.

Келди чу бу ҳирқату маҳруқлуқ,
Бўлди аён ошиқу маъшуқлуқ.

Ишқ чу туғёни камол айлади,
Ошиқ ўзин шефтаҳол айлади.

Ҳусн доғи жилва қилиб дилписанд,
Зулфға топшурди балодин каманд.

Тушти жаҳон мулкиға ғавғойи ишқ,
Бўлди замон аҳлига яғмойи ишқ.

Ишқ не ўт ердики, қилғоч ҳужум,
Дуду шарар бўлди сипеҳру нужум.

Пашшадек ул дуддин итти малак,
Чархда фонусдек ўлди фалак.

Ақл жабинида савод етти фош,
Руҳ кўзидин доғи оқизди ёш.

Дайрда ҳам андин узун можаро,
Каъба либоси доғи андин қаро.

Май ўти бут юзидин урғоч алам,
Куйдуруб ул шуълада Мушафни ҳам.

Андаки Мушаф варақин куйдуруб,
Раҳлни ўт ёқмоқ учун синдуруб.

Дайрға масжидни ҳақир айлабон,
Куфрға имонни асир айлабон.
Хирқаи тақвони қиҳб итга жул,
Руқъалари ҳар сори жул узра гул.

Куфр саводиға чу очиб китоб,
Борча самадни санам айлаб хитоб.

Масжид аро бодаи исён сотиб,
Гўшаи меҳроб аро куп ўмотиб.

Ўт солибон гулшан аро гул била,
Майкада кунжин ёрутуб мул била.

Боғ не воқифки, не гулдур бу гул,
Куп қачон огаҳки, не мулдур бу мул.

Руҳ бу гул хориға побаст ўлуб,
Жон доғи бу мул исидин маст ўлуб.

Ақли саросима иши мухталиф,
Қайси саросимаки, масху хариф.

Дема хариф, аблаҳу нодон дегил,
Нодон йўқ, ғули биёбон дегил.

Қайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш,
Ақл ўлуб ул ўт уза хошокваш,

Ғайри кўнгул хиттаи маъмураси,
Ким куюбон бўлди бу ўт кўраси.

Қойси кўнгулники, макон етти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон етти ишқ.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун,

Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.

Рожиҳ етар ишқ ўтидин чошни.
Эл шаҳиға ошиқи қаллошни.

Ишқ эрур дурру, кўнгул дурж анга.
Балки қуёш ишқу кўнгул бурж анга.

Қайси қуёш, базмфурузанда ўт,
Дема фурузандаки, сўзанда ўт.

Танки сўнгак ҳайъатидин уй дурур,
Гар эмас уй, невчун они куйдурур.
Ишқ аён қилмоқ эрур ҳусн иши,
Ўйлаки ўт шамъ ила ёққай киши.

Ҳар нечаким ҳусн диловезроқ,
Ишқ ўти ел кўнгли аро тезроқ.

Лутфу тароват нечаким гулда кўп,
Ҳасратидин ғулғула булбулда кўп.

Оҳ чекар бўлса кўнгул захмнок,
Шуъла бийикроқ урар ўт бўлса чок.

Мушкил эмас ишққа жон ўртамак,
Ўтға не душвор жаҳон ўртамак.

Ишқ еритур ақли ситамкорани.
Шуъла нечукким, сув қилур хорани.

Бир шарари зуҳд жаҳонига бас,
Барқ ила нетгай кўп ўлуб хору хас.

Пил бўлур ишқ анга келтурса зўр,
Пил аёғи остида андоқки мўр.

Ошиқ ўзин ким дэса, ошиқ эмас,
Борча киши ишқда содиқ эмас.

Улки кезиб ҳусн писанд айлагай,
Сўнгра кўнгулни анга банд айлагай,

. Они кўнгул демаки, бир пора тош,
Не қизиғай шамъ ўтидин хора тош.

Ўзни такаллуф била ғамнок етиб,
Мотами йўқ, лек ёқо чок етиб.

Тоши малак шеваи талбис ила,
Лек ичи муттафиқ иблис ила.

Зоҳирида сидқдин оройише,
Ботинида фисқдин олойише.

Ёридин ул комлар айлаб талаб,
Ким кўрунуб зикрида тарки адаб.

Гаҳ лаби лаълидин етиб жон тамаъ,
Жон демайин улчаки, имкон тамаъ.

Васф қилиб гаҳ тани гулфомини,
Тан дема, ҳар узвининг андомини.
Ҳазл китоби киби хаттида зеб,
Маъни анга фаҳшу, фусуну фиреб.

Шуъбадагар шишасидек тоши соф,
Зимнида юз макр ила зарқу газоф.

Бу эса ошиқ, эрур ўлтургулук,
Бошдин-аёқ жисмини куйдургулук.

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Ўзлугидин ишқ ани пок етиб,
Балки фано ўтиға хошок етиб.

Дард ёшурмоқ юзин айлаб санғ,
Ашк оқизмоқ кўзин айлаб ариғ.

Тор киби заъф тани зорида,
Ҳар бўғуни бир гириҳ ул торида.

Орқасидин ишқки, юз ғам ўкуб,
Ҳар гириҳи бир ғам аёғин тугуб.

Дард юкидин бўлубон хам қади,
Дарддағи «дол» анинг ҳамқади.

Чарх киби жисми саросар туган,
Меҳнати шомиға тонуқ ҳар туган.

Кўкси шикофи бўлуб оташфишон,
Шорн балосиға саҳардин нишон.

Кўнглакига тоза тугандин ўрун,
Хирқаи идборига теврук йўрун.

Ғайр хаёлин чиқориб жонидин,
Мамлу етиб жонини жононидин.

Нуктада мойил тили ҳар сўзга йўқ.
Жонида жонон ғамидин ўзга йўқ.

Кўзда кўруб ёр юзи ҳайрати,
Куйдурубон кўнглини кўз ғайрати.

Кўнглидаги ёр ғами рашкидин,
Қон тўкубон ҳар сари кўз ашкидин.

Қойси тарафким, анга бориб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.
Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф,
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.

Ким бу сифат ишқда мағлуб эрур,
Ҳарнеки андин келур, ул хўб эрур.

Ишқ ангаким, бўйла нишаст айлагай,
Ўзлугидин фориғу маст айлагай.

Зуҳд ҳарими сори хос ўлмасун.
Ишқ ўтидин жони халос ўлмасун.

Гар йиғилиб аҳли саломат анга,
Айласалар зажру маломат анга,

Ваъдаи жаннат била овутсалар,
Ишқ ўтидин кўнглини совутсалар.

Муртад ўлуб айласа тоат яна,
Тақво ила қилса қаноат яна.

Қилса бало захмлари чораси,
Бутса ано ўқларининг ёраси.

Тан қушиға хирқани дом айласа,
Донаи тасбиҳ ила ром айласа.

Хилват аро топса юбусат димоғ,
Касби ҳаво қилғали истаб фароғ,

Қилса гузар кўю Хиёбон сон,
Ўтса Мусалло била Майдон сори.

Даштда отлиғ кўрунуб хайл-хайл,
Зоҳир етиб борчаси жавлонға майл.

Ногаҳ ўшуи хайл аро қотилваше,
Ҳусну малоҳат майидин сархуше,

Юз гул очиб май ўти рухсоридин,
Зоҳир алардин бири дасторидин.

Ҳусни ўти шуъласи гулзор ўлуб,
Ҳар сори гулзорида гулнор ўлуб.

Хол неким, даф қилурға газанд,
Ўтида кўз мардуми ҳар ён сипанд.

Қошлари ой узра муанбар ҳилол,
Ақлни девона қилиб ҳар ҳилол.
Йўқки, улус қатлиға ул қошлар,
Машварат етмакка қўшуб бошлар.

Ҳусн зуҳурида гириҳ қошида,
Зеб учун ул шамраки, «нун» бошида.

Сунбули зулфи гириҳ узра гириҳ, .
Қайси гириҳким, зириҳ узра зириҳ.

Сафшикан.ул турки баногўш ўлуб,
Қатл хаёлиға зириҳпўш ўлуб,

Ноз ила ўтлуғ кўзи ҳар ён боқиб,
Зуҳду вараъ хирманиға ўт ёқиб.

Дуди ул ўтнинг сафи мижгон аро,
Чун етибон борчасин айлаб қаро.

Сурмасиз ул кўз қарову пурфусун,
Ондин ўлуб кўзга жаҳон сурмагун.

Лаълида хай қатраси ғалтон томиб,
Йўқки бақо чашмасидин жон томиб.

Хаттини ҳар сори ҳаёт аҳли бил,
Хизрлар ўлғон зулумот аҳли бил.

Қатралар ул ғабғаби дилхоҳ аро,
Чашма суйидин сизиб ул чоҳ аро,

Ҳар сари мўйи чекибон жон рагин,
Кофири зулфи узуб имон рагин.

Ҳуллаи гулранг била қомати,
Сарвки гул ўлғай анинг хилъати.

Тунд саманди кўрунуб баркфом,
Суръати сайр ичра бўлуб баркгом.

Куймаку ашк ўлса не тонг элга фош,
Маркаби барқ ўлсаву рокиб – қуёш.

Гулдек этак санчибу пероҳани,
Тўн этагидин кўрунуб савсани.

Ёғлиғи нақшики, бўлуб гул нишон,
Савсану гул узра бўлуб гулфишон.

Гулники дастори уза банд этиб,
Сарву сапидор уза пайванд этиб.
Бу не намудори жамил, эй кўнгул,
Балки гулистони Халил, эй кўнгул.

Куйдурубон ақлни чобуклуги,
Титратибон руҳни нозуклуги.

Бўйла балолар била жавлон аро,
Этса киши бошиға майдон аро,

Туфроқ ўлурдин топа олмай амон,
Рахши аёғида замину замон.

Девнажодики, қаён гом олиб,
Йўқки башар, хайли малак қўзғолиб.

Устидаги қотили чобуксувор,
Ўлтурубон халқни девонавор.

Ул дам агар Шиблию Зуннун эрур,
Бир неча ошуфтаи мажнун эрур.

Дин чекибон мотамига хой-хой,
Пири хирад тифлдек ангуштхой.

Рухул-амин ул сори чун боқибон,
Оғзидин онинг шўлакай оқибон,

Онда не ақл, элга не тақво бўлур,
Тақво ила ақл деган не бўлур.

Кўрмаган эл топқай ул ўтдин амон,
Кўрмагу, кул бўлмоқ эмас ҳам, ямон.

Ўтқа тушуб пок бўлур кимки ғаш,
Покроқ ўлғай ўт аро покваш.

Кимки бу куймак анга одат дурур,
Дунёю уқбода саодат дурур.

XXXIX

Шайхи Ироқий Шомда ҳусн шам ъи гулин кўргач, парвонадек туташқони ва шуъласи инкор тиконларин куйдуруб, мункирлар бошиға ошқони

Улки фано кўйида боқий эди,
Фахри замон Шайхи Ироқий эди.

Кўнгли анинг махзани асрори ишқ,
Нутқи анинг абри гуҳарбори ишқ.

Ишқ ўтидин анга мухаммар сиришт,
Ишқ хуруфидин анга сарнавишт.

Лек бу ишқ ўтини даъво била,
Ёпиб эди пардаи тақво била.

Миср неча вақт анга эрди мақом,
Субҳидаме қилди кўпуб азми Шом.

Воли эди Шомда бир тахтгир,
Ўйлаки тун мулкида бадри мунир.

Англадиким, Шайх келур ул тараф,
Билди ўз аҳволиға они шараф.

Айлади хукм ўйлаки, яхши-ямон,
Чиқсун анга ўтру эшитган замон.

Ўзи доғи волийи кишварпаноҳ,
Чиқти ёпиб чархни гарди сипоҳ.

Шайхга ул хайл чу ёвуштилар,
Борчаси маркабларидин туштилар.

Йўли уза борча қўюб бошини,
Гардга мониъ қилибон ёшини.

Бор эди волиға бир андоқ ўғул,
Ким анга юз Миср шахи эрди қул.

Лутфу малоҳатда жаҳон офати,
Дема жаҳон офати, жон офати.

Шом саводида махи анвар ул,
Миср Элига юсуфи пайғамбар ул.

Мулки араб ичра ажабдин-ажаб,
Волих анга ҳам ажаму ҳам араб.

Миср диёри аро хабби набот,
Шом саводида худ оби-ҳаёт.

Шайх кўзига чу кўрунди ул ой,
Қўйди аёғиға юзу, чекти вой.

Чок этибон хирқаи иршодни,
Узди чекиб субҳаи авродни.

Шайхга туфроқ олубон хайлу шоҳ,
Лек бўлуб Шайх анга хоки роҳ.

Ишқ ароким Шайхга ул хол ўлуб,
Ҳайратидин келган улус лол ўлуб.

Ишқки ҳар шойибадин пок эрур,
Ҳар неки қилса киши не бок эрур?

Шайхниким ишқ ўти қилди халок,
Шуъласи ул хайлни куйдурди пок.

Ўти кўнгулларга хабар айлади,
Охи бағирларга асар айлади.

Титрабон ўртанмагидин бўлди фош,
Поклиги элга нечукким қуёш.

Воли ичидин урубон ўт алам,
Шайх муриди бўлубон ўғли ҳам.

Ишқда пок ўлса киши бу сифат,
Хосият ўлур бу сифат оқибат.

Ҳусни хақиқийни гар ўтруда кўр.
Хоҳ ани кўзгудау, гар суда кўр.

Чун ғараз ул ҳуснға бўлди шуҳуд,
Кўзгуву сувға арода не вужуд,

Мунда киши қайдаву бебоклик,
Мумкин эмас ишқда жуз поклик.

Ишқ сени қилса, Навоий, халок,
Пок эса ул ишқ ўлумдин не бок.

Соқий, ўлубмен, менга тут жон суйи,
Софию пок, ўйлаки ҳайвон суйи.

То ёқаву кўксум этиб чок ичай,
Ҳар нечаким бўлса тўла, пок ичай.

XL
ЎНУНЧИ МАҚОЛАТ

Ростлиқ таърифлдаким, вужуд уйи бу туз сутун била барпой. Ва ул уй шабистони ҳаримида бу шамъи анвар мажлисорой бўлур. Ва егрилик нафйидаким, агар эгри киши зулфдек симбарлар юзида ер тутарким, боши кесгулук. Ва агар аждаҳодек ганж устида халқа урарким, ўлтургулук

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх, не андешаси?!

Ўқки, туз ўлди таяроні анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг?

Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб.

Най туз учун истар ани аҳли хол,
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшмол.

Найза бўлуб тузлугидин сарбаланд,
Чирмош учун бандға қолиб каманд.

Шамъ бўйи туз келиб айвон аро.
Шоҳиди базм ўлди шабистон аро.

Егри учуш бирла чу кўп айланиб,
Қайдаки парвона бориб ўртаниб.

Сарвким, ул тўғри чекиб қомафин,
Кўрмайин осиби хазон офатин.

Чирмашибон сунбули тар боғ аро,
Егрилик онинг юзин айлаб қаро.

Туз дурур эгри қили то соз эрур,
Егри бўлур эмдики, носоз эрур.

Бўлди чу мистар хатиға туз рақам, .
Бошини олмас рақамидин қалам.

Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафхададур эгри хат.

Қайси пари пайкари хури нажод,
Балки анга хуру пари хоназод.

Ким ўт эрур чеҳраи гулранг анга,
Дахрни куйдургали оҳанг анга.

Гул уза ҳар хай гуҳари ноб ўлуб,
Балки бу хайдин гули сероб ўлуб.

Ҳар сари мушк узра хати мушксуд,
Хай нами зоҳир қилиб ул ўтға дуд.

Олғали эл кўнглини лутфи мизож,
Ўт била сувға берибон имтизож.

Бўлса латофат нечаким, они бор,
Ҳусну жархол ончаки, имкони бор.

Лек эмас бўлса қади сарфароз,
Бўлмаса гулзори аро сарви ноз.

Чекмаса туз сарви хиромонини,
Отмаса туз новаки мижгонини.

Ўйнамағай жонини ҳар зор анга,
Бўлмағай эл кўнглф гирифтор анга.

Тузмаса меҳробини аҳли ниёз,
Эгри боқиб рост эмасдур намоз.

Ростқалам халқ эрурлар салим,
Егри дурур хатки, эмас мустақим.

Ростдур ул ким, назари тўғридур,
Ким илиги эгридур, ул ўғридур.

Бўлса илик эгрилик ичра самар,

Эл ани кесмакда туз этгай магар.

Кўзки эрур эгри анинг хилқати,
Бирни ики кўрмак эрур санъати.

Бирдин ўгун чун нима мавжуд эмас,
Кўрган ани икки эрур ширку бас.

Улки Сулаймон эди оти анинг,
Бахри нубувват дури зоти анинг.

Салтанати дахр уза маснаднишин,
Салтанати бирла нубувват қарин.

Қабзаи хукмида жаҳон кишвари,
Амриға инсон киби деву пари.

Фарши саропардаси ёзи ёбон,
Қуш паридин боши уза соябон.

Сахни ҳавода тўшалиб мафраши,
Азмда эл хайли жанибаткаши.

Деву пари зумраи одам била,
Тобии амри эди хотам била.

Кимки эрур қайсару хоқони ахд,
Қайсару хоқон не, Сулаймони ахд.

Тахти уруб поя сипеҳр авжиға,
Тожи солиб сояни меҳр авжиға.

Боргаҳи торами ахзар киби,
Хайли бу торам аро ахтар киби.

Жам била Заххокча жоҳи анинг,
Икки Скандарча сипоҳи анинг.

Хайлу табаъ Ҳурмузу Хусрав анга,
Мулки Сулаймонча қаламрав анга.

Лек Сулаймонға нечукким замон,
Хотам ила хукм этиб эрди равон.

Анга доғи гардиши чархи барин,
Салтанат ичра бериб андоқ нигин.

Ул нимаким, ҳар киши хонлиқ топиб,
Ҳукми анинг бирла равонлиқ топиб.

Хатдин ўлуб анда доғи бу шараф,
Хатти бўлуб гавҳару, хотам - садаф.

Турфа буким, хаттин анинг рўзгор
«Ростиу русти» этиб ошкор.

Қилмаса бу мухр хати ёрлиқ,
Шоҳға йўқ ғайри гирифторлиқ.

Тузлук ўлуб охир анга дастгир,
Тузлук ила халқ анга фармонпазир.

Ҳар кишиким истаса тузлукка ғавр.
Англадик ониким, эрур икки тавр:

Бир буки, туз бўлса кишининг сўзи,
Йўқ сўзиким, ҳам сўзию ҳам ўзи;

Бир буки, ёлғонға таассуф била,
Тўғри дегай сўзни такаллуф била.

Яхшидир аввалғиси худ бегумон,
Лек иккинчиси ҳам эрмас ёмон.

Ҳар киши ёлғонни деса, лек кам,
Бўлғай эди кош бу давронда ҳам.

Турфа замон аҳлиға биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида чиндек бало.

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топар чину бас.

Буки эрур куфр элининг мулки Чин,
Кўрким, эрур ғайрати хулди барин.

Лек бу чинликки, Ҳақ этмиш ато,
Кўрки лилус оллида улдур хато.

Улки хато сўзига ойин эрур,
Заъмида улким, бу хато чин эрур.

Кимки бу давронда қилур ростлиқ,
Йўқтур иши ғайри каму костлиқ.

Давр чу кажликка қилур иқтизо,
Сен тиласанг рост, эмастур ризо.

Туз иши йўқ гунбади давворнинг,
Ким хати туз келмади паргорнинг.

Ул кишиким, тузлук эрур шон анга,
Душман эрур гардиши даврон анга.

Хомаки, тузлукка эрур раҳнамун,
Кесилибон боши бўлур сарнигун.

Тузлук ила чун «алиф» урди сало,
Кўрки они остиға олмиш бало.

Туз чекилур боргаҳ узра таноб,
Кўрки эрур бошдин-аёқ печу тоб.

Тузлук ила чунки шихоб урди гом,
Ўртади ўт бошдин-аёғин тамом.

Келди йилон жисмида печу шиканж,
Мухрадур оғзидаву остида ганж.

Егрилигидин кўрунур янги ой,
Андаки бўлмиш қадами чархсой.

Мунчаки чирмош била дастордур,
Бош уза чиқмоққа сазовордур.

Йўқ-йўқ, эмас бўйлаки қилдим рақам,
Балки эрур барчаси сахвул-қалам.

Егрию туз васфи мухаққақ дурур,
Ботил эрур эгрию туз хақ дурур.

Шамъки, тузлук била масрур эрур,
Гарчи куяр боштин-аёқ нур эрур.

Барқки, эгрилик ўлубтур хўйи,
Гарчи ёрур, лек борур ер қуйи.

То ража чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангал ҳамон.

Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Неча мусаттах эса кўзгу юзи,
Туз кўрунур шоҳиди махрў юзи.

Худ юзи гарчи мусайқал дурур,
Гирди узор анда мутаввал дурур.

Туз кўрунур меҳр чу турғон суда,
Егри бўлур уштурак урғон суда.

Боштин-аёқ кимсаки, туздур сўзи,
Ёки бўёлғону ёвуздур сўзи,

Ул доғи бу иккиси беихтиёр,
Кимсага тақдир аро не ихтиёр.

Улки хабибим деди Холиқ ани,
Дерлар улус мухбири содиқ ани.

Чунки анинг борча сўзи хақ дурур,
Ўтрусида эл сўзи «саддақ» дурур.

Қайсихабиб улки, фалак-хокидур,
Сидрау тўби - хасу хошокидур.

Истаб анинг динини билгач яқин,
Уммат ўлурни русули мурсалин.

Сидқ ила урғонда сало уммати,
Ойтти «Каззобуна ло уммати.

Қолса азоб ичра бори коинот,
Бордур анинг уммати аҳли нажот.

Балки чу тортиб алами эхтидо,
Истабон умматлиғини анбиё.

Кизб кетурган тили ё килкидин,
Хориж этиб ўзни русул силкидин.

Сахв ила ёлғон демак эрмас ҳисоб,
Билгач ани чунки қилур ижтиноб.

Улки шиор айлади ёлғон демак,
Бўлмас ани эру мусулмофл демак.

Нечаки жахд айласа козиб киши,
Бир-икки даст илгари борғай иши.

Ғофил эса халқ бу аҳволдин,
Воқиф эрур Тенгри худ ул холдин.

Элга неча махфи эса бу сифат,
Зоҳир этар ёлғон ўзин оқибат.

Кизб қилур бурноғи субҳ ошкор,
Нурини кўрким, нечадур пойдор.

Кимсага ҳар шевада қаллоблиқ,
Андин эрур яхшики, каззоблиқ.

Ҳар киши онт ичти шарорат била,
Кизб эса даф ўлди кафорат била.

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб, дер эл, чин деса, қолғон сўзин.

Ранжға солғон бу хасорат они,
Айламас озод кафорат они.

Кимсага ёлғончи дебон қолса от,
Бу от ила чорласалар ўзу ёт,

Сидқ хитоби яна ёнмас анга,
Чин деса ҳам, халқ инонмас анга.

Кимки чини эл аро ёлғон дурур,
Ёлғони чинликка не имкон дурур?

Неча зарурат аро қолғон чоғи,
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доғи.

XLI

Дурросжнинг ёлғонни чин ўмиға айтуридин ҳодиса домиға тушгонида, чин сўзин шер ёлғон соғиниб, фарёдиға етмагони ва ани бало домидин халос этмагони

Бор эди бир бешада бир тунд шер,
Вахшат аро кўк асадидек далер.

Чун бўлур эрди болалаб завқнок,
Мўр боласин қилур эрди халок.

Тишлабон ул мояи пайвандини,
Оғзида асрар эди фарзандини.

Бор эди дурроже ўшул бешада,
Шери жаён вахмидин андешада.

Шерки тишлаб боласин дам-бадам,
Бешада ҳар ён қўяр эрди қадам.

Этгач анинг боши уза ногаҳон.
Фар эта учса эди ул нотавон,

Вахм ила сесканмак эди шер иши,
Ўлтурур эрди боласиға тиши.

Тиш била айлаб боласи ёрасин,
Ёра этиб ўз жигари порасин.

Доим анга бу ғам аро ғам эди,
Ғам неки, мотам уза мотам эди.

Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ.

Дедики, мэндин санга йўқ қасду кин,
Емин ўлу бил мени доғи амин.

Вахмни қўй, ҳамдаму ҳамрозим ўл,
Айшу тараб вақти навосозим ўл.

Мен доғи лахнинг эшитиб шод ўлай,
Нағманг ила қайғудин озод ўлай.

Шарт буким етса газанде санга,
Солса фалак хиласи банде санга.

Лутф қўлин холинга ҳамдаст этай,
Хасмни сарпанжа била паст этай.

Кўргузуб ихлос ишида ихтисос,
Сени адув домидин айлай халос.

Шер кўп афсун била чун қилди жахд,
Сидқ ила дуррож доғи қилди ахд.

Андоқ аро ерда аён бўлди меҳр,
Ким хасад элтур эди андин сипеҳр.

Қайдаки ором тутуб шарза шер,
Гирдида дуррож учубон далер,

Бошиға парвоз ила гардишнамой,
Ўйлаки султон боши узра хумой.

Шер эшитиб анинг илхонини,
Фахм қилиб савтида ёлғонини,

Дер эди, ёлғон демаким шум эрур,
Кизб туз эл оллида мазмум эрур.

Панд эшитмас эди дуррожи маст,
Кизбдин этмас эди афғонни паст.

Бир кун анинг қасдиға бир сайдгар,
Ҳодиса домин ёйиб эрди магар.

Дона била сув сари қилғоч хиром,
Тортти сайёд анинг устига дом.

Қичқирибон дом аро ул мубтало,
Неча деди, «Тот! Мени туттило!»

Шер қулоғиға етиб ул мақол,
Савтини доимғидек этти хаёл,

Кўп эшитиб эрди бу ёлғонини,
Ўйла гумон этти чин афғонини.

Ҳар нечаким рост фиғон айлади,
Сидқини ҳам кизб гумон айлади.

Махласиға айламади илтифот,
Токи анга мунқатиъ ўлди ҳаёт.

Ҳар кишиким ростни бехост дер,
Айтса ёлғон доғи эл рост дер.

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,
Рост наво нағмаға тахсин дегил.

Соқий, олиб кел қадахи дилпазир,
Айла мени журъасидин шергир.

Базмнинг асбобини қилғил насақ,
Ҳозир этиб сиху кабобу табақ.

XLII
ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛАТ

Илм сипеҳрининг баланд ахтарлиғидаким жаҳл тунини ёрутмоқ учун «айн»и қуёшдин ва «лом»и ойдин ва «мим»и кундуздин нишона айтур. Ва жаҳл шоми тийра манзарлиғидаким, ғқфлат чоҳини залолат кечасида зоҳир қилиб, бу кечада шақоватдин фасона айтур. Ва олимнинг бовужуди фалокат қуёшдек сарбаландлиғи ва жоҳилнинг бовужуди ганжу мол туфроғ аро нажандлиғи

Даҳр иши то халқ ила бўлмиш ситез,
Хор дурур олиму, жоҳил - азиз.

Токи жаҳон зулмни қилмиш писанд,
Ерга тушар мева, йиғоч сарбаланд.

Разлға - риф ат, билик аҳлиға - ранж,
Тоғ уза хорову, ер остида - ганж.

Феъли ёмон топса рафеъ айлабон,
Ҳукмиға оламни мутеъ айлабон.

Ўйлаки Кайвони нухусатшиор,
Ким еридур гунбади нилий хисор,

Невчун эрур Муштари ондин қуйи,
Қилмаса яхшини ёмондин қуйи.

Яхшиға андин ғаму озор эрур,
Боғда гул ҳамнафаси хор эрур.

Улки садафдек неча тиражабин,
Тўлдурубон қўйниға дурри самин.

Кимки бўлур дур киби софию пок,
Айлабон олмос ила бағрини чок,

Қулла қотиғлиққа чу боғлаб камар,
Тиғи бўлуб чеҳрахароши қамар,

Лаълдек улким, гуҳари пок ўлуб,
Кўхи бало остида ғамнок ўлуб.

Бўлди кемур ҳиндуи оташпараст,
Маснади ёқут уза топти нишаст.

Ўт-ки аён қилди гули оташин,
Кул узадур хоки мазаллатнишин,

Ким анга ҳам асл ёмон, ҳам қадам,
Тож ила товус киби муҳтарам.

Улки сўзига бўлуб озода кул,
Тўтийи гўё киби бўйнида ғул.

Қушки боғир ёрмоқ ўлуб ком анга,
Шоҳ илиги устида ором анга.

Улки чекиб нағмайи дилкаш хазор,
Кул ичида гулханию хору зор.

Ҳар киши Замзам суйидин келтуруб,
Гандарабон шишада баским туруб.

Майки тўлуб фисқ била жом анга,
Ҳар лаби майгун лабидин ком анга.

Кўктаки, кўзгудек ўлуб нуру тоб,
Ёпиб они оҳ тафидек сахоб.

Тун кулидин айлабон ойинаранг,
Ой юзи чун шабнам ила топти занг.

Ҳарзарав ўлди кўпалак қахбавор,
Ҳулла дурур жисмида нақшу нигор.

Дард ила парвона тутуб тунни пос.
Жонида ўт, жисмида эски палос.

Зулм дурур ушбуки, бир нотавон
Илм тилаб шахридин ўлғай равон.

Айни фалокатдин аёғи яланг.
Тўни йўқидин тани доғи яланг.

Тевраб аёғини анинг ҳар тикан,
Ҳар тикан устида мукаррар тикан.

Ўқ аро дунболаи пайкон киби,
Хор ичинда алиф ўлғон киби.

Ески сепечи бошида кулгулук,
Дом киби бошдин-аёғи тилук.

Тойири мақсуд тилаб ком ила,
Донаи ашки доғи бу дом ила.

Егнида авроқу китоби анинг,
Қилғали тахсил шитоби анинг.

Қушдек ўлуб сайр муяссар анга,
Егнида авроқи бўлуб пар анга.

Оч этибон қорнини муҳтожлиқ,
Туъмаға муҳтож этибон очлиқ.

Жисмини чун заъф этиб андоққи нол.
Хома киби тил чекиб, айлаб савол.

Ҳарне етиб, қониъ ўлуб йўл юруб,
То ўзин ўз мақсадиға еткуруб.

Мақсади бир хиттаки кўрмай ўзи,
Тушта доғи кўрмайин они кўзи.

Халқ кўпу йўқ бири ёри анинг,
Кўздин учуб шахру диёри анинг.

Кўча кўпу эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам.

Ғурбат ўти кўнглига кор айлабон,
Жонини ёлғузлуғи зор айлабон.

Сайр этиб ақшомғача бетўшае,
Чун бўлуб ақшом тутубон гўшае.

Заъф ила хуши ўзига келмайин,
Тонгғача уйқу кўзига келмайин.

Тонгла қилиб сайр мадорис аро,
Мадрасалар ичра мажолис аро.

Қайдаки ўз холини таъвил этиб,
Ким эшитиб хазл ила тажхил этиб.

Сарф этибон умр ҳавои варақ,
То олибон сарф ҳавои сабақ.

Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани,

Ғурбат аро холи ёмондин ёмон,
Ҳарне йўқ ондин ёмон, ондин ёмон.

Ажз бўлуб тил иши тақриридин,
Ўйлаки хома тили Таҳриридин.

Бўйла ғаму мехнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуруб, жон чекиб,

Мадраса кунжини ғамобод этиб,
Тонгдин оқшомғача фарёд этиб,

Бўйла минг эмгакдаги бечорадин,

Ўз ватану мулкидин оворадин.

Баъзи ўлуб,. баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доиясин бартараф.

Оз иш ила баъзи этиб иктифо,
Баъзи ўзига тутубон кўп жато.

Еврулубон доираи моҳу сол,
Зоҳир ўлуб бир-ики соҳибкамол.

Қарн ила даврон топибон иқтирон,
То бўлубон бир киши соҳибқирон.

Кўнгли бўлуб маскану маъвойи илм,
Қатра киби пайкари дарёйи илм.

Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳинди агар сўрса, билиб они ҳам.

Кўнгли уйин илм этибон бир жаҳон,
Қатрада ул навъки дарё ниҳон.

Нутқики изҳори маони қилиб,
Зевариасрори ниҳони қилиб.

Чун тўкубон хома шақидин қаро,
Оби ҳаёт ул зулумоти аро.

Нусха саводи зулумоти анинг,
Маъни ўлуб оби ҳаёти анинг.

Мушкили афлок бўлуб бежадал,
Бу Алийи фикрати оллинда хал.

Жумла рақам килкига марқум ўлуб,
Борча улум оллида маълум ўлуб,

Дин ишида жаҳлу ҳаво дофии,
Ўйлаки Ғаззолий ила Шофии.

Йўқки бу иснайн ани солис дебон,
Балки наби ўзига ворис дебон.

Гарчи фалакдин топибон ҳар камол,
Лек фалокат ҳам анга баркамол,

Шорн етиб чоштға, йўқ ком анга,
Чошт муяссар эса, йўқ шорн анга.

Турфа буким, жоҳили қотилваше,
Кўрмаги нохуш, демаги нохуше,

Дину диёнатда йўқ ойин анга,
Бал на диёнат анга, не дин анга.

Эл киби совурмоғу нохушлиғи,
Ўт киби куйдурмагу саркашлиғи.

Босира шамъин ўчурурдек карих,
Ақл ҳаёсин кетарурдек сафиҳ.

Олам аро қахри Илоҳий бўлуб,
Хулқ ила халқ - икки гувоҳи бўлуб.

Қатл бўлуб одату хўйи анинг,
Марг раги ҳар сари мўйи анинг.

Ботинида дуд киби тиралиқ,
Зоҳирида шуъла киби хиралиқ.

Дунлиғидин ит била яксон бўлуб,
Бал ит анинг қошида инсон бўлуб.

Турфароқ улким, бу жахолат била,
Жалилни қўй, мунча разолат била,

Чарх ани соҳиби жоҳ айлабон,
Тобиъ анга хайлу сипоҳ айлабон.

Ўт киби ҳар нечаки саркаш бўлуб,
Хилъат анга хуллаи заркаш бўлуб.

Гарчи йилондек зарари ом анга,
Ганжи Фаридун уза ором анга.

Неча тикон янглиғ этиб тезлик,
Тонг елидин бошига гулрезлик.

Қатл ишига гарчи қиличдек самар,
Айлаб ани шоҳ мурассаъкамар,

Неча санам холи киби тира дил,
Жилваси гул барги уза муттасил.

Шанъати ҳар неча дегандин узун,
Лек бўлуб хашмати андин фузун.

Ул бид ул фазлу фасоҳат била,
Бу бири бу феъли қабоҳат била.

Турфароқ улким, мунга бир эътибор,
Ким юз анингдекни қилиб хору зор.

Мунунг отин халқ амир айлабон.
Элни бу от бирла асир айлабон.

Анга мунунг хизмати лозим бўлуб,
Балки эшигида мулозим бўлуб.

Кўр не малаквашни қилиб нафси
дун, Деви лаин оллида хору забун

Гарчики ўн қатла тараддуд қилиб,
Ҳожибу дарбони ташаддуд қилиб.

Оллида бир қатла бўлуб бор анга,
Рўзи ўлуб давлати дидор анга.

Сўрғали чун бекка таназзул бўлуб,
Хожа дуосиға тасалсул бўлуб.

Чунки дуо хатмини айлаб қўпуб,
Уйга азимат қилибон ер ўпуб.

Баст қилиб бехуд ўзу ёт ила
Мажлис этиб шархи мубоҳот ила.

Тенгри учун, кўрки, бу не хол эрур,
Шаммаи таърифида тил лол эрур.

Ул не тафаръун, бу не накбат бўлур,
Ўрталарида бу не суҳбат бўлур.

Жоҳил агар улдуру олим будур,
Олим эмас, ўзига золим будур.

Илми кирн воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар.

Олим агар жон учун ўлса залил,
Илмни анинг жаҳлиға бўлғай далил.

Илм ила ким жоҳға майл айлабон,
Бахр суйин хайға туфайл айлабон.

Итки эрур жифада мақсуд анга,
Бўлса мурассаъ жули не суд анга?

Дунки топиб илм раёсат учун,
Хилъат этиб хулла нажосат учун.

Олим агар қатъи амал айласа,
Илмиға шойиста амал айласа;

Солмаса кўз жифаи дунйи сари,
Боқмаса туз дунйии фони сари.

Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.

Кон ўзию юз сари гавҳар анга,
Чархида ўзию ҳар тараф ахтар анга.

Конида гавҳарлари ҳам барча пок,
Чархида ахтарлари ҳам тобнок.

Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб,
Солмаса дунйи сари кўз, не ажиб.

Егнида гар хирқаси юз чок эрур,
Гулга тўни йиртуғи не бок эрур.

Кунгаки урёнлиқ эрур зийнати,
Тира бўлур, бўлса булут хилъати,

Хушроқ эрур шахд кадудин йироқ,
Мушк агар нофаси йўқ яхшироқ.

Ер кишига хилъат ила не шараф,
Дурға не нуқсон йироқ ўлса садаф.

Қайси чибин кисвати заркордур,
Ери дурур қайдаки мурдордур.

XLIII

Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ аро ҳаммомда ошнолиқ шамъи ёруғони ва имом сўзидин султоннинг истиғнодин илик юғони

Зумраи роз аҳлиға маснаднишин,
Дахр имом ул-умами фахри дин.

Қилди чу Хоразмни оромгоҳ,
Кўрмагига келмади Хоразмшоҳ.

Сўрғали ул чунки қадам қўймади,
Илм шукуҳи муни ҳам қўймади.

Шахни пушаймон қилиб эрди уёт,
Лек имом айламади илтифот.

Бўлди басе пардада гуфту шунуд,
Парда чу кўпмади ародин не суд.

Бор эди ҳаммомда бир кун имом,
Шах доғи ҳаммомға қилди хиром.

Бир-бири бирла бўлубон мухталит,
Шоҳ савол этди бўлуб мунбасит:

«К-ей, бўлуб эл илминг ила бахравар,
Айт қиёмат ишидин бир хабар,

Ким неча уи кунда малол ўлғуси,
Ҳар кишига анда не хол ўлғуси?»

Шоҳ чу бу нуктани қилди савол
Бўйла жавоб айтди соҳибкамол:

«Ким сангаким хашр сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.

Анда гадо шах била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо борчаси урён бўлуб.

Жоҳу жалол аҳли санингдек бори,
Ичкарию бору йўқи ташқори.

Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳарне йиғиб, ҳамрах этиб вассалом.

Йўқ санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила бехбуд кўп».

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Соқий, ўшул бодани тутқил мудом,
Ким кўрубон саждаға тушгай имом.

Ичса киши бўлғай анга хоки роҳ,
Айтма Хоразмки, Хоразмшоҳ.

XLIV
ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Қалам шаққининг гуногунлуғи ва аҳли қалам шиққининг буқаламунлуғи ва қайси хутут китобатиға шуруъ қилмоқ аъмол номасиға мужиби қароликдур ва котибға хатти мубталолик ва қайси хуруфқа ружуъ қилмоқ сахифаи рухсорға мужиби оқлиқ дурур ва роқимға сафид авроқлиқ

Ул не ажаб пайкари матбуъ эрур,
Ким уни хуш, диққати маснуъ эрур.

Нўги нукат нақши нигорандаси,
Тирноғи мистар раги хорандаси.

Қушдек ўлуб вазъу намудор анга,
Нукта сочиб ҳар сори минқор анга.

Туъмаси зулмат, ватани нур уза,
Мушк сочиб сафхаи кофур уза.

Чобуку мавзун ҳарокоти анинг,
Учқали йўқ лек қаноти анинг.

Қуш демагил, айт муанбар йилон,
Дема муанбарки, фусунгар йилон.

Шоҳид анга жилвада парронлиғи,
Илиг-аёғнинг доғи пинхонлиғи.

Тил узотиб, фош ўлуб ондин фусун,
Дахрда ким кўрди йилондин фусун?

Дема йилон, аждар эрур ганжсанж,
Музмар анинг жавфида юз турфа ганж.

Дуд чиқиб оғзидин аждар киби,
Дуди аро ҳар шаба гавҳар киби.

Аждар эмаским, эмас аждар салим,
Балки дегил они, асойи Калим.

Йўқса, недин ютти жаҳон сехрини,
Балки маонию баён сехрини.

Не тан аро бўлди захомат анга,
Не бу захоматда вахомат анга.

Дема асо, балки ани хома де,
Нўгин анинг нақшгари нома де.

Хилқати ҳар халқдин аввал бўлуб,
Васфи калом ичра мусалсал бўлуб,

Арш уза Курси бўлубон жойгир,
Курси уза Лавх иқоматпазир.

Лавхда ҳар нақшки, бўлмиш рақам,
Ёзғучи бир-бир қалам ўлмиш, қалам.

Мунча шарафким, анга мавжуд эрур,
Котиби мақбул ила мардуд эрур.

Мақбулу мардуди эрур неча хайл,
Ким бориси қилди китобатға майл.

Аввал эрур котиби дорулқазо,
Иш анга ношаръға бермак ризо.

Шоҳиди одил анга ёлғон тонуғ,
Тухмат этарга дирам олғон тонуғ.

Зоҳир анинг хоини мутлақлиғи,
Ҳақ киби равшан бари ноҳақлиғи.

Килк учин итиклик ила неш этиб,
Сидқу диёнат юзини реш этиб.

Ноҳақ учун ёзиб узун можаро,
Ўз юзидек сафхани айлаб қаро.

Борча хиёнатни диёнат билиб,
Борча диёнатда хиёнат қилиб.

Банда қилиб чун тузуб ифсодни,
Сарв била савсани озодни.

Бермаса Исойи мужаррад дирам,
Ёзиб анинг ақдида тўққуз ҳарам.

Хўша узумким, киши ришват деса,
Куйдурубон боғини жаннат эса,

Ақд халифа қизи хинду била,
Анга сув ичмак бир аёқ су била.

Музд тилаб хужжати кобин учун,
Қайдлар ул сафхада тахсин учун.

Кимки бу суратқа сурар хомасин,
Билки қорортур юзидек номасин.

Сўнгғиси муфтийи хиялпеша бил,
Ҳийла била макр анга андеша бил.

Кўнглида эгри не ғаразким тузуб,
Сурати фатвосида туз кўргузуб.

Кийдурубон журға хур кисватин,
Ҳарна хашан бўлса, хасан хилъатин.

Ҳарза наво ичра қилиб захра фош,
Махфи этиб шамъ тубида қуёш.

Риштаи тазвир ўлуб ўзига қайд,
Лек арода мужрим ўлуб Амру Зайд.

"Ло"у "наам" бирла хато ё савоб,
Ёзиб анга "вАллоҳу аълам" жавоб.

Кўрунубон кўзига ул икки кам,
Тортиб алар ширкатиға Ҳақни ҳам.

Сафха шабистон киби ороста,
Мухрлар анда махи нокоста.

Лек боқиб, қилса тааммул киши,
Асли хаёлиға тахайюл киши.

Ҳар тараб ичра кўрунуб юз михан,
Ҳар гул ичидин чиқибон юз тикан.

Сарву гиях ўқ ила ништар чиқиб,
Сунбулу гул дуд ила ахгар чиқиб.

«Айн»и шариат бори ғабни бало,
Тузлук ила ҳар хати онинг хато.

Кимки безар сафхани бу номадек,
Бўйнин анинг узса бўлур хомадек.

Бири яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида хайрон бўлуб.

Гҳарх этибон исм амалдор анга,
Бахра қилиб ушбу амал дор анга.

Ул бу амал бирла ичиб жоми май,
Килки сарирдин анга лахни най.

Чун амали бирла навосоз ўлуб,
Ул най уни хонабарандоз ўлуб.

Хома учин дуда аро айлабон,
Дудаси оламни қаро айлабон.

Килки улус ўртамагига ўтун,
Ўткариб ул ўти фалакдин тутун.

Ғофил ул ишдан шахи давлатпаноҳ,
Давлати аркони бўлуб ришваҳоҳ.

Ҳоким этиб мулкка ғоратгаре,
Бузғоли ислом эвини кофаре.

Зулм этиб ул косибу деҳқонға ҳам,
Косибу деҳқон неки, султонға ҳам.

Қайси вилоятғаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.

Гар худ ул уй соҳиби хофий эрур,
Истари аввал майи софий эрур.

Май била бузғоч қарининг холини,
Шоҳид учун ҳам йибориб золини.

Чахдағи тухм арпасини оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.

Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон.

Йиғиамоғу оҳ ила афғон солиб,
Ул ёғину ел била тўфон солиб.

Кентнинг арбоби бир-икки авон,
Зулмда бу - хожа, алар - пахлавон.

Бир-бири бирла бўлушуб ўйла дўст,
Ким кишиким кўрса дегай мағзу пўст.

Дўстқа шах молини сотиб нухуфт,
Борча ўн олтунни бир олтунга муфт.

Сархат алар оллида паррон солиб,
Реза раият уза товон солиб.

Сархат этиб бирга бешу ўн рақам,
Ким Ҳақ анинг илгини қилғай қалам.

Неча ситам қилғучи обод ўлуб,
Борча ситам чеккучи барбод ўлуб.

Бўлсун анинг хомасидек фарқи шақ,
Осилибон жисми нечукким варақ.

Сортқа гатчи бу борур яхшилар,
Турк ила ҳам яхши борур бахшилар.

Гарчики бу неча адад бўлди рад,
Аҳли қабул ўлди бу неча адад:

Аввалидур муншийи гавҳарфишон,
Ким гаҳи ул руқъа ёзар, гаҳ нишон.

Руқъасидин шод асири фироқ,
Номаси худ руқъасидин яхшироқ.

Номасидин тил топибон сўз насиб,
Ўйлаки гул сафхасидин андалиб.

Сафхасидин нотиқа кулгу аро,
Тўти ўшул навъики кўзгу аро.

Ҳажр қаро шомида субҳи нажот,
Зулмати фурқат аро оби ҳаёт.

Лек нишон муждаи жони бўлуб,
Айш хати завқ нишони бўлуб.

Зулм аро мазлумға хатти амон,
Золим этиб вахм ани кўрган замон.

Наф да ул навъки меҳри мунир,
Қудрат аро ўйлаки чархи асир.

Шакли ҳилол авжида туғро анга,
Лавни шафақ бошида воло анга.

Ҳарнеки бу шевада мактуб эрур,
Қилса тааммул кўпи марғуб эрур.

Улки тариқи битимакдур китоб,

Назм ила наср ўйлаки дурри хушоб,

Нуктаву таъриху хикоёт ҳам,
Шеърда ҳам навъи мақолот ҳам,

Турфа ғазал равзаи жаннат мисол,
Турфа ғазал демаки, мушкин ғизол.

Килки қаро риштаға гавҳар чекиб,
Балки кеча ториға ахтар чекиб,

Ой каби юз сафхаву хат анда хат,
Хол анга ҳар сон мушкин нуқат.

Сафхалари ҳар бири гулзордек,
Жадвали атрофида девордек.

Кўр нечук ўлғай бу чаман ичра вард,
Дойи чу бор олтун ила ложувард.

Сатрлар анда гулу сарву суман,
Ҳар икки сатр ўртаси дилкаш чаман.

Лафзлар анда гули насрин бўлуб,
Маъни анга меваи ширин бўлуб.

Байтлари ўйлаки Байтул-ҳарам,
Ҳайъати мавзуни саводи Эрам.

Гар бу савод ўлмаса нетгай киши,
Назмин олиб, қай сари кетгай киши?

Улки бу Таҳриру варақ асрағай,
Сахву хатодин они Ҳақ асрағай.

Бу бориси фаръ эди, асл ани бил -
Ким кишининг килки узун чекса тил.

Ёзғали оёти Каломи фасих,
Қилғали Таҳрир Ҳадиси сахих

Анда доғи ёзса тафосир ҳам,
Мунда шуруҳ айласа Таҳрир ҳам.

Гаҳ битибон «Тазкират ул-авлиё»,
Гаҳ рақам этса «Қисас ул-анбиё».

Бир нафас «Ихё» била топиб футух,
Жахлдин ўлган тан аро берса руҳ.

Қилса «Футухот»ни гоҳи савод,
Топса футухотидин эл юз кушод.

Ёзғали чун олса, хисин «Кимё»,
Топса улус қалб мисин кимё.

Чун «Нафахот» айласа, ёзмоқ қабул,
«Нафхаи унс» этса кўнгулга шумул.

Килки «Шавоҳид» сари бўлса кафил,
Шоҳиди мақсудға бўлса далил.

Бўлса хақойиқ неки чекса қалам,
Ёзса маориф неки ёзса рақам.

Нозири кўнглин чу мунир этса файз,
Роқимининг руҳиға ҳам етса файз.

Кимга бу ишғоли рақам бор эса,
Сиххату ҳуснихат анга ёр эса,

Тенгри насиб айлаб анга шодлиқ,
Берсун улусдин хати озодлиқ.

Хомасини сафхатироз айласун,
Сафхасидин сахвни оз айласун.

Ҳар кашишиким, хат аро чекса ул,
Бўлсун анга манзили мақсадға йўл.

XLV

Ёқутнинг ҳуснихат жиҳатидин дарвешу подшоҳ қошида та ъзими ортғони ва қаламрав саводининг аҳли ҳурмат рақами анинг сахифаи ҳолиға тортғони

Боғи фано гулбунида шухра вард,
Улки анга гулшан эди Сухравард.

Нафсу ҳаво девиға бермакка тоб,
Авжи ҳақиқат фалакида шихоб.

Бир кун ўтуб дори хилофат сон,
Ўйлаки Ҳақ раҳмати офат сон,

Мустааъсим-биллах этиб кўп ниёз,
Каъбаға ул навъки аҳли Ҳижоз.

Тахти уза они чиқориб туруб;
Чун они ўлтуртуб, ўзи ўлтуруб.

Дурж бир эрди доғи гавҳар ики,
Бурж биру устида ахтар ики.

Шайх деб одоби тариқатда сўз,
Лек халифа тикибон ерга кўз.

Ҳар ён аёқ устида озодалар,
Демагил озодаки, шаҳзодалар.

Шайхға чун эл сори тушти назар,
Кўзига Ёқут кўрунди магар,

Қўпти равон зоҳир этиб изтироб,
Ҳайрат этиб, қилди халифа хитоб,

К-ей аёғинг туфроғи огоҳлар,
Қуллуғунга фахр этибон шоҳлар.

Қайдин анга бўлди бу олий мақом,
Ким бу сифат айлагасен эхтиром.

Шайх деди: Қайси бийик иззу жоҳ,
Мундин ўтарким, анга бермиш Илоҳ,

Ким бори Мушаф битимакдур иши,
Ўйлаки андоқ бита олмас киши.

Чун қилур ул Ҳақ сўзининг зийнати,
Вожиб эрур бизга анинг ҳурмати.

Билгач ани муршиди огоҳдин,
Ҳукми жулус ўлди анга шоҳдин.

Сурати хат лутфидин ул покдаст,
Бўлди қаламрав шахиға ҳамнишаст.

Билки, Навоий, не сўз этсанг рақам,
Ҳақ сўзидин ўзгага ургил қалам.

Соқий, олиб кел майи ёқутранг,
Қуй хати Бағдодгача бедаранг.

Тут манга ул боданиким, қут этай,
Коҳрабо рангини ёқут этай.

XLVI
ЎН УЧУНЧИ МАҚОЛАТ

Сахобдек нафъраcонлар бобидаким, арақи пешони била раёхин зеболари бошисъа гавҳарафшон бўлурлар. Ва булут аро барқдек хандонлиқ юзларида пайдо. Ва шабнам тўкулган чинордек обилаи кафи даст била ерга паст бўлғон хасу хошокни сероб қилурлар. Ва чинордек дилсўзлиқлари аҳволларида хувайдо

Эй бўлубон субҳ киби сиймпош,
Меҳринг ўлуб ом нечукким қуёш.

Субҳ киби халқ юзига кулуб,
Чарх киби эл бошиға эврулуб.

Жола киби хора агар ёғдик,
Бошни ниҳон айламайин тоғдек.

Узса бошинг тиғ ила мажлисда жамъ,
Жамъ кўзин ёрутуб, андоқки шамъ,

Хома киби бошинга гар етса шақ,
Сен қилиб ул шақ била зеби варақ.

Тиғ ила етган сойи кўксунгга чок,
Сен бериб, андоқки садаф дурри пок.

Давр ичингни неча қонлиқ қилиб,
Нофа киби атрфишонлиқ қилиб.

Наф дин эл вирди дуо жонинга,
«Ямкусу фил-арзи» сенинг шонинга.

Қайда адо айлагасен бу сипос,
Ким сени деб хайри башар, хайри нос.

Наф етурмакка шиор айладинг,
Ўзунга ул наф ни ёр айладинг.

Наф инг агар халққа бешак дурур,
Билки бу наф ўзунга кўпрак дурур.

Қатрае гар бахрға сочти сахоб,
Бахр қилур қатрасини дурри ноб.

Нахлға деҳқон чу берур парвариш,
Бўлур анга мевау гул бермак иш.

Буким эрур сақфға хомил сутун,
Бўлмаса сақф, ул ҳам ўлур сарнигун.

Берса чу шоҳид қошиға вусма зеб,
Вусмани ул қош-ўқ этар дилфиреб.

Холки рухсор уза марғуб эрур,
Ул доғи рухсора била хўб эрур.

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.

Улки ушатур босибон шишани,
Қилмас аёқ захмидин андешани.

Шуъла тушуб хасғаки тортар алам,
Чун они куйдурди, ўчар ўзи ҳам.

Пашшаки эл бўйнида бўлди мухил,
Бўлди тапонча била-ўқ музмахил.

Чун кўпалак қасдиға азм этти ёш,
Ерга урар бўркин, очиб ўзи бош.

Бумн тепмакка не қуш кирса чуст,
Тепган оёғдурки, қилур дом руст.

Екса ғани тухм қилиб элга зўр,
Тухмини торож қилур хайли мўр.

Кимки фалак сон отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

Сифла нишониси шарорат дурур,
Шуълаға биттабъ ҳарорат дурур.

Бўлса киши мудбир агар бахтиёр,
Ўзига бу амрда не ихтиёр?

Мушкни нофа неча мастур этар,
Атри ани халқ аро машҳур этар.

Кимгаки биззот саховат дурур,
Фақру ғинодин не тафоват дурур.

Ҳаққи, биров хилқатини қилди пок,
Севмаса нопок эл они не бок.

Меваға мағз ўлса бўлур пўст ҳам,
Кимсага ҳам душман ўлур, дўст ҳам.

Яхши-ёмондин бари эрмас жаҳон,
Лек ёмон зоҳиру яхши ниҳон.

Чунки ёмон кўпрак эмиш, яхши оз,
Жазмки, оз ўлғусидур яхши роз.

Ҳақ сўзи дун халқдин имкон эмас,
Дев тили лойиқи «Қуръон» эмас.

Чунки эрур асли ёмон нописанд,
Айламас ул яхшини асло писанд.

Дунки, ёмон феъли анга хуш дурур,
Жазмки, эл яхшиси нохуш дурур.

Бўлди чу эл қилғониға айбжўй,
Мумкин эмас бўлмомоғи айбгўй.

Айб кўзи чунки бўлур тезбин,
Захр кўрар гарчи эрур ангубин.

Улки хаёли бори фосид дурур,
Борча салоҳ аҳлиға хосид дурур.

Лаъл ҳисобида тутар хорани,
Инжу сонар борча садафпорани.

Ҳам кўринур игна синонча анга,
Ҳам билинур ришта йилонча анга,

Кўрса биров хонида курси фатир,
Дер ани кўк сахнида бадри мунир.

Эл кафида обиладин тоб ер,
Они хасаддин дури сероб дер.

Тун қорасин субҳи сафо соғинур,
Бум парин парри хумо соғинур.

Эл майини лаъли равонча тутар,
Турфа буким, хасратидин қон ютар.

Кўрса биров кўз ёшини дурри ноб,
Ришта киби ғамдин урар печу тоб.

Топса музаххаб биров айвонини,
Куйдурур ул ўт била вайронини.

Ҳар киши гул исласа, хор ул чекар,
Бода биров чекса, хумор ул чекар.

Элга нишот ўлса, анга дард эрур,
Дард анинг жониға дархурд эрур.

Яхшиғадур аҳли хасад захмати,
Нақднинг ўғридин эрур офати.

Гулгаки юз ҳусну латофат дурур,
Атри жуал жониға офат дурур.

Хизрдин иблис эрур аъмо киби,
Рост зумуррад била аф о киби.

Меҳрки равшанлиқ этар фош ани,
Кимга гунах кўрмаса хуффош ани.

Сувки, берур элга ўлумдин амон,
Тира қилур ўтға етишган замон.

Ғулки, маъвоси биёбон эрур,
Гулшан анинг кўзига зиндон эрур.

Лек қуёш жавҳари чун келди пок,
Бўлса булут нуриға мониъ не бок.

Тушса хазаф остиға рахшон гуҳар,
Қайда гуҳар қадриға андин зарар.

Кавнни ёрутти расули араб,
Нетгай ўзин тира қилиб Бу Лахаб.

Эйки наби қавли била шод сен,
Элга зарар хавфидин озод сен.

Ҳаққи, фалак тоқи бино айлади,
Жавфида бу дайри фано айлади.

Гулшани давронға бериб зебу фар.
Ҳар гулини айлади тобанда хур.

Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.

Зумраи инсон аро ҳам комили,
Келди машаққат юкининг хомили.

Улки камол аҳлидин акмал дурур,
Шоҳи русул Аҳмади мурсал дурур.

Мехри нубувват бу камоли била,
Авжи камол узра жалоли била.

Этти сенинг шоминга мисбоҳлиқ,
Қилди сенинг шонинга маддоҳлиқ.

Наф тегурмакни чу қилди қиёс,
Кўрки, қиёс этти сени хайри нос.

Улки санохон анга субҳон ўлуб,
Ул санга маддоҳу санохон ўлуб.

Ушбу бийик мартаба қадрини бил,
Бўйла улуғ манзала шукрини қил.

Шукр недур? Нафъ фузун айламак,
Базл камандини узун айламак.

Бўлмоқ агар кўп эса ҳам базлсоз,
Бергали ор айламамак бўлса оз.

Хайр муяссар гар эмас ил била,
Наф тегурмак ҳам эрур тил била.

Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.

Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб,

Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.

Бир сўз этиб онча балиятни даф,
Ким сочибон ганж етишмай бу наф.

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.

Сўз била наф ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглида андешаси.

Кўнгли киши хушлуғидин хуш керак,
Нохуш агар бўлса, мушавваш керак.

Одами эрсжанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.

Улки киши ўлмагидин шод эрур,
Гўркану ғосилу жаллод эрур.

Қайси бирин кимки тасаввур этар,
Табъға кўрким, не танаффур етар.

Лек биров қилса равонбахшлиқ,
Рух киби сўз била жонбахшлиқ.

Нутқи била етмаса бахшойиши,
Зикри эрур табъға осойиши.

Чун сени Ҳақ нодирасон айлади,
Дахр элига наф расон айлади.

Ҳар киши бу амрға мансуб эрур,
Борча улус кўнглига маҳбуб эрур.

Икки жаҳон тахти била афсари,
Билки эрур бир сари, ул бир сари.

Йўқ бу сифатдин нима марғуброқ,
Лек бир иш мундин эрур хўброқ.

Ким берибон қилмамоқ олмоққа хўй,
Наф расон боимоқу йўқ нафжўй.

Беррнак иши хотиридин кетмамак,
Бермагу, олмоқни хаёл этмамак.

Топқонини сочди эл узра сахоб,
Ким они Ҳақ айлади гардунжаноб.

Мўр терар ҳарнеки, сочқай киши,
Бўлди тирик гўрга кирмак иши.

Чун сочар эл узра шукуфа дирам,
Ҳақ анга не барглар айлар карам.

Элки йиғар ҳарне ул айлар нисор,
Андин эрур дарбадару хоксор.

Шишаки рухсор уза сепгай гулоб,
Тоқ уза асрарлар ани орзулоб.

Чунки супургу йиғар инак далил:
Ётмоқ эшик кейнида хору залил.

Зулфи санамламинг эрур мушкпош,
Ким они рухсор уза асрар қуёш.

Бўлди бу сунбул исидин хўшачин,
Ким қаро тупроқ кибидур мушки Чин.

Бил яна бир мартаба мундин баланд,
Ким анга йўл топмоқ эрур аржуманд.

Қайсидур ул: базл очуқ юз била,
Тутмоқ ачиқ бода чучук сўз била.

Базлда ким лутфни қилмас хато,
Зоҳир этар бир йўли икки ато.

Тос аро гар мева эрур дилфиреб,
Устида гуллар эрур ортуқси зеб.

Бўлса неча ҳусну сабоҳат била,
Зор қилур элни малоҳат била.

Олтун агар тожға зийнат дурур,
Устида дур бўлса не нисбат дурур.

Хони музаъфар гар эрур дилписанд,
Хушроқ эрур сепсалар устига қанд.

Улки бу ахлоқ ила айлаб хиром,
Этса жафо айламагай интиқом.

Балки кудуратни сафо айлагай,
Неча жафо етса, вафо айлагай.

Они башар хайлининг инсони
бил, Одамилар одамиси они бил.

Англа кишиликни мусаллам анга,
Юз кишиликча иш эса ҳам анга.

XLVII

Айюби халаф нохалаф ўғрининг эгрилигин тузгони ва гумроҳлиқ зулматида анга йўл кўргузгони ва ул шайх силсиласиға кириб, айёрлиқ камандин узгони

Бир кеча Айюби халаф масти роз,
Тўкар эди шамъдек ашки ниёз.

Ашк дури бахриға побаст эди,
Куймак арошамъға ҳамдаст эди.

Хилватида маскани бир бурж аро,
Дурри самин ўйлаки бир дурж аро.

Бу кеча бир кисабури нақбзан,
Бўлмиш эди масканига нақбкан.

Барча кеча ер тубин айлаб харош,
Ҳуфрасиға чиқти сарой ичра бош.

Англабон Айюб они, дам урмади,
Тоат этиб, ўзига келтурмади.

Ўғри ўшул хуфра ичидин чиқиб,
Ҳарне топиб, эвда тамамин йиғиб.

Онча неким элта олур чоғлабон,
Берк тонгиб орқасиға боғлабон.

Нақбға киргач кичик эрди тешук,
Сиғмадиким бехад улуғ эрди юк.

Тор ини сичқонға солиб эрди ғам,
Қуйруқиға боғлади ғарбол ҳам.

Кўрди чу Айюбки ожиздур ул,
Қўпти, эшик очтию кўргузди йўл,

Ким, юк улуғдир доғи нақбинг кичик,
Йўл сори келгилки, очуқдур эшик.

Ончаки бероҳлиқ ул кўргузуб,
Шайх бу янглиғ анга йўл кўргузуб.

Кимгаки кўргузсалар, ул навъ йўл
Ўзга йўлидин чиқа олғайму ул?

Ўғрини ул хол забун айлабон,
Қаддин оғир ҳамл нигун айлабон.

Жониға бир ўт солибон сўзу дард,
Ким куюб андин фалаки ложуворд.

Егнидаги юкни бу ўтға уруб,
Ўзлугининг ҳам юкини куйдуруб,

Музтар этиб ранжу малолат ани,
Хас киби ўртаб бу хижолат ани,

Наъра чекиб сел киби тўкти ёш,
Шайх аёғиға фидо қилди бош.

Ул караму авф тилин лол этиб,
Лутф юки жисмини бехол этиб.

Шайх карам бирла оритти ёшин.
Лутф ила туфроғдин олди бошин.

Англабон ул дард ила холат анга,
Хирқаи фақр этти ҳаволат анга.

Куйди сулук ўтиға жони анинг,
Ўйлаки, махв ўлди нишони анинг.

Ўзлуки чун куйди нечукким хасе,
Топти ул ўт бирла ёруғлуқ басе.

Комил анга берди чу бу парвариш,
Айлади бир авф била мунча иш.

Нетти Навоий қўюбон телбалик,
Сен доғи урсанг бир этакка илик.

Соқий, илик тут, гунахим авф этиб,
Ким чиқадур жоним оғизға етиб,

Бот бўлу бир жом ила еткур футух,
Сабр эса Айюбча, йўқ умри Нух.

XLVIII
ЎН ТЎРТУНЧИ МАҚОЛАТ

Афлок хай ъати шикоятидаким, ҳар бириси дуржe кўрунур ва ҳар кавкаби бир гавҳари пок, аммо хуққае дурур заҳрнок, балки заҳри заҳри халок. Ва жаҳон луъбати киноятидаким, чобуке кўруриур матбу ва мавзун. Аммо золедурур иши макру фусун. Ва фусуни хаддин фузун. Ва ул хуққа лаолиси мазарратидин қалам тилл лол ва бу золнинг жамъи завол

Чарх эрур шуъбадасанж, эй кўнгул,
Топма фиреби била ранж, эй кўнгул.

Шуъбадаси вахму гумондин фузун,
Шуъбададин доғи фузунроқ фусун.

Чарх урубон рев ила найранг соз,
Ўйлаки кўк хирқа била тосбоз.

Хирқасида бахядин анжум нишон,
Бўйида бир парча ямоғ - Кахкашон.

Машъали хур бирлаки, даврон қилиб,
Тос аро ўт хирқада пинхон қилиб.

Ўткариб ул хирқа аросидин ўт,
Кўргузубон субҳ яқосидин ўт.

Йўқки, чу субҳ оғзини кулгу очиб,
Ҳийла била оғзидин ўтлар сочиб.

Ўйлаки ул ўтининг учқунлари,
Хирқаси узра сочилиб ҳар сари.

Балки қовурчоқчи киби хийлагар,
Кўргузубон чодаридин минг сувар.

Миху сутунсиз тикибон.чодарин,
Даври этиб чодарининг пайкарин,

Анда бўлуб жилвагари анжуман,
Ҳар сори юз луъбати симинбадан.

Мунчаки луъбат чиқориб симгун,
Қасди бори элга фирибу фусун.

Йўқки, парихондек этиб жисм шақ,
Тиғи била қони ҳилолу шафақ.

Бўйла парихонлиғ ила ахтари,
Жамъ ўлубон гирдида юз минг пари.

Дема парихонки, эрур пиразол,
Қадди боиуб далла сифатлиққа дол.

Анжуми тазвирда ёши анинг,
Субҳ баёзи дема боши анинг,

Ҳам тўкуб эл қонини тадбир ила,
Ҳам олиб эл жонини тазвир ила.

Хусравлар қатли учун тезхуш,
Хусрави ҳам демаки, Фарҳодкуш.

Дахр арусинки, тамошо қилиб,

Макр ила машшоталиқ ифшо қилиб.

Қўйнида машшоталиғи белгуси,
Субҳи сафид - оби, қуёш - кўзгуси.

Айлабон ул шўхни ороста,
Субҳ дами чун гули навхоста.
Ғоза уруб оразиға гул била,
Зулф ўруб эгнига сунбул била.

Лола била чеҳрасин ол айлабон,
Доғини ул чеҳраға хол айлабон.

Вусма чекиб, сабза била қошиға,
Меъжар етиб, шабнам ила бошиға.

Сарвдин илгига нигор айлабон,
Сувни анга ойинадор айлабон.

Ғунча аро оғзини пинҳон қилиб,
Сўз чоғи ул ғунчани хандон қилиб.

Наргиси шаҳлодин етиб кўз анга,
Савсану раъно тилидин сўз анга.

Наргисига ғамзау ноз ўргатиб,
Ғамзасини шуъбадабоз ўргатиб,

Чунки безаб хулди бариндек ани,
Хулд неким, луъбати Чиндек ани.

Жилва бериб ел аро зеболиғин,
Зоҳир етиб ҳар сори раънолиғин.

Мунча фусунким, қилиб изҳор анга,
Бўлмоқ учун халқ гирифтор анга.

То ани ҳар кимки кўруб зор ўлуб,
Ишқ камандиға гирифтор ўлуб.

Чуа кўруб ул золни бир Рустаме,
Бўлди ҳавосида асири ғаме.

Зоҳир етиб ўртада даллолалиқ,
Айтма даллолаки, муҳтолалиқ.

Ул қадар афсун нуҳуфт айлабон.
Ким ул икки тоқни жуфт айлабон.

Маҳкам етар чоғда алар ақдини,
Маҳр етибон жавҳари жон нақдини,

Маҳри мааржал бу дам ар жон бўлуб,
Тонгла муажжал анга имон бўлуб.

Шоҳиди раъноки топиб бўйла даст,
Ошиқини айлади шоҳидпараст.

Ажзу забунлуқ кўруб ойин анга,
Даъви ета бошлади кобин анга.

Маҳри мааржал тилабон жон олиб,
Сўнгра муажжал тилаб имон олиб.

Жон била имонни чу торож етиб,
Даҳр евидин они ихрож етиб,

Они чиқорғоч, кивуруб ёнани,
Ўз қилибон, бир яна бегонани.

Анга доғи тарки вафо айлабон,
Ўзгага доғи бу жафо айлабон.

Турфа буким, юз келибон минг кетар,
Минг чу кетар, кейнича юз минг етар.

Бўйла бўлуб, келмагу кетмак иши,
Кетгуси бу базмға келган киши.

Давр иши бу навъ тахайюл топиб,
Оҳки, бу давр тасалсул топиб.

Силсила бу навъ азал то абад,
Келгучию кетгучи беҳадду ад.

Гар юзу гар минг фалак айлаб табоҳ,
Оҳ, жафосидин анинг юз минг оҳ.

Минтақаси бирла муаддил хатин,
Яъни ўшул икки ҳамойил хатин

Кўрмак ила фаҳм қилур борча ел,
Ким нега боғлабдур ики ерда бел.

Даврасидин хоҳ куну хоҳ тун,
Топиб ўзин зеру забар туну кун.

Меҳнатидин меҳр юзи сорғориб,
Балки янги ой ҳам ўзидин бориб.

Субҳ тўнин чок етиб онинг ғами,
Шорн либосини қилиб мотами.

Ўтни иситмадин етиб беқарор, Элни
югурмакдин етиб хоксор.

Дағдағаси сувни жаҳонгард етиб,
Сарсари туфроғни худ гард етиб.

Баҳр анинг қасди била заҳрфом,
Заҳр асари айлаб ани талхком.

Конни анинг зулми қилиб тирабахт,
Ўйлаки қон боғлаб ичи лахт-лахт.

Дурға жафоси бўлубон онча фош,
Ким бўлуб ўз ҳолиға бир қатра ёш.

Лаълға ниши тегиб онча аён,
Ким бўлуб ўз захмиға бир қатра қон.

Ўйла булут ҳоли ғамидин табоҳ,
Ким бўлуб ўз дардиға бир тийра оҳ.

Чашма кўруб баски ҳам андин ситез,
Бир кўз ўлуб, ўз ғамидин ашкрез.

Булбул анинг андуҳидин дарднок,
Андин ўлуб гул тўни юз ерда чок.

Тоза туган зоҳир етиб лоладин,
Ул туганин қонға бўяб жоладин.

Зҳиша кўзидин оқизиб қонини,
Май ўтидин куйдуруб ел жонини.

Гарчи улус жони аро ўт солур,
Берганини барча кишидин олур.

Лек бу ҳамким тутубон ёр ўзин,
Кўргузур ел ҳолиға ғамхор ўзин.

Зоҳир етиб нашъу намо неча кун,
Элни қилур комраво неча кун.

Бирни қилиб жоҳда Қорун киби,
Бирини риф атда Фаридун киби.

Ушбу иши доғи мувофиқ эмас,
Балки мингидин бири лойиқ эмас.

Ўйла гумон айлаки чархи дани,
Ким кўрунур даврда парвизани.

Олам ели яхши агар дун эрур,
Борчаға ул чамбар аро ер берур.

Чунки бу навъ айлади ел ҳолини,
Дойир етар ҳар сори ғарболини.

Яхшини бебокдин айлар жудо,
Покни нопокдин айлар жудо.

Эмдики айрилди шарифу хасис,
Қолмади бир пояда дуну нафис.

Қай бириким, бор эди кўпрак дани,
Қилди ани лутф ила кўпрак ғани.

Ким шабадин айламайин дурни фарқ,
Фарқин анинг дурлар аро қилди ғарқ.

Гулшани даҳр ичраки, ҳар бебасар,
Бор эди наргис киби кўтаҳназар.

Қўйди анинг базмида гоҳи фараҳ,
Сим табақлар уза олтун қадаҳ.

Гулники покизасиришт англади,
Зевари гулзори биҳишт англади.

Хори бало бирла етиб мубтало,
Уздию совурдию қилди жало.

Ул териким, ринд қилур журъадон,
Мушки Хўтан айлади анда ниҳон.

Қайда адими Яман идрок етиб,
Айлади қурбон ани юз чок етиб.

Улки кириб тиғдек ел қониға,
Рутбада солиб они шаҳ ёниға.

Ўқ киби тузлар бори андин залил,
Кишдин ихрож бўлуб мил-мил.

Турфа буким, яхши дегил гар ямон,
Муҳлат агар берса бир озроқ замон,

Ханжари бедодни қилғонда тез,
Яхши-ёмон бирла тенг айлар ситез.

Кимники тахт узра қилур аржманд.
Тахта уза оқибат айлар нажанд.

Кимгаки бир тахта киз айлар панoҳ,
Анга доғи тахта қилур хобгоҳ.

Кимгаки бир жорн тутар нўши баҳр,
Оқибатул-амр езар анда заҳр.

Йўқ киши ул жомни нўш етмаган,
Сўнгра бу заҳр ила хуруш етмаган.

Ҳар киши шаънинки, рафет айлади,
Амриға оламни мутеъ айлади.

Қилди яна жавр била зердаст,
Даст-бадаст айлади туфроққа паст.

Даҳрда ул хайлки, шоҳ ердилар,
Додгару мулкпаноҳ ердилар,

Бирни қатил айламайин қўйдиму?
Зору залил айламайин қўйдиму?

Кўрки қаён борди Фаридуну Жам,
Еражу Ҳушанг ила Заҳҳок ҳам.

Салму Манучеҳр ила Навзар қани?
Баҳману Дорову Скандар қани?

Қани жаҳон довари Чингизхон?
Қани жаҳон хони Темур Кўрагон?

Бирга вафо айламади чархи дун,
Кимники чекти, яна қилди нигун.

Давлату иқболи била бўлма шод,
Меҳрига ҳам айламагил еътимод.

Ҳеч дурур ҳосилу боқиси ҳеч.

Кеч боридин бот, вале қўйма кеч.

Сени ул етгунча забун, сен бурун,
Айла, ани фақр ила хору забун.

Токи не илгингда дурур олмай ул,
Борчасидин силк етак, торт қўл.

Ҳарне бор илгингда пароканда қил,
Ўз илигингдин ани шарманда қил.

Панжаи хуршеддек, илгингни оч,
Анда неким сийм эса, оламға соч!

Ул сени. айлар чу тиҳидаст бил,
Билгач ўз-ўзингни тиҳидаст қил.

XLIX

Искандарнинг етти иқлим мамоликин панжаи тасарруфиға киюрғони холи илик била оламдин риҳлат маркабин сурғони

Чунки Сикандар шаҳи иқлимгир
Бўлди жаҳон мулкида соҳиб сарир,

Қолмади бир ерки юруб олмади.
Ерки юруб олмади бир қолмади.

Ҳитаи хукмиға кириб баҳру бар,
Қабзаи амриға тушуб хушку тар.

Хутба ўқуб гунбади ахзар уза,
Сиккаи адлин уруб ахтар уза.

Қуллуғини шаҳлар етиб ихтиёр.
Қуллуғи шаҳларға бўлуб ифтихор.

Ҳам шаҳ ўлуб, ҳам валию ҳам наби,
Ҳикмат ила ҳам туз ўлуб машраби.

Зотиға Жамшедлиғ ойин бўлуб,
Кўзгу анга жоми жаҳонбин бўлуб.

Ҳам ети кўк ҳукми муяссар анга,
Ҳам ети иқлим мусаххар анга.

Бўйла ҳумоюнфари фирузбахт,
Дайри фанодин чекар ўлғонда рахт.

Кўрди ажаб ажз ила бечоралиқ,
Оллиға тушти ажаб оворалиқ,

Не ҳукамоси бўлубон дастгир,
Не хадаму бандаси фаррҳонпазир.

Борчаси қолиб бу яшил боғ аро,
Озим ўлуб ул қаро туфроғ аро.

Ўртади чун бўйла заволи ичин,
Бу сўз ила айлади холи ичин,

Ким: «Бу нафаским борадурмен залил,
Навбати шоҳий манга кўси рами.

Қайсиғаким шарти ҳамият дурур,
Мендин анга ушбу васият дурур:

Ким манга чун тойири бўстони қудс,
Қилса ҳаво ёд етиб айвони қудс.

Оҳ ила оламни қаро айлабон,
Хобгаҳим наъш аро айлабон,

Қабрға чун бошлағунгуздур йўлум,
Наъш ёнидин чиқаринг бир қўлум,

То кишиким қилса назар ул сори,
Ибрат ила боққай ўшул қўл сори,

Билгай аниким ети кишвар шаҳи,
Этти фалак мушкилининг огаҳи,

Жисмида жон йўқ бу макондин борур,
Холи илик бирла жаҳондин борур.

Кимки жаҳон мулки ҳавасдур анга,
Ушбу илик тажриба басдур анга.

Торт, Навоий, бу жаҳондин илик,
Қайси жаҳон, жавҳари жондин илик.

Соқий, эрур коми дилим мастлиқ,
Мониъ эрур лек тиҳидастлиқ,

Лутф ила бер илгима май жавҳари,
Май неки, ойинаи Искандарий.

L

ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ

Жаҳл майининг дурдкашлари шаънидаким, салоҳ хирқалари маъсият илгидин чок дурур. Ва май жаҳлининг сархушлари бобидаким, ҳар бири майхона ешигида масту бебок юрур ва йиқуқ майхона аларға тахти Жамшедосо ва синуқ паймона аларға жоми жаҳоннамо ва надомат ашки ёғиниким, гуноҳ шуъласин ўчурур ва тавба барқи ўтиким, маъсият хирманин куйдурур

Эй тарабинг жомға ҳамдастлиқ,
Жаҳл хуморидин ишинг мастлиқ.

Ўксумайин айши мудоминг сенинг,
Жоми жаҳолат била коминг сенинг.

Купдек ичинга солибон бода жўш,
Кўнглунг ул жўш ила ҳардам хуруш.

Бода солиб жонингга жўши ғурур,
Йўқ санга куп янглиғ ўзунгдин шуур.

Фиску фужур илги чу оғзинг очиб.
Куп киби ғафлат майидин каф сочиб.

Не санга ўлмак ғамидин мотаме,
Не санга паймона тўлардин ғаме.

Этса ажал муҳтасиби нетгасен,
Даф иға тадбир не навъ етгасен?

Урса жафо тоши бу купга туруб,
Ташласа ҳар порасини синдуруб.

Жисминга доғ ўртаса ҳар доғ уза,
Тўкса майингни қаро туфроғ уза.

Зарфи сафолингни ушотғонидек,
Лаъли майинг айласа ер қонидек,

Буки майи жаҳл ичасен беҳисоб,
Бўлғуси бир кун санга бу еҳтисоб.

Неча сенинг мастлиғинг ою йил,
Ой ила йил мастлиғингдин ойил.

Мастки феъли бори муҳмал дурур.
Кўйнинг атфолиға муҳзал дурур.

Кўй бошидин чу бўлур телба фош
Ёғдурур атфол анга ҳар сон тош.

Улки ичиб бодани паймонадин,
Маст чиқар кўйга хумхонадин,

Манглайиким томға тегиб, қон бўлуб,
Бошида дастори паришон бўлуб.

Элга қилиб ҳамла ёмон ит киби,
Қайси ёмон ит, қопоғон ит киби.

Жисмини усруклук етиб дам-бадам,
Ҳар сори қўйса қадам ул сори хам,

Сел сувин топса ичиб, мул киби.
Сой тошини топса отиб гул киби.

Учраса олам гулу тоши анга,
Йўқ олиб отмоққа таҳоши анга.

Тошидин атфол гаҳи бутрабон,
Гаҳ йиқилиб масту маланг ўйнабон.

Гаҳ йиқилиб, гаҳ қўпуб ул ҳар нафас,
Маст солиб ҳар сори қўл ҳар нафас.

Бўйлаки қўпуб йиқилиб пай-бапай,
Бирто йиқилғонда босиб они май.

Май қилибон беҳуда ҳолин анинг,
Қай қилиб олуда сақолин анинг.

Жўлаҳа ғурвошида оҳордек,
Йўқки заған паррида мурдордек,

Қай соқолин ҳар неча нопок етиб,
Ит яламоқ бирла яна пок етиб.

Мастлик уйқуси чу зойил бўлуб,
Кўз очибон бодаға мойил бўлуб.

Не топибон бошида дасторини,
Не кўрубон белида динорини.

Тўнини елтиб яна бир роҳзан,
Ўйлаки сўйғайлар ўлуктин кафан.

Қин қолибон қўлда пичоғин солиб,
Кафши доғи бир тушубу бир қолиб.

Тўн этаги балчиғ ўлуб, олли ўл

Олли ўл, аммо анинг оллида кўл.

Нечаки матлуб ўлубон уй анга,
Бўлмайин уй ғайри узун кўй анга.

Раъша солиб титрамак андомиға,
Оғзи ажаб таъм бериб комиға.

Кислариға махкам этиб қўлини,
Неча тилаб топмайин эв йўлини.

Ўғри тўнин сўйғон эмас эрди бас,
Қолғонин эхдод ҳам олиб асас.

Ул кишидек англаки дармон учун,
Чок этар ўқ захмини пайкон учун.

Еврулубон боши, озиб хуши ҳам,
Ёшунуб эгнига баногўши ҳам.

Ҳар сори бу навъ тушуб гом анга,
Кўрки не шакл ўлғаю андом анга.

Мунча машаққат била ранжурлуқ,
Бир сорию, бир сори - махмурлуқ.

Дема хумор, они дегил юз бало,
Жамъ ўлубу они қилиб мубтало.

Кўрки, не кирмак бўлур ўз қониға,
Боқки, не бедод эрур ўз жониға.

Бу худ эрур ушбу сифат турфа хол,
Турфароғи буки ул айлаб хаёл.

Ким эрур ушбу иши қаллошлиқ,
Кинду қаландарвашу авбошлиқ.

Кўнглига кирмай бу маломат анинг,
Жонини олмай бу хижолат анинг.

Қилмай асар мунча қабоҳат анга,
Мунча қабоҳатлар ибоҳат анга.

Зол қизи ҳар нечаким бўлса зишт,
Бордур анинг кўзига хури бихишт.

Шоири кажтабъни деким не ер,
Сеҳрдур оллинда не мухмалки дер.

Итки қозон ошиға тегурди тил,
Юз қаролиқ бирла дурур юз қизил.

Улки улус қатлиға жаллод эрур,
Ўғлини ўлтурса доғи шод эрур.

Бўлмас эди гулхани анборкаш,
Бўлмаса мурдор исидин табъи хуш.

Улки кемур сотмоғин айлар шиор,
Юз қаро бў.лмоқдин анга қайда ор.

Чуғзки обод аро манхус эрур,
Лек бузуқ кунжида товус эрур.

Май не ажаб танни ябоб айласа,
Сел не тонг уйни хароб айласа.

Уйни йиқиб сел этар элни жало,
Хоссаки, вайрон ую селибало.

Бодаки йиқмоқ сори-ўқ майлидур,
Жисм уйига билки бало селидур.

Қайси бўлур жисм уйиким, жон уйи,
Жон уйи ҳам демаки, имон уйи.

Селға ҳар сорики туғён эрур,
Шоҳ ила дарвеш уйи яксон эрур.

Бодаға кўргузса киши хиралиқ,
Ақл чароғиға берур тиралиқ.

Томса чароғ ўтиға бир қатра сув,
Уйда ёруғлуқдин илик ўзга юв.

Хосса чароғеки, киши субҳу шорн,
Май суйидин қуйғай анга жом-жом,

Машъал ўтиға сув агар бир аёғ
Қуйса ўчар, кўрки, не бўлғай чароғ

Тира бўлур сув била машъал ўти,
Демаки машъал ўти, манқал ўти.

Манқал йўқ, кўра эрур гар танур,
Сувки етар қолмас анга тобу нур.

Қуйса сув оташгаҳи ичра мажус,
Сандали бир дамда бўлур обнус.

Ҳар кишиким қилса бу сувдин тараб,
Хонасиёх ўлмоғи эрмас ажаб.

Сув демагил оники, бир ўт эрур,
Ким ети кўк хирманини куйдурур.

Шуълаким, ул ўртагай афлокни,
Тушса не қўйиғай хасу хошокни.

Эйки вужудунг уйи хошок эрур,
Зор танинг худ бир овуч хок эрур.

Неча бу хошокка ўт урмоғинг,
Неча бу туфроғни совурмоғинг.

Дард ўтидур бодаву хирмон суйи,
Йўққи томуғ ўтию тўфон суйи.

Урма ул ўтни хасу хошокинга,
Қуйма бу сувни бир овуч хокинга.

Гарчи сувдек софию мавзун эрур,
Сувлуғидин ўтлуғи афзун эрур.
Ҳар сувки қайнар сув эрур кўрмаги,
Нисбат эмас ўт била куйдурмаги.

Ҳар неча ўтға илик урса киши,
Этмагу куйдирмак эмаштур иши.

Кимки қизиғ сувға илигин урар,
Ҳар нечаким илги етар ўлтурар.

Ҳосил анинг ўти ўту суйи ўт,
Ранги ўту ламъаи дилжўйи ўт.

Кимки бу тўрт ўт аро бўлғай асир,
Барқ гузаргоҳида ёнғой ҳарир.

Қайси бадан ичра бу тўрт ўт ёниб,
Тўрт аносир тафидин ўртониб.

Йўққи, бўлуб тўрт аносир адам
Ақлу хису дин ила ислом ҳам.

Ўтки, бу навъ ўлса ҳарорат анга,
Не сув этар даф и шарорат анга.

Барқни паст этмади тўфон суйи,
Гул ўтин ўчурмади найсон суйи.

Сувки бу ўт жониға офат дурур,
Тавба чоғи ашки надомат дурур.

Бу ўт ўлур, ашк ёғар чоғи даф,
Йўққи бу ўт, дўзах ўти доғи даф.

Қайда топор қатра бу янглиғ киши,
Наф чоғи қилғучи дарё иши.

Кимни пушаймонлиқ этиб ашкпош,
Гавҳари мақсуд анга ҳар қатра ёш.

Кўзки ҳаё ашки тўкар чун сахоб,
Қатрасининг ҳар биридур дурри ноб.

Тавба ани англама таъриф ила,
Ким берилур кимсага таклиф ила.

Ёхуд ангаким, мадад этмас билик,
Ахдида мушаф сори элтур илик.

Ёки қачон арбада бунёд этар,
Даф ини айларга қасам ёд этар.
Борча қазо ўтиға хасдур булар,
Тавба ҳисобида эмасдур булар.

Кимки қазо илгида беихтиёр,
Тавба қилурда анга не ихтиёр.

Тавба эрур журмға топмоқ вуқуф,
Оллидағи йўлини кўрмак махуф.

Ёки қилур вақтда бероҳлиқ,
Бўлмоқ ул иш айбиға огоҳлиқ.

Билсаки Ҳақ хозир эрур борча вақт,
Қилғониға нозир эрур борча вақт.

Кўнгли аро тушса малолат ўти,
Жонини куйдурса хиилолат ўти.

Этса бу холатда тафаккур анга,
Қилғонидин бўлса танаффур анга.

Соиқаи лутфи Илоҳи етиб,

Жозибаи номутаноҳи етиб,

Ўзлукидин қилса жудо Ҳақ ани,
Қўймаса ўз ҳолиға мутлақ ани.

«Тубу илАллоҳ» ила топса футух,
Бўлса бу тавбаки, топибдур Насух.

Ҳақ бу карам қилмаса нетсун киши.
Ўзлуки бирла нечук этсун киши.

Тавба эмас етмайин илхоми ғайб,
Кимки ўзи қилса ушатмоқни айб.

Одами ўз журмиға мухтор эмас,
Тавбасидин доғи хабардор эмас.

Амр бўлуб тавба деса чин дурур,
Гар они хифз этмасалар синдурур.

Тавбаға ҳар кимгаки тавфиқ эрур,
Синмас аниng тавбаси тахқиқ эрур,

Ўзлук ила тавба табоҳи дегил,
Қилмоғидин тавба илоҳи дегил.

LI

Бани исроилийи Риндниng ўзлукидин тавбаси уйи иртифои қасам қофи тошлари била фалакка чиққони ва май селоби ул бинони йиққони

Бор эди Ринди Бани исроилий,
Бода учун майкадалар соили.

Май бўлубон қути ҳаёти аниng,
Халқ ичида Маймана оти аниng.

Жисми сабу чеккали комил бўлуб,
Майға ўз оти киби хомил бўлуб.

Тортибон эл зарфини майхонадин,
Журъа тахин чеккали паймонадин,

Этмаса гар журъаи лойи анга,
Бўлубон ул лахза балойи анга.

Кўп қилибон тавба, вале синдуруб,
Кўнглини тавба ишидин тиндуруб.

Баски қилиб тавбада нуқс ошкор,
Тавба қилурдин бўлубон тавбакор.

Бир саҳари қилди ҳавойи сабух,
Этти иноят эшигидин футух.

Ҳотифе ун чектики, эй булфузул,
Тавба қил эмдики, етишти қабул.

Сен тиладинг бизга ризо бўлмади,
Ғайри ризо хукми қазо бўлмади.

Чунки бизинг соридин ўлди талаб,
Кел бериким, бўлди маҳалли тараб.

Ринд ичига тушубон тоби шавқ,
Ашк бўлуб жисмига гирдоби шавқ.

Ҳар дам ўлуб қисми хузуру сафо,
Тавба солиб кўнглига нуру сафо.

Ҳарнеки йиллар тилаб айлаб ниёз,
Борчаға бир дамда бўлуб сарфароз.

Тавба сори чун ўзи айлаб нишаст,
Шиша киби тавбаси топиб шикаст.

Ҳақ чу они тавбаға махрам қилиб,
Садди Скандар киби махкам қилиб.

Ўздин эса тавба бўлур ўйла суст,
Ҳақдин эса тавба бўлур бўйла руст.

Журм Навоийни кўп этмиш малул,
Ё Раб, ўзунг тавба бериб қил қабул.

Соқий, аёқ келтуру тут бизга бот,
Анд бошин, тавба аёғин ушот.

Узр десам, бўғзума қуйғил йиқиб,
Қуйғали кўксум уза лекин чиқиб.

LII
ЎН ОЛТУНЧИ МАҚОЛАТ

Худнамо муханнасвашламинг дунё зийнати иктисобида хийласозлиқлари ва жонфидо мехнаткашламинг дин қуввати ҳисобида сарандозлиқлари. Ва ғазо майдони соҳати васфидаким, эр била номард бирбиридин айрилур. Ва шаҳодат қони таърифидаким, гуноҳ дудидин юзи

қарорғониами сурхрў қилур

Эй сурубон айни жалодат аро -
Рахшини майдони -шужоат аро,

Барқдин ул рахшни кам билмайин,
Кўзига Рустамни доғи илмайин.

Кўрмайин азбас тутуб ўзин бийик,
Ўз бошидин кўкка дегин тўрт илик.

Пўя чоғи рахши бўлуб кўҳтан,
Устида қоплон киби ул пўязан.

Кибр эътибон эл била феълин дуранг,
Қуллаи зулм узра нечукким паланг.

Ит эти қоплон киби қути анинг,
Кибр ели боди бурути анинг.

Чинки топиб қоши учида нишаст,
Чархи даний тоқиға солиб шикаст.

Кибр ила ҳар сори гириҳ қошиға,
Ўзга тафаръун солибон бошиға.

Ужб ила ҳар қоши учида гириҳ,
Ўйлаки ҳар ён қулоғида зириҳ.
Гарчи анга ул сабаби эхтиром,
Турфаки ҳам бидъат ўлуб ҳам ҳаром.

Ҳалқа уруб кўй ити тавқиға таън.
Ҳалқа демаким, бўлубон тавқи лаън.

Зулмда Заххоклиғи билгуруб,
Икки йилон эгнида халқа уруб.

Шаръ хилофини чу фош айлабон,
Юзда сақолини тарош айлабон.

Балки чу бидъатни қилиб иштиғол,
Лойиқ ўлуб, қирқар учун ул сақол.

Зулм хадангини чу паррон қилиб,
Юзини пайкониға сухон қилиб.

Икки бурути қили ҳар ён ғулу,
Нафсу ҳаво қушлариға халқамў.

Оғзики бир нукта демай жуз хилоф,
Борча бинойи занаху ўзга лоф.

Бўлди сақол пардаси чун бартараф,
Анда занах зоҳир ўлуб ҳар тараф.

Бошта ўтаға бўлубон жилвагар,
Динин анинг боштин учурмоққа пар.

Ул деб ани шахпари Рухул-амин,
Ташлаб ани гарчи билиси лаин.

Парларини бум бошидин сўюб,
Афсари товус анинг отин қўюб.

Орқаға дастори учи теккани,
Тебранури бирла уруб гардани.

Бўрки учин ичкари буккан аён,
Ҳирсу ҳаво қушлариға ошён.

Тўни ипак бўлмаса, кўнгли хазин,
Жинси хитой бўлмаса қошида чин.

Юзида зарбафтдин истаб нишон,
Ҳажв битарга варақи зарфишон.

Балки либосини паранд этмайин,
Бистар этиб тўнға писанд этмайин.
Кўнглок этиб нозу ҳавасдин катон,
Қайси ҳавас, парри магасдин катон.

Парри магас ҳам дема, шабнам дегил,
Терлик анинг устига байрам дегил.

Белига зарришта қурин банд этиб,
Балки зарофат била такбанд этиб.

Ёғлиғи ул хуллаи зарриштакаш,
Ким анга жонлар чекибон риштакаш.

Тўн юзи олтун била жадвал анга,
Балки ўтук тақаси зархал анга.

Рахш уза урғон эгари зарнигор,
Балки жибилгир анга гавҳарнигор.

Турфа абое анга истаб кўнгул,
Ранги сақарлот била долу гул.

Мунчаву юз мунча зарофат била,
Қайси зарофатки, қабоҳат била.

Дев жамолини паридек ясаб,
Хорни гулбарги таридек ясаб.

Жилва қилиб шоҳиди раъно киби,
Бода ичиб гулрухи зебо киби.

Чун тегуруб бода димоғиға нашв,
Сўз мутаоқиб демайин ғайри хашв.

Неча лаванд оллида борча нажис,
Бирида не ақлу не идроку хис.

Гулхану юз зоғи нажасхордек,
Ё заған атрофида мурдордек.

Нукта ёқардек анга бехад дебон,
Бехаду андоза хушомад дебон.

Ул қилибон уштулуму хайли рев,
Хайли шаётин, ўзи ўртада - дев.

Борча ани бегиму мирзо дебон,
Хулқини хуш, ҳуснини зебо дебон.

Мунча фазихатлиқ эмас эрди бас,
Ким ура олмай чоғир ўлмай нафас.
Чунки чоғирни қилибон заҳри мор,
Туъма йилон этин этиб ихтиёр.

Ер-ичари борча ҳарому ҳариш.
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.

Чун чекибон икки тўла жоми соф,
Лоф ила ҳар дам ушотиб юз масоф.

Тоғ киби тиғ чекиб бедариғ,
Эткуруб ой худиға ҳар лахза тиғ.

Гурз ила Бахром бошин ёнчибон,
Найза била суратиға сончибон.

Пилга йўқ пашшача қадру баҳо,
Песа ипакча кўзига аждаҳо.

Сафхаи раммол қошида паланг,

Реза сув куртию йилони наҳанг.

Раъдни деб базмида тунбак уни,
Барқ - кабоби ўтининг учқуни.

Зулм ила ғадр онча бу ғаддорда,
Ким они кўрмай киши куффорда.

Ул нимаким, бош анга сунмай намоз,
Ул нимаким, кўнглига кечмай ниёз.

Миннатининг остида мулку сипоҳ,
Мулку сипах қайси боиур, балки шоҳ.

Демаки ҳар шоҳға миннат қўюб,
"Мо халақАллоҳ"ға миннат қўюб.

Шахға газоф онча деб ул тирабахт,
Ким дегин ул бермиш анга тожу тахт.

Таън қилибким, «манга юз минг берур,
Юз, икки юз минг манга лойиқмудур?!

Юз киши рашк этгуча чаркам қани,
Минг йигит отланғуча ўлкам қани?

Ҳолим агар кечса бу янглиғ табоҳ,
Бўлмаса бу шах, яна мулк, ўзга шоҳ!»

Ёва деб ул ҳар кеча фарёд этиб,
Туш-тушидин хайли ҳам имдод этиб.
Мунча анонияту пиндор анга,
Ким берибон нафси ситамкор анга.

Онинг учунким, қачон ўлса набард,
Айласа афлок юзин тира гард.

Икки тарафдин яланғоч тиғи тез,
Солса жаҳон халқи аро рустахез.

Эл юрагин тиғи шикоф айласа.
Хасм бошин гурзи ғилоф айласа.

Арзи хунар бўлса йигитлар иши,
Қилса аён ўз хунарин ҳар киши.

Ул доғи шояд сунубон ишга қўл,
Ул неча минг эл аро бўлғай бир ул.

Бергучи оз-кўпга чу Тенгри эрур,
Кимга берур фатҳни Тенгри берур.

Тенгрига шахнинг туз эса нияти,
Нега чекар хайлу сипах миннати?!

Хоссаки бир жоҳили дуну табоҳ,
Жахду жид этгай тилаб ўзига жоҳ,

Миннатиға айласа шах илтифот,
Ҳақ карамидин анга юз минг уёт.

Бир киши ул сафдаки, юз минг дурур,
Рустам эса, бору йўғи тенг дурур.

Айласа ул дам икки Рустам иши,
Бир киши ҳам охир эрур бир киши.

Эйки хароб этти такаббур сени,
Солди такаббурға тасаввур сени.

Ожиз эса Гев ила Рустам санга,
Ерлик эрур анда мусаллам санга.

Ким бу тасаввур била пиндорни,
Нафс ҳавосида йўқу борни,

Кўнглунг уйидин барисин сургасен,
Балки фано ўтиға куйдургасен.

Ҳар нимаким, шаръ хилофидур ул,
Тўккасен ар бодаи софидур ул.
Ҳирсу ҳавас хилъатини чок этиб,
Танни ризо чашмасида пок этиб,

Солибон эгнинга ризо кисватин,
Чеккасен устунга ғазо кисватин.

Ўзни ғазо ишида чуст этгасен,
Белни жиҳод амрида руст этгасен,

Кўнглунг аро химмат агар бор эса,
Зотинг аро журъат агар ёр эса,

Ҳақ йўлида бош қўюбу жон чекиб,
Мехнатини то эрур имкон чекиб.

Тенгри учун кирсанг агар қонинга,
Миннатини қўйғасен ўз жонинга.

Эйки, етишти бу саодат санга,
Ким эрур им кони шаҳодат санга.

Қўпу бу йўл азмини мардона қил,
Жонинг агар юз эса, шукрона қил.

Этса-ўқ ул пўяда жисминг туши.
Билгил ани гулшани давлат қуши.

Жонинга пайкони ажал ёғмоғин,
Бил бори раҳмат булутидин ёғин.

Тиғким, ул қатлинг учун чекса тил,
Жавҳарини бахри карам мавжи бил.

Қилғил агар кўзунга кирса ғубор,
Сурмаи ғуфронча ани эътибор.

Марг самумидин агар етса бим,
Бил ани Исо нафасидин насим.

Жисминга тиғ очса ўлум равзани,
Руҳунга жаннат йўли билгил ани.

Қонки сабилиллоҳ ародур сабил,
Қатраси учмоқ гулидиндур далил.

Дин йўлида қонға бўёлғон бадан,
Қондур анга хуллаи гулгун кафан.

Кимки, шаҳодатға мужоҳид дурур,
Қони қизил юзига шоҳид дурур.
Тира эса ҳар неча дуди гуноҳ,
Билки сурар ани шахид урғон оҳ.

Миғни бўстон ели сурғон киби,
Абрни тўфон ели сурғон киби.

Журм туни гарчики, жовид эрур
Тиғи шаҳодат анга хуршид эрур.

Лек мужоҳидға керакким ғараз,
Бўлмаса жахд ичра ғанимат эваз.

Кимки ғанимат учун айлар ғазо.
Манъи шаҳодат анга басдур жазо.

Улки жиҳод айласа толон учун,
Сойим эрур неъмати алвон учун.

Қолса тирик ғазв эли майдон аро,
Ўлмак эрур чашмаи Кайвон аро.

Ғазвда ким ўлмаса тортиб тааб,
Оби ҳаёт ичра эрур ташналаб.

Исмға сафдин киши ўткарса гом,
Бил они масжидда риёйи имом.

Сафдин агар қолса кейин не дейин,
Келди нисо қибла сафидин кейин.

Ўлжа учун улки жалодат қилур,
Муздға «Қуръон»ни тиловат қилур.

Ўлмоқ учун бўлмаса ғозиға кин,
Ҳайфдур ўлтурмоқ ани бил яқин.

Кимгаки жонондин эрур жон азиз,
Ҳайфки, қилғай ани жонон азиз.

Улки сиуи газв иши одат анга,
Бўлмаса иқболи шаҳодат анга.

Лек шаҳодат сори тутса умид,
Бил они ҳар маъракада бир шахид.

Улки мубоҳот учун истар масоф,
То чиқибон маъракадин урса лоф.

Англа эранликдин ани бенасиб,
Не деса номард эмастур ғариб.
Сунқур агар турнани овлар куни,
Юзни олур бир доғи чиқмас уни.

Туъмаки нармода заған ёд этар,
Топғуча жифе неча фарёд этар.

Яхши эмас гар қилиб айтур киши,
Кўр не бўлур қилмайин айтур иши.

Кимгаки эрлик асари ёрдур,
Бир демас, ар қилғони минг бордур.

Кўрмаган эрликдин ўзин баҳраманд
Бирни доғи қилмаса юз дер баланд.

Вақти била қилди хурус ун аён,
Тинмади бир лахза курук мокиён.

Ғайри ғазо кимгаки дилхоҳ эмас,
Кўрса ўзин ўртада лиллоҳ эмас.

Гар иши таърифида тортар наво,
Бил ани раънолиғу нафсу ҳаво.

Лиллах эса яхшироқ элдин қироқ,
Ҳақ чу билур, билмаса эл яхшироқ.

LIII

Абдуллоҳ Муборакнинг бурқаъ била жиҳод майдониға кириб, фатҳ жамолидин бурқаъ олғони ва Ҳасан Рабиъ ул жамолни кўруб хайрон қолғони

Қилди ривоят Ҳасан бин Рабиъ
Ғазв масофида бу амри бадиъ –

Ким бор эди маърака пайкор ила,
Зумраи исломға куффор ила,

Куфр сипоҳи сафидин пурдиле,
Балки ажал ханжаридек қотиле.

Кирмиш эди кин ила майдон аро.
Солмиш эди рахшини жавлон аро.

Дин чериги қатлиға тиғин билаб,
Наъра урар эрди мубориз тилаб.

Кофири қотил чу забардаст эди,
Ҳар киши бир зарбасидин паст эди.
Кимки хиром айлади майдониға,
Кирди ўзи куч била ўз қониға.

Неча мусулмонни чу қилди шахид,
Бўлмиш эди дин чериги ноумид –

Ким саф учидин сурубон бир далер,
Кирди кийик қасдиға андокки шер.

Мехр киби кўк темур ичинда ғарқ,
Ламъа солиб тиғи анингдекки барқ.

Чеҳрасини бурқаъ аро ёшуруб,
Ишқ ўти янглиғ ёшурун куйдуруб.

Қахр ила кофирға етишган замон,
Ҳамла ҳамон эрдию йиқмоқ ҳамон.

Чунки узотти ани дўзах сори,
Оъйлаки мазбухни матбах сори.

Қойтти келган ёъли бирла юруб,
Кабкхиромин бир-бир монгдуруб,

Дин сипахи сафлариға тушти жўш,
Ҳар сори такбир ила чиқти хуруш.

Этти адув иззатиға хорлиқ,
Куфр ливосиға нигунсорлиқ,

Ғози ўзин чунки аён қилмади,
Кимса анинг ким эканин билмади.

Менда солиб шавқи анинг изтироб,
Топтим ани ҳар сори айлаб шитоб.

Тиғи ҳам эгнида ҳамойил эди,
Бурқаи ҳам юзига хойил эди.

Дедим: «Аё ғозийи нусратқарин,
Тиғ ила зарбингға туман офарин.

Оългум ўшул чеҳра ҳавоси учун,
Бурқаинг оч, тенгри ризоси учун».

Тенгии олиии чунки самў айиади,
Чеҳрасидин парда видў айлади.

Иззу шараф тожиға торак эди,
Тораки дахр Ибни Муборак эди.
Қўйдум отининг аёғиға жабин,
Дедим: Аё носири шаръи мубин,

Кўрмагинга жон бериб аҳли жаҳон,
Недин эрур чеҳрани қилмоқ ниҳон?

Парда хижобини юзунгдин арит,
Саф аро сур, элга ўзунгни танит.

Деди: «Ҳасан, айламагил ижтиҳод,
Улки анинг ишқида қилдим жиҳод.

Жумлаи холимдин эрур огаҳ ул,
Қайси қадам урсам эрур ҳамрах ул,

Тониса улким, манга мақсуд эрур,
Тонимаса олам эли суд эрур.

Ҳар киши коме тиласа ёрдин,
Ёр иши маҳфий керак ағёрдин».

Лек жиҳод ичра бу асғар дурур,
Нафс била айлаган акбар дурур.

Тенгри Навоийға етургай жазо,
Кофири нафси била қилса ғазо.

Соқий, олиб кел қадах эл жонидек,
То сумурай душмани дин қонидек,

Хусрави ғозий кафидин бер набид,
Ичмакидин айлай ўзумни шахид.

LIV
ЎН ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Баҳор йигитлиги назоҳатидаким, раёҳини нозпарвардларин мулавван хуллалар била ороста қилур. Ва йигитлик баҳори латофатидаким, райҳоний хат била ораз гулин гулу райҳонға ўт солғудек пероста этар. Ва хазон қарилиғи бурудатидаким, гулистон ашжори била қушлари ондин бебаргу наво дурур. Ва қарилиқ хазони шиддатидаким, бадан гулис-тонининг тоза гуллари андин барбоду ҳаво

Чун Ҳамал айвонини ёрутти мехр,
Дахрға меҳр айлади зоҳир сипехр.

Ести насими саҳари мушкпош,
Боғда фаррошлиғин қилди фош.

Шохни ер юзига гису қилиб,
Балки бу гисуни супургу қилиб.
Бўлди чу фаррош насими шамол,
Септи булут ҳам сувни сақко мисол.

Сув юкидин қад қуйи мойил анга,
Барқи биринжина ҳамойил анга.

Чун супурулдию сув сепилди боғ
Бўлди раёхинға маҳалли фароғ.

Бош чиқара бошладилар боғдин,
Боғ демаким, қаро туфроғдин.

Айладилар ер юзи узра ҳужум,
Гулшани чарх узра нечукким нужум.

Ҳар бири бир тифли суманбўйдек,
Тифл дема, шоҳиди гулрўйдек.

Ҳуснлари ишвау ноз айлабон,
Атрларин ғолиясоз айлабон.

Фарш бўлуб, сабзаи минусиришт,
Хайли раёҳин анга хури бихишт,

Шоҳиди гул ҳуснида юз обу тоб,
Шабнам уруб, орази узра гулоб,

Ғунчаи тифл иши овунмоқ бўлуб,
Оъйнамоғи борча ёшунмоқ бўлуб.

Кўргузубон лола ўюн ичра жўш.
Эл учуруб калласидин каллапўш.

Боғда гул тифллари ҳар тараф,
Икки чамандинки чекиб икки саф.

Келтуруб атфол ўюнға кўнгул,
Лек ўюн ҳар сори гулхоча гул.

Тоза гиях тифлға монанд ўлуб,
Белга бўғундин анга такбанд ўлуб.

Анжумдек гунбади даввор уза,
Хайли шукуфа дема, ашжор уза,

Ҳар сори наззораға тифли баҳор,
Очти йиғоч панжарасидин узор.

Йўқки сурук гуирухи душизадур,
Бошларида меъжари покизадур.
Майл қилиб ҳуснға ифшо учун,
Борча бийик ерга тамошо учун.

Жилваи аввал будур ашжорға,
Хайли раёҳин била гулзорға.

Бир неча кун гардиши лайлу наҳор,
Оъткарибон навбати ҳусни баҳор.

Лолаву гул бистари туфроғ ўлуб,
Шохда гул ўрниға яфроғ ўлуб.

Шуққаи шингарфи бўлуб сарнигун,
Шох ливоси бори зангоргун.

Боғки, тўн оқу қизил айлабон,
Ул қизил оқини яшил айлабон.

Дур ерига барча зумуррад келиб,
Лаълнинг ўрниға забаржад келиб.

Оқ гул ила гулшани ойинаранг,
Нам асаридин бўлубон борча занг.

Шохи шажар хирқаси ахзар бўлуб.
Хирқа била Хизр паямбар бўлуб.

Соя саводи зулумоти анинг.
Шабнам ўлуб оби ҳаёти анинг.

Боғки бу ҳусну латофат била,
Шоҳиди раъно киби офат била.

Тутти яшил хулла кияр шеваси,
Тугмалари бўлди анинг меваси.

Ҳам бўлубон тугмаи заркор анга,
Ҳам дуру гавҳарға намудох анга.

Оби ўлуб тугмаи зар пайкари,
Оқу қизил олма дуру гавҳари.

Ширада зардолу этиб қанд хал,
Йўқ каду амруд кадуйи асал.

Раз чамани тарфида ҳар гўшае,
Лаъл ила дурдин осилиб хўшае,

Боғ ўлуб ашжору самардин тўла,
Комиледек фазлу хунардин тўла.
Балки бўлуб равза гулистонидек,
Йўкки хирадманд киши жонидек.

Чун узубон меваларин боғбон,
Боғ бўлуб анжуми йўқ осмон.

Сахни гулистонки, самар йўқ анга,
Бир садафедекки гуҳар йўқ анга.

Дур топа олмай шажар ўз тожиға,
Борча бориб ҳодиса торожиға.

Гулшан узуб нақди ниҳондин кўнгул,
Нақд неким, меваи жондин кўнгул.

Заъф бўлуб меваси йўқ шох иши,
Сустайиб андоқки, кўнгулсиз киши.

Бўйла кўнгулсизлиқ ила зорлиқ,
Эткурубон нахлға беморлиқ.

Барг узори ярақоний бўлуб,
Обкаши риштаи жоний бўлуб.

Шох бўлуб ошиқи маҳзун киби,
Ранжу сариғ юз била мажнун киби.

Дол бу даъвоға паришонлиғи,
Ишқдин ошуфтаву хайронлиғи.

Толға хазон новаки паррон бўлуб,
Жисмида ҳар яфроғи пайкон бўлуб.

Кўрма сариғ ранг ила яфроғни,
Ким ғам ўти куйдурадур боғни.

Тушмаса яфроғдин ўт боғ аро,
Шох ўтундек нега бўлди қаро.

Бас йўқ эди боғ аро бу рустахез,
Ким етибон сарсари дай баргрез.

Шохни бебарг қила бошлади.
Баргни ҳар сорт олиб тошлади.

Рангу сафо қолмади яфроғ уза,
Ётти ўлуклар киби туфроғ уза.

Эл сипахи боғни торож этиб,
Баргча киймак сори муҳтож этиб.
Ҳар сори мева йиғочи жадвали,
Саф била хиндуки чекарлар жали.

Борчаси урёну саросар қаро,
Руд суйидин бори занжир аро.

Эл ситамидин бори тортиб нафир,
Ўйлаки бир хайли яланғоч асир.

Барг дема, химаи матбах дегил,
Шох дема, кундаи дўзах дегил,

Дўзах ўлуб гулшани жаннатсиришт,
Дўзах анинг қошида ббғи бихишт.

Гулшани умр ичра хазону баҳор,
Ҳам бу гулистон била бир хукми бор.

Умр қуёшига чу бўлди маҳал.
Чиққуси байтуш-шарафидин Ҳамал.

Ғунча кулар бўлди ададдин фузун,
Гул очила бошлади хаддин фузун.

Жилва қилиб ҳар гули навбоваси,
Ғунчада дилкаш кўрунуб ёваси.

Ўйнамоғу емак ўлуб ком анга.
Йўқ бу ики шуғлдин ором анга.

Мағзиға солғунча хирад шамъи нур,
Кўнглига тушгунча хираддин шуур

Тоза ниҳоли бўлубон сарбаланд,
Сода димоғи бўлубон хушманд,

Англаб аниким, юзи гулранг эрур,
Ғамзаси хунрезу кўзи шанг эрур.

Наргисига шеваи ноз ўргатиб,
Шевасини шуъбадабоз ўргатиб.

Жонлар этиб сайд жафоси била,
Қош ила кирпик ўқу ёси била.

Кўзни тилаб уйқуға ром этгали,
Уйқуни кўзларга ҳаром этгали,

Чеҳра уза ўт солибон жомдин,
Дуд чиқормоғ учун исломдин.
Базмдаким, лабни маёлуд этиб, -
Жону хирад хушини нобуд этиб.

Лаъли ўтин тез этибон май била,
Ўйлаки рухсори ўтин хай била.

Бу ики ўтдек қани ўт шуълахез.

Ким анга теккан сойи сув бўлса тез.

Хат ароким, лаълин этиб ханданок,
Хизр суйидин қилиб, элни халок.

Чекти чу хат сабзаси гул узра саф,
Сабзалиқу гуллук ўлуб бартараф.

Боғ шукуфа била гул тарк этиб,
Барг била меваға навбат етиб.

Хиффатидин табъ нуфур айлабон,
Ҳилм ила идрок зуҳур айлабон.

Юз минг эса жаҳлу хато хирмани,
Машъалаи илм кул айлаб ани.

Гулшани хилъатда бўлуб ҳар шажар,
Илму адаб мевасидин борвар.

Таври бори даф и жунун айламак,
Даъби бори касби фунун айламак.

Бирни тафосир қилиб баҳраманд,
Бирни аходис этиб аржуманд.

Бирга бўлуб мадраса оромгоҳ,
Бирга хилватгаҳ ўлуб хонақоҳ.

Чун тўкулииб меваи ахди шабоб,
Борди бақо гулшанидин обу тоб.

Қад шажари ғам елидин топти хам,
Чеҳра гули барги хазон бўлди ҳам.

Қолмади тан нахлида барги ҳавас,
Балки учурди ани совуғ нафас.

Юзки ясаб гунаи барги хазон,
Кулгали атфол бўлуб заъфарон,

Кўзлар этиб эвлари кунжин талош,
Парда осиб ул эв эшигида қош.
Кўз кириб эв кунжига ранжур учун,
Қошлар анга хожиб ўлуб нур учун.

Аъмо учун қилғали касби зиё,
Бирдур агар туфроғ, агар тўтиё.

Кўзга чун ўчти басардин чароғ.
Шишаи айнакдур анга эски доғ.

Икки букулган қадду мадди асо,
Чархи нигун бирла хати истиво.

Қолмай оғиз дуржида дурри самин,
Тишлари «син», лек кашиш бирла син.

Оғиз ўлуб дурж, вале донасиз,
Тишлар ўлуб «син», вале дандонасиз,

Ҳам тиши тасбиҳида бир дона йўқ,
Ҳам оғизъешигида дандона йўқ.

Орқа хати узра бўғунлар анга,
Ришта занах узра тугунлар анга.

Оқ туки аъзо аро юз соридин,
Ёд бериб борча кафан торидин.

Боши куйи маргни қилмоққа ёд,
Қадди нигун қилмоқ учун хайрбод.

Бир неча кун ҳам бу сифат жон чекиб,
Қон ютубу нолаи хирмон чекиб.

Токи ажал қосиди фармон чоғи,
Тиндурубон кўнглини андин доғи,

Охки, бу базмға ҳар ким етиб,
Навбат ила бу қадах ошом этиб.

Улки ичиб бу қадахи талхфом,
Маст адам кўйига айлаб хиром.

Маст хиром айлаб ўзин билмайин,
Бўрғонидин сўнг хабари келмайин.

Элни бу май айлади бир-бир адам.
Навбат эрур бизга доғи дам-бадам.

Охки, умр ўтти жахолат била,
Қолдим ўлум вақти хижолат била,
Умр куни уйқуда қолдим тамом,
Эмдики уйғондим, ўлуб эрди шом.

Андаки қилмоқ керак иш, қилмадим,
Иш қила олмас кунини билмадим.

Борди тириклик чоғи буду набуд,
Ўзни ҳам ўлтурсам эмас эмди суд.

Иш қилур айёрнида гумрах бўлуб,
Иш чу иликдин бориб огаҳ бўлуб.

Вақт каму йўл узуну май ачиғ,
Асру қатиғ хол етибдур қотиғ.

Бўлмаса гар бахшиши раҳматфизой,
Вой, менинг холима, минг қатла вой!

Умр кунин қисмат этибтур қазо,
Ҳар чоғи бир ишга қилур иқтизо.

Ўнғача ғафлат била побастлиқ,
Жахл йигирмигачау мастлиқ.

Ўттузу қирқ ичра эрур айшу ком,
Вахки, манга ул доғи эрди ҳаром.

Қилмади элликда тараққий киши,
Олтмишу борча таназзул иши.

Этмиш аро вожиб эрур турмоғинг,
Саксон аро фарздур ўлтурмоғинг.

Тўқсон агар бўлди йиқилмоқ керак,
Юз аро жон таркини қилмоқ керак.

Умри табиий кишига бўлса ком,
Истар ўлуб, ҳар сори қилғай хиром.

Умри табиий дема, гар умри Нух,
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух.

Яхшироқ ул умрдин ўлмоқ йироқ,
Умр неким, андин ўлум яхшироқ.

Умр эрур тақвою тоат учун,
Тенгри буюрғонға итоат учун,

Тоату тақво нечаким хушдурур,
Лек йигитлик чоғи дилкаш дурур.
Хуш кўрунур қилса йигит айшу ноз,
Кўр не кўрунгай агар этса намоз.

Хоки палак айласа қад хам анга,

Они рукуъ этса мусаллам анга,

Кимки йигитликда сарафроздур,
Буки бошин ерга қўяр оздур.

Қорики заъф айлади бошин нигун,
Туз қила олмас илик айлаб сутун.

Бошки тушар ер уза беихтиёр,
Сажда қилурда анга не ихтиёр.

Қорики қаддиға хам ўлди вуқуъ,
Иш қила олғайму экин жуз рукуъ.

Тоат ани билки қилур навжувон.
Қилмаса нетгай қорийи нотавон.

Лек бу вобастаи тавфиқ эрур,
Кимгаки сарриштаи таҳқиқ эрур.

LV

Имоми маъсум Зайнул-обидиннинг сағираи маъсумасининг кабирушшон каломи, агарчи ул сағирадин маъсум эрди

Улки фалакка суруб эрди кумайт,
Машъалаи анжумани аҳли байт,

Хатми нубувватқа бўлуб нуръи айн,
Шамъи валоят Али бин Ҳусайн.

Баски ибодотидин арбоби дин,
Отини айтиб Зайнул-обидин,

Бир куни бир тифлин олиб қошиға,
Мехр илигин суртар эди бошиға.

Ўйлаки қонуни убувват бўлур,
Тифл сон элга мухаббат бўлур.

Зоҳир ўлуб таврида осори меҳр,
Айлар эди ҳар нафас изҳори меҳр.

Бор эди бир нодира фарзанд анга,
Жону кўнгул риштаси пайванд анга,

Пардаи исмат аро рахшон қуёш,
Умри замонидин ўтуб олти ёш,
Кўрди отасинки, севар ёшини,
Ёш тўкубон қилди гириҳ қошини.

Чеҳра уза ёшини кўргач имом,
Истади қошиға қилиб эхтиром,

Қилди тасаввур юзида ашкдин,
Ким магар ул йиғлар эди рашкдин.

Шафқат ила меҳр қилиб ошкор,
Дедиким, ул тифл дурур ширхор,

Жандараи махд аро ожиз тани,
Рахм этибон меҳр ила севдум ани.

Мехри анинг гар бу сифат фош эди,
Ушбу жиҳатдин эдиким, ёш эди.

Сенки ичим ўртади меҳринг тафи,
Чунки улуғроқсен эрур мухтафи.

Бўлди чу зоҳир санга маъзур тут,
Ғайрат ила рашк тариқин унут.

Бу сўз ила кўпроқ ўлуб дарднок.
Айтти дарё қошида дурри пок.

Ким: «Бу жиҳатдин эмас эрди ғамим
Бал, яна бир ғамдин эди мотамим.

Бир кун эшиттимки такаллум аро,
Борур эди оғзинга бу можаро,

Ким манга маҳбуб Ҳақ ўлдию бас,
Ғайр сори майлға қилмон ҳавас.

Ғайрини кўрдумки severсен бу дам,
Қилди ичимни мутағаййир бу ғам.

Ғайр ила чун бўлди анинг ширкати,
Жонима ўт солди анинг ғайрати.

Сажда нечук бўлғай анинг бошиға,
Ким топинур Ҳақ била бут қошиға!

Бўлса Самад бирла санам жилвасоз,
Қиблада бўлғайму раво ул намоз».

Чун бу такаллумни эшитти тамом,
Забт қила олмади ашкин имом.
Йиғлади Ҳақ шукрини вожиб билиб,
Ўпти бошин хайр дуоси қилиб,

Тифлға Ҳақдин чу хидоят дурур,
Ҳарне қилур тақвою тоат дурур.

Қўйди йигитликта Навоий сужуд,
Чун қариди эмди надомат не суд.

Соқий, ўшул майки хароб айлагай,
Шайхни кайфияти шоб айлагай,

Тутки, бўлубмен харафу нотавон,
Айла мени тоат учун навжавон.

LVI
ЎН САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Фалак ғамхонасидаким, маоли пароканда а лам дурур такаллуф била масрур бўлмоқ важаҳон вайронасидаким, омоли ҳам ул рақам дурур кўнгул уйин маъмур тутмоқ ва ҳар нафаским ҳаёт гулшанидин насим дурур, қадрин билмак. Ва ҳар дамким умр гулидин шамимдурур шукрин қилмоқ ва то баданда хақ амри итоатиға қувват бор, тоатини муғтанам кўрмоқ ва то ашоб висоли мумкиндур, иликтин бермай, ўзни хуррам тутмоқ

Дахрки хуш аҳлиға зиндон эрур,
Бўлғон анга шефта нодон эрур.

Табъни бандиға хамул айлама,
Ақлни чоҳида малул айлама.

Ким сани чун доираи даҳрбанд,
Охир етар туфроғ аро шаҳрбанд,

Бас недур ул ғамдин ўлуб дарднок,
Ўзни ўлумдин бурун етмак ҳалок?

Ўлмак учун мунча недур мотаминг,
Тутқуси мотам санга холу аъминг.

Боиса ғаминг жонинга солма алам.
Бир ғам эрур бас, емагил икки ғам.

Ранжинг учун жисминга солма шиканж,
Айлама бир ранжингни икки ранж.

Доғ кўруб кўксунга иста фароғ,
Қўйма малолат била доғ узра доғ.

Неча жафо етса фалакдин унут.
Ҳар нечаким, кулли эрур саҳл тут.

Ишга неча саъблиқ имкон эрур,
Ким ани осон тутар, осон эрур.

Гар ватанинг Шорн дурур, гар Ҳари.
Шому Ҳири фикрга қилмас гари.

Шод ани бил даҳрда ким ғам эмас,
Даҳр иши чун ғам егали арзимас.

Чунки жаҳон боғи вафосиз дурур,
Умр гули анда бақосиз дурур.

Боғки, вардиға бақо бўлмағай,
Вардки боғиға вафо бўлмағай.

Тутқали ором не лойиқ бу боғ,
Ул гул ила қайда муаттар димоғ.

Умрки хориж дурур ўтган иши,
Ҳар неки ўтти анга етмас киши.

Келмаганидин доғи оқил дэмас,
Не десун ул ишники, маълум эмас.

Тонгла била чун туна кундур адам,
Билки санга қолди бу кун, бал бу дам.

Мозию мустақбалингга бўйла ҳол,
Ҳолингга ҳам неча хаёли маҳол.

Ҳолки бўлди санга бир ону бас.
Анда не ғамгинлик етарсен ҳавас.

Келмагану кетганинг ермас ҳисоб,
Ҳолингга раҳм айлаву чекма азоб.

Қайси нафас айшға топсанг маҳал,
Англа ғаниматки, эрур бебадал.

Ҳар нафасинг жавҳари эрур нафис,
Ким санга ул бир нафас эрур анис.

Жавҳарини ўйла гаронмоя бил,
Ким анга кун лаълини ҳамсоя бил.

Лек қуёш жавҳаридин бу шариф,
Лутф ичида ул мунга бўлмай ҳариф.

Жирмини онинг кўруб аҳли жаҳон.
Кўзга латофат муни айлаб ниҳон.
Онинг ўлуб келмагу кетмак иши,
Буки ўтуб гардига етмай киши.

Куйдуруб ул елни анингдекки хас,
Эл ўлубон бўлмаса бу бир нафас.

Дема нафас, жавҳари зот ушбудур,
Жавҳари йўқ, оби ҳаёт ушбудур.

Бўлди анинг бирла тирик борча зот.
Кўрма ажаб гар дэсам оби ҳаёт.

Балки улус бўлса анинг огаҳи,
Ушбу нафасдур дами Руҳуллаҳи.

Андин агар руҳ топар ерди тан,
Ушбу нафас бирла тирикдур бадан.

Гарчи ул анфоси Масиҳо дурур,
Мартаба андин мунга аъло дурур.

Онсиз эрур руҳ била борча зот,
Мунсиз эмас кимсага мумкин ҳаёт.

Бас муни анфоси муқаддас дегил,
Балки муқаддас дема, ақдас дегил.

Бўйла ғанимат сангадур ҳамнафас,
Онсиз эмасдур санга бир дам нафас.

Ондин ўлуб сайру саботинг сенинг,
Сайру саботинг не, ҳаётинг сенинг.

Сен ани ранжу ғам ила ўткариб,
Юз аламу мотам ила ўткариб;

Бериб анга ғафлат ила хорлиқ,
Ҳашв такаллум била мурдорлиқ.

Фосид етиб ҳарза мақолот ила.
Зойиъ етиб фикри маҳолот ила.

Бўлма яна бўйла муадди анга,
Айлама бу зулму таадди анга.

Ҳақ санга лутф айлади ул турфа ҳол,
Андин уёл, йўқ эса Ҳақдин уёл.

Кел, қўюбон жаҳл хирадманд бўл.
Бир нафаси мустамии панд бўл.
Кўр санга Ҳақдин не карамлар дурур,
Не қадар еҳсону ниамлар дурур.

Буки сени Холиқи кавну фасод,
Қилмади ҳайвону наботу жамод.

Лутф била айлади инсон сени,
Дин йўлида қилди мусулмон сени.

Берди кўрар кўзу ешитур қулоғ,
Айтур тил, атрни англар димоғ.

Андоқ илик доғики, тутғай таом.
Андоқ аёқ доғики, қилғай хиром.

Юз неъмат қилмоқ учун шурбу акл,
Ҳар бирисига яна бир таъму шакл.

Мужмал ила ўтди қалам ёдидин,
Ожиз учун шарҳ ила тиъдодидин.

Қилди карам онча мулавван либос,
Ким ададин ақл ета олмас қиёс,

Маркаблар қуллаву ҳомуннаворд,
Ваҳм саманди киби гардуннаворд.

Боғлари ул навъки хулди барин,
Сувлари ул таврки мои маин.

Жилва била ҳар бути симинбари,
Кўргузуб ул равзада ҳуру пари.

Қаср бўлуб чархдин аъло анга,
Суву йиғоч кавсару тубо анга.

Симу дирам накди ададдин фузун.
Дур била гавҳар доғи ҳаддин фузун.

Бу бад инъому ато бир тараф,
Жавҳари ақл ўлди яно бир тараф,

Ким бу сифат гавҳари рахшандани,
Қайси гуҳар, дурри дурахшандани

Дуржи вужудингга ниҳон айлабон,
Дуржни ул накд ила кон айлабон.

Борча жаҳондин қилиб ашраф сени,
Айлади розиға мушарраф сени.
Топшурубон дурри амонат санга,
Қилди карам тожи каромат санга.

Мунча ниам бердию қилди рақам,
Муники: «Бишшукри тадумун-ниам».

Ҳар неки хони ниам очиб дурур,
Шукри баннинг санга вожиб дурур.

Шукрики онинг ҳаду поёни йўқ,
Кимса адо айламак имкони йўқ.

Борчани қўйдуқ муни-ўқ айту бас,
Ким бу нафаским, сангадур ҳамнафас,

Кирмаги бир неъмат эрур муғтанам,
Ўйлаки кирмаклиги чиқмоғи ҳам.

Бири эрур қути ҳаётинг сенинг.
Яна бири қуввати зотинг сенинг.

Бу икки неъматки намудордур,
Ҳар бирига шукр ери бордур.

Мумкин эмас жон агар етсанг фидо,
Икки нафас шукрини қилмоқ адо.

Англай олурсен ҳакам етсанг тамиз,
Ким Ҳақ етибдур нафасингни азиз.

Ҳақ чу азиз айлади, хор айлама,
Ғайри анинг шукриға ёр айлама.

Жон била сен то нафас имкони бор,
Қадрини билгилки, нафасча не бор.

Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.

Боштин- аёғиғача қил сарфи Ҳақ,
Тенгри санга ёр, ўқусангбу сабақ.

Ғафлат агар бўлса бу ишдин даме,
Ким йўқ анингдек кишига мотаме.

Ўзни қилиб ғофилу ошуфтахол,
Ҳар негаким, айлагасен иштиғол.

Гарчи анга манфаати бўлмасун.
Жахд этким, маъсияти бўлмасун.
Яхшилик ар айламасанг иш чоғи,
Айламагил бори ёмонлиқ доғи.

Бўлмаса тарёк ила жонингға бахр.
Солмағил аччиғ била жомингға захр.

Анда қаю амрки дилкаш дурур.
Борчадин ахбоб юзи хуш дурур.

Асра ўзунгни биров озоридин,
Кимсага озурдалиқ изҳоридин!

Элни ўзунг жонибидин эмин эт,
Ўзни тараб масканида сокин эт.

Қилма улус ирзу иёлиға қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд.

Бир нафасе қайғудин озод бўл,
Ёру мусоҳиблар ила шод бўл.

Боғ аро кўрсанг гули навхоста-,
Борча учун суҳбат эт ороста.

Чарла муроот ила ашобни,
Инда такаллуф била ахбобни.

Жонни алар мақдамидин гулшан эт.
Кўзни алар чеҳрасидин равшан эт.

Базл тариқини шиор айлагил,
Ҳар неки борингни нисор айлагил.

Жонинг агар ком эса ихвонинга,
Сарф эту қўй миннатини жонинга.

Жонни бу жамъият ила шод қил,
Сўнгги паришонлиғидин ёд қил.

Бу иш учун чекти сипеҳри барин,
Ҳар янги ой ҳайъатидин тиғи кин.

Ким ики ҳамдамни қарин англаса,
Васл эвида айшгузин англаса.

Қатъ этиб ул нахли барумандни,
Кесгай ўшул риштаи пайвандни.

Бирини хижрон тарафи бошлағай,
Бирини рурқат тарафи тошлағай.
Чарх иши чун бу эмиш оқибат,
Айлар эмиш сўнгра бу иш оқибат.

Бас гул ила савсани озод ҳам,
Норвану сарв ила шамшод ҳам.

Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Борчаси бир-бирига мехмон эрур.

Ҳар кишиким, бор эса ёре анга,
Ҳар кишиким, ёр эса боре анга.

Ком била васлини айлаб ҳавас,
Топса бу комиға даме дастрас.

Бўйнига қоним мени ёд этмаса,
Рухум ўшул ёд ила шод этмаса,

Бўлди эса васл аро коме анга,
Истаса филжумла давоме анга,

Ҳаққа тилин шукргузор айласун,
Шукр тариқини шиор айласун.

Шояд ўшул шукр ила бир неча дам,
Урғай ўшул васл аро бир неча дам.

Комини қилсун Ҳақ анинг бардавом,
Жониға берсун бу давом ичра ком.

LVII

Чин марғзорининг мушкин ғизолининг шершикорлиғи ва мажруҳ айдларининг анинг домиға гирифторлиғи ва шер панжасидин аламинг ажал туфроғиға ҳамворлиғи

Бор эди Чин мулкида бир нозанин,
Ожиз анинг нақшида наққоши Чин.

Орази гулзори Хўтандин мисол.
Кўзи бу гулзор аро мушкин ғизол.

Сурати Чин чеҳраи анвар анга,
Мушки Хўтан зулфи муанбар анга.

Ғамзаи бебокиға жонлар асир,
Балки Хито мулкида хонлар асир.

Чинға хатар ғамзаси тарроридиа.
Динға халал турраси зунноридин.
Аҳли жаҳон ҳуснининг олуфтаси,
Шоҳи замон зулфининг ошуфтаси.

Бир нафасе урмайин онсиз нафас,
Мумкин эмас кимсага жонсиз нафас

Гулрух этар эрди чу майдонга азм,
Қилмоқ учун гўй ила чавгонға азм.

Ҳамрах ўла олмас учун хон анга,
Қўшмиш эди неча нигаҳбон анга,

Ким киши онинг тарафи солса кўз,
Ёхуд анинг жонибидин деса сўз.

Арз қилиб журмини наввоби хос,
Ҳукм тариқи била топқай қисос.

Кун эмас эрдики, неча дарднок,
Бўлмас эди ушбу балодин халок.

Бир кун анинг ишвасидин ошиқе
Ишқу мухаббат йўлида содиқе.

Йиллар анинг хасратидин қон ютуб,
Қон не бўлур, соғари хижрон ютуб.

Хас киби бир гўша аро эрди паст.
Ким бошиға секритибон етти маст.

Бода чу кучлук эди, ошиқ - заиф.
Чуст йиқилди бўла олмай ҳариф.

Чектилар ул хайли муаккал ани.
Хон қошиға нечани, аввал ани.

Кўрди чу хон неча асири тъааб.
Ҳукми сиёсат била қилди ғазаб.

Ким: «Борисин ер била ҳамвор этинг,
Дой аро ўлтуртунгу девор этинг.

Юзлари болчиғдин ўлуб тошқори,
Халқ кўруб ибрат ила ҳар сон.

Эл доғи ул қахрдин олғай ҳисоб,
Ўлғай алар доғи чекиб кўп азоб».

Аҳли жафо амрни чун билдилар,
Ҳарнеки хукм этти, равон қилдилар.
Тоғ аро ёшунди чу заррин ғизол,
Мушки Хўтан сочти насими шамол.

Хонга магар дашт сон эрди базм.
Отланибон шахр тўши қилди азм.

Май бошида, ишқ ўти худ жонида,
Шахрнинг ошуби доғи ёнида.

Келди йўл ул ергаким ул дой эди,
Ҳар сон юз нола била вой эди.

Англағач ул ишни шахи кинавар,
Элни қўюб, айлади ул ён гузар,

Toким алардинки, қазо қилди руст,
Бўлғусидур ишқ тариқида чуст.

Дой аро бир хайлни кўрди асир,
Ҳар бин ўз ҳолиға тортиб нафир;

Борча надомат била афғон чекиб,
Эмдики афғон туганиб, жон чекиб.

Ғайри ҳамул ошиқи озодаваш,
Ким бўлубон ишқ балосиға хуш,

Заъфу сариғ юз била холи ёмон,
Ўйлаки девор орасида сомон.

Тенгрига ҳар лахза сано айлабон,
Шукр тариқини адо айлабон.

Ким, бу нафаским чиқадур жон манга,
Ёр ғами айламиш осон манга.

Умриға қолганда икки-уч нафас,
Зикр этибон ёр хадисию бас.

Тилида ёр эрдию сўзида ёр,

Оғзида ёр эрдию, кўзида ёр.

Кўргач ани хокими бедодгар,
Кўнглига ул ишқ ўти қилди асар.

Махлакадин они халос айлади,
Ёр ҳарими аро хос айлади.

Ишқ балоси аро шукр этти ул,
Кўр не бийик мартабаға етти ул.
Асра, Навоий, бу нафас муғтанам,
Лек дегил ҳар нафасе шукр ҳам.

Соқий, ўлубмен майи рангин учун,
Май демаким, бир санами Чин учун;

Чини аёғлар била маст эт мени,
Чин элидек бодапараст эт мени.

LVIII
ЎН ТЎҚҚУЗУНЧИ МАҚОЛАТ

Хуросоннинг адимул-мисл кишвари баёнидаким, «Ирама зотил-имодил-лати лам юхлақ мислухо фил-билод» каримаси оятидур анинг ша ънида. Батахсис Ҳирот дорус-салтанасининг амнободи тавсифидаким, «Ва ман дахалаху кона оминан» мазмуни хадиси дурур, анинг таърифида Ва гарчи хадиқае эрди, аммо қуруб эрди ва лекин шоҳ жўйбори адли ани рашки хулди барин қилди ва агарчи ма ъмура эрди, аммо бузулуб ерди ва лекин шаханшоҳ эҳсони меъморидин ғайрати нигорхонаи Чин бўлди

Холиқи ашёки, жаҳон айлади,
Чархни пайдову ниҳон айлади.

Этти фалакники, қилиб мустадир,
Ҳар бири бир шамъ ила бўлди мунир.

Олтиси гар шамъи дурахшандадур,
Лек бин машъали рахшандадур.

Уч қуйи, уч юқори қилди шитоб,
Машъала тўртунч уй аро солди тоб

Шамъ қаю шамъки, фикрал луни,
Ҳар бири бир машъаланинг учқуни.

Машъала йўққим, дури тобон дегил,
Дур демагил, меҳри дурахшон дегил.

Кўк ети иқлимида султон ҳам ул,
Балки алар борча тану жон ҳам ул.

Чун солиб ўртанчи фалак узра нур,
Равшан этиб нуктаи "Хайрул-умур".

Ўйлаки кавкаб ети тақсим эрур,
Билки жаҳон ҳам ети иқлим эрур.

Ҳар бирисига биридин тақвият,
Ҳар бири бирдан топибон тарбият.
Мехр чу ул олтиға фойиқ дурур,
Андағи иқлим анга лойиқ дурур.

Кўзга кавокиб бўла олғайму фош,
Андаки фош айласа нурин қуёш.

Тўртунчи чархки маъвосидур,
Ҳам ўшул иқлим мураббосидур.

Ерда бу иқлим эрур дилпазир,
Кўкта қуёш торамидек беназир.

Бўлди чу мавзуъ масоҳат фани,
Дедилар иқлими чахорум ани.

Зийнат аро равзаи ризвондур ул,
Равзани кўй, мулки Хуросондур ул.

Соҳати тўртунчи фалакдин васиъ,
Рутбаси еттинчи самодин рафиъ.

Хиттасида шахр ададдин фузун,
Ҳар бирининг зийнати хаддин фузун.

Шахрлари лутф ила хулди барин,
Хўблар ул хулд ичида хури ийн.

Тоғлари оллинда фалак сода дашт,
Борчаға кўк қулласидин саргузашт.

Ҳар бирининг жавфида юз турфа кон,
Конин этиб турфа жавоҳир макон.

Чашмасидин бўлмади зоҳир суйи,
Кондин оқиб, балки жавоҳир суйи.

Даштлари сатх ила ойина ранг,
Сабза ул ойинаға ҳар сори занг.

Сабзасидин гулшани миноға рашк,
Туфроғидин анбари сороға рашк.

Этти фалак нақдиға ганжина ул,
Этти ақолим тану сийна - ул.

Анга жаҳон кўкси келибдур сифот,
Анда кўнгул хиттаи поки Ҳирот.

Кимки кўнгул васфида бурхон деди,
Они бадан мулкига султон деди.
Муни ҳам улким ўзин огоҳ дер,
Борча жаҳон кишвариға шоҳ дер.

Не ажаб ўлса кўнгул ўрниға шоҳ,
Чунки эрур шоҳ ен қалбгоҳ.

Бўлди кўнгул ўрнида бўлмоқ иши,
Ким кўнгул андин уза олмас киши.

Хўб эса не айб кўнгулларга ул,
Бир-биридин келди кўнгулларга йўл.

Зийнати андоққи, бадан пайкари,
Вусъати андоққи, кўнгул кишвари.

Айтма кишвар, деки боғи Эрам,
Дема Эрам, айтки Байтул-ҳарам.

Давраси ул навъки пайки хаёл,
Юз йил анинг даврини кезмак маҳол.

Чархи нигун сатхини ханжор этиб,
Мухраи хуршед ила ҳамвор этиб.

Туфроғини мушксиришт айлабон,
Ҳайъатини рашки бихишт айлабон.

Қўрғонининг пайкари андоқ хасин,
Ким уётиб қалъаи чархи барин.

Даврида ҳар буржиға андоқ уруж,
Ким қолибон остида «Зотил-буруж».

Арки бийикрак тўқуз афлокдин,
Ўйлаки гардун кураи хокдин.

Кунгурида меҳр киби тоблар,
Борча малак хайлиға меҳроблар.

Лавхаси зийнаи била кошинавару,
Коши анга юз фалаки ложуворд.

Пили фалак киргуча дарвозаси,
Тоқи само тоқининг андозаси.

Ер тубига хандақи андоқ кириб,
Ким ани ер мухрасидин ойириб.

Қалъасида хисн фалакдек улу,
Шахрида анжум сипахидек ғулу.
Тўрт тараф жадвали бозор анга.
Кирган улус борча харидор анга.

Ҳарне харидор гумон айлабон,
Сотғучи юз онча аён айлабон.

Қиймати ажнос била ҳар дўкон.
Холи этиб хавсалаи бахру кон.

Рахтки баззоз териб ранг-ранг,
Атласи афлок киби танг-танг.

Ҳуққаи гавҳар била ҳар жавҳари,
Чарх ила зоҳир қилибон ахтаре.

Кирса чиқар йўл топа олмай кўнгул,
Сайрида савдойи бўлуб ақли кул.

Масжиди Жомиъ яна бир оламе,
Тоқи яна бир фалаки аъзаме.

Шахр жаҳон, анда бу ҳам бир жаҳон,
Икки жаҳон бир-бири ичра ниҳон.

Чарх уза зина анинг минбари,
Пояси ул ергачаким Муштари.

Ой кеча қандили жаҳонтоб анга,
Қавси кузах ҳайъати меҳроб анга.

Шахри аро бўйла бино беҳисоб,
Қалъасининг тошида худ не ҳисоб.

Ҳар неча кўз тушгуча деворбаст,
Барчада маъмурае элга нишаст.

Топғали таъйини маҳаллот бахр,
Аҳли маҳаллот ойириб шахр-шахр.

Шахрлар отини маҳаллот этиб,
Бўлди чу юз шахр Ҳири от этиб.

Аллоҳ-Аллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири.
Бир-биридин турфа анинг ҳар бири.

Икки савобит фалакидин нишон,
Икки хиёбони ики Кахкашон.

Онча хавониқ бори маъмур анга,
Ким топа олмай киши мақдур анга.
Ҳар улашур нони анинг қурси меҳр,
Олғон ани сойили қадхам сипеҳр.

Ғулғулаи зикр фалакдин ўтуб,
Қайси фалак, хайли малакдин ўтуб.

Мадрасалар ҳар бириси аржуманд,
Пояда кўк мадрасасидек баланд.

Тархда сунъ илги муҳандислари,
Рухи қудус файзи мударрислари.

Фоидаға аҳли чу очиб варақ,
Гарчи Уторид эса айтиб сабақ.

Тоқлари риф атиға йўқ хади,
Ўйлаки кўк гунбадидек гунбади.

Гунбади кошисида кун акси фош,
Ўйлаки кўк гунбади ичра қуёш.

Ҳар сон гулдастаси андоқ баланд,
Ким этибон фикрида гулдастабанд.

Хайли малак қуббасининг зойири,
Ўйлаки сарв узра чаман тойири.

Қубба бўлуб Арши муқаддас анга,
Бир қафаса чархи муқамас анга.

Ҳайъати махрути ила мустатил,
Арш сутуни бўлуридин далил.

Мили била махчаси тортиб алам,
Зоҳир этиб нуктаи Лавху Қалам.

Муъзини ҳар тун қуйи шамъин тутуб,
Шамъи кавокибни фалак ёрутуб.

Чарх мурури била таъжилидин,
Минтақа хатти сизилиб милидин.

Ҳар сори бир масжиди олий асос,
Зинатини ақл эта олмай қиёс.

Риф ат анга чархи муалло киби.
Чарх дема, Масжиди Ақсо киби.

Фохта қандилида хилватнишин,
Аршда ул навъки Рухул-амин.
Жамъ ичида тақвию тоат эли,
Балки малак хайли жамоат эли.

Беш навбат ғулғулаким, йўқ хади,
Ғулғула йўқ, дабдабаи Аҳмади.

Боғлари ҳар бин жаннат мисол,
Равзаға ҳар гўшасидин гўшмол.

Ғайри мукаррар бори сарманзили,
Айшу тараб манзили ҳар манзили:

Борча чаманлар гулу гулзорлиқ,
Ҳар чамани йўли гириҳкорлиқ.

Ҳар гириҳида гулу гулшан доғи,
Йўққи мусаддаски, мусамман доғи.

Гулларж навъини не дей онча гул,
Онча хе гулким, санай олғонча гул.

Нахлини дехқонки баруманд этиб,
Шохига юз мевани пайванд этиб.

Бир шажару юз гул ила шеваси,
Турфаки юз нав бўлуб меваси.

Сахнида юз гул чиқориб бир йиғоч,
Ҳар гулининг атри ббриб бир йиғоч.

Қушлари юз навъ хуш илхон бори,
Сабзау гул узра хиромон бори.

Сув тарабангез чекиб ғулғула,
Ўйлаки ишрат нафаси булбула.

Айшға тарғиб келиб ул нидо,
Боғ димоғин таратиб ул садо.

Қасрлари борча рафиу матин,
Килк ушотиб нақшида наққоши Чин.

Зийнат аро ўйлаки чини паранд,
Нақшида наққоши қазо нақшбанд.

Тоқиға кўк поясидин нардбон,
Кунгури даврида Зухал посбон.

Ҳадди жанубисида бир турфа руд,
Руд неким, лужжаи чархи кабуд.
Чарх демайким, юзида ҳар ҳубоб,
Гунбади фирузадин олмай ҳисоб.

Ҳадди шимолийси сори икки нахр,
Ул икидин хурраму сероб шахр.

Иккисида таъми зулоли ҳаёт,
Равзадағи тўртга андин уёт.

Хизр суйидек анга равшан зулол,
Нутқи Масих онда насими шамол.

Хиттасиғаўйла муаззам савод,
Ким анга ҳар гўша бир аъзам савод.

Мисру Самарқанд не монанд анга,
Зимнида юз Мисру Самарқанд анга,

Ким ани Ҳақ асрасун офотдин,
Емин этиб борча балиётдин.

Мундоқ эмас эрдию эрмас шаке,
Мунча неким эрмас эди дахяки.

Мунча шараф топти шах инсофидин,
Улки хирад лол эрур авсофидин.

Хусрави ғози шахи равшан равон,
Адлиға шогирд Ануширвон.

Айлади шогирдлигин чун ҳавас,
Юз ишидин билди бир ишнию бас.

Адл тариқиға қўюб гомни,
Адл ила ўрганмади исломни.

Йўқ буки юз қоидаи дилпазир,
Салтанат амрида бари ногузир.

Қолдию ул адл ила топти ҳаёт,
Қўйди қиёматға дегин яхши от.

Буки эрур адлға андин баланд,
Диндоғи юз қоидаи дилписанд.

Қолсатонг эрмас бани Одам аро, -
Оти юз онча бори олам аро.

То бани Одам ила олам эрур,
Олам ичинда бани Одам эрур,
Адл ила олам юзин обод қил.
Хулқ ила олам элини шод қил.

Ҳукмунг аро оламу одам доғи,
Йўқки бу икки яна олам доғи.

LIX

Бахромнинг май мастлиғидин бахти кўзи уйқу майли қилиб, мамлакати биноси ул селдин йиқилғони ва мазлумлар фарёдидин уйғониб тадорукин қилғони

Қўйди жаҳон мулкини чун Язди Жирд,
Айлади Бахром танаъумни вирд.

Бодаи ғафлат ани маст айлади,
Маст неким, бодапараст айлади.

Шах чу бўлур бода ичиб масти хоб,
Мастлар-ўқ мулкин этарлар хароб,

Хаста кўнгул овломоғ этмай ҳавас,
Шева анга даштда ов эрди бас.

Бода ичиб, қилғучилар шўру шар,
Айладилар мулкини зеру забар.

Ов аро бир кун озиқиб бегумон.
Бўлди биров чотмасиға мехмон.

Чотма дема, ҳажр қаро шоми де,
Зулму тааб қушларининг доми де,

Ошиқлар кўнгли уйидек йиқуғ.
Тирлари ҳар тарафидин чиқуғ.

Зулм ўқи тешганлари маълум анга,
Бош сиғуруб бир неча мазлум анга.

Борча яланг - ҳодиса торожидин,
Борча нигун зулм илиги кожидин.

Бир қуруқ этмак била сув келтуруб,
Ев эяси бошлади хизмат туруб.

Шоҳ чу аҳволини қилди савол,
Деди: «Будурким кўрасен борча хол».

Шах деди: «Бу фоқау ажзу ниёз
Недин эрур, рост дегил борча роз?»
Деди: «Бурун яхши эди холимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.

Шоҳ улус холидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.

Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,
Айладилар мулкни ер била тенг».

Шах кўзига ўтруда кошонае,
Учрадию ҳар эви вайронае.

Деди: «Бу вайрон не эди бурна чоғ?»
Деди: «Сарой эрдию давринда боғ:

Ески дарахту гули навхез анга,
Икки тегирмон суйи корез анга.

Дахлу зироат била ул турфа нахр,
Мазраани кент қилиб, балки шахр.

Қолмади корез иши қилмоққа зўр,
Чарх анга кўз тегуруб, бўлди кўр.

Чун қуруди сув, қуруди боғ ҳам,
Қолмади гул, гул неки, яфроғ ҳам.

Ев сувамоғнинг кучи ҳам қолмади,
Балки бу иш қилғучи ҳам қолмади.

Боғу саро борча бўлуб ерга туз,
Зулму тамаъ бўлди, вале бирга юз.

Ҳодиса торожи етиб молға,
Қолдуқ ўкуш ажз ила бу холға».

Шах билиб ул пардада бу тору пуд,
Жониға ўт тушдию бошиға дуд.

Ғам қиличи бағрин этиб чок-чок,
Ёқин эди ғуссадин ўлғай халок.

Ғафлати усруклугидин уйғониб,
Жони хумор ўти била ўртониб.

Совуди кўнглига бори айшу лахв,
Билди эрур ҳарне қилур борча сахв.

Зулм элига фикри завол айлади,
Кўнглида кўп адл хаёл айлади.
Ҳақ била чун қилди бу ният дуруст,
Ким тилабон мужда биров етти чуст.

Дедики, корезни айлаб шикоф,
Чиқди сув ҳайвон сувидек поку соф.

Ев эгаси тенгриға айлаб ниёз.
Деди: «Ҳамоноки шахи айшсоз,

Зулм қўюб, адл дурур нияти,
Ким бу асар айлади хосияти».

Шахға бу сўздин доғи танбих ўлуб,
Қилди ғани ул киши узрин қўлуб.

Отланибон мулкида дод айлади,
Борча ғамин халқни шод айлади.

Адл анинг кўнглига қилғач гузар,
Кишварига қилди ҳамул дам асар.

Хусрави Ғозики, эмастур даме,
Ким емагай, мулку раият ғами.

Мулки не тонг, гар эрур обод анинг,
Халқи не ҳайрат, гар эрур шод анинг.

То абад ўлсун бори коми раво,
Хаста Навоийға ҳам андин наво.

Соқий, олиб кел қадахи дилписанд,
Тут манга, деб шоҳ дуосин баланд.

Жонки чекар зулм, даме шод этай,
Тан уйин ул сув била обод этай.

LX
ЙИГИРМАНЧИ МАҚОЛАТ

Ул мақсуд адосидаким, агарчи бу латойиф мажмуаси сафинае дурур, заройиф тухқфидин машхун ва бу заройиф сафинаси жунге дурур фавоиди лаолиси анда гуногун. Ва лекин чун табъ дарёсидин аввал соҳилға келган нафоис дурур ва зихн шабистонидин аввал жттваи зуҳур қилғон аройис, бу жиҳатдин Султон Бадиуззамон баҳодир дома ҳаётуху аёқиғаким, салтанат боғчасининг аввалғи варди ва хилофат чаманининг бурун қад чеккан сарви нозпарварди дурур, нисор қилилди ва ақд издивожиға тортилдиким, бу насойих кўнглида қолғай ва бу жавоҳирни қулоғиға олғай

Олам аро ҳарне хувайдо дурур,
Сири анинг зимнида пайдо дурур.

Қайда зуҳур айласа моҳияти,
Музмар эрур зотида хосияти.

Келди қуёш хосияти нуру тоб,
Бўлди булут нутфаси дурри хушоб.

Конға эрур гавҳари якто халаф,
Баҳрға ҳам анбари сорб халаф.

Бу халаф инсонға ҳам инсон эрур,
Шахға шаху, хонға доғи хон эрур.

Кон киби кўрган шахи озодани,
Кўрдик анинг гавҳари шаҳзодани.

Гарчи бу кон ичра дури шоҳвор,
Хайли эрурким, борисин кирдигор

Поя аро соҳиби тож айласун,
Мехрвашу чархдувож айласун.

Улки вале гавҳари якто дурур,
Борчасидин пояда аъло дурур.

Билки эрур мояи амну амон,
Хусрави Жамқадр Бадиуззамон.

Зоти назоҳатда малоик сифот,
Пок сифоти била йўқ ҳеч зот.

Зоти башар, лек сифоти малак,
Балки сифоти била зоти малак.

Махзи латофатдин ўлуб хилқати,
Халқи жаҳон аҳлиға Ҳақ раҳмати.

Эй келибон нутқ ила васфинг маҳол,
Нотиқа васфингда бўлуб гунгу лол.

Улча сенинг хилму виқоринг дурур,
Мен киби эл мидхати оринг дурур.

Мехрки эл васфидин ўтмиш иши,
Нурин анинг не ўка олғай киши.

Оби ҳаёт элга демак жон берур,
Бу сўз анга бори не таъриф эрур.
Ойни ёруғ, чархни демак баланд
Табъи баланд элга эмас дилписанд.

Мадх ила чун мумкин эмас мидхатинг,
Ўзга жиҳатдин қилайин хизматинг.

Воқиф эрурсенки, шахи комгор,
Ким анга кўп махфи эрур ошкор.

Дахр неким тонгла хувайдо қилур.
Ройи бу кун фикр ила пайдо қилур.

Тонгла йўқ, индин бўлур иш дафтарин,
Бир-бир ўқубтур узоғу кун барин.

Ғайб хаёлотида юз минг сувар,
Хотира кўзгусидадур жилвагар.

Мунча камолот ила хукм айламиш,
Ким неки кўнглунгга келур яхши иш

Келгилу оллимда саросар дегил,
Бўлмаса масмуъ, мукаррар дегил.

Шахға сўзумдин бор эса эътибор,
Гар санга ҳам панд десам ери бор.

Бил муниким, умр вафосиз дурур,
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур

Тушдек эрур дахрда нокому ком,
Кўз юмуб очқунча ўтубдур тамом.

Дахр биносини хароб англағил,
Не кўрунур анда сароб англағил.

Жумла жаҳон фонийи мутлақ дурур,
Боқийи мутлақ тиласанг Ҳақ дурур.

Жисм уйининг тархини солғучи ул,
Рух анга бергучию олғучи ул.

Олам аро токи тирикдур киши,
Ҳақ била бўлмоқ эрур ансаб иши.

Бўлмаса Ҳақ ёдидин огоҳлик,
Билки гадоликча эмас шоҳлиқ.

Бўлса гадо Тенгридин огаҳлиғи,
Бордур анга икки жаҳон шаҳлиғи.
Ҳарнеки бу сафхада Таҳрир эрур,
Роқим анга хомаи тақдир эрур.

Оллинга келса тиламас иш басе,
Ҳақдин эрур, айлама нолиш басе.

Этса зафар билма илик кучидин,
Бил зафару фатҳни бергучидин.

Шаҳлиғингга айламагил эътибор,
Ҳақ ғазабу лутфиға қил эътибор.

Кўрки не бир лахзада бўлди қатил.
Тайри абобил ила "Асҳоби фил".

Қилди адам манзили кошонаси,
Ҳар бирисин биргина қуш донаси.

Ё не сифат тортти Заххок ранж:
Тенгри насиб этти Фаридунға ганж.

Қахридин ар шери жаён кўрди бим,
Узди бошин уй сути ичган ятим.

Хайлингаким, сендин эмас жисму руҳ,
Ақл ила имон эшигидин футух.

Ҳақдин эрур бу ниами булъажаб,
Ризқлариға сени қилди сабаб.

Этти сабабликқа сени бахтиёр,
Қисмат этарга санга не ихтиёр?

Мундоқ ила бу неча нодон санга,
Бўлмасалар бандаи фармон санга.

Ўйлаки қонуни раёсат дурур,
Борчасига бими сиёсат дурур.

Сангаки Ҳақ лутф этибон тожу тахт,
Қилди каромат ўкуш иқболу бахт.

Ҳукмунга оламни забун айлади,
Эл қадин амрингға нигун айлади.

Мунча карам шукрини гар билмасанг,
Ҳарнеки амр этти адо қилмасанг,

Зоҳир этиб ғафлату мағруриуқ,
Айламасанг амриға маъмурлуқ.
Қахр ен борму, ё йўқ дегил.
Мен ани дегунча, ўзунг-ўқ дегил.

Этса ғазаб тунд ели нетгасен,
Мулк анинг мулки, қаён кетгасен?

Айлар эсанг фисқ ила исён анга.
Айла агар бор эса пинхон анга.

Халқдин ул ишда хижолат дурур.
Холиқ агар кўрса не холат дурур?

Ишдаки элдин санга бор инфиол,
Тенгрига зоҳир эса, бўлғай не хол?

Истар эсанг мақсади аслиға юз,
Жодаи шаръи Муҳаммадни туз.

Шахки, нажот уйига истар паноҳ,
Ушбу йўл ул уйга эрур шоҳроҳ.

Егри келур хатти чиқарғоч қалам,
Сатр йўли жодасидин қадам.

Шаръ тариқини шиор айлагил,
Адл ила мулкунга мадор айлагил.

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.

Кофири одил ани обод этиб,
Мўмини золим ани барбод этиб.

Шахки, эрур адл ила даврон анга,
Бўлди сирот ўтмаги осон анга.

Ким юрмак ип уза ком айлади,
Адли чу туз бўлди хиром айлади.

Коминг учун туз бўлу адл айла иш,
Ўқда агар адл йўқ, этмас равиш.

Адлки уч ҳарф ила мақрун эрур,
Ҳар бирига ўзгача мазмун эрур:

«Айн»и анинг рриехре эрур тобнок,
Зулм қаро шомини қилмоққа пок.

«Дол»и дағи давлату дин тожидур,
Дин била давлат эли муҳтожидур.
Ҳурға гису қуйиғи «лом»и бил,
Иззу шараф қушлариниртг доми бил.

Тожни кий, меҳр ила кўзни ёрут,
Сўнгғи матин хаблни илгингга тут.

Ҳар неча мазлум сўзи топса тул,
Тули ҳаёт истасанг, ўлма малул.

Зулм ўтидин қилса фиғон додхоҳ,
Сояи адлинг аро бергил паноҳ.

Қўймағил ул сояда қайғу анга,
Шамъ тубин қилма қаронғу анга.

Эмдики, мазлум сўзи чиқти туз,
Золим агар нафсинг эрур, кўрма юз,

Нафским, ул айши мудом истагай,
Санга гунах, ўзига ком истагай.

Гани уза истарки, йилон топса бахр,
Андин эмас бахра, вале ғайри захр.

Чекма анинг комини истаб азоб,
Тавба била қилғил анга эхтисоб.

Неча улуғ эрса гунах хирмани,
Элга берур оҳи надомат ани.

Журм ўтиким, шуъласи пайваст эрур,
Узр сиришки суйидин паст эрур.

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қахру сиёсат ҳам эрур ногузир.

Ҳар киши олам элида хўб эмас,
Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас.

Яхши-ёмонга чу тенг ўлди карам,
Бўлди ёмонға кўпу яхшиға кам.

Лутф насимин тарабангез қил,
Тиғи сиёсатни доғи тез қил.

Неча маразға гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам захр эрур судманд.

Маддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга даф и фасод.
Бормоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур андин бадан.

Бўлса керак фикр ила шоҳи замон,
Яхшиға яхшию ёмонға ёмон.

Иккисидин бир киби олса ҳисоб,
Мамлакати ичра тушар инқилоб.

Кимсани бот айламагил аржуманд,
Ҳам яна оз иш ила қилма нажанд.

Мил уза чиқмоқ ангаким воядур,
Чиқмақу тушмаклик учун поядур.

Поядин ортуқ киши урса қадам,
Бими йиқилмоқдуру ранжу алам.

Тифл хижо билмай ўқур чун савод,
Қил ўқурин зеру-забар эътиқод.

Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.

Нахлсифат шамъ ила муз шушаси,
Мунунг ўт, онинг сув эрур хўшаси.

Кимники, айлай дер эсанг махрамииг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг,

Ғафлат аро хуш кўрубон хуш дема,
Воқиф ўлуб сўнгра пушаймон ема.

Тушта не хуреки парисон эрур,
Уйғоғ этар фахмки, шайтон эрур.

Оз иш учун тунд итоб айлама,
Қатлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўқ, ар кечрак ўлур қатл иши,
Ўлса, сўзунг бирла тирилмас киши

Сувда ҳубоб ўлса дамингдин хароб,
Мумкин эрурму ясамоғлиқ ҳубоб?

Яхши эмас афВ сиёсат чоғи,
Лек керак ишда фаросат доғи.

Гарчи гувоҳ айлади собит гунoҳ,
Озму ўтар шаръда ёлғон гувоҳ?
Ҳар кишинингким, сўзи ёлғон эса,
Айлама бовар, нечаким чин деса,

Қасд ила ёлғон демади ростгўй,
Чин демади саъй ила каззобхўй.

Тун била то субҳ мувофиқ дурур,
Аввали козиб, сўнгғи содиқ дурур.

Тутма тузуб кину адоват фани,
Ўзга киши журми била ўзгани.

Рои эсанг тут бу нафас яхши пос,
Ҳар қўйни ўз аёғи бирла ос.

Ройинга ҳар амрики, келди савоб
Машварасиз этма қилурға шитоб.

Завқ эса табъингға салоҳи била,
Эл сўзи зимнида фасодин тила.

Айлама ўз райингга кўп эътиқод,
Муътамад эл райидин иста кушод.

Шахки, раъйини кўп этти писанд,
Раъй кўрар эл тилига солди банд.

Гарчи таваккулсиз эрур азм суст,
Машварасиз қилма таваккул дуруст.

Бўлма малул ўлса кенгашда талош,
Асру узун доғи керакмас кенгош.

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,
Вақтидин ўткарма они бир нафас.

Гулга саҳар вақти берур жилва боғ,
Кечга етушса терар ўғлон-ушоғ.

Ўз ишинга ҳар неча кўп бўлса майл,
Тенгри ишига ани қилғил туфайл.

Носихи содиқки, эрур беғараз,
Бил анга оламда топилмас эваз,

Қилса ғалат рифқ ила қилғил даво,
Тенгригадурким, ғалат ермас раво.

Иш куни қўйғонда адув сори юз,
Тўра била бурна ясолингни туз.
Ҳамла кетур размда тақсирсиз,
Билки киши ўлмади тақдирсиз.

Шоми ажал уйида ётмас киши,
Умр куни гўрга ботмас киши.

Икки қадам ёнғуча етгач алам,
Саъй қилу илгари қўй бир қадам.

Нечаки Ҳақ лутфидин ўлди зафар,
Сайъни ҳам бил сабаби муътабар.

Ўйла маош айлаки, чексанг сипоҳ,
Халқ дуоси санга бўлғай паноҳ.

Жаҳд етким, урмасун ўлғоч набард,
Оҳ ели кўзунгга ногоҳ гард.

Қилмади минг душмани кинхоҳ ўқи
Ул яраким, айлади бир оҳ ўқи.

Ғолиб эсанг размда бегонаға.
Қатлға саъй этма бу шукронаға.

Ҳарнеки бу номада мастур эрур
Борчаға шоҳ ишлари дастур эрур.

Ишда агар шаҳға шабиҳ ўлғасен,
«Ал-валаду сирру абиҳ» ўлғасен.

Кўрмагасен йўл аро ранжу надам.
Ҳар қадаме ўрнига қўйсанг қадам.

Зода муриду отани пир бил,
Ҳар ишида ҳукмиға таъсир бил.

Бўлма бу пир оллида тақсирлиқ,
Истар эсанг давлат ила пирлиқ.

LXI

Хожа Муҳаммад Порсодин ҳаж аҳли дуо истидъо қилмоқ ва ўғли Хожа Абу Наср анинг истидъоси била дуо қилмоқ

Ҳақ йўлида хожаи қудсий жаноб,
Роқими «Қудсия»у «Фасл ул-хитоб».

Наъли изи гунбади давворсо,
Улки лақаб келди анга Порсо.

Гарчи ўзи нодираи аср эди,
Ўғли анинг Хожа Абу Наср эди.

Фақрда ул бир шаҳи озодахў,
Ул шаҳи озодау шаҳзода - бу.

Хожаға чун Макка сори бўлди азм,
Хожа Абу Наср доғи бўлди жазм.

Айлаб ато солики атворлиқ,
Ўғли қилиб маҳрами асрорлиқ.

Улки қўюб бодияда-ҳар қадам,
Бу ҳам етиб пўя қадам бар қадам.

Чун неча кун бодия қатъ еттилар,
Манзили мақсадлариға еттилар.

Халқ ҳаж арконини айлаб тамом,
Топибон ул тавф ила олий мақом.

Яхши-ёмон муршиду солик доғи,
Йўқ киши ўрниға малоик доғи.

Истадилар фонию боқий жаноб,
Ҳар тилаги Ҳақ қошида мустажоб.

Халқ ниёзини адо қилғоли,
Борча халойиқни дуо қилғоли,

Мунча улус ичраки кўз тиктилар,
Хожа сори борча рақам чектилар.

Чунки бу иш Хожаға топти вуқуъ,
Хожа Абу Насрға қилди ружуъ.

Айттиким, ул манга фойиқ дурур,
Бўйла баланд иш анга лойиқ дурур.

Кимсаки йўқ раҳбари бу йўл аро,
Мумкин эрур озмоғи ҳар кўл аро.

Йўқ эди бу йўлда манга раҳнамой,
Тенгри мени қилди анга раҳнамой.

Бўлди менинг ишим анга парвариш,
Парваришимдин анга иш қилмоқ иш.

Йўл итари мени ҳаросон қилиб,
Йўлни ҳаросим осон қилиб.
Менда хавотирдин ўлуб юз футур,
Анда сулук ичра шуҳуду ҳузур.

Ўзум учун, онинг учун менда ғам,
Ул гум етиб Ҳақда ўзин, мени ҳам.

Бўйла дебон қилди ишорат анга,
Узрға не ҳадди иборат анга.

Очти илик ашк тўкуб шамъвор,
Ё ичи куйганда нечукким чанор.

Раҳмату афв истамак ойин етиб,

Хожа туруб йиғлабон омин етиб,

Сўнгғи дуо бу эдиким, ё Илоҳ,
Дермен уётдин санга айлаб паноҳ.

Билмас эсам мен тилак ойинини
Айлама зойи анинг оминини.

Саъй етибон ўйла атодек киши,
Этти бу ғайратға ўғулнинг иши.

Ё Раб, ул омину дуо ҳурмати,
Ё ул ўғул бирла ато ҳурмати,

Ким бу ато бирла ўғулни мудом,
Давлату дин тахтида тут мустадом.

Ўзга ўғулларни ҳам ет муҳтарам.
Анга ўғул, мунга иниларни ҳам.

Жумлаи оламға алар ихтиёр,
Олам ели ичра шаҳу шаҳриёр.

Шоҳ дуосида тугонди калом,
Емди Навоийға эрур бода ком.

Соқий, олиб кел қадаҳи бодае
Шаҳ тутсун, ё ани шаҳзодае.

То бўлайин маст сабоҳу масо,
Неча риё бирла бўлай порсо.

LXII

Бу фақр кулбасини ажзу инкисор туфроқларин чеҳра чурук сомони уза пешони арақин оқизмоқ била каҳгил етиб, юз оҳу сўз била сувамоқнинг итмоми ва бу фано хирқасини заъфу ифтиқор ямоқларин кирпик синуқ игнасига ашк узук торин тоқиб, юз дарздўзлиқ била ямамоқнинг ихтитоми ва ул меъморлиқ хижолатидин узр ҳужрасиға юз урмоқ ва бу хайётлиқ узридин хижолат ёқасиға бош яшур-моқ ва Ҳақ маъмураи еҳсонидин маскани афв тиламак ва хазонаи лутфидин хилъати бахшиш истамак

Чун мени шайдоваши ошуфта ҳол,
Бўйла таманноға сингурдум хаёл,

Ким неча кун ранжи ниҳони чекай,
Оби ҳаёт истаю жоне чекай.

Нома учун хома тарош айладим,
Хома учун нома харош айладим.

Сафҳа уза килким ўлуб нақшбанд,
Най унидек чекти саририн баланд.

Ўйлаки най нағмада чеккай сафир,
Андин ошурди найи килким сарир.

Най унин андоққи, қилиб истимў,
Зумраи сўфи аро тушгай самў.

Бу най уни савмааи хок аро,
Балки тўқуз гунбади афлок аро,

Солди башар хайлида ғавғо басе,
Хайли малак ичра алоло басе.

Ҳам башар ешитгач ўлуб дарднок,
Дард ила айлаб ёқасин чок-чок.

Ҳам учубон хайли малакдин ҳаёт,
Захм еган қуш киби солиб қанот.

Савтидин ар нохуш, агар хўб эди,
Мулку малак аҳлиға ошуб эди

Эмдики бу гулрухи зебо узор,
Топти хату хол ила нақшу нигор.

Қилди чу машшотаи чарх еҳтимом,
Бўлди ики ҳафталиқ ойдек тамом.

Партавидин чун ёруди машриқайн,
Тушти яна ер-кўк аро шўру шайн.

Чарх дабириға ушолиб қалам,
Меҳбаранинг кейнига солиб қалам.

Хозини гардун етибон қошима,
Меҳр била еврулубон бошима.

Сочиғ учун келтурубон жон била,
Анжуми нақдини тўқуз хон била.

Хайли малак узра дирам сочибон,
Дурру гуҳар нақдини ҳам сочибон.

Ҳурматима гард киби ер қўпуб,
Бошима айланиб аёғим ўпуб.

Оллима юз ганж қатор айлабон,
Бонн аёғимға нисор айлабон,

Бошим уза лаъл сочиб конидин,
Дур тўкубон олима уммонидин.

Мен мутафаккир бу тахайюр аро,
Бал мутахаййир бу тафаккур аро,

Ким бу варақламики, хомам менинг
Қилди қаро ўйлаки номам менинг,

Бу қадар эъзозга қилмас гари,
Балки эмас, хўрдида мингдин бин.

Ҳам ёмон эрмас, вале мунча эмас,
Яхши дурур, васф дегунча эмас.

Маъни агар хўб эса, таркиби йўқ,
Сурати дилкаш эса, тартиби йўқ.

Айтуриға чунки қўюлди кўнгул,
Айтмай ўн байт тутулди кўнгул,

Ким бор эди бошима кўп мехнатим,
Йўқ эди бош қошиғали фурсатим.

Ул чоғдинким, варақи осмон,
Дудаға зирних қилур шустмон.

Субҳ етар ҳар сори ёғду била,
Тун қорасин пок супургу била.

Тун ёшурур шуққаи анбарвашин,
Субҳ чиқорур алами заркашин,

Рост ўшул чоққачаким, бу алам
Ўзин этар санжақи мулки адам.
Қилмоқ учун тира шафақ ҳарфини
Шорн қўшар дудаға шингарфини.

Чарх қилур зоҳир этиб кавкабин,
Дурға мукаллал қора чодаршабин.

Менда бу мобайн эрур зорлиқ,
Халқ жафосиға гирифторлиқ.

Бир дам улус мехнатидин ком йўқ,
Бир нафас эл жавридин ором йўқ.

Келгучи бу хаста ғамободиға,
Кетмаги худ келмай анинг ёдиға,

Бир сурок албатта кўруб кетмайин.
Токи бурун икки сурук етмайин,

Ўт солибон хотири вайронима,
Тонгдин ақшомға етиб жонима.

Иш буюруб ўйлаки осон эмас,
Бутмаги ақл оллида имкон эмас.

Узр демак борчаға қаттиғ келиб,
Неча чучук сўз деса, аччиғ келиб.

Базл агар бор эса афлокча,
Ҳар фалаки оллида хошокча.

Ҳар киши кўзинки тамаъ очти кенг.
Қатрау дарё эрур оллида тенг.

Олибу изҳори шикоят қилиб,
Кўпни оз ўрнида хикоят қилиб.

Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,
Ўзгача сўз демаки, юз муддао.

Бор эса Рустамча биров қуввати.
Ҳотами Тойича анинг химмати.

Илгида Қорунча бўлуб ганжу мол,
Топмоқ эрур халқ ризосин маҳол.

Менки буларнинг баридин фардмен,
Заф уйида ҳамнафаси дардмен.

Мунча ғаму мехнат ила бовужуд,
Мунча тараддуд била гуфту шунуд.
Заъфи табиий худ ўлуб бир сори,
Борчалари бир сори, бу бир сори:

Кнндуз олиб онча юбусат димоғ,
Ким кеча уйқу била топмай фароғ.

Кундузиким, бўлди яна хол бу,
Кечаки бўлди яна аҳвол бу.

Кимгаки фурсат бу сифат бўлса тор
Назми аввш андин қачон имкони бор.

Мен чу дедим узр, эрурмен маоф,
Бўлмаса бу назм дури асру соф.

Риштаи авқот чу кўтоҳ эди,
Келмади ул навъки дилхоҳ эди.

Чун бу сифатдур бари ойин анга,
Қайдин эрур мартаба чандин анга,

Ким эл аро бўйла тушуб хою хуй,
Ҳар сон солғай бир узун гуфту гўй.

Бўлса эди онча манга дастрас,
Ким кеча-кундузда бир-икки нафас,

Раф ўлубон мехнату фарсудалик,
Этса эди ком ила осудалик,

Гўшаи хилват аро айлаб нишаст.
Табъни қилсам эди фикратпараст,

Назм дури истарига хос ўлуб,
Бахри тахайюл аро ғаввос ўлуб..

Қилсам эди улча хиромим дурур,
Олсам эди ончаки комим дурур.

Билгай эди кимгаки маъни бўлур,
Ким равиши назм деган не бўлур.

Ул биридин чунки тихи қолди жайб,
Кирмаса жайб ичра бу бир ҳам не айб.

Мен бу наво бирла тараннумсарой,
Ким деди ногаҳ хиради покрой:

К-ей қаламинг ажз мидоди аро,
Бош қўюб инсоф саводи аро.
Ҳақдин ўлуб заъфинга қувват қарин,
Сурати инсофингга юз офарин.

Буки баён айладинг эрмас йироқ,
Ким не олурсен мундин яхшироқ.

Десанг эди ҳам тилагандек баланд,
Бўлсанг эди истагудек дилписанд.

Мунчаму бўлғай эди бозор анга,
Жумлаи офоқ харидор анга.

Бўйлаки савдоси жаҳон ичрадур,
Шўру шари кавну макон ичрадур.

Андин эрурким, бу жаҳон зевари,
Гавҳар аро бахр ила кон зевари.

Қилди шараф касбини шоҳ отидин,
Меҳру карам зилли Илоҳ отидин.

Улки шараф бахри анинг зотидур,
Гавҳар ўшул бахр аро отидур.

Эй сўқулуб сиккаи адл отинга,
Хутбаи давлат ўқулуб зотинга.

Ҳалқа этиб кўкни уётинг сенинг,
Хотами хуршед уза отинг сенинг.

Мен киму мадхингни баён айламак,
Зарраға чарх узра макон айламак.

Қатра керак англаса ўз поясин,
Бахр ила тенг тутмаса сармоясин.

Лек не иш кимгаки, тақдир эрур,
Анга шуруида не тадбир эрур.

Ўт аро парвонаға девонавор.
Кирмагига қайда эрур ихтиёр.

Телбанинг атфол тоши ёраси -
Емагидин борму дурур чораси?

Шеърки ҳам тушти менинг шонима,
Ул ўту бу тошдурур жонима.

Не де олурмен тузубон баркини,
Мумкин эмас худ туторим таркини.
Гарчи хаёлимға келур гоҳ-гоҳ,
Ким неча бу дағдағаи умркоҳ.

Шеърдур улким демаги суд эмас,
Кўп деса, худ ғайри зиёнбуд эмас.

Улки ғазал чеҳрасига берса зеб,
Англаб ани табъкашу дилфиреб.

Чин демаги ҳарзаву хазён бори,
Турфа буким, яхшиси ёлғон бори.

Кимгаки умрида бу воқеъ дурур,
Умр анга минг йил эса зоеъ дурур.

Авло эрур .улки, уруб гоми фақр,
Кўйи фано ичра чекиб жоми фақр.

Дунё иши майлини оз айласам,
Уқбо узун йўлини соз айласам,

Шарбат эса, ул йўл аро рағбатим,
Бўлса юрак қони менинг шарбатим.

Сим керак бўлса қилурға фароғ,
Ул ҳам ўлуб тандоғи ҳар сорт доғ.

Хилъати давлат яланг эгнимда гард,
Икки аёғ сайрим учун рахнавард.

Соя учун чатрни қилмай писанд,
Пўя аро рахшға йўқ пойбанд,

Сайрда ҳар бир қадамим юз йиғоч,
Тожи шараф бошима жўлида соч.

Яланг аёғим тахида хорлар,
Силсилаи фақтима мисморлар.

Рахна синуқ бошима ҳар тошдин,
Чиққоли ўзлук тараби бошдин.

Кўзда сиришким дури шоҳонаси,
Борча фано қушларининг донаси;

Чун бу қуш ул дона била ром ўлуб,
Риштаи жисмимдин анга дом ўлуб.

Ко.ъксума ғам ханжари солғон шикоф,
Дард элига жисм уйин айлаб матоф.
Пўя қабарчуқ била айлаб нисор,
Мақдамима юз гуҳари обдор.

Ё дури ашкимки. йўл узра тушуб,
Қонлиқ аёғим тахиға ёпушуб.

Захмларим қони бўлуб қатрабор,
Дарду бало даштин этиб лолазор.

Ох ўти учқунларикм чарх уруб,
Лола ёпурғоғини ел совуруб.

Ҳар шарари лолаға яфроғ анинг,
Тира ўчук жузви ўлуб доғ анинг.

Ранж солиб жисмға фарсудалиқ,
Йўлда даме истасам осудалиқ.

Йўл аро бир тоғ этагин топибон,
Жисмима афлок этагин ёпибон.

Уйқаға қўймоқ тиласам ерга бош.
Такяи хоро манга бир хора тош.

Ер уза туфроғ бўлуб бистарим,
Соядек устига ётиб пайкарим.

Икки аёғимким, юрурдин толиб,
Қўйниға Фарҳод ила Мажнун олиб.

Буки алар ишқича юз жонима,
Дардича минг хотири вайронима.

Келдию мен кимсаға фош этмадим.
Нола чекиб васл талош этмадим.

Иккиси ҳайратда бу холат била,
Ўзлари ишқида хижолат била,

Англаб эрур ишқ мусаллам манга,
Ул бириси, бу бириси ҳам манга.

Ишқ чекиб поям анингдек ратиъ.
Дард қилиб кўнглум анингдек васиъ,

Ким манга кўк ер била яксон бўлуб,
Чарх очуқ гулшани зиндон бўлуб.

Ҳимматим ул авжда силкиб этак,
Ким ёрутуб гарди била кўз малак.
Қилса шабистони шухудум зуҳур,
Хайли малоик анга жамъи туюр.

Тайр дема, ҳар сори хуффош де,
Анжуму кўк хуққау хашхош де.

Деб чу очиб дидаи ибратни кенг,
Бор ила йўқ, йўқ ила борини тенг.

Истабон ўтмак бору йўқдин далер,
Ўйлаки Саййид Ҳасани Ардашер.

Кўнглум этиб бўйла мақом орзу,
Лек бўлуб, нафсға ком орзу.

Ҳиммат учуб равзаи хуррам сори,
Нафс чекиб чоҳи жаханнам сори.

Юзда малакваш бўлуб, аммо нухуфт,
Дев ила шайтон бўлуб иккиси жуфт,

Йўқки бу икки бўлубон жуфту бас,
Ўзларидек юз туғуруб ҳар нафас.

Ҳар кишиким, бўлса ичида ниҳон,
Дев ила шайтони жаҳон дар жаҳон.

Ботин аро бошласа юз макру рев,
Фитна қилиб мунча шаётину дев.

Ҳарне алар солса таманно манга,
Турфа буким, борча мухайё манга.

Тенгри учун, эй кўнгул, инсоф бер,
Диндири агар нафс чиқармас не дер.

Менки бу нафс илгида афгор мен,
Мунча балоларға гирифтормен.

Зоҳирим авқоти ёмондин-ёмон,
Ботиним аҳволи худ ондин ёмон.

Йиғласам ўз хотири ношодима,
Этмагуси ул доғи фарёдима.

Ашкни фарзанки қилай бахри соф,
Кўксума солиб кема янглиғ шикоф.

Не юруй олғай кемадек пайкарим,
Кўхи гунахдин бўлубон лангарим.
Зоҳири холимда башар сурати,
Сурати жисмимда киши ҳайъати.

Маъни ичинда кишиликдин йироқ, -
Балки аромизда минг иллик фироқ.

Ўзни сафо аҳли қачон бўлса жамъ,
Равшану туз кўргузуб андоққи шамъ.

Кўнгул аро чирмашибон юз йилон.
Балки хавотир елидин қўзғалон,

Улчаки мен-мен демасам яхширок,
Яхшилар ўлсун, бу ёмондин йироқ.

Зулмат аро ботиниму зоҳирим,
Турфа буким, ўйла тилаб хотирим,

Ким мени эл аҳли яқин англағай,
Тақвою тоатға қарин англағай.

Ошиқи ғамнок дегайлар бари,
Кўнгли, кўзи пок дегайлар бари.

Кўзни ўкуш саъй ила забт этгамен,
Этса кўнгул забтиға иш, нетгамен.

Ох, менинг холима юз қатла оҳ,
Тутмаса илгим карам айлаб Илоҳ.

Келмаю ёдимға замони ҳаёт,
Қилғоним иш келмаган андин уёт.

Борча ишим хома қаро айламак,
Нўги била нома қаро айламак.

Хома тилимдин ҳам ўлуб хирарок,
Нома юзумдин ҳам ўлуб тирароқ.

Тушмасалар лужжаи раҳмат аро,
Қайда юолғай бу икидин қаро.

Ё Раб, агар бўлди каломим узун,
Мундин ҳам журм қилибмен фузун.

Яхши эса, бер сўруғумдин амон,
Бўлса ёмон боштин-аёғим ямон.

Ҳам ёмоним лутф била яхши қил,
Бўлди чу ул яхши қабул айлагил.

Жилва бер эл кўзига ҳам хўб ани,
Қилғил улус кўнглига марғуб ани.

Ҳар нечаким, журмум эрур печ-печ,
Лекин эрур раҳматинг оллинда ҳеч.

Камлик ила неча манга бўлса бим,
Сен карам айлаким, эрурсен карим.

LXIII

Ул қул хикоятиким, аёғи тойилиб, аёғлуқ ошини шоҳнинг боши косасиға урди ва карамлиғ шоҳ оллида ўз ошин пишурди

Бор эди бир хусрави соҳиб карам,
Ким карамидин эл эди муҳтарам.

Хизмат аро бор эди бир қул анга,
Пояи хизматда баковул анга.

Бир кун анинг базмида шилон чоғи,
Шоҳга ҳам иштаҳо ўлғон чоғи,

Накбат аёғиға уруб тошни,
Шах бошиға тўкти исиғ ошни.

Эл дедилар, холи ани ўлтурур,
Ким бу гуноҳиға жазо ул дурур.

Шоҳ боқиб кўрди чу ношод ани,
Лутф этибон айлади озод ани.

Деди вазир: «Эй караминг бедариғ,
Йўқ эди шаънида анинг ғайри тиғ».

Шоҳ деди лутф била завқнок:
«Ким ани худ хижлат этибдур халок.

Кимса ўлукни яна ўлтурмади,
Тиғи сиёсат бошиға сурмади.

Ҳар киши халқ ичра гунахкорроқ,
Афву иноятга сазоворроқ».

Ё Раб, анингдек карам этгувчи шоҳ, .
Юз минг эшигингда эрур хоки роҳ.

Ҳар неча кўп бўлса гуноҳим менинг,
Шукрки, бор сендек Илоҳим менинг.

Хижлат ила қолмади худ жон манга,
Ен дурур айласанг эҳсон манга.

Гарчи эмон қобили лутфу карам,
Лек эмон бир йўли навмид ҳам.

Мен киму бахри карам этмак ҳавас,
Бахр агар улдур манга бир қатра бас.

Шукрки, эҳсонинг ўлуб ёварим,
Топти ниҳоят варақин дафтарим.

Ҳайрати аброр кўруб зотини,
«Ҳайрат ул-аброр» дедим отини.

Нуктаи таърихики, аҳсан эди,
Секизу секиз юзу сексан эди.

Ким ўқуса, ё қилур эрса савод,
Рухум агар қилса дуо бирла шод.

Тенгри ишин кому мурод айласун,
Рухини жаннат аро шод айласун.

Емди, Навоий, майи шукрона ич,
Ҳар неча бўлса тўла паймона ич.

Соқий, олиб кел тўла паймонае,
Йўқ, ғалат эттим, тўла хумхонае.

То ани кўп-кўп олибон сипқожай,
Куп-куп ичиб, бир дам ўзумдин борай.

ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР

I

«Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим»[1]. Ушбу жумлада энг қимматбаҳо дурлар бир ипга тизилгандир. Бундаги ҳар бир дур жон жавҳаридан, қимматига кўра эса, икки жаҳон нархидан ҳам ортиқ. Бунда ип икки жаҳонни бир-бирига боғлаб, икки жаҳоннигина эмас, жон ҳаёт ипларини ҳам туташтириб тургандек.

Кимки боқийлик хазинасига эришишни ўйлар экан, шу дур, шу ипни ўзига тасбиҳ қилиб олмоғи керак. Чунки бу оддий ип эмас. У шундай ажойиб сиртмоқдирким, дин ва давлатни овлаш - қўлга киритишда у бўғов вазифасини ўтай олади. У бўғов ҳам эмас, ҳеч қачон бўғовлик қилмаган. Бу - жаннат боғидаги кийикларни қўлга киритиш учун арқон.

Уни жон суви оқадиган ариқ, йўқ, жон суви оқадиган ариқ эмас, балки тириклик суви деса бўлади. Бу сув ёқасида алифдек бўлиб дарахтлар ўсиши билан бирга, шивитга ўхшаш хушбўй ўтлар, дарахтлар устида мевалари.

Шу билан бирга ўша гавҳардек қимматбаҳо иплар Илоҳий хазинага аждаҳодек талабгор ёки бошқача қилиб айтганда, булар ҳаммаси осмоннинг энг юқори қисмида ўрнатилган қандилдир. Балки аниқлик киритиш учун бу қандил орасига у ерда ягоналик боғининг қумриси ўзига уя қургандир.

Йўқ, балки бу, ягоналик хазинасига олиб борадиган йўлдир. Йўлликка йўл-у, лекин қандай йўл - энг яқин йўлдир!

Бироқ бу ҳам машаққатли, ҳам хавфли йўл бўлиб, бундан, дейиш мумкихки, ҳар қандай воқифлар ҳам уни билишдан ожиз. Бу дашту саҳрони босиб ўтишга майл кўрсатган кишилар икки иоифа - қабул қилувчилар ва рад этувчиларга бўлинадилар. Рад этувчилар уни босиб ўтишга қадам қўяр эканлар, мувофиқлик рахбаридан мадад ололмагач, «Бо»си ибога чорлаб нидо қилади[2]. «Ё» дейилар экан, бу балодан бошқа нарса эмас. Бундаги «Син» наҳанг балиғининг орқа умуртқа суяги устидаги парраси аррадек эканини, ҳар бир қирраси юз кемага офат эканини англатади. «Син» билан «Мим» ҳарфлари оралиғида машаққатлар кўп бўлиб, йўли машаққатдан иборат бўлса, ели иссиқ шамолдан иборатдир.

«Мим» илон нафасидек ўт сочиб, йўл бошида оғзини очган холда ётади. Бу жумладаги уч «алиф» ва уч «лом» ғавғо кўтариб, олти томондан қилич тортиб келмоқда. «Ҳе»лари эса қатл ишида моҳир бўлиб, ҳар бин найзанинг учидек қонхўр. «Ре»лари тўқнашишга рағбат билдирар эканлар, бундан чексиз зарар келиши аниқ. «Ҳе»си халок этиш учун қармоқ вазифасини ўтаётгандек, хавф-хатар марказида туриб чангак солмоқда.

Халқни қўрқитиш учун «Нун» камондек тортилган, янада тўғрироғи, абадий дехқончилик учун ўроғи шай. «Ё»си душманларга қарши нидо белгиси. Яъни бу, менинг учун олдимда ҳаётингни фидо қил! - демакдир.

Йўл-йўлакай бир қанча нуқталар бўлиб, улар бамисоли тошлар бўлиб, уларни тошлар эмас, кесилган бошлар, деса ҳам бўлади. «Мим»лар у ерда тугун-тугун бўлиб, ниятлар эса жингила-жингила.

Ҳар ерида ундош ҳарфлар такрор-такрор келади ва бунинг саноғи кўп. Шиддат билан ўқилганда, кишилар буни дархол сезадилар. Кимнинг мақсади нималигини кузатиб турган назарлар қанча кўп бўлмасин, яхшироқ кўрувчилар уларни рад этар эди.

[1] «Қуръон»даги биринчи — «Фотиҳа» сурасининг бошланғич жумласи. Мазмуни: «Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан».
[2] Бу ва буридан кейинги мисраларда «Қуръон»нинг бошланишидаги биринчи оят — «Бисмиллоҳ» сўзининг ёзилишига тегишли ҳарфлар изоҳи берилмоқда.

Лекин у йўлни босиб ўтишни хулқ-атвори яхши кишилар ният қилар эканлар ва у ерга қўнар эканлар, «Бо»си аввало башоратдан дарак берса, белгилар ичкарига киришга ишорадир. «Син»и саломатлик йўлининг зинаси, йўқ, зинаси эмас, балки саодат ойнасидир. «Мим»и мақсад манзилига йўл, янада тўғрироғи, бу манзилдаги булоқ бошидир. Бундаги ҳар бир «алиф», одатда (арабий алифбода) «жон» сўзининг ўртасида келса, бу ерда беғубор кечанинг шамъи вазифасини бажаради.

«Лом»лари зафар байроғи ўрнида бўлиб, унга зафар кучиш орзуси жилва бериб турибди. «Ҳо»сида моҳият жилвагоҳ бўлиб, «Лом»и билан «Подшоҳлик унингдир», дейилган.

«Ро»лари жаннат боғининг эшикларидир. «Ҳо»лари эса вахдат ғунчаларига бешикдир.

«Мим»и «нун»дан нихоя топиб, ўз жонини чексиз қийнайди.

Карам денгизига ғарқ бўлиш учун «ё» билан «мим» ўзаро қўшилиб, дарёликни намоён этдилар. Бунда нуқта ва ундошларнинг ортиши юз бериб, чақмоқ ва тошга айланди.

Бу эса «алиф»нинг шамъидан ёруғлик чиқишига олиб келди.

Бундай қарор кўнгил бўйнига халқа солиб, нуқта эса боқийлик дуррини жон қўйнига жойлаштирди. Мазкур ҳаракатлардан ёрдам юз бериб, мақсадга етишмоқ учун интилиш янада кучайди.

Ҳам тўхташ осойишталик ошкор қилиб, бунда тек туришга йўл кўрсатилди. Қачонки сайр этувчи юришга қадам қўяр экан, унинг оёғидан кўтарилган чанг атрофга жонлар сочаётгандек эди. Бош-оёғи бошидан-охиригача жон бўлиб, бошдан-оёғи жон бўлдигина эмас, жонон бўлди.

Бу юришда ул қавмга иссиқдан доғ устига доғ юз бериб, бу йўлни босиб ўтишда бу гуруҳга боғ устига боғ учради. Бунинг ҳикматли томони ҳам қахрда, ҳам лутфда бўлиб, бу билан ушбу икки мехмонхона (жаҳон) тўлди. У (Аллоҳ) улуғворлиги билан ўт ёқса, жамоли лутф билан жамолига сув сепиши мумкун эди.

Эй хаста Навоий, сен наво истаб, шундай бир йўлга отланадиган бўлсанг, йўл ёмон, яхши деб ташвиш чекма. «Бисмиллоҳ!» - дегин-у, қадам бос. «Яхши санолар бўлсин карамга!» Унинг карамидан одамлар ҳурматдалар-ку!

II

Барча яратилган жонли ва жонсиз нарсаларни тасаввур этиш учун қаламининг санъаткорлиги чеҳрасини очган ва ҳикматли қалами жамолини орттириш ҳамда ҳар бир кўнгул ғунчасига бир ҳусн гули томон унинг шавқи занжирига боғлиқликни ва ҳар кўзининқ юлдузига бир қоши ҳилол билан мухаббат ипи орқали пайвасталикни юзага келтирган ул Холиқ ҳамди

Ҳамд бўлсин Аллоҳгаким, аслда бу Унга фарздир. Оламдаги ҳар бир зарра Унга ҳамд айтади. Унинг зотининг ягоналиги қуёшдек маълум. У заррадан кўп-у қуёшдан ҳам ёруғ. Жисм осмонини сайргоҳга айлантирган Удир. Рух қуёшини ёруғ қилган ҳам Удир. Осмоннинг фируза гулшанини баланд қилиб яратган ҳам У. Гуллари (юлдузлар)дан қуёшга гулдаста тутамини яратган ҳам Унинг ўзи.

Осмоннинг ҳар томонида юлдузлар тимсолида гуллар очилиб, унинг бу гулдастасидан кўк бўйлаб сочилганлари ҳам мавжуд.

Минтақа жиҳатидан ложуврд осмон санъаткорлик бисотида икки тахтадан иборат нарднинг ўзи. Осмон тосига солиш учун Аллоҳ ой билан қуёшдан иккита соққа ясаган. Мунаққаш осмон унга тахта ўрнида бўлиб, икки олтилик ўн икки бурж унинг ҳисобида. Туну кун юлдузлар билан садаф тахтада соққабозлик ўйини намойиши. Дунёда юз берган савоб ва

қусурнинг барча ранг-баранг кўриниши шу нардда зуҳур этгандек. Бунда азизлар ҳам, хасислар ҳам ўз хунарини намоён этиш пайида, икки душман - тасодиф ва тақдирдек.

Эрта тонг ўзининг гул юзини очиши билан тун сунбулини юзига зулф қилиб олгандек. Ул юз бутун оламга оппоқ ёруғлик таратар экари, у зулф эса, тепадан мушк сочаётган бўлади. Шу тарзда оқу қаро шуҳрат тутиб кеча ва кундуздан мушк ва кофур тарқала бошлаган.

Инсон ақлининг ҳужраси ясалар экан, Аллоҳ ақлдан у ҳужрага шамчироқ ёқди. Бу шамчироққа иноят пилиги қўйилиб, ундан ҳақиқат нури шуъла бера бошлади. Ундан кўнгул маскани нур олса, ишқ шабадаси билан у ўчирилар эди. Аллоҳ ишқ елини кучайтирганда ва тезлаштирганда, бундан ақл чайласи парча-парча бўларди. Бу ел ҳар қандай тоат-ибодат ва пархезкорлик хирманини учириб, ҳар қандай сабр ва осойишталикни совуриб юбора олади. Ақл боғининг ёш новдасини хашакка айлантириб, бало денгизининг мавжларидан тўлқинлар юзага келтирди. Дард ва бало ўтини янада тезлаштириб, тезлаштирибгина эмас, чарх (тақдир) уни ўз душмани қилди. Висол булутларини ёмғир. ёғадиган қилиб, буни эса ўша ўтларни ўчирадиган этди.

Ҳусн қуёшини ҳаммаёқни куйдирадиган қилиб, унинг ёруғлик таъсирини эса оламни ёндирадиган этди.

Буни қуёш дема - мамнуният боғи дегил. Уни боғ ичидаги очилган гул дейиш ҳам мумкин. Ҳар бир жилваси жон гулшанининг оройиши бўлиб, унинг назарига тушиш кўнгилга осойиш бағишлайди.

Унинг зоти асосида лутф ва сафодан ўзга нарса бўлмаган эса-да, лекин вафонинг иси унга бегона. У вафо рангидан холи бўлгани сабабли, вафо ахллари жонига зулм қилади. Кимгаки вафо таъмини билиш насиб этилган экан, орадан бир нафас ўтмай, унинг кўзидан ёш оққани оққан. Кимки ҳаётида вафодан бошқа иш қилмаган холда, бунинг эвазига насибаси жафо чекишдан бошқа нарса эмас. Ишқни жон ипига боғлаб, васлни кўнгил ипига пайванд этиб, ҳажр водийсига кўп хатарлар солиб, тикан ва гиёҳларини ништарга айлантириб, лолаларидан оҳ шуълалари, кўкатларидан заҳарли ўтлар ясадилар. Лола билан сабзаси бу нав манзил бўлса, шабадаси халокатли шамолдан бошқа нима бўлиши мумкин! Бу ел - шабада эмасдир, бу - биёбон ўтидир! Бил, бу биёбон ўти - хижрон ўти!

Кимники бу шуъла билан куйдиришса, унинг кулини ушбу ел кўкка совуради. Бу халокатли шамол уни кулга айлантирса, дарду бало кўзгуси бу кулдан жило топади.

Қачонки ул кўзгуда илиқлик ва нур пайдо бўлса, унда ишқ унинг юзига ҳам шу хусусиятларни бахш этади.

Доира бундан бошқача қилиб тузилмасдан ҳамда тартиб-қоидалар бир-биридан узилмасдан, бекатлар бир-бири билан яқинлашмасдан силсила силсилалар билан яхши боғланмайди. Шундай бўлгандагина Ер курраси тиниб-тинчиб, айлана фалакларни сайр этаверади. Денгизлар фалаклар билан бирлашиб кетса ҳам, бунинг ҳаммасининг маркази Ер куррасидир. Аллоҳ лутфи туфайли барчага мавжудлик бўлсин! Унинг қахридан эса ҳамма нарса йўқ бўлиб кетиши мумкин.

III
БИРИНЧИ МУНОЖОТ

Аллоҳ биринчи бўлиб, ақл унинг иккинчисини билмайди, хатто биринчи ва охирги инсонлар кимнидир ёкиниманидир мақтамоқчи бўлсалар, бунга лойиқ бошқаси топилмайди ва дунёдаги бо лиши мумкин бЎИган гулшандаги гулларнинг йўқлик кечасидан борлиқ гулистонига келмоғининг сифати ва коинот бозоридаги дурламинг маҳфийлик булутидан зоҳирлик денгизига тушганининг маърифати

Эй Тангрим, дунё бошланишиданоқ қадим абадий бўлиб, қадимлигинг, улуғворлигингнинг сўнги ҳам бўлмаган. Сенда ибтидо ҳам бўлмаган; охирда тугалланиш ҳам йўқ. Аввал ҳам ўзинг, охир ҳам, ўрталик ҳам. Барча-барчага яратувчи бўлганингдек, баннинг кўзи, кўз қорачиғи ҳам ўзингсан.

Қачонки бу дунё ниҳоний бир холатда эди, «Ниҳон»нинг ўзи ҳам жаҳондек яширин эди. Ҳали куннинг юзи ёсмин япроқларини сочмаган, кечанинг соч ўримларидан Хўтан мушкининг бўйи келмас эди. Кўкда ҳам лолалар шафақ очмаган, на юлдузлардан уларга шудринг тўкилмаган эди. На ер бор эди, на ер юзида бирон киши. Кўкнинг ҳам, ернинг ҳам жабр-зулмдан бошқа иши йўқ эди.

Ҳусн ўти ҳам бирон йиғинни қизитмас, ишқ эгаларига ҳам куйиб-ёниш учун асос йўқ эди. Кошоналар ҳам шамъ ўти билан ёримас, бинобарин, парвона ҳам унинг ишқида куймас эди. Ҳалигача гул очилиб нозик жилвалар кўрсатмаган, булбул ҳам унга хониш қилмас эди.

Наргиснинг кўзи юмилиб турганидан уни ўлгудек маст, деб ўйламаслик лозим. У йўқлик гулшанида чуқур уйқуда. Майхонада хали хумнинг оғзи очилмаган. Тақводорлар эса май учун жандасини гаровга қўймаган. Майни қуйиб ишва билан узатувчи бола зоҳидларни майнинг қуйқасини ҳам ичиб қўйишга ўргатмаган бир даври.

Ҳали у денгизмисол Зот тинч ва ором олар, ўзининг мумкин бўлган мавжларини аён қилишга киришмаган эди.

- Эй Худо, сен бор эдинг-у бошқа бир нарса мавжуд эмас эди. Ўз ҳуснинг ўзингга жилва қилар эди, холос. Сенинг ҳуснинг ғойиб нарсаларни акс эттирувчи ойнада зоҳир бўлар эди. Унда шу билан бирга сирли хаёлот жилва қиларди. Бунда кўрувчи ҳам ўзинг эдинг, кўринувчи ҳам. Ишқинг ўзингга ёқиб, ўз ҳуснингдан ўзинг мағрур эдинг. Бирлик (1) бор эди-ю бошқа сонлар йўқ эди. «Бир»дан ўзга ягоналик мавжуд эмас эди. Ҳали ўзинг билан боғлиқ илмнинг асл моҳиятининг қисқача ифодаси, шунингдек, мартабалар ва холатларнинг тафсилотларига монеъликлар ҳам йўқ эди.

Бироқ ўша ошиқларни ёндирадиган, ҳар бир шуъласи уфқларни куйдирадиган чеҳра ўзи зоҳир бўладиган ерда зуҳур бўлишни, унинг ушбу ҳусни камолининг бундан ҳам мукаммал бўлишини хаёл қиларди. Аллоҳнинг ҳусни жилвасига чек йўқ эди. Уни кўриш учун сон-саноқсиз кўзгу керак бўлди. Бу ранг-баранг гулшанни очганда эса унда ҳар бир гул ўзи хитойи кўзгу экани билинди. Бу ҳусн жилваси равшан кўриниши учун ушбу кўзгу пайдо бўлган эди.

Ушбу воситани сен тўла амалга оширганинг туфайли тўққиз осмон тахта (лавҳ)си тиниқ ойнага айланди. Осмоннинг соф юзида ҳар бир юлдуз сени ўзида акс эттирувчи бир кўзгуга айланди. Қуёш юзини ҳам ойнаранг қилдинг. Қуёш тутилиши эса унинг занглагани белгисидир. Кўкни зангори вараққа ўхшатиб, ўша сахифани эса кўзгуга айлантирдинг. Дунёнинг боғчасини тоза бир вараққа айлантириб, унга ясалган панжара олти тугунли бўлди. Сенинг куч-қудратинг туфайли конлардаги гавҳарлар ранг-баранглик касб этди. Сенинг буйруғинг билан қимматбаҳо тошларни тоғ белига камар қилиб боғлаб олгандир.

Ёмғир иплари соф денгиз сувлари билан туташгандан сўнг елнинг нозик бармоқлари иккисидан ипакли шойи тўқувчига айландилар. Қора чангларни сен шамол билан омухта қилганингдан кейин, у чархдек дунё бўйича кезиб юрипти. Сен бу каби қанча ғаройиб нарсаларни яратган бўлсанг, уларнинг барчаси жамолинг ойнасида акс этган нарсалардир.

Сенинг хазинангда бундай бойликлар жуда кўп эди. Лекин уларнинг барчасини яратишдан кузатилган асосий мақсад инсон эди. Сен қандай ажойиб гап гапирсанг - у тўла тушунар, яширин сириарингни эса ичида сақлар эди. Унинг кўнглини ўзингга яқин хазина билиб, унинг жисмини хазинангга тилсим этдинг.

(«Қуръон»да) уни мақтаб, бошқа ҳамма махлуқлардан ортиқ кўриб, «Мукаррам қилдик!» дейилган. «Энг гўзал қад-қомат унга муносиб», дейилган. Ким сенинг сифатларинг билан боғлиқ билимларни била олмаётган бўлса, уни ушбу маърифатни биладиган қилдинг.

Аллоҳни билиш учун шахслардан гуруҳлар туздинг. Унинг моҳиятини билишга олам аҳлини йўналтирдинг.

Эй Худо, ўша хазина, қандайдир мавхум хазина эмас, фақат инсонгагина аниқ бўлган, бошқага насиб бўлмаган хазинадир.

Эй Худо, мени аввало шундай одам қилиб яратки, мен шу (Аллоҳ) ҳараминиг махрами бўла олай! Қанча сиринг бўлса, мени ишончли қил! Бошқа яна нима қилсанг, Ўзинг биласан!

IV
ИККИНЧИ МУНОЖОТ

Аллоҳ яратган гўзал нарсаларнинг жилвалари зуҳури ҳақида – лекин бундан ўша ашёларни яратганнинг ўзининг улуғ даргоҳига бирон фойда етмайди ва у мавжуд гўзаллар билан боғлиқ ъбузуғлиқ ҳодисалари тўғрисида бўлиб, бундан доноларнинг Ягонаси саройига бирон кимса зарар етказишни хаёлига ҳам келтирмайди

Эй, дунёда бор мавжудотга вужуд бўлган, вужуд аҳлига саховат файзини берган Аллоҳ! Сирли йўқликдан нима пайдо бўлган бўлса, бари сенга сажда қилади, сен эса уларга сиғиниш асусисан. Кимки оосни сажоада бўлса, унинг масжудисен. Кимнинг юзи қиблада бўлса, сен унинг топинадиган Тангрисисен. Фалакларнинг мунча тез айланишининг сабабчиси ҳам ёки Ернинг қадимдан секин айланишининг сабабчиси ҳам Сен бўлиб, уларнинг жунбушга келиши ҳам, тинчлиги ҳам, шунингдек, яралиши ҳам, йўқ бўлиб кетиши ҳам Сендан. Ҳаворанг гумбаз билан Осмон тоқидаги юлдузлар - шаъм, Қуёш эса - нақшинкор қубба. Буларнинг ҳаммасини ақл муҳандислари кўздан кечирар экан, буни.идрок этишга хислари ожиздир.

Бундай меъморликни юзларча кишилар ҳавас қилган. Бироқ уларнинг устозларига ҳам бу қийин бўлган. Масалан, бу қурилманинг бузилишини хоҳлар экансан, бунинг учун Сен қахрингни намоён этсанг, шунинг ўзи кифоя. Сен хосил этган бир бўрон олдида булар ҳаммаси бир сиқим тупроқ, ёки шамол қаршисида бир тутам хашак мисолидир. Сенинг қахринг гўёки бир пахлавон тошйўнарга айланиб, тоғлар булутлар каби кучли наъра тортгандек бўлади. Осмон бир этак кул каби совурилиб кетиши, юлдузлар бир ховуч гулдек қўзғалиши мумкин. Зухал эса елкасидан қўнғиз сингари пат чиқариб, адам даштига майл кўрсатиши мумкин. Муштарий ўз ҳаётини тугаган ҳисоблаб, ўлтирган минбари тахта ва тобутга айланиши турган гап. Бахром[1] ҳам ўзини ўлдириш учун тиғ тортиб, ўз аҳволига дод солиб йиғлагани йиғлаган. Бундай қора кунда ёруғ қуёш қорайиб, куйган кулчага айланади. Зухра эса чирманда ва чангини синдириб, тақдирга мос куй тузиб, Аторуд қўлида на қалам, на рақам - уларнинг ўрнида «жаффал-қалам» ояти[2] рақам этилади. Ой абадий ер ости шуълалари билан йўқлик ахллари шомига зулматини ооширгани оширган. Рахмсиз шуълалар олов пуркаб, юлдузлар билан осмонни ўраб олади.

Эл Осмон билан Ерни хароб қилиб, бинобарин, мазлумлар оҳ тортишда. Денгизларни тўлқинлар эгаллаб олган, ундан сачраган сув қатралари юлдузларнинг юзига урилади. Ер жойидан қўзғалиб, атрофга ҳамла қилар экан, лсжуворд осмон унга йиқилиб тушгандай. Бу пайтда одамийлик шундай йўқликка юз ўгирадики, одамда ҳам вафо ва карамдан нишон қолмаган бўлади.

---

[1] Бахром - бу ўринда Миррих (Марс) сайёраси кўзда тутилади.

[2] «Ж а ф ф а л-қ а л а м» - «қалам (ёзишдан) тўхтаган».

Ер баландга кўтарилган, фалак эса қуйига тушиб кетган, гоҳ у юқори кўтарилса, буниси пастга тушиб кетади.

Ўт денгизда ғаввослик қилаётган бўлса, тоғ осмонда раққослик этади. Булутлар осмон билан урилиб тўқнашганда жин урганлар девни кўргандек йиғлашади. Шу сабабли тоғларда ҳам, фалакларда ҳам тарақа-тарақ, бу тарақа-туруқлардан - «Алвидо!» деган овозлар эшитилади.

Бир неча вақт ҳамма шундай тўс-тўполонда - то қаттиқ шамол эса бошлагунга қадар. У янгидан эса бошлаб, эскиргунга қадар - маълум бир фурсат орасида «Қуръон»да «бўлгани бўлди», «бўлмагани йўқ!» дейилганидек, Тангрининг ўзи доимий қолиб, бошқа истиқомат қилувчилар йўқ, вор абадий нолиб, ағёр қолмагани маълум бўлади.

Еру осмоннинг борлиги ёки йўқлигидан, барча одамларнинг ўзини маҳфий тутиши ёки дили очиқлигидан Унинг буюклигига ҳеч қандай фойда, на Унинг куч-қудратига ҳеч қандай зиён йўқдир.

«Мулк кимники?»[3] деган ибора ўша дамда Унинг оғзидан чиққан бўлиб, мамлакат кимники бўлса, ўшанга бўйсунади.

Эй Худо, ўша кунга аниқ етсам ёки ўша томонга боришга олдинроқ азм қилсам, ўша дамда имонимни менга ҳамроҳ қил! Кўнглимда бошқа худога севгимни махв эт! Барчага бўлган раҳматингни менга нисор этиб, ҳаммага йўналтирилган лутфингни ҳам ёр қил!

V
УЧИНЧИ МУНОЖОТ

Олам ва одамни вужуд кошонасидан йўқлик фаромушхонасига солмоқ вужуди мутлақдин ўзга вужуд турмаслиги хақида бўлиб, бу маънодаги фикрни вужуд аҳли (моддиюнлар) бошқа вужудга мутлақо яқин келтирмас ва исён зулматида назардан қолганларга Олам якунининг шафоати ёрдам кўрсатур ва ўша – шафоат кўрсатганларга олам ва одамни яратган шафоат тилагай

Эй, қаҳр этишни ҳам, лутф қилишни ҳам ўзига одат қилиб олган! Борни ёқ ҳамда йўқни бор этдинг. Ҳеч нарса аввалда ёқ эди - бор қилдинг. Уларнинг ҳаммаларига ақл-заковатни дўст этдинг. Тўққиз осмонни ҳам кенг қилиб яратдинг. Ер юзини ҳам ёйиқ қилдинг. Сен яратган фалакиёт бўладими, унсур (сув, ҳаво, тупроқ, олов) бўладими, уларнинг барчалари энг қимматбаҳо жавоҳирлардир. Кон бўладими, ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёси бўладими - уларнинг ҳар бири энг олий сифатли гавҳарлардир. Уларнинг ҳар бирини гарчи латиф қилиб яратган эсанг-да, аммо ҳаммасидан ҳам Инсонни энг шарофатли қилиб юзага келтирдинг. Бир қатра сувдан тортиб тўла денгизгача, зар сочувчи қуёшдан заррагача - унисини бунисига, бунисини униси билан боғлаб, уларнинг ҳаммасини бир-бирига пайванд қилиб, бунга воситалар қатма-қат, туклар-туклар билан туташгандир. То бу олий боргоҳ (Олам) тикилгунча, ундаги улуғ коргоҳ - дунё қурилиши ҳам мухайё бўлди. Бу дунё кенг ва гўзал яратилган бўлиб, хатто унда ортиқеха соч толасига ҳам ўрин қолмагандир.

Бироқ агар Сен буларнинг барчасини бузмоқчи, бошидан-охирига қадар остин-устун қилмоқчи бўлсанг - ақл учун ҳам бу қўрқинчлидир! Лекин бу Сенинг учун осондир. Сен ўз қудратингни кўрсатмоқчи бўлсанг. ундан бирон нишон қолдирмаслигинг мумкин.

Энди-чи, саховат денгизи жунбушга келган экан, йўқликдан жисмларни пайдо қила бошлайсан. Кимнингдир қачон ўлганини ҳисоб қилиб, бунга ўн бир минг йил бўлган бўлса ҳам, танасининг дафтари бўлак-бўлак бўлиб, бўлакларга бўлинмайдиган бўлади. Бундай

[3] «Л и м а н и л-м у л к» - «Қуръон»дан.

холатда («Қуръон»даги) «Қабрда нима бўлса, сочилади», «Кўкракда нима бўлса очилади» иборалари жилва қилади. Аллоҳ яратган ўша куни - «Ўша бир куни киши ўз биродаридан қочур»[1].

Ўша оҳу надомат куни қандай кун бўлди?! Уни оҳу надомат куни эмас, қиёмат куни деса ҳам бўлади! Олдин ўтганлар ҳам, кейин ўтганлар ҳам чорасиз, банди холида, ҳар бири ўз аҳволидан афсус ва пушаймонда. Буниси ўз дарди учун вой-войласа, униси ўзи чекаётган қийинчиликдан хой-хойлаб йиғлагани йиғлаган.

Уларнинг оҳлари махшар кунидаги бетоқатликдан бўлиб, бу йиғи эмас, балки буюк дахшат содир бўлган соатдир.

Номаи Аъмоллар ёзилган қоғозлар одамлар орасида учиб юрар, уларни кўриб, ҳамманинг юраги қон эди. Уларнинг барчасида ўзбошимчалик билан бадхўйликлар, бадхўйликкина эмас, юзқароликлар ёзилган эди. Онаси қизига қарамасди, отаси ўғлига. Ҳаммаларининг оғзида хасрат нидолари!

Қаёққа қараманг, гуруҳ-гуруҳ гуноҳкорлар. Уларнинг гуноҳлари эса тоғ-тоғ эди.

Уларнинг ҳар бири қўрқинчли бир кўринишда бўлиб, халқа ва занжирлар билан боғланган. Уларга яна дўзах ўти ғавғо солиб, буни кўрганларнинг сўнгаклари майда-майда бўлиб кетарди. Бошқа бир томонда эса жаннат гуллари жилва қилиб, уларга бу дўзах ўтидан ҳам баттар таъсир этар эди.

Кун қизиғидан бош қайнар, қиёмат аҳлининг дод-фарёдлари осмон-фалаккача чиқар эди. У ерда хаёл торидек кўприк ҳам бўлиб, лекин бу хаёл амалга ошиши қийин бир хаёл эди.

Бу ерда панжа ва билак кучга тўлган бўлиб, уни адолат тарозусининг тартиб-қоидаси ушлаб турарди.

У ерда одил хукмдор (Аллоҳ) хукмронлик қилар, бинобарин, «унинг подшолиги доимий бўлсин, хукм чиқариш ва шаън-шавкат унинг қўлида»дир.

Зулм шуъласи авжига миниб, қахр денгизи мавж ура бошлайди. Бундай, лахзаларда авлиёлар ҳам ўйланиб, пайғамбарлар ҳам ҳайратга ботишлари турган гап. Бундан араблардан чиққанигина (Муҳаммад с.а.в.) мустасно бўлиб, фақат у халқни химоя эта олади. Гоҳ у сирот кўприги устигача чиқиб, бир неча лахза (савоб ва гуноҳларни тортувчи) тарозу олдида елиб-югуради. Гоҳ унинг буюк химмати оғзига куч бериб, ўзининг майин товуши билан: «Эй менинг умматларим, хой менинг умматларим!» - дейди.

У фақат гумроҳ умматларини эмас, балки Аллоҳ нимани яратган бўлса, ҳаммасини чақириб сўзлашарди. Пайғамбар нима деса, Тангри ҳамма деганим қабул қилар, унинг майли қайси мақсадга қаратииган бўлса ҳам, унинг истаклари Аллоҳ ҳисобидан бажариларди.

Эй Худо, унинг қандай хаққи бўлган бўлса, сен насиб этиб, у Сенга дўст бўлишдек мартабага ҳам эришди. Шу билан бирга бу сифат ғамли анжуманда, ғам эмас, мотам йиғинида уни бутун Оламга шафеъ этиб, сўзларига эса лутфингни тобеъ этгайсен.

Келгусида гуноҳкор бандаларни сўроқ қилиш вақтида унинг истагию Ўзингнинг карамингни эгизак қилгайсен! Унинг умматларидан бирон гуруҳ олдингга келса, ҳаммасига жазо - чоҳ ва дўзах бўлса, умрида қўлидан бир иш келмаган, бундан ташқари йўл қўйган хатоси динга халал етказиш бўлган, ғам-андух ўтидан жонлари ташвишда қолган, итоатсизлик туфайли юзлари қаро бир қавмини у жазодан халос этишни истаса, унинг кўзига мен - осийни ҳам учратгайсен!

VI
ТЎРТИНЧИ МУНОЖОТ

[1] «Қуръон»нинг «Абаса» сурасидан.

Васф карам датёси хақида бўлиб, иноят насими эсгач, мавжга кирса, итоатсизлик хас ва хашакларини қирғоқларга чиқариб ташлайди ва гуноҳ тоғидан лангар ташлаганларнинг суст юрадиган кемасини бир дона пат ёки сомон парчасидек мақсад соҳилига етказади

Эй Аллах, караминг олдида гуноҳ тоғи бир дона пат ёки сомон парчасидек елга учгайдир. Сомон тоғ-тоғ қилиб уюлган бўлса ҳам, ел олдида қандай қилиб мақтаниши мумкин! Бутун дунё халқи агар бир хатога йўл қўйса, ёки бир айбли иш қилиб, тақдирини қора қилса, .тақдирини оқ қилиш Сенга осон бўлиб, амрингда бирон нуқсон бўлиши мумкин эмас.

Тун тун бўйи ўзича ўйин хангомасини кўрсатиб, дунё кишиларининг аъмолларини ҳам қора қилади. Лутф қуёши чиқишига изн берганингдан кейин меҳринг билан бор зулматни нурга айлантирдинг. Эл адоватидан санам ясади. Гулни мушкин сунбулидан яширди. Элни юздаги пардани тез учириб кетувчи қилиб, кеча қоронғилиғида Ойни равшан қилдинг, итоатсизлик тунида бирон гуноҳ қилмаса, афв чироғи қачон ёруғ ёниши мумкин?! Агар жиноят ўти кучли ёнмаса, эҳсон булутлари қачон ўз томчиларини тўкади?! Хирқа кийган дарвеш кийимининг этаги кир бўлмаса, денгиздаги илиқ сувга унда хожат бўлмайди. Агар май кимларнингдир бошини айлантирмаса, кишидаги саховат қўли кимга ёрдам бериши мумкин? Зоҳидлик йўлига кириб, баъзилар тақводорликка бериладилар. Шу билан бирга бунинг учун хақ талаб қилишлари ҳам бор.

Киши хайр йўлида бир иш қилар экан, мақсади бунинг эвазига у дунёда жаннатни сайр қилишдир. Май билан лабини ҳеч хўл қилмаган одам у дунёда ўша куни кавсар ховузи сувларини талаб қилар экан, бу дунёда бирон гўзал билан бирга бўлишни истамаган киши эса у ерда хурлар жамолини ҳавас қилади. Чет бир вайронаиарда кун кечирган киши безатилган қасрда ором олишни хоҳлайди. Ўз холича еб-ичиб юрган одам хаққини юз хисса ортиқ олмоқчи бўлади. Художўйман деганлар ҳамма хақни олиб қўйса, пешонаси шўр кишилар нима қилади? Уларнинг хатолари бўлса, хатоларини афв этганинг қани? Бундайларга саховат кўрсатиб, уларга атаганларинг қани? Лутф ва эҳсон денгизи тўлиб-тошиб турганда, баъзиларнинг ташналикдан оғизлари қуриб, уларни шу холатда ўлдирсанг ёки бу денгиз ёқасидан нарига суриб ташлар экансан, шундай ишга йўл қўйиш мумкинми? Ҳамма ишни қилишинг мумкин, лекин буни эмас. Ҳар бир одам қанча осий ва гуноҳкор бўлмасин, у шунча афв ҳамда мурувватга лойиқдир. Агар тақводорларга мукофот беҳишт бўлса, исёнчи эса дўзах ўтларида танаси куйса! Униси жаннат боғини топиб, фароғатда бўлса! Бунга эса дўзахда дард чекиб, куйиб-ёниш бўлса! Ихтиёрингдаги лутф ва карам хазинасини нима қиласан? Уни марҳамат қилиб кимларга берасан? Юзлари гуноҳлари туфайли еган шапалоқлардан қорайган муҳтожлар, асирлар ҳамда тиланчилар дастурхонингдаги неъматлардан тотинмаса! Нахот сенинг лутфу караминг шундай бўлса!

Сен, ахир, дастурхон ёз очларга! Тўқлар ортиғини ея олмайдилар, акс холда қоринлари шишиб кетиши мумкин. Ахир булутлар чанқаб, қуриб ётган экинга ёғмай, денгиз устидан ўтаётганда ёғадими - бундан нима фойда! Кимки оч бўлса, луқма унинг насибасидир. Тўнни ким яланғоч бўлса, ўша кийгани дуруст-ку!

Бу гапларимнинг ҳаммаси афсонасифат гаплардир. Кимки Сенга умид боғлаган бўлса - у хотиржамдир.

Эй Тангрим, Сенинг караминг денгизи жўш уриб тураркан, ўша муҳтожлар тўдаси оҳ-фиғон чекиб турган чоғларида гарчи уларнинг гуноҳларининг хадду поёни бўлмаса-да, Сенинг уларга рахм қилмаслигингнинг ҳам имкони йўқдир. Лутфингнинг шоҳона пардасини тортиб, уларнинг қилган-қилмаган гуноҳларидан кечганингда барчалари навозишинг билан ҳурматга сазовор бўлганларида, бундан Навоийни ҳам махрум этмагайсен! Унга, яъни Навоийга хур ҳам керак эмас, жаннат ҳам. Унинг учун Сен ўзинг бўлсанг, унга шунинг ўзи етади.

VII
БИРИНЧИ НАЪТ

(Мазкур мадх) ул хазрат (Муҳаммад с.а.в.) пайдо бўлган турнинг қадимийлиги хақида бўлиб, энг аввалги ҳаракатларидаёқ бу бебаҳо дурнинг ёлқини маҳфийлик ипини узди ва у ягона гавҳарнинг порлоқ нури шуъла кўргузди ва дурждан дуржга кўчиб, сафиюллоҳ (Одам а.с.)дан Абдуллоҳ[1]гача етди

Сенинг миринг шуъласи зуҳур қилганда, унгача на соя бор эди, на нурнинг ўзи. Икки дунё пайдо бўлгунига қадар Сенинг нурингга тоб бера оладиган ҳеч нарса йўқ эди. Жисм (тана) қисмлари (бурчак)ига йиғилган, ҳар нарсанинг асл Зоти(дан намуналар) жойлаштирилган токчага руҳ шамъ ёқди. Азал субҳи базминг чироғини қўлга киритганда, бошқа юз мингларча чироғлар ҳам чарақлаб кетган бўлса ажаб эмас. Одам Ато Сенга нисбатан аввалгидай, аслида у сенга ўғил бўлди, сўнг инсонларга ота.

Ўз наслига кўра ҳар бир одам у билан пайванд, фарзандига барча фарзанддирлар. Кимки бунга хужжат даъво қилса, «Қуръон»даги «Мен пайғамбарман» ибораси етарли хужжатлардир. Табиати носоғ бирон киши яна бошқа бир далил талаб қилса, бунга «Одам» сўзидаги «алиф», «дол» ва «мим» ҳарфлари борлиги етарлидир. Чунки бу ҳарфларнинг ҳаммаси «Аҳмад» сўзида ҳам қадр-қиймат топган бўлиб, ўғлида (отасида бор) уч ҳарф отадан белгидир.

«Ҳо»си сенга мухаббат насиб бўлганини англатиб, Аллоҳ сени ўзига «Ҳабиб»[2] деди. Аллоҳ юзида нима яширинган бўлса, улар ҳаммаси хабиби юзида ҳам намоёндир. Бу кўзгуни унга гувоҳ қилиб, у не қилса, уни кўзгу акс эттириб турар эди.

Тупроқдан бўлган одам зуҳур этгандан кейин унга ул пок нур ўз ёлқинини жойлаштирди. Уни нур эмас, абадий яшин, яшин ҳам эмас, Аҳмад[3]нинг олдиндан маълум бўлган зўр шуъласи дейиш ҳам мурнкин.

Одам Атога шундай шуъла яширингандан кейин, ичида ниҳон, бироқ юзида аниқ кўзга ташланиб турадиган бўлди. Шундай қилиб, унинг елкасига шон-шараф тўни ёпилиб, бошидан шараф тожи ўрин олди. Шу йўл билан (Аллоҳга) элчилик тахтида у шоҳ, фаришталар гуруҳига эса паноҳ боиди.

Шундан кейин у Ҳавво билан бирлашиш пайига тушди. Шу йўсинда бу нур Ҳаввога ҳам кўчди. Ҳаввонинг юзини у поклаб, Худонинг нури хурларнинг юзини чиройли қилгандек бўлди.

Бу хусусиятлар Шисга[4] кўчгандан сўнг, унинг юзи хатто Ойни уялтирадиган даражага етди. Авлодлари ипидан бир дона гавҳар камайса, қорнидан яна бошқа бир гавҳар ўрин оладиган бўлди. Отадан ота, онадан оналар юзага келиб, шундан кейин бунақа Она бошқа пайдо бўлмади. Шу равишда Муҳаммад (с.а.в.) элчилик дуррининг хазинаси, янада тўгрироғи, пайғамбарлик гулининг гулшани бўлди.

Дур пайдо бўлувчи садаф янги бир дурга пардапўш (икки-қат) бўлганда, жаҳон денгизларида ғулғула ва шовқин-сурон кўтарилди. Унинг юзидан ниқобни олинганда, бошқа бир бундай Офтоб туғилмагани маълум бўлди. Тун қоронғилигини нур эгаллай бошлади. Бу Ер юзини эса беҳиштга айлантирди.

---

[1] Абдуллох- Муҳаммад а.с.нинг оталарининг исми.
[2] «Муҳаббат», «Ҳабиб» сўзларида «ҳ» ҳарфининг борлигига ишора қилинмоқда.
[3] Аҳмад – Муҳаммад пайғамбаримизнинг номларидан бири.
[4] Шис – Бу ўринда Одам а.с.нинг ўғли кўзда тутилади.

VIII
ИККИНЧИ НАЪТ

Унинг[1] ҳаётининг ёш ниҳоли жаҳон гулшанини яшнатиб, ундан қирқ йилгача ҳаё ва адаб гуллари очилиб, сўнгра у пайғамбарлик мевасини бергани, шунингдек, шохи ва барглари жаннат дарахти шохидан ҳам яхши ўсиб, бундан икки олам аҳли унинг марҳамати соясига кргани

Эй туғилишданоқ янги чиққан Ойдек кўринган Зот! Йўлингнинг болалик чоғи қадимий осмон одатича эди. Инсонларнинг ҳам, фаришталарнинг ҳам жони, жононаси! Икки дунёнинг яккаю ягона гавҳари! Сенинг бешигинг фируза ранг тахтадан ишланган бўлиб, тўхтамай тебратиб туриларди.

Сен каби тоза бир япроғни бу Олам гулшанида кўпни кўрган бу фалак умрида кўрмаган эди.

Ташқи кўринишдан бола, лекин ақлли дахо, сўзлаганингда баҳодирликдан бошқа нарса гапирилмасди.

Толеъ юлдузинг туққан кечаси эса Осмон ўзи унга сажда қилган эди. Бу куфрнинг буюк тоғига шикаст етказган бўлиб, шунда бутлар ҳам, бутпарастлар ҳам ерга тиз чўккан эдилар.

Шунда Маккада динимиз аҳлининг куч-қуввати ортиб, Уззо ва Лот бутлари узлатга чекинган. Қурайш аҳли зиддиятли бир аҳволга тушиб, баъзилари қайғуга ботган бўлсалар, баъзилари айш-ишрат қилдилар. Агар сен отадан баҳраманд бўла олмай қолган бўлсанг, бунинг таажжубланадиган ери ёқ. Сен ўгил бола бўлсанг, сенга ким ота бўлиши мумкин? Асл гавҳаринг садафсиз қолса, бунинг қўрқинчли ери йўқ. Садаф тарк этилган бўлса ҳам ундан энг қимматбаҳо дур чиқди-ку! Ўзининг аслида бу дур шарафга эга бўлган. У садафдан ор қилса ҳам, бунинг ажабланадиган ери йўқ. Гарчи бир садафдан мингта дур чиқса ҳам, мингта дур битта дур билан фахрланади. У қандай дур? Бу вафо қутисининг гавҳаридир. Гавҳар - қайси гавҳар? Бу ҳаё буржининг юлдузидир.

Бундай юлдуздан Қуёш ҳам ўзини бахтиёр хис этади. Унга тоиин Ой ҳам, янги Ой ҳам хизмат қилишга тайёр. Қуёш унинг амрига мутеъ бўлиб, ундан намуна олса, тўлин Ой ҳилолга айланишга тайёр.

У гарчи тижорат ишлари учун дастмояга эга бўлса-да, ганж олдидаги қора тупроқ мисоли эди. У топган фойдага эл кўз тутиб, кўзлари кундан-кунга очилар, фойда ва тижоратда унга эргашар эдилар. У миниб кетаётган туя бундан ҳам хурсанд, гўёки фаришта устига нур ёғилаётгандай. Шундан келиб чиқиб савдо аҳли унга «Амин»[2] лақабини бериб, шу сабабдан у Жабраилга ҳамдам бўлиб қолди.

У чўпонликни ўз касби аилиб олиб. эчкилар арслон яшайдиган тўқайларни ўзларига ватан этдилар. Унга ақл пири эмукдош бўлиш билан бирга сутининг мазаси ширинликда ўта таъмли бўларди.

Лекин зулм захри унинг пиёласига кўп эзилган бўлса ҳам, бу унинг оғзига сут ва шакар таъмини берар эди. Бир неча аччиқ-аччиқ йиғлатадиган қийинчиликлар юз берган. Аммо буларнинг ҳаммасини у ширин муомала билан даф этган. Неча бор ўзаро ихтилоф тарафдорлари тунда уруш-жанжал қилиб, унинг бошига юлдузлар миқдори қадар тошларни ёғдирдилар. Лекин у эрта тонгдек табассум қилиб, яхши дуолар билан одамларга панд-насиҳат қилар эди.

«Аллоҳ унинг қадрини кўтарди» - бу қандай улуғ ахлоқ ифодаси.

---

[1] Муҳаммад с.а.в. кўзда тутилади.

[2] Амин – сақловчи, омонатга хиёнат қилмовчи.

«Унинг юзи мунаввар» - бу нақадар ўзликнинг олижаноблиги!
«Унинг иқбол бахти бизга йўл бошловчи!»
«Унга ва унинг уй аъзоларига салавот айтинг!»

IX
УЧИНЧИ НАЪТ

Ул пайғамбарлик Қуёшининг сояси йўқлигининг даражаси, тўғрироғи, Қуёш бўлмоқ унинг сояси эканини ва беш бармоғида қалам ушламаган холда етти иқлимни қўлга олгани, хатто барча динларнинг дафтарлари варақларига маън этиш қаламини чеккани хақида

Эй шараф кўкида юзи қуёш шамъи бўлган, у шамъга кўк осмон соя сингаридир! Агар сенда соя солиш одати бўлмаганда, оёғинг остига тушиб ётармиди! Шамъинг даражасининг буюклигидан бу соядан сен ор қилдинг.

Чеҳрангдан Қуёшга ҳам нур таралиб, унинг атрофида сояси яқин келолмай, ажралиб юради. Аллоҳ сенга бундан юз хисса ортиқ нур берган бўлиб, агар сен соядан нафратлансанг ҳам ажабланарли ери йўқ.

Соя сенинг шахсингга ёр бўлмаса ҳам, аммо бутун борлиқ сенинг қадринг соясидадир. Шамъинг олдида қадимият нури - қоронғиликдан иборат бўлиб, нимаики унга ҳамсоя бўлса, ўша нурдир.

Барча ўтган пайғамбарлар сенга соя сифат бўлиб, бу дега-ним - улар Сенинг Қуёшингдан чиққан зиёлардир. Олижаноб Қуёш ўз ҳуснини турлича намоён этганда унинг дағал жуссаси ўша сояга сабабчи бўлади.

Сенинг зотинг энг олий насабнинг жавҳаридан бўлгани сабабли Ер сояси билан бирлашмади. Сенинг қўлинг умрида қалам тутмаган, бунинг учун у қандай қилиб қоғозни қора қилиши мумкин! Сен қаламнинг учини ўзинг очмаган бўлсанг ҳам, лекин бармоқларинг Ойнинг қаламини ёрган-ку!

Ушбу қаламинг қоғозга бир нуқта қўймаган бўлса ҳам, бошқа динларни бекор этиш масалалари бўйича кўп нарсалами битди. Кимки сен хатингда кўрсатган йўлдан чиққан бўлса, қалам каби улар ўзлари ўз юзларининг қоралигини фош этдилар. Кимки сен кўрсатган йўлдан бир қадам чиққан бўлса, қалам ўрнида жазо тиғи бошини кесди-ку.

Агар қалам йўқолиб кетса, бундан ташвишланишга хожат йўқ. Чунки жаҳон сенга бўйсуниб бўлган. Сенинг хатингга Ажамдан бошлаб Арабгача бош эгди. Шундай бўлгач, Сен қўлингга қалам тутмасанг, бунга ажабланишнинг ўрни йўқ. Қалам йиғлаб туриб қўлингни ўпмаган экан, бу аламли воқеа уни бир умр азадор қилди. Ким юзини қора қилиб, ғамда экан, бу - унинг юзи ёрилганини эмас, ёқаси чок эканини билдиради. Қаламни қўлга олмаганинг сабаби шундаки, бу қалам кўп тақдирларни қора қилган эди.

Қоғозларни қора қилишга берилиб кетдик. Лекин бахти қораларнинг химоячиси ўзингдирсен.

Сенинг қаламинг хат ёзишга ҳеч яқинлашмади. Қаламинг бўлмаса ҳам, сенинг номаларинг Аллоҳга қаратилган. Сен Аллоҳнинг қадимий ва абадий марҳамати, бахти қаро бўлган одамларнинг умидисен.

Кимнинг умид-истаги бахтсизликка юз ўгирган бўлса, Сен уларнинг бахтсиз жонига ора кирувчисан.

Кимки толеъи паст келиб адашган бўлса, уни фақат шариат қоидаларини тузувчилар қутқара олади. Кимда кофирлик зулмати тўпланган бўлса, (бу қонун-қоидалар ёзилишидаги) ҳар бир «алиф»[1] Исломни шамъдек ёритиб туради.

---

[1] «Алиф» тўғрилик, ҳалоллик белгиси.

Сенинг олижаноблигинг барча динларга нисбатан бўлиб, «Лом» ва «т»[1] дан ҳар бир динга зарар бордир.

«Лот»дан динга доим турли балолар юз берар эди. Сен унинг оёғини синдириб, «Ло»[2]си қолди, холос. .

Кофир халқининг «Манот» деган бути бўлиб, сен уни бўйнидан синдирганингдан сўнг у «мот» бўлди - енгилди. Сен куфр бошини кесиш билан ўз қахрингни кўрсатдинг. Боши шукуҳдан ажралганидан кейин, гавдаси бошсиз қолди.

Хаста Навоийни назарингдан четда тутмагайсен. Унда куфр ва худбинлик бўлса, бунинг чорасини ўзинг қилгайсен. Бундай иноятинг билан уни Ислом жамоасига киритгайсен.

X
ТЎРТИНЧИ НАЪТ

Муҳаммад с.а.в.нинг пайғамбарлик осмонининг юксаклиги ва бутун Оламни Осмондек ўз, ичига қамраб олишдаги куч-қудрати ва унинг саҳобалари хақидаким, уларнинг ҳар бирига Осмонда бир ёруғ юлдуз садоқатда бўлган ҳамда «менинг саҳобаларим бамисоли юлдузлардир» дейилгани шу мазмунда айтилган

Эй нафасинг мўжизаларингга дастмова бўлган, муқаддас руҳлар ҳар гапингга сирдош бўлган! Гаплашган чоғингда фасоҳат билан сўзлайсан. Шеърий нутқинг эса хайрон қоларли даражада тартибли. Маъноли ва қоидали гапиришингда сенга фасихлик хос бўлиб, бунга «Менда фасоҳат!» - деган даъво сенга ярашади. Соғлом хукм чиқаришда сўзларинг тўғри, фасоҳат ерида сўзларинг чиройли. Гапирганингда сендаги мўжиза айниқса яхши кўзга ташланади. Бундай пайтда ҳар қандай фасоҳат эгалари ўзларини ожиз сезадилар. Сенинг аслинг жавоҳирларга бой денгиз бўлиб, сўзлашганда бу денгизнинг кафи гавҳарлар сочади. Бу каф ҳам эмас, беш шохдан иборат бахр бўлиб, етти осмонни етти пуфакчани ютгандек ютиб юбора олади.

Бешвақт намозга навбат келганда, Ислом панжаси янада кучайиб кетди. Куфрнинг қўлу панжалари эса дардга учраб, бу дарднинг сабабчиси ўша - Ислом панжаси эди, - дейиш мумкин. Муҳтожликда қолиб, у бармоқлар дард чекар экан, лекин ҳақиқатда эса бу Ислом учун қўлга киритилган беш хазина бўлди.

Ислом панжаси тобора мустаҳкам тортиб борар экан, куфрнинг етти қўрғонидан бешдан бир солиқ олар эди.

Буни оддий қўл дема, у бамисоли бир тиғ бўлиб, битта бармоғи бунга ишора бўлганда Ойни иккига бўлган қўл эди[3].

Ажаб эмас, унинг мўжиза кўрсатувчи қўллари бир ишора билан ойни иккига бўлгани. Пайғамбар миниб юрган туя ербўйлаб қадам ташлаб борар экан, унинг ҳар бир изи ўша «Ойнинг иккига бўлингани»ни еслатар эди.

Пайғамбарнинг буйруғи билан ёш кўчат чиройли ҳаракатга келар, гўё ўжар санам юриб кетаётгандай бўларди.

Душманлар туфайли у ғорга беркинганда ғорнинг оғзидаги ўргимчакъ уни парда тўқиб тўсган. Ўша парда шамолда учиб кетмаслиги учун қушлар ўша пардага ўз тухумларидан тугма қилган эдилар. Парданинг иплари жон риштасидан тўқилган бўлиб, тугмалари гўё шоҳона гавҳардан эди.

---

[1] «Лом» билан «т» қўшилгани «лат».
[2] «Ло» - йўқ демакдир
[3] Бунда Пайғамбаримиз билан Абу Жаҳл ўрталарида бўлиб ўтган машҳур можарога ишора қилинмоқда.

У шу тақлидда тузоқ қўйиб, ғор олдига эса дон сочиб, қаранг, қандай бахт қушларини овлай олди. Ғорда ҳушёр дўсти (Абу Бакр Сиддиқ) билан беркиниб турар экан, гўё улар тоғ қатида ётган олтин билан кумуш эдилар.

Кофирлар байроғининг баландлиги вақтинча ортган пайтда у дини ғалаба қозонишини дуо қилар экан, икки тандан бирига тож муяссар бўлишини тилади. Буларнинг бири Абу Жаҳл бўлса, иккинчиси Умар эди. Абу Жаҳлнинг тақдири охири азоб-уқубат, иккинчиси ҳақидаги дуолар эса мустажоб бўлди. Худонинг китоби - «Каломуллоҳ» эса Муҳаммад с.а.в.га насиб бўлдики, дунёда бундан ортиқъмўжиза юз бермагай.

Суралар ҳали (тўла маънода) сура эмас, «Қоф», «Нун» ёки «Сод» ҳарфларига оид қисмлар бўлиб, булар турли ҳарфларга оид қораламалар эди. Улар Пайғамбарнинг сочларидек тарқоқ эди. (Ҳазрати Умар)«Қуръон» боиакларини йиғиб жамлаган тўпловчи бўлди. У Муқаддас Маккани бутхонадан ажратиб, қиличининг суви билан уни бутпарастлардан тозалади. Кўринишдан бутлар тамом олиб чиқиб ташлангач, Пайғамбар Ҳақ уйида бутларни синдирувчи сифатида ўрин тутди. Унинг етигининг наъли шараф тожи сифатида енг юқорига қўйилган бўлса, Али бу наълга елкасини тутди.

Пайғамбарлик денгизининг дури - пайғамбар руҳ бўлса, тўрт рафиқи унинг танасининг тўрт унсури бўлди. У ўзи (дўкондаги) қимматбаҳо бойлик бўлса, Али унинг сотувчиси, гўё айрилиқ водийсида юрган бир муҳожир эди. Кофирлар томонидан динга дарз етказилганда, бу тўрт киши ғалаба йўлидаги девор бўлдилар. Уларнинг одамларини, авлодларини, унинг қўл остида бўлганларни, улуғлари, невaралари ва дўстларини Аллоҳ қоиласин! Улар Тангри таоло карамига яқин бўлиб, қиёмат кунигача уларга юзларча миннатдорлик туҳфалари боисин!

XI
БЕШИНЧИ НАЪТ

Меърож кечаси таърифлда; олижанобликдирким, «Ул зоти пок» садоқатли бўлиб, ўз бандаси (Муҳаммад с.а.в.)ни бир кечада Ҳарам[1] масжидидан Ақсо[2] масжидига олиб борди ва бунинг исботига икки содиқ гувоҳ бордир

Кечаларнинг бирида коинотни қоронғилик босиб, қуёш оби ҳаёт булоғидек яширинган эди. Гарчи у булоқ кўзга кўринмаса ҳам, Хизр кўк узра ундан қатралар сочарди. Тун чангларини анбарга айлантирган, уларни жаннат шабадалари Ер узра тарқатар эди. Ер юмалоқ шаклдаги хушбўй идишга айланиб, тун қоронғилигидан унда анбар тайёрланаётгандек эди. Ер идиши остида Қуёш ўт ёқаётган, идишни эса Осмон ўз етаги билан ёпиб тургандек кўзга ташланарди. Ором ва тинчлик ёмғири ёғиб, юз бераётган ҳодисалар тўзонини пасайтиришга интиларди.

Шу кеча дўстлик гулистонининг сарви дўстлик хонасининг шамъини янада равшанроқ қилди. Учрашув хаёли билан кўнгли хурсанд бўлиб, денгиздек жўш уриб ҳайқирди. Шу пайт олий мақомли сайёҳ етишиб, қўлида эса қушдек учадиган отнинг жиловини ушлаб турарди. Бу от кўкда сайр етишдан ором олиб, унга Ердан осмонгача чиқиш бир қадам бўлди. Аллоҳнинг пок хабарчиси унга салом қилиб, Аллоҳ номидан унга маълумот бериб дэди: «Эй шавқли сирларнинг хазинаси! Аллоҳ сени кўришга ўз шавқу истагини билдирмоқда. Чунки пайғамбар жонон хабарини топган экан, унинг жонон хабарини топгани янгидан жон топганидир».

---

[1] Каъба.
[2] Қуддуси Шарифдаги қадимги машҳур масжид номи.

Хабарчи унга ёрдам бериб, отга миндириб, отни ўзи келган томонга қайтариб олиб кетди. Шу равишда бу олижаноб, очиқ юзли отлиқ сайр қилар, толеъи баланд оти қушдек учар эди. Бу тез чопишга ўрганган от чанг кўтариб, ақл кўзини кўрмайдиган ҳолатга соларди.

турарди. Бу от кўтарилиб кўк осмонга етганда, Ой ўтиш учун унга туйнук вазифасини ўтади. Қалам эгаси Аторуд бунда ҳурмат қозонган, буқаламунлиғ - иккиюзламачиликка йўл қўймаётган эди. Зуҳра[1] хурсандчилик барбатини[2] созлаб, у (Пайғамбар)ни замзама билан қўллай бошлади.

Қуёш ўз сояси билан унинг жамолини тўсиб турар, ҳилол эса шуъла остида беркингандек эди. Меҳрида Баҳром (Миррих) бирсўз бўлиб, шараф тиғи юзига кўзгу каби эди. Унга яқин юришдан Муштарий янада мартабаси ортиб, йўлидаги бир зина унга минбар бўлди. Зуҳал шамъи қоронғиликни ёритиб, (Пайғамбар)нинг занги (негр)дек қора отини оқ қилиб кўрсатди. Унга Ҳамал ҳам, Савр ҳам жонларини бераётгандек, тоғрироғи, иккиси ҳам жонини қурбон этишга тайёр эдилар.

Ҳам олдида Жавзо камарини тортиб боғлаган, ҳам Саратон ўзини тик тутиб, жилва қилар эди. Шер (Асад) йўлидан бир гўшани эгаллаб, Сунбула унинг отига йўл озиғи бўлди. Палла йўли гардини қимматбаҳо иксирдай ўлчар, Ақраб орасида ичкизиш, даволаш, (нина) санчиш, оғритиш ишлари олиб боришмоқда. Қавс эса чиллага ўтириб, дуо қилиш пайида. Жадй (тоғ эчкиси) унга етиши учун (озиғ бўладиган) биринчи сутини келтиради. Далвга Юсуф каби назар солмай, Ҳутда Юнус каби тўхтаб ўлтирмади.. У елдек ҳамма буржларни кесиб ўтди ва Осмоннинг Арш қисмига кўтарила бошлади. Унга пояндоз Арш ҳамда Лавху Қалам бўлиб, унинг оти нақ ўшаларга қадам босиши керак эди.

У энди Рафрафга миниб, ҳамроҳи ва йўловчи билан хайрлашди. Энди бораётган йўлида ҳеч қандай макон қолмади. У йўқлик (ломакон) ъдаштини ўзига макон этди. Бунда у олти жиҳат[3] бандидан ташқарига чиқиб, тўрт гавҳар[4] ни тарк этиш унга тож кийишдек бўлди. Йўқлик оёғи билан қадам босар экан, аслида йўл ҳам йўқ эди, қадамнинг ўзи ҳам.

Ўзлигидан на нақш қолган эди, на бир кўриниш, хатто бу айтилган нарсалардан бирон асар ҳам. Шу йўл билан у ўзини ўзидан халос қилиб, шу равишда ўзини иззат пардасига хос, лойиқ деб топди.

У ерга етиб қараса, рўпарасида ҳеч нарса йўқ эди. Қанча қарамасин, боқийлик кўзгусини кўрар эди. Кўзгуга боққанда унда суратга ўхшаш бир нарсалар кўринар эди, холос. Нима ўткинчи (фано) бўлса, ташқарида қолган эди.

Унинг юлдузи шунча баланд кўтарилганда, марҳамат денгизида мавж пайдо бўлди. У Аллоҳ тилидан умматласининг ҳаммасини истай бошлади ва, Аллоҳдан барча мурод-мақсадига эришди.

Аллоҳга тупроқдан бўлган тана ҳамроҳлик қилди. Агар: «Шундай бўлди!» - дейилса, шундай, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Чиндан ҳам унинг тани бошидан-охирига қадар жон эди. Лекин унинг жони Жононга етишган эди. У икки дунё раҳматини қўлга киритган бўлиб, нимага эришган бўлса, ҳаммасини ўзи билан бирга қайтанб олиб келган эди. Унинг юзидан у - Илоҳий даргоҳ қандай ёруғ бўлган бўлса, оёғидаги чангларни бу дунё ҳам ўзига сурма қилди.

У (Пайғамбар) Аршга ғунча бўлиб борган бўлса, Ерга тоза гулистон бўлиб қайтди; зарра бўлиб борган бўлса, порлаган Қуёш бўлиб қайтди.

Унинг Меърожга чиққани ва қайтиб келгани бир онда юз берган бўлиб, ақл бундай тадбирдан хайронликда! Қайда ажойиботлар ва мўжизалар кўп бўлса, уларни идрок этишда

[1] Зуҳра – Венера сайёраси, санъат ишларининг ҳомийси.
[2] Барбат – танбурга ўхшаш чолғу асбоби номи.
[3] Олти жиҳат – олти томон (Шарқ, Ғарб, Шимол, Жануб ҳамда қуйи ва юқори)
[4] Тўрт гавҳар – тўрт унсур.

ақл ожиз бўлади. У (Пайғамбар)нинг чиқиши ва қайтишига кетган вақт кичикнинг кичиги бўлиб, бу фурсат таҳлилга арзимайди.

Бу бахтли сафар шундай тугаб, қутлуғ йўлбошчи рухсат олди. Олам подшоҳи тахтида ўлтириб, Олам ишини интизомга солишда давом этди. Шариат тили кўчирилган дафтарни ўқиб, тириклик суви эса куфр қоралигини ювар эди.

XII

Шеърият мулкида ўзининг забардаст билаги панжалари билан нақд тилла ва гавҳарлардан иборат беш хазинани қўлга киритган хазрати Шайх Низомий мадхида ва ўша гавҳару тиллалар умидида унинг панжасига панжа урган Амир Хисрав таърифида

У сўз санъаткорларининг бошидаги тож, хатто баҳоси хазинага тенг ўша тожнинг гавҳаридир. У фазилат конидаги гавҳарларнинг қўриқчиси, камолот дарёсининг қимматбаҳо инжусидир.

Унинг ижодхонаси сувоқларидан анбар хиди келади. Хоҳанинг тўрт томонига эса саккиз жаннат яширинган. Гарчи унинг уйи кўнгил кулбасидек ихчам бўлса ҳам, унда икки жаҳон жилваланади. Баланд осмон унинг масжидига қандил, нур сочувчи қуёш эса ўша қандилдаги шам. Каъба уйидан доим унга бир эшик очиқ; намоз вақтида унга бу эшик меҳроб вазифасини ўтайди.

Ганжа - унинг ватани, кўнгли бойликлар кони бўлиб, фикри хазинаси, тили эса ўша бойликларни улашувчидир. Унинг фикр тарозуси «Хамса»ни, «Хамса» эмас, балки «Беш хазина»ни ўлчаркан, унга Осмон тарозуси палласи, Ер курраси эса ботмон тош бўлди. Ақл хазиначиси юз авлод умри давомида тарозуда тортса ҳам бари бир, унинг кичик бир қисмини тортиб улгуради, холос.

Унинг сўзлари латофат дастурхонида ёйиғлиқ; тили эса маъно дурларини ипга тизгани тизган. У бебаҳо сўз дурларини тартибга солгани учун тақдир унга «Низомий» деган тахаллусни муносиб кўрди. Унга нисбатан «Унинг сирлари пок бўлсин!» дейишнинг хожати йўқ, чунки поклик руҳининг ўзи унинг файзидан нишонадир. Беш ҳарф билан ёзиладиган ва чиқариладиган сон ҳисоби билан ҳисобласанг «минг бир» унинг исмини билдиради[1]. Шу ҳисоб билан унинг гавҳарга тенг номи Худонинг минг бир исмига ҳамоҳанг бўлди. Бунда алиф ҳарфи унинг ўз исмини билдирса, қолган ҳарфлар унинг бир минг сифатини англатади.

У сочган дурлар ер юзини қоплаб, хатто осмон қутилари ҳам лиммо-лим тўлди. У сўзга шундай пардоз бердики, бошқаларга бу соҳада қиладиган иш қолмади.

Ундан кейин хинд чавандози ҳам хиндий ханжари билан сўзни саралаб, ханжарининг чақмоғидан учқунлар сачратиб, минган оти ҳам ўтдай тез ҳаракат қилиб, қаёққа ўзини ўтдек тез ва қаттиқ урмасин, ҳамма ерда тўполон кўтарди. Бу мамлакатда қандай сўз ободонлиги бўлса, имкони борича уларни ўз қўлига киритди. Уни шунчаки хинд чавандози деб бўлмайди, уни ҳинд султони деб аташ керак. Унинг қалами учи хинд мамлакатининг кўркидир. Шеъриятидаги ҳар бир достон Ҳиндистоннинг бир ўлкасига тенгдир.

Ганжа подшоси (Низомий) бойликларни сочувчи, у эса унга эргашувчидир, сўз иқлимида у шоҳ бўлса, ўз номи билан бу ҳам хусрав (подшоҳ)дир. Хусрав бўлиб, мамлакатни обод қилди. Уни Хусравгина эмас, Фарҳод деб атаса ҳам бўлади. Унинг хунари мехнат-машаққат тоғини қазиш; бунда тоғ унинг шеърияти, теша эса унинг тилидир. Унинг жони ишқ ўтининг

---

[1] Арабча ёзувда Низомий беш харфдан иборат бўлиб, (нун) - 50, (изғи) - 900, (алиф) - 1, (мим) - 40, (ё) - 10 ни билдиради, жами - 1001.

ўтхонасидир, ғам денгизи эса унинг кўзидан оққан ёшлардир. Шамъ каби у базмларга нур сочади, базмларни ёритади-ю, ўзи эса куйгани куйган.

Ганжа қуёши байроқ кўтариб, сўз мамлакатини бир хукмронлик остига бирлаштирганида, бу ҳам кўз тикмаган, қўшин тортмаган мамлакат қплмади. Қайси бир майни ичиб, у кайф қилган бўлса, бу ҳам ўша майни ичиб маст бўлди. У қайси масканга йўл олган бўлса, бу ҳам ўша ерда базм қурди. Борган ерини у «Махзан ул-асрор» [1]билан безаган бўлса, у ерни бу «Матлаъ ул-анвор»[2] билан ёритди. У маснавий йўлини ўзига бўйсундирган бўлса, бу ҳам унга эргашди, унга монанд иш тутди.

Кўп кишилар уларга ўхшатмалар ёзишни ҳавас қилишди, бироқ улар сарв билан гул қаршисига хас келтиришди. Улардан фақат бир киши[3] бундан мустасноки, бундай одамни кўҳна фалак шунча айлангани билан бошқа ярата олмади.

XIII

Юксакликнинг узун сояси, шодлик жомининг соф сипқорувчиси мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий васфиким, васфга сиғмас, таърификим, таърифга тўғри келмас ва ул хазрат илтифоти қуёши қора кунга қолган мен ожизнинг аҳволига нур сочганининг баёни, ул қуёш тарбиясидан бу тупроқда оқ гуллар, оқ гулларгина эмас, ранг-баранг райҳонлар нишон бергани ва «Тухфат ул-ахрор»[4] тухфаси мутолаасидан ғамгин кўнгулнинг хурсандчилик топгани ва «Ҳайрат ул-аброр»нинг лаъл ва жавҳарларини назм ипига тизмоқнинг сабаби

У бугунги кунда сўфийлик маслагининг дахоси, ҳақиқат сирларининг кашф этувчисидир. Унинг кўкси – ҳақиқат дурларининг хазинаси, кўнгли эса маъно юзларига оина.

Унинг ўрни етти қават осмондан ҳам юқорида: етти осмоннинг мушкул ишлари эса – унинг олдида хал. Унинг маскани – софлик мадрасаси; унинг учун энг тинч жой – дўстлар хонақоҳидир. Унинг жилва қилиб қараб турадиган жойи юксак осмон гулшани; сув ичадиган чашмаси эса аниқлик манбаидир.

У қурган сўз қасри шу қадар баландга кўтарилганки, унга хатто осмон ҳам сиртмоқ сола олмайди. Бу қасрда шайтонларнинг хас-хашаги илиниб қолиши имкони йўқ, чунки унда фаришталар тўдаси қанот қоқиб юради.

Гўё жаҳон осмон гумбази остига яширингандай, у ўз хужрасининг гумбази остида яшириниб ўлтиради; уни сен жаҳон ҳам дема, катта олам деб ата, Аллоҳи таолонинг қудратидан нишона деб бил. Унинг устидаги дарвешлик хирқаси оддий калта тўн бўлиб, бу тўн унинг тани, жисми эса унинг жонидир. Хирқа ўрнига бундай тўн кийишининг сабаби, ўз танини риёкорлик либосидан халос этишдир.

У бошини ўйчан қуйи солиб, дилдан Худога юзланганида, равшан кўнгил билан чақмоқдай сайр этади. Бу сайрда у фалакни хижолатга солади, ер юзини эса хат варақлари айлангандай айланиб чиқади.

У хат ёзар экан, унинг сиёхи вақт қуёшини қора парда билан булутдек тўсиб қўяётгандай бўлади. Бу пардани у яширин холатларни беркитиш учун ясаган; сахифалар ҳам шу холатларни сир тутиш учун тўлдирилган. Унинг давоти бор зулматни ўзига жамлаб олган;

---

[1] «Сирлар хазинаси» - Низомий «Хамса»сига кирган биринчи фалсафий-дидактик достоннинг номи.

[2] «Нурларнинг тарқалиш манбаи» - Хусрав Дехлавий «Хамса»сига кирган биринчи фалсафий-дидактик достоннинг номи.

[3] Абдурахмон Жомий кўзда тутилади.

[4] «Асллар тухфаси» - Абдурахмон Жомийнинг «Махзан ул-асрор» ва «Матлаъ ул-анвор»га жавобан ёзган фалсафий-дидактик достонининг номи.

маънодорлик эса унга ҳаёт сувидир. Унинг бир қатрасидан баҳраманд бўлган одам, шубхасиз, абадий умрга эришган бўлади.

Унинг назми жаҳондаги барча минтақаларни тутган, насри эсажон ўлкасини эгаллаган. Унинг асарлари шоҳу гадога ҳам бирдай ёйилган; шоҳу гадо унга хизмат қилиш билан фахрланади.

Лекин менинг унга нисбатан ожиз ва муҳтожлигим ҳамма одамларникидан ҳам ортиқдир. Чунки олам қуёш нури билан тўла бўлса ҳам, лекин уларнинг орасида бир зарра шу қуёш меҳри билан машҳурроқ бўлиши мумкин. Боғда турли-туман қушлар кўп бўлса ҳам, булбул билан гулга эътибор бошқача. У бирон асар устида қалам тебратса, унинг ёзганини мендан олдин бошқа биров кўрмаган. Аау луғуан қуёсн кўтанла бошлаганида ҳам унинг нурлари аввал тупроққа тушади. Гулнинг шохларида анвои гуллар очилар экан, уларга ҳам аввал тикан ҳамдам бўлади.

Кунларнинг бирида бир йиғилишда у юзида нур балқиб ўлтирар эди, ҳар томондан ҳар хил ажойиб воқеаларни гаплашар эдик. Гап устоз ва издошлар хақида борар экан, Низомий билан Хусравга ҳам навбат етди. Уларнинг қалами туфайли пайдо бўлган икки «Хамса» оламга қандай хаяжонлар солмади! Лекин бу икки «Хамса»га кирган ўн гўзал достон ичида олдинги иккитаси яққол ажралиб турар эди.

Ҳа, «Махзан ул-асрор»га тенг келадиган гавҳар борми?! Ҳа, «Матлаъ ул-анвор»дек юлдуз (сайёра)ни қидириб топиб бўладими?!

Достонларнинг бошқалари ҳам ёмон эмас, барчасининг ҳуснида мажозий безаклар жилва қилади. Аммо биз айтган бу икки достоннинг бири гавҳар сочиб тургандай; гавҳарнинг нурида азизлик, поклик нишони бор. Унинг иккинчиси ҳам порлаб туради, ёруғида эса ҳақиқат шуълалари кўзга ташланади.

Фикр ҳақиқат ўтидан баҳраманд бўлган бўлса, у тошни ҳам сув қилиб эритиб юбора олади. Бироқ фикр ҳақиқат гавҳаридан узоқ бўлса, унга ип топиш тўғрисида сўзламаган ҳам яхши. Ипни топсангу ўриш-арқоғи билан келтирсанг-у, яхши дур бўлмаса, унинг чиройли ранг ва накшидан не фойда?!

Шундай қилиб, орадан бир ой ўтди, икки ой ўтди. Кунларнинг бирида бахт ва ақл менга йўл кўрсатиб, уни кўргим келиб, хузурига бордим. Унинг қўлида бир неча бўлак қоғоз кўрдим. У киши кулиб, менга имо қилиб, «Тухфа»[1]ни ёзиб битирганини айтди.

– Ол-да, бошидан-охиригача кўриб чиқ, бошидан-охиригача ҳар бир варағини кўздан кечир! – деди.

Дархол олдига келиб, унга жонимни садақа қилдим, қўлидан достонни олдиму ўпъиб, дархол ичини очдим. У бошидан-охиригача шоҳона дур эди. Яна қанақа дур денг? «Тухфат ул-ахрор» достонининг ўзгинаси эди. Бахраманд бўлишни истаганлар ундан наф топар, у олдинги икки достондан хажм жиҳатидан кичикроқ бўлса ҳам, фойдаси кўпроқ эди. У иккала достонда бор гапни бундан топса бўлар, аммо бундаги хадяларнинг кўпи уларда йўқ эди.

Шавқига нақ кўксимни ёрдим, кўнглимни эса жилди учун ғилоф қилдим. Уни обдон ўқиб бўлганимдан кейин кўнглимда бир ҳавас пайдо бўлиб, безовта қила бошлади:

Улар[2] ҳаммаси бу йўлдан юрган эканлар, мен ҳам бир неча қадам юриб кўрсам қандай бўларкан?! Улар ахир ўз асарларини форсча ёздилар; мен эса туркий тил билан бошласам; уларнинг асарларидан форсий халқлар хурсанд бўлди; туркий халқлар ҳам менинг ёзганимдан бахра олса; олдинги икки муаллиф риихига фотиха ўқиб туриб, бу (Жомий) менга ҳам бу ишга бир фотиха берса. У иккаласи ичдан менга қаршилик кўрсатмаса, ташидан бу менга ёрдам бериб турса, мен бир нарсани талаб қилиб чиқар эканман, қаламни қўлга олиб, умид қиламанки, бу йўлда Нлъзомий йўлга йўллар экан, Хусрав

[1] «Тухфат ул-ахрор» достони.
[2] Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий кўзда тутилади.

бўлмайди! - деб айта олмайди. Катталарга бир камбағал паноҳ сўраб мурожаат қилса, улар буни қабул қилсалар, бу ҳам уларга қўшилиб, катталашиб кетиши мумкин. Ўзи терининг ичида пайдо бўлгани учун мушк ҳеч теридан ор қилмайди. Лаъл ҳам тош бўлгани учун харсанг тошнинг озорини сезмайди. Тўрт унсур[1] боғи жуда кўнгилочар бўлса ҳам, уни ўраб, сақлаб турган девор оддий лойдан. Ўт, сув, ҳаво қанча ёқимли бўлмасин, уларнинг орасида тупроқнинг ҳам ўз ўрни бор. Сарв, гул ва лолага, одатда, харидор кўп. Лекин ўтиннинг ҳам бозори бор. Ипак ва атласдан хашамли кийимлар бўлганидек, намат тўқималари ҳам итнинг устини ёпиш учун керак-ку? Лаъл, ёқут ва дурлар одатда юксак баҳоланади. Лекин кахрабо сомонни ўзига тортади. Шоҳ мусаффо майдан уч қадах ичдими, майхўрлар унинг қуйқасини ҳам қолдирмайди.

Мен ўзимни ит каби паст баҳолаб, ўзимни улуғлар ушлаган арқонга боғладим. Улар йўқлик даштига йўл олган эканлар, мен ҳам соя каби уларга ҳамқадам бўлай. Улар мангулик ғорига.кириб ғойиб бўлсалар, мен ҳам уларга тўртинчи йўлдош – ити сифатида қўшилай[2].

XIV

Одамзод вужуди осмонининг жаҳонни ёритар юлдузлари ва инсон зотига хос бўлган коннинг беҳисоб жавҳарлари бўлган сўз та ърифида ва бахт юлдузларининг бир-бири билан яқинлашиши яхши белги кўргазгани ҳамда қимматбаҳо жавҳарларнинг бир-бири билан яқинлашуви ёқимли туюлганидан назм таркибини наср тартибидан ортиқ кўриш хақида

Сўз гавҳарининг шарафи шунчалар юъксакки, гавҳардек қимматбаҳо нарса ҳам унга садаф бўла олмайди. Тўрт садаф[3] ичидаги гавҳарга қути ҳам шу сўз, етти қават осмон юлдузларининг буржлари ҳам шу сўздир.

Инсон кўнгли қайси томонга боқмасин, жаҳон боғчасида юз хил янги гулларни кўраркан, улар барчаси бир вақтлар сирли йўқликнинг гулшанида яширинган, ғунчалар ҳам ҳаммаси очилмаган холда эди. Азалият тоғидан майин шабада эса бошлаши билан жаҳон боғидаги шунча гуллар очилиб кетди. Бу оддий шабада эмас, гуллар сочувчи шабада бўлиб, у наъматак ва ундан тўкилган гул япроғига ўхшаб кетади. Шу икки нарсани донишманд одам бир-бирига ёпиштирса, «кофу нун» хосил бўлади[4]. Дунёдаги ҳамма бир-бирига боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган нарсалар - барчаси шу «коф» ва «нун»нинг болалари, ўшандан оавдо бўлганлар. Бу болалар яна ҳисобсиз болалар кўриб, бола ўзи ҳам ота, ҳам ўғилга айланди. Уни сўз билан қандай мақташ мумкин? Ахир, нима дейилса ҳам унинг ўзини ўзи билан мақталган бўлади-да!

Сўз жон бўлиб, руҳ унинг қолипидир. Танида руҳи бор одам доим унга эхтиёж сезади. Сўз дунёда бор барча кўнгилларнинг қутисидаги жавҳар, ҳамманинг оғиз қутисидаги қимматбаҳо гавҳардир. Агар тил бамисоли бир пўлат ханжар бўлса, сўз унга қадалган инжулардир. Тил шу чаманнинг очилган лоласи бўлса, сўз дурлари унга қўнган шабнамлардир. Сўз ўлган одамнинг танасига пок руҳ бағишлайди. Сўздан тандаги тирик руҳ халок бўлиши мумкин.

---

[1] Тўрт унсур – сув, хаво, ер, ўт.

[2] Навоий бу ўринда уч азизнинг подшох зулмидан қочиб, бир ғорга яширингани, уларга бир ит ҳам эргашиб, яхшиларга эргашгани учун азизлар хисобига қўшилиб қолгани хақидаги машхур афсонага ишора қилмоқда.

[3] Тўрт садаф- сув, хаво, ўт, тупроқ.

[4] Арабча «к» ва «н» харфи бир-бирига қўшилса, «кун!» бўлиб, «ярал!» «бунёд бўл!» деган маъноларни билдиради.

Яхши сўз билан оиганни тирилтира олгани учун Исо пайғамбар ўзини «Жонбахш» деган лақаб билан атаган. Сўз туфайли Халил ўзини ўтга ташлаган; Жабраил ҳам сўз юкига ҳаммол боиган. Тангри инсонни сирлар хазинаси даражасига кўтарган экан, уни сўзлаш қобилиятига эга боигани учун ҳайвонлардан ортиқ қилиб яратди.

Ғунча оғизлик, ширин лаб жонон гапирмасдан лабини ёпиб туриб олса, унинг майдай тотли лаъли лаблари ақлни маст қилса, мастлик у ёқда турсин, майпараст қилиб қўйса ҳам, ташқи кўриниши билан осмондагиъой бўлса ҳам девордаги сурат билан унинг кўриниши ўртасида фарқ йўқ.

Чиройда юзи ойнинг рашкини келтирмаса ҳам, лаълга ўхшаш лаблари шакардон бўлмаса ҳам, ғамзаси билан бировларга ўқ отмаса ҳам, шундай қилиб киприклари сафини камайтирмаса ҳам, ўз гўзаллиги билан талончи ва танноз эмас эса-да, унда фақат тўғри ҳусн билан ноз бўлса, лекин пўписа билан сўзлаётган чоғида, тили аччиқ бўлса ҳам, жавоби ширин бўлса, ўзича фитналар қилса, турли ваъда ва хабарлар келтирса, дашномлар бериб, ақлни маст қилса, шундай малоҳат устига яна ёлғончилик қилса, ёлғончилиги ярангга туз сепиб турса - бундай алангаларда ким ёнишни истамайди?! Ва бундай ярага ким ҳам даво қила олади?!

У ўз ҳусни билан ибодат қилувчини ҳам йўлдан оздирса, ҳуснига ширин сўзлиги зеб бериб турса, шу ҳусну малоҳат билан гапириб, ўткир сўзлигини қоида билан баён этса - бундай гўзал бутун одамзод жинсига ўт ёқади, бутун одамзодни эмас, бутун оламни ёндиради. Ҳар лахзада одамларни ўлдириб, куйдиради, инсон зоти борки, ҳаммасини ўртайди.

Базмда ҳар қандай созанда дилкаш куйлами ижро этиб, куйда қанча яхши такрорлар, машқда қанча яхши нақаротлар бўлмасин, тушунган одамлар ундан тўла қаноатланадилар. Куй ижроси чўзилиб кетса, уларга малол ҳам келади. Бу куй орасида жойини топиб, Навоий сўзи билан бир ғазал ашула қилиб айтилса, сўзлар олов пуркаб, тингловчилар қалбини мунг билан эзса, у вақтда сен базмдаги тўполонни кўр! Майхонадаги ғавғоларни томоша қил! Ёқа йиртиш қандай бўлишини кўр, фиғон тортиб, ўзини ўлдирганларга боқ!

Дурнинг бир донаси билан боғлиқ гапга ишонма, сўзни жаҳон денгизидаги хақиқий дурдона деб бил.

Қалам сўзни шархлаб ёзган шунча гаплар насрга оиддир. Назмдаги сўзнинг хоссаси бундан ҳам бошқача. Оддий сўзлашувда ёлғондан эътиборсиз нарса йўқ. Лекин назмдаги ёлғон (муболаға)ни донолар ҳам маъқул кўради. Ўз жойида тизилиб турган тишлар дурдай яхши кўринади. Улар сочилиб кетгудай бўлса, қандай қимматга эга бўлиши мумкин?!

Гул ва дарахтлар боғда соиим кўринади. Тоғда эса улар ҳаммаси ўтин ҳисобидадир. Насрда сочилиб ётганлиги кишини нохуш қилса, шеърда мавжуд тартиб-қоида кўнгулни хурсанд этади. Бандаларини

кечирувчи Худо уларни хилма-хил қилиб яратар экан, уларнинг ҳар қайсисини бошига бир-биридан фарқ қиладиган тож билан пайдо қилган. Шоҳ гулшанда базм қуриб, шодлик йўлини тутади. Ҳар киши ўз даражасини билиб ўтирса, йиғинда тартиб-интизом бўлади. Борди-ю ичкилик ақлини еб, шоҳ ўз ёнига эшик оғасини тортса ёки қул ўз беги билан ади-бади айтишадиган бўлса, ундай базмда тағин қандай ҳаловат бўлиши мумкин?!

Шоҳмот тахтасига доналарни тўккан одам бир неча ёғоч парчаларини уяди. Биров икки томонга у доналарни икки қатордан қилиб терса, у чиройли кўринади. Шоҳмотнинг икки томонидаги икки қатор худди икки мисра шеърга, тўрт қатор эса шеърнинг икки матлаига ўхшаб кетади. Бундаги ҳар дона ажойиб муаммо бўлиб, уларнинг зимнида отлар ҳам пайдо бўлади. Одам қанча тўғри фикр қилмасин, бунда озгина паришонликка йўл қўйса, отнинг юриши туфайли мот бўлиб қолиши мумкин.

Шеър дафтари ҳам бир-бирига богиангани учун унинг варақлари гулзордаги гулдай тоза. Дафтарнинг ипи сўкилса, унинг варақларини шамол ҳар томонга учириб юборади. Гулшанда

гулларнинг саф тортиб очилиб туриши, бу – назм; уларнинг ерда сочилиб-тўкилиб ётиши эса насрдир. Назм бу қадар юксак эъзозланмаса, Тангри Сўзи[1]да шеър бўлмас эди.

Назмда ҳам асосий нарса маънодир, унинг шакли эса ҳар хил бўлиши мумкин. Яхши мазмунга эга бўлмаган шеър тушунган одамлар томонидан яхши баҳоланмайди. Ҳам яхши шаклга эга бўлган, ҳам гўзал маъно асосига қурилган шеър – ҳақиқий шеър.

Эй Худо, худди шундай шеърлар халқнинг муҳаббатини қозонсин. Хаста Навоийга ҳам шуни насиб эт!

XV

Бир неча сўз шу мазмундаким, сўзнинг ма ъноси унинг жонидир, усиз сўз қолипи жонсиз қолипдир ва буни қандай қўлга киритишни ҳеч ким билмавди. хатто уни қўлга киритган одамнинг ўзи ҳам ё ъқ, вайсақиларнинг ноинсофлигига тан бермоқ, балки ўз беҳудагўйлигига иқрор бўлиб улардан узр сўрамоқ

Кимда маъно гавҳари бўлса, ўша одам сўз дарёсининг ғаввосидир. Маъно машъали кимнинг юзини ёритган бўлса, файз ҳарамида жилва этиш ўшанга насиб бўлади. Ким маъно дурининг садафидан ўзига жом қилган бўлса, сўз майини ўша одам тўла симиради.

Бу шу қадар ажойиб ва мазали шаробки, кўнгулнинг энг қоронғи жойларини чироқ бўлиб ёритади. Осмон хуми ҳам шу шароб билан лабигача тўлатилган; у хумнинг оғзи эса қуёш ғишти билан беркитилган. Дунёдаги барча одамлар бу денгизга ғарқ бўлган; сўз латофати уларни кўздан яширган. Кимки ундан бир қатра ичган бўлса, кайфидан хум сингари қайнаган. Унинг файзи билан олам қанча тўлмасин, унинг денгизидан камайган бўлса бир қатра камайган холос.

Мен шу майнинг кайфидан маст бўлсам ҳам, лекин ўткинч дунёнинг одамларига қўлдошман. Менинг димоғим ниҳоятда қизиб, чироғим ҳам ўша сўз шуъласидан ёнган. Ҳақиқат жоми қўлимга теккан бўлса-да, кўп вақт сукут сақлашни афзал кўрдим.

Аммо бир вақт қўлимдан ихтиёр кетиб, май ихтиёримни олиб олам саҳнига сабодек борсам, обод ва бузуқ ерларни қуёшдек ахтарсам; ер.юзидаги ҳамма нарсани қўлга киритишнинг ҳисобини - фақат бу дунёда эмас, эски тоққа ега бўлган тўққиз қават осмонда ҳам қилолмай, улфат сифатида бир базм қуриб, бу майни ичишга азм қилсам; шеъриятнинг буюк тахтига чиқиб ўтирсам, минг-минглаб назм аҳллари олдимда туришса; базмда мусиқий асбобларни шоҳона қилиб тайёрласам, нимтаркни[2] чаккамга қўйсам; сўз майидан олдимда чуқур дарё пайдо бўлса-ю, қўлимда қайиқсимон ажойиб жом билан ҳар лаҳзада шу жомни тўлдириб олиб, гулранг бодадан сипқариб турсам, туркий оҳангга қўлимни ўйнатиб, «ҳай тулугим, ҳай тулум!» деб куйласам; биров менга ҳамовозлик қилолмас экан, лоақал қўшиқ айтиб, қувватлаб турса; мен ичганча ичишга журъат қила олмаса, лоақал бир-икки култум ичиб турса.

Лекин юксак фалак мақсадим базмига бундай туҳфаларни муносиб кўрмади. Бу хил майни ичишни ўзига касб қилган киши бурун бўлмаган шекилли. Ёки бўлган бўлса ҳам, ҳаммаси ҳаётдан кетган, мен келишим билан базмни тарк қилган кўринади.

Бу кимсасизлик менга етмагандай, енди ҳар томондан одам номига иснод келтирадиганлар пайдо бўляпти. Уларда сўз айтиш қобилияти бўлмаса ҳам, улар сўз айтиш пайида; нағмалари созланмаган бўлса ҳам, куй чалиш иштиёқида. Улар шеърда туюқ вазнини тушунмасалар ҳам, туюқ у ёқда турсин, оддий қўшиқ вазнини билмасалар ҳам, ёзганларининг

[1] «Қуръон» назарда тутилади.
[2] Н и м т а р к - бош кийимининг номи.

сўзлари бемаза, таркиби суст, мазмуни ҳам оддий, саёз, ёзилиш услуби нотўғри бўлса-да, уларнмг ҳаммасида бамаънилик даъвоси. Дуруст одамлар улардан қутулолмай гаранг.

Менга ранг-баранг назм боғи насиб етгач, Чин санами менга қанча дуч келмасин, таъбим пардозчисининг доимий иши шеърларимнинг ҳуснига оро бериш бўлди. Сунбул сочларига тароқ урардим, наргис кўзларига сурма тортардим. Кўзларимнинг қонли ёшлари билан юзини қизил қилардим, кўзим қорачиғидан бетига хол қўярдим. У шўх санам кийсин деб сўздан хилма-хил либослар тикардим. Келишган ипак кўйлак кийдириб, унга юзлаб қимматбаҳо дурлар қадардим. Жонимни бошдан-оёқ унга бағишлаб, ноз пардасида хиромон юришини истардим.

Лекин бир тўда жафогарлар келиб, унинг[1] ипак кийимларини талон торож этишди, зўравонлик қилиб, қийнаб, йиғлагудек аҳволга солиб, устига эски қора шол ёпишди. Қизиғи шуки, тағин буни шеър деб атаб, таърифини кўклардан оширишди. Ундан ҳам қизиғи шуки, таниб қолишимни билиб туриб, Худодан уялмай, ёзганларимни менинг ўзимга кўрсатишди. У (шеър)лар менга сал-пал ёқаётганини кўргач, мендан еҳсонлар, таҳсинлар исташди.

Шундай қилиб, улар кўнглимга кўп жафо тиғини урдилар, фақат кўнгилгагина эмас, ҳатто жонимга ҳам тегдилар. Энди менда харсанг тошлар топиб, қалъа ячратишдан бошқа бир чора қолмади; мен топган тоғ жуда баланд, тепаси кенг, шу тоғнинг устига шундай бир юксак бино[2] қурсам; унинг сувгача бўлган қисми тошдан, кўккача кўтарилган қисми пўлат бўлакларидан бўлса[3], деворларининг тагига шундай чуқур хандақлар қазисамки, унинг қаърига қарайман деган киши қўрқиб, ақлдан озса! Унинг остидан лаҳм ковлаш имкони бўлмасин; унинг деворидаги кунгураларга ҳам ҳеч қандай арқон етмасин. Унда фақат паризодлар яшасин, улар ҳар қандай хавфдан холи бўлишсин. Ёвнинг баданини тешиш, бошини уриб учириш учун мен у ерга кўп ўқ ва тош тўплаб қўяман. Бу тошлар жонни қийновчи тақводорликдан, ўқлар эса шоирнинг саҳардаги оҳидандир. Ногоҳ бу бинога бирор беадаб яқинлашса, тош ва ўқдан ўз жазосини топади.

Ё Аллоҳ, бу деганларим қанақа афсона? Бу хил афсона деганнинг ўзи девонадир! Мен кўп дағдаға солдим, мастга ўхшайман ёки телбалик оёғимни кишанлади. Маст бўлмасам, бунчалик лоф уришимнинг сабаби нимада? Бу телбалик бўлмаса, мунча кўпирдим! Мен баъзи одамлардан шикоят қилган бўлсам, буни мен ўзим тушунмасдан гапирдим. Ҳаммасининг гаплари ранг-баранг, назмлари ҳам дилкаш ва ширин. Ҳалиги гапларни айтган вақтимда мен ўзимда йўқ едим; йўқ-йўқ, улар ҳаммаси яхши, менинг ўзим ёмон. Навоий, тебран, навони бас қил, айтиш керак бўлмаган гапни гапирма. Куйинг бошдан-оёқ ҳавойи; тур, уларнинг бошларидан ўргил, оёқларини ўп. Ҳамма гадоларнинг олдида гадо бўл, шундагина Худо сени шоҳга яқинлаштиради.

XVI

Султонлар гуруҳининг сарафрози ва хонлар мамлакатига бойлик билан оро берувчи, салтанатни, дунёни ва динни еъзозловчи Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхоннинг давлатини ва подшоҳлигини яхшилиги ва еҳсонини оламга ёйилиши мадҳива уни бурро тил билан айтмоқ қийинлиги, хусусан, қалам тилининг бунда лол эканлиги

[1] «Менинг шеърларимнинг», демоқчи шоир.
[2] «Майда шеърларни қўйиб, энди катта асар ёзсам», демоқчи шоир.
[3] Шоир ўз «Хамса»сини кўзда тутади.

У олампаноҳ шоҳни қандай шоҳ дэсанг, бутун олам ва одамлар унга мамлакат ва сипоҳ бўлган шоҳдир. Унинг қасри етти айланма гумбаздан иборат бўлиб, етти отасигача хон бўлиб ўтган.

Отаси хон бўлиши билан бирга унинг довруғи ҳам бўлиб, кўпроқ шуҳрати билан фахрланган.

Амалда эса турк, мўғул хонлари унинг қуллари бўлиб, улар мамлакат бериб, мамлакат оладиганлар бўлишган. Бунинг (қул даражасида) камтарлиги бошқа хонларга ибрат бўлиб, Султон Ҳусайн хонлар ва шоҳлар устидан шоҳ бўлган.

Шоҳ Абулғози Қуёшдек равшан фикрли бўлиб, байроғининг ярим ой шаклидаги белгиси эса Қуёшдан баландда тасвирланган бўлган. Баланд осмон унинг тахти учун муносиб жой. Қуёшсимон тўгарак накш кийган тожига безак. Кафтлари денгиз булутлари каби дур, жавоҳир сочса, тиғи бу дарё сувини тўлатувчидир.

Унинг белидаги камарида ёқут бўлиб, унинг ёнидаги ханжар эса балиқ[1] шаклидадир. Унинг ханжари балиқ бўлмаса, нима бўлиши мумкин? Дастасини гавҳардан ясалган Муштарий[2] деса ҳам бўлади.

Найкамалак гўё унинг ёйи бўлиб, ўз шоҳлик ёрлиғини унинг ёрдамида фалак тоқига осиб қўйган.

Фалак турки, яъни Миррих сайёраси гоҳо уни қувиб етса ҳам, лекин қанча кучанмасин, уни қимирлата олмайди.

Айлана осмон ўзи унга қалқон вазифасини ўтар экан, қуббаси яргироқ Қуёшдир.

Бу қалқон юзида Сомон йўлидек бир нарса кўзга ташланар экан, бу қин бўлиб, унинг безакдор қиличидан белгидир.

Найзаси осмонда учиб юрган учар юлдуз эмас, балки ёйининг устидан тоза кумуш суви юргизилгани аломатидир. Остидаги лаъл нуқралар шафақни эслатса, ранги, бўёғи куёш зарварақларидан дарак беради.

Бу шоҳнинг жаҳли чиққанда душманга айланиб, рахмдиллиги шабадаси эсганда эса халқ сийланишда бўлади.-

Ҳаммаёқни куйдирадиган ханжаридан ўт чақнаганда, қадахининг шуъласи оламни ёритиб юбориши мумкин.

Саховат вақтида қўли зар сочса, лутф қилган чоғида меҳрибонлиги тутиб, гавҳарлар сочиши мумкин.

Унинг кўнгли билим гавҳарларидан хазина кўтарган, қўли саховат катидан ганж уласнади. Лекин қахри олови аланга олган вақтда афв булутларидан қатралар тома бошлаши ҳам ҳеч гап эмас.

Уруш кунлари бўлса темирга бурканиб олиб, оёғидан бошига қадар зирхда. Худди хазон барглари сув ичида сузаётгандек, ёки кўзгуда душманнинг чеҳраси кўриниб тургандек.

У темир панжасида тиғни тутиб тургандек ва тиғи гўё темирдан ясалгандек.

Тиғидан таралган шуълани пайкон учи деб ҳам ўйлама. Уни ўша ўт тилини чўзди! - деб қўя қол.

У (Ҳусайн Бойқаро) йўллаган найза душманнинг бошига тегар экан, ўша лахзада урилган бало чақмоғига ўхшаб кетарди.

Бу унинг қўли кафтидаги булутдан чақилган чақмоқ бўлиб, бунда унинг учун бир тўда кул билан тоғнинг ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқлигини билдиради.

У минган отнинг ранги ҳам чақмоқ рангида бўлиб, рангини қўй, чопганда ҳам худди яшиндек қадам ташлар эди.

---

[1] Ҳут - балиқ.
[2] Муштарий - Юпитер сайёраси.

Унинг оёғи мато билан ўралган, олдинги қои-оёғида шамолни ушлаб тургандай бўлиб, шунинг учун ҳам бу отни «Бодпо»[1] деб аташар эди. Бу тез ва асовни ҳар қаёққа минишар экан, фалак оти - Қуёш эса унинг олдида кесмас пичоқдек бир нарса эди. Унинг ёнида осмон ўз отини кўриб, у хўкиз бўлиб хирмонни янчаяпти! - дейиш мумкин эди. Агар у хирмондаги хўкиз бўлмаса, нима учун доим бир жойда айланиб, тўғри кета олмайди?

Агар сен ўша хирмон ва хўкизнинг белгисини кўрмоқчи бўлсанг, ўша Сунбула[2] ва Сомон йўли бунга белги бўла олади. Уларнинг бу доирадан сакраб ташқарига чиқиб кетишга ҳадди йўқ. Ундаги ҳар гумбаз олам гумбазига тенгдир.- У йўрғалаб юриш вақти оёқ қўйганда, хушовоз тоғ каклигига ўхшаб кетади. Лекин югура бошлар экан, минг ёғоч ундан олдинга оёқ ташлай олар эди.

Жанг кунида шоҳ бу рахшга миниб, жавлон уриб, душманнинг юз минг аскарларини пачоқлаб ташлай оларди. Жанг ишлари майдонда тамом боиар экан, ишрат учун айвонга юз тутар эди.

Отдан тушса-да Рустам[3] каби сайр қилиб юрса. Тахтдан ўзига Жамшид сингари ўринни эгалласа. Шу билан бирга бошидаги олтин тожини олиб қўйса. Белидаги безакдор камарини ҳам ечиб қўйса. Жангда кийиладиган ҳарбийча кийими ва совут остидаги тўнидан ҳам қутулса-да, хурсандчиликда кийиладиган ипак ва канопдан тўқилган кийимларини кийса, Боғи Эрам сахнида базм қилса, тоза ва кучли шароблардан ичишга киришса.

Созандалар руд оҳангларини чалиб, хофизлар дилкаш қўшиқлардан
айтишса. Гулчеҳра соқийлар жуфт қилиб қадахларни тутсалар-да, базм аҳлини
хушларидан айирсалар. Бундан одоб билан шоҳлар ерга қарар эканлар,
ҳеч нарса сўрашмаса, бегларга бир нарса дейиш имкони қоладими!

Унинг ўлтиришлар қиладиган гулшани осмон бўлиб, унда Қуёш мисоли қадахлар майга тоидирилар, Зухра қўшиқларидан давлатли бўлар, тоиин Ой бу мажлисда зикр тушарди. Сухайл юлдузи эса мусиқачилар хомийси Аторуд каби мақтовга майл кўрсатиб мақтагани мадх адоси билан банд эди.

У тузган базм яшил рангдаги гулшан каби, газак учун фойдаланадигани ҳар ердаги юлдузлар боиарди.

У ўзи (подшоҳ) эса тахтида худди Жамшиддек, йўқ ундай эмас, Осмон тепасида Қуёшдек ўлтирар эди.

Бу билан у халқ кўзини ёруғ нури билан равшан, хатто қора тупроғни гулшан этарди.

Саховати билан давлатманд одамларнинг бошларини силар, давлатмандларнинггина эмас, барча шоҳу гадони ардоқларди. Хазон елидек тилла пулларни сочиб, баҳор булутлари сингари гавҳарларни ҳам сочгани сочган эди. Бу хазон ели қизариб зархал рангга айланмагунча, баҳор булутлари ўз гавхар (ёмғир)ларини сочмагунча давом этарди.

Фалак денгизидан булар сенга хирож ўрнидаги гавҳарлар бўлиб, асл зотинг гавҳари эса бутун Оламга тож бўлсин! Тожингдаги безаклар абадият безаклари бўлиб, энг тепасида эса боқийлик дарёсининг гавҳари порлаб турсун!

XVII

Кўнгул таърифидаким, кўнгулдагидек та ъриф қилиш қийин ва унинг сифатларини соф кўнгулли кишидан бошқа одам билмайди; ғамгин қаламкаш қаламини ишга солмоқ ва шу қаламнинг қора ёзувлари билан кўнгулни хушламоқ

---

[1] Ўзбекчаси «Елоёқ».
[2] Осмоннинг саккизинчи буржи номи.
[3] Рустам – Фирдавсийнинг «Шохнома» асарининг қаҳрамони номи.

Қудратли деҳқон (Худо) илк тонгда лойдан бино бўлган одамни ўз қудратининг гулистони қилиб яратди. Бу гулистон томон тайин бир шабада эсиб, сунбул, сарв, гул ва райҳонларни елпий бошлади. Бу райҳонлар у шабаданинг хукмига кирганда, тан гулшанига худди руҳ киргандай бўлди. У шабаданинг мақсади гул эмас, фақат кўнгулни қўлга киритиш эди, холос.

Кўнгулнинг мақтовини баён қилаётган, эй шоир, кўнгулни нима деб ўйлайсан? Агар вужудинг гулшанида гул ғунчаси очилса, сен кўнгул ғунчаси шу, деб ўйлама. Бу ғунча эмас, бу қонли кўнгулдир ёки қонга бўялган ёй ўқидир. Бу ранг ва хиддан иборат бир шакл ҳам эмас, бу ўзи бор бўлса, бошқа ҳаммаси топилади. Бу нарса кимнинг, ниманинг жони бўлса, танида ғунчага ўхшаш қони бўлса, ўшанда бўлаверади. Бу дажжолда ҳам бор, пайғамбарда ҳам бор, десак, унда Исони унинг эшаги билан тенглаштириб қўйган бўламиз. Агар бир одам катта савдогар бўлса, ақлу хуши доим, у қайси кўнгли билан ўзини аҳли дил[1] деб ҳисоблай олади? Сен жазм қилган кўнгул бу эмас. Агар кўнгул шундай бўладиган бўлса, сен ундан воз кеч.

Бу «кўнгул» деб атаётган нарсанг аслида юракдир; юракни «кўнгул» деб ҳам атаганлари учун бу икки сўз номдагина ўхшаш, холос. Аслида кўнгул сирлар бўстонининг булбули бўлиб, поклик ҳарамида жилва қилади. Аъло даражадаги жаннатнинг иси ҳам шу кўнгул; Илоҳий жилва чироғининг нури ҳам шу кўнгул!

Бошқаларни (Илоҳий) йўлга бошловчилар уни «енг баланд осмон», сўфийлар эса «улуғ олам», деб аташди. Лекин тиниқ оинада бу катта жаҳон (кўнгул) дунёдаги барча одамлар кўзидан яшириндир.

Бутун дунё қибласи бўлган Каъбанинг ҳам қадри кўнгилчалик эмас. Чунки у Каъба одамларнинг оддий сажда қиладиган жойи; бунда эса Яратганнинг жилваси зоҳир бўлиб туради.

Бу сирлар тўла хазина – кўнгулни қўлга киритгунга қадар йўл бошловчи қилган кўп ишларни қилмоқ керак бўлади; бунинг учун Каъба йўлларини ҳам, риндларнинг майхонасига олиб борадиган манзилларни ҳам босиб ўтиш керак. Худога муножот қилиш билан яшайдиган одамлар орасида ҳам бўлиш зарур; майхонада ҳам бўлиш керак. Гоҳ хонақоҳда шайхнинг гапи билан тоат-ибодатга юз тутганлар ёнига чекиниш керак, гоҳ йўқлик майхонасига маст бўлиб кириб, муғбача олдида бутпарастлик қилиш зарур, гоҳ шамъ атрофида парвонадек айланиш, гоҳ бирон пари ишқида девона бўлиш, гоҳ висолга эришиб, айш қилиш, гоҳ фироқ ўтида куйиш керак. Агар кумуш бадан, инжиқ бир маъшуқага учрасанг, у гоҳ ширин ханда қилса, гоҳ шўрингни қуритадиган қилиқлар қилса, дарду бало тоғида Фарҳод бўлиш керак, тирноғларни пўлат тешага айлантириш зарур. Ёки ой юзли шундай бир дилдор учрасаки, у малоҳат даштидаги Лайлига ўхшаса, унинг ишқида фалакдай сарсон-саргардон бўлиб, дард биёбонида Мажнун бўлиш ҳам керак. Ўтда самандар каби чидаб туриш, сувга эса гавҳар каби шўнғиш ҳам керак. Гавҳар сочадиган булут ҳавосига ғарқ бўлиб, хазинадек тупроқ ичида кўмилиб ётиш лозим. Бундай одам бормаган, тариқат йўлини ривожлантирмаган водий қолмасин.

Камолот касб этмагунга қадар бундай одам ҳамма холатларни бошидан кечиради. Дунёда ҳамма нарсани кўриб, уни эгаллайди, шундан сўнггина у «олами кубро» лақабига сазовор бўлади. Шу олам сари кимга йўл очилган бўлса, ўша одам дунёда хақиқий «аҳли дил» саналиши керак. Мехрибонлик хазинаси кимгаки насиб бўлган бўлса, халифалик ҳам ўша одамга тегишлидир. Сафо тахти унинг ўлтирадиган жойи бўлиб, уни софкўнгил сўфий деб аташ лозим. Унинг йўлида жону кўнгулни фидо этиш, жону кўнгулдан унга топиниш зарур.

[1] Кўнглида доим Худони сақлаган художўй, мутасаввуф.

Агар унинг этагини ушлаш имкони бўлмаса, у вақтда унинг этагидан биттагина ип Навоий томон тушса нам етарлидир.

XVIII
БИРИНЧИ ҲАЙРАТ

Кўнгулнинг номавжудлик тунидан қутулиб, мавжудлик тонгига ҳамнафас бўлиб, малаклар олами баҳористонининг ранг-баранг кўриниши юз берганда, хилма-хил дарахтларини томоша қилиши ва уларнинг «Саббаха исми раббикал - аъло» амри билан хақиқий Қайюм тасбиҳига машғул эканини билиб димоғи боғида ҳайрат гуллари очилгани ва у гуллар атри димоғига урилиб, беҳуш йиқилгани

Эй соқий, тонг отди-ку, қуёш чиқди, бир меҳрибонлик кўрсатиб, менга қуёшдек келадиган қадах тут. Тонг қуши тонг отганини хабар қилди, бир-икки қадах саҳарги май ичай. Тонгда сафолик майидан маст бўлиб, нола қилаётган тонг қушига жўр болай.

Саҳарнинг ипак пардасидан олтин иплар тарала бошлаши биланоқ тун пардасининг иплари чидаш бера олмай кўздан ғойиб бўлди. Фалакнинг тоқига тақдир қалами «Ваш-шамс» ва «Ваз-зухо» оятларини[1] ёзди. Шу пайт тонг сўфиси ҳам пайдо бўлиб, осмон бўйлаб нурдан жойнамоз ёйди. Қора тупроқ тун қоралиги қолдиқларини тонг супургиси билан супуриб тозалади. Осмон шу лахзага қадар ер юзига қора мушк зарраларини сепиб келган бўлса, энди эъша мушк устига хидли оқ зарраларни сепа бошлади. Нилуфарранг осмон тепадан шабнамлар ёғдира бошлаганда, саҳар боғида сариғ лола очила бошлади (яъни қуёш чиқа бошлади). Обнусдан[2] ясалган панжара оқ сўнгакка айланиб, сариғ манқалдан ўт сочила бошлади (яъни тонг ёриб, қуёш нури тарала бошлади). Қуёш ўтида зулмат тўни куйиб, юлдузлар учқуни ҳаво бўйлаб учиб кетди. Тун товусидан жилва йўқолиб, унинг гуллари ойнаси ҳам йилтирашдан тўхтади.

Шу пайт йўқлик шомидан Хожа кўз очиб[3], тонг ели етказган хабардан жон топди. Мавжудлик шабадаси димоғига урилиб, йўқлик шомини тутундек хайдаб юборди. У ўзига ҳам бегонадек эди, девоналарча юзини ҳар томонга урарди. У ҳар нафас тонгдек сарғайиб, тонг елидек ўзидан кетиб турарди. Дунёдаги юз минг хил ажойиб нарсаларни томоша қилар, уларнинг сирини билишни орзу этарди. Фикр қилиб, қанча кўп ўйласа, бу орзуга етиш шунча маҳол туюларди. Қанча кўп тоат-ибодат қилса ҳам, бу пардадаги сирлар очилмади.

Шундан кейин Инсон синиқлик ҳарармга кириб, жойлашиб олди-да, ўзининг ожизлигини ва ҳайратини намоён қилишга турди. У маъйитислик билан ўз ожизлигига тан бергандан, кейин ғойибдан овоз берувчи унга шундай нидо қилди:

- Ўрнингдан тур, бу гулшан бўйлаб сайр эт, гуркираган сабзаларга бир назар сол!

У ўрнидан туриб, бир-икки қадам юрган эди ҳамки олдида Эрам боғи[4] пайдо бўлди. Бу қанақа Эрам денг, ҳаворанг гулшан. Ҳаворанг гулшан ҳам дема, жаннат боғининг ўзгинаси. Ҳар бир дарахти сидрага[5] бошини қўйган, шохлари эса шохларига чирмашиб кетган. Баргларининг ранги мовийликда осмонни уялтирарди. Унинг соясида эса хатто қуёш салқинласа бўлади. Ундаги сарвлар бўйдор ва зангор ранг, ҳар бири бамисоли осмон саройининг битта устуни. Чинорларининг зулмидан қуёш азобда, панжалари қуёш

---

[1] Ш а м с – қуёш; з у х о - чошгох вақти. «Қуръон»да шу сўзлар билан бошланган оятларга ишора қилинмоқда.
[2] Обн ус – қора рангли қаттиқ дарахт.
[3] «Кўнгул» сўзи ўрнида шоир «хожа» сўзини ишлатган; «хожа» - «эга», «хўжайин» деган маъноларни билдириб, шоир бунда хали инсон бииан қўшилиб улгурмаган кўнгулни тушунади.
[4] Афсона бўйича, худолик даъво қииган Шаддод исмии бир подшо ломонидан ер юзида бино этилган ажойиб-ғаройиб боғнинг номи.
[5] С и д р а - еттинчи осмондаги бир дарахт.

панжасидан зўр. Шунинг учун бу қийинчиликдан унинг рангли сариқ, иссиқ оҳлари билан уни куйдиргани куйдирган. Сандалининг[1] муаттар хиди Исо нафасини эслатади. Ундан ўлик ҳам Исо тирилтирган одамдай тирилиб кетади. Унинг исидан сув гулобга айланади, сояси эса тиипроқни тоза мушкка айлантиради. Теракларнинг оппоқ танаси кумушга ўхшайди; ғир-ғир эсиб турган шабада унга гард ҳам қўндирмайди. Оқтерак танасининг кумушсимонлиги ёсмин танасининг оқлигидай, япроқлари эса ҳаворанг тангаларга ўхшайди. Санубарларнинг шохи осмонга етган, тугмалари билан юлдузларни қалпоқчалардек беркитган, сарв ва оқтеракларнинг сафи узилмай, чўзилиб кета беради. Оқтераклар сарвларнинг қоматини кўриб (ўз қоматининг норасоли-гидан) хижолатда.

Қизиғи шуки, сарвнинг бошида гуллар очилиб, хатто тўкилиб, тагларига сочилиб ётибди. Бунда ўсган кўкатлар ранги зумрадга, тук билан қопланган тугмалари эса забаржадга ўхшайди. Ҳар томонда битта шиша ранг ховуз, лекин бу ховузларнинг оинасини намликдан чанг босмаган, тиниқ. Уларнинг ойнасида жон сурати жимир-жимир этиб жилва қилади; унга оқиб келиб қуйиладиган арикни эса шу ойнанинг дастаси деса бўлади. Бу ариқ сувидан инсон руҳи озиқ олади; остидаги майда тошлари худди лаъл ва ёқутга ўхшайди. Сув гўё гулнинг оёғига бош қўйгандай, бошини эмас, кичик тошларни унинг оёғига халқа қилиб тақиб, буларнинг ҳаммасини унинг учун худди безак сифатида қадаб қўйгандай.

Гул ғунчалар парда орқасида қизлардай; уларнинг бахт ипи тугунлари хали ечилмаган. Гулларнинг энг гўзали ҳамма кўриши учундир. Бундай гулни хон ҳам шодликка эришиш нияти билан узади. Шабнамдан дурлар пайдо бўлиб, шабада эсиши билан гул баргларидан кумуш тангалар тўкилади. Гўё кўзгуда маъшуқанинг юзи ва сабза туклари кўрингандай, сув юзида кўкатлар ва гуллар акси кўринади.

Гулга шабнам қўнгач, ҳар гул япроғи маҳбубанинг терлаган нурли юзига ўхшайди. Ундаги сунбуллар заҳарли илондай чирмашган; ғунчалар эса унинг ниш уришидан озор чекади. Ўша заҳардан ўз ранги яшилга айланиб, ғунча тепасида булбул афсунгарлик қилгани-қилган. Одамлар тугма деб гумон қилган нарса оёқни заҳарловчи заҳар бўлиб чиқди. Тиконнинг нишига чидаёлмаган булбул тумшуғи билан истагини изҳор қилади. Сарв тагида товус хиромон; бу холда товус шуъла бўлса, сарв ундан кўтарилган тутунни эслатади.

Товус маст холда ҳар томонга жилва қилади; шу равишда гул ва гул тупларини синдиради. Янги новда ва янги барглари толни сочлари ўсиб, пахмоқ бўлиб кетган девонага ўхшатиб қўйибди. Бу боғ табиби хийла ва макр билан сувдан тол оёғига занжир солган. Наргис касалдан тузалмаган, ҳамон ориқ, кўзлари сариғ касалига учраган одам кўзидай сап-сариқ. Ранги синиқиб, кўзини доим сувга тикиб, ундаги кўкатларни балиқ деб ўйлайди[2]. Ўзидан атрофга олтин рангини сочиб, ўсиш-униш хабарчисига ҳамиша баҳорни билдиради.

Лола майхўр қиморбоздек хаяжонда, тосидаги икки дона шудринг унинг ошиғи. Гул ҳам унинг ўйинига ҳаваси келиб, чўнтагидаги ҳамма пулларини ютқазиб қўйди. Шудринг тош билан бинафшанинг бошига уриб, унинг бошини кўк рўмол билан боғлаган.

Момақалдироқ булутлар орасида чақмоқ чақади; у ердан тушган бир қатра ёмғир эса Хизр чашмасидек руҳбахш. Шабада ўлганларни тирилтириш учун ҳаммага Исонинг нафасини етказмоқда. Бу ернинг бир қатра суви кавсар сувидан ҳам зиёда, тупроғи эса жаннат гулидан ҳам тоза.

Инсон буларнинг ҳаммасини айланиб кўриб, бехол бўлиб, хушидан ажраб, тилл лол бўлиб қолди. У боғнинг қайси томонига қарамасин, кўзга ташланган ғаройиботлар бирга минг бўлиб кўринарди. Унинг кўзи қанчалик қизиқ томоша кўришни истамасин,

---

[1] Сандал- қора-сариқ рангдаги хушбўй дарахт.

[2] Бунда Навоий сариқ касалини сувдаги балиққа тикилиш билан тузатиш ходисасига ишора қилмоқда.

ажойиботлари устига бундан ҳам ажойиблари намоён бўларди. Фикри у ердаги кўрганларининг ипининг учини топишга қийналарди. Ҳайратига эса янгидан ҳайрат қўшила борарди.

Маъюслик, умидсизлик унинг ақл ишларини телбаликка олиб борди; васвасалар хушини олди. Ахир шу гулистоннинг ўзи бир жаҳон-ку! Балки ундаги ҳар бир гул ичида ҳам бир дунё яширинган. Лекин бир деҳқон[1] бўлмаса, унинг ўз-ўзидан кўкариб туриши мумкин эмас.

Бу ҳайрат унинг аъзойи баданига хайқириқ солди ва шу ҳайрат ичида турганда хушхабар етказувчи фаришта: «Бундай фойдаси йўқ ҳайратнинг кимга кераги бор? Ўзингга ҳам бу ҳайратдан фойда йўқ. Ҳақиқат сирридан баҳраманд бўлиб сен, яхшиси, ҳаммасига кўнгул кўзи билан боқ!» - деди.

Бу сўзлар унинг қулоғига дур бўлиб етгач, ҳақиқат нуридан кўзини очди. Тоғ каптаридан, қумридан тортиб булбулгача, дарахтларнинг япроғидан тортиб ҳар бир гулгача ҳаммаси ўз Яратганини эслар ва ҳар бири унга шукр айтар, ундан миннатдор бўлар эди. Шамол ҳам, сув ҳам ўзича куй куйларкан, Яратган уларнинг ҳар бирига ўзига мос бир сирни хос этган.

Шу ҳайрат ичида у шундай ўтли бир хайқириқ солдики, шундан кейин бор нарсаларнинг бари бийрон-бийрон гапирса ҳам, у хомуш бўлиб қолди. Бу хомушлик унинг димоғига - оҳ-воҳ булутлари билан таъсир этиб, уни беҳуш этиб қўйди.

Эй соқий, яна баданимда иссиқ бор, май сувидан юзимга гулоб сеп. Токи мен яна хушимга келиб, гапимни ўнглаб олай; сўнг сўз чаманида бир куй куйлай.

XIX
ИККИНЧИ ҲАЙРАТ

Шараф қанотли ул қуш (кўнгул)нинг нарсалар олами гулистонидан фаришталар олами шабистонига учиб, у кенг манзилнинг шам ва машъалларининг сўзхвчи тили билан асл Яратувчи ёдига машғул еканини билиб, ҳайратдан бу оламдан бошқа бир оламга боргани ва бу ҳайрат яна уни беҳуш қилгани

Хўтан гўзали ўз зебо жамолини ёпгач, шамол шабадаси ер юзига қора мушк сепишга киришди[2]. Анбар хидли нафасни шабада димоққа олиб кела бошлади. Наргис хидини берувчи варақларни шамол ёпди. Жаҳон гулларининг шохларидан сариқ барглар тўкилиши билан фалак боғчасидаги оқ гуллар[3] очила бошлади.

Ҳа, қуёш Чин қўғирчоғидай юзини ўгириб олиб, энди сочини ёйиб, қора мушк соча бошлади. Езилган мушкнинг ёқимли хидидан тун юлдузларининг димоғи қақради. Бу қақраш унга шундай таъсир этдики, кўзларини юмиб, уйқуга кетди. Булдуруқ қуш эгнини қисиб, парда ёпингандай ўлтириб олди: кўршапалаклар парда қанотларини очиб, уча бошладилар. Осмонга қараб йўл олган бойқуш доира шаклидаги ойни ўзига чилдирма қилиб олди. Кўк ўланлар атрофида ранг-баранг атиргуллар юлдузлардан тизилган ложуворд доирага ўхшарди.

Бу кеча ҳам Хожа[4] юз хил машаққатлар чекди; бу қийинчиликларнинг бири иккинчисидан қизиқ эди. Найрангбозликни ўзига касб қилиб олган фалак ҳар нафасда бир янги тилсим кўрсатарди. Осмон гўё бу масхарабоз учун бир чодир эди. Юлдузлар эса унинг кумуштан қўғирчоқлари эди. Сомон йўли ўзининг чўзиқ кўриниши билан осмон сайри учун унга йўл эди. Фалак айвонида кўзга ташланган чизиқлар хат эмас, осмон қоронғилигининг

[1] Бир деҳқон- Худо кўзда тутилади.
[2] (Бу байтда кечқурун қуёш ботжх. қоронғи туша бошлаши хақида гап бормоқда. «Х ўтан г ў з а 1 и» - Қуёш. Хўтан Шарқий Туркистондаги бир шахар номи. Бу о ринда ушбу сўз қуёш чиқадиган шарқ рамзи бўлиб келмоқда.
[3] «О қ г у л л а р» - юлдузлар кўзда тутилади.
[4] Кўнгулга, демоқчи шоир.

йўл кўрсатувчисидир. Осмон боғига шу қадар зийнат берилганки, ҳар бир юлдуз бир гул бўлиб, қуёш ҳам рашк этарди.

У муқаддас қуш (кўнгул) яна ўвнаеиси келиб. яна ҳам баландга ҳаволаб учди. Унинг тупроқдан иборат вужуди ерда қолган эди. Ўзи фалак юлдузи бўлиб, осмонга кўтарилди. Рух қанотли қушга айланиб, тун қоронғилигида сайр қиларди. Ушбу жаннат боғининг қуши биринчи чаман (осмон)ни айлана бошлади. Бу чамандаги ой яхлит бир жавҳардан иборат бўлиб, олам унинг маркази, ўзи эса уни ўраб турган денгиздай эди. Бу олий жавҳар халқа бўлиб айланар, унинг узук кўзига ўхшаш кўзи энг қуйи бир нуқтага жойлашган эди. Йўқ, у халқа ҳам эмас, балки айлана лаган эди; унинг шамъи эса мажлисларнинг машъали эди. Бу ҳажр масканининг машъали, гадоларнинг бузуқ кулбасида шамъ вазифасини ўтар эди[1]. Унинг нури бузуқ кулбага фароғат шамъидек, шамъ ҳам эмас, шамчироғ гавҳар ўрнида эди[1]. Унинг кўриниши доира монанд бўлиб, Худонинг номини куйлаб, тасбеҳ ўгираётганга ўхшайди. Гоҳ муттасил Худони мадх этиш учун унинг бутун вужуди тил кўринишига кирарди.

У (кўнгул) яна бир (осмон) боғига кириб, жой олди. Унда кумуш баданли бир маҳбуба турарди[2]. Унинг қошлари фусунгар, кўзлари танноз бўлиб, бири ишва кўрсатса, иккинчиси ноз қиларди. Сочларининг жингалакларида юзлаб тугунлар бор эди. Юзига эса мушкдан совут ясатиб олган эди. Ўзи ҳам маҳбуба, ҳам мусиқачи, ҳам соқий, ҳам ашула тўқувчи эди[3]. Унинг юзи йигитлик майидан қип-қизил, шериги эса бир қари чол[4]. Касаллик унинг суякларини чиқариб қўйган, хатто баданидаги томирлар кўриниб турарди. Бу мутриб-табиб унинг томирларини чертиб кўрар, томирлар эса қон йўғидан нола чекар эди. Ўзиъҳам у томирларга жўр бўлар, бу куйдан томирлар ҳам, томир кўрадиган ҳам хурсанд бўларди.

У (кўнгул) яна бир ҳужра (осмон) га қадам қўйди. Унда энг нодир донишманд бир хаттот ўлтирар эди[5]. Бу ҳужрада уни мунший (хаттот) деб аташарди. У хат ёзишга киришганда дурни ипга узгандай қиларди. Унинг таъби мумдай юмшоқ ва ёқимли, нақшни эса энг чиройли узуклардан оларди. Сув олмоқчидай олдидаги ҳар сиёҳдонга мурожаат этар, ўзини ҳам ўша идишга ҳамранг қилган эди. Унинг қаламидан қоғоз қораймасди. Чунки у Худонинг мадхидан бошқа нарсани ёзмасди.

У яна бир бошқа гулшан (осмон)га кўчди: ундаги ҳар бир чаманни кезди. У ерда шундай бир пари пайкар ўлтирардики, у - осмон қутисининг энг қимматбаҳо гавҳари эди[6]. Унинг жавҳари жон манбаидан ҳам ёруғ, дунёдаги ҳеч бир нарса ундан ёруғ эмас эди. Унинг вужуди дунёни ўзида акс эттирувчи оинага ўхшарди; ой кўзгуси ундан нур оларди. У осмон бўйлаб малаксифат парвоз этарди; порлоқ нурлар унга ҳар томондан қанот эди. Унинг чашмасини Исонинг ўзи топган бўлиб, тоза нафасидан ўлук тириларди. Чашмадан у оби ҳаёт сувини ичар эди. Кеча қоронғилиги эса унинг учун оби ҳаёт яширилган зулумот эди. Унинг вужудидан чашма суви оқиб чиқиб, атрофга ариқлар порлоқ нурдек таралар эди. Йўқ, бу чизиқларни бошидан-охиригача тилларга ўхшатса ҳам бўлади; унинг ҳар бир тили Худонинг ёдидан сўзларди.

У (кўнгул) яна ўрнидан туриб бошқа майдон (осмон)га халлослади; унда қўлига найза ушлаган бир пахлавон жангчи турарди[7]. Унинг қахри келиб, ғазаб тутуни кўтарилса, ҳар бир

---

[1] Бу мисраларда ой, ойнинг кўтонлаши хақида гап бормоқда. Қадим Шарқ астрономияси фикрича, ой биринчи осмонга жойлашган.
[2] Бунда иккинчи осмон ва унда жойлашган Аторуд (Меркурий) сайёраси хақида гап боради.
[3] Аторуд шарқда шоир ва санъаткорларнинг хомийси ҳисобланади. Бу байтда шунга ишора бор.
[4] Аторуд қўлидаги арфага ўхшаш хаёлий мусиқа асбоби хақида гап бормоқда.
[5] Бунда Зухра (Венера) планетаси (Чўлпон юлдузи) кўзда тутилади. Бу планета Шарқда котибларнинг хомийси ҳисобланади.
[6] Бунда қуёш кўзда тутилади.
[7] Бунда Миррих (Марс) сайёраси кўзда тутилади. Одатда қўлига найза ушлаган жангчи сифатида тасаввур этилган ва жангчилар хомийси ҳисобланган.

учқуни юз йилгача думли юлдуздек осмонда учиб юради. Унинг иши ҳамма оламларга қахр сочиш бўлиб, аччиғланганидан бутун вужуди заҳарга айланиб кетган. Аччиғидан ҳар томонга тиғ солади, тиғидан эса қон эмас, заҳар томади. Унинг май ичадиган косаси одамларнинг бошидан; ичадигани эса май ўрнига қон. Қоронғи кечада у отган ўқлар юлдуздай учади; қиличи кесган ер янги ойга ўхшайди. Найза ва ўқлари, хатто тиғи ҳам Худога шукр айтишга келганда тилга айланадилар.

У (кўнгул) яна бир манзил (осмон)га ўтди, унинг сахнида бир хушбахт киши жойлашган эди[1]. Ўзи фариштасифат, кийими ипакдан, бу кийимни дарвешларнинг ридоси деса ҳам бўлади, оддий ёпқич деса ҳам. Ўзи олти зинали минбарда ўлтирибди, юзидан унинг зухд-тоатда улуғлиги билиниб турарди. Кечалари юзини очиб кўрсатиш унинг одати, саодат нурлари унга машъал эди.

Унинг зебо жамоли доимий бахтга, бахт, омад билан тўла тақдири етук ақлга ўхшарди. Нур ва сафо чегараларигача унинг мамлакатидир. Ёзган ёзувлари эса Худога ҳамду санодан иборат.

У (кўнгул) яна бир черковга (осмонга) кириб, сайр қилди. Бутхона пири бир хинди эканини кўрди[2]. Ҳар ишда унинг истаги сабр эди; сабр қилиб, бирон ишни бажаришга ҳеч шошмасди. Унинг пешонаси мехнат-машаққат кунидай қора, оёғи эса айрилиқ кечасидай чўлоқ, жуда секин юрарди. У яхши ишлашини кузатиб турар, ўзи эса ўрдакдан баттар суст ҳаракат қиларди. Ўттиз йилда Маккани бир зиёрат қилгандай, атрофини зўрға бир айланиб чиқади. Қўлига тасбеҳ тутиб, уни ўгириб, тилида доим тирик қодир Худони зикр этади.

У (кўнгул) яна бир баланд тепага кўтарилганда, унинг атрофи мустахкам девор билан қўрғон шаклида ўралганини кўрди[3]. Этти осмон унга бориб туташган. «Қуръон»даги «Кўо бурилар» хақидаги гап ҳам шу осмонга тегишли. Ундаги хандақнинг таги шундай чуқурки, ўлчаш қийин. Атрофи ўн икки бурж бўлиб, биронтасининг дарвозаси йўқ. Ҳар буржнинг орасида тепалик бўлиб, бу тепаликнинг устида бир ажойиб гўзал (юлдуз) жилва қилиб туради. Қизиғи шуки, бу гўзаллар доим сайрда, лекин уларнинг сайри шу ўн икки жойдан четга чиқмайди. Улар художў одамлар тили билан сўзлайди, меҳрибон Худо мадхини кўкларга кўтаради.

Шундан кейин у (кўнгул) энг юқори осмонга байроқ тикди, энг юқори осмон зинасига қадам қўйди[4]. Бу ерда нақ бир бутхонага кўзи тушди. Ундаги ҳар бутнинг[5] кўриниши дурдонага ўхшарди. Унда бошлиқ ҳам йўқ эди, бирон барахман ҳам, лекин ундаги бутлар барчаси кумуш танли эди. Ҳар бир бут шу бутни йўнганга берилиб равиш қилар, бутга сажда қила бериб, бутпараст бўлиб қолган одамга ўхшарди.

У (кўнгул) шунча қизиқ нарсаларни айланиб чиқар экан, уларнинг ҳаммасига ибрат кўзи билан қарар эди. Уларнинг ҳаммасининг зикр ва саждада эканини, Илоҳий маърифатни эгаллаганини ўз кўзи билан кўрди.

Шу пайт унга яна ғайрат кириб, унинг ҳайрати бирга минг бўлди. Улар ҳаммаси зикр қиларди, фақат у ўзи гунг ва лол эди; улар ҳаммаси ўзаро жипсу бу ўзи ёлғиз паришон аҳволда. Уни яна сонсиз-саноқсиз ҳайратлар ақлини олиб, бехуд қилди.

Эй соқий, менинг вужудим ҳам ўша (кўнгул) сингари бўшашган, хатто нафас олиш ҳам менга қийин. Оғзимни қадахга олиб боришга ҳам мадорим йўқ, яхшиси, у майни пахта билан оғзимга томиза қол.

---

1 Бу ўринда гап Муштарий (Юпитер) сайёраси хақида.
2 Бунда Зухал (Сатурн) сайёраси тасвирлан моқда.
3 Саккизинчи осмон тасвирланмоқда.
4 Сўнгги, тўққизинчи осмон хақида гап бормоқда.
5 «Бут» - «будда» сўзидан. Бунда будда хайкаллари кўзда тутилмоқда.

XX
УЧИНЧИ ҲАЙРАТ

У паришонхол сайёх (кўнгул)нинг фариштaлар олами шабистонидан (инсон) бадани мамлакатининг қўрғонига тушгани ва у мамлакат одамлари (аъзолари)нинг ҳам «Мени эсланглар, мен ҳам сизларни ёдга оламан» буйруғи билан мислсиз қудрат (Худо) ёдида эканини билиб, ҳайрат ўфининг аланга олгани, вужуди у ўтдан кул бўлиб, ё ъқлик елига тамомила совурилиш билан иккинчи ё ъқлик ўрнига эришиб, шундан сўнг, Худодан унга тўкис-тугал боқийлик етиб, кўнгул эгасининг[1] ўша мамлакатда халифалик тахтига ўтиргани

Қуёш Шарққа ўз байроғини тикиб, жаҳон мамлакатларини эгаллади. Осмон отига минишни ихтиёр этиб, уфқ томонидан у отни сакратиб чиқди. То юқорига кўтарилгунга қадар уни тезлатди, ўз ҳарорати билан оламни иситиб юборди.

Инсон ҳамон ҳайрат майидан маст эди. Мастлик уйқусига берилиб кетганди. Қуёш иссиғи миясини қиздириши билан сесканиб кетиб, ўз хушига келди. Шундай аччиқ май билан маст бўлиб, хатто унинг қизиқ ўтидан иссиғи чиқди. Ҳар лахза яна саёхат этиш ҳавасининг ўти кўнгулга шуъла сочиб, ўзига бир доимий ватан топиш хаёли эсига тушди. Кўнгул яна сафар қийинчиликларини бўйнига олиб, мақсад манзили томон йўлга тушди.

Кўнгул бу дунё сахнидан завқланиб турганда, унинг олдида ажойиб бир шаҳар[2] пайдо бўлди. У шаҳарнинг ҳар томонида мавжуд ажойиботларнинг ҳам ҳисоби йўқ эди. Яратувчи (Худо) нинг қўли унинг лойини ясаганда, унинг шаклини алоҳида бир лутф билан яратган эди. Унинг вужудини икки устуннинг устига ўрнатди, унинг ичига жуда кўп қизиқ нарсаларни беркитди. Унинг гавда тузилишига тартиб бераётганда, уни тўрт жавҳарни (ўт, ҳаво, сув, ер) бир-бирига қўшиб яратди. Бундаги икки жавҳар (ўт, ҳаво) энг юқори сифатлиси, қолган икки жавҳар (сув, ер) эса қуйи сифатлиси эди. Бу тўрт бир-бирига зид нарсалар ўзаро шундай тенглашдиларки, буларнинг қўшилганидан бир бутунлик юзага келди.

Унинг ичида масжид, бозор, маҳаллалар бор, кўчалар, боғлар, майхоналар бор. Унда ёнган ўтнинг Мусо ёққан ўт ёруғича ёруғи бор; ели Исо нафасидек жонбахш. Сувлари жаннат сувидек мулойим, тупроғи гул бўлиб, анбар исини беради.

Мамлакатнинг ўртасида бир тахт ҳам бор. Шу ердан подшоҳ мамлакатни бошқаради. Тахтда бир хол юз берса, бу ҳамма иқлимга таъсир кўрсатади. Тахтда тинчлик бўлса, бошқа ҳамма жойда ҳам тинчлик; тинчлик бўлмаса, ҳаммаси - нотинч.

Унинг энг тепасида бир қаср бўлиб, уни қурган меъмор ўзининг яратувчилик паргори билан уни алоҳида ажратган. Бу қасрнинг тузилиши ҳар қандай нозик ақлни хайрон қолдиради; унинг лойихаси Чин наққошларини ҳам лол этади[3]. Бу қасрнинг усти олий бир гумбаз билан ёпилган; бу гумбаз осмон гумбази билан тенг[4]. Осмон гумбазида нима ёзилган бўлса, уларнинг барчаси бу хушбичим гумбазда ҳам ёзиғлиқ.

Бу қасрга ажойиб бир эшик очиб қўйилган; овозидан (ҳар очилиб ёпилганда) дурру гавҳар сочилади[5] Бу эшикнинг икки табақаси ҳам лаълдан, унинг дандaналари тоза дурдан[6]. Палоси ёқут билан тўқилган, дурлар ёқутнинг орасида қолиб кетган.

Нимаики ейиш ва ичишга тегишли бўлса, нимаики ейиш ва ичиш учун ёқимли бўлса, ҳаммаси бир йўл билан боради; кечаю кундуз шаҳар ахолиси шундан озиқланади[7].

Ортиқча, керак эмасларини даф этиш учун ҳам бунда икки йўл бор.

---

[1] «Кўригул эгаси» - инсон.
[2] «А ж ойиб бир с х а х а р» - бу ўринда инсон ва унинг гавда тузилиши кўзда тутилади.
[3] Гап инсоннинг боши устида бормоқда.
[4] Гап инсон бошининг қопқоғи устида.
[5] Оғиз ва ундан чиқадиган товуш (сўз) кўзда тутилади.
[6] Икки лаб ва тишлар кўзда тутилади.
[7] Бу икки байтда қизилўнгач кўзда тутилади.

Бу йўллар паст томондан ўтади[1].

Лаъл эшикнинг тепасида икки туйнук[2] бўлиб, бундай туйнукларнинг бўлиши ҳам яхши ва ёқимли. Улар орқали нафас олиб, чиқариб турилади. Бу туйнукларнинг устидан кумуш суви юритиб қўйилгандай.

Устунлар устидаги гумбазга чиқиш йўли ҳам бўлиб, бу йўл шаҳарнинг умумий йўлидан ажратилган. Шамол шабадаси ушбу йўл орқали эсиб, шаҳар ахолисига тинчлик, ором бағишлайди. Бу шабада шоҳ[3] саройигача ўтиб боради, унинг базмига юз минг шодлик етказади.

Шоҳнинг ақлли бир ёрдамчиси бор. Унинг иши мамлакат атрофини айланиб юришдир. Атрофга диққат қилиб, нимани фикр этмасин, мавхум бир нуқтани юз бўлакка бўлиб текширади. Шоҳ учун унинг фикри қўлланмадир. Мамлакатини шундай адолатли йўл тутиш билан обод этади.

Юқоридаги қасрда бахтли вазир ўитириб, халқ иши юзасидан фармонлар беради. Қасрда бешта сахн тайёрланган бўлиб, у ердан ҳаммаёқни томоша қилиш мумкин. Лекин бу беш сахнда бешта ишбилармон бор. Уларнинг бири иккинчисидан тажрибали. Уларнинг ҳар бири бир сахнда жойлашган: ҳар қайси ўз соҳасининг тенги йўғи. Бири кўриш илрнини эгаллаган, сафо кўзидан ўз назарини пок қилади. Бошқа бири бирон товуш келса, уни диққат билан эшитади. Яна биннинг иши таъм билиш - хоҳ у ҳаёт майи бўлсин, хоҳ ўлим заҳари. Тағин биттасининг иши хид бўйича гулни тикандан ажратиш, совуқни, иссиқни сезиш. Кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш, хид билиш - ҳаммаси бешта. Дунёдаги ҳамма нарсаларни шулар орқали билиш мумкин. Тушунган одам бунга шубха билдирмайди.

Даҳлизи Чин накшлари билан безатилган қасрнинг майдонида бешта ишончли одам ўлтиради. Беш хис бўйича нимаики юз берса, улар ҳар қайсиси ўз соҳаси бўйича унинг тагига етишга ҳаракат қиладилар. Барча йиғилган жавҳар (маълумот)ларни улар халиги хазинадор қўлига топширадилар. Ундан иккинчисининг олдига ўтадилар. Унинг хазинадори эса хаёлдир. Сўнг учинчи хазиначи ҳам бор. Унинг иши бойлик қўлга кирса, сақлашдир. Яна бировининг олдига киришса, унинг иши доим бойликларни эгаллашдир. Унинг қўли нимагаки етса, ҳаммасини қонунга бўйсундиради.

Равшан ақлли нойиб буларнинг барини вазир мамлакат бойлигини қўлга олгандай оларкан, у бахт саройига йўл олиб, юзини мақсад остонасига қўяди. Ҳамма нарсани у мамлакатга адолат бағишловчи - подшоҳга арз қилади. Шоҳ бу хазиналарнинг устида хозир бўлиб, диққат билан барчасини кўздан кечиради[4]. Рад этадиган нарсани у рад этади. Мақсадга мос тухфаларни алоҳида ажратади. Қабул қилингани хақида овоз келгандан кейин, у тухфалар ўз ўрнини топади. Бу билан у шоҳ нажот йўлининг рахбари, катталик талашишни йўқотган бўлади.

Кўнгул эгаси Инсон бундай жаҳонни, заррада бутун борлиқ, қатрада эса дарё яширинганини кўргандан кейин фикр наҳангига яна ем бўлди, ҳайрат денгизида йўқолди. Фикр ўтининг тутунлари кўкка чиқди. Бутун вужуди ҳайратидан тугади. Чунки бу ҳайратда ранж ва уқубатлар бор эди. Йўқлик инсонни фонийликка олиб кетди. Худо унга янги вужуд ато қилди. Бу тоза вужудда мушоҳада этиш қобилияти бор эди. Боқийлик шамъи унинг кўзини ёритиб, ўзини ўша подшоҳлик ичида эканини англади. Ўша мамлакат, ўша юрт унга бўйсунди, фақат у юрт эмас, бутун жаҳон бўйсунди. Ўзи ҳам мамлакат, ҳам тахт, ҳам шоҳ

[1] Бунда эса сийдик ва ахлат йўллари кўзда тутилади.
[2] Буруннинг икки тешиги.

[3] Ақл, онг кўзда тутилади.
[4] Бу ерда беш сезги узвлари ҳақида гап боради.

эди, ҳаммаси ўзи ва ўзи ҳамма нарсадан огоҳ эди. У ўзлигидан ҳар бир мўйигача хабардор бўлиб, «Ўзини билган Худони ҳам билади» деган гап фойда берди.

Соқий, ёқимли май тўлдирилган қадахни келтир, мен уни халиги инсондай бирдан кўтарай. У қизил рангли майдан бир-икки қадах ичиб, инсон мадхида бир неча сўз айтай[1].

XXI

Хожа Бахоуддин Нақшбанд – сирлари муқаддас бўлғай, шундай зотки, санъаткорлик наққоши (Аллоҳ) ўзининг ҳикмат қалами билан замон саҳнасида унинг вужуди нақшини исломий бичим билан чизди ва тўғри йўлни кўрсатиш кайфияти билан кофирлар кўнгли варагидан хитоий ва фарангий[2] нақшлар (ўчиб) кетти ва Хожа Убайдуллоҳ (Аллоҳ у кишини саломат қилғай)ға илтижо арзимиз шундан иборатким, у киши хазрат (Хожа Бахоуддин Нақшбанд)нинг мутлақ ўринбосари, балки хақиқий халифанинг ўзидир

Баланд осмоннинг наққоши - осмоннинг ҳар сахифасига нақшлар ясар экан, Хожа ҳам кўпдан-кўп варақларга расмлар чизди. Унинг чизган нақшлари эса ниҳоятда ёқимли эди. Унинг накш чизадиган қалами нақшлар чизар экан, унинг нақшлари каби дилбар нақшларни ҳеч ким чиза олмаган эди.

Унинг кўнглида эса саховат нақши мустахкам ўрин тутган бўлиб, у сахифада вужуд нақши барҳам топган эди. Унинг нақшларига Хитой нақшлари тенг келолмай, ўзларини махв этган, оламнинг ўзи буларнинг қўлида нақшли узукка айланганди.

Бундай узук нақшига эса ўзининг ажойиб нақшлари билан деву парилар ҳам бўйсунар эди. Нақшларга тўла осмон ҳам қанча ҳаракат қилмасин, наққошликдаги санъатини изҳор этмасин, нақшларини намоён этмасин, оддий девор сахифасига чизилган расмдай эди.

Нақшбанд эса жонига ранжу машаққат нақшини чизар, мақсад бу орқали дунёнинг, ҳаётнинг фонийлик нақшини чизиш эди. Унинг жони ўша нақш макони бўлгани сабабли унга нақшдан бошқа ҳамма нарсалар фоний эди.

Ажабланадиган томони шунда эдики, у нақшга кўз солмас, жонида эса бақолик нақшидан бошқа нарса қолмаган эди. У кўнглида нақш солинган масканларда сайр қилар, бу сайрда эса кўнглида нақшдан бошқа нарса бўлмасди.

Мунаққаш бу осмон бўйлаб у сайр этар экан, кафининг нақшлари зарли лавҳаларга тегиб тургандай бўларди. У босган из нақшига пешонасини суртиб, нақшни тушунадиган фалакнинг кўзи бундан равшан тортарди.

У (Бахоуддин Нақшбанд) жаннат боғига йўл олар экан, бу (Хожа Аҳрор) унинг ўрнини олган эди.

Чексиз оламда бу тоқ бўлиб, тоқ эмас, бутун дунёга йўл бошловчидир. У булим осмони даргоҳининг супурувчиси, супурувчиси ҳам эмас, балки пешонаси билан хас-хашакларни тозаловчидир. Шоҳлар унинг қуллуғига ўзи келар, базмларида ҳар қандай хушёр кишилар ўзларини йўқотиб қўйишарди. Унга хизматда ҳар қандай одам огоҳ бўлиб турар, ўзи гадо бўлса ҳам, маънилиги жиҳатидан шоҳдек эди. Олдига келиб эгнини қанча таққослама, суриштирма, маърифат хазиначиси кафидан олган юзта либоси бор.

[1] Бу байтларда инсоннинг таъсирланиш, хаёл қилиш, бир нарсани хотирда сақлаш, фикрласли ва фикрлашдан хулоса ясаш қобилиятлари хақида гап боради. Шоир фикрича, шу йўсинда инсонда хаёт ва борлиқ хақида билим, тушунча пайдо бўлади.

[2] Фарангий - Европача.

У кийимини алдаш мақсадида ўзгартирмайди, ипакни оддий палосдан фарқ этмайди. Унинг суҳбатида ҳеч шак-шубхасиз аллақанча кўзга кўринмас гўзал раънолар ҳам бордир. У ўзи хилват гўшаларда ўлтирмас, ўзини ҳеч кимдан яширмай, ошкора юрар эди.

Осмон атласи билан мингта безак-хашам тўрқа тўни остидаги кўк астардек эди. Лекин ўша тўрқа тўнининг ҳар битта ипи фақр масаласида[1] юзта ўзаро боғланиш учун занжир бўлиши мумкиндир.

Жаҳон мамлакатларининг далаларининг бу деҳқони деҳқон эмас, балки ўша мамлакатларнинг нигоҳбони эди.

Мамлакатлардагина нигоҳбон эмас, балки у барча султонлар устидан султон эди.

У ёзган хатлар бирон подшоҳ қошига етиб борса, подшоҳнинг вазифаси уни ўпиб, бошига қўйиш эди.

Подшоҳлар буни бошидаги тож деб тушуниб, унинг ҳар бир ёзган сўзи тожга қадалган энг қимматбаҳо дурдек эди.

Аммо у хурсандчилик вақтида подшоҳларгагина тож бағишловчи бўлмасдан, балки гадоларга ҳам тож кийдирадиган зот эди.

Аллоҳ сўзларини одамларга талқин қилиб берар экан, унинг учун шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг эди. Унинг шаънига ноғораларни чалиш навбати келганда эса, навбат билан шоҳлар уни зиёрат қила бошлар эдилар.

У жаҳонни ўз нурлари билан ёритадиган Аллоҳни эслайдиган пайтларда, энг юқори шарофат юлдузлари бўлган (олим)лар унга ҳамсуҳбат бўлар эдилар. Уларнинг ҳар биттаси бир олам халқига рахнамо, бир олам аҳли дема, балки кўкдаги фаришталарга ҳам рахнамо эдилар. У киши барча тариқат кишиларига рахбар бўлиб, (йўлда кетаётган) мусофирларга кечалари юлдузлик қила олар эдилар.

Кўзи яхши кўрмайдиганларга нур ва иссиқлик бағишлар, натижада бундан уларнинг ҳар бири ўзи юлдуз ёки учар юлдуз холатига эга бўлиб қолар эдилар.

(Ўз вақтида) У киши тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган бўлиб, бир мамлакатда (муқим) ўлтириб қолмасдилар. У кишининг (оладиган ёки сотадиган) юклари оддий юк эмас, фано тилласига тенг тухфалар бўлиб, уни сотиб олган одамларнинг ҳар бири бу олтин туфайли бой бўлиб кетишни истар эди.

У кишининг кумушларининг барчаси ҳам фано конидан қазиб олинган бўлиб, дурлари эса йўқлик Уммони сувидан олинган эди.

Ҳар қаерга келтирган нарсалари (одамлар учун) нажот моллари бўлиб, коинотнинг тўрт томони тўлиб кетарди.

Аллоҳ жаҳон айвонини Убайдуллоҳ[2] ноғорасининг дабдабасидан бўш қолдирмасин. Худо у кишининг химматидан бизни ҳам фақр (тасаввуф) йўлида бадавлат ҳамда имонга бой қилсин!

XXII
БИРИНЧИ МАҚОЛАТ

(Мазкур боб) имон шархи(дан иборат) бўлиб, «Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига имон келтирган ҳар бир киши (деди): (Ҳар кимнинг) қилган яхши амали ўзи

---

[1] Фақр масаласи - тасаввуф масаласи.

[2] Убайдуллоҳ – Нақшбандия тариқатининг Бахоуддин Нақшбанддан кейинги энг йирик вакили Хожа Аҳрор (1404-1490).

учундир ва ёмон амали ҳам ўзининг бўйнигадир»[1] *дейилишидан мақсад (имон шундангина иборат) деган гап эмас ва агар (масалага юзаки қарайдиганлар) имон дегани шудир, деса, тушунган одамлар (бундай) демайдилар ва (шу муносабат билан) моҳият дарёсида ўз ожизона сузишимни намоён этмоқ ва фаришталар учган ҳавода бироз қанот қоқмоқ ва китобларнинг сахифалари юзасидан бир неча сўз айтмоқ ва пайғамбарлар юрган кўчада бир неча қадам чопмоқ ва қиёмат кўтарилганда тик турмоқ ва тақдир хусусида ўзига яраша иқтидор билан куй куйламоқ*

Кимки дунёдаги инсонлар орасида (чин) инсон бўлса, бунинг белгиси унинг имонидир. Кимки чегара ва қоидаларни билиб иш тутса, бу ҳайвоний билан инсонийликни фарқ қилганидир. Бу иккиси торн маънода инсонлар гуруҳининг (ўзига хос) юриш-туришини англатади. Сўзлаш (хусусиятига эга бўлган) инсон билан ҳайвонийлик уларнинг сўзлай билиши ва сўзлай билмаслиги билан белгиланади.

Сен бирон инсонни (хақиқий) инсон деб ҳисобладингми, билки, у доим инсон бўлиб, ҳайвон эса ҳайвонлигича қолади. Буни инсон яхши фарқ қилади. Тангри каломи («Қуръон») ҳам бу хақда хабар бергандир. Ҳайвондан фарқ қилмаган одам ҳам одам деб аталса, яхши билан ёмоннинг ўртасидаги фарқ қаерда қолади?

Қусурли одам билан комил инсон бир-биридан фарқ этилмас экан, унда олим билан жоҳил ўртасидаги тафовут нима бўлади? Бу сифат инсондаги топилмас бир нажот йўли бўлиб, одати бўйича такаллумли бўлди.

Сен шундай одамни тўғри, риёсиз деб билгин, қачонки у сабр билан, шукру ҳаё билан иш кўрса. Ҳошимий Пайғамбаримиз (умматларига) шундай буюрдиларки, имонли бўлиш учун уч нарса лозим бўлади:

Инсон деб аталиш шундай одамга раводирким, унинг ишлари қачонки имон билан мақсадга олиб борса.

Эй сен, имоннинг ималигини шарх қилиб берган киши, эшит, энди мен сенга имонни шарх қилиб берай!

Шариатда ҳар бир мўминга керак бўлган, у эътиқод қилиши лозим бўлган нарсанинг сони олтитадир. Уларни шу олтитага олиб келиб, иш тутса, бу билан у олти томондан ўзини қўрғон билан ўраган бўлади. Ким шундай хисордан ўзига макон тутса, унинг бутун бойлиги ўғридан тинч бўлади. Бу билан у ўз бойлигини ёиини билмасдан, гумроҳликда қолишдан, бундан бошқа кўп қўрқинчли йўллардан ҳам соғ-саломат олиб ўтиб, бу соҳада маломатга қолишдан омон қолади. Бу билан асл мақсадга йўл олиб, (Аллоҳга) яқинликнинг хос манзилидан ҳам ўрин тутгай. Буларнинг қисқача шархини тушундинг. Энди бунинг ҳар бирининг тафсилотини эшит.

Олтидан биринчиси (бош) мақсад билан боғлиқ бўлиб, бу мавжуд Ҳақни билмоқдан иборатдир. (Шунчаки) бор, деб ҳам айтма, негаки бу вужуд (дунёда) нимаики мавжуд бўлса, уларга файз инъомини беради. У вужуд зотига сабабчи бўлиб, (ҳар қандай) нуқс унинг камоли туфайли ўз нихоясини топади.

Таназзул ҳам, юксалиш ҳам У туфайли юз бериб, қуйи кетишнинг ҳам, баландга кетишнинг ҳам ихтирочиси Унинг ўзидир. Унинг қадимийлиги дарёси ҳам тошгандан-тошган, бир ёнида азалийлик боиса, бир ёни абадийлик (меъёридан ҳам) ошиб кетган. Нимаики тик бўлса, У Ўзи абадий (тик турувчи) бўлиб, бошқа ҳаммаси йўқ бўлиб кетган тақдирда ҳам, У (доим) бўлғусидир.

Бутун дунё халқига Унинг Зоти яширин бўлиб, Унинг исмлари (ҳаммага) аён, сифатлари эса бир оламдир. (Хоҳласа), барчани йўқ қилиб юборувчи ҳам Ўзи, ҳамма кетиб, бор бўлиб

[1] «Қуръон», Т., 1992, 35-сах. («Бақара» сурасидан.).

(доим) қолувчи ҳам Ўзидир. Икки дунё Унга тобеъ бўлиб, бошқа бир дунё ҳам бўлса у ҳам Унга тегишлидир.

Олтитанинг иккинчиси деб фаришталарни бил. Ҳаммаси уларнинг борлигини тасдиқлайди. Улар (доимий равишда) фалакларни зиёрат қилиш билан шуғулланиб, (инсонларга хос) нафс булғончларидан покдирлар. Уларга ҳар бир парранда товус кўринади, кўнгилларига энг яқин нарса эса тасбеҳ доналаридир. Мухаббат ҳарорати чоғида бу қанотлар ўтни янада кўтариш учун елпиғич кабидир. Уларнинг қанотлари битта билан чекланиб қўя қолмай, бирининг устига иккитадан, учтадан, хатто тўрттадандир.

(Аллоҳнинг) амрисиз улар на қадам қўяди, на нафас олади. Борлиғининг аввалидан бошлаб йўқ бўлиб кетгунларига қадар уларнинг барчаси шундайдирлар.

Уларнинг ҳаммаларининг асли шундай пок ва яланғоч бўлиб, тупроқ, сув, ел ва ўтдан холидирлар. (Шунинг учун) улар беҳишт боғларидаги қушлар каби завқли, бўйинбоғлари бор. Бироқ буларнинг орасидаги бир қуш бу завқни тополмай қумридек бўйинбоғликдир.

«Лаън» («лаънат») сўзида кўриниб турганидек, учта ҳарф яққол кўзга ташланар экан, унинг ҳар бирининг этаги халқасимон бўлиб, уларнинг ҳар бирининг халқаси туташ. У тубан қуш бўйинбоғи малъунлик белгисидир.

Учинчиси - бу осмондан тушган китоблар бўлиб, улардаги ҳамма сўзлар ҳеч шубхасиз Аллоҳнинг сўзларидир. Уларнинг ҳар бин китоб эмас, бепоён денгиз бўлиб, унинг ҳар бир сўзи катта бир дурдир.

Уни бахр дема, у ажойиб бир кон бўлиб, бошдан-оёқ лаъл ва гавҳарлар маконидир. Агар унинг бир учи учта шамъдан ёруғ бўлиб турган бўиса, лекин улардан бири Шарқ машъалидир. Унинг учтаси жонсиз табиат, ўсимлик ва ҳайвонот бўлса, бу еттитаси оталарининг ишларини бажарувчилардир.

Балки етти отаси бунга китоблар онаси бўлиб, ундаги етти оят эса буйруқ тусини олди. Йўқ, етти буйруқ ҳам эмас, ҳар бир сураси ўлкани обод этувчи давлат ва динини чегарасидир.

Бошланишидан ҳар бир сура олтин ҳарфлар билан ёзилган бўлиб, ичида безаклар билан тартиб берилган. Ҳар сахифасидаги гулшанга ўхшаш сахифа унинг боғи, хат чизиқлари атрофида тиниқ, тоза сувлар мавжуд.

Бу оддий боғ эмас, балки осмон, осмон ҳам эмас. Сатрлари - саф-саф малаклар. Балки унинг ҳар ўн ояти бир ложувард самодир.

Аллоҳнинг сўзларининг ҳар бўлаги варақдан варақҳа ўтган бўлиб, улардан барча ҳақиқатлар мавжуд ва барчаси тўғридир. Уларга монанди ёки ўхшагани йўқ бўлиб, унинг айтувчиси қадимийлик қанча бўлса ўшанча қадимдир.

Билгилки, яна бири пайғамбарлар гуруҳи бўлиб, уларнинг ҳар бири сафе гавҳари тўла денгиздир. Уларнинг барчалари Аллоҳнинг амри билан (одамларни) яхши ишга буюриш ва ёмон ишдан қайтариш билан шуғулланиб, халққа Худонинг тўғри йўлини кўрсатганлар. Тушунмаган кишилар бунинг учун улардан хужжат талаб қилишса, бунинг учун улар мўжизалар кўрсатишган. Уларнинг барчаларига сўзнинг ҳақиқати зоҳир бўлиб, ёлғон билан боғлиқ нуқсонларнинг юз бериш эхтимоли бўлмаган.

Уларнинг ҳаммалари гарчи пайғамбар деб аталсалар ҳам, аммо кўринишлари уч қисмга бўлинган. Анбиёлар биринчи гуруҳга оид бўлиб, уларга вахий келган ва (ғаройиб) тушлари туфайли етакчи бўлганлар. Шундан кейин Аллоҳдан (қандай хабар) бўлса, уларнинг ҳаммасини халққа етказиб турганлар, кейинчалик сабот-матонат билан жанглар қилиб, кишиларни динга даъват этиб, (зарур бўлса) урушга ҳам буюрганлар. Уларнинг ичида энг каттаси ва фасоҳатлиси билки, Абтахалик[1] пайғамбар (Муҳаммад с.а.в.) бўлганлар.

[1] А б т а х а – Пайғамбаримиз яшаган махалла номи.

Унинг кўнгли Аллоҳ юборган хабарларни биладиган бўлиб, дини эса бошқа пайғамбарларнинг динини инкор этишга қаратилган эди. Лекин кофирликнинг қоронғилигида қолган ҳар бир пайғамбар ўз дини билан (ҳаммаёқни) машъалдек ёритган эди.

У (Муҳаммад с.а.в.)нинг шариати Қуёши зуҳур қилгач, (олдинги пайғамбарлар ёққан) машъалларнинг нуриари сўниб (Аллоҳга) элчилик удумлари барҳам топиб, дин деганда унинг Ислом дини тушуниладиган бўлди – вассалом!

Ҳисоб-китоб куни (яъни қиёмат) бешинчи бўлиб келган. Уни ҳисоб-китоб куни дема – азоб тортиш куни де!

Қиёмат бўлишига, кишилар қилмишларидан пушаймон бўлишларига сидқидилдан ишонмоқ. Шодликка эришган дўстлар(нинг номлари) ўнг томонга ёзилиб, сахифалар юзида ёзишга жойлар етишмай қолади. Шимолда яшовчилар орасида эса можаро кўтарилиб, (гуноҳлари ёзилган) хатлар эса юзлари сингари қора бўлади. Тўғри тортадиган тарозининг икки боши бўлиб, бир томонида гавҳар турса, иккинчи томонида тош туради.

Пулсирот кўприги бўйлаб одамлар хавфда – ундан ўтиш бирига қийин бўлса, бошқа бировига осон бўлиши мумкин.

Дўзах ўти берган азобнинг нихояси ёқ: у кишилар халокати учун аждаҳо кабидир. Унинг еттита боши айлана гумбазни эслатса, еттита оғзининг ҳар бириси ғорга ўхшайди.

Уни еттита эшигини очиб турган дўзах деб ўйлама, у етти оғзидан ўт (алангаси) сочиб туради.

Жаннат гулшанида ноз-неъматлар шунчалик кўпки, уларнинг орасидан енгил шабада ўтиш учун йўл тополмайди.

Ундаги хурлар расмда чизилган арвоҳларга ўхшаса, уларнинг қадди ва лаблари (чиройли) туби дарахти ва кавсар суви кабидир. (Ниманидир кутиб) тинч ўлтирганлар бақо жомига умидда, бақо ҳам эмас, балки (Аллоҳ) жамолини кўриш умидидадирлар.

Олтинчиси қисмат хақлиги хақидаги сўздир. Билгинким, азалий ёзиқ - қандай яхши ва ёмон нарса бўлса, ўшаларнинг ҳаммасидир.

Азалият жоми соф ва тўла бўлишлиги учун, у майдан абадият аҳли ичиб маст бўлишлари учун бу мажлисда пайдо боиган усулларни ва ундан келиб чиқадиган шохобчаларни тушуниш керак. Бирон маст ёқимсиз товуш чиқарса, созанда эса дилкаш наво чалса, биров Каъба сари йўлолса, баъзиси майхона ичида ўлтириб, базм тузса; биров чўлда юз қийинчиликни кўриб азобда бўлса, бошқасига фано майхонаси маскан бўлди.

Майпараст муғбасна маст бўлиб чиқиб, яхши одамларни нам маст қилиб, расво этди. Май қуйқасини ичиб юрадиган кетиб, нима бўлгани бўлган бўлса, хирқапўш дарвиш келиб, фосиққа айланди.

Уларнинг барчалари Ҳақ илмидан маълум, лавҳайи махфузда (фаолиятлари) ёзиб қўйилган эди. Лекин улар ўзларининг яхши амаллари орқасида на бехистга эришдилар, ёмон феъллари уларни дўзахга ҳам солгани ёқ.

Бир одам минг йил Тангрига сажда қилса-да, доим бахтсиз бўлиб қолса, бундан қандай фойда бор! Дайрда муғбачалар халок этган абадий бахтиёр бўлса - бунинг хавфли томони қайда?

Кимдаки бу олти нарсага эътиқод бўлар экан, ҳам шу равишда бу хақда ёзар эканман, унинг ёзиғи қанча қора бўлмасин, у гуноҳ дарёсига қанча ғарқ бўлмасин, ажаб эмас, агар унда афв умиди пайдо бўлиб, абадийлик раҳмати унинг қўлидан тутса!

Лекин бу дарднинг ўтлари жонни қийновчи бўлиб, ушбу азоблар ичида сир эгалари куйиб-ёнишлари мумкин. Ундай пайтда бу бириси ўз холига мотам тутса, униси бутун оламни тарк этиш йўлини тутган бўлади. Мен бундай буюк мартабани баён қилар эканман, бундай мартаба кимга етиб-етмаси аён эмас. Бирор кимсага етиши ҳам аниқ чекланмаган, елмаслиги ҳам қатъий ва бархақ эмас. Ё кофирми, ё мўминни умидвор этай десанг, на униси умидвору, на бунисининг кўнгли тинч.

Токи ким ўзининг бахтсиз ёки бахтли эканини билгунга қадар одамиарни бундай хавф ҳам, умидворлик ҳам куйдиргани куйдирган. Нажот топиш барчанинг нияти бўлиб, лекин унга эришиш иродага боғлиқдир.

XXIII

Билимдонларнинг султонини ғамгин холда кўриб, муридда савол тили очилгани ва қониқарли жавобларни эшитиб, андухлик кўнглини бўшатгани

(Кунларнинг бирида) Боязид[1] хафа холда ўлтиртган эди, буни кўриб бир муриди унинг хафачилигининг сабабини сўради.

– «Эй (доим) осмони фалакнинг устида юрган, Арш фазосига ҳам қадами етган устоз! Кўнглинг қандай бир ишдан бу қадар эзилмоқда? Бундай қийналишингга нима сабаб бўлди?»

Пир кўзидан ёш тўкиб, хатто ўтли бир оҳ тортиб, деди: «Бу шундай ғамки, мени адо қилди. Бу ғала-ғовур билан тўла дунёда одамлар кўп-у, аммо ҳеч ким йўқдек. Ҳар кишининг кўзига ўзининг иши яхши кўриниб, бошқа бир одамни йўқлаган хақиқий бир инсон йўқ! Бу атрофда бундай киши борлигини аниқ билмайман. Бўлса ҳам, дунёдан ўтиб кетган кишилар орасида бўлиши мумкин.

Бу жавобдан савол берган изтироб чекиб, яна деди: «Эй Қуёшдек олижаноб зот! Эл орасида бундай одам йўқ деяр экансан, о.ъшандай (буюк) кишилар доирасига ўзинг мансуб эмасмисан?»

Шайх жавоб берди: «Эй (доимий) иши гумроҳлик бўлган, (бўлаётган) ишларнинг сирларидан ҳам огоҳлиги бўлмаган инсон! Мен ўзим ҳам ўзимга ўхшаган юз минг сарсон-саргашта юрган, кўзининг ёшлари бағрининг қони билан қоришиб кетганлардан мен. (Агар бу дунёдан) кимки имон билан кетмаса, билгилки, бундайларни одам дейиш мумкин эмас.

Оламда қанчадан-қанча катта ва кичик менга ўхшаган, сенга ўхшаган ҳар хил одамлар бўлиб, ҳаммамиз шундай ташвиш тиғидан жароҳатда, барчамиз шундай мотамга гирифтормиз.

Кимнинг ичи бундай ғуссадан қон бўлмаган? Бу гапнинг маъноси кимга аён эмас?

Бирон киши жони билан видолашар экан, унинг имони бўлмаса, демак, унинг (у дунёга ўзи билан кетадиган) ҳамроҳи ҳам йўқ. Қачонки жаҳон аҳлининг барчасида аҳвол шундай экан – буёғида саволга ўрин йўқ».

Савол берган мурид бундай дурга ўхшаш маъноли гапларни қулоғи билан эшитар экан, оғзи садаф оғзидек хомуш боиганича қолди.

Ё Худо, нариги дунёга олиб бориладиган тухфа (имон)ни Навоий билан ҳамроҳ қилгайсен ва шу кифоя. Унинг имонини хизматингга махкамъқилиб, ваъдасини имонидек қил!

Соқий, ўлмоқдаман, имон майини келтир! Вужудимга имон майидан жон бағишла! Сен бугун жомимга даврон майини қуйма! Унинг ўрнига жонимни ол-у, оғзимга имон майини қуй!

XXIV
ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

[1] Боязид Бистомий - тасаввуфнинг энг йирик намояндаларидан бири (874-йилда вафот этган).

Ислом хусусидаким, «Алиф»лари тинчлик боғининг сарвлари дурур ва «Син»и саодат қасрининг кунгураси ва «Лом »и латофат гулчеҳрасининг сунбули зулфи ва «Мим »и мухаббат маш ъалининг нури ва ул сарвлар соясида ер тутмоқ ва ул қаср кунгурасига талаб тузоғини қўймоқ ва зулф сунбулини қаттиқ ипга айлантирмоқ ва ул машъал нури билан кўзни ёритишнинг тарғиби

Оламдаги халқларни Пок Парвардигор нажот аҳли ва халок гуруҳига бўлди. Улардан бу бирисини санамларга сиғинадиганлар деб, иккинчисини Ислом жамоаси деб бил. Шунинг оқибатида куфр эли маломат йўлини тутди, Ислом жамоаси саломатлик, соғломлик бўйича кетди. (Шунинг учун) у бирига дўзах ўти мақом бўлган бўлса, Ислом эли саломатлик уйини танлади.

Ислом мамлакатлари саноқли бўлиб, уларнинг халқи қанча эканлигидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси бошидан-оёғигача мусулмон эмас. Ким хақиқий мусулмон бўлса, буни ёлғон деб айта олмайди.

Мусулмончиликнинг бир қанча шартлари бўлиб, буни омий кишиларнинг биронтаси ҳам билмайди. «Кимки соғ-саломат муслим бўлса», ўша мусулмондир. Юз, қўл ва тил бу масала талқинида ожиздир.

Боқ – бу иш кимнинг қўлидан келиши мумкин? Ёки бу сўз кимнинг тилидан чиқади?

Бундай пайтда ақл тилни лол қолган холда топади. Фақат тил эмас, қўл ҳам шол холатда.

Бу шартларнинг имконлари бўлганидек, бу шартлардан айрича унинг таянчи, устунлари ҳам майжуд. Уларни Тангри таборак бешта қилиб ясаган. Буни муборак бешлик деса ҳам бўлади.

Бу беш устуннинг биринчиси ҳеч шубхасиз «ло илоҳ» билан «Иллаллоҳ»дир. Яна бири Муҳаммад (с.а.в)ни унинг элчиси деб бил. Унга гувоҳлик бериб, уни қабул ҳам эт.

Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, бу икки сўз қандай сўзлар бўлдики, улар туфайли икки олам тартибга келди! Тақдир китобига қалам аввал буни ёзиб, жаннат эшигига ҳам шу хат ёзилгандир.

Баланд осмон узук халқаси каби бўлиб, у сўзлар унинг юзига нақшдек мухрлаб қўйилган, ё бўлмаса, бу хатлар узукка безак сифатида ёзилган ҳамда осмон узугининг оғирлигидан букилгандир.

Инкор аҳли ўзлари биладиган нарсалардан бошқаларини ҳаммасини рад этишга ҳаракат қиладилар.

«Иллаллоҳ» - бунинг исботи бўлиб, айни шу вужуд унинг аслини ҳам англатгусидир. Муҳаммаднинг Аллоҳга элчи болганлиги натижасида унга абадий иқбол юзланди. (Аллоҳнинг) буйруқлари ва (маълум нарсаларни) манъ этишини баён қилиш, Унинг (маълум сабаблар билан) қахрга келганлигини аён этиш учун пайғамбарларнинг яхши бўлиши - Тангрининг истаги бўлиб, улар нима-нимани етказсалар ҳаммаси рост гаплардир.

Устунларнинг иккинчиси намозни қандай адо этиш (масаласи) бўлиб, лекин бунинг бажарилишида маълум қийинчилик бор. Бунинг учун аввал тахорат қилиш керак. Шу билан бирга тахорат қандай бўлиши кераклигини билиш зарур. Тахорат дегани сувни яхши кўриб, бир неча аъзоларни сув билан ювишдан иборат, дегани эмас. Бундай тахоратни ҳар қандай хафсаласиз қилиши мумкин. Бундан бошқа латиф тахорат ҳам бор. Бунинг учун поклик чашмасидан завқланиб, аввал кўнгул лавҳасини (ёмон ўй-фикрлардан) тозалашинг зарур. Танани махорат билан ювиш билан бирга руҳни ҳам поклаш керак бўлади. Рухни ҳам шундай тозалаш керакки, юзда кичик бир нуқтача ҳам кир қолмасин. Кўзни ариқдан тиниқ кўз ёшлари оқиб кетгандек қилиб, кўнгулни ҳам яхшилаб бўшатиш зарур.

Шундан кейин ўз яшаб турган уйингни (шаръан) фойдаланишга нолойиқ деб топиб, Худонинг уйи (масжид) томон йўл олишинг керак. У ерга аввал ўнг оёғингни босиб кирар экансен, Худодан бошқани ичкарига киритмагайсен. Бу вақтда уй эгаси бўлсаю сен бўлсанг -

шу яхшироқ ҳам. Уйнинг четроқ еридан ўрин тутилса. Устунга ўхшаб тик турсаларингиз. рукуаа борар экансиз, эгилиш қоидасига риоя қилинса.

Саждада хаяжон билан ерга бош қўяр экансиз, сизнинг чеҳрангиз Қуёш сарғайгандек бўлса. (Намознинг) вожиб ва фарз (қоидаларига) риоя қилинса, суннат ҳам тўлалиги билан адо этилса.

Шундай яхши сажда ҳамда пок юз билан намоз ўталса, (ўлганингизда ҳам) ерга Қуёш каби (пок юз билан) кирасиз. Қиёмат тонгида қандай зуҳур этсангиз, бошдан то оёғингизгача Қуёшдек нурга ғарқ бўлурсиз!

Учинчиси закотнинг бажарилиши мажбурий эканлигидир - Аллоҳ сенга мол ва ер-сув каби нимаики берган бўлса, шулар юзасидан. Бунда ҳам икки хил йў1-йўриқ майжуд бўлиб, эй дўстим, унинг бириси энг асосийси бўлса, яна бири унга туташ қисми ёки шохидир.

Буниси шундай қисмки, ташқи томони Пайғамбар шариатига, қандай изоҳланса ҳам қабул қилсанг бўлаверади. Закотни берувчи ўз маблаг и (бойлиги)нинг хақиқий эгаси бўлса, ҳар қирқ дирамдан бир қисмини ҳисоблаб ажратиши керак. Унга дехқончилик ва дўкондан, шунга ўхшаганлардан ҳам, хатто хизматчилари, юк ташийдиган ҳайвонлари (от, эшак ва х.з) ҳам шу ҳисобга киради. (Уйида) қанча матолари бўлса, шариат йўли билан иш кўрилиб, ҳаммасига закот берарлар. Бунда ғалланинг миқдори ҳам аниқланиб, қанчалиги, қанақалигига қараб очиқ белгиланади. Доимий равишда саккиз киши сарф-харажатни шариатдан келиб чиқиб, сўзлаб тушунтиради. «Фаръ» закотнинг, айтиб ўтганимиздек, бир қисми бўлиб, у асосий қисмидир ва бу нарсаларнинг ҳар қайси фаслда ўзига хослиги бор. Асл мақсадга мувўфиқ ишга киришиб, нима бўлса ҳам орқага қайтмаслик. Борини бериб, бунга шукр ҳам қилиш керак. Бериш учун сўралган нарса топилса, бу яна ҳам яхши.

(Уй эгаси, хўжайин)нинг захира қилиш кўнглида бўлса, унга фақирлик ва фано ганжи ўзи етарлидир.

Унинг кўнглида пулнинг нақши ўз доғини қолдирмаган бўлса, у ўзига дурнинг порлоқ нурини шамчироқ қилмоқчи бўлмаса, бағрини лаъл ғами билан қон қилмаса, дур ташвишида кўзидан ёшлар оқмаса, мингтани топиб, биттасини ҳам олиб қолмаса, нима камчилик бўлса, ўз бўйнига олса, бойлик топиб, бирон вайронага олиб бориб беркитмаса, бировга берганини миннат қилмаса, ҳар нарсани етарли бериб, уни бировдан беркитмаса, бунинг устига яна суюнчи ҳам бермоқчи бўлиб, бошқа нарса тополмаса – кимки эҳсон қилса – шунчалик қилар, бойликка эришса, тайёргарлик кўриш ҳам шунча бўлар!

Бунинг тўртинчиси рўза бўлиб, бундан қочмагил. Уни тутгину, инкор этишга оғиз ҳам очмагил. Ошқозонингни бўшлиқ билан тўлдиргил. Унда қанча бўшлиқ бўлса, хурсандчилик билан тўлат.

Рўза билан боғлиқ хадисда бу хақда лўнда қилиб Аллоҳ «Ас-савму ли» («Рўзага») деган, дейилади. Нисбат бериш йўли билан бу мулоқотни ўзи билан қилди, йўқса унинг ўзиёқ буни манъ этиши мумкин, буйруқ бўлиб, Худо сифатида жазоламоқчи бўлиб, рўза ўттиз кун эмас, йил-ўн икки ой! дейиши ҳам мумкин эди. Шунча (яъни ўн икки ой) тутсанг, бу Унга лойиқдур. Билсанг жазо сенга қараб йўналтирилган эди.

Бу рўза эмас, у (инсонга) машаққат ҳам келтирувчи, (Илоҳий) хабарда эса «Ана ажзо бихи» («Мукофотини ўзим бераман») – бўлиб келди.

Бу ҳам уч қисмга бўлинган бўлиб, унинг биринчиси ижроси қуйидагича расм бўлгандир. Саҳар чоғида Қуёш нурларини намоён этиб, ўз рухсорини кўрсатмагунча рўза тутган киши овқат ва ичкилик (сув) истеъмол қилмайди. Лекин иккинчисини ичмасликка алоҳида эътибор бериш зарур.

Бундай рўза тартиби битилар экан, бунга ҳам бир қанча қўшимчалар бўлиши мумкин. Бошқа аъзоларга халал етмаслиги, шариатга хилоф ишларга қўл урмаслик лозим. Ҳар ким ўз ишига берилганда, манъ этилган нарсаларга қарши жидди жахд билан курашмоғи

керак. Бормас ерга бормаслик, кўриш керак бўлмаган нарсани кўрмаслик, ушлаш керак бўлмаган нарсани ушламаслик, айтиш керак бўлмаган нарсани айтмаслик, эшитиш керак бўлмаса эшитмаслик, юриш керак бўлмаса юрмаслик керак.

Лекин учинчиси шундан иборатки, кўнгул юқоридан тушадиган барча нурларнинг маконидир. Унинг ҳавоси пок ва роҳатбахш.бўлиб, осмони ҳам файз жилвагоҳидан иборатдир. ллоҳий сирлар хазинаси ҳам унинг ўзи, шоҳона чеҳра ойнаси ҳам унинг ўзидир. Кир хаёлларни даф этиб, бу ойнани эхтиёт қилиб асраш даркордир. Чунку унда дўстдан бошқаси зуҳур этмайди, унинг хотирасидан бошқа бир нарса ҳам. Ҳеч бир сурат унинг накшига куч-кувват бера олмайди. Бошқалар эса бу неъмат ёрдамида рўзаларини тутаверадилар. Ушбу хол саҳардан то шомгача эмас, саҳар ва шомни ҳам қўй – давомлидир.

Бешинчиси, ҳар бир мусулмон қиблага қараб қадам қўйиб, байтул-ҳарам (Каъба) зиёратида бўлмоғи керак. Бундай саодатга етишган одамлар дашту чўлни икки тарзда босиб ўтадилар.

Бири шундайки, у бой одам бўлиб, унда юқори амал ҳам бор, уни суяб турган бойлик ҳам. Унинг учун йўллар тинч бўлиб, бирон бахтсизлик унга монеълик қилмаса. Бунинг учун йўлда керак бўладиган барча асбоб мухайё қилинса, унга меҳрибон бир ҳамроҳ топишса. Фарзни адо этишни ўзига муқаррар қилади-да, фарзни адо этадию орқасига жўнаб қолади.

Иккинчи хили - бу фано аҳлига оид кишилар бўлиб, улар ўзига фақирликни бойлик деб билади. Вайрона кўнглига дўсти (Аллоҳ) тушса, шавқ, талаб унинг жонига ўт солади. Фарёд қилиб, у дарҳол фил каби йўлга чиқар экан, ақлдан озган одамлар аҳволига тушади. Минг ёғоч масофани юриб ўтар экан, биринчи қадамдаёқ хаж кийимини кийиб олади. На унинг ёнида фарзанди бор, на оти, на улови, на бирга бораётган карвони. Дашт унга гулшан бўлса, оқ хушбўй гул-тикан. Ёнида муғилонзор[1] – бамисоли чаман. У ерда ҳар хил гармсел эсиб. рангни қизартирса, қанча гул ва лола бўлса, уларни шамол учиргани учирган. Шундай гармсел ичида қолса ҳам у соғлом, гўё гулзор орасида шабада эсаётгандек.

У ердаги чаманнинг дарахтлари тиконли бўлиб, қуюнлари эса - солланаётган сарвлар эди. Аллоҳ буларнинг ҳаммасига мурувватни далил қилган, шуълани эса Халилнинг[2] гулзорига айлантирган эди. Токи бундай аҳвол унга далил бўлиб, асосини Халил қурган ўша уй (Каъба)гача уни етказди.

У сидқ ва сафо билан тавоф қилар экан, барча шатрларни бажо келтиради. Дўст (Аллоҳ) уйида мехмон бўлиб турар экан, унга нима керак бўлса, мезбон хозир қилди. (Аслда) бу мехмонни ўзи олиб келган, борадиган уйигача унга ҳамроҳ бўлиб, етказиб келган эди. Бир одамни саодатга бунчалик сарафроз этган нарса фано ва ниёз эди.

Кимки фоний бўлиб, ёлборса, Тангри уни сирларни кашф этувчига айлантиради. Чўлни кезиш бойлик эгаларига фароғат бағишлайди, Фано ахлларининг чўлни босиб ўтишида бошқа бир (сирли) хол мавжуд. Униси нозу неъматларга эга бўлган бўлса, ундан ортиқроғига бу рнухтожлик билан эришди.

XXV

Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз ўқиш билан боргани ва Робияи Адвияга эса Каъбанинг ўзи унга муҳтож бўлиб келгани

Қачонки Иброҳим Адҳам[3] ўринбосарликдек юқори мансабини тарк этар экан, Аллоҳ фано тожини унинг бошига кийдирди. Унинг подшоҳлиги ва дабдабаларини фано ели учириб

---

[1] М у ғ и л о н – тиканли дарахт номи.
[2] Халил – Иброҳим (а.с.) пайғамбарнинг лақаби.
[3] Адҳам – Балх подшохи (777-й.да вафот этган).

(Каъбага олиб борадиган) даштни босиб ўтиш учун қадам қўйди. Масжидни қўйиб ўз холича намоз ўқир, ҳар қадамда икки ракъат намозини ўқишни қўймасди. Шу тарзда у ўн тўрт йил йўл юрди. Уни мадх этиш учун ҳар бир тикан ва гиёҳлар тилга кирди.

Маккани тавоф этиш учун у кириб келар экан, Байтул-ҳарам (Каъба зиёратгоҳи) ўз ўрнида йўқ эди. «Бу не хол, эй Худо!» - деб фиғон солар экан, ғойибдан овоз келди: «Эй йўловчиларнинг пири! Бир қария аёл чўлни босиб ўтар экан, (Аллоҳга бўлган) шавқу мухаббат юки оғирлигидан қадди букилибди. Заифликдан у шундай кучсизланибдики, (энди) Каъба ўзи уни зиёрат қилишга кетди!»

Бу воқеа Адҳамни хайрон қолдирди. У қараб турар экан, Робиа келаётганини кўрди. У деди:

«Эй сайргоҳинг Арш бўлган зот! Каъба ўзи сени тавоф этиш учун йўлга чиқибди! Қараки (ўз ишларинг билан) сен дунёга қандай овоза солибсан!»

Робиа унга жавоб бериб деди:

– Ошириб юборма! Бутун оламга овоза солган сен бўласан!

Даштни босиб ўтишучун ўн тўрт йил юрибсан!

Иброҳим деди:

– Эй пок қадам, сен фаришталардек, Осмонни ҳам кезиб чиқишга қодирсен! Аммо айт-чи, нима учун мен шунча йўл юриб азоб чекдим, азобни мен чекдиму хазина сенга тегди?

Робиа унга деди:

– Тушун! Бир неча йил чўлда барча йўлларни босиб ўтар экансен, сенинг ишинг намоз ўқимоқ бўлди, холос! Мен эса Унга истагимни айтдим, ишва, ноз қилдим, ялиниб-ёлбордим! Намоз ўқиб, риё қилиб, эришган хосилинг шудир. Менга эса ялиниб-ёлборишим ва ўзлигимдан кечганлигим шу мевани берди.

Эй Навоий, ноз аҳлига боқма! (Аллоҳ олдида) ўзини муҳтож тутганларга арзи ниёз қил!

Эй соқий, кўп ноз қилма, қадахни олиб кел! Боқ – сенга муҳтожлар нақадар ташна! Тўлатиб бер, - уни ҳар бир улфат, хусусан, улардан энг заифи – мен ҳам ичайлик!

XXVI
УЧИНЧИ МАҚОЛАТ

Султонлар хақида; энг юксак ва мақтовларга сазовор Тангри уларнинг хукмдорлик бошига подшоҳлик дубулғасини шунинг учун кийдирдики, уларнинг адолатлари кўзининг чашмасидаги зилол сув мамлакат боғини қондирсин, токи бу боғда тинчлик ва фароғат гуллари очилсин. Улар зулм боғида май ичиб, гул сочганларида эса у майдан ҳар лахза ўзгача гулларни гуллатадилар

Эй, улуғворлиги фалакнинг авжидан ҳам юқори кўтарилган одам, ой ва қуёш сенинг шаънингга ноғора бўлиб чалинади. Сенинг тахтинг мамлакат учун абадий бахт белгиси. Чодиринг соясида мамлакат қуёши порлайди. Бошинг туфайли тожнинг мартабаси юқорилашди; тахт эса сенинг оёғингдан азизу мукаррам бўлди. Пулга номинг чекилгани учун у хурмат топди. Сенинг обрўйингни билдирувчи тангалар осмон юлдузларича кўпдир. Сенинг амалдорлик хутбангни Муштарий сайёраси ўзи ўқигани учун тўққиз зинали осмон Курсиси унга минбар бўлди.

Қуёш ўзи сенга соябон бўлишга интилади. Ой юзидаги мухр сенинг узугинг ўрни. Сулаймон давлатида сен ишрат қиласан; хумо қушидан бошқа нарса сенга соя солмайди. Сен подшоҳ Жамшид ўлтирган жойда ўлтирибсан, қўлингни қадахдан бошқа нарса ўпа олмаяпти. Адолат узугингга баланд осмон «Ростлик - халослик» деган сўзларни нақшлаган. Баланд мартабанг хутбасини эса у «Адолат билан амрингни юргиз!» - деб ёзган.

Худо сенга меҳрибонлик соясини солиб, хукмронлик тахтини раво кўрди. Не-не буюк одамларни олдингда паст қилиб, дунёдаги қанча зўрларни сенга бўйсундирди. Сенинг олдингда халқни ҳам нотавон қилиб, ҳаммасига хукмингни ўтказди. Хизматингга элни мажбур этиб, олдингда қоматларини эгди.

Лекин сен шуни билки, сен ҳам бир бандасан, аслида уларнинг кўпларидан ожизсан, қуйисан. Улар тупроғу, сен тоза нурдан эмассан: аслида сен ва улар қора тупроқдан яратилгансизлар. Ҳамма аъзо ва тан бўлакларида, ташқи кўринишда ҳам, тузилиш моддаси эътибори билан ҳам тенгсан. Лекин хунар бобида, ақлий етукликда, яхши хулқда, чиройли сўз сўзлашда, адолат билан иш тутишда, инсофда, юмшоқликда, ҳаёда, бошқа сифатларда - шариат йўлида, ибодатда, Худо йўлида қаттиқ туришда - тўғри йўлдан сен анча четдасан. Бу соҳада уларнинг кўпи сендан яхши юради.

Сенга Тангри шундай имтиёз бериб, салтанат осмонида баланд қилиб қўйиган экан, тахтни сенинг шахсингга жой қилиб, хукмингни мамлакат бўйлаб ўтказиб қўйиган экан, мунда ҳам у ўз қудратини, ўз ҳикмати билан қатрани дарёга айлантира олишини намойиш этмоқда. Ўзининг хақлигини одамларга билдириб, ўзининг қудрати мутлақ эканини тушунтириб қўймоқда.

Лекин бундай бахтнинг рўпарасида, бундай буюк мартабанинг қаршисида у сенга бир неча вазифани топширган, бир неча санъатларни ҳам сенга насиб этган.

Биринчи вазифа унинг берган неъматига шукр қилишдир; кимки шукр қилса, Худо унга бундан ҳам кўпини беради. Агар сен шукр қилиб, зулм қилмасанг, ўзи: «Албатта, неъматингизни орттираман!» деган.

Сўнгра у сенга халқни омонат сифатида топширган; шунинг учун уларни хуррам тут, чунки бу хақда ўзи ҳам ғам ейди. Гарчи унинг буйруқлари кўп бўлса ҳам, аммо уларнинг ҳаммаси ҳам биру, буниси ҳам бир.

Халқ пода боиса, сен чўпон; у мевали боғ боиса, сен – боғбон. Қўйни агар ой-йиллар давомида чўпон асрамаса, уларнинг ҳаммаси оч бўриларга ем боиади. Дехқон ўз гулзорига туну кун қарамаса, кўклам дарахтини ўтин деб ҳисоблайвер. Бўрини подадан узоқлаштир: боғни ҳам сув бериб, обод қил. Пода тўғрисида қайғурсанг, у сенга кўп фойда келтиради. Боғ ҳам гул ва нафли мевалар беради. Пода қирилиб, дарахтлар қуриса-чи, сенинг ўзингга ҳам ҳеч қандай наф ва фойда боимайди.

Худо топширган топшириқларини сўраб қолса, ўйлаб кўр, сен у вақтда қандай жавоб берасан? Агар сен ўзинг ёи таниган одам боисанг, кўзингни оч, иш тутишингни унинг айтганларига қиёс қил. Сенинг қарамоғингдаги бир одам зулмингдан бечора холга келиб, эзилиб, обрўси, мол-дунёси боимаса ҳам, лекин инсоний қадр-қиммати сеникидан ортиқ. Нимага десанг, қиёмат куни энг юқори турган Худо золимларни ҳам, мазлумларни ҳам саволга тутади. Шунда унга бу дунёда чеккан зулми учун мукофот, сенга эса шармандалик боиади. У буюкликка, сен тубанликка сазовор боиасан. Унинг тили поиат ханжардек узун боиади, савсандек тик очилади. Сен эса гунафшадек қаддингнии букиб турасан, уятдан босн кўтара олмай, мағлуб холда қоласан. У хурсандчиликда, сен эса ғам-андухда; сен хозир қандай боисанг, у ўша вакт сендай боиади. Қилган хатоларинг ҳисоблаб чиқилгандан кейин, ҳар биттасига юз азоб тортасан. У вақт Тангри бу дардингга даво қилмайди. Агар бировдан тортиб олганинг синиқ игна боиса ҳам у ерда олмос ханжар бўлиб бағрингга қадалади. Агар мазлумнинг ўзи гуноҳингдан ўтмаса, сенинг жойинг доим дўзахнинг ичи бўлиб қолади. Агар сен унинг кечиришига умид тутмасанг, билки, абадий дўзах ўтидасан. Кимгаки бу дунёда бир тикан киргизибсан, у сенинг кўксингга юзта ўткир тиғ уради. Кимгаки бир учқунни текизган боисанг, бунинг бадалига бутун бир дўзах ўтини оласан. Кимга бир қилча зиён етказган боисанг, у ипни ўз оииминг учун илон деб бил.

Евоҳки, бахт сенинг қоиингни қувватли қилган эди, лекин сен эса ундан зулм йўлида фойдаландинг. Сенинг халойиққа қилган зулминг

камаймас экан, бу билан сен ўзингга ҳам зулм қилган бо ласан. Зулм қилиш ўзинг учун ҳам бузуқлик-ку, эй хушёр одам, агар хушинг жойида боиса, уни йўқ қил.

Сен хурсандчилик базмига ёи олар экансан, айшу фарпғат ёиида базм қиларкансан, базминг учун тайёрланган қаср жаннат монанд қилиб жихозланган. Лекин унинг пардаларининг иплари халқнинг жонидан, қизил тошлари ва қизил. бўёқлари одамларнинг қонидан, шипи халқ молини талаш ҳисобига олтинланган, халқнинг дур ваиаилари билан нақшланган. Ғиштлари масжидларни бузиб келтирилган, тошлари одамларнинг қабрларидан ташилган.

Сен шундай жойда тахтда оитириб, шаханшоҳлик қиласан, хурсандчилик қадахи учун иштаханг жойида. Базмда соқийлар кулиб, жилвада; созандалар турли-туман соз чалиб, қўшиқ айтмоқдалар. Унда кўнгул нимани хоҳласа, бир эмас, минглаб топилади. Оғизларидан чиққан гаплар гапирадиган гаплар эмас; шундай ишларга кўз тушадики, қараш мумкин эмас. Қулоқ шовқин-сурондан бошқа нарсани эшитмайди. Мақсадлари қўлга қадахдан бошқа нарсани олмаслик.

Бундай хурсандчилик кунинг, хай-хунинг кўплигидан ҳеч ким сўфининг азонини эшита олмай қолади. Ғазалхонлик, гап-сўз, куй билан бўлиб, ҳамма ўша кунги намоздан қолади. Ўша оитиришдаги бор-йўқ тақводорлар: бели букик чанг - рукуъда, шиша эса саждага бош қўйган эди. Улар ҳам бу хил «тоат-ибодат»лари билан расво бўлиб, тасбеҳ доналарини мева ўрнида газак қилишди. Қуёш гардишидан нурлар сочила бошлагунга қадар айшинг хилватида шу хил тирикчилик.

Шорн жаҳон сахифасини қора қилиб, зулмат пардасини халқ устига ёпганидан, нақ ярим кечагача шу аҳволда боиасан. Сенинг ҳам, одамларингнинг ҳам аҳволи шу. Бундай аҳволингга май қадахи қон йиғлайди, шамъ куюб, кўзидан ёшлар тўкади. Санж[1] чапаклар чалади, ноғора наъра тортади, хўроз осмонга қараб нола ва афғон чекади. Кайфинг ошиб, хилватга ўзингни олганингда эса кўнглингга келган ишларни қиласан.

Базмда қолганлар, хоҳ қари бўлсин, хоҳ йигит, ичкиликдан ҳар биттаси бир телба итга айланади. Жахлда улар қоплондан ортиқ бўлсалар ҳам, лекин нафс итининг қўлида мағлуб бўлганлар. Уларнинг ҳар бири юзлаб хомтамаъ бўлиб, бутун ислом мамлакатига ёйилишган. Ҳар томонда улар маст аҳволда ором излашади, бир гулюз гўзалдан мақсадларини хосил қилмоққа интиладилар. Мастлик уйқуси хужум қилганда эса бу шум тўдадагиларнинг барчаси ўлукдек ётади.

Тонг ўз нурларини зоҳир қилиб, ҳар торнонга ўз порлоқ юзини очганда, кун ёйилиб, чошгоҳ бўлганда эса султон ва унинг одамлари, аскарлариҳамон уйқуда. Кўзларидануйқу кетгандансўнг уларнинг ҳар бири бир зулм билан машғул бўла бошлайди. Улар халққа зулм қилиш эшигини очиб, хурсандчилик асбобларини тайёрлай бошлашади. Асбоблар тайёрлангандан кейин шодлик базмида яна ғавғо, шовқин бошланади.

Бу фақат шу замон подшосининг одати бўлмай, каттадан-кичик - ҳамма ўз холича шу хилда иш тутади. Ҳар куни кечгача уларнинг иши шу, ҳар кечани шундай ғафлат билан кунга улашади.

Эй халифалар тахтида ўлтирган подшоҳ, ўз ишингга, уларнинг ишига бир қара, ахир. Қоида деган шунақа бўладими, гапир! Ўз ишинг нима бўлиши мумкинлигининг ғамини ҳам эсанг-чи! Худо сени адолат қил, деб султон тайинлаган эди, сен бўлсанг зулм этиб, халқни хонавайрон қиляпсан. У сени тоат-ибодат ишларига буюрган эди, сен бўлсанг нуқул ўйин-кулгини одат қилдинг. Бу ўзини билмаслик неча ой, неча йил давом этиши мумкин? Агар сен ўзингга келмасанг, охир ўзингнинг аҳволингга вой! Умр шундай ишлар билан ўтиб кетади, ўлим қичқириғи бошингга етиб келади, эсда тут! Бу хашамат, бу одамлардан ҳам айриласан, сўнг бу қилмишларинг билан нима қила оласан? Қўлингдан тутадиган бирон яхши ишинг

[1] Санж – чалинадиган икки мис ликопча (литавр).

бўлмаса, азоб чекаётганингни кўриб туриб, ҳеч ким ёрдам қилолмайди. Сен зулмни тарк айла, адолат қил, ўлим кунингни ҳам эслаб қўй. Кундузи бутун зулм билан шуғулланиб, кечаси билан бузуқчилик қиласан: ахир бу зулм, бу бузуқчилик қачонгача давом этади? Гоҳ-гоҳ пушаймон кунини, пушаймон кунинигина эмас, қиёмат кунини ҳам ўйлаб қўй! Инсоҳ айб ва гуноҳдан холи эмас; ундан бутунлай қутулиш қийин. Хатосиз иш тутиш Худога хос, холос. Хато қилиш инсон табиатида бор нарса. Лекин хатонг учун қўрқув билан узр сўрашинг керак; афсус қилиб, зулмдан тавба этишинг зарур. Кимга адолатсизлик кўрсатган бўлсанг, унга адолат қилиб, қўлидан тут. Фикринг билан зулматни ёритишинг, лутфинг билан оламни ўзингга қаратишинг керак. Бировга қуёшдек тиғ солсанг ҳам, орқасидан меҳр-мухаббат изҳор эт.

Шоҳларда бундай сифатлар кам бўлади. Шоҳ Ғозийгина[1] уларни тўла эгаллаган.

XXVII

Шоҳ Ғозий қахрининг гармсели бир қайсар бошоқни барбод этгани, адолатининг суви эса ўша бошоқ битган бузуқ экинзорни обод қилгани

Саодатли Шоҳ Ғозий подшоҳлик тожи учун курашиб, тахт талашиб юрган вақтда - ёнида юз, икки юзча одам билан кўчиб юрар, гоҳ Хоразм ерида бўларди, гоҳ Адоқда. Отган ўқлари душман юрагини қон қилиб, тиғи ёв бошини учирар эди. Ўзи асли зотида лойиқ бўлгани учун Худо унга охири хукмдорликни берди. Халққа у адолат эшигини очиб қўйди. Тахтга чиқиб ўлтирди-ю, адолат кўрсата бошлади. Иморатлар қуриб, вайроналарни тузатди, зулмни адолат йўли билан бартараф этди. Бидъат ва фисқ-фужур ахллари йўқолиб, шариат адолатининг қўлини кучайтирди.

Бир куни у айланиш учун чиққан эди. Шунда бир девона кампир унинг этагидан махкам тутди. Нолаю афғон чекиб, оҳ тортиб, у деди:

– Эй, шариатпаноҳ шоҳ! Агар адолат билан иш кўриладиган бўлса, мен сен билан шариат бўйича даъволашаман. Шарт шуки, жаҳлинг чиқмайди, саволларимга шариат махкамаси - қозихонада жавоб бер.

Шоҳ жавоб берди:

– Агар сен жонимни талаб қилсанг ҳам, агар талабинг шаръий бўлса, айбимга жоним билан иқрорман.

Шу айтилган гап бўйича келишдилар, ислом қозисининг хузурига бордилар. Улар бир-бирига ёнма-ён ўлтиришди; атрофдаги одамлар хаяжон билан турардилар. Иккиси гўё катта маъракада Зол билан Рустам[2] тургандай эди, уларнинг бошида эса бутун олам тўплангандек. Қария деди:

– Шоҳ қазоқлик қилиб кўчиб юраркан, тиғ солиб, ҳар ёққа аскар тортарди. Мен тулнинг биргина жигарим бор эди, у жигарим экинзорининг ягона бошоғи эди. У боғимда битган қомати расо сарв, яна тўғрироғи, қуриган шохирннинг меваси эди. Шоҳ қиличи билан кўксимни ёриб, жигарпорамни халок этди. У тиғи билан жигаримни кесиб, жигарим қонини ерга оқизди.

Қози айтди:

– Ҳукмимга шубха бўлмаслиги учун иккита гувоҳ олиб кел. У жавоб берди:

– Агар икки гувоҳ керак бўлса: булар - шоҳнинг ўз адолати ва инсофидир.

---

[1] Султон Ҳусайн Бойқаро.

[2] Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидаги қахрамонлар номи, Зол пахлавон Рустамнинг отаси бўлиб, бу сўзнинг «қария» деган луғавий маъноси хам бор.

Шундай қилиб, яхши ниятли подшоҳ айбига иқрор бўлди. Адолат даргоҳининг одами бўлган қози хун пули тўлаш кераклиги ёки қасос олиш ҳақида хукм чиқарди. Шоҳ деди;

– Шариат шундай хукм қилган экан, пайғамбар шариатининг хукмига жонимни фидо қиламан.

У қийиқ билан бўйнини махкам боғлади; катта ҳамённинг эса оғзини бўшатди. Кампирнинг қўлига қўрқмасдан тиғ берди, бу томонга эса олтин, кумушларни тўкиб қўйди. Сўнг, у деди:

– Қасос оламан десанг, мана, бошим; мақсадинг тирикчиликка пул олиш бўлса, мана, пул. Ўғлингни ўлдириш ҳақида буйруқ берганимда, бошқа иложим қолмаган эди. Мана, нима қилсанг қил, ихтиёр сенда!

Шоҳнинг адолат ва зўр инсоф кўрсатиши тиғни ғамгин кампирнинг тишларидек ўтмаслаштирди. У узр сўраб шоҳнинг оёғига йиқилди ва деди:

– Эй юлдузларча аскарга эга бўлган подшоҳ! Агар болам сенинг йўлингда қурбон бўлган бўлса, мен қария ҳам сенга жонимни беришга тайёрман. Агар сени изтиробга солган бўлсам, яхшиликча кечир, мен енгилдим.

Вах, бу одамни қандай хижолатга солиш бўлди? Буниси қандай лутфу адолат ўзи?! Кампир ўзининг даъвою достонидан кечиб, хатто ўғлининг қонидан, ўзининг жонидан ҳам ўтди. Қизиғи шуки, одил подшоҳ уни ўша вақтда бой ҳам қилди. Юлдузлардек кўплаб олтин-кумушлар уни кўҳна фалакдек яшартириб юборди. Кумушнинг кучидан у кумушдек боиди. Халқ унга «Тилла кампир» деб лақаб қўйди.

Фалак шум кампиридан қанча алам кўрсанг ҳам, шоҳ адолат қилса, эй Навоий, нима ғам.

Эй гулюз соқий, адолат жомини келтир, қара, адолатнинг орқасидан қандай гуллар очилиши мумкин. Адолат қадахини тутки, шодлик билан ичай, замоннинг одил кишисини ёд тутиб ичай.

XXVIII
ТЎРТИНЧИ МАҚОЛАТ

Хирқа кийган риёкор шайхлар хусусидаким, уларнинг олдида хақиқий либос дегани хийла-найранг кийимидир, авом халққа ўргатадиган ҳақиқат ва билимлари эса ахмоқлик; хақиқий майхўрлар тоғрисидаким, уларнинг вужуд кийимлари йўқлик қўлининг зарбасидан йиртилган ва Исо нафасидек жонбахш нафаслари эса муқаддас руҳ каби пок ва зиёрат жойлари фалакнинг сахнидир

Эй, қаллоблик билан жанда кийиб олган шайх, шому саҳар зикр айтиб, ғавғо қиласан. Жандангнинг ҳамма томонларига ямоқ қадалган, бу ямоқлар ҳаммаси сохта художўйлик ва риё иплари билан тикилган. Айланма қуроқлар бу кийимингда кўп бўлиб, уларнинг остига пулларни беркитиб қўйиш осон. Унинг тўқималари ҳам ёлғон ипидан тўқилган. Иблиснинг мўйлаби эса игна вазифасини бажарган. Яшил тўн устидаги ямоқлар найрангбоз фалакнинг нанс юлдузларидир. Ушбу фалак ҳам шунинг учун эрталабда ридо кияди, ёлғон тонг эса унинг байроғидир. Унинг эски салласи чулғанган бўлиб, ичида эгриликдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг ҳассасини ҳасса дема, хийла уйининг устуни де: қани энди шу устун синиб, бунақа уй ер билан яксон бўлса.

Тасбеҳини тасбеҳ дема, буттарош бут йўнаётганида чиқиндилардан унинг доналарини ясаган. Бу тошларнинг учидаги сўфиси кофирнинг май идишига ўхшайди, тасбеҳнинг ипи эса зуннорнинг ипини эслатади. Тиш тозалагичи сўлаги тегиши билан нопок бўлган. У мисвок ёмон хабар битилган ўроғлиқ мактубга ўхшайди, шундай нарсани у гўё ўпиш учун оғзига олиб бораётгандай. Икки оёғидаги икки кавуши хазилкашлар учун ўйинчоқ - эрмак. Осилиб турган ажиб соқоли кишининг кулгисини қистатади; ўлтириши минбарга чиққан эчкининг ўзи.

Лекин тутган ишида эчкининг ишидагича ҳам тўғрилик йўқ, чунки у ўғрини тутади, бу эса ўзи ўғрилик қилади[1]. Ечки ўз тоифасига яхшилик истайди; пода минг қўйдан иборат бўлса ҳам пешво. Ўзини ҳаммасига меҳрибон тутиб, йўл бошлаб, тўғриликка амал қилади. Туну кун тоғу тошда подани бошқариб юриб, уларни хавфли сўқмоқлардан ўтказади.

Шайх ҳам ўз одамларига йўл кўрсатади, лекин у кўрсатган йўл тўғри дўзах ўтига олиб боради. Зулмат водийсида бу ажаб тоифа йўлидан адашиб, ўзини ўтга уради. Улар фиск-фасод қайнаган жойдан паноҳ топиб, унга гоҳ «ибодатхона», гоҳ «хонақоҳ» деб от қўяди. Хонақоҳга шайх бўйралар солган; бўйранинг ранги - хийла, хиди -риёдир. Масжидининг устунлари ҳар хил бўлиб, қибла томони қийшайган. Эшиги майхўр оташпарастнинг дарахтидан, меҳроби бузуқ тарсо[2] қизининг қошига ўхшайди. Шайх шу меҳроб орасида тоат қиларкан, шайтон нима деса ўшанинг гапига киради. Тағин қанча одамлар унга мурид. Лекин улар ҳаммаси унга лойиқ, мос муридлар.

Шайх қаддини «нун» ҳарфи каби эгиб, бир бурчакда Зуннун[3] сингари ўлтиради. Тўғри йўлни тутмоқчи бўлганларга илмдан сўзлаб, буниси рост, униси билағон, деб гап сотади. Бехуда гапларни кўпайтириб, художўй одамларни мурид қилмоқчи бўлади. Уларнинг бирини хилватнишин бўлишга зўрлайди; бошқа хировини эса куч билан узлатга чекинтиради. Яна бирини нафсини тийган одам деб атайди. Бошқа бирови бўлган-бўлмаган тушлар таъбирини айтиб лақиллатади. Биров унга ёлғон бир тушни сўзлаб берса, бу унга қанча ёлғон таъбирларни қўшади. Хилватда у ўзини одамларга энг яқин дўст деб, ўзини Хизрга ҳамдам бўлган деб кўрсатади. Махкам қилиб наша тугиб қўйган латта нашанинг ранги уриб, яшил бўлиб кетган. Унинг отини шайх «Хизр пайғамбар» («Яшил пайғамбар») деб атайди, бемаъни хаёлларини эса башорат туши қилиб кўрсатади.

Бундай хилват унинг аҳлигагина хос бўлмай, бундай «хизр»(наша) шайхнинг ҳам ажралмас дўсти. Нашани чекиб олиб, у ўзини мартабада энг юқори ўринда деб билади; осмон ҳам, унга қолса, унинг учун энг паст жой. Хаёлида у кўтарилмаган даража қолмайди, унча-мунча каромат кўрсатганини писанд ҳам этмайди. Ногоҳ унинг қулоғига найнинг бир куйи эшитилса, ўзини Илоҳий май ичган одамдек маст қилиб кўрсатади. Ташқаридан келган нағма оҳанги жуда ёқимли бўлса, ўрнидан сакраб туриб, ўзи ҳам қўшилиб, ашула айта бошлайди. Оёқлари билан ерни депсиб, филдек бўкириб, нафс чангаги олдида хору зор бўлади. Унга эргашган «художўйлар» ҳам шу хилда ҳаракат қилиб, унинг атрофида доира бўлиб айланиб, бемаъни хаёллар билан ўзларини сўфийлик кайфиятига соладилар; шайх атрофида фонус атрофида айлангандек айланадилар. Жазаваси тутганда муридларининг ҳар бири пиридан қолишмайди: бемазаликда ҳаммаси бирдек. Бехуда сўзларни сўзлашда бири чирилдоққа[4] ўхшаса, кўп айланишда бошқа бири пирилдоққа ўхшайди. Бири ўзини йўқотиб, тилсиз қолса, бошқа бирови нола қила бериб, холсиз йиқилади. Буниси унисини кўз қири билан кузатиб турса, униси шуниси ҳам камоли ўзини йўқотишга қиёс этади. Мунофиқлик ўтидан ҳар бири дўзахга ўхшайди, лекин асл табиатлари совуғлиғидан эса яхга. Ҳар бири ўзини шунча кўп уринтирадики, натижада йиқилса, тура олмайдиган холга келади.

Уларнинг ҳаммасининг мақсади - катта амалдорлар шайхнинг ва хонақоҳнинг бу аҳволини кўрса, шайхнинг пирларга хос намозхонлигини, унинг муридларининг ҳам зикрини, ўз вазифасига амал қилишини билиб, уларнинг фақирлик ва қаноат орқали бу мартабага эришиб, Худо ишқи ва мутасаввифлик холатидан баҳраманд бўлганларини кузатса. Шундан кейин уларнинг ҳаммасини авлиё деб ҳисоблаб, уларнинг сўфийлик холига кириб, ўзидан

[1] Бунда шоир ўғрини эчки воситаси билан аниқлаш одатига ишора қилмоқда. Бу одат бўйича, ўғриликда шубха остига олинган одамлар давра бўлиб ўлтирган, ўртада юрган эчки кимни искаса, ўша ўғри ҳисобланган.
[2] Тарсо - христиан динига мансуб одам.
[3] З у н н у н - тасаввуфнинг катта олимларидан бири. Тўла исми - Зуннун Абулфазл Савбон бинни Иброҳим.
[4] Ҳашарот.

кетишларини ҳам чин деб ўйлаб, шайх олдида ялиниб-ёлбориб, камчиликларининг чорасини кўрсалар. Иш охир шунга борсаки, мамлакат подшоси ва лашкарбошиси ҳам хабар топиб, кўп дуолар қилиб, илтимос билан унга мурид бўлса, мартабасини доим кўтариб турса. Унга хадялар, тухфалар тортса, мол ҳам берса, ғаллакор ер, кент[1] ва суюрғол[2] бағишласа. Шундай нарсалар билан баҳраманд бўлса, шундагина уларнинг нафси ором, шодлик топади.

Ё Худо, бу қандай пасткаш нафс ўзи?! Бу нафс эмас, ўзи учун ҳам катта азоб-ку! Кун ўтказиш учун шунча найранг! Мансаб учун шунча ёлғонбозлик!

Шундай экан, бу тоифа одамлари ёмонларнинг ёмонидир; дунёда улардан ўтадиган ёмонни топиш қийин. Уларнинг ташқариси яхши, лекин ичлари фасод билан тўла; уларнинг таши жойнамозу ичида одам ёзиладиган жой. Улар нафс олдида руҳни қулга айлантирганлар, тоза ипакни эса дажжолнинг устига ёпганлар. Уларнинг ичида дев билан шайтон қайнайди, тани эса малойиклардан тўкилган пат билан пардаланган. Кўйлагидан мушку анбар хиди келади, ичида эса юзта ит ўлиб бадбўйлик билан тўлган. Усти олтинланган сохта пуллар бўлса ҳам, ўтга солиб, булғончдан олтинни айириб олиш мумкин. Лекин бу булғончларга дўзах ҳам хайф, чунки бу ярамас тўда одамларига ўтни ҳаво раво кўриб бўлмайди. Ҳамма одам одатда ўтдан азоб кўрган бўлса, булардан ўт азоб тортади.

Мана, қара, одам билан одам орасида қанча тафовут бор: буниси Тангри деб бутни танлаган, униси қиблани. Биронтаси «жаннат» сўзини оғзига ҳам олмайди, шунинг учун уларнинг биронтаси куйишга ҳам нолойиқ.

Эй, кўнгул, шундай одамларга жаҳонлар фидо бўлсинки, уларга жаҳонлар эмас, жонлар ҳам фидо бўлсинки, бундай одамлар икки дунёни ҳам тарк қилиб, икки жаҳоннигина эмас, жонини ҳам тарк этиб, фириб дафтарини елга учириб, номус хирқасини ўтга ёқиб, масжиду майхонани ҳам ёқтирмай, майхонага ҳам, Каъбага ҳам боқмасдан, элнинг яхши-ёмонига енг силкиб, одамларнинг бору йўғини бирдек кўриб, жонни ҳам, жаҳонни ҳам тупроқча кўриб, бутун борлиқ ва у жойлашган маконни хашакча билиб, дунёдаги ҳамма нарсаларни ўткинчи ҳисоблаб, ўзини эса шу йўқлик ўти ичидаги кул деб, бу хаёллар билан ўзини тамом куйдириб, шу кул билан тозаланган оина унинг юзини ёритади! Бундай кўзгуда бегона ҳеч нарса йўқ, унда мақсад юзигина жилва қилади. Янада тўғрироғи, бу юксак хаёллар, хаёллар эмас, зарралар унга ҳар биттаси бошидан-оёқ бир кўзгу бўлиб, уни мақсад маъшуқаси (Худо) га рўпара қилади. Ҳар тарафда кўзгу ва жононлар кўринади; кўз ёмон деган нарсага тушмайди. У қаёққа боқмасин, Худони кўради; буларни яратганни эса мутлақ яратувчи деб танийди. Тўғри йўл билан улар водийларни кесиб ўтадилар. Йўлдан тойганларга улар хақиқий йўлбошчидир. Кимки хижрон зулматида қолган бўлса ёки умидсизлик водийсида адашиб юрган бўлса, ундай одамларга у Хизрдек қўлини узатади, мақсад манзилига етиш учун унга йўл кўрсатади. Огоҳлик рашки монеълик қилмаса, улар Хизрга ҳам ҳамроҳлик қилишлари мумкин. Зулмат улар ёққан ўтнинг бир оҳ дегандаги тутуни, Хизр эса уларнинг ҳар қадамида учрайдиган яшил гиёҳ[3]. Уларнинг кўзидан томган бир қатра ёш Хизрга юзта ҳаёт суви чашмаси бўлади. (Қадамларидан кўтарилган) чанглари кўзга тўтиё, уларнинг амри билан оддий мис кимиёга айланади. Адолатсиз осмон билан унинг юлдузлари уларнинг қахрлари ўтидан чиққан тутун ва учқунлардир. Бир кунда қанчадан-қанча манзилларни босиб ўтувчи қуёш билан ой уларнинг марҳамат гулшанидаги икки япроқдир.

---

[1] Катта қишлоқ.
[2] Подшох томонидан бир умрга бериладиган ер-сув.

[3] «Хизр» билан «ахзар» арабча бир ўзакдан олинган бўлиб, «яшил», «кўк» маъноларини билдиради. Шоир бу ерда сўз ўйинига йўл қўйган.

Улар қаёққа улуғ сафарга чиқмасин, юзларидаги ҳар қатра тер чуқур бир денгиздир. Улар қаерники мақтаб тўхтар эканлар, уларнинг мақтовларидаги ҳар бир ҳарф тоғча маънога эга. Шахсан уларнинг ўзлари бир парча ер устида яшаб турган холда, фалак гулшанида сайр қиладилар. Шариат иқлимида йўллари ёруғ бўлиб, унинг чизиғи ҳар қандай мавхумликдан тоза. Сайрда улар шундай майдонда юрадилар, шундай майдонда жавлон қиладилар. Уларнинг ҳар бири жони борича тоат қилади, имкони борисна жонларини қийнайдилар. Ҳар ишда пайғамбар (Муҳаммад) одатига амал қиладилар. Унга жон-дилларидан миннатдорлик изҳор этадилар. Кетма-кет қанча ишларни бажаришмасин, ҳеч нарса кўрмагандай, ҳеч иш қилмагандайлар. Бир томондан олдиларига келиши мумкин қаттиқчиликларни жиддий тушунишга ҳаракат қилсалар, иккинчи томондан доим ўз ожизликларини тан олиб, тавба қилиб (Худодан) узр сўрайдилар. Негаки нима юз берса бу унинг амридир, шунда жаннат умиди қолиб, дўзах хавфи кетади. Қийин вақтда ким бошқа ерни эсласа, демак, бундай одамга севги хақида сўзлаш нораводир.

Эй, бу севги гавҳарига жой қидирган одам, билки, бунинг асл жойи кондир.

XXIX

Аллоҳнинг яқини Хожа Абдуллоҳи Ансорий сўзи шундайким, эгаси тариқатнинг охиридан хабар бердими, у ўз тариқати тугаганидан хабар берган бўлади

У кишини Ҳирот аҳли, Ҳирот аҳлигина эмас, балки бутун коинот уни қибла (Каъба) деб ҳисобларди. У имони комилларнинг йўл бошловчи хулқ-атворлиси бўлиб, лининг исми Абдуллоҳи Ансорий эди. У: «Менинг ишим тоат қилиш ва Тангрининг буйруқларига бўйсунишдан иборат! - дер эди. - Менинг мақсадим (одамларни) дўзах ўти билан қўрқитиш ҳам эмас, (тоатлар) эвазига жаннат ваъда қилиш ҳам. Кимки қўрққани учун Худога ибодат қилар экан, у нафси тилаган нарсадан халос бўлиш йўлини қидириб иш тутган бўлади. Кимки умид билан бечорахол яшар экан, унинг тилаги жаннатда осудаликка эришишдир.

(Унда) уни ҳам, муни ҳам ҳақиқатдан узоқ, деб бил. Иккаласига пул топиш учун мардикорлик қилиш, деб қара. Менинг ишим доим сиғинишдан иборат бўлди. Мен қўрқиш ва умидворлик - иккаласини ўзим учун ҳаром деб билар эдим. Бандалик амрларини бажариш билан (аҳволимни) яхши деб билиб, туну кун ишларим шундай экан, бунинг учун мен узрлиман.

Тоат-ибодатим бунинг учун лойиқ даражада бўлмаслиги мумкин, лекин бир соатим бусиз ҳам бўлмасин!

(Аллоҳ) қил дедими, менинг одатим қилишдан иборатдир. Буни у қабул қиладими ёки рад этадими, бу билан ишим йўқ. Жаннат зоҳидга, дўзах енгилтакларга бўлақолсин! Ёр орзуси бўлса, Навоийга шунинг ўзи етарлидир.

Соқий, у жаннат сувини тўхтовсиз тутки, долзах ўти ҳам у ерда хозир! Ёр юзини эслаб шод бўлай! Дўзах билан жаннат ташвишидан эса озод бўла қолай!

XXX

Карам[1] - хайру эҳсон васфидаким, тескариси дирам марги[2]дир, балки раҳмат дарахтининг баргидир; бахиллик сахийлик юрагидан узоқ бир нарса бўлиб, инсон учун чексиз балодир; сахийлик кўрсатмаслик мурувватдан бехад холи бўлишликдир, ҳар томондан

[1, 2] «Карам» сўзи терс ўқилса «марг» (ўлим) бўлади.
[3] И т л о ф - бойликни барбод этиш, исроф қилиш.

қараганда чексиз офат бўлган исрофни рад этиш ва кўп ҳарфли «лоф»ни билдирувчи итлофни[3] хажв қилиш

Эй эгнига хайру карам кийимини ёпинган киши, сенинг қўлингда пулнинг қиймати йўқ. Олтин-кумуш сочиш учун очилган панжанг Шарқдан қараганда ҳам, Ғарбдан қараганда ҳам худди қуёшга ўхшайди. Пул билан қўлинг ўртасида адоват бўлиб, пулнинг умри қисқа, қўлинг эса саховат орқасида барҳаёт. Кафтинг олтинларни чақмоқдай сочганда, чақмоқ ҳам хаёдан терга ғарқ бўлади. Бошингга кийганинг эҳсон ва саховат тожидир, тожнинг устидаги эса хайру карам гавҳаридир. Сахийликдан зотнинг гавҳари шунча шараф топдики, етти осмондаги энг қимматбаҳо тошлар унга садаф бўлди. Натижада сенинг жамиятдаги қадринг осмон кўкининг қадридай юксаклашди, сочган дурру гавҳарларинг юлдузларга тенглашди. Бошингда бахт юлдузи порлаб, «фарқ» сўзи[4] бошида ёзилган «ф» ҳарфи устидаги нуқтадек жилва қилиб турибди. Шарофатли бошинг устида карам байроғи «бош сўзидаги[5] алиф ҳарфидек байроқдир». Икки қўлинг сахий Қулзум ва сахий Уммон[6]нинг ўзи; иккиси ҳам имкони борича саҳийлик қилади. Кафтларингнинг одати бировга бир нарса бериш бўлиб, Ҳотам ҳам, Бармак[7] ҳам унга қулдир.

Сенга Тангри ато қилган бу нарса икки қисм - карам ва сахийликка бўлинади. Танангдаги ҳар бир тук" бир тил бўлиб, Худога шукр ва миннатдорчилик билдирганда ҳам ҳаммасини айта олмайди. Еҳсон ва саховат кўрсатиш вақтида бахиллик қилма, Худога шукр билдириш чоғида ҳам танти бўл. Бахиллик инсонда бор сифатларнинг энг пасти, лекин саховат жавҳари эса энг нафиси. Сахийлик пнга одат бўлиб, бошинг шу сахийлик дури билан порлаб туради. Шунинг учун бу мўл-кўл дурни хор қилма, уни бахиллик билан алмаштирма.

Лекин сахийлик қандай мақтовга лойиқ шарафли хусусият бўлмасин, уни орттириб юборсанг, бу - исрофга айланади. Ақл инсонга хос сифатларни таърифлаб келиб, исрофгарчиликни бахиллик билан тенг деб қарайди. Кўнгулни жуда ҳам кенг тутиб, нега энди дурни эшакмунчоқ билан баробар қилиб юбориш керак? Еҳсон ва карамнинг ўз қоидалари бор; ҳар хил шароитга мос шакллари ҳам бор.

Эй одам, Тангри сенга юксак амал насиб эттириб, карам қилишинг учун керакли бойликка эга қилган. Шуни билки, ким сахийлик қилишга хақли экан, ким пул улашишга муносиб экан, ном чиқариш учун гавҳарни ховучлаб сочиш, мақтаниш учун этаклаб пул бериш ақлли иш, деб ҳисобланишдан иуда узоа Бундай саховатдан бахиллик яхшироқдир. Бундай ишни ё маст одам қилади, ёки жинни. Маст ва жиннини эса қандай қилиб одам дейиш мумкин?

Кимки кетма-кет қадах кўтарса, у маст бўлади, май ҳам тугайди. Агар дев ёқимли майдан ичиб олса, Сулаймон давлатини сочқи қилиб юборишни истайди. Агар жинниларга олтиндан банд қилиб, уни лаъл ва асл дурлар билан безалса ҳам, ҳаракат қилиб у бандни оёғидан ечади-да, уни Қорун[1] чақирса ҳам, ташлаб қочади. Кумуш товушидан вахший ва йиртқич ҳайвонлар ҳам хуркар экан, шунга ҳам сахийлик ёки карам деб от қўямизми? Кучли шамол лола ва гулларни совураркан, унга ҳам сахий деб от қўя оламизми? Худо «Қуръон»да деди: «Енглар, ичинглар!» Ёнида яна деди: «Лекин исроф қилманглар!» Демак, маълум бўлдики, бу – саховат эмас, сахийлар ҳам буни саховат деб атамайди.

Шундай кишилар ҳам борки, ҳеч исрофга йўл қўймасалар ҳам, бундай одамларни сахий деб бўлмайди, бировга эҳсон беришда улар меъёрга эътибор қиладилар-у, лекин эҳсон берилаётган одамнинг эхсонга қанчалик мухтож эканлигига қарамайдилар. Тўқ одамнинг

[4] «Фарқ» сўзи арабча шаклда ёзилган. Ф а р қ - «бош», «калла» деган маънони ҳам билдиради.
[5] «Бош» сўзи арабча шаклда ёзилганки, ўртасида «алиф» ҳарфи бор.
[6] Қулзум ваУммон- дарё ва денгиз номи.
[7] Ҳотам-Тойи ва Бармак- сахийлик билан ном қозонган кишилар номи.
[1] Қадимда бойлиги билан танилган, бани исроил қабиласига мансуб кишининг номи.

олдига дастурхон ёзадилар, эгни бут одамга эса тўн кийгизадилар. Юзта йилқиси бор одамга от тортиқ қиладилар, юз йиллик бойлиги бор одамга кумуш берадилар. Лаъл чиқадиган Бадахшонга лаъл юборадилар, зиранинг кони бўлган Кирмонга зира келтирадилар, Хизрни[1] учратиб қолсалар, оби ҳаёт тутадилар, Миср шакарчиларига новвот бўлакларини юборадилар. Шамни куни билан ёқиб қўядилар; бу билан қуёш ёруғига қўшимча ёруғ бермоқчи бўладилар. Ҳар кун кечаси ўринсиз мушк сепадилар; бу билан тун сочини яна ҳам қорайтирмоқчи ва хушбўй қилмоқчи бўладилар. Оч, муҳтож юзларча одамлар нон сўраб турадилар, лекин уларга бир бурда ҳам бермайдилар, тўқни қидирадилар. Улар қақраб ётган боғнинг устидан ёғмай ўтиб, ёмғирни тоққа тўккан булутга ўхшайдилар. Майнинг тагидаги лойқасини ичадиган одам унинг бир култумига жонини бермоқчи, май сотувчи эса идишнинг тагини яна купга[2] ағдаради. Вабога учраганлар ажал қадахини ичиб, қирилиб кетмоқда, улар эса ёқут, жавҳарнинг конига ёқут, жавҳар бекитиш билан овора. Бу иккаласи ҳам саховатнинг бир туридир; уларнинг ўртасида кичкинагина тафовут бор.

Ғоят тамаъгрр кишиларни ҳам сахийликка муҳтож деб ҳисоблама. Улар халқнинг нарса ва ашёларига кўз олайтириб, нимани кўрса, ўшани тамаъ қила беради. Улар хоҳ зулм, хоҳ зўрлик, хоҳ бир баҳона йўли билан, хоҳ ваъда, хоҳ тилхат, хоҳ ёлғон далил билан, нима қилиб бўлса ҳам, асосий мақсади одамлардан нарса олиш, шу

сочгани ҳам ташландиқ нарсалар, олгани ҳам; олиши ҳам ёлғондакам, бериши ҳам. У йиллар давомида қийналиб чуқур қазийди; шу тупроғни солиш учун яна бир чуқур қазийди. Бировга бир нарса бериш учун бошқадан бир нарсани тортиб олади. Бу ҳам олдинги айтиб ўтилган икки нарсага ўхшаш бир касаллик. Чунки тортиб олиши зиёндан бошқа нарса эмас; қизиғи шуки, бериши ҳам фойдасиздир.

Биров ўзи сўрамагунча унга ҳеч нарса бермайдиган одамлар ҳам бор. Бундай одамларни ҳам сахий деб бўлмайди. У одам ўша нарсага қанча муҳтож боимасин, ўзи сўрамагунча унга бир чақа ҳам бермайди.

Эй биродар, кимни сахий деб чақиришса, билки, бундай одам сахий бўлиб ахий[3] қаторига қўшилиб қолмайди. Қара, кўзбўямачи авраш билан илоннинг кучини кетказиб, оғзидан заҳарини ола билади. Кимки тилини метин қилиб чўзиб, ўт ёқса, харсанг тошдан олмос ва ёқут олиши мумкин. Шам тилини чиқариб, ёна бошлаши билан тун мамлакати устига ўз байроғини тиккан бўлади. Ўтнинг тили нималиги ҳаммага маълум; темир, тош ҳам унинг нафасидан мумдек эрийди. Тонг ўзини мақтаб қанча гапирмасин, барибир, у қуёшнинг олтин нурларидан кўзини ёритади.

Эй хушёр одам, сен шундай одамни сахий деб билки, бахт-давлат унинг бошини юқори кўтариб, аҳволи яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам бировдан молу амал тамаъ қилмаса. Бундай одам Худо нима берса қаноат этади, нимани буюрса, бўйсунади. У қандай мулоҳаза юритмасин, қўлида бор нарса билан қўли қисқа одамни хурсанд қилади. Денгизнинг олдида турса ҳам, ундан бир томчи сув сўрамайди; бировнинг ярасини кўрса, малҳамни аямайди. Муҳтож одам бир нарса сўраса, қўлидан келганича унга хайр беради. У сўрамаса ҳам, унинг аҳволини тушуниб, эхтиёжини ва камбағаллигини эътиборга олади. Ҳожатмандлар унинг бошига тиғ урган бўлсалар ҳам, у қўлида бор нарсасини улардан аямайди.Чунки у ўз тиғини конга урган, кон унга ўз гавҳарини бағишлаган метинга ўхшайди. Бош яланг бўладими, бошида тож бўладими, барибир, эхтиёжи бор одамга хайр қилаверади. Карам ахллари юз мингни ҳам, бир сўмни ҳам хайр-эҳсон йўлида ўз жойига сарфланган бўлса, бир хил баҳолайдилар. Худо йўлида қўлида қанча мол тўпланган бўлса, бировнинг ёмон аҳволга

[1] Х и з р - оби хаёт сувини топган пайғамбар.
[2] К у п - куб, май сақланадиган катта сопол идиш, хум.
[3] Ахий - сахий, яхши одам, биродар. Матндан англашилишича, ўрта асрларда ахий жамиятлари ҳам бўлган.

тушганини билса, унга ҳамма фойда ва сармоясини сарф қилади, шундай қилиб, унинг муродини хосил этади. У ўзининг хайр-эҳсонигагина эмас, яхшилиги юзидан билдирилган миннатдорчиликка ҳам жонини беради. Хайр-эҳсон эл-халққа аввало бош сабабчи – Худодан келишидек бир нозик ҳикматни у хатосиз тушунади. Бу карам, хайр-эҳсон унга одат эмас экан, ўша оралиқ ерда сабабдан ўзга эмас.

Эй саховат кўчасида тентираётган одам, сен олтини телба ва маст одамдек сочмоқдасан. Олтин-кумушни энди гулдек совурма, ғунчадек уни ўраб, тугиб ҳам қўйма. Бу сахифаларда қандай одатлар хақида гапирилган бўлса, барчаси саховат ахлларига тушунарлидир. Пул солинган халтачани ғунча каби тугиб қўйма; нимани бугун туккан бўлсанг, эртага эрталаб барибир сочасан-ку! Бахиллик қилиб садаф дурни ютган бўлгани учун, дурни олишда унинг кўксини тешишади. Қуёш олтинини беркитгани учун жаҳон осмоннинг юзини кечаси қора қилди. Қуёш гўзали юлдуз кумушларини яширгани учун қара, осмон уни, боши билан ерга кўмди. Куз келиб, қўли билан олтин варақларини сочгани учун, қара, ҳар бир япроғ қуёш рангида.

Эй яширин хазина устида аждаҳо бўлиб ётган одам, тушунгинки, бу бойлигинг қонинг баҳосидадир. Сени ўлдириш учун фалак Бахроми ногаҳон тиғ тортиб, бу махфий бойликни олади. У сени қийнаб, зулм билан қонингни оқизиб, у бойликнинг ичига ҳаракат қилувчи лаъл – қонингни қуяди. Сенинг қонли душманинг қотил фалакнинг ўзи бўлади; шу бойлик устида вайрон бўласан.

Демак, ўз қонинг билан қўлингни ювмоқчимисан? Нима, ўз жонингга ўзинг қасд қилмоқчимисан? Бошқа конлардаги бойликлармъ орзу қилиб, накд жонинг гавҳаридан ажрамоқчисан. Шу жонинг йўлида хазина эшигини оч, бор бойликни олиб, жой-жойига соч. Анбарга тўкилган ҳар бир дон чириб кетишдан юз хавфда. Еҳсон экинзорига сочишни одат қил; шунда биттасининг ўрнига Тангри етти юзтасини беради. Бу одамларга улашиб бераётганинг экин бўлмаса ҳам, арпа, буғдой сочдингми, албатта, хосил ўрасан. Бугун нима эксанг ҳам яхши, маъқул. Эртага у, албатта, хосил беради. Бу ерда экилган экинлар ўртасида фарқ бор. Уларнинг ичида энг яхшиси хайру саховатдур. Тамаъни тарк қилсанг - сахийлик шудир. Хайру эҳсон йўлида сарф-харажат қилки, хақиқий хадя шудир. Бериш учун олиш ишидан йироқ бўл, бераман деб олмай қўя қолганинг яхшироқдир.

XXXI

Ҳотами Тойи хикоясиким, у химмат ва саховат кишиларига пешво эди; унинг мехмондорчилигига та ъзим билан бош урмаган бир гадонинг химматини кўриб, Ҳотами Тойининг у гадога тан бергани

Ҳотами Тойига бир кўнгли очиқ одам деди:

- Эй, химматда эркин табиат киши, сахийлик кафтингга одат бўлганидан буён ўзингга ўхшаган кишини ҳеч кўрдингми?

У деди:

- Бир кун мен ҳамма учун йиғин қилдим. Унга ўша чўлдаги одамларнинг ҳаммасини чақирдим. Пишириш учун юзта туя қурбон қилинди; сўйилган қўй-қўзиларнинг нам сон-саноғи йўқ эди. Базм бўлиб турган вақтда бирпас ҳаво олгим келиб, дашт томонга чиқдим. Айланиб юриб, мехнатда эзилган бир қари чолни кўрдим. У орқасига бир қучоқ тикон-ўтин ортган эди. Гавдасини у юк эгиб, вужуд уйига ҳассадан устун тиркаган эди. Ҳар қадам ташлаганда, бирпас тўхтаб, ҳар дам олганда маълум бир фурсат ўтарди. У чекаётган азоб ўти кўнглимни ёндириб, рахм-шафқат билан унга шундай хитоб қилдим:

- Эй қаддини машаққат юки буккан, танасида ғам тиканлари ўрнашган одам! Даштда юриб хабаринг бўлмадими? Нега Ҳотамнинг уйига бормадинг. У ҳаммани ўзининг уйига

чақириб, яхши-ю ёмонни бугун мехмон қилинокда-ку. Ўтинни ташла, иззат гулшанига бор, машаққат чекиб ўлтирмай, тур, чақириққа бор!

У менинг унинг аҳволидан изтироб чекканимни тушуниб, бош кўтариб кулди-ю, шундай жавоб берди:

- Эй, оёғини очкўзлик банд этган, бўйнига ғараз ва қизғончиқлик сиртмоқ бойлаган, эй ғайрат водисида қадам босмаган, химмат қалъасига байроқ тикмаган одам, сен ҳам бу тикан ташиш азобини тортиб кўр. Ҳотами Тойи миннатини эса торта берма. Қийналиб, машаққат билан бир танга топиш биров берган хазинадан яхшироқдир.

Унинг сўзлари шундай ўринли эдики, шунинг учун ҳам унинг химмати меникидан ортиқ эди.

Эй Навоий, агар сенда химмат бўлса, Ҳотами Тойи ҳам сенга қулдир.

Эй соқий, карам изҳор қилиб, бир қадах тут, хайру эҳсон нималигини Ҳотамга кўрсатиб қўй. Бизда май сотиб олиш учун пул кам; бизда етишмовчилик экан, сендан карам бўлсин.

XXXII
ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ

Адаблилик одати тўғрисидаким, кичикларга бахтиёрлик сабаби, улуғларга эса юксак мартабалилик боисидир; тавозуъ васфидаким, «дол»дек қаддини хам қилган қадамини бахтнинг бошига қўяди ва ҳаё нури хақидаким, бирон киши бунинг ичига кирса раҳмат ёмғирлари билан сероб бўлади

Эй талаб уйидан жой олган, қаддини хизмат юки паст қилган одам! Эл йўлида дард чекиб, гардга айландинг, ўша гард билан кибр кўзини кўр қилдинг. Сен қийинчилик тортиб, кўз ёшларингни ҳар томонга сочиб, у билан нафсу ҳаво ўтларини ўчирдинг. Садоқат йўлида оху надомат чекиб, ёлғон юзини оҳинг ўтидан чиққан тутунлар билан қора қилдинг. Садоқатда ҳар иссиқ нафас олишинг билан айёрлик ва риёкорлик хирмонини куйдирдинг. Сен ўзинг учун бирон фойдани кўзламайсан; доим сафар камарини боғлаб, хизматдасан. Ўзингда кучли ғайрат шамолини бунёд этиб, ҳирсу тамаъ асбоб-анжомларини барбод қилганинг қилган. Сен шундай йўлни танлаб, энг асосий тилагинг кўчасига кирдинг.

Лекин бу йўлни босиб ўтишнинг талаб этадиган бир шарти, билки, тавозуъ билан адабга эга бўлишдир. Қачонки янги чиққан ой тавозуъ сақлаб, қаддини хам қилди, у кун сайин камол топа бошлади. Ёй тавозуъ сифатига эга бўлгани учун қадри ошиб, «Қуръон» устидан жой олди. Осмон ҳам тавозуъга риоя қилиб эгилгани учун бутун олам унинг амрига бўйсунади. Ёйга ўхшаш қошларга ҳам шарафлар бўлсинки, одамлар унинг учун жонларини қурбон қилдилар. Амалдан, ўз насабидан кишилар шараф топмаган. Лекин хақиқий шараф ҳаё ва адабдан келди. Ёмғирнинг ҳам манбаи ҳаёдир; унинг бир қатраси тупроғни кимиё қилади. Адабсиз кишилар ҳеч қачон эътибор қозонмайдилар. Доим баланд осмон (тақдир) бундай одамларни пастлатиб юради.

Адабсизликнинг бири кулгидир. Кулги адабсизликнинг белгисидир. Каклик қахқаха солиб кулгани учун бу кулги туфайли унинг бошига бало келади (яъни овчилар овозидан билиб, овлаб олади). Ғунча кулиб, очилиб кетгандан кейин ўз-ўзидан сочилиб ҳам кетади. Чақмоқниъ ўз кулгиси тоғнинг ичига қулатади, хатто ерга пастлатиб, тупроққа киритиб юборади. Тонг ҳам шунақа одатни яхши кўради. Шунинг учун қуёш ўти унинг дурларини исириққа айлантиради.

Кулги ўз меъёридан ошиб кетдими, бундан йиғлаган анча яхшироқдир. Шам ҳар кеча йиғлагани учун тобора равшан ёнади; ғунчани эса кулгани учун шамол учириб кетади. Булут йигиаб, кўз ёши тўкиши билан дур сочувчи бўлди; чақмоқ эса кула-кула пастлашди, ерга

кирди. Маст ҳам йиғлаб-йиғлаб, ўзини билмай қолди, лекин кечирим сўраб йиғлагани гуноҳдан пок этди. Адабли одам кухш учун оғиз очмайди, лекин ҳаё булути томчисиз эмас. Қахқаха билан хазил бир-бирига дўст; иккиси ҳам қурбақанинг товуши ва юришига ўхшаш кулгили нарсалардир. Кимки хинду (масхарабози) бўлиб, кулдириш учун хазил қилса, аввало ўшанинг юзига қора суртиш керак. Кўзбўямачининг сўзлаган сўзлари ёлғон бўлгани учун, қара, ўз тилини ўзи кесмоқда[1]. Энгагига ёлғондакам соқол боғлаб, биров одамларни кулдирар экан, бунда соқол туфайли одамлар унинг ўзининг устидан кулади. Ўзининг кўркини орттириб кўрсатиш учун маймун бошига бўрк қўйиб олар экан, одамлар унинг тепасига кулиш учун келаркан, улар фақат унинг бошигагина кулмайдилар, унинг ўзидан ҳам куладилар. Одамларни кулдириб тирикчилик ўтказишга ўрганган масхарабоз улардан бир пул олгунча икки шапалоқ ейди. Бойқушнинг қиёфаси масхарабозникига ўхшайди, шунинг учун барча қушлар уни талагани талаган. Лўли хазил қилиб қўлини ерга тираб, оёғини осмонга қилиб турганда, у бошини ерга қилиб, ўзини ўзи шарманда қилган бўлади.

Бу хил пастликлар бири биридан қизиқ бўлиб, ҳаё ва адаб йўли билан даф бўлади. Қуёш байроғи жилва сочиб, кеча қоронғилиги ер остига киргач, масхарабоз маст холда бақирган, чақирган; ақлли одамлар эса гапни шошмасдан гапиради. Тулкии ва ит (Уар хил қилиқлари билан одамларга) кулги эшигини очади; у одамлар шерни кўрса, уйидан қочади.

Бу айтганларимизнинг оти тавозуъдир, тавозуънинг сифати эса адабдир. Ақл унинг хақида мақтовдан бошқа сўз айтмайди, лекин у ҳаммада бир хил мавжуд эмас. Тавозуъни ҳар кишининг аҳволига лойиқ кўрсатиш керак; кўрсатган тавозуъинг унинг аҳволининг кўринишига мувофиқ бўлсин. Қулга бек ортиқча тавозуъ кўрсатса, ўзига азоб-уқубат ипларини орттирган бўлади. Гадонинг олдида сажда қилиш марҳамат эмас, унга бир танга берсанг, бу унга нисбатан марҳамат кўрсатишдир. Ўриндан туриб, болага жой бериш ҳам адабдан эмас; кексалар бу ишни адаб ҳисоблашмайди. Бундай аҳволда у мутакаббир ҳисобланиб, сен енгилтаклик қилган бўласан. Айт, бу икки ишни одамлар нега қилиши керак?

Гарчи адаблилик шартларини сақлаш жуда зарур бўлса ҳам, аммо буни ҳар бир одамнинг даражасига қараб бажариш керак. Бир киши сендан мартабада паст бўлса, уни сен ўзингга тобеъ холда кўрсанг, гарчи у ўзи сенга тобеъ, боғлиқ бўлса ҳам, кўнглунг унинг қайғуларига шерик бўлсин. Фарз ва суннат қоидалари шундай маъқулки, уларни ҳаммага ўргатиш мажбурийдир. Сенга тобеъ кишилардан бири бунга хилоф иш қилса, уиархи текшириб туриш сен учун фарздир. Қиёмат куни сени чақирганларида, нима савол бўлса, сен жавоб берасан. Уларга ғамхўрлик қилиш сенинг бўйнингдадир; тирикчилик ёзуқлари ҳам сенинг қўйнингда. Барчасига дўстлик қилиш сенга вожибдир. Яхши-ёмон ишидан хабардор бўлиб туриш ҳам.

Тавозуъ сифатига эга бўлиш умиди билан у дунё хавфидан кўрқиб, шул қўл остингдаги жамоатга шунча таъзим қилдинг. Агар болаларинг ва хотининг бўлса, уларга ҳам шу ишни қилишинг керак. Ёш болага нисбатан энг зарур иш, билки, уни кичкиналигидан парвариш қилишдир. Қатрани садаф тарбия қилгани учун одамларнинг бошига чиқиб шараф топди.

Тарбиянинг бири болага яхши от қўйиш бўлиб, уни оти билан чақирганларида у уяладиган бўлмаслиги керак. Исмда тафовутлар кўп пайдо бўлади; бирининг исми Ҳусайн бўлса, бошқа бириники Язид[2]. Тарбиянинг яна бири унга илму адаб ўргатиш учун муаллим чақиришдир. Ит етук таълим олгани сабабли у тишлаб келган ов халол ҳисобланади. Ювган билан тоза бўлмайдиган ит олим бўлган экан, ўгиинг билимсизлигича қолиб кетса, ажаб

[1] Бунда халқ қизиқчиларининг кўзбўямачилик томошаларидан бирига ишора.

[2] Ҳусайн- яхши от тимсоли; Я з и д - ёмон от тимсоли. Бунда Алининг ўғли Ҳусайн ва шу Ҳусайнни ўлдирган Язидга ишора бор.

камчилик бўлади. Унга сенинг шафқат қилишинг фойдалидир, лекин бунинг ортиқчаси зарар. Воқеъ бўладиган балолардан уни ўз меҳринг билан асрашинг боланг олдида сендаги тавозуъни билдиради.

Хотининг уйда ўлтирадиган бўлгач, шариат йўли билан уни ҳурмат қил. Нафақа билан ўзингни ундан аяма; жонингни ҳам ортиқ даражада қийнаб юборма. Киядиган кийимини ҳам ортиқ даражада ранг-баранг қилиб юборма. Кийса ҳам ҳужрада, вақти билан кийсун. Ўз холича бир ёққа отланганини билсанг - сен хақиқий эр бўлсанг - унинг отини атама! Дўстлар олдига ҳам юборма, душманлар олдига ҳам. Ясантириб кў чага ҳам чиқарма, бозорга ҳам. У уйдан чиқиб кетиб, яна қўйнингга кирадиган бўлса, сен таажжубланадиган бир ишни бўйнингга олган бўласан.

Упа-елик суртиб, юзини қизартирдими, у, билсанг юз қаролик фикрига берилган бўлади. У сочбоғини ешиб, сочини ўра бошлар экан, бу - нафс ва ҳавойилик унинг бўйнига ўз тузоғини солганидир. У ўсма қўйишга берилдими, бу унинг фитна билан ўралишганидир.

Мунча қабоҳатни кўриб туриб, унинг отга минишига ижозат берсанг - ғайрат ва эркаклик, рашк ва ор-номус шуми? Ўша куни у кетса, уни ўз холига қўй, унга зўрлик қилма - уйдан чиқиб кетдими - ватани гўр бўлмайдими!

У шариатдан чекиниб нима қилмасин, уни (яна) қабул қилишинг одобдан эмас.

Тарбиянинг яна бири ота-онани ҳурмат қилиш; буни бажариш унинг учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам, кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турганнинг бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен адаб билан бажар, «адаб» сўзидаги «дол» каби қоматингни хам қил.

Бундан сўнг рахм инъомини ўзингга қарз деб бил; ўша тоифадаги одамларга рахм қилишни фарз ҳисобла. Юрган одамлар ичидаги каттадан-кичигигача, ёки оралиқдаги ўрта мартабаликка ҳам, кимки катта бўлса, унинг хизматини қилиш керак, кимки кичик бўлса, унга шафқат кўрсатиш керак.

Кимни ўрта ёш деб хаёл қилган бўлсанг, унинг ҳурматини ҳам меъёрида асра. Хизматини қилиб, уни ортиқча улуғлаб ҳам юборма, ёмон муносабатда бўлиб, тахқир ҳам қилма. Уни ҳурмат қилиб, «ҳамма ишнинг ўртачаси яхши» деган маъноли қоидага амал қилишинг зарур. Унинг иззати меъёрдан кам бўлса ҳам, хаддидан ортиб кетса ҳам яхши эмас.

Ёки сени баланд осмоннинг айланиши (тақдир) шоҳ хизматини бажаришга лойиқ кўриб қолса, гарчи шоҳ томонидан ташкил этилган базмлар ёқимли бўлса ҳам, унга боришдан тортиниш зарур. Ёқимли бўлиб кўринган бу марҳамнинг ичида юқадиган яралари бор, боли ичида қадаладиган найзалари бор. Гул кўринса, ёнида юз тикани бўлади, бир маишат бўлса, орқасидан минг озори бўлади. Телба одамлар ўтнихг ёниш шаклини кўриб гулистон деб ўйлайди. Лекин унинг ичига тушиб кетса, қачон қутулиш имкони бор? Бола илондаги нақшдор чизиқларни кўриб, унга маҳлиё бўлиб қолади, лекин унинг заҳари одамни ўлдиришини билмайди. Денгизда қуёш рангида катта дур кўринса, бу наҳангнинг оғзи бўлиб, ғарқ бўлиш белгисидир. Шоҳга хизмат қилишни шу қонунлардан келиб чиқиб тушун; бунинг маишатидан кўра ғам ва мехнати ортиқ. Бу хизматдан қанча узоқ турсанг, шунча фойдалидир; агар бу хизматга умуман кирмасанг, бундан ҳам ажойиб ва яхши бўларди.

Йўқлик (фано) хазинасидан ким огоҳ бўлса, унга қаноат мамлакатининг подшоҳлиги насиб бўлади. Агар бундай хизмат сенинг бўйнингга мажбурий тушиб қолса, сенда уни бажармасликка ихтиёр йўқ. Қисқача қилиб айтай, лўндасини эшит, бунинг қандай бўлишини очиб тушунтирай. Сенга шоҳ хизматини қилиш насиб бўлса, тўртта ишни ўзингга сайлаб ол: олдиндан ниятингни унинг нияти билан ростла, бошқа ниятларни кўнглингдан чиқар. Яна бири, хизмат қилишнинг вақтини бил, хизмат қил, лекин қилмагандек тур. Яна бири, яхши-

ёмон сўз оғзингдан чиқмасин: одамларнинг яхши-ёмонига ҳам қарама (гапини эътиборга олма). Яна бири, бу хизматдан қийналсанг ҳам, азоб чексанг ҳам, адаб шартига кўра, ҳамма яхши-ёмонга чида. Бу хизматдан ташқари турсанг, бунинг аҳволи бошқа; подшога яқинлашсанг, бу яқинликнинг ҳам турлари бор. Бу ишларнинг ҳаммаси сенга муяссар бўлса, сенинг юлдузинг бахт билан ёриган бўлади. Лекин булар ҳаммаси, эй ожиз одам, гапнинг бир қисмидир. Тўласи шуки, агар ногаҳон сен бойлик тўплаш одатидан ор қилиб, фақирлик уйига йўл олсанг, айниқса шундай аҳволга тушганда тавозуъ кўрсатишинг шарт. Худонинг нақ рўпарасида унга умид боғлаб тура билиш керак. Агар сенга осмоннинг куч-қудрати насиб бўлса ҳам, ер юзида сен камтарликни танла. Ғам-ғусса юки сени тоғдек эзиб турса ҳам, унинг остида сен тупроқдек тура бер. Бошингга тошлар ёмғирдек ёғилса ҳам, бинафша каби бошингни юқори тутиб тура бер. Тавозуъ вақтида вафо қилиш, адаб қоидасига кўра ҳаёли бўлиш керак. Ана шу воситалар билан маъқул бўлиб, асл мақсад томон йўлга тушган бўласан.

XXXIII

Нўширвоннинг ҳаё боғида наргис кўзидан кўзининг наргиси уялиб, наргис кўзлик гулрух ёрини қучоқлашни истамай, ўзини четга олишни истагани

Нўширвон валиахдлиги чоғида бир қизнинг ишқи билан нотавон аҳволга тушиб қолди. Кўнгли ғунча сингари тўла қон эди, лекин ғам сирларини пинхон тутарди. Унга висол муяссар бўлгунга қадар чексиз азоб-укубат ва ташвишларни бошидан кечирди.

Бир кун у чаманзордан хилват жойни танлаб, гулрух ёри билан суҳбат қурди. Бахтиёр шаҳзода ёрини қучмоқчи бўлган эди, гулъузор ҳам бунга рози бўлди. Дилбар ҳамдами томон у қўлини узатганда, бир туп наргисга шаҳзоданинг кўзи тушиб қолди. Шунда аҳволи ўзгариб, у қўлини тортиб олди. Суманбар ёри хайрон бўлиб, сўради:

- Қўлингизни узатганингиз нимаси-ю, яна тортиб олганингиз нимаси?

Адабли шоҳ бунга шундай жавоб берди:

- Шундай бир висол дамида менга монеълик қилган нарса наргиснинг шахло кўзи бўлди.

Ҳаё кўзи билан олижартоблик бу ишда унга куч бермади. Унинг наргисдек кўзлари ёшга тўлиб, ўрнидан турди-да, бу ишдан воз кечди. Охирида унинг бу соф ниятлилиги, шундай ҳаёчанлигининг хосияти уни бутун оламга шоҳ қилди, адолати эса оламни паноҳига олди.

Айш, эй Навоий, қанча дилкаш бўлса ҳам, лекин адаб билан ҳаё ундан яхшироқдир.

Эй соқий, адаб шартларига хозир бўл, олдимда тўққиз бор таъзим билан бода тут, токи мен уни «ўзинг ич!» деб, сенга қарай, бир томчи томдирсанг тўққиз марта, тўксанг ўттиз марта қўшимча ичказай.

XXXIV
ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Қаноат хақидаким, «жў»(очлик) сўзидан сўнгги ҳарф «айн»[1] *ажратилса, «жў» (ариқ) қолиб, нажот булоғи, хатто ҳаёт чашмаси сари учиш қаноти бўлиб хизмат қилади, «тамаъ» сўзи ҳар қандай шаклда ёзилганда ҳам ундаги хорлик заҳрининг таъмини тотишга олиб боради; қаноади одамнинг очликдан кўзида қон мавж урса ҳам, иззати бор; тамагир одам олтин тахтдан жой олган бўлса-да, хорликка учрайди*

[1] «Айн».- бу ўринда «олтин» маъносида.

Кимки қаноатни ўзига касб қилган бўлса, билки, қаноат уни бой қилади. Олтин, кумуш билан зебу зийнатларни бойлик деб билма, балки хақиқий бойлик қаноат хазинасидир. Қаноат олтини хеч қачон йўқолмайди. Ана шу олтинни қўлга киритиб, шу орқали бойишга ҳаракат қил. Кулбада қаноат қилиб ўлтирган дарвеш тамагир подшоҳдан афзалдир. Чункитамаъқилишгадойларнинг ишидур. Билки, тамаъ этган киши гадодир.

Шоҳ тамагирлик қилса, у луқмахўр бўлади; қаноат қилган дарвеш эса подшоҳдир. Бошига тож кийган одам шоҳ бўла бермайди. Ҳеч нарсага эхтиёж билдирмаган одамни шоҳ деб бил. Қушларнинг ичида анқо шоҳ ҳисобланади. Бунда малум бир маъно бор. Агар фикр билан воқиф бўлишни истасанг, «қонеъ» ва «анқо» сўзларининг ёзилишида ҳарфлар бир-бирига мувофиқдир[1]. Ҳудхуд[2] овқатга ўч бўлгани учун гарчи бошида тожи бўлса ҳам элчи бўлиб қолди. Бошига тож кийган хинд ўйинчисининг холига боқ, тамаъуни чақа пулга зор қилиб қўйган. Арзимаган бир одамнинг қўЖидан озгина пул чиқадиган бўлса, тож деб атаган нарсасини осмонга отади. Шоҳ бошининг шарофати тождан эмас; кимки муҳтож бўлмаса, ўшани шоҳ деб тушун. Муҳтожни ҳам шоҳ деб аташ мумкин бўлса, ҳарф нуқтаи назаридан «муҳтож» сўзида ҳам «тож» бор-ку! Кимнинг тож кийганини кўриб, шоҳ дейдиган бўлсак, у вақтда, шу сабабга кўра, муҳтожни

ҳам шоҳ дейишга тўғри келади.

Бошига оддий қалпоқ кийган одамни шоҳ деб билки, у хайр-эҳсон вақтида бутун жаҳонни беришга тайёр. Бир нарсаси бўлмаса ҳам у шукр деб, қаноат қилади; хайр-эҳсон қилиш билан ўз нафсини тияди. Кимнинг қаноатдан хужжати бўлса, уни яхши-ёмон деб ўлтиришнинг хожати йўқ, у бунга муҳтож эмас. Кимки қаноат сари йўл топган бўлса, худди шу тақдир билан ўша шоҳ бўлади.

Бойлик билан ўзингни катта деб билма; қаноат бойлиги билан бошингни кўтариб юр. Бутун бир осмон битта нон[3] билан кун кечиради; ойнинг гардишини эса кўксига тош қилиб бойлаб олган. Шунинг учун

Худо унинг тузилишини нодир қилиб яратди, нима қилай деса, шунга қодир қилди. Ўз ёғи билан қовурилган шам атрофида осмон ҳам фонусдек айланади. Кўз доим шунинг учун равшанки, у меҳроб остида туриб, иккита бодом билан[4] озиқланади. Оғизнинг иши овқат ейиш бўлгани сабабли чайнаш учун Худо икки қатор тиш ҳам яратди. Зебу зийнат ва тамаъдан йироқ турган кишининг тинчлиги яхшироқ бўлади.

Билки, дурру гавҳар қулоққа озор беради; қулоқ учун энг яхши дур деб сўзни бил. Исирға олтиндан бўлса, қулоқни оғритади; зарҳал этик эса оёқни оғритади. Яхши гапни қулоқнинг безаги бил; этик кенг бўлса, оёқ осойиш топади. Киши чўлда тиниқ булоқни топиб олса, олтин қадах қидириб ўлтирмасдан, сопол идишда ҳам сув ича беради. Сув сопол идишда яхши туради; оина кул билан тоза бўлади. Кўзгунинг дастаси олтиндан бўлмаса ҳам, унинг юзига нафас тегмаса бўлди. Ташна одам сув билангина хурсанд бўлади; бундай вақтда у олтин қадахни хаёлига ҳам келтирмайди. Оотган нонни сувга тўғраб, ивитиб еяётган одамга қуёшнинг гардиши, ҳаёт суви хақида ўйлашнинг нима кераги бор? ъ

Чиройли бўлсин, деб ким ошига сабзи ва шолғом ўрнига олтин, кумуш, нўхат ўрнига қимматбаҳо дур, майда лавлаги ўрнига тоза лаъл солган?! Овқатнинг юзида заррин нур сочувчи қуёш, товоқ устида эса нон ўрнига ой кулчаси, нон устидаги кўк ўрнига • зумуррад, дастурхон устида бодринг ўрнига кўк тош бўлса, Худо хақи, кел, ўзинг инсоф билан айт, оч одам бу нарсаларни қандай қилиб ейди?!

---

[1] «Қонеъ» ва «анқо» сўзларининг араб ҳарфлари билан ёзилиши кўзда тутилади. «алиф», «нун» ва «айн» ҳарфлари ҳар икки сўзда ҳам бор.
[2] Ҳудхуд - сассиқпопишак.
[3] Қуёш кўзда тутилади.
[4] Мехроб - қош кўзда тутилади; икки бодом - бодомга ўхшаган кўз

Булар орасида ажойиб нарсалар бўлса ҳам, лекин дурлари тишларни синдирадиган офат; чайнаганда тишга озор етиб, ютаман десанг, бўғуз жароҳатланади. Ҳашамат учун қилинган бу ош ейиладиган бўлса, у ош эмас балки бир неча бўлак тошдир. Бу ош ошқозонга юборилар экан, айт-чи, уни ошқозон қандай хазм қилади? Ошқозон майда тошларни эмас, ўзига мувофиқ ошни хазм қилади. Уларни сен ейиш мункин бўлган овқат деб ҳисоблама; улар бошдан-оёқ одамни ўлдирадиган заҳардир. Кимки бу нарсаларнинг баҳосини санайдиган бўлса, ўзини ўлдириб, хунининг баҳосини бериши керак. Улар хазм бўлган тақдирда ҳам, инсофинг бўлса, боқ, бу қандай хаддан ошиш ва исрофдир.

Кимки Қорун хазинасига эга бўлиб, Жамшид мамлакати, Феридун[1] тожи уники бўлиб, хайр учун бутун бир хазинасининг эшигини очмаса, фойдасиз дурру гавҳар сочмаса, ўринсиз карам кўрсатмаса, битта хайрга юз минглаб дирам бермаса, очга овқат берса, яланғочга тўн, юз сўм сўраганга минг сўм, бир сўм сўраганга ўн сўм берса, қанча бойлиги бўлса шунга қаноат қилса, Тангри олдида ҳам, халқ олдида ҳам унинг айблари доим кечирилади.

Шундай одам ҳам борки, ўзининг ҳеч бойлиги йўқ бўла туриб, қилаётган сарфи билан қаноатланмайди. Бундай одам ўринсиз сарф-харажат қилишга ўрганган кишини кўриб, ўшанинг қилганини қилишни орзу этади. Унинг хазинасига қўли етмай туриб, ўшанинг эҳсон ва исрофгарчиликларини ҳавас қилади. Ўзининг оддий хашагини сарв билан ёнма-ён қўяди. Хароб отини Рахш[2] орқасидан чоптирмоқчи бўлади. Ўзи кийиш учун устига палос топа олмайди, лекин бировларга нақшли либослар бергиси келади. Кимнинг ўй-фикри шундай бўладиган бўлса, олдинлари унинг бировдан қарз кўтаришга зарурати туғилади. Қарз кўтаришдан бошқа хунар топа олмагач, олади-ю, лекин қайтариб бергани танини топа олмай қолади. Олинган маблағни у қора ер билан баробар қилиб сарфлайди; ваъдасининг вақти етиб, қарз берган одам қарзини қистай бошлайди. Қарз кўтариб, сарф қилиб совуриб, исроф туфайли ҳамма нарсасидан ажралади.

Шундан кейин у одамлар орасида шарманда бўлиб, терга ботади ёки бошини олиб, бир ёққа қочиб кетади. У шунча, яна юз шунча аламлар тортади, лекин булар ҳаммаси унга яна юз хисса кам. Қаноатни тарк этиш уни ватанни тарк этишга олиб келди; бошига эса юз минг балоларни келтиради.

Кимки қаноатни махкам ушлаган бўлса, унинг аҳволида бу хил қийинчиликлар юз бермайди. Мехнат қилиб, икки чақа пул топиш шоҳ инъом қилган хазинадан яхшироқдир. Хотиржамлик билан ичилган қатиқсиз угра ош бировнинг миннат билан берган ширин кулчасидан афзалроқдир. Куни билан қийналиб мардикорлик қилиб, кечаси ўз уйини маъмур қилиш тамаъ тоқини баландга кўтариб, мардикорликни юз бор пастга уришдан яхшидир. Йўқчиликни бўйнига олиб, унга кўниккан одам энг яхши одамдир. Қаноат мулкидаги саройдан жой олишни мўлжаллаган одам яхшиларнинг яхшисидир.

Бундай одамнинг кўнглига боғни сайр қилиш фикри келса, осмон гулшанини томоша қилиш билан кифояланади. Гўё осмон гумбази унинг уйининг нилуфар ранг гумбазидир. Боғининг сахни эса кўк рангдаги осмоннинг ўзидир. Осмон айланаси гўё унинг уйининг тоқидир; нур сочаётган қуёш эса уйининг тоқидаги тўгарак шаклли нақшдир. Кун унинг гулистонидаги гул, ой унинг хонасидаги шамдир. Кечани қўриқлаётган юлдузларнинг сабру қарори қолмай, шу шамнинг атрофида парвонага ўхшаб айланишади. Осмон ва шафақ унинг базмини қизил фонусдек ёритиб туради; янги чиққан ойнинг ўроғи эса унинг нақш соладиган асбобига ўхшайди.

Ҳа, шундай хаёллар билан у қаноат қилади; нафс истакларини манъ этади. Бундай одам ўз тасаввурларига берилиб хурсанд, яхши нарсаларни эслаб, шундан баҳраманд бўлади.

---

[1] Ж а м ш и д, Ф а р и д у н - қадим Ерон мифик подшохларининг номлари.
[2] Р а х ш - афсонавий қахрамон Рустамнинг чопқир оти номи.

Агар бундай кишининг химмат оти тезлик қилиб, ҳаётда бундан ҳам каттароқ қадам ташлашни орзу қилиб қолса, кул ичидаги бир қанча чўғни буюк осмон ва унинг юлдузлари деб ҳисоб қилсин! Бутун жаҳонни бир ховуч тупроғча, жаннат дарахтлари ва меваларини бир тутам хашакча кўрсин! Осмон қасрига у ўз вайрона уйини алишмасин, фалакнинг тоқига эса қийшайган айвонини бермасин! Унинг бир парча юраги унга овқат, хатто хурсандчилик қилиши учун ёқут бўлсин! Ўзи хор, қамишнинг илдизи билан кун кўрса ҳам, лекин бу илдиз унга гулдан олинган шакарнинг таъмини берсин! Товонларининг ҳамма томони ёрилиб кетса ҳам, у ёриқлар ер юзига ибратомуз кулаётган бўлиб кўринсин! Чакмонининг йиртиқ чокларини мадад гулшанидан эсган шабадага йўл деб билсин! Пастни юқори билан аралаштириб, тенг қилмасин; оддий шолни ипак мато билан баробар кўрмасин! Унинг кулбаси ой шамидан ёрисин; елнинг қўли эшигини доим очиқ тутсин! Егнидаги кўк чакмони, унинг оқ ямоқлари кўк осмон ва оқ тонгдай ёқимли бўлсин! Вайрона уйининг ҳар томонида тешиклар бўлса, уларни ўргимчаклар ўз пардаси билан беркитсин! Дам олиш учун бошини тошга қўйган экан, бу бошига бошқа ҳеч нарсани, хатто хумо патини ҳам истамасин! Қиш куни унга совуқ таъсир қиладиган бўлса, гулханнинг кули пўстин бўлиб, совуқни даф этсин! Ёз куни иссиқдан панoҳ излайдиган бўлса, кўприк соя бериб, унга ётоқ бўлсин! Фақирликдан у ўзига Қорун хазинаси, очликни Фаридун мулки ҳисобласин! Қаноат қилиш одати уни дунёда одамлар орасида бойларнинг бойига айлантирсин!

Шундай қилганда бу дунёда тамагирлик эл кўзи олдида уни ҳеч хор қилмайди. Қиёмат куни ҳам азоб ундан кетиб, кўнглида «ҳисоб куни»нинг дахшати бўлмайди. Фақирлик унинг асосий сармояси бўлиб, қуёш тик келганда, унинг сояси қуёшга тушади.

Кимки Худонинг берган эҳсонидан хурсанд бўлса, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахтли бўлади. Кимки қаноатни тарк этишни шиор қилган бўлса, бу тамаъ уни эл ичида хор қилади. Иззат тилар экансан, қаноатни тамаъ қил. «Қаноат қилган»нинг жойи иззат тахтидадир.

XXXV

Қаноатли жувонмард билан тамагир жаҳонгаштанинг ҳамроҳ бўлгани, бирининг қаноат азобини чекиш туфайли фароғат бойлигига эришгани, иккинчисининг фароғат бойлигига берилганидан хорлик азобига қолгани

Форс ўлкасидан икки ўртоқ Чин мамлакати томон йўл олдилар. Бири азалдан берилганига қаноат қиларди; иккинчиси эса ундан ортиқни тамаъ этарди. Улар қанчадан-қанча йўлларни босиб борарканлар, йўл бўйида бир оддий тош учраб қолди. Унинг ярми ерга кирган, ярми ташқарида бўлиб, ташқаридаги қисмига ажойиб бир гап ўйиб ёзилган эди. Ёзилган хатни улар ўқишди:

- Кимки қийинчиликка бардош бериб, тошнинг орқа томонини ағдарса, унда бир афсона ёзилган. Ўша афсонага кўра, шу атрофда бир вайрона бор. Вайронанинг тагида эса ажойиб бир хазина бор. Машаққатига чидаган ўша хазинага эга бўлади. Кимки бу машаққатдан йироқлик истаса, сабру қаноат ҳаммадан яхшироқдир.

Тамагир буни ўқигач, бесаранжом бўлиб, тамагирлик томирлари қаттиқ ура бошлади. Хазина ҳавасида тишлари ғижирлаб, тошнинг тагини қазишга тушиб кетди. Қаноат қилувчи унинг бу ишини кўриб, парво қилмасдан ўтиб кетди. У деди:

- Бу нақадар машаққатли мехнат! Қаноат хазинаси менинг ҳамроҳимдир. Кимга Тангри эҳсон бермоқчи бўлса, тош ўз-ўзидан ёрилиб, унинг остидаги эҳсон ўз эгасини топиши мумкин.

У йўлга тушиб, тонг отгунча юрди, эрталаб қараса, бир шаҳарнинг четига келиб қолибди. Шаҳарга кирадиган йўл кўп экан. Лекину шу шаҳарга биринчи бўлиб кирди. У дарвозага яқинлашиб борганида, ҳар томондан одамлар чопиб кела бошлади. Бу ер ахолисининг расми

бўйича, подшоҳ мангулик юртига сафар қилган бўлса (ўлса), шаҳар халқидан буни сир тутишар экан. Саҳар вақтида ким шаҳарга олдин кирса, уни тахтга ўтқазиб, бошига тож кийдириб, қўлига узук тақишар экан. Ўша расм бўйича, уни ҳам давлат кишилари ва аскарлари мамлакат ва сипоҳ устидан подшоҳ қилиб кўтардилар.

Бошига машаққатни ортиб олган дўсти бўлса, бойлик ҳавасига берилиб, мехнат билан ўз жонини роса қийнади, тошни бошқа томонига айлантирди. У ерда ёзилган хатга қараб, уни ўқиди:

«Ким хомтама бўлса, у дунёда доим азобда», деб ёзилган экан.

Уни қаноат мамлакатга подшоҳ қилди; буни тамагирлик азоби хор-зор этди.

Эй Навоий, бировдан уч пул тамаъ қилма: ўзингда бор бўлса, уни бошқага берсанг, шу - карамдир.

Эй соқий, мен сенинг бодангдан тамаъ қиламан, холос. Бу озод одамдаги очкўзлик ва тамаъни йўқотади. Унинг бир қултуми билан мени йўлга бошла; қаноат мулкига шоҳ қил!

XXXVI
САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Вафо хақидаким, «вафо» сўзининг «вов» ҳарфи[1] «семурғ» сўзидаги «син» ҳарфлнинг ўндан бин сон эътибори билан «вов» - 6 га тенг бўлгани каби яширинидир, «фо»си Қоф тоғи остидаги «фо»дек аён ва «алиф»и «кимиё» сўзининг охиридаги «алиф»нинг ўзидир; нуқта эса дунёдаги энг азиз (номи бору ўзи йўқ) ўсимлик (меҳригиё) чаноғидаги (камёб) уруғдир; ушбу вафога етишишни истаган кишининг иши сув устида югуришдек ва тупроғ устида кема хайдашдек бўлмаган ишдир

Осмоннинг тўққиз қутиси бўлиб, ҳаммаси зар билан ишланган; уларнинг ичида юз минглаб қимматбаҳо дурлар бор. Ундаги ҳар бир дурнинг ёруғлиги фароғат шамъидир, оддий дур ҳам эмас, шам ҳам эмас, кечани ёритувчи дурдир. Унинг ҳар биттасининг қиймати бутун бир коннинг баҳосидан, коннингина эмас, бутун борлиқ ва маконнинг баҳосидан ҳам ортиқ. «Осмонлар» деб ном қўйилган бу нарса пок гавҳардек юз минглаб юлдузларга эга. Уларнинг биронтаси бошқасидан пастроқ деб фикрлашга ақл ожизлик қилади.

Бунда хаёл қилиш мумкин бўлган жавҳарларнинг ҳаммаси.бор бўлиб, ақл жавҳари шундай савол беради:

- Ҳа, бу конда битта дур десанг юзтаси топилади; бу уммондан юзта десанг мингтаси топилади. Лекин буларнинг орасида шундайи борки, у бутун жаҳонни ёритиб туради. Бу денгиз остидаги энг ноёб дур ўшанисидир. Ўша дур агар ўз жамолини кўрсатадиган бўлса, унга яна бир шунақасини қўшиш имконияти йўқ. Софдил одамлар у жавҳарнинг отини сўрасалар, оҳ чекиб, «Вафо гавҳари!» деб жавоб бер.

Ҳа, бу ноёб дур вафомикан? Вафо бўлмаса, меҳригиёмикан? Йўқ, уни меҳригиё ҳам дема, анқо деб ата, жавҳарнинг ёлғизию дурри ягона деб ата. У қуёш юзидаги чиройли хатга, тун сочининг ўримидаги мушки тоторга ҳам ўхшаб кетади. Бировнинг қўлига дурнинг каттаси тушиб қолса, бу унинг жони жавҳарига хавф бўлгани каби, кимда вафо гавҳари бор экан, доим азоб-уқубат унга ёрдир.

Бундай одам кимни кўрса ўзини унга дўст деб билади; унга ўзининг меҳрини, гавҳардан қиммат вафодорлигини изҳор этади. У киши яхши одамми, ёмон одамми, бахти кулганми, йўқми, бундан қатъи назар, унга беихтиёр шафқат кўрсатади. Бундай одам бамисоли кўзларга нур берган қуёшга ўхшайди. У кўзларни ёритадию, лекин буни у ўзи англамайди. Бундай

[1] Бунда «вафо» сўзининг арабча ҳарфда ёзилиши кўзда тутилади ҳамда абжад ҳисоби бўйича ҳарфларининг сонини билдиришига ишора қилинади.

одам гўё ўз дур қатраларини йў1-йўлакай сочиб кетаётган булутга ўхшайди. Лекин у бу қилмиши туфайли гул очилишидан бехабардир.

Гул ўзининг боғни безаб турганини, иси димоғни муаттар этишини қаёқдан билсин. Ўт ҳам ўзининг ҳамма нарсани ёндиришидан бехабар. Ичкиликнинг ҳам одамни маст қилгани билан нима иши бор? Кимда-ким шу гавҳардан бошқа гавҳарга эга бўлмаса, шундай ишларни қила беради-ю, лекин ўзининг хабари бўлмайди.

Бу вафо гавҳари қанча шарофатли бўлмасин, унга бир қанча ғализ сифатлар ҳам хос. Қайси бир кишида бу гавҳарнинг борииги маълум бўлса, унинг бошига гавҳар ўрнига тошлар ёғилади. Киши бировга бирорта яхшилик қилган бўлса, эвазига минг жафо кўрса ҳам, жафодан қутула олмайди. Мевали дарахтнинг шохи қанча мева бермасин, терган киши унга шунча кўп тош отади. Кон қанча кўп пок гавҳар берса, кончи унинг кўксини шунча кўп чок қилади. Шам уйнинг ичу ташини қанча яхши ёритса, уй эгаси унинг бошини шунча кўп узади.

Бу давр шундай ўзига хос бир даврки, мухаббатнинг қўли билан панжалари орасида бутунлай мажақланди. Қуёш ҳам бошдан-оёқ меҳрдан иборат бўлгани учун ҳар кеча осмон уни ерга киргизиб юборади. Қалам вафодан бахс олиб боргани учун фалак муфтиси унинг юзини қора қилди. Тезкор осмон чоҳ бошида айланади; қудуқ эса унга томоғидан бўғиб, душманлик қилади.

Эвоҳки, осмон енгилтаклик билан айланишни одат қилгандан буён бу дунё унинг олдида чўлоқ бир чолдай туради. Мехр аҳлига жавр қилиш одатми? Қоида ўзи шунақами? Лутфу вафо йўлида ким ўзини гардга айлантирса, бунинг эвазига унга дарддан бошқа нарса йўқми? Кимки вафо йўлида бошини берса, нахот унга тўлов дакки бўлса! Ёки бу замон одамларига бировнинг асалини олиб, унинг оғзига заҳар қуйиш асосий ўлчов бўлдими? Бировга биров бутун бир жаннат гулшанининг ранг ва бўйига эга бўлган ҳамда янги очилган гул совға қилса, бунинг эвазига у тикандан бошқа нарса бермаётир. Берганда ҳам бир эмас, юзта тикан бермоқда.

Халқ шу тақлидда иш тутар экан, бир одамни топиш иши жуда қийинлашади. У одам қандай одам десангиз, у одам шундай одам бўлсаки/у билан дўстлик ишини тузиш мумкин бўлса, тақдирдан бир кишига ситам_етиб, дард тиканлари қадалса, халиги одамга бу бир нафас ўз дардларини изҳор қила олса, бир одам замон ханжаридан ярадор бўлса, хасратлашиб, халиги одамдан бир чора тилай олса; ҳаётдан бир киши бирон малоллик кўрса, халиги одам билан гаплашиб, кўнглини бўшата олса!

Ҳар қандай одамнинг бошига тақдир бир ғам солса-ю, лекин унинг бир ҳамдард дўсти бўлмаса, сирини сақлаш учун тикиб қўйган лабларининг ипини сўка олмаса, кўнглида бор гапларини бировга тўка олмаса, дард унинг танасидан чиққан шуълани алангалатиб, тутунини осмоннинг нарёғига ўтказиб юборади. Бало тиғи кўксини ёриб, дард уни бир нафасда халок қилади. Осмон ғам шамоли билан жонига уриб, умрининг хирмонини кўкка совуради.

Бас, шундай экан, инсонга яхши умр ёр билан; умр дегани ёри вафодор деганидир. Вафо расмини қилмаган ёр зиёси йўқ шамга ўхшаб кетади. Шамда ёниш озиғи бўлмаса, муз сумалаги каби ёнмасдан тура беради. Ҳақиқий ёр бўлса, унга вафо ҳам ёр деб бил; умрни ҳам ёри вафодор деб бил. Кимки оламда ёрсиз бўлса, у шундай бир садафки, яхши дури йўқ. Киши ёлғиз ўзи бўлса унинг хунари ҳам йўқ; ёлғиз одам - одам қаторида саналмайди ҳам. Сўққабош одам орзусига етолмайди; ахир, бир қоидан овоз чиққанини ким эшитган?!

Ёрсиз кишиларнинг оҳлари ғам билан қопланган. Ўтун ҳам бир дона бўлса, ёнмай тутагани тутаган. Тоқ одамнинг маишат уйи ҳам, билки, доим қийшайган; ахир, битта устун бутун уйни қачон кўтариб тура олган? Бургутнинг эгнидаги бир қаноти синса, қанча тез учса ҳам, бир дам уча олади, холос. Нард тахтасининг тосида тўпиқ-суяк битта бўлса, ўйинчи ўйин бошлай олмайди. Тош билан чақмоқтош бир-бирига урилмаса, бир-биридан узоқ тутилса,

уларнинг орасидаги масофа - фироқ уларнинг иккаласини ҳам қоронғида тутади. Улар бир-бири билан бир лахза кўришса ҳам, улардан чиққан ўтдан бутун олам равшан бўлади. Қаламнинг иккига бўлинган учидан бир томони синса ҳам, котиб хат ёза олмай қолади. Ё бўлмаса, жайрон бир ўзи тинч бир жойни кўзлаб кетаётган бўлса, камонкаш овчи, билки, унинг пайига тушади. Дур айбдан қанча узоқ (ягона) бўлса ҳам, лекин ёнида лаъл ҳам бўлса ёмон бўлмайди. Кимки гадой бўлса, ёнида битта ёри бўлса, у дунёга шоҳ бўлишдан ор қилади. Лекин шоҳ бўлсаю, ёнида ёру ҳамдами бўлмаса, унинг ичидаги дард юки оғир бўлади. Биров бировга ҳамнафас бўлиб, дўстлик қилса, киши ҳар қанча ғамни ҳам енгил ўтказади. Ёр шундай бебаҳо бир гавҳарки, унга шоҳ ҳам муҳтож, гадо ҳам.

Лекин бу сифатлари ёзиб ўтилган ёр, афсуски, бу даврда йўқ. Бўлса ҳам, уни топиш осон эмас; хусусан, одамзод орасидан топиш имкони йўқ. Малаклар тўдасида бўлиши мумкин. Лекин уларни қўлга киритиш учун осмонга кўтарилиш ҳам қийин-да. Парилар ҳам бу сифатдан халосдирлар; чин инсон бўлишни парилар қаёқдан билсин! Агар сенга бу сўз қоронғи бўлса, айт-чи, қайси бир пари чеҳрада вафо кўрдинг? Уни топиш гарчи қийин бўлса ҳам, одамлар орасида бор бўлиши мумкинми? У ёрнинг васли кимгаки насиб бўлса, унинг шаънига «Қуръон»да «ғалаба яқиндир» ояти ёзилган.

Кимки ўзининг бир ёри билан кўнгли шод экан, малаклар тўдаси унга: «Кўз тегмасин!» - дейди. Ўз ёрининг васлидан кимки баҳраманд экан, куйган жоним унинг бошига исириқ бўлсин!

Кимки вафо кўриб, бунга жавобан жафо қилмаган бўлса, унинг олдида вафодан бошқа иш қилмаган бўлса, эй сабо, жонимни мен сенга топширайин: сен ибо қилмай, унинг олдига олиб бор. Қуюн бўл, бошидан айланиб-ўргил, менинг жоним эса қўйнингда хасдай бўлиб, мендан унга арзи дуо етказгач, жонимни унинг йўлида фидо қил! Унинг чаманидан бир дона барг олиб кел, демайман. Унинг йўлининг чангидан кўзимга олиб келиб сурт. Агар сенда унинг хизматида қолишга куч топилса, менинг аҳволим хақида арз қилиб бўлганингдан сўнг, аввал оёғига йиқилиб, паст бўл, йўлида тупроғ билан баробар бўл. Тонг насими каби хомуш бўлма; кечки шамол каби қичқирик

«Эй бошдан-оёқ пок руҳ одам, бутун сенинг жисминг ўзи руҳки, «руҳим сенга фидо бўлсин!» Сенинг висолингни қанча орзу қилиб, интизор бўлай? Фироқингга яна қанча гирифтор бўлишим керак? Бағрим бало тоғининг лоласи бўлиб, кўзимдан ҳар томонга лахта-лахта қон оқмоқда. Ҳажринг туфайли жоним дардманд бўлиб қолди; ажал томирлари унга қайишдек чирмашган. Сени истаб шунча кўп қадамлар босдимки, излай-излай оёғимдан ажралдим. Сени тилаб, ҳар қанча азоб бўлса тортдим; висолинг ганжини тилаб, дарду ранждан бошқа нарсага эга бўлмадим. Майсани қидирдим, лекин менга тиконлар санчилди; лаъл дедим, лекин чўғларда куйиб ўртандим. Лола истаб, кўксимда доғлар кўрдим; гул қидириб, кўнглумдан тиконлар топдим. Кимдан мен жонимни аямаган бўлсам, у менга имкони борича жаврини аямади. Кимнинг оёғига бош қўйган бўлсам, бошимга тошни дўлдек ёғдирди. Эй воҳ, юзта тошнинг орасида қолган ёлғиз бошим! Чарх менинг бошимни юзта деб ўйлабди. Худди шу нафасда рахм этиб, бошимга етиб келсанг-чи. Мен ўлиб кетгандан сўнг келишингдан нима фойда?!»

Менинг бу истагимни қабул қилиб, у қуёш мендек хароб бир одам томон юра бошласа, жойингда туриб қолмасдан дархол олдимга кел, мен учун бу хабарни Хизр ҳаёти хақидаги хабар билан тенг деб бил. Уни кутиб олишга чиқиб, юз бор афғон қилай, фиғон эмас, балки жонимни унга фидо этай! У жононага кўзим тушар экан, йиғлай-сиқтай; шукронаси учун унинг олдида жонимни берай! Шундай дармон билан жонжмдан дардни олсин. Охирги вақтда мен армон билан (ҳаётдан) кетмай.

Агар менга бу мақсад насиб бўлмаса, унинг дийдорини кўриш бахти муяссар бўлмаса, у вақтда фано дашти томон йўл олганим яхши! Йўқлик мамлакатидан жой эгаллаганим дуруст!

Ҳар ким ҳам вафо жомиъдан ичар экан, мухаббат майидан кўнгли жўш ураркан, бу ишда менга тақлид қилсин!

Бундан келиб чиқиб мен шундай умид қиламанки, у ёрга ким бутун дунёсини фидо қилса, унинг муҳаббатида хатто жонини ҳам аямаса, унинг тўққиз осмон оғирлигидаги юкларини кўтариб турса, бундай вақтда ёр ҳам лоақал бир зарра меҳр билан жавоб бериши керак! Уни вафо конининг гавҳари десин; вафо конигина эмас, вафо жаҳони десин. Унга миртнатдорчилигини тилида такрор-такрор айтсин; кўнглини унинг муҳаббатига макон этсин. Бундай бахтли вақтда умид қиламанки, ундай одамга мендан ҳам садақалар бўлсин! Бундай жононага у жонини фидо қилсин, миннатларини жон деб қабул қилсин. Вафо агар икки томондан бўладиган боиса, уларнинг ҳаёти шунча шодлик топадики, бунинг таърифи варақларга, варақларга эмас, уфқларга ҳам сиғмайди.

XXXVII

Икки вафодор ёр бир-бирига вафо қилиб, бошларидан кечгани, уларнинг шарофати билан юз минг бош қиличдан ва қилич қиндан қутулгани, хатто қайта қингага киргани

Эшиттимким, бахтли подшоҳ, тўрт улуснинг хони Темур Кўрагон иқлимларни фатҳ этишга киришганда, Ҳиндистонда қаттиқ жанг бўлди. Унга ғалаба юз кўрсатиб, тақдир душман лашкарига шикаст солди. Душманларнинг ҳаммаси динсиз бўлгани учун (Темур) бек: «Ҳаммасини қиличдан ўтказинглар!» - деди. Ўликларнинг кўплигидан даштлар тўлиб кетди. Қизил қон Нил бўлиб оқди. Ўша сой тошича каллалар учди; ҳар киши ўзбошимчалик билан бош олди. Ўткир тиғлар ҳар томонда қон тўкиб, бутун оламга ғавғо солди. Шу пайт иккита бечора севишган ногоҳ ушбу қотилларга дуч келди. Шоҳнинг жазосидан омон қолиш учун аскарлардан бири уларнинг бирини чопмоқчи бўлиб отидан тушди. Уни ўлдириш учун аскар ёнидан тиғини чиқарган эди, униси ўз шеригини тиғ остида кўриб, уни химоя қилиш учун қотилга ўз бошини тутди.

- Агар сенинг мақсадинг бош олиш бўлса, уни қўй, унинг ўрнига бу бошни ола қол! - деди у.

Аскар унинг бошини олмоқчи бўлган эди, униси ҳам худди шу сўзни айтди. У қайсига ўз зулмини кўрсатмоқчи бўлса, бошқа бири ўша гап билан оёғига йиқилар эди. Бургут панжали қотилнинг жаҳли чиқиб:

- Пайсалга солмай иккалангизни ҳам чопаман! - деди.

У қайси бирини ўлдиришга ошиқса, иккинчиси тоқатсизлик билан дер эди:

- Тез бўл, олдин мени ўлдира қол, то мен ўлгунча лоақал у тирик турсин!

Улар бир-бирларига ўз бошларини инъом қилардилар. Бошларини кесдириш учун тиғни талашар эдилар. Шу муносабат билан орада бирпас хаяллаш юз берган эди, бирдан хаикъорасида омон-омон бўлгани хақида нидо кўтарилди. Чунки бу икки ёр бир-бири учун жонидан кечган эди, шоҳ ҳам халқнинг гуноҳидан ўтди. Бу икки ёр дўстлик, садоқат туйғуларини намойиш қилиб, элни ҳам, ўзларини ҳам халос қилдилар. Эй Навоий, Худо сенга ҳам ёр берса, сен ҳам унга бошингни ва жонингни фидо эт. Эй соқий, меҳру вафо шартларига содиқ боисанг, чин дўст бўлсанг, бир қадах келтир. Жоним халқумимга келди, менга даво қил, қачонгача ваъда берасан, энди ваъдангга вафо қил!

XXXVIII
ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Ишқ ўти таърифидаким, унинг шуъласи бало саҳросининг лолаларидир, чўғи балога дучор бўлган кўнгулнинг қон бўлакларидир; мехнат-машаққатнинг қаро шоми унинг тутуни, бу шомнинг куйик юлдузлари унинг учқунларидир; ёр ҳуснининг нурлари хақидаким, унинг алангасидан кўтарилган бир ёлқин бундай ўтнинг чиқишига сабабчи, унинг қуёшдек юзидан тарқалган битта нур бундай ҳароратга асосдир

Ер юзида энди ҳаёт бошланиб, инсон вужудини руҳ майи билан маст қилганларида, унинг тупроқдан иборат жисмини ҳикмат қўли билан худди Эрам боғига ўхшатиб туздилар. Йўқ, уни Эрам боғи ҳам эмас, жаннат боғига, боғ ҳам эмас, хурлар жилва қилган жойга ўхшатиб туздилар. Ҳар лахзада қушлари юз афсона куйлашади, ҳар ким илтимос қилса, яна куйлашади. Унинг сахни осмон боғидек безатилган; ҳар бир гули худди тўлин ойнинг ўзи. Унинг гулгун юзи янги очилган гуллардир; унинг упаси гулга гулгунлик бағишлайди. Тик савсан, балки тўғри сарв ва шамшод унга қомат бўлган. Мушк хидли сунбул унга зулф; лола ва оқ гул унга юз ва ёноқдир. Юзидаги терлари қуёш чашмасига ўхшайди; бағбақаси ўша сувнинг устидаги кўпикдир. Кўзидан фитнагар наргислар пайдо бўлган; лаби худди кулиб турган ғунчанинг ўзи. Лабидаги туклар хуррам сабзазофу, сабзадаги шабнам унинг терларидир. Ҳусну жамол унда ўйлаганингдан ҳам кўп, қанча кўп ўйласанг, ўша ўйлаганингдан ҳам ортиқ.

Лекин дилни тортадиган нарса унинг ҳусни эмас, элнинг сабр-тоқатини олган ҳам бу жамол эмас. Ишқ булбули ўз достонини куйлай бошлаганда томоша қилиш учун бу боққа кирди. Унинг назари гулга тушиши билан зор бўлиб, шавқ ўтидан жонига хабар етди. Гул шохига ўлтириб, жой танлади; ундаги оташин (қизил) гуллар унинг жонига ўт ёқа бошлашди. Жонининг ичи ишқ ўтидан ўртаниб, ғам шуъласидан кўнглига изтироб тушди. Ишқ унинг сабру қарорини талон-торож этди, гул эса унга фириб бера бошлади. Гул унга жилва қила бошлагач, энди унда сабр қилиш имкони қолмади. Куйиб-ёниб, у шундай қичқириқ солдики, бунинг ўтидан чаманнинг ичи қизиб кетди.

Шундай куйиш ва куйдириш юз бергач, шунда ошиқлик ва маъшуқлик намоён бўлди. Ишқ туғён солиб, ривожланиши билан ошиқ паришон аҳволга тушиб қолди. Ҳусн яна ёқимли жилвалар қилиб, зулфнинг қўлига балодан тузоқ топширди. Жаҳон мамлакатининг бошига ишқ ғавғоси тушиб, замон аҳли ишқнинг талонига учради.

Ишқ дегани бу қандай ўтки, у ҳужум қилганда унинг тутуни ва учқунларидан осмон ва юлдузлар яралди. У тутундан малаклар пашшадек қочдилар. Фалак осмонда оддий бир фонусдек бўлиб қолди. У туфайли ақл пешонаси қорайди. Рух кўзидан ҳам у ёшлар оқизди.

Ишқ шундай нарсаки, майхонада ҳам унинг хақида бахс тўхтамайди: Каъбанинг либоси ҳам шу туфайли қорайган. Май ўти бутнинг[1] юзини қизартириб, байроққа айлантиргач, шуъласи «Қуръон»ни ҳам куйдирди. «Қуръон»нинг варақларини куйдираётган чоғда ўт ёқаман деб рахлни[2] ҳам синдирди. Бутхона деб масжидни хақорат қилди; имонни куфрга алмаштирди. Тақво либосини итнинг устига ёпқич қилди; ёпқичнинг ҳар ердаги ямоқларини безак учун солинган гул деб ҳисоблади. Динсизликни ўрганиш учун китоб очиб, ҳар қандай худога ҳам санам деб хитоб қилди. Масжиднинг ичида исён бодасини сотиб, меҳроб бурчагига май хумини ўрнатаи. Гулшаннинг ичида гулдан ўт ёқди, майхона бурчагини шароб билан ёритди. Бу гулнинг қандай гул эканидан боғнинг нима хабари бор? Ичидаги майнинг қанақа май экани билан хумнинг қанчалик иши бор?

Рух бу гулнинг тиканига оёғидан илинган, жон ҳам шу май исидан мастдир. Унинг туфайли саросима ақл иши турли ихтилофлар билан тўла: ихтилофгина эмас, пойма-пой.

---

[1] Бут- Будданинг хайкали кўзда тутилади.

[2] Р а х л - курсича. Китоб унга қўйиб ўқилади.

Пойма-пойгина эмас, уни аблаху нодон, деб айт, нодон ҳам эмас, биёбондаги телба деб ҳисобла.

Қайдаки ишқ ўти шуъла сочиб турган бўлса, у ўт устида ақл мисоли бир хашакдир. Куйиб, бу ўтга кўра бўлган кўнгулнинг обод ўлкаси бунга кирмайди. Чунки қайси кўнгулни ишқ макон қилган бўлса, уни ишқ ўз ўти билан лаъл конига айлантирди. Ишқ бўлмаса, икки жаҳон ҳам бўлмасин; икки жаҳонгина эмас, жон ҳам бўлмасин! Тан ишқсиз бўлса, унинг жони ҳам бўлмайди; киши ҳуснни нима қилади - у оний бир нарсадир. Ишқ ўти мамлакат подшоҳига унча назарга илинмас ошиқни боридан орттириб, ширин қилиб кўрсатади. Ишқ дур бўлиб, кўнгул унга қутичадир; хатто ишқ қуёш бўлиб, кўнгул унга бурждир. Қуёш ҳам эмас, у базмдаги ёнаётган ўтдир; шунчаки ёнаётган ўт эмас, куйдираётган ўт. Инсон танаси суякларнинг тузилишидан ташкил топган уй бўлиб, ишқ агар ўт бўлмаса, уни куйдирмас эди. Ёр ҳуснининг иши ошиқдаги ишқни юзага чиқариш бўлиб, бу хол одамнинг шамъ билан ўтинни ўт олдирганига ўхшайди. Ҳусн қанча дилни ўзига қаттиқ боғласа, ишқ ўти ҳам одамларнинг кўнглида шунча тез ёнади. Гулда лутфу тароват қанча кўп бўлса, булбулнинг хасратида ҳам ғуфғула шунча кўп боиади. Кўнгул ярадор бўлса, у оҳ чекади; ўтни ковласанг, аланга ҳам шунча баландга уради. Ишқ учун жонни ўрташ мушкул эмас; ўтга ҳам бутун жаҳонни ёндириш қийин эмас. Аланга ҳар қандай тошни сув қилиб юборгандай, ишқ ҳам золим ақлни эритиб юбора олади. Зоҳидлик дунёсини ёндириб юбориш учун битта учқун етарлидир! Тикон ва хашак қанча кўп бўлмасин, яшинга бас кела олмайди-ку! Ишқ агар филга ўз кучини кўрсатадиган бўлса, фил филнинг оёғи остида қолган чумолидек бўлиб қолади.

Лекин ошиқ ўзини ошиқ деб атаса, у ошиқ эмас; ҳар ким ҳам ишқда содиқ бўла бермайди. Кимки кезиб юриб ҳусн танласа, сўнг кўнглини бу ҳусн эгасига боғласа, ундай кўнгулни кўнгул дема, у бир парча тошдир. Шам ҳам ўз ўти билан харсанг тошни қиздира олмайди-ку! Ўзини киши кўзига ғамгин кўрсатиб, мотами бўлмаса ҳам ёқасини йиртар экан, бундай одамнинг таши хийлакорлиги орқасида малакка ўхшайди; ичи эса иблис билан бирлашган, зоҳири садоқат билан безанган, ичи эса фисқ-фасод билан булғанган!

Ундай одам ёридан ўз хоҳишининг ушалишини талаб қилади: гап-сўзидан эса ауабсизхги билиниб туради. Гоҳ ённинг лаъл лабидан жон тамаъ этади, битта жон эмас, имкони бор ҳамма нарсани сўрайди. Гоҳ у ёрнинг гул хидли баданини, танинигина эмас, танасининг ҳар бир аъзосини васф қилади. Жимжимадор хатлари хазил китобига ўхшайди: унинг мазмуни фахш, ёлғон ва фирибдан иборат. Кўзбўямачининг шишасидек усти софу лекин зимнига юз хил макру хийла, ёлғон жойлашган. Шу ҳам ошиқ ҳисобланадиган бўлса, уни ўлдириш, бошдан-оёқ вужудини куйдириш керак.

Ҳақиқий ошиқ деб сен шуни билки, у дард билан яшайди; унинг тили ҳам, дили ҳам, кўзи ҳам пок бўлади. Ишқ уни ўз «мен»идан пок қилиб, хатто фано ўтига хашак қилган бўлади. Юзини сариқ қилиб, дардини яширади; кўзини ариқ қилиб ёш оқизади.

Унинг касалманд, озғин тани қилга ўхшайди; бу қилдаги ҳар тугуни унинг бўғинларидир. У орқасида ишқнинг юз ғамдан тўпланган юкини орқалаган; ҳар бир тугунда битта ғамнинг оёғи бойланган. Дард юкидан унинг қадди хам бўлган, «дард» со зидаги «дол» ҳарфи қаддининг худди ўзи. Бадани осмоннинг баданига ўхшаш бутун доғ; ҳар доғ унинг қора тундаги азобидан нишонадир. Кўксининг ёриғидан чиқиб турган ўт шорн балосига саҳар бўлишидан нишон беради. Кўйлагида парча-парча доғларнинг ўрни; бебахт чакмонининг теварак-атрофи ямоқ. Кўнглидан бошқа одамнинг хаёлини бутунлай чиқариб юборган; кўнглини севгилисининг хаёллари билангина тўлдирган. Маъноли гапларга ўрганган тили ҳар қандай сўзни айта бермайди; унинг кўнглида жононининг ғамидан бошқа ғам йўқ. Ёр юзини кўриб, кўзида ҳайрат; ёр қараши унинг кўнглини ўртаган. Кўнглида ёр ғамини чекиб, унинг рашки туфайли ҳар томонга кўз ёшлари қон бўлиб сочилади. У қайси томонга назар

солмасин, унга ёрининг гўзал жамоли жилва қилади. Ҳатто ўзини ҳам бутунлай унутади; қаёққа кўз ташламасин, кўзига фақат ёри кўринади.

Кимки шундай ишқнинг қўлида мағлуб бўлса, бундан бошига нима тушса ҳам уни яхши дейди. Ишқ кимнинг кўнглидан шундай ўрин олган бўлса, уни ўзлигидан ҳам фориғ этиб, маст қилади. Бундай кишига хос ер зоҳидлар уйи эмас; унинг кўнгли ишқ ўтидан халос боимагани маъқул. Соғлом фикрли кишилар уникига йиғилиб, уни қийнаб, маломат қилишса, жаннатни ваъда қилиб овутишса, кўнглини эса ишқ ўтидан совутишса, (ишқ йўлидан) айниб, яна у тоат-ибодатга берилса, шу тоат билан қаноат қилса; ишқ балосидан орттирган яраларини тузатса, машаққат ўқларидан пайдо бўлган яраларни битирса; танасининг қушига сўфийлик хирқасини тузоқ қилиб, тасбеҳининг доналари билан у қушни ўзига ром этса! Хилватда ўтириб-ўтириб, томоғи қуриб, бироз ҳаво олиш учун у дам олгани чиқса. Кўчалар, хиёбонлар томон бориб, у Мусалло билан Майдон томонга ҳам ўтса. Дашт томонидан тўп-тўп отлиғлар кўриниб, улар ҳаммаси майдонда жавлон қилишга отланган бўлади. Ўшаларнинг орасида ногоҳ ҳусну малоҳат майидан кайф қилган бир гўзал кўриниб қолади. Май ўтидан юзида юз гул очилган, бу гулларнинг биттаси дасторига қистириб қўйилган. Ҳусни ўтининг алангаси гулзор бўлиб, бу гулзорнинг ҳар томонида гулнор очилиб ётибди. Холи ҳар қандай балони даф этувчи; унинг ўтида кўз қорачуғи ёниб, ҳаммаёққа исириқ бўйини тарқатади. Қошлари ой юзининг устидаги хушбўй янги ой; унинг иккаласи ҳам ақлни девона қиладиган даражада чиройли!

Янада тўғрироғи, бу қошлар ошиқларни ўлдириш учун ўзаро маслахатга ўлтириб, бошини бошига қўшган. Ҳуснини намойиш қилиш учун у қошида (жингалак) тугунлар ясаган. Ўзига зеб бериш учун «нун» ҳарфига ўхшатиб ясалган бир тугуннинг устидаги нуқта шамранинг[1] уруғига ўхшайди. Сунбул сочларида тугун устига тугун, бу тугунлар тугун эмас, халқа устига халқалардир. Унинг зирак таққан қулоқлари сафни ёриб ўтувчи турк аскарларига ўхшайди; гўё у ўлимни ўйлаб, устидан темир совут кийиб олган. Чақнаган кўзи ноз билан ҳар томонга боқади; бу билан зоҳидлар ва тақводорлар хирмонига ўт ёқади.

Бу ўтнинг тутуни киприклар сафининг орасидан ўтганда, уларнинг ҳаммасини қорайтириб қўяди. Унинг кўзлари сурма қўймаса ҳам қоп-қора, фусункор; жаҳон бу кўзлар туфайли сурма рангига кирган. Лаъли лабида бир қатра тер думалоқ бўлиб турибди; у мангулик чашмасидан томган битта жонга ўхшайди. Лаб тукларининг ҳар биттасини ҳаёт майсаси дейиш мумкин: улар Хизр турган қоронғи зулматдан ўсиб чиққан. Кишиларга орзу бўлган бақбақасида қатра-қатра сувлар кўринади; бу бақбақа чуқурчасига сув ўша чашмадан сизиб тушган. Ҳар мўйи жон томиридан тортиб, кофир зулфи эса имон томирларини ҳам юлиб оладиган. Унинг гулранг ипак либосдаги қомати гулдор кийимга ўралган сарвга ўхшайди. Унинг чопқир оти яшиндай тез қадам босади; сайр қилиб юриб, яшин-дай чақнайди. Унинг оти яшин бўлиб, устига минган ўзи қуёш бўлгандан кейин уни кўриб эл-халқ куйса, йиғласа, ажабланмаса ҳам бўлади. Гул сингари этагини белига қайиргандан кейин, тўнининг этагидан унинг савсан рангидаги кўйлаги кўзга ташланади. Рўмолининг расмлари гул кўринишида бўлиб, савсан ва гуллар устидан гул сочаётганга ўхшайди. Дасторига битта гулни қистириб қўйгани сарв ва теракка гулни пайванд қилганларини эслатади. Бу қандай гўзал манзара, ўзи, эй кўнгул! Бу Халил ўзини урган гулистонмикан[2], эй кўнгул?!

Чаққонлиги ақлни куйдиради; нозиклиги руҳни титратади. Майдонда турган кишининг бошига у тўполонда шунча балолар етса, тупроқ бўлиб кетишдан ўзини сақлай олмайди. Ахир, бутун замину замон ҳам у гўзалнинг оти оёғи остида-ку!

---

[1] Ш а м р а - укроп, укроп уруғи.

[2] Халил гулистони- бунда пайғамбар Иброҳим Халилулло тўғрисидаги афсона кўзда тутилади.

Унинг девсифат оти қаёққа қадам қўймасин, одамларгина эмас, малаклар ҳам безовта. Унинг устидаги чавандоз қотил маҳбуби эса одамларни девонавор ўлдиришдан тинмайди. Бу ерда агар Шиблий бўлса ҳам, Зуннун бўлса ҳам[1], улар нам паришонхол бир телбага ўхшаб қолардилар. Дин уларнинг мотамида оҳ-воҳ чеккан бўларди; ақл пири ёш боладек оғзини очиб қоларди. Ҳар қандай иродали руҳ унга боққанда, оғзидан сўлакайи оқиб туриб қоларди.

Бу вақтда ақл кетиб, халқ ҳам ибодатни унутади. «Тақво ва ақл дегани ўзи нима?» - дейди ҳамма. У гўзални кўрмаган одамларгина бу ўтдан омон қолади, лекин уни кўриб, кул бўлиш ҳам ёмон эмас. Нимаики ифлос бўлса, ўтга тушиб тоза бўлади, поклар эса бу ўтда яна ҳам покроқ бўладилар. Бундай куйишни ким одат қилган бўлса, у дунё, бу дунё саодат унга ёрдир.

XXXIX

Шайхи Ироқий Шомда ҳусн гулининг шамъини кўргач, парвонадек тутагани ва (бу ишқ) шуъласи инкор тиканларини куйдириб, инкор этувчилар бошидан ошиб кетгани

Фано кўйида боқий турган одам замон фахри - Шайхи Ироқий эди. Унинг кўнгли ишқ сирларининг хазинаси бўлиб, унинг гаплари ишқнинг (ёмғир ўрнига) гавҳар ёғдирадиган булутларини эслатарди. Унинг (инсоннинг) табиати ишқ ўти билан йўғрилган, «ишқ» сўзининг ҳарфлари эса унинг, пешонасига ёзиб қўйилгандек эди. Лекин бу ишқ ўтининг давоси унда бўлса ҳам (кишилар кўзига) тақво пардаси билан ёпиб юрарди.

Бир неча вақт у Мисрни ўзига макон қилди. (Кунларнинг бирида эса) эрталаб ўрнидан туриб, Шомга йўл олди. Бу вақтда Шомда бир одам тахтрии эгаллаб, хоким бўлиб турар экан, у тун мамлакатида тўлин ойдек эди.

Ҳоким Шайхнинг бу томонга келаётганининг (маъносини) тушунди ва буни ўз аҳволи, мавқеи учун шараф деб билди. У мамлакатдаги яхшию ёмон - ҳамма келаётганини эшитган замон уни қаршилаш учун чиқсин! - деб буйруқ берди. Ўзи ҳам мамлакат хокими соябони сифатида чиқар экан, қўшинининг оёғидан кўтарилган чанг осмонни тўсиб қўйгандек бўлди.

У тўда Шайхга яқинлаша бошлар экан, барчалари отларидан тушишди. Улар у келаётган йўИга бошларини қўяр эканлар, кўз ёшлари билан эса кўтарилган чангни ёпмоқчи бўлган эдилар.

Ҳокимнинг бир ўғли ҳам бўлиб, у шундай чиройли эдики, унга юзта Миср шоҳлари кул бўлиб хизмат қилишга тайёр эди. У лутфу малоҳатда жахомофати, жаҳон офати ҳам эмас - жон офати эди.

У Шорн мамлакати қоронғиликда қолганда уни ёритиб турувчи нурли Ой бўлиб, Миср халқи (Ёқуб) пайғамбарнинг (ўғли) - Юсуфдек эди. Араб мамлакатлари ичида ажойибнинг ажойиби бўлиб, унга ажам ҳам, араб ҳам шайдо эди. Миср диёри учун мисли қўғирчоа бўлса, Шомда қоронғиликда қолганларга оби ҳаётдек эди.

У гўзал Шайх кўзига кўриниши билан юзини унинг оёғига қўйиб, оҳ чека бошлади. Иршодлик хирқасини чок-чок этиб дуо тасбеҳини узиб ташлади.

Шоҳ ва унинг қўшинлари Шайхга тупроқдек бўлиб, у эса шоҳ ўғли йўлидаги тупроқдек эди.

Ишқда Шайх шундай бир холга тушган эдики, ҳайратдан келган одамларнинг ҳаммаси лол эди. Аммо бу ишқ ҳар қандай нуқсон-дан пок бўлиб, у нима қилса, ажабланадиган ери йўқ эди. Шайхни ишқ ўти халок қилар экан, унинг шуъласи ўша тўдани ўртантириб юборди.

[1] Шиблий, Зуннун- машхур тасаввуф шайхлари ва олимларининг номлари. Шиблийнинг тўла номи - Абубакр Жаъфар бинни Юнусдир (862-947).

Ўти бошқа кўнгулларга хабар берган бўлса, оҳи бағирларга таъсир кўрсатди. Титрашидан, ўртанишидан унинг поклиги Қуёш сингари фош бўлди. Ҳокимнинг ичидан ўт аланга кўрсатиб, ўзи ва унинг ўғли Шайхга мурид бўлдилар.

Ким ишқда бу хилда пок бўлса, бу сифат оқибатда хосиятли бўлади. Ҳақиқий ҳусни агар рўпарангда кўрсанг, хоҳ уни кўзгуда кўр, хоҳ сувда - мақсад уни кўриш бўлганидан кейин кўзгу ва сувда вужуд йўқ-ку! Бунда одам қаердаю ҳаёсизлик қаерда? Ишқда покликдан бошқаси мумкин эмас.

Эй Навоий, агар ишқ сени халок этса, агар бу ишқ пок бўлса, ўлимдан нега қўрқиш керак?

Соқий, мен ўлибмен, сен менга жон сувини тут. У шундай соф ва пок, худди тириклик сувидек бўлсин, токи мен уни ёқам ва кўксимни чок қилиб, қанча бўлса, поклигича тўлатиб ичай!

XL
ЎНИНЧИ МАҚОЛАТ

Ростлик таърифидаким, борлиқ уйи шу тўғри устун билан тик, ул уйнинг ётоқ хонаси бурчагида бу нур (ростлик) шамъи мажлисни безатади; эгриликни эса рад этиш хақидаким, агар эгри одам кумуш бадан гўзаллар юзидан зулфдек жой олса ҳам (барибир охирида) боши кесилади; эгри одам агар хазина устида аждаҳодек халқа бўлиб ётган бўлса ҳам уни ўлдириш зарур

Ҳар ким ўзига тўғриликни одат қилгандан кейин чархнинг тескари айлангани билан унинг нима иши бор?! Ўқнинг[1] учиши тўғри бўлгандан сўнг, ернинг эгрилигининг унга нима зиёни бор?!

Йўл қанча тўғри бўлса, мақсад шунча яқин, йўл эгри бўлса, мақсад узоқлашганига ажабланиш ўринсиз. Най тўғри бўлгани учун сўфийлар уни яхши кўришади; чанг тўғри бўлмагани учун қулоғи буралади. Найза тўғри бўлганидан доим боши юқори; арқон эса чирмашлиги туфайли боғлаш учун ишлатилади.

Айвонда ёнаётган шамминг бўйи тўғри бўлгани сабабли у кечаси қоронғида базмнинг маҳбубасиса авланди Егри учиш қилиб парвона кўп айлангани учун охири шамъ ўтига урилиб ёниб кетди. Сарвнинг қомати тўғри бўлгани учун хазон кулфатидан офат кўрмай, доим кўм-кўк. Боғдаги тоза сунбул ҳар нарсага чирмашиб ўсгани учун эгрилик унинг юзини қора қилди. Чангнинг қили тўғри бўлади; эгри бўлдими, созланмагани.

Мистарнинг[2] чизиғига ёзув тўғри кела бергач, қалам бошини кўтармасдан ёзгани ёзган. Унда битта чизиғ эгри бўлса, хатга битта доғ тушади; кўчирилаётган нусхада эса ҳар сахифада қийшиқ хат бўлади. Ҳум парилар хизматида бўлган бирон хур наслли пари пайкарнинг гулранг юзи ўт бўлиб, бу билан дунёга ўт қўйишни ўзига мақсад қилиб, гул юзидаги ҳар бир тер тоза гавҳар бўлиб, бу тердан кўп-кўп гуллар очилиб, сочларининг ҳар томонидан мушк исини берувчи чизиқлар бўлиб, тер намидан ўтдан тутун кўтарилиб турса, унинг мижозининг латифлиги эл кўнглини олиш учун (бир-бирига зид бўлган) ўт билан сувни парвариш қилса, унинг латофати қанча деса шунча бўлса, ҳусну жамол ҳам имкони борича мавжуд бўлса-ю, лекин унинг қадди-қомати сарфароз бўлмаса, гулзорида у сарв каби ноз қилиб юрмаса, сарви хиромон бўлиб, тўғри қадам боса олмаса, мижгон ўқларини ҳам тўғри мўлжаллаб ота олмаса, зор ошиқлар унга жонини бермайди; одамларнинг

[1] Ёйнинг Ўқи кўзда тутилади.
[2] М и с т а р - чизғич, линейка.

биронтасининг кўнгли ҳам унга гирифтор бўлмайди. Намозхонлар меҳробни тўғри қурмаса, кўз қийшиқ боқиб, намоз ҳам тўғри ўқилмайди.

Хатни тўғри ёзадиган кишилар хақиқий соғлом кишилардир; хат агар эгри ёзилган бўлса, демак, ёзган одам ҳам тўғри эмас. Кимнинг қараши тўғри бўлса, ўша хақ. Кимнинг қўли эгри бўлса, ўғри бўлади. Кимки қоии эгрилик билан шуҳрат топган бўлса, халқ унинг қўлихи кесиб тўғри қилади.

Кўз туғилишдан эгри бўлса, унинг одати биттани иккита қилиб кўрсатишдир. Ўзи битта бўлса-ю, бошқаси тагида бўлмаса, биттани иккита қилиб кўриш - кўп худоликни тан олиш билан баробардир.

Сулаймон деб ном чиқарган одамнинг дурри зоти аслида пайғамбарлик денгизидан эди. У жаҳон подшоҳлиги тахтини эгаллаган, ҳам подшоҳ эди, ҳам пайғамбар. Бутун дунё мамлакатлари унинг қўл остида эди; одамлар каби деву парилар ҳам унинг буйруғига бўйсунарди. Агар у подшоҳлик чодирини чўлга тикса, қушлар учиб келиб, пати билан дархол соябон бўлардилар. У очиқ, ҳаволи ерларга гилам тўшаб ўлтирарди; сафарга чиқса, еллар унга қўшимча от вазифасини бажарарди. Деву парилар ҳам одамлар тўдаси билан бирга унинг сирли узуги туфайли[1] буйруқларига тобеълик жкўрсатарди.

Ушбу замон хоқони ва подшоси[2] оддий подшо ва хоқон эмас, замон Сулаймонидир[3]. Унинг тахтининг пояси осмон авжигача кўтарилган; тожи эса энг тик турган қуёшга ўз соясини солган. Саройининг гумбази осмон гумбазига ўхшаш бўлиб, бу саройдаги унга қарашли одамлар юлдузлардир. Мартабасининг юксаклиги Жамшид

бўйсунганлар Ҳурмузу Хусравгача[4] ёйилган; мамлакатининг кенглиги Сулаймонникича бор.

Лекин ўз замони Сулаймонга хукмдорлигини юргизиш учун сехрли узук бергани каби, бунга ҳам, хукмдорлик қилиб тураркан, айланиб турувчи чарх бир узук насиб этган эди. Кимгаки хонлик қилиш муяссар бўлган экан, бу узук билан. хукмронлигини юргизиши мумкин эди. Узук ўзи садафдан, лекин хати гавҳардан эди. Қандай ажойибки, давр, замон унинг хатини «Ростликдан халослик»[5] деб битган эди. Шоҳга агар шу мухрнинг хати ёрдам бермаса, у ҳар нарсага гирифтор бўлиши мумкин эди. Охиригача тўғрилик унинг қоиидан тутгани учун, тўғрилик билан халқ ҳам унинг фармонига бўйсуна бошлади.

Кимки тўғрилик ёиини билмоқчи боиса, билсинки, бу икки хил бўлади. Бири шуки, кишининг сўзи тўғри бўлса, унинг сўзи билан бирга ўзи ҳам тўғри бўлиши керак. Яна бири шуки, ёлғон гапни баъзилар таассуф билан, уялганидан «тўғри!» дейди. Олдингиси, ҳеч шубхасиз, яхши, лекин иккинчиси ҳам ёмон эмас. Киши ёлғонни гапирса ҳам кам гапирса! Қани энди шундай одам бизнинг замонда ҳам топилса.

Биз шундай қизиқ замон одамларига мубтало бўлганмизки, уларнинг олдида ростгўйликдан ёмон нарсайўқ. Улардан тўғриликни қидирган киши қошларидаги номи-«Чин», о зи ночин жингалак мўйни топади, холос. «Чин» кофирлар мамлакати бўлса ҳам, номи «Чин», яъни «тўғри» боигани учун, қара, хатто жаннатнинг ўзи ҳам унга рашк қилади.

Лекин одамларга Худонинг ўзи ато қилган бу тўғрилик, қара, уларнинг олдида хато бўлиб кўринади. Сўзлашда хато гапиришга ўрганган одам нотўғри фикрни тўғри деб гумон қилади. Кимки бу даврда тўғри гапиришга одатланган бўлса, у камбағаллик,

[1] Диний афсоналарга кўра, бу узук «Сулаймон узуги» номи билан машхур бўлган; унга ёзилганига кўра, узук ёрдами билан Сулаймон пайғамбар дунёдаги ҳамма одамларни, хайвонот оламини, сирли мавжудотларни бошқарган эмиш.

[2] Матнда «қайсар», «Қайсар» - Сезар сўзидан олинган бўлиб, турдош от сифатида «подшох» демакдир.

[3] Замон Сулаймони - матнда «Сулаймони ахд»; бунда Султон Ҳусайн Бойқаро кўзда тутилади.

[4] Ҳурмуз, Хусрав - бу ўринда жой номлари бўлиб келаётган бўлса ҳам, аслида мажозий «кун чиқишдан кун ботишгача» деган маънони билдиради.

[5] Асл матнда форсча; «Ростию расти».

етишмовчиликдан бошқа нарсани билмайди. Бу давр истаги эгрилик бўлгани учун, сен ҳақиқатни талаб қилсанг, унга ёқмайсан.

Бу айланувчи осмоннинг ҳеч тўғри иши йўқ; унинг паргори чизган чизиқнинг ҳам биронта тўғриси йўқ. Кимки тўғриликни ўзига касб қилиб олган бўлса, даврнинг айланиши унга доим душманлик қилади. Қалам тўғриликка йўл кўрсатгани учун доим унинг боши кесилиб, пастга бўлиб туради, «Алиф» ҳам тўғрилик аломати бўлгани учун, «бало» (сўзи) уни, қара, ўзининг орқасига олибди[1]. Шоҳ чайласининг арқони ҳам тўғри тортилгани учун, қарав бошдан-оёғигача эшилган: чирмаш.

Учар юлдуз тўғри учгани учун бошдан-оёғи тамом ўт бўлиб ёнди. Илоннинг тана тузилиши эгри-бугри бўлгани сабабли хазина устида ётса ҳам оғзида заҳар. Янги ой эгрилигидан чарх қадами турган жойдан кўринади. Салла ҳам чирмаш ўралгани учун бошнинг устига чиқиши лойиқ топилди.

Йўқ-йўқ, бу ёзганларимча эмас, балки бу гапларимнинг ҳаммаси қаламнинг хатоси. Егриликнинг ҳам, тўғриликнинг ҳам ўз хақиқий таърифи бор; ёлғон эгриликдан, тўғрилик ҳақиқатдан иборатдир. Шамъ ўз тўғрилиги билан хурсанд; бошдан-оёқ куйса ҳам, у нурга айланади. Яшин эгриликни одат қилган бўлиб, ҳаммаёқни ёритса-да, ернинг остига киради. Боғбон ўз ерига режа тортмас экан, боғнинг кўриниши чангалзорга ўхшаб қолади. Деҳқон агар мола босмасдан уруғ сочса, қанча бир хил сочмасин, экини, барибир, сувни текис ичмайди. Ойнанинг юзи қанча текис бўлса, ой юзлининг юзи ҳам шунча тўғри кўринади. Темир қалпоқнинг юзи қанча сайқалланган бўлмасин, юзнинг айланаси унда чўзилган холда акс этади. Жим турган сувда қуёш акс этади: чайқалган сувда эса эгри кўринади. Хато билан ёлғон гапириш ҳисобга кирмайди; чунки унинг ёлғонлиги билингач, ундан қочилади.

Бир кишининг сўзлари бошидан-охиригача тўғри бўлиши мумкин. Аксинча, бўялган, ёвуз бўлиши ҳам. Уларнинг биринчиси ҳам, кейинги бўяб гапирадигани, ёвуз ҳам ўз ихтиёридан ташқари холда шундайдирлар. Уларнинг пешоналарига шундай ёзииган бўлса, улар нима ҳам қила олади?! Аллоҳ бир кишини хабибим[2] деса, халқ ҳам уни «содиқ хабарчи» деб атай бошлайди. Чунки унинг барча сўзлари тўғри бўлиб, рўпара келган борки уни «саддақ»[3] дейди. У: «Қайси хабиб?» десанг, осмон оёғи остида хок бўлиб, жаннатдаги сидра ва тўби дарахтлари олдида хас-хашак бўлган кишидир. Унинг динини ишончли дин эканлигини билгач, барча пайғамбарлар унга уммат бўлиш истагини билдирганлар. Умматлари тўғрилик, халоллик билан нидо қилишар экан, «Ёлғончилар менинг умматим эмас», дегани эсга келади.

Бутун коинот азоб ичра қолган чоғда унинг умматлари нажот аҳли бўлгусидирлар. Шунда барча пайғамбарлар тўғрилик байроғини кўтариб, ўзларининг бу масалада унга уммат бўлиш истагини билдирар эканлар, ёлғонни гапирган тили ва ёзган қалами туфайли пайғамбарлик сафидан четлатилади. Хато ва ёлғонни сўзлаш ҳисобга ўтмайди. Бу билингач, бундайлар узоқлаштирилади.

Кимки ёлғон гапиришни одат қилган бўлса, уни эру мусулмон деб бўлмайди. Ёлғончи ўз гапини ўтказиш учун қанча уринмасин, у ўз гапини бир-икки марта ўтказа олади, холос. Унинг бу ишидан халқ ғофил бўлса ҳам, лекин Тангри ўзи бу холдан воқиф. Бу хусусият элга қанча маҳфий бўлмасин, ёлғон барибир ўзини охирида маълум қилади. Ёлғон тонг ўзини қанча ошкор қилса ҳам, унинг нурлари, кузат, барибир узоқ турмайди.

Ҳар соҳада ккимгадир фирибгарлик қилинар экан, у ёлғончилик олдида бир навдир.

---

[1] «Бало» сўзининг арабеха ёзилиши кўзда тутилади. Унда алиф сўз охирида келади, Алиф эса ўз шаклига кўра, ўтмиш адабиётда доим тўғрилик рамзи бўлиб келган.

[2] Бу ўринда Аллоҳ пайғамбаримиз - Муҳаммад с.а.в. ни «хабибим» («дўстим») деганига ишора қилинмоқда.

[3] «Саддақ» - «ростгўй», тўғри сўзловчи.

Кимки, қизишиб туриб онт ичган бўлса, онти ёлғон бўлса, айби ювилиб кетади. Кимки ўзини ёлғончи сифатида танитган бўлса, рост гапирса ҳам, халқ унинг ҳамма гапини ёлғон ҳисоблайди. Бу хусусият уни доим қийноқда сақлайди. Ҳеч нарса билан у бу қийноқдан қутула олмайди. Кимки ёлғончи деб ном чиқарган бўлса, ўзиникилар ҳам, бегоналар ҳам уни шу от билан чақирар эканлар, тўғрилик номи унга ҳеч қайтиб келмайди. Рост гапирса ҳам,, халқ унга инонмайди. Кимнинг чин гапи эл орасида ёлғон деб топилар экан, ёлғонни чинга айлантириш имкони борми?!

Қандай бир оғир вазиятда қолганингда ҳам, чин гапиришнинг иложи бўлмаса, ёлғонни ҳам гапирма.

XLI

Қирғовулнинг чин гапириш ўрнига ёлғон гапириб, бир фалокат тузоғига илингани, чин сўзни шер ёлғон деб ойлаб, овозини эшитиб, етиб келмагани ва уни бало тузоғидан халос этмагани

Тўқайда бир йиртқич шер бор эди. Вахшатда осмон шеридек қўрқмас эди. У болалари билан ўйнаб, завққа тўлганда, чумолилар унинг боласини талаб қийнарди. У ўзининг ажралмас бу бойлиги -фарзандини оғзига тишлаб асрар эди.

Ўша тўқайда бир қирғовул ҳам бўлиб, бу йиртқич шернинг вахмидан доим қўрқувда эди. Шер бўлса боласини оғзида тишлаб, дам-бадам тўқайнинг гоҳ у ёғига борарди, гоҳ бу ёғига. Шўрлик қуш унинг тепасида ногаҳон парр этиб учса, шер қўрққанидан сесканиб кетар, боласига ҳам тиши ботиб кетарди. Тиши билан ўз боласини, ўз жигарпорасини ярадор қиларди.

Доим унга шу ғам ичида ғам, ғам ҳам эмас, мотам устига мотам эди. Бу ташвишдан кўнгли озор топиб, у қирғовул билан ўртоқ бўла бошлади. У деди:

- Менинг сенга ҳеч қасдим, душманлигим йўқ. Хотиржам бўлиб, мени ўзингга ишончли дўст деб бил. Қўрқишни йиғиштир, ҳамдамим, сирдошим бўл; айш ва хурсандлик вақтида бирга куйлашадиганим бўл. Мен ҳам сенинг куйларингни эшитиб, шод бўлай; нағмаларинг билан қайғудан озод бўлай. Шарт шуки, сенга бир зиён етса, фалак сени хийла билан бандга солса, марҳамат қўлини сенга ёрдам учун чўзай, бош панжам билан душманни ерга баробар қилай. Садоқат масаласида ўзимни кўрсатиб, сени душман тузоғидан халос айлай.

Шер кўп сехр билан ўз фикрини тушунтиришга тиришди, ҳам садоқатли бўлишга ахд қилди. Ораларида бир-бирларига шундай мухаббат пайдо бўлдики, бунга осмоннинг ўзи ҳам хасад қиларди. Қаерда йиртқич шер дам олиб ётса, атрофида қирғовул бемалол учиб юрарди. Султоннинг тепасида хумо қуши айлангандай, шер бошида қирғовул айланиб парвоз қиларди. Шер унинг сайрашини эшитиб, куйида ёлғон борлигини фахм қилиб, дер эди:

- Ёлғон гапирма, ёмон бўлади. Тўғри одамлар олдида ёлғон қораланади.

Қирғовул пандни эшитмас, ўзи билан ўзи маст, атайлаб фиғонини ҳеч пасайтирмас эди.

Бир кун бир овчи уни тутиш учун ўз тузоғини ёйган эди, у дон билан сувни кўриб, унинг олдига боргач, овчи унинг устига тузоқни тортди. Тузоқда у бахтсиз қичқириб, бир неча бор: «Дод, мени тутдилар!» - деди.

Бу сўз шер қулоғига эшитилди, лекин унинг бу ашуласини ҳар галгидек ёлғон деб ўйлади. Бунақа ёлғонларни кўп эшитгани учун чин қичқириғини ҳам ёлғон деб гумон қилди. У қанча ростакамига қичқирмасин, ростини ҳам ёлғон деб ҳисоблади. Уни қутқариш учун илтифот кўрсатмади; натижада унинг ҳаёти қирқилди. Кимки беихтиёр рост гапирса, ёлғон гапирса ҳам халқ уни рост дейди.

Сўзда, Навоий, нима десанг ҳам ростини гапир; ростни куйлаган оҳангларга тахсин айт.

Эй соқий, ёқимли қадахни олиб кел, унинг бир култуми билан шерни оладиган қил. Базмнинг асбобларига тартиб бер, сих, кабоб, товоқларни ҳам хозир эт.

XLII
ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛАТ

Илм осмонининг юлдузлардек баланд мартабалилиги хақидаким, билимсизлик тунини ёритиш учун «айн»и қуёш, «лом»и ой, «мим»и кундуз белгиларини кўрсатади; билимсизлик шомининг қоронғи кўриниши хақидаким, ғафлат чоҳини пастлик кечасида зоҳир қилиб, бу кечада бахтсизликдан хикоя айтади; олимнинг бутун бахтсиз вужудининг қуёшдек юксаклиги, жоҳилнинг эса бутун борлиғи бойлик, мол бўлса ҳам тупроқдек хорлиги

Дунёнинг иши яратилгандан буён душманликдан иборат бўлиб, олимлар хор, жоҳиллар азиз. Токи жаҳон зулмни ёқлар экан, мева ерга тушиб, ёғоч баландда туради. Разолат ривожда, билим ахллари ранж-уқубатда, тош тоғнинг устидаю бойлик ернинг тагида бўлади, фалак феъли ёмон одамни топса, уни кўтаради, бутун оламни унинг хукмига мутеъ қилиб қўяди.

Ёмонлиқнф ўзига шиор қилган Зухал сайёраси мовий ранг қўрғон гумбазидан жой олган; яхшиликни қўлловчи Муштарий эса ундан қуйида. Бу, дунёнинг яхшини ёмондан паст кўришидан. Бу аҳволдан яхшиларга доим ғаму озор; боғда эса гулларга тиканлар ҳамнафас, ўртоқ. Кимки садафдек пешоналари тиришган бўлса, у қўйнини ққимматбаҳо дурлар билантўлдиради. Кимки дурдек соф ва пок бўлса, олмос билан унинг бағри чок этилади. Тоғ чўққиси қаттиқ бўлишга бел боғлаган сабабли унинг тиғи ойнинг юзини тимдалаган. Кимки лаълдек гавҳари пок бўлса, бало тоғлари остида ғамгин бўлиб ётади. Оташпараст хинду кўмирдек қорайиб кетган эса-да, у ёқут тахт устидан жой олган. Гул бўлиб ёнган ўт эса энг паст ер - кулнинг устида.

Кимнинг асли ҳам ёмон, оёғи ҳам хунук бўлса, тож ва товус каби ҳурматда. Кимки ўз чиройли сўзлари билан озод одамларни ҳам ўзига қул қилган бўлса, сайроқи тўтидек бўйнида занжир. Бошқаларнинг бағрини ёришни мақсад қилиб олган қушлар подшоҳларнинг қўлида ором олмоқда. Минглаб дилкаш куйлар куйлаган булбул кул ичида куйиб хору зор.

Одамлар Замзам сувини қанча қийналиб келтиришади; у эса шиша идишда турган холда сасиб қолган бўлади. Қадахга тўлатилган май одамни бузувчи нарсадир, лекин не-не қизил лаблардан у бўса олади. Осмонда қуёш кўзгудек ярқираб, порлаб туради, булут эса кўзгуга пуфланган ховурдек уни тўсади. Тун ўз қули билан оинанинг рангини очади, ой юзи эса шабнам тушиши билан занглайди. Капалак енгил табиат хотиндек маъносиз айланиб-ўргилади; танасидаги ранг-баранг нақшлар унинг ипак кийимидир. Парвона эса дард билан тунни қўриқлайди; қалбида ўт, устида эски палос.

Бир камбағал одам илм истаб, ўз шахридан чиқиб кетса, бу қандай оғир гап. Ахволининг бахтсизлигидан оёқ яланг, тўни йўғидан танаси ҳам яланғоч. Оёғини тиканлар тирнаган, хатто тикан устига яна тикан кирган. Бу хол ўқнинг учида темири бўлганига, «хор» сўзининг[1] ичида эса алиф турганга ўхшайди. Бошидаги эски салласи ҳам кулгулик, тузоққа ўхшаб бошдан-оёғи тилинган, йиртиқ. У мақсадининг қушини шу тузоққа илинтирмоқчи, кўзидан томган ёш доналарини дон қилмоқчи бўлади. Қўлтиғида варақ-варақ қоғоз ва китоби, тахсил олиш учун у шошиб боради.

У қушдек, гўё учиб кетмоқда; қўлтиғидаги қоғозлар гўё унинг қанот пати. Муҳтожликдан унинг қорни оч, очлик уни овқатга зор қилиб қўйган. Кучсизликдан гавдаси қамишдай бўлиб

[1] «Хор» сўзининг араб ёзувида ёзилиши кўзда тутилади.

қолган; қамиш қаламдек тилини чиқариб, тиланчилик қилади. То ўзининг мақсадига эришгунга қадар йўл юриб, нима учраса еб, қаноат қилади. Мақсади ўзи кўрмаган бир мамлакатга етиш; у мамлакат унинг хатто тушига ҳам кирмаган.

У мамлакатда одамлар кўп, лекин унга бирон дўст йўқ. Кўз олдидан ўзининг шахру диёри ўта бошлайди. Кўча ҳам кўп, уй ҳам, бозор ҳам. Лекин у қаёққа боришини билмайди. Мусофирлик юрагига таъсир қилади; кўнглини ёлғизлик эзади. Овқатсиз, кечқурунгача айланиб юради, оқшом киргач, булбул каби бир бурчакка жойлашади. Заифликдан хуши ўзига келмай, тонггача кўзига уйқу ҳам келмайди.

Тонг отгач, мадраса томон боради; мадрасанинг ичидаги йиғинларга киради. Кимга у ўз холини баён қилса, у эшитиб, хазилга олиб, ўзини билмаганга солади. Тил аоидасидан бир дарс сабоқ олиш учун умр варағини ҳавога учиргандай сарф қилади. Кундузи унга на бир маскан топилади, на кечасига бир оромгоҳ тайин. Мусофирликда унинг аҳволи ёмондан ҳам ёмон; бундан ортиқ ёмон нарсани топишнинг ўзи қийин. Унинг аҳволини гапиришга тил ожиз, уни ёзишга қалам тили ҳам лол.

Шундай ғам ва замон уқубатларини чекиб, ўн-ўн беш йил елиб-югуриб, жонини қийнаб, мадраса бъурчагини ғам билан обод қилиб, тонгдан оқшомгача фарёд этиб, шу хилда минг машаққат чеккан бечоралардан, ўз ватану мулкидан оворалардан баъзиси ўлиб, баъзиси ҳар томонга кетиб, баъзиси ўз орзусидан воз кечади. Баъзилари озгина нарсага эришиш билан кифояланади; баъзиси эса ўз устига кўп жафоларни олади. Ою йил доираси айланиб-айланиб, натижада битта-иккитагина камолот эгаси етишади.

Илмда бир одам соҳибқирон бўлгунча ўттиз йилда бир давр келиши керак. Унинг кўнгли илм маскани, илм даргоҳи, унинг бир қатра вужуди илм дарёсига айланади. Яхудийча десанг яхудийчани билади, юноний десанг юнонийни, сурия тилини десанг сурия тилини; хиндча савол берсанг, хиндча жавоб беради. Илм унинг кўнглини бир дунёга айлантириб, бир қатрага бутун бир дарёни яширади. Сўзларида тўла маъно; гапни сирли безакларга ўраб гапиради. У қаламининг учидан бир гапни қоғозга тўккач, қора сиёх билан битилган у хатда оби ҳаёт кўринади. Ёзувининг қоралиги оби ҳаёт суви бўладиган зулмат бўлса, унинг маъноси бу зулматдаги оби ҳаётдир. Осмон билан боғлиқ энг қийин масалаларни ҳам осонлик билан ечади. Абу Али ибн Синонинг ҳамма фикрлари унга тушунарли. Қалами хатнинг барча хилларини ёзишга қодир; илмларнинг ҳаммаси унга маълум... Қалами ҳар қандай ёзувни кўчира олар, илмларнинг барчасидан хабардордир: Дин масалаларида жахолат ва мақтанчоқликнинг душмани бўлиб, кимсан Ғаззолий билан Шофиийга ўхшайди.

Гарчи у фалакдан шундай камолот топган эса-да, лекин унинг бошидаги фалокатлари ҳам бекаму кўст. Шомдан эртаси тушгача овқатланмайди, тушлик қилса, кечқурунга ҳеч нарса йўқ. Қизиғи шуки, унинг жоҳил хўжайини у билан ёмон кўришади, гапи ҳам ёқимсиз. Унинг дину диёнатида ҳеч бир қоида йўқ, балки унда диннинг, диёнатнинг ўзи йўқ. Ғазабланиб, иши ҳамма нарсани елдек совуриш; ўжарлик қилиб, ҳамма нарсани ўт каби куйдириш. У кўриш шамъини ўчириш керак боиган даражада хунук, ақлдан ҳаёни кетказадиган даражада тентак. У дунёда Худонинг яратган балоси бўлиб, хулқи ва кўринишининг ўзи бунинг икки гувоҳидир. Унинг одати, феъли, одам ўлдириш, баданидаги ҳар бир тук ў„лим темиридир. Ичида тутундай қоронғилик, ташида алангадай сурбетлик. Пасткашликда ит билан баробар, балки ит унинг олдида одам.

Бундан ҳам ажаброғи шундаки, шунча жахолати билан, жахолатгина эмас, разолати билан чарх уни энг юксак мансаб эгаси қилиб қўйган; ҳамма одамлар ва сипоҳлар унга тобеъ. Ўт каби хадеб ўжарлик қилади; тўни эса заррин матолардан. У гарчи илондек ҳаммага зарар етказса ҳам, ўзи Фаридун хазинасидек хазина устида ором олади. У ўзи тикондай қанча ўткир бўлса ҳам, тонг еллари унинг бошидан гул сочишади. Одам ўлдириш ишида қиличдек таниқли бўлса ҳам, шоҳ унинг белига қимматбаҳо камар бойлаб қўйган. Унинг дили

гўзалларнинг холидек қанча қора бўлса ҳам, лекин доим гул юзида жилва қилади. Унинг ярамасликлари гапирган билан адо бўлмайди, лекин унинг дабдабаси ундан ҳам ортиқ.

Ул одам ўзининг фазилати ва фасоҳати билан машҳур, буниси эса феъли ва қабоҳати билан. Қизиғи шуки, буниси қанча юз одамни хор-зор қилиб, қанчадан-қанча обрўга эга бўлган. Халқ уни «амир» деб атайди. У шу ном билан одамларни ўз қўл остида тутади. Бунга унинг буюрганини қилиши лозим. Олим ҳам унинг эшигида хизматда. Қара, пасткаш нафс шундай фариштасифат одамни лаънати дев олдида хор ва забун этган.

Бу ўн марта унинг олдига киришга тараддуд қилса, дарвозабон ва қоровул уни қўймайди. Бирор марта агар унинг олдига кириб қолса, унинг дийдорини кўриш бунга бахт насиб этгандай. Бек агар унинг хол-аҳволини сўраб, илтифот кўрсатса, бу уни кетма-кет дуо қилгани қилган. Дуосини тугатиб, ўрнидан туриб, уйига жўнар экан, унинг ерини ҳам ўпади.

Амир шундай бехуд холда ўзиникилар ва бегоналар билан муносабатда бўлади, одамларни йиғиб, уларга мақтанчоқлик билан гап тушунтиради. Худо хақи, қара, бу қандай ах вол? Буни озгина таърифлаш учун ҳам тил лол. Унинг кибру ҳавосини кўру бунинг қашшоқлигига қара!

Уларнинг ўрталарида нима гап бўлиши мумкин? Униси жоҳил бўлиб, буниси олим бўлса ҳам, бу олим эмас, ўзига золимдир. Умни ким амалга эришиш учун восита қилса, ўзини ҳам, халқини ҳам йўлдан адаштиради. Олим агар амал учун пасткашлик қилса, илми унинг билимсизлигига далилдир. Илми бўлиб туриб, ким мансабга учса, тоза терни денгиз суви билан тенг кўрган бўлади. Итнинг мақсади ўлимтик бўлгандан кейин унга безакдор ёпқичнинг нима кераги бор? Бошлиқ боииш учун илм қозонган пасткаш одам нажосатни ипак либос билан ёпган бўлади.

Олим агар ўз йўлига қатъий амал қилса, илмига қараб иш тутса, дунёнинг ҳаром молларига кўз олайтирмаса, ўткинчи дунёга тикилиб қарамаса, бундай одамни шараф гавҳарининг кони деб бил, гавҳар десанг ҳам, кон десанг ҳам - нима, десанг, ўшанга тегишлидир. Ҳақиқий олим ўзи кону, юз томони яна гавҳар, ўзи осмону, ҳар тарафи юлдузлар! Конидаги гавҳарларнинг ҳам барчаси пок, осмонидаги юлдузлари ҳам порлоқ. Кимга шундай бахт насиб бўлса, у дунёга кўз олайтирмаса, ажабланадиган жойи йўқ.

Егнидаги тўнида юзта йиртиқ бўлса ҳам, гулнинг тўни йиртиқ-йиртиқ экани айб эмас-ку! Қуёшнинг яланғочлиги унинг зийнати-ку; булутдан либос кийганда эса, ҳаммаёқни қоронғилик босади. Асал қовоқдан нари турса ширинроқ бўлади. Мушк ҳам кийикнинг киндигидан ажратилса, хид беради. Ер кишининг шарафи кийимда эмас; дур садафдан узоқ бўлса. баҳоси камайди Пашшанинг ҳам уст либоси заррин, аммо унинг қўнадиган жойи ўлимтикларнинг устидир.

XLIII

Имом Фахр Розий билан султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ҳаммомда дўстлик шамъини ёққанлари ва имомнинг сўзи билан султоннинг такаббурликдан воз кечгани

Сирдонлар даврасининг подшоси, дунёдаги барча диндорларнинг имоми Фахриддин Хоразмни ўзига оромгоҳ қилганда, уни кўришга Хоразмшоҳ келмади. У сўраб, бунинг олдига келмагандан кейин, илмининг қадр-қимматини сақлаб, бу ҳам бормади. Шоҳ ўз қилмишидан уялиб, пушаймон бўлди. Лекин имом бунга парво қилмади. Орада кўп пардали гап-сўзлар ўтди. Ўртадаги парда эса кўтарилмагандан сўнг бу гап-сўздан не фойда.

Бир куни имом ҳаммомга тушган эди. Шоҳ ҳам ҳаммомга йўл олди. Улар бир-бирлари билан кўришиб, шоҳ унга очилиб шундай савол берди:

- Эй, ўз илми билан элни баҳраманд этган, қиёмат ишларидан бир хабар бер-чи. У кун қандай машаққатлар юз беради? Ҳар бир кишининг аҳволи нима бўлади?

Шоҳ шундай маъноли саволни берган эди, камолот эгаси бунга шундай жавоб берди:

- Эй қиёмат кунини билишни орзу қилган одам, қиёмат хақидаги саволга энг монанд жой шу ҳаммомдир. У ерда ҳам шоҳ билан гадо бир хил аҳволга тушиб, шоҳу гадо барчаси яланғоч юради. Амалдорлар, катталар ҳаммаси сенга ўхшаб, ичкарига киргач, бору йўғи ташқарида қолади. Илму хунар эгалари эса менга ўхшаб, нима йиққан бўлса, ўзи билан олиб киради, вассалом. Султонликдан сенга у куни кўп фойда йўқ, лекин менга илмим туфайли яхшилик кўп бўлади.

Эй Навоий, илм, билки, сенинг мақсадингдир. Энди илмни йиққан экансан, унга амал қил.

Эй соқий, доим менга шундай бодадан тутки, имом уни кўриб, дархол саждага бош қўйсин. Ундан кимки ичса, Хоразмгина эмас, Хоразмшоҳ ҳам унинг оёғи остидаги тупроғ бўлади.

XLIV
ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛАТ

Қалам учидаги тиликнинг ранг-баранг ҳаракатлари[1] *ва қалам ахлларидан иборат тўдартинг турланувчанлиги хақида; у (қалам) қайси бир хатни кўчиришга бошласа, бу унинг номаи а ъмолининг қора бўлишига сабабдир, котибга эса бахтсизлик белгисидир; у қайси бир ҳарфни тузатиб, қайта ёзмоқчи бўИса, бу унинг юз сахифасининг ҳам, роқим қоғозларининг ҳам оқ бўлишига сабабдир*

Бу қандай бичими келишган, ёқимли нарсаки, овози ҳам яхши,

диққат билан қулоқ солсанг арзийди. Учи маъноли гапларга нақшу нигор беради, мистарининг қашлоғич иплари унинг тирноқларидир. Унинг тузилиши қушга ўхшаб кўринади; тумшуғидан ҳар томонга маъноли сўзларни сочади. У ўзи нур устидан ватан қилган бўлса-да, емиши - қоронғилик[2]; оқ қоғознинг устига мушк сочади. Унинг ҳаракатлари тез ва бир меъёрда, лекин учиш учун унга қанот етишмайди, холос.

Йўқ, уни қуш дема, у хушбўй бир илон, хушбўй дема, фусунгар илон. Унинг (сахифадан сахифага) гўзал учиб ўтишлари, қўл-оёғининг яширинлиги бунга далилдир. У ҳар тилини чиқаргаҳда, битта сехр кўрсатади. Бунақа сехрни қайси бир илон кўрсатган?!

У илон ҳам эмас, тилла хазина устидаги аждардир. Унинг қорнида юз хил ажойиб бойлик яширинган. Оғзидан тутун чиқаради. Тутуни орасидан чиққан ҳар бир мунчоқ бир гавҳарга ўхшайди.

У аждар ҳам эмас, чунки у эгри; уни яхшиси Мусо (пайғам-бар)нинг (сехрли) ҳассаси деб атай қол. Бўлмаса, қандай қилиб у бутун жаҳон сехрини, хатто унинг маъносини ва ифодалаш сехрини ичига юта олди? Танасининг оғирлиги ҳам йўқ даражада; у бу захматларни чекканда қийналмайди! Уни ҳасса ҳам дема, балки қалам деб атай қол; унинг учини хатга нақш битувчи де.

У дунёда ҳамма нарсадан олдин яратилган. Унинг мақтови - «Қуръон»да ҳам кетма-кет учрайди. У Аршнинг устидаги Курсидан жой олган. Курсининг устига хат ёзиш илчун

---

[1] Навоий «қалам» деганда қамиш қаламни кўзда тутадики, унинг учи хозирги ручкаларники сингари иккига тилинган бўлади.
[2] Қоронғилик- муаллиф матнида «зулмат». Бунда қора сиёх, туш кўзда тутилади.

тахтача ҳам қўйилган эди. Тахтачада қандай нақшлар бўлса, уни қалам чизган эди. Уни қаламдан бошқа нарса ёзмаган-чизмаган.

Қалам (ўз иши билан) шунча шарафга сазовор бўлган экан, (бу билан иш қилувчи) котиблар икки хил бўлади: мақбул котиблар ва номақбул котиблар. Мақбул ва номақбулининг ўзи ҳам бир неча хил бўлиб, ҳаммаси хат кўчиришга истак билдиради. Уларнинг бири қозихона котибидир. Унинг иши ғайриқонуний бўлган нарсаларни қўллаб-қувватлашдир. Одил гувоҳни ёлғончи гувоҳ деб ҳисоблаб, унга пора олган деб тухмат қилади. Унинг мутлақ хоинлиги кўриниб туради; унинг барча ноҳақлиги ҳақиқат каби равшан. У қаламнинг учини ўткир қилиб чиқаради; тўғрилик ва инсоф юзини юмдалайди. Ёлғонни исботлаш учун узундан-узоқ айбномалар ёзади; сахифани ўз юзидек қора қилади. Барча хиёнатни диёнат деб билади, ҳар қандай диёнатга хиёнат этади. Фисқ-фасод, иғво қилиб, сарвдай тўғри, савсандай озод одамларни ҳам ўз йўлига юргизади. Пул бермаса, бўйдоқ ўтган Исо (пайғамбар) устидан ҳам никоҳида тўққизта хотини бор, деб ёзишдан тоймайди. Пора учун биров бир бош узум бераман деса, жаннатга ўхшаган бутун бир боғни куйдириши мумкин. Халифанинг қизини хинду билан никоҳлайди, бунинг учун унга ичгани бир коса сув бўлса бўлди. Никоҳ хужжатини ёзиш учун пул талаб қилади: тахсин олиш умидида бу хужжат сахифасини бир қанча қайдлар билан тўлдиради. Кимки ўз қаламини шу хилда ишлатса, билингки, у хатини ҳам ўз юзидек қорайтирган бўлади.

Кейингиси хийлагарликни ўзига касб қилиб олган муфтидир; унинг ўй-фикри хийла ва макрдир. Кўнглида у қандай эгри ниятларни ўйлаган бўлса, бу унинг ёзган фатволарида ҳам тўғри кўриниб туради. Жаннат хурларига у очкўзлик кийимини кийдиради; нимаики «хашан» («хунук») бўлса: уни «хасан» («чиройли») деб ёзиб, гўзаллаштиради. Бемаъни ашула айтган бўлиб, заҳар сочади. Қуёшни шамънинг тубига яширишга қодир. Найранг иплари унинг ўзига занжир бўлиши керак, лекин ўртада айбдор ё Амр, ё Зайд бўлиб чиқади[1]. «Ҳа»нинг ўрнига «йўқ», хатонинг ўрнига савобни ёзади ва орқасига «бу ёғини Худо билади», деб қўшиб қўяди. Ўзининг қилган икки гуноҳи кўзига кўринмай, ўз гуноҳига Худони ҳам шерик қилади.

Битилган сахифа бежалган, мухрлар ҳам тўлин ойдай бекаму кўст. Лекин унга эътибор бериб чуқурроқ қаралса, асли маъноси хақида ўйлаб кўрсанг, ҳар бир чиройли сўзи юз машаққатни билдиради; ҳар бир гулининг ичидан юзта тикон чиқади. Ундаги ҳар бир сарв ва кўкат ўқ ва ништар, сунбул билан гул тутун ва чўғ бўлиб чиқади. «Шариат»даги «айн» балонинг «ғабн»и бўлиб, тўғри ёзилишига келганда, ундаги ҳар сўз хато. Кимки сахифани шу хилда безаса, унинг бўйнини қаламнинг бўйнидек узиш керак!

Яна бири девонхона котиби бўлиб, дев ҳам унинг ишларига хайрон қолади. Тақдир унга «амалдор» деб исм қўйган. Ушбу амал унга дорни насиб эттирган. Шу амали туфайли у қадах-қадах май ичади. Қаламнинг товуши унга найнинг куйлашига ўхшаб туюлади. Ўз амалига мағрур бўлиб, қаламини куйлатар экан, найининг овози уйни кўтариб юбораётгандай боиади.

У ўз қаламининг учини сиёхга ботиради; сиёхи эса тутунга ўхшаб бутун оламни қорайтиради. Унинг қалами одамларни куйдириш учун ўтин. Бу ўтнинг тутуни эса фалакдан ҳам ўтиб кетади.

Бу ишдан давлатнинг қўриқчиси - шоҳ бехабар: давлатининг устунлари эса порахўр бўлиб кетган. Талончиларни мамлакатга хоким қилиб қўйган. Уларнинг ҳар бири ислом уйини бузувчи динсиздир. Улар косибга ҳам, дехқонга ҳам баробар зулм қиладилар; косиб, дехқон у ёқда турсин, султоннинг ўзига ҳам.

Улардан биронтаси қайси бир вилоятга бормасин, одамларнинг уйида, боғида базм қуради. У уйнинг эгаси ичмайдиган мазхабдан бўлса ҳам, унинг биринчи талаб қиладиган

---

[1] Амр ва Зайд - ўзбекча «Эшмат, Тошмат» деган иборага тўғри келади.

нарсаси яхши майдир. У уйнинг қари эгасини ичириб маст қилиб, унинг хотинини хотин топиб келишга юборади. Ўрадаги уруғлик арпасини отига егизади. Уйдаги товуқларини одамлари тутиб эйди. Хуллас, ўшаъуйга бало келади, бало эмас, балки вабо ёғилади. Ҳамма ёқда йиғи, оҳ, афғон. Бу бир ўту, уни ел билан тўфон олиб келгандай.

Кентнинг арбоби билан бу бир-икки золим бирлашади. Зулмда у хожа бўлса, бу иккиси гўё унинг пахлавонлари. Бир-бири билан улар шундай дўстки. кўрсан киши уларни аўво мағиз билан нўст девишади. Давлат молини дўстларига яширинча сотишади. Ўн олтинлик нарсани бир олтинга ўтказишади. Бу хақда тезда хужжат ҳам тузишади. Халққа ўзларича майда солиқ ҳам солишади. Бирни беш-ўн деб ёзиб, хужжат хати тузишади. Бунинг учун Худо уларнинг қўлини қаламдай кесса арзийди.

Натижада бу зулм қилувчилар бойиб, бир қанча зулм чекканлар барбод бўлади. Унинг боши унинг қаламининг учидек иккига бўлинсин! Гавдаси эса қоғоз осилгандек осилсин! Бу «яхшилар» сартлар билан қанча тил топса, уларнинг ёрдамчилари турклар билан ҳам мослашиб кета берадилар.

Бу номаъқбул(котиб)лар бир неча саноқ бўлгани каби, уларнинг мақбуллари ҳам бир неча саноқдан иборат? Уларнинг биринчиси гавҳар сочувчи муншидир. У гоҳ мактуб ёзади, гоҳ фармон. Мактубидан хижронга асир бўлганлар шод, номаси эса мактубидан ҳам яхшироқ. Номасидан киши ўзига керакли сўзларни топади, гўё бундай сўзларни гул сахифасидан булбул топиб ўқигандай. У битган сахифани ўқиб, сўзга чечан маъшуқа ҳам кулиб, хурсанд, худди тўти ўз аксини кўзгуда кўргандай, (чунки унинг ёзган сўзлари) хижроннинг қора шомида нажот тонгидай, фурқат қоронғилигида эса оби ҳаётдайдир; у йўллаган мактуб энг ёқимли хушхабардан иборат бўлади; фароғатли ҳаёт хақида ёзгани завқ-шавқ белгисидир. Унинг хати зулм вақтида мазлумлар учун бу зулмдан қутулиш воситасидир. Бу хатни кўрганда золимлар вахимага тушади. Бу хат одамларга нурли қуёшдек фойдали, юксак осмондай қудратлидир. Янги ой шаклидаги сарлавҳа устига босилган мухр тонгнинг шафақ ранги устидаги қуёшга ўхшайди. Шу хилдаги унинг қандай мактублари бўлмасин, ҳаммаси, ўйлаб қарасанг, бири биридан яхши. Ким китоб тузиш йўлини танлаган жбўлса, унга тоза дурдай қимматбаҳо нарсалар назм ва насрдир/ Булар - ҳикматли сўзлар, тарихий воқеалар, хикоялар, шеър билан битилган турли-туман мақолатлардан иборатдир. Бундаги ъажойиб ғазаллар жаннатнинг боғига ўхшайди. Уни ажойиб ғазал дема, хушбўй оҳунинг боласи деб ата. Бунда унинг қалами гавҳарларни қора ипга, худди тун ипига юлдузларни тизгандай тизади. Унда қоғозларнинг юзи маҳбубанинг юзига, чизиқлар мўйлабига, ҳар томонда сочилиб ётган нуқталар эса холига ўхшаб кетади. Сахифаларнинг ҳар бири бир гулзордек; атрофидаги чизиқлари боғнинг деворларига ўхшайди. Бу чамандаги атиргулларни томоша қил. Чаманнинг пахса девори олтиндан ва ложуварддан. Ҳар қатор хат саф-саф гул, сарв ва суманга ўхшаш; ҳар икки мисранинг ораси гўё бир дилкаш чаман. Бундаги сўзларнинг ҳар бири бир туп атиргул; маъноси эса унинг ширин мевасидир. Байтлари худди Каъба уйининг ўзи. Чиройли кўриниши мазмунан Эрам боғига монанд. Агар унда шундай чуқур мазмун бўлмаса, уни одамлар нима қилади? Бундай назмни кўтариб, қаёққа ҳам олиб борарди? Кимки бундай варақ ва унинг Таҳририга эхтиёт билан қарар экан, Худо уни ҳар қандай янглиш ва хатолардан сақласин!

Булар ҳаммаси (котибларнинг) шохчалари эди. Асосий шох деб шундайларини билки, қаламининг учи тилини узун чинарих, улар «Қуръон» оятларини ёзишга киришади: «Ҳадиси Сахих» каби асарларни Таҳрир қилади. Бу ўринда улар тафсирларни ҳам кўчиришади. Уларнинг Таҳрири билан бирга шархини ҳам беради. «Тазкират ул-авлиё»ни битиб, «Қиссас ул-анбиё»ни ҳам кўчириб, «Ихё» билан бир нафас фароғат топади, билимсизлик туфайли ўлган танига руҳ беради. Гоҳо «Футухот» ни кўчириб ёзар экан, унинг кушойишидан юзлаб одамлар ўз муродини топади. Кўчириш учун у гўзал «Кимиё»ни олар экан, одамларнинг мис қалби олтинга айланади. Ёзишга у «Нафахот»ни қабул қилар экан, дўстлик шабадаси

кўнгулларни шабадалатади. Қалами «Шавоҳид»ни кўчиришга кафил бўларкан, бу мақсадининг амалга ошишига далил. Қалам чиқариб, яна бир ёзгани «Ҳақойиқ»; нимаики кўчирса, унинг биттаси «Маориф»дир[1]. Бу асарларга кўз ташлаганлар кўнглига файз нур сочсин! Уларни кўчирганлар руҳига ҳам файз етсин!

Кимки шу хилда хат кўчириш билан машғул бўлиб, соғлиқ ва ҳуснихат унга ёр экан, Тангри унга шодлик насиб этиб, унга халқ хурсандчилик хатларинигина ёздирсин. Қалами доим унинг сахифаларига безак бўлсин, сахифаларидан хатони озайтирсин. У хат ёзиб, қандай чизиқ тортмасин, бундан унинг мақсад манзилига йўл очилсин.

XLV

Ёқутнинг[2] ҳуснихат туфайли подшоҳлар олдида ҳам, дарвешлар олдида ҳам ҳурмати ортгани ва мамлакат ёзувига ҳурмат ахллари ўз белгисини унинг битган сахифаси бўйича тортгани

Фано боғининг гул тупида ўлтириб шуҳрат қозонган кишининг гулшани Сухравард эди[3]. У нафсу ҳаво девига йўл бермаслик учун осмоннинг ҳақиқат авжидаги учар юлдузи бўлган эди. Бир куни у халифанинг саройи томон борди. Бу Ҳақ раҳматининг офатга қарши борганига ўхшарди. Ҳижоз ахолиси Каъбага эътиқод қилгани сингари халифа Мустаъсим ҳам унга нисбатан кўп ҳурмат билдирди. Уни тахтга чиқариб ўлтирғизиб, сўнг ўзи ўлтирди. Гўё қути биттаю гавҳар эса иккита эди, ёки бурж[4] биттаю устида иккита юлдуз тургандай. Шайх адаб билан сўзламоқда эди, халифа эса ерга кўз тикиб, жим турарди. Атрофда не-не одамлар оёқ устида хизматда, не-не одамларгина эмас, хатто шаҳзодалар ҳам.

Шу пайт Шайх одамларга қараган эди, кўзига Ёқут кўриниб қолди. У бирдан хаяжонланиб, ўрнидан туриб кетди; халифа ҳайратланиб, унга шундай хитоб қилди:

- Эй, не-не тушунган одамлар оёғининг чанги бўлган одам, шоҳлар ҳам сенга қуллик қилиб, бу билан фахрланадилар. Бундай олий мартаба унга қаердан келганки, сен унга бу хилда эхтиром кўрсатмоқдасан?

Шайх деди:

- Қайси бир ҳурмат ва мартаба Худо унга берган ҳурмат ва мартабадан юксак бўлиши мумкин? Унинг иши доим «Қуръон» кўчириш бўлиб, ҳеч ким у сингари кўчира олмайди. У Худонинг сўзларига зийнат бергани учун уни ҳурмат қилиш бизга вожибдир.

Тушунган одамларнинг бошлиғидан Ёқутни билгач, шоҳ унга ўз мажлисига келиб ўлтиришни буюрди. У қўли пок одам хатининг яхшилиги шарофатидан мамлакат подшоҳи билан ҳамсуҳбатликка муяссар бўлди.

Билки, Навоий, нима сўз ёзсанг ҳам, Ҳақ сўзидан бошқа сўзга қалам урма.

Эй соқий, ёқутранг майдан олиб кел, лиммо-лим қилиб қуй. У бодани менга тутки, бир тотиб, кахрабо рангини ёқут рангига айлантирай.

XLVI

[1] Бу ўринда тилга олинган асарлар ҳаммаси ислом дини ва тасайвуфга доирдир.
[2] Ё қ у т - араблар орасида шухрат топган котиб (1268- й. да вафот этган). У Бағдодда аббосий халифа Мустаъсим даврида яшаган. «Қуръон»ни кўчиришда ягона ҳисобланган.
[3] Машхур мутасаввиф Шайх Сухравардий кўзда тутилади.
[4] Б у р ж - қадимги астрономияда қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқта; қуёш ҳар ойда шу нуқталарнинг бири атрофида ҳаракат қилади.

ЎН УЧИНЧИ МАҚОЛАТ

Булутдек фойда келтирувчи одамлар хақидаким, пешона тери билан зебо райҳонларнинг бошига гавҳарлар сочадилар; юзларида булут орасидаги чақмоқдек кулги кўриниб туради; шабнам тўкилган чинордек, қўллари кафтининг тери билан ерга ёнбошлаган хас-хашакларни суғорадилар; дилининг куйиши чинорникидек рангу рўйида ошкор

Эй инсонлар орасида тонг каби кумуш сочишга ўрганган одам, сенинг меҳринг қуёш меҳридай умумийдир. Халқ юзига тонг каби кулиб боқасан; элнинг бошида чарх каби айланасан. Агар ёмғир ўрнига тош ёғса ҳам, тоғдек бошингни яширмай турасан. Йиғинда ўлтирганлар ҳаммаси бошингга тиғ урса ҳам, шамъ каби ҳамманинг кўзини ёрита берасан. Тиғ кўксингни қанча чуқур ёриб кирса, сен садаф сингари шунча кўп соф дур берасан. Замондан ичинг қанча қон ютса ҳам мушк каби муаттар бўй таратиб тура берасан. Сендан наф кўрганлар дуойи жонингни қилиб, шаънингга қарата: «Ер юзида яшаб юрсин!» - дейдилар[1]. Ким бўлмасин сени «Одамларнинг энг яхшиси» дейишади[2]. Бу мақтовларни сен қандай оқлайсан?!

Сен инсонларга фойда етказишни ўзингга шиор этдинг; шундан келадиган нафъни ўзингга ёр айладинг. Сенинг халққа кўрсатган фойданг шак-шубхасиздир; лекин билиб қўйки, бундан ўзингга тегадиган наф кўпроқдир. Булут агар денгизга бир томчи ташлаган бўлса, денгиз бу бир қатрани асл дурга айлантиради. Деҳқон кўчатларни парвариш қилгани учун уларнинг иши унга гул ва мева беришдир. Уйнинг шифтини устун кўтариб туради, лекин шифт бўлмаса, устуннинг ўзи ҳам қулаб тушади. Махбуба қошини ўсма қўйиб безар экан, бунда ўсманинг кўнгилни олиши қошга ҳам боғлиқ. Жононнинг юзидаги хол қанча яхши бўлмасин, унинг асосий гўзаллиги юзида.

Кимки бошқаларга зарар етказишни одат қилса, бундан элга эмас, аввало ўзига жабр этган бўлади. Кимки шишани босиб синдирса, бундан ўзининг оёғи яра бўлишини ўйламайди. Ўт хашакка тушиб, аланга кўтаради; уни куйдириб бўлиб, ўзи ҳам ўчади. Пашша одамнинг бўйнига қўниб олиб, чақади, лекин бир шапалоқ билан махв бўлади. Капалакни тутаман, деб орқасидан чопган бола бўркини ерга уриб, бош яланг қолади. Бойқушни тепаман деб қайси қуш қасд қилса ҳам, тепган оёғи тўппа-тўғри тузоққа илинади. Бой халққа зулм қилиб, ерга уруғ экса, уруғни чумоли тўдалари талаб кетади. Кимки осмонга тош отса, у тош билан ўз бошини ёради.

Зараркунандалик ёмонликнинг белгисидир; ҳарорат оловнинг табиатидандир. Киши бахтсиз бўлса ҳам, бахтли бўлса ҳам бу унинг ихтиёрисиз юз берган холдир. Мушкни нофа қанча яшириб турмасин, хиди, барибир, уни халққа маълум қилади. Кимнинг табиатида сахийлик бўлса, бойлик ва фақирликнинг унга фарқи йўқ. Худо бир одамни яратилишдан пок қилиб яратган бўлса-ю, лекин нопок одамлар уни севмаса, унга бунинг зиёни йўқ. Меванинг мағзи бўлгандан кейин унинг пўсти ҳам бўлади; одамнинг душмани ҳам бўлади, дўсти ҳам. Жаҳон яхши ва ёмондан холи эмас, лекин ёмон юзада бўлади, яхши - яширин. Чунки ёмон кўп, яхши оз дейдилар. Муқаррарки, мишмишнинг яхшиси ҳам кам бўлади.

Пасткаш одамлардан хақ сўзни эшитиб бўлмайди: «Қуръон»ни ҳам дев тилида ўқиб бўлмайди. Таги ёмон одам эътиборга нолойиқдир. У ҳеч қачон яхшини эътиборга олмайди. Ўзининг ёмон феълини яхши кўрган пасткаш, муқаррарки, халқ орасидаги яхшиларни ёқтирмайди. Одамларнинг қилмишларидан айб ахтарган одамнинг ўзининг айбсиз бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарсага ёмон кўз югуртирган одам асал ўрнида ҳам заҳар кўради. Кимнинг барча хаёллари бузуқ бўлса, тўғри фикрдаги одамларнинг ҳаммасига хасадчи

[1] Асл нусхада бу ибора арабча: «Ямкусу фил-арзи».
[2] Бу ибора ҳам асл нусхада арабча: «Хайри нос».

бўлади. Ундай одам оддий тошни лаъл деб билади; садафнинг ҳар қандай синиқларини инжу ҳисоблайди. Оддий нина унга найзанинг учи, оддий арқон эса илон бўлиб кўринади.

Бундай одам бировнинг дастурхонида битта юмалоқ патир кўрса, уни осмон сахнасида тўлин ой дейди. Одамларнинг кафтида пайдо бўлган қадоқни кўрса, хасад қилиб, уни қўлида тўла дур ушлаб турибди дейди. Тун қоронғилигини тонг сафоси деб, бойқуш патини хумонинг пати деб ҳисоблайди. Одамларнинг (хурсандчиликдан) ичган майини қон деб билади; таажжубки, ўзи ҳам ичкиси келиб хасрат билан қон ютади. Биров йиғлаб, кўзидан дур каби ёш тўкаётганини кўрса, қайғуриб, қилдек буралиб, куйиб ёнади. Бировнинг зархал айвонини кўрганда эса ўша ўт билан ўз кулбасини[1] куйдиради. Бир одам гул хидласа, унга тикан санчилгандек бўлади; биров бода ичса. унинг боши оғрийди. блга шодлик бўлса, унинг дарди кучаяди. Унинг жонига мос нарсанинг ўзи ҳам дарддир.

Нақд бойликнинг офати ўғри бўлганидек, яхшилар хасадгўй одамлардан доим озор топишади. Гул юзта ҳусну латофатга эга, лекин унинг муаттар хиди қўнғизнинг жонига офатдир. Иблис туғма кўр каби Хизрни кўрмай ўтиб кетади. Кийиминининг зумрад ранги унга заҳарли илон бўлиб туюлади. Қуёш ёруғлик бериб, нур сочиб туради. Кўршапалак буни кўрмаса, ким айбдор?! Ташна элни сув ўлимдан сақлаб қолади; ўтга теккан замон эса уни ўчиради.

Жиннинг жойи биёбондир. Гулшан эса унинг кўзига зиндон бўлиб кўринади. Қуёшнинг жавҳари пок яратилгани учун булут унинг нурини тўсишга интилса нима дейсан. Порлаб турган гавҳар сопол идишнинг остига тушса, бундан унинг қимматига путур етармиди. Арабдан чиққан пайғамбар бутун борлиқни ёритти. Абу Лахаб юзини қора қилиб нима қиларди[2].

Эй пайғамбар сўзи билангина шод инсон, элга зарар етказиш хавфидан сен доим озодсен. Худо осмон тоқини яратганида унинг ичида бу ўткинчи дунёни ҳам яратди. Давр гулшанига зебу савлат бериб, унинг ҳар бир гулини қуёш ёрита бошлади. Бу чаррианни Худо яратаётган чоғда унинг асосий мақсади инсон гулини яратиш эди. Инсон жамоасидаги энг комил одам машаққат юкини энг кўп кўтарган одамдир. Камолот қозонган одамларнинг ҳам энг комили элчилар подшоси Муҳаммад пайғамбар эди. Пайғамбарлик қуёши билан бу камолотини, камолот авжидаги бу улуғворлигини сенинг кечангни ёритиш учун чироқ қилди, сенинг шон-шарафингга эса маддоҳлик этди. Наф етказишни у ўзига асосий ўлчой қилди. Кўрки, бу ўлчов сени одамларнинг энг яхшисига айлантирди. Ҳар тасбеҳ ўгирилганда, унга санохонлик қиларди; у энди сенга маддоҳ ва санохон бўлди.

Сен шундай буюк мартабанинг қадрини бил, шундай улуғ даражанинг шукрини қил. Шукр нимаси? Наф етказишни орттир, хайру саховат камарини узун қил. Ўзингда кўп бўлса, инъом бер: кўп бўлмаса, оз беришдан ор қилма. Агар қўл билан бериб хайр қилиш иложи бўлмаса, тил билан ҳам наф етказиш мумкин. Одамни бир оғиз яхши сўз билан хурсанд қилиш керак боиган вақтда унга хазина берсанг ҳам у қарамайди. Сўз билан эл ўлимдан нажот топади; сўз билан ўлик тан қайта тирилади. Сўз билан динсизлар мусулмон бўлади; сўз билан ҳайвон деганинг инсонга айланиши мумкин. Бир сўз билан қанча балолар даф бўлади; қанча бойлик сочсанг ҳам бундай нафга етишмайди. Инсонга хос коннинг гавҳари, бу - сўздир; одамзод гулшанининг меваси ҳам шу сўздир.

Кишиларнинг сўз билан наф етказиш қўлидан келмаса, лоақал кўнглидаги андешаси яхши бўлиши керак. Кўнгли одамларнинг хурсандлигидан хурсанд бўлкхи лозим; уларнинг

---

[1] «К у л б а» - шоир матнида «вайрона» бўлиб, вайрона икки маънога эга: а) вайрона уй, кулба; б) инсон вужуди, танаси.

[2] «Ара б д а н чиққан пайғамбар»- Муҳаммад кўзда тутилади; Абу Лахаб эса унинг динига кирмаган, унга қаршилик кўрсатган кишидир.

кўнгли нохуш бўлса, ташвишига шерик бўлиш керак. Кимнинг халқ ғамидан ғами бўлмаса, хақиқий одам бўлсанг, уни одам дема. Бировнинг ўлимидан севинган одам ё гўрков, ё ювғувчи, ёки жаллод бўлади. Уларнинг қайси бирини тасаввур этсанг ҳам, табиатинг нафрат билан тўлади. Лекин биров сенга яхшилик қилмоқчи бўлса, сўз билан сенга жон бағишламоқчи бўлса-ю, лекин гап билан буни ифодалай олмаса, яхшиликни тилга олганининг ўзи киши табъига осойиш бағишлайди.

Худо сени шундай нодир қилиб, дунёдаги одамларга наф келтирувчи қилиб яратди. Кимки унинг шу амрига мансуб бўлса, барча кишилар кўнглига ҳам ёққан бўлади. Икки дунёнинг тахти билан тожи бир томону бу бир томон, билиб қўй!

Бу сифатдан яхши сифатни топиш қийин. Лекин бундан ҳам яхши бир иш бор. Бу - бировга бир нарса бериб, ундан олишни одат қилмаслик; наф келтиришу, лекин бировдан наф қидирмаслик; бериш ишини доим хотирда сақлаб, бериб, бир нарса олишни ўйламаслик. Булут топганини халқнинг устидан сочди. Шунинг учун Худо уни осмонга хўжайин қилиб қўйди. Чумоли одамлар сочган нарсани теришга одатлангани учун унинг иши тириклай гўрга кириш бўлди. Гул ўзининг кумуш гулбаргларини одамлар устидан сочгани учун Худо унга янгидан-янги барг, ғунча ато қилади. У сочган нарсани шамол олиб йиққани учун доим дарбадар бўлиб, хору зор. Шиша ҳам ўзидаги гулобни одамлар юзига сепгани учун уни авайлаб токчанинг устида сақлашади. Супургининг одати ҳам йиғиш, тўплаш бўлиб, унинг эшик орқасида хор-зор бўлиб ётиши бунга бир далилдир. Санамларнинг зулфлари доим мушк тарқатиб тургани сабабли улар куёшдек юзнинг тепасидан ўрин олганлар. Чин диёрининг мушки ўзи қора тупроғдай бир нарса. Сунбул унинг исидан ис олгани учун бошоқчидай боши қуйи.

Бундан ҳам баланд яна бир мартаба бор. Унга йўл топиш юксаклик белгисидир. Қандай инъом бўлмасин уни очиқ юз билан бериш, аччиқ бодани ширин сўз билан тутиш керак. Саховат кўрсатган киши муомалада ҳам хато қилмаса, у бир йўла иккита инъом берган бўлади. Товоқда турган мевалар дилга ёқса ҳам, аммо устидаги гуллар унга қўшимча безакдир. Махбубанинг ҳусни қанча гўзал бўлмасин, лекин одамларнинг кўнглини у ёқимли муомала билан олади. Олтин тожнинг зийнати бўлса ҳам, аммо унинг устидаги дурни ҳеч нарсага таққослаб бўлмайди. Дастурхондаги хушбўй таом қанча яхши бўлмасин, устига қанд сепилса, яна ҳам хушроқ бўлади.

Кимки бундай ахлоқ билан иш тутар экан, унга биров жафо қилса, бунинг учун у интиқом олмайди. Ҳар қандай дилғашликни хурсандхкка қабул қилади, биров қанча жафо қилса, вафо билан жавоб беради. Бундай одамни инсонларнинг инсони деб, хақиқий одамларнинг энг яхшиси деб бил. Уни одамгарчиликни тўла эгаллаган, юз кишининг одамгарчилиги қўлидан ксладиган деб тушун!

XLVII

Марҳаматли Айюбнинг безори ўғри эгрилигини тузатгани...

Бир кеча ҳурматли Айюб Илоҳий сирлар кайфидан маст бўлиб, тоат-ибодат қилиб, шамъдек кўзидан ёшлар тўкиб ўлтирар эди. У дурдек кўз ёши денгизига ғарқ бўлиб, куйиб-ёнишда шамъга қўлдош эди. Хилватда бир бурчакни ўзига маскан қилган, гўё бир қутичанинг ичидан энг тоза дур ўрин олгандек эди.

Шу кеча бир кисавур унинг уйига лахм ковлай бошлади. Кечаси билан у ер остини ўйиб, йўл қилиб чиққанда, уйда бир одарннинг бошини кўрди. Айюб ҳам буни тушуниб, индамади; ибодатда давом этиб, буни ўзига олмади. Ўғри эса ўша тешикнинг ичидан чиқиб,

уйдан нима топса, ҳаммасини тўплаб, қанчасини кўтара оладиган бўлса, мўлжаллаб, орқасига махкам танғиб боғлади. Лахмга кирмоқчи бўлган эди, тешик кичкина, юк эса жуда ҳам катта бўлганидан унга сиғмади. «Ининг торлигидан хафа сичқон думига ғалвирни ҳам бойлаб олибди» (деган гап бор). Унинг қийналиб қолганини кўриб, Айюб ўрнидан турди-да, эшикни очиб, унга йўлни кўрсатди.

- Юкинг катта бўлиб кетибди, тешигинг эса кичик. Йўлдан чиқа қол, мана, эшик очиқ.

У қанча гумроҳлик кўрсатган бўлса, шайх унга шу хилда йўл кўрсатди. Киши бировга шу хилда йўл кўрсатгандан кейин, у бундай йўлдан четга чиқиши мумкинми?!

Бу аҳвол ўғрини ожиз қилиб қўйди, оғир юк эса қаддини букди. Вужудини бир ўт ёндириб дард бериб, бундан ложувард осмоннинг ҳам иситмаси чиқиб кетди. Элкасидаги юкни шу ўтга ташлаб, ўз вужудининг юкини ҳам куйдиришга тайёр эди. Бу ранжу малолатдан музтар бўлди, хижолат уни хасдек ўртантирди. Наъра тортиб, селдек кўз ёши тўкди; шайхнинг оёғига бошини фидо қилди. Шайхнинг яхшилиги, гуноҳини афв этгани тилини лол этди, марҳаматининг Вуки эса жисмини бехол қилди.

Шайх марҳамат қилиб, унинг кўзидаги ёшини артди, лутф кўрсатиб, бошини ердан кўтарди. Унинг дарду аҳволини тушуниб, фақирлик хирқасини кийишни тавсия этди. Тасаввуф йўли ўз ўти билан унинг жонини куйдириб, ундан бирон нишон ҳам қўймагандек эди. Унинг бутун борлиғи хасдек шу ўтда куйди. У шу ўтдан кўп ёруғлик топди. Камолот эгаси уни шундай парвариш қилиб, бир афв билан шунча нарсага эга бўла олди.

Навоий, телбаликни қўйиб, сен ҳам бир одарннинг этагини ушласанг нима қиларди.

Соқий, гуноҳимдан ўтиб, қоиимдан тутки, жоним оғзимга келиб, чиқай деб турибди. Тез бўл, бир қадах билан менга кушойиш бер. Умрим Нух умрича бўлмаса ҳам, сабрда Айюбча борман.

XLVIII
ЎН ТЎРТИНЧИ МАҚОЛАТ

Осмон тузилишидан шикоят; унинг ҳар бири бир қути бўлиб, ҳар юлдузи пок бир гавҳар бўлиб кўринади, аммо у шундай бир қутича ҳамки, унга заҳар, заҳар бўлганда ҳам ўлдирадиган заҳар солинган; жаҳон қўғирчоғи хақида киноякн, у чиройли ва келишган шўх бир жононга ўхшаб кўринади, аммо ўзи шундай қарияки, иши макр ва кўзбўямачилик, кўзбўямачилиги эса хаддан ортиқдир; у марварид қутисининг зарарини ёзиш учун қаламнинг тили лол: бу қариянинг турган-битгани заволдир

Эй кўнгул, бу чарх қўғирчоқбоз чиқди-ку! Эй кўнгул, унинг найрангбозлигидан ранжима. Унинг найранглари ҳар қандай тахмин ва гумондан ортиқ. Найрангидан ҳам афсунлари кўп.

Чарх шундай хийла ва найранглар кўрсатадики, гўё у кўк хирқа кийиб, тос ўйнаётгандай. Юлдузлар унинг кийимидаги жиякларидан нишон; Сомон йўли эса устидаги парча-парча ямоқ.

У қуёшни машъал қилиб, айлангани айланган; тосидаги ўтни хирқаси билан яшириб олган. У ўтни ўз кийими орасидан ўтказади; тонг ёқасидан ўт чиқариб кўрсатади. Тўғрироғи, тонг кулиш учун оғзини очиб, хийла билан оғзидан ўтлар сочади. Шундай бўладики, у ўтнинг учқунлари осмон хирқаси бўйлаб ҳаммаёққа сочилади.

Қўғирчоқбоз каби бу хийлагар осмон ўз найрангбозлик чодиридан минг хил суратлар кўрсатади. У михсиз, устунсиз чодир тикади; чодирнинг кўринишини доира шаклида қилади. Унда юлдузлар жилвагар бўлиб, кумуш бадани билан юз хил ўйинлар намойиш этади. У бунча кумушранг ўйинчоқлар ясаб чиқараркан, мақсади халққа хийла-найранг едиришдир. Йўқ, у парихпндек танани иккига бўлиб қўя қолмади; тиғи янги ойга, қони эса унинг

атрофидаги шафаққа ўхшайди. Унинг юлдузлари бундай парихонлик қилиш билан атрофига юз минг парини йиғиб олган.

Йўқ, уни парихон дема, у бир қариган шум кампирдир. Қадди ҳам айёрлик сифатини кўрсатиш учун букилган. Унинг кўз ёшлари хийла юлдузларидир. Ёлғондакам тонгнинг оқаргани - унинг бошидир. Найранг билан у эл қонини тўкади; алдов билан жонини олади. Подшоҳларни ўлдиришга, Хусравнигина эмас, Фарҳодни ўлдиришга ҳам ақли тез ишлайди.

Масалан, ер юзидаги бир келинни у томоша қилиб, макр билан унга пардозчилигини изҳор этади. Қўйнида пардозчилигининг белгиси оқ тонг упасию қуёш оинасидир. Тонг нафаси янги очилган гулни ясатгандай, у шўх гўзални ясатади. Юзига гул билан элик тортиб, эгнига сунбул кокилларини тарайди. Лола билан чеҳрасини қизил қилади; лола доғини эса чеҳрасига хол қилиб қўяди. Яшил ранг билан қошига ўсма тортади; шабнамни бошига рўмол қилиб ёпади. Сарвдан қоиига сурат тутқизади; сувдан эса унгаъ оина ясайди. Оғзини ғунчанинг орасига пинхон этиб, сўзлаганда шу ғунчани кулдиради. Чиройли наргисдан унга кўз қилиб, сафсар раъно тилидан сўзлатади. Унинс нареис коВларира ноз ва карашмани ўргатади; ғамза ўрнига ўйноқиликдан таълим беради. Уни жаннатнинг боғидек безатади; жаннатнинг боғи эмас, Чин қўғирчоғидек ясатади. Халқ орасида унинг зеболигини жилва қилдириб, ҳамма томонга раънолигини намоён қилади. Бунча афсунни унда акс эттирар экан, буни халқ унга гирифтор бўлиши учун қилади. Токи, уни ҳар ким кўрганда зор бўлиб, ишқининг сиртмоғига мубтало бўлсин.

Рустамдек бир азамат у маккор қарияни учратиб, ўша гўзалга етишиш орзусида ғамга асир бўлганини изҳор этди, дейлик. Қария ўртада қўшмачилик қилиб, қо£шмачилик дема, макр-хийла кўрсатиб, шундай яширин сехргарликларни намойиш қиладики, натижада икки тоқни жуфтлаштиради. Уларнинг никоҳини махкамлаш вақти келганда, тўй олди қалинига жонининг жавҳарини сўраттиради. Ҳозир тўй олди қалини учун жонини сўратган бўлса, эртасига тўйдан кейинги қалин учун имонини талаб қилади. Раънодек гўзал маҳбуба унинг ёрдами билан ошиғини ўзига ибодат қилишгача олиб келади. Унинг шундай ўзини паст тутишини, камтарлигини кўриб, энди унга пул ҳам даъво қила бошлайди. Тўй олди қалинига жонини сўраб, кейинги махрга имонини талаб қилиб, жонини, имонини олгандан кейин эса, бу дунё уйидан уни сургун қилади. Уни бу уйдан чиқариб, бошқани киритади, яна бошқа бир бегона одамни ўзиники қилади. Унисига вафони тарк этган эди. Бунисига ҳам ўша жафоларни кўрсата бошлайди.

Қизиғи шуки, бундайларнинг юзи келиб минги кетади; мингтаси кетгандан кейин юз мингтаси келади. Келиш-кетиш ишлари шу хилда тузилган бўлиб, ҳаёт - базмга келиб-кетишдай бир гап. Замоннинг иши шу хилда қурилган бўлиб, эвоҳ, у доим айланиб туради. Азалдан охиригача шу хол бўлиб, келувчиларнинг ҳам, кетувчиларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Уларнинг юзи бўлса ҳам, минги бўлса ҳам, фалак уларни йўқ қилади. Унинг жафоларидан оҳ, юз минг оҳ!

Фалак айланганда икки чизиқ хосил қилиб, бу минтақа ва муаддил чизиқлари икки белбоғдай унинг белига бойланган. Шуни кўрибоқ одамлар унинг нима мақсадда белининг икки еридан бойланганини тушунади. Унинг айланишидан хосил бўлган кундуз ҳам, кечаси ҳам туну кун гоҳ пастга тушади, гоҳ тепага чиқади.

Бу машаққатдан қуёшнинг юзи сарғайган; хатто янги ой ҳам ўзидан кетиб,/бехуд. Унинг етказган ғамидан тонг тўнини йиртган, шорн ҳам мотам либосида. Иссиғини кўтаргани учун ўт оромсиз, елни югуртиргани сабабли хор-зор. Сув ҳам унинг дағдағасидан жаҳонгашта; қаттиқ шамоли тупроғни чангга айлантирган. Унинг қасд қилиши натижасида денгиз заҳар рангида, заҳар таъсири уни қайғуга солган.

Унинг зулми билан коннинг бахти қора; гўёки ичи лахта-лахта қон боғлагандай. Дурга у шунча кўп зулмлар қилдики, ўз аҳволига тўкилган бир қатра ёшдай бўлиб қолди. Унинг найзаси лаълга шундай очиқ урилдики, натижада ярасидан бир қатра қон чиқарди. Унинг

ғамидан булут аҳволи ҳам чатоқ; гўё ўз дардига бир қора оҳ чиқаргандай. Ундан чашма ҳам душманлик кўриб, бир кўз бўлиб қолган, ўз аҳволига қайғуриб кўз ёши тўкади.

Булбул унинг хасратидан фиғонда, гул тўни шу туфайли юз еридан чок. Лолада ҳам янги доғлар пайдо бўлган; кўз ёшлари эса у доғларни қонга бўяган. Шишанинг кўзидан қонини оқизиб, майининг ўтидан одамларнинг жонини куйдиради. Гарчи у кишиларнинг жонига ўт солса ҳам, шу ўтини ҳам ҳаммадан барибир қайтиб олади. Шунга қарамай фалак ҳаммага ўзини дўст тутиб, ўзини одамларнинг аҳволига ғамхўр қилиб кўрсатади. Бир неча кун одамларга хурсандчилик бағишлаб, бир неча кун уларнинг хожатини раво қилади. Бировни мансабда Қорун даражасига, бировни мартабада Фаридун даражасига кўтаради. Унинг бу ишларида ҳам бир-бирига мувофиқлик йўқ; мингдан бир иши тахсинга лойиқ эмас.

Шундай фикр қилгинки, бу пасткаш чархнинг айланиши худди ғалвирнинг айланишига ўхшайди. Оламдаги одамлар, хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, ҳаммасига шу чанбар орасидан жой беради. Одамларни у шу аҳволга солиб, ўз ғалвирини элагани элаган. Яхшини ёмондан, покни нопокдан ажратади. Яхшисини пастидан айиргандан кейин икковини бир мартабада қолдирмайди. Қайси бири кўпроқ пасткаш бўлса, ўшани ўз марҳаматига олиб, кўпроқ бой қилди. Дурни оддий кахрабодан фарқ этмасдан, дурга алоқаси йўқ нарсалар билан дурларни кўмиб юборди. Жаҳон гулшанида наргис каби калтабин, нодонлар бор эди, уларнинг базмларига хурсандчилик бағишлаб, кумуш табақларда олтин қадахлар узатди. Табиати покиза, беҳишт гулзорининг безаги деб тушунилган гулни эса, бало тиканларига мубтало қилиб, узди, совурди, йўқотди. Риндлар май идишига ғилоф қиладиган терини хўтан мушкини сақлайдиган идишга айлантирди. Қаерда рангдор яман терисини кўрса, юз жойидан қирқиб, ундан ўққа халта ясади. Тиғдек одамларнинг қонини тўкканларнинг мартабасини кўтариб, шоҳ ёнига ўтқазди. Ўқ каби тўғрилар эса ундан қуйида, дъқ ўқдондан бир неча тош узоққа кетгани каби.

Қизиғи шуки, уни яхши десанг ҳам, ёмон десанг ҳам, агар бирпас вақтини топса, аёвсиз ханжарини ишга солиб, яхшию ёмон билан баробар жанг қилади. Кимни лойиқ кўриб тахтга ўтқазган бўлса, охирида барибир тахтага ёткизиб, хафа қилади. Кимга бир тахта кигизни соябон қилган бўлса, уни ҳам ўша қуруқ тахтанинг устида ухлатади. Кимгаки ичиб бахра олсин, деб бир жом май тутмасин, оқибатда ўша майга заҳар эзиб қўшади. Ўша жомдан май ичмаган, охирида заҳаридан хуруш қилмаган киши дунёда йўқ. Кимнинг обрў-еътиборини кўтармасин, унинг буйруғига бутун оламни мутеъ қилмасин, унга жабр қилиб, уни пастлатади ҳам, секин-аста тупроқ билан баробар қилади ҳам.

Дунёда шундай одамлар бор эдики, улар шоҳлар эдилар; мамлакатда адолатнинг посбонлари эдилар. Бу,фалак уларнинг биронтасини ўлдирмасдан, хору зор қилмасдан қўйдими? Боқ, Фаридун билан Жамшид қаёққа кетди? Ераж, Ҳушанг ва Заххок-чи? Салм, Манучехр ва Навзар қани? Бахману Дорою Искандар қани? Қани дунёнинг хокими Чингизхон? Қани жаҳон хони Темур Кўрагон? Бу пасткаш чарх уларнинг биттасига ҳам вафо қилмай, кимни кўтарган бўлса, уни яна ерга урди.

Шунинг учун у берган давлат ва иқболга шод бўлма; унинг муҳаббатига ҳам ишонма. Унинг ҳеч бир хосили ҳам йўқ, доимийлиги ҳам. Уларнинг ҳаммасидан кеч, лекин кечикма. У сени мағлуб этгунча, сен уни олдинроқ ўз фақирлигинг билан хор қил, мағлуб қил. Қўлингда бор нарсани у олиб қўймасдан, ҳаммасидан воз кеч, қўлингни торт. Қўлингда ниманг бўлса, пароканда қил, ўз қўлинг билан уни шарманда эт. Қуёш панжасидек қўлингни оч, унда қанча кумуш бўлса, оламга соч. У сенинг қўлингни қуритишини билиб, билганингдан кейин, ўз қўлингни ўзинг қурит.

XLIX

Искандарнинг етти иқлим мамлакатларини ўз қўлига киритгани ва бўш қўл билан бу дунёдан кетиш отини илгари сургани

Ҳамма иқлимларни қўлга киритган шоҳ Искандар жаҳон мамлакатининг тахтига эга бўлди. У бориб олмаган бирон ер қолмади. Бирон ер қолмадики, у бормаган бўлсин. Дунёдаги ҳамма ер ва сув унинг хукмига ўтиб, хўлу қуруқ буйруғининг қавзасига тушди. Осмоннинг кўк гумбази устида хутба ўқиб, адолат тамғаларини (олтин, кумушга эмас), юлдузларга урди.

Шоҳлар ўз ихтиёрлари билан унга қул бўлишди; унга қул боииш билан улар фахрландилар.

У ҳам шоҳ эди, ҳам валий, ҳам пайғамбар. Унинг табиати эса донишмандлик билан ростланган эди. Унинг асл зотида Жамшидлик одатлари бор эди. Оддий кўзгу унга жаҳонни кўрсатадиган жом бўлиб хизмат қиларди. Этти қават осмон хукмронлиги унга муяссар, етти иқлим унга бўйсунган эдии

Шундай юксаи мартабали бахтиёр подшоҳ бу ўткинчи дунёдан кпъчим кўтармоқчи бўлиб қолганда қизиқ бир ожизлик ва бечоралик холатини бошидан кечирди. Олдида қизиқ бир оворалик юз берди. Унга на хакимлари ёрдам қила олди; на хизматкорлари, на қуллари унинг фармонини бажара олди. Улар барчаси бу яшил боғда қолиб, у бир ўзи қора тупроғнинг ичига йўл олди. Бундай халокат унинг ичини ўртагач, шундай сўзлар билан у ичини бўшатди;

- Шу нафасда мен пастга қараб бораяпман; шоҳлик ноғораси сафарга чорламоқда. Ким ўз ор-номус шартини сақламоқчи бўлса, менинг унга шундай васиятим бор: вақтики пок бўстон қуши мен томон учиб келиб, поклик айвонига боришимни эслатган чоғда, оҳ тортиб, оламниъ қоронғи қилиб, тобутдан менга ухлаш учун жой хозирлаб, йўлимни қабр томон бошлар экансизлар, бир қўлимни тобутнинг ёнидан чиқариб қўйинглар. Кишилар тобутга назар солар эканлар, ибрат юзасидан шу қўлга қарасинлар. Билсинларким, етти ўлка подшоси, етти осмон мушкулларидан хабардор одам, энди жисмида жон йўқ, бу макондан, бу жаҳондан бўш қўл билан кетмоқда. Кимки жаҳон мамлакатини ҳавас қилса, ушбу қўл унга етарли тажрибадир.

Эй Навоий, бу жаҳондан, жаҳондангина эмас, жоннинг жавҳаридан ҳам қўлингни торт.

Эй соқий, дилим орзуси - мастликдир. Лекин қўлимнинг қуруқлиги бунга монеълик қилмоқда. Марҳамат қилиб, қўлимга май жавҳаридан бер! Май нимаси? Искандар оинасини бер!

L
ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ

Жахолат майининг қуйқасини ичадиганлар хақидаким, яхшилик хирқалари гуноҳкорлик қўлидан йиртиқ; май жахолатининг бош оғриқ одамлари тўғрисидаким, уларнинг ҳар бири майхона эшигида мастлик ва бебошлик билан юради ва қийшайган майхона уларнинг назарида Жамшиднинг тахтига ўхшайди, синиқ пиёла эса ўзида жаҳонни кўрсатадиган жомга ва пушаймонлик кўзёшлари ёмғири гуноҳ шуъласини ўчиради ва тавбанинг чақмоғидан чиққан ўтлар осийлик хирмонини куйдиргусидир

Эй, жомга ҳамдам бўлиб қувонган одам, ишинг жахолат хуморидан мастлик. Бундай айш сенга доимий бўлди, ҳеч камаймади. Дарду фикринг жахолат жоми. Бода ичингда хумда қайнагандай жўш уради. Бу қайнашдан ҳар доим кўнглингда ҳам хуруж. Май вужудингдаги мағрурликни кучайтиради. Лекин сен кўп сингари ўзингдан ўтган сирни, ўз аҳволингни тушунмайсан. Оғзингни фиску фужурнинг қўли очади. Ғафлат майини ичиб олиб, оғзингдан

хум каби кўпиклар сочасан. На сенга ўлиш ғамидан мотам, на ризқу насибанг тугашидан ташвиш! Ажалнинг мухтасиби келиб қолса нима қиласан? Уни даф этиш учун қандай тадбир қўллайсан? Жафо тоши билан қани энди у бу хумга қараб бир урса, уни бўлак-бўлак қилиб, синдириб ташласа! Жисмингга доғлар қўйиб куйдириб, ичаётган майингни қора тупроққа тўкиб ташласа! Сопол идишингни чил-чил қилганидек, лаълга ўхшаган майингни ер қонига айлантирса!

Бу беҳисоб ичаётган жахолат майларинг учун бир кун келиб, албатта, ҳисоб берасан. Сенинг бу мастлигинг неча йил, неча ой давом этиши мумкин? Ойда, йилда бир марта маст бўлмасдан хушёр ҳам юр!

Маст одамнинг ҳамма ҳаракатлари бемаъни бўлиб, кўчадаги болаларга масхарадир. Кўчанинг бошида у жинни кўриниши билан болалар унга тош ёғдира бошлайдилар. У пиёладаги майни охиригача ичиб, маст бўлиб, кўчага майхонадан чиқиб келади. Пешонаси томларга урилиб, қонаган, бошидаги салласи ёйилган, чувалган. Ёмон итдек одамларга ўз-ўзидан ҳамла қилади. Уни шунчаки ёмон ит эмас, қопадиган ит деса ҳам бўлади.

Баданида мастлик дам-бадам ғолиб келиб, ўзини бошқара олмай, боши оғган томонга кетиб қолади. Ёида учраган ёмғир сувини кўрса, май деб ичади; сой тоши учраса уни гулдай отиб юборади. Отган тошидан болалар гоҳ атрофга тирқираб қочади, гоҳ яна бу маст-аластнинг бошига тўпланиб ўйнашади. У бўлса гоҳ йиқилиб, гоҳ ҳарзамонда туриб, мастликбилан қўлини ҳар нарсага уради. Шундай қилиб, у кетма-кет йиқилиб, туриб, йиқилиб туриб, охирида шундай йиқиладики, май устидан босиб тушади. Май унинг ахёлини чатоқ қилган бўлса, қусуқ унинг соқолларини булғайди. Бўзчининг тароғидаги оҳордек, балки қарға патидаги ифлосдек, қусуқ унинг соқолини обдан ҳаром қилади. Ит эса ялаб, уни яна тозалаб қўяди.

Мастлик уйқуси тарқагандан кейин, кўзини очиб, яна ичишга берилади. Бошидаги салласини ҳам топа олмай қолади. Белидаги пулини ҳам йўқотади. Ўликдан кафанини шилиб олгандай, тўнини ҳам йўлтўсарлар ечиб олишган. Йўлда пичоғини ҳам олишиб, қинининг ўзини қолдиришган; кавушининг ҳам биттаси бор, иккинчиси тушиб қолган. Тўнининг[1] этаги балчиқ, олди хўл, олди хўлу, аммо олдида кўл ҳам пайдо бўлган.

У ўз уйини қанча қидирмасин, шу узун кўчадан бошқа уйни топа олмайди. Вужудига титроқ келиб, қалтиратади; оғзида ҳеч таъм йўқ, бемаза. Қўлини махкам қўлтиғига тиқиб, қанча қидирса ҳам уйининг йўлини топа олмайди. Тўнини ўғри ечиб олгани етмагандай, қолган ҳамма нарсаларини кўча қоровули тортиб олади. Тушунсанг, бу ўқ теккан одамни тузатиш учун унинг ярасини кесиб, ичидан ўқни суғуриб олганга ўхшайди. Боши айланиб, кўнгли ҳам озиб, қулоғини ежкасига қўйиб беркитишга ҳаракат қилади.

Шу хилуа у ҳар томонга бориб-келиб, қара, не шакл, не қиёфага кирди! Унга ичиш ҳам бир бўлди, шунча азоб-уқубат тортиш ҳам. Буни хумор дема, юз бало дегин: улар ҳаммаси бир бўлиб, уни ўзига мубтало қилган. Унинг ўзига ўзи қасд қилишини томоша қил; ўз жонига ўзи зулм қилишига бир қара.

Булар ўзи ҳаммаси бири биридан қизиқ ишлар... Бундан ҳам қизиғи яна шуки, у ўзининг бу ишларини оддий мастлик, шунчаки бир риндлик, қаландарлик, бебошлик деб хаёл қилади. Бу ишларнинг ҳеч бири кўнглига оғир ботмайди; хижолат тортиб, ўлмайди ҳам. Шунча қабоҳат унга таъсир этмайди; бу қабоҳатларнинг ҳаммасини жойиз деб билади.

Ҳа, шум кампирнинг қизи қанча хунук бўлса ҳам, унинг кўзига беҳиштдаги хур бўлиб кўринади. Қобилиятсиз шоирга: «Нима деяпти?» деб юрма дейман. Нима беъмани гап гапирса, унинг ўзига сенр бўлиб туюиади. Ит қозондаги ошга тилини теккизгани учун юз

---

[1] Бундан бир байт олдинда шоир мастнинг тўнини йўлтўсарлар ечиб олганини айтган эди. Афтидан, шоир унинг икки қабат тўн кийганини кўзда тутаётган бўлса керак.

қоралик белгиси сифатида юзи қизил бўлди. Кимки одам ўлдириб, жаллод номини олган бўлса, у ўз ўғлини ўлдирса ҳам хурсанд бўла беради. Гўнгнинг исидан кўнгли очилмаса, қора қўнғиз уни юмалатиб юрмас эди. Кимки кўмир сотишни бўйнига олган бўлса, юзи қора бўлганидан ор қилмайди. Бойқуш обод ерларда хафа бўлиб ўлтиради; вайрона бурчакларда эса товусдек товланади. Май инсон танасини хароб қилса, ажабланиш керакми? Сел уйларни бузиб олиб кетса, хайрон бўлишга ўрин йўқ!

Сел уйларни йиқитиб, одамларни беватан қилади; сел бало сели бўлиб, уйлар вайрона бўлса, одамни маст қилиб йиқитиш ичкиликнинг хусусиятидир. Унинг жисм уйига у, билки, бало селидир. Уни жисм уйи дема, жон уйи де, жон уйи ҳам дема, имон уйи де. Ҳар томондан туғён қилиб келган селга шоҳ уйи ҳам бир, дарвеш уйи ҳам.

Ким бемазалик қилиб бодани ича берса, унинг ақл чироғи хиралашади. Агар чироқнинг алангасига бир қатра сув томса, уйда ёругиик бўлишидан қўлингни ювасан. Ақл чироғи қандай чироқки, киши кечасию кундузи унинг устидан май сувини жом-жом қуяди. Машъалнинг айланаси устига ҳам бир коса сув қуйсанг, у ўчади. Мана, чироқнинг аҳволи. Сув билан машъалнинг ўти ҳам хиралашади; машъалнинг ўти у ёқда турсин, манқалнинг ўти ҳам. Манқални қўй, кўра бўладими, тандир бўладими, барибир, унга сув теккандан кейин, унда на иссиқ қолади, на нур. Мажусий ўтхонага сув қуйса бир нафасда сандал дарахтининг ўтини обнусга айланади.

Кимки шу сувдан ўзига хурсандчилик хосил қилмоқчи бўлса, унинг уйини қоронғилик босса ажаб эмас. Демак, уни сув дема, у шунақанги бир ўтки, етти осмон хирмонини куйдиради. Осмонни куйдиришга қодир бўлган бу шуъла хас-хашакка тушса, ундан нима қолади?

Эй инсон, вужудинг уйи худди шу хашакнинг ўзидир; заиф танинг бир ховуч тупроқ. Бу хашакка қачонгача ўт қўясан? Бу тупроқни қачонгача совурасан? Ичкилик ҳам дард ўти, ҳам афсус сувидир; йўқ, у дўзах ўти, ҳам тўфон сувидир. Бу ўтни ўз вужудингнинг хас-хашагига урма; бу сувни бир ховуч тупроғингга қуйма. У гарчи сувдек тиниқ, яхшиси бўлса ҳам, лекин унинг сувлигидан ўтлиги ортиқдир. Ҳар қандай сув қайнаб турганда, кўриниши рувдир, лекин унинг куйдиришини ўтникига солиштириб бўлмайди. Ўтга киши қанча қўл урса ҳам, унга қўл теккан билан, қўл куймайди. Кимки қўлини қайнаган сувга тиқса, қўли унга тегиши билан ўлдиради.

Хуллас, унинг ўти ўту суви ҳам ўт, ранги ўту жозибали ёлқини ҳам ўт. Кимки бу тўрт ўт ичига тушиб асир бўлса, чақмоқ чаққан жойда ипак тўқимадай ёнади. Қайси баданда бу тўрт ўт ёнса, унинг иссиғидан баданидаги тўрт унсур ҳам ўртанади. Бу ўтда тўрт унсургина ёниб, йўқ бўлиб кетмайди, ақлу хис, дину ислом ҳам йўқолади.

Ўтга шундай иссиқ бериш хусусияти хос экан, унинг ёмонлигини қайси сув даф эта олади? Яшинни тўфон суви ҳам пасайтира олмайди; гулнинг ўтини баҳор суви ўчира олмайди. Бу ўтнинг жонига офат бўладиган сув тавба вақтида афсус-надомат кўз ёшларини тўкишдир. Шундай кўз ёши оқиб турган вақтдагина бу ўт даф бўлади, бу ўтгина эмас, йўқ, хатто дўзах ўти ҳам. Киши бундай қатрани қаердан топади? Ўзи бир қатра бўлса ҳам, наф и дарёча-ку! Кимки ўз гуноҳларига пушаймон бўлиб, кўз ёши тўкса; унинг ҳар қатра кўз ёши мақсадига етиши учун гавҳардир. Булутдек ҳаё билан кўз ёш тўкар экан, унинг ҳар бир қатраси дурнинг аслидир. Бировни мақтаб, мажбуран тавба қилдирилса, буни тавба деб тушунма: бировнинг тавба қилишга ақли етмаса, «Қуръон»ни ўртага қўйиб, шартлашишни ҳам; ёки биров маст бўлиб тўполон кўтарганда, қасам ичтириб, уни бу ишдан қайтаришни ҳам. Булар ҳаммаси тақдир ўти олдида бир хасдир. Булар тавба ҳисобида ҳам эмас. Кимки тақдирнинг қўлида беихтиёр тавба қилар экан, унда ихтиёр борми!

Тавба, бу - ўз айбидан хабардор бўлишдир, олдида турган йўлнинг хавфлилигини тушунишдир; ёки йўлдан адашиб қолган вақтда, бу аҳволга ўзининг айбдорлигидан огоҳ бўлишдир. У, билсаки, Худо ҳамраа вақт хозир, нима қилсанг, ҳаммасига нозир, унинг

кўнглини пушаймонлик ўти ёндирса, жонини хижолат ўти куйдирса, шу холатда у тафаккур қилиб, ўз қилмишларига нафрат билдирса, шунда унга яна Илоҳий лутф этиб, битмас-туганмас жозибага эришиб, Худо уни ўзлигидан жудо қилади, ўз холига мутлақ қўйиб қўймайди. Шунда у «Илоҳий тавба» билан зафар топса, бундай тавба хақиқий тавба ҳисобланади.

Худонинг ўзи шундай карам қилмаса, одам нима қила олади? Ўзлиги билан унинг қўлидан нима келади? Ғойибдан илхом келмаса, тавба тавба эмас. Киши ўз айбидан ўзи қутула олмайди. Одам ўз ихтиёри билан гуноҳ қилмайди. Бу гуноҳнинг тавбаси ҳам унга маълум эмас. Худодан амр бўлиб, у тавба қилса, бу - чиндир. Бу тавбани Худонинг ўзр сақламаса, бандаси синдириши ҳам мумкин. Тавба қилиш учун Худо кимга тавфиқ берган бўлса, унинг тавбаси синмайдиган, хақиқий тавбадир. Ўзлик билан қилинган тавба бузилиши мумкин бўлган тавбадир. Илоҳий тавба қилишдан кел, шундан гапир.

LI

Бани Исроилийи Риндниг манманликдан тавбаси туфайли хонадоннинг юксалиши, қасамнинг қоф тошларидан фалакка чиққани ва май сели у бинони йиқитгани

Ринди Бани Исроили деган бўлиб, май деб майхоналарда тиланчилик қиларди. Май унинг ҳаётининг озиғи бўлиб, халқ орасида Маймана исми билан танилган эди. Гавдаси кўзача яшашга нуқсонсиз бўлганидек, ўзининг Ринд деган исми майга берилганлигини билдиради. Майхонадаги одамларнинг ичаётган идишини тортиб олиб, тагида қолган бир қултумини ичиб юборарди. Тагида қолган май қуйқасидан бир ютум тегмай қолса, ўша захоти мусибат юз берарди.

У кўп тавба қилар, лекин тавбасини синдирар, кўнглини тавба қилишдан тиндирган ҳам бўларди.

Тавба қилишда бундай нуқсонларга ёи қўйиши ошкор бўлгач эса, энди тавба қилганидан пушаймон бўларди.

Бир куни эрталаб (кеча) ичганидан беқарор бўлиб турган эди, меҳрибонлик эшигидан кушойиш юз берди. Ҳотиф (ғойибдан) овоз қилиб: «Эй махмадона, энди тавба қил, бунинг вақти келди! Сен сўраганингда бизга (юқоридан) ризолик бўлмаган эди. Розилик бўлмаганидан сўнг қазо хукми ҳам бўлмайди. Биз томонимиздан (яна) талаб қўйилган эди. Энди яқинроқ келки, хурсандчилик палласи юз берди».

Ринд ичига шавқ нури тушиб, танасига кўзёшлари шавқ гирдобидек таъсир кўрсатди. Шундан кейин унинг улуши хузур ва сафо бўлиб, тавба эса унинг кўнглига нур ҳамда хурсандчилик сола бошлади.

Йиллар давомида нималарни тилаб, ёлборган бўлса, бир дамда барчасига мушарраф бўлди. Тавбага қараб ўзи юз ўгирган эди, тавбаси шиша каби шикаст топди.

Шу равишда Ҳақ уни тавбага махрам этиб, Искандар деворидек махкам ҳам қилди.

Тавба ўзингдан юзага келган бўлса, анча суст бўлиб, Аллоҳдан келган тавба эса шундай мустахкам бўлгусидир.

Гуноҳлар Навоийни ҳам кўп қайғуга солиб, ташвишлантирди. Эй Худо, ўзинг тавба қилдириб, қабулини ҳам ўзинг амалга оширгайсен!

Эй соқий, қадахни келтир-да, тез бизга тут! Ахднинг бошини ва тавбанинг оёғини синдир! Узр айтсам, йиқитиб, томоғимга қуй, лекин қуйганда ҳам кўкрагимнинг устига чиқиб туриб қуй!

LII

ЎН ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ

Хунасасифат олифталарнинг дунё зеб-зийнати, деб хийлакорлик кўрсатишлари ва жонфидо мухаббат эгаларининг диндан қувват олиб, бошни тик тутиб юришлари; ғазавот майдонининг кенглиги васфидаким, мард билан номарднинг шу ерда бир-биридан фарқи кўринади; шахидлик қони таърифидаким, бу гуноҳ тутунидан юзи қора бўлганларнинг юзини қизил қилади

У шундайки, ўзини жуда ботир кўрсатиб,ъотини шижоат майдонида илгари суради, хатто Рустамни ҳам назарига илмайди.

У ўзини шундай катта тутадики, гўё унинг бошидан осмонгача бўлган масофа тўрт энликдай. Оти йўрғалаб бораркан, унинг гавдаси тоғдай бўлиб кўринади; уни миниб йўл босаётган эгаси қоплонга ўхшайди. Кибр унинг халқ билан муомаласини юзаки қилиб қўйган, у зулм чўққисида худди қоплондек ўлтиради. Қоплон сингари ит гўшти билан овқатланади; унинг такаббурлигидан кибр шамоли эсади.

У аччиғи чиқиб, қошини чимирганидан пасткаш осмон тоқини синдиргудай бўлади. Кибрдан қошининг ҳамма томонидан чимирилган, калласидан эса бошқача бир шайтонлик жой олган. Унинг икки қулоғида зирак осилиб тургандай, ҳар бир қошининг учидаги чимирилишдан унинг манманлиги кўриниб туради.

Булар ҳаммаси уни хурмат қилишга мажбур этади, лекин - бу хурмат эмас, бидъат ва ҳаромдир. Ҳалқаси кўча ити бўйнидаги тасмани қочиради; уни халқа дема, лаънат тавқи де. Зулмда унинг Заххокка ўхшашлиги билиниб туради; елкасида эса икки илон халқа бўлиб ётибди. У ўзининг шариатга хилофлигини кўрсатиб, доим юзидаги соқолини тарашлаб юради. У доим бидъат билан шуғуУангани учун соқоли ҳам тагидан қирқиб ташлашга лойиқ.

У зулм ўқини учирганда, ўқнинг учини ўз юзи билан эговлайди. Икки мўйлабининг қиллари ҳар томонга ғулу солади; ундан орзу-ҳавас қушларига тузоқ ясаш мумкин. Оғзи тескари сўздан бошқани демайди; турган-битгани одамларга таъна ва лофдан иборат. Унинг юзини тўсиб турган соқоли олингач, башараси нуқул бужурдан иборат экани кўриниб қолади.

Унинг бошидаги жиғаси жилва қилиб тураркан, пати унинг калласидан динни учиришга хизмат этади. Бу жиға унга лаънати иблисдан қолган бўлса ҳам уни Жабраил қаноти деб атайди. Ундаги патлар бойқушнинг бошидан суғуриб олингану, номини «товуснинг тожи», деб аташади. Салласининг учи бўйнига тегиб турибди; йўқ, тегиб тургани йўқ, юрган сари гарданига урилиб турибди. Бўркининг учини ичкарисига букиб қўйган; у ҳирсу ҳаво қушларига уядир.

Тўни ипакдан бўлмаса,. кўнгли ғамгин; хитой матоидан бўлмаса, қошл чимирилган. Юз дастрўмолчасининг ҳам зарбофдан бўлишини истайди; унинг четларига тилла суви билан хажв битиш керак. Оддий ипакдан хатто либос тиктирмайди; бундай матодан тўн эмас, кўрпа қилдиради. Орзу-ҳавас деб юпқа бўздан кўйлак тиктиради; юпқалиги пашшанинг қанотига ўхшайди. Пашшанинг қаноти ҳам эмас, худди шабнамдай; ич кўйлаги ҳам юпқа ипдан. Белига бойланган белбоғининг иплари ҳам зардан. Чиройли бўлсин деб ичидан ҳам шунақа белбоғ бойлаб олган.

Рўмоли ҳам зар тикилган ипакдан; тикувчи унга ўзжонини қўшиб тиккан. Тўнининг устидан олтин чизиқлар тортилган; хатто этигининг наъли ҳам зархалланган. Отининг устига урган эгари зарланган; хатто унинг юганига ҳам гавҳарлар қадалган. Кўнгли енгсиз ажойиб-ғаройиб чакмон кийишни истаб, рангини қизил қилиб, долу гулига қўйиб тиктирган.

Шунчадан-шунча олифтагарчиликлар билан, олифтагарчилик эмас, қабоҳатлар билан дев жамолини паридек ясатади; тиканни янги очилган гулбарглар билан безайди. Гўзал раъно каби жилва қилиб, қизил юзли маҳбубадек бода ичади. Бода миясига таъсир этгандан кейин тинимсиз бемаъни гапларни гапира бошлади.

Унинг олдида бир қанча ифлос ва бузуқлар юради. Уларнинг биронтасида на ақл бор, на идрок, на хис. Улар гулхан атрофидаги юзларча ҳаромхўр зоғларга ёки зоғ атрофидаги ўлимтикхўрларга ўхшайдилар. У гапга тушунадигандек, хадеб унга гап уктиришади; ҳисобсиз, ўлчовсиз хушомадлар қилишади. У ғавғо қилади, атрофидагилар бақириб-чақиришади, гўё ўзи ўртада деву атрофида шайтон тўдаси. Бири уни «Бегим!» деган, бошқаси «Мирзо!» деган; хулқини яхши деб, ҳуснини чиройли деб мақтаган.

Уларга бунча расволик етмагандай, ичкиликсиз бир нафас ҳам тура олмайдилар. Ичкилик унга илоннинг заҳаридай зарур; овқат ўрнига илоннинг гўштини ҳам еяберади. Ейиш-ичиши ҳаммаси ҳаром-ҳариш; шу хил ейиш-ичиш билан ўзини парвариш қилади.

Икки пиёла майни тўлатиб ичиб олгандан кейин, лоф уриб, ҳар дамда бир душман сафини парчалаётган бўлади. У гўё тоғу, аёвсиз қилич чопмокда; қиличи ойнинг темир қалпоғига ҳарн бориб тегмокда; гурзиси Бахромнинг бошини янчмокда; найзаси унинг гавдасига санчилмокда; унинг олдида филнинг пашшача куч-кудрати йўқ. Аждахо эса унинг кўзига бир ола-була чилвир.

Унинг фолбинлик китоби олдида йўлбарс оддий бир сув курти-ю, наҳанг оддий бир илон; момақалдироқ унинг ўз базмида чалинаётган ноғора овози-ю, чақмоқ кабобининг ўтидан сачраган учқун.

Бу золимнинг зулм ва шафқатсизлиги шунчаки, бунча зулм ва шафқатсизликни киши кофирларда ҳам кўрмаган. У шундоғки, намозга бош эгмайди; Худога ёлбориш хаёлида ҳам йўқ. Унга бутун мамлакат, сипоҳ, хатто подшоҳ миннатдорчилик билдиришини хоҳлайди. У ёлғиз шоҳга деб ўйлама, бутун борлиққа миннат қилади. У бечора шоҳга қанча ёлғонларни гапириб, гўё унга тожу тахтни мен олиб берганман, демоқчи бўлади.

Менга юз минг берибди. Юз, икки юз минг менга лойиқми? Юз кишининг рашки келадиган аскарим, минг йигитим отланадиган ўлкаларим бўлиши керакмасми? Агар менинг аҳволим шунақа ёмон бўлаверадиган бўлса, бу шоҳ бўлмаса, бошқа мамлакат, бошқа шоҳ топганим бўлсин! - деб у таъна ҳам қилади. У қанча қичқириб, бехуда гапларни гапиради. Одамлари ҳам ҳар томонда уни қувватлаб туришади.

Бунча манманлик, кибр-ҳаво унда ситамгар нафси туфайли юз берган. Унинг учун уруш боиса, осмон юзи қора чанг билан қопланса, икки тараф бир-бирига қарши ўткир қиличларини яланғоч-ласа, жаҳон халқи орасида ғавғо кўтарилса, унинг тиғи одамларнинг юрагини ёрса-, душманнинг бошини гурзисига ғилоф қилса, йигитларнинг иши ўз хунарини намойиш қилса.

У ҳам бу ишларга қўл урган бўлади. Лекин ундаги неча минг одамлар ҳам бир бўлса-ю, бу ҳам бир бўлса. Озу кўпни берадиган Тангри бўлгандан кейин, зафарни кимга берса ҳам Худо беради. Шоҳнинг Худога нияти тўғри экан, нега энди у одамларнинг ва сипоҳнинг миннатини кўтариши керак?

Хулласки, бир жоҳил, пасткаш, ярамас, ўзига юқори амал истаб, шунча тиришқоқлик кўрсатади. Агар шоҳ унинг миннатига илтифот кўрсатса, Худонинг марҳамати хақи, унга юз минг уятдир. Бир киши юз минг кишилик сафда турган бўлса, Рустами Достон бўлса ҳам, у ҳамма билан тенгдир. Бир одам иккита Рустамнинг ишини қилганда ҳам бир киши охир-оқибат бир кишидир.

Эй такаббурлик натижасида хароб бўлган одам, ёлғон тасаввурлар сени кибр йўлига солди. Гев билан Рустамни[1] енгсанг ҳам, хақиқий мардликни эгаллаган бўлсанг ҳам, бундай тасаввур ва ўйларни, нафсу хавога оид нима бўлса, ҳаммасини кўнглунг уйидан чиқариб ташла, хаттў фано ўтида куйдириб ташла!..

---

[1] Гев, Рустам - қадим Ерон қахрамонлик достони қахрамонлари нотни. Улар-Фирдавсий «Шохнома»сида ҳам тасвирланган.

Шариатга хилоф нимаики бўлса, у энг тоза шарбат бўлган тақдирда ҳам, уни сен тўкиб ташламоғинг зарур.

Ҳирс ва ҳавас тўнини йиртиб ташлаб, танни Аллоҳга розилик чашмасида пок этиб, эгнингга динимиз ёиидаги кийимни ташлаб, устингга эса жангчилик либосини кийгайсен.

Ўзингни ғазавот урушига шай қилиб, белингни жангга мустахкам тутмоғинг керак.

Агар сенинг кўнглингда химматинг боиса, асл зотингда журъат билан дўст бўлсанг, Ҳақ ёиига бошингни тикиб, жон чексанг, имконинг борича қийинчиликни торта билсанг, Тангри учун қонингни тўка олсанг, ўз жонинг устига Унинг миннатини, яхшилигини қўйган боиасан.

Эй, бу саодатга етишган кимса, бу хол сендаги шаҳодатга эришиш имкони демакдир.

Тур-да, бу ёини босиб ўтишда ниардоналик кўрсат! Жонинг юзта боиганда ҳам шукроналик қил! Жисминг тўши шу йўртишда маррага етишар экан, буни сен бахт гулшанининг қуши, деб, жонингга ажал пайконларининг ёғилишини эса раҳмат булутидан ёғган ёғин деб бил.

У агар сени оидириш учун тиғ тортса, бунинг моҳиятини карам денгизининг мавжи деб бил. Агар кўзингга ғубор кирса, унга кечиримликнинг сурмаси сифатида қара. Ўлим шамолидан сенда қўрқинч пайдо боиса, уни Исо нафасидан эсган бир шабада деб ҳисобла.

Танангга тиғ оиим эшигини очса, буни руҳинг учун жаннат ёии деб бил. Аллоҳ ёиида тўкилган қоннинг бир қатраси жаннат гулидан далилдир.

Дин ёиида бадан қонга бўялган экан, бу унга безакдор гулгун кафан ўрнидадир. Кимки дин ёиида жанг қилар экан, бу ёда юзига тўкилган қизил қони бунга гувоҳдир. У қилган гуноҳнинг тутунлари қанча қора бўлмасин, шахид урган оҳлар, бил, уни қора булутни боғдаги шамол, булутни тўфон ели олиб келгани каби суриб кетади. - Гуноҳ кечаси гарчи доимий бўлса-да, шахидлик тиғи уни ёритиш учун Қуёш кабидир.

Лекин мужоҳидга мақсад бўлиши керак - урушишдан мақсад бойликка эга бўлиш бўлмаслиги керак. Кимки бойлик учун жанг қилар экан, уни жангдан махрум этиш унга етарли жазодир.

Кимки талон қилиш учун жанг қилар экан, кечқурун оғиз очарда турли неъматлар ейиш учун рўза тутадиган одамга ўхшаб қолади.

Кимки ғазавот жанги майдонида тирик қолар экан, бу - ҳаёт чашмасида оииш деган гапдир.

Кимки дин учун жангда қийналиб-қийналиб ўлмаса, бу оби ҳаёт ичида ташналикда ўлган кабидир. Ким сафда туриб, оёғини номига депсиса, уни масжиддаги имомнинг риёкорлиги деб бил. Сафдан орқада қолиб кетган хақида нима дейишим мумкин? Одатда аёллар қибла сафидан орқада туришади.

Улардан кимки оижа учун жасорат кўрсатар экан, у пул учун Қуръон тиловат этгандек бир гапдир. Ўлимни бўйнига олмаган ғаразсиз «ғолиб» хақида у билан бирга оитириш хайф! - деган гап тўғри!

Кимки жонини жонондан азиз кўрар экан, жонон бундай одамни азиз тутса - хайф! Кимки ғазавот ишини ўзига одат қилган экан, шахид бахтига эса эриша олмаса, шу билан бирга шахид бўлишдан умидини узмаса, унга шундай жанг маъракасининг шахиди деб қараш керак.

Кимки ном чиқариш учун майдон қидириб, маъракадан чиққандан кейин эса лоф ура бошласа, уни мардликдан насибаси узилган деб, номард нима деса бунинг қизиғи йўқ! деб қараш лозим.

Ахир, лочин ҳар куни турнани овлар экан, унинг юзтасини овлайди, аммо мақтаниб бирон марта овозини чиқармайди.

Еркак қузғун модаси билан емак қидирар экан, битта ўлимтикни топгунча неча маротаба бир-бири билан чуғуллашади.

Бир ишни қилиб, қилган ишини гапириш яхши эмас. Бир иш қилмасдан туриб, гап сотадиганларга ҳам қара.

Кимгаки чин эркаклик белгилари хос бўлса, қилган иши мингта бўлса, биттасини ҳам айтмайди.

Еркаклик нималигидан баҳраманд бўлиб кўрмаган одам бир ишни ҳам қилмай туриб, юз хисса баланд келади.

Хўроз ўз вақтида қичқириб, овоз чиқаради. Курк макиён эса бир лахза ҳам тинмайди.

Кимнинг кўнгли ғазавотдан бошқа нарсани истамас экан, ўзини кишилар ўртасида кўрганда Аллоҳ билан кўрмайди.

Ўз ишларининг таърифида куй куйлар экан, буни мағрурлик ва манманлик деб билиш керак.

«Лиллоҳ»[1] эса яхши одамлардан четда бўлиб, Ҳақ ўзи билади, халқнинг билмагани яхширoқ ҳам.

LIII

Абдуллоҳ Муборакнинг ниқоб кийиб, жанг майдонига кириб, зафар жамолидан пардани олгани ва Ҳасан Рабеъ ул ҳуснни кўриб хайрон қолгани

Ҳасан ибни Рабеъ ғазавот жангидан ушби ажойиб ривоятни қилган:

Уруш майдонида Катта жанг борар экан, исломий гуруҳ кофирлар билан олишаётган пайтда кофирлар қўшини сафидан бир юраклиси дейиш мумкинки, ажал ханжаридек қотили адоват билан майдонга отида жавлон уриб кириб келди. (Ислом) динининг аскарларини ўлдириш билан тиғини чархлар, ўткирлаштириб, наъра соларди - душманнинг янги аскарларини майдонга чиқишга талаб қилиб. Бу ғайридин қотил ғоятда кучли бўлиб, ҳар қандай одам унинг бир зарбасидан йиқилар эди.

Кимки бу майдонга кириб келар экан, ўзидан ўзи ўз қонига беланишга мажбур эди. Шу равишда у бир қанча мусулмонларни шаҳид қилди. (Исломий) дин қўшини умидсизликка туша бошлади.

Шу дамда сафнинг бир учини суриб ташлаб, бир довюрак паҳлавон кийикнинг пайига тушган шердек майдонга кириб келди. Қуёш кўкнинг темир қалқонига ғарқ бўлгани каби у ҳам тиғидан чақмоқ чаққандек нур сочиб, юзини ниқоб билан беркитиб ишқ ўти ошиқни яширинча куйдиргандек бўлди. У қахр билан кофирга етишган зомониёқ дархол ҳамла қилиб, шу ондаёқ уларни йиқита бошлади. Шу йўсинда уларни дўзахга жўнатар экан, бу қўйни сўйиб, ошхонага юбораётгандек эди.

У келган йўли билан қайтиб келар экан, у худди каклик юришидек қилиб қадам босиб келарди. Дин қўшинлари сафларида жонланиш, қайнаш бошланиб, ҳар томондан такбир айтаётганламинг қичқириқлари эшитила бошланди. Душманнинг ҳурмати хорликка учраб, кофирлар байроғи қуйига эгилди.

Ғолиб эса ўзини маълум қилмади. Шундай бўлгач, унинг кимлигини ҳам ҳеч ким билолмай қолди.

Мени уни билишга бўлган иштиёқ қийнаб, ҳамма ёқни айландим ва топдим. Тиғи ҳам унинг елкасида осиғлиқ, юзидаги ниқоби ҳам жойида эди. Мен унга дедим: «Эй ғалаба йўлдоши бўлган ғозий! Тиғингга ҳам, зарбингга ҳам минг офарин! Юзингни кўриш прзусида ўлишга тайёрман. Тангрининг ризолиги хақи, ниқобингни оч!»

[1] «Лиллох» - Худо учун, Худо билан.

Тангрининг отини эшитганидан кейин юзидан пардани олиб ташлади. Иззату шараф тожига муносиб унинг боши намоён бўлди, бу бутун дунёнинг халқининг олди - Ибн Муборак эди.

Отининг оёғига пешонамни қўйиб дедим: «Эй нурли шариатнинг ғолиби! Жаҳон аҳли сени кўриш учун жонларини фидо қилмоқда. Нима учун юзингни беркитмоқдасан? Ёпинчиқ пардани юзингдан йўқот! Сафга сурил, ўзингни элга танит!» Ҳасан деди:

- Ортиқча жидди жахд қилма! Мен Унинг ишқида жиҳод қилдим. У барча аҳволимдан огоҳ бўлиб, қандай қадам боссам, У менга ҳамроҳдир. (Сиз эмас), агар У мени таниса, менинг мақсадим ҳам шудир. Танимаса, нима қилган бўлсам, олам эли фойдасигадир! Ҳар бир одам тилагини ёрдан тилар экан, ёр рақиблардан маҳфий равишда иш кўриши керак. Лекин (дин учун) жанг вақтида бу кичик масала бўлиб, нафс билан жанг қилган улуғроқдир.

Навоий нафсининг кофири билан (дин йўлида) ғазавот қилар экан,

Тангри уни мукофотлаяжак.

Соқий, менга эл жонидек қадахни олиб кел, токи мен уни динимиз душманининг қонидек симирай!

(Дин йўлида) ғозий бўлган подшо кафидан (хурмодан тайёрланган) шаробдан бер, уни ичиш билан ўзимни шахид қилай!

LIV
ЎН ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ

Баҳор йигитлигининг софлиги хақидаким, нозли райҳонларини ранг-баранг ипаклар билан ораста қилади; йигитлик баҳорининг латофати хусусидаким, юзининг гулини райҳоний хатлар билан гулу райҳонни ёндирадиган даражада безатади; куз қарилигининг совуқлиги тўғрисидаким, гулистондаги дарахтлар билан қушлар у туфайли зийнатсиз, куйсиз бўлиб қолади; қарилик хазонининг шиддати тўғрисидаким, бадан гулистонининг тоза гуллари у туфайли ҳавога совурилади

Ҳамал айвонини қуёш ёрита бошлагач, осмон ер юзига ҳам меҳр изҳор қилди. Мушксепар саҳар шабадалари эсиб, боғда ўз фаррошлигини кўрсата бошлади. Ер юзига шохларни кокил қилиб осилтириб, хатто.бу кокиллардан супургилар ясади. Шамол шабадалари фаррошлик қилгач, булут сув ташувчи бўлиб сув сепа бошлади. Сувнинг оғирлигидан унинг бели пастга букилгач, мис ранг чақмоқ унга камар бўлди. Боғ супурилиб, сувлар сепилгач, райҳонларнинг ривожланиш вақти бошланди. Улар боғдан секин-аста бош чиқариб, боғдах эмас, қора тупроғдан бош кўтариб, юлдузлар осмон гулшанига хужум қилгани сингари ер юзига хужум бошладилар. Уларнинг ҳар бин суманбўйилик бир боладай, бола эмас, гул юзли маҳбубадек. Ҳуснлари ишваи ноз билан тўла. Муаттар хидлари мушк ва анбарнинг хидидай ёқимли.

Кўкимтир майсалар тўшак бўлиб, ундаги райҳонларгўё беҳишт хурларидир.Гул маҳбубасининг чиройида юз гўзаллик, бетига эса гулоб билан шабнам урилган. Болалик ғунчасининг иши ўзини овутиш, яхши кўрган ўйини нуқул бекинмачоқ ўйнашдир. Лола ўйнаб туриб жуда қайнаб кетди, ел эса бошидан дўпписини учириб юборди. Боғнинг ҳар томонида гул болалари; улар икки чаманда икки саф бўлиб туришибди. Болаларнинг ҳаммасининг кўнгли ўйинда, лекин ҳаммаёқда «гулхоча гул» ўйини. Янги ўсган ўтлар болаларга, белидаги бўғинлари эса уларнинг камарига ўхшайди. Дарахтларнинг бошидаги гулларни оқ гуллар тутами дема; улар айланувчи осмон бўйлаб ёйилган юлдузларга ўхшайди.

Баҳор боласи ҳамма томонни томоша қилиш учун дарахтларнинг панжарасидан қаради. Йўқ, бундай ҳам эмас, бу дарахтлар бамисоли бир тўда етилган қизлардир; оосниандa эса

покиза пардалар. Уларда ўз ҳуснини кўрсатиш майли бор; бутун баланд жойдан Ер юзига томоша бўлишни истайдилар. Дарахтларнинг, райҳонларнинг, гулзорнинг илк жилваси шунақа.

Кеча ва кундуз бир неча кун айланиб баҳор ҳуснининг навбати ҳам ўтади. Лола ва гуллар тупроққа ётиб, шохларда гул ўрнига япроқларнинг ўзи қолади. Байроқ учидаги қизил мато пастга тушиб, шохлар ҳаммаси зангор ранг байроқни кўтарадилар. Оқ ва қизил тўн кийган боғ қизил ва оқ тўнини яшилга алмаштиради. Тўнининг дур қадаладиган жойларига зумуррад, лаъл ўрнига забаржад қадайди. Оқ гуллардан оина рангини касб этган гулшан нам таъсирида занг билан қоплана бошлайди. Дарахт шохларининг кийими кўм-кўк. Шу рангдаги кийим билан Хизр пайғамбар бўлган. Соя қоронғилиғи унинг зулмати, шабнам эса гўё оби ҳаётидир. Боғ шунча ҳусну латофат билан, гўзал раънога хос офат билан яшил ипак кийиш одатига амъал қилди.

Мевалар эса унинг тугмалари бўлди. Унда заррин тугмалар билан бир қаторда дурру гавҳарлар ҳам намоён. Заррин кўринишдаги тугма - бехиси. Дурру гавҳарлари - оқ ва қизил олмалардир. Ўригининг шираси қандникидан ўткир, қовоқ нашватилари нашвати эмас, асал қовоғи. Узумзор томондаги ҳар бурчакда узум бошлари лаъл ва дурдек осилиб ётибди. Боғ - дарахтлар ва мевалар билан тўла, етишган олимдек фазлу хунари бисёр. Уни хатто жаннат гулистонига, янада тўғрироғи, донишманд одамнинг жонига таққослаш мумкин.

Боғбон унинг меваларини узгач, боғ юлдузсиз осмонга ўхшаб қолади. Меваси йўқ гулистоннинг сахни гавҳари йўқ садафнинг худди ўзидир. Дарахтлар бошидаги тожга дур топа олмайди, чунки уларнинг ҳаммаси вакт талонига учраган. Гулшан энди накд бойликдан, бойлик ҳам эмас, жон мевасидан умидини узади. Мевадан ажраган шох бўшашиб, кўнгилсиз кишидек жуда сусайиб қолади. Бундай кўнгилсизлик ва зорликлар дарахтларни бемор холга келтиради. Баргларининг юзи сариқ касалига учраб, жон томирлари билан уларга сув таший бошлайди. Шох ғамгин ошиққа ўхшаб, юзининг сариғи ва дарди билан жиннини эслатади. Бундай дейишга асос унинг паришонлиги, севги туфайли ошуфта ва хайронлигидир.

Толга хазон ўқи учиб келиб, танасидаги ҳар бир япроқ бир ўқнинг учига айланади. Япроқларининг рангини сариғ деб қарама;, тўғриси, бутун боғ ғам ўтида куймоқда. Бу боққа ўша япроқлардан ўт тушган; бўлмаса, шохлар нега ўтиндек қорайиб кетган?

Боғдаги бу ғавғолар етмагандай, энди аёз баргларни учира бошлади. Шохларни баргсиз қилиб, баргларни ҳар томонга отди. Япроғларда ранг ва сафо қолмади; улар ўлуклар каби ерга ётишди. Эл аскарлари боғни талон-торож этиб, уни баргга зор қилди. Ҳар томонда қатор-қатор мевали дарахтлар; уларнинг саф-саф бўлиб туриб жела тортаётгани хинд балиқчиларининг сафларини эслатади. Уларнинг ҳаммаси яланғоч ва бир текисда қора, сой сувидан уларнинг ҳаммасига занжир боғланган. Шамолнинг қаттиқлигидан улар яланғоч асирлар тўдаси каби инграйдилар. Барглар барг эмас, ёқиш учун бир тўплам ўтин; шохларини эса дўзахнинг кундаси деса бўлади. Жаннат гулшанидай бир жой дўзахга айланиб, дўзах унинг олдида беҳиштнинг боғига ўхшаб қолди.

Умр гулшанида юз берган куз ва баҳорнинг ҳам ана шу гулистондаги аҳвол билан ўхшашлиги бор. Умр қуёши чиқадиган вақт бўлиб, инсон танаси ҳамалга кириб, амал ола бошлагач, ғунча ўзида йўқ даражада кула бошлайди; хаддан ортиқ кўп гуллар очилади. Этилиб очилган ҳар гул жилва қилиб, ғунчанинг беғамлиги ҳам дилкаш кўринади. Бу вақтда инсоннинг мақсади ўйнаш, еб-ичишдир. У шу икки иш билан шуғуллангани шуғулланган. Ақл шамъи унинг миясини ёритгунга қадар, кўнглига ақлий сезги тушгунга қадар, унинг янги нихолдай қомати чўзилиб, содда мияси ақл билан тўла боради. Бора-бора гўзалларнинг юзи гул рангига ўхшашини, ғамзалариқон тўкишини, кўзлари нақадар ўйноқилигини, унинг ўз кўзларига ноз қилиқларини ўргатганини, қилиқларни эса унга афсунгар ўргатганини тушуна бошлайди. У жафо қилиб, одамларнинг жонини, қошини ёй, кипригини ўқ қилиб овлайди. Ошиқнинг кўзини уйқуга ром этган бўлиб, унинг кўзларига уйқуни ҳаром қилади. Қадах

кўтариб, юзини ўтдек қизартиради; дини исломдан эса тутун чиқаради. Базмда у лабини майга теккизиш билан жонини, ақл-хушини нобуд қилади. Май лабида ёнган ўтни тезлаштириб, терлаб, юзи қизаргандек бўлади. Бу май ўтидан ҳам ёнувчи ўт борми? Уларга сув тегиши билан баттар ёнади-я! Майин туклар орасидаги лаъли лаблари кулиб, ўзининг оби ҳаёти билан ошиқларни халок қилади.

Унинг юзида майин туклар сафга тизилиши билан рангидан сабзалик ва гуллик бартараф бўла бошлайди. Боғ энди чечак ва гулларни тарк этиб, навбат барг билан мевага келади. Бу холатда инсон табъи енгилтакликдан нафратланиб, одамда вазминлик ва идрок пайдо бўла бошлайди. Жахл ва хато хирмони мингта бўлса ҳам, илм машъали уларни кул қилади. Инсон каби дарахт ҳам хашаматли кийим кийиб, илму адаб мевасини беради. Инсон иши доим жунунни даф этиш, одати барча фанларни эгаллаш бўлади. Биров тафсирларни[1] ўқиб баҳраманд бўлса, биров хадисларни[2] ўрганиб эътибор топади. Биров мадрасани ўзига оромгоҳ қилади, биров хонақоҳда хилватга чекинади.

Ёшлик маҳалининг мевалари тўкилиб бўлгач, бақо гулшанининг оби-тоби кета бошлайди. Қомат дарахти ғам елидан букилиб, чехра гули хазон баргига айланади. Тан кўчатида ҳам барг ёзиш ҳаваси йўқолиб, бундай ҳавасни совуқ ҳаво учириб олиб кетади. Юз ҳам хазон баргининг рангига кириб, унинг сариғлиги болаларга кулги. Кўзлар уйнинг бурчагини талашиб қисилади; қошлар эса бу уйнинг эшигига парда оса бошлайди. Кўз бу уйнинг бурчагига касал бўлганидан киради, қошлар эса қуёш нурини тўсиш учун парда тутади. Тупроғда, тўтиёда кўриш қобилияти қанча бўлса туғма кўрда шунча. Кўзнинг кўриш чироғи ўчгандан кейин, ҳар қандай шиша ойнак унга эски доғдай бир гап. Икки букилган қад билан узун ҳасса нима-ву букилган осмон бииан тик туш чизиғи нима!

Оғиз бурчакларида қимматбаҳо дурлардан қолмай, тишлари, «синга» ўхшаса ҳам, тишсиз «син»га ўхшаб қолади[3]. Оғиз қутига ўхшайди-ю, лекин ичида бир дона ҳам дур йўқ, тишлар «син»га ўхшаса ҳам данданаси йўқ. Ёки тишининг тасбеҳида тоши йўқ, оғзининг эшигида ушлагичи йўқ. Орқа бўйнида тиришлар пайдо бўлиб, бақбақасидаги юнгларда тугунлар юзага келади. Юз аъзосидан оқ туклар ўсиб чиқиб, улар ҳаммаси оқ кафан ипларини эслатади. Бошини қуйи солиб, .ўлимни ўйлаб, хайрлашиш учун қадди эгила бошлайди. Бир неча кун у шу хилда қийналиб, қон ютиб, махрумлик ноласини чекиб, Худонинг буйруғи билан ажал хабарчиси бундан ҳам кўнглини тинчитмагунга қадар аҳвол шу.

Эй воҳ, кимки бу базмга келган бўлса, навбат билан бу қадахни ичмай иложи йўқ. Бу мазаси аччиқ қадахдан ким ичган бўлса, маст холда йўқлик кўчасига йўл олади. Маст бўлиб, ўзини билмай йўл юради; кетганидан кейин ундан ҳеч қандай хабар келмайди. Бу майдан одамлар бирин-бирин йўқ бўлишади. Вақт ўтиши билан бизга ҳам навбат келиб қолади.

Эй воҳки, умр жахолат билан ўтти. Ўлим вақти етганда хижолат бўлиб қолдим. Яшаб, умримни нуқул уйқуда ўтказдим. Энди уйғониб қарасам, шорн бўлиб қолибди. Иш қилиш керак бўлган вақтда қилмадим, иш қилиб бўлмайдиган кунлар келишини тушунмадим. Тирикликда йиққарф-терганим кетди. Энди ўзимни ўлдирсам ҳам фойдаси йўқ. Иш қилиш кунларида йўлдан адашиб, иш қўлимдан кетгач, огоҳ бўлдим. Вақт кам қолди, йўл узун, май эса аччиқ, жуда ҳам, жуда ҳам қаттиқ аҳволда қолдим. Агар менга Худо ўзи рахм қилмаса, менинг аҳволимга вой, юз марта вой!

Худо ўзи умрнинг кунларини бўлиб қўйган; унинг ҳар бир фурсати бир ишга мўлжалланган. Ўн ёшгача одам оёғи бойлоқ, ғафлатда бўлади; йигирмагача умр билимсизлик, мастлик билан ўтади. Ўттиз билан қирқнинг ораси хурсандчилик давридир. Афсуски, менга бу ҳам ҳаром бўлди. Элликка кирганда киши тараққий топмаса, олтмишга

[1] Т а ф с и р - «Қуръон»га ёзилган шархлар кўзда тутилади.
[2] Ҳ а д и с – Муҳаммад пайғамбаримизнинг сўзлари, хикматлари.
[3] Бу ўринда «с» ҳарфининг арабча шаклларда тишли ва тишсиз ёзилишига имо қилинмоқда.

етганда унинг иши таназзулдан иборат. Этмишгача киши оёқ устида тура билиши керак; саксонда эса унинг ўлтириши фарздир. Тўқсонга киргандан кейин йиқилиши, юзга тўлгандан сўнг жонни тарк этиши керак. Кишининг мақсади табиий яшаш бўлса, истак билдириб, ҳамма-ёққа бориши, кўриши лозим.

Худо ўз раҳматига олиб, ўлмасингдан кушойиш берса, Навоий, сен Нух умрича бўлса ҳам табиий умрни кўзлама. Бундай умрдан йироқ бўлиш яхши. Бу - умрми? Ундан ўлим яхшироқдир...

Умр дегани тоат-ибодат, Тангри нимани буюрган бўлса, унга бўйсуниши учун берилади.

Тоат ва тақво қанча яхши бўлса, йигитлик дамлари ҳам шунчалик дилкашдир.

Йигит киши қанча айш ва эркалик қилса яхши кўринади. Боқ - у намоз ўқиётганда қандай (чиройли) кўринади!

Агар ер юзи унга қаддини хам қилиб, унга бош эгса, унга тан берса, кимнинг йигитликда боши тик экан, буни кўриб, унга қанча бош эгса оздир.

Қари одам-чи, бўшашиб, бошини қуйи солар экан, уни қўл билан тик қилиш қийин.

Бошни ўзи беихтиёр ерга тушар экан, сажда қилиш унинг ихтиёридами?

Қарининг қаддида букилиш юз берар экан, у рукуъга кетишдан бошқа нима қила олиши мумкин?!

Билки, тоат уни яшартириши мумкин. Нотавон қари буни қилолмаса, нимаъ қилсин?! Лекин бу муваффақиятга боғлиқ бўлиб, кимгадир ҳақиқатни аниқлаш учун бир баҳонадир.

LV

Пок имон Зайнул-Обидиннинг кичик қизининг улуғларига хос сўзлари – гарчи у кичиклиги туфайли бегуноҳ эди

Осмон-фалакка от сурган улуғ зот хонадон аҳли анжуманининг машъаласи бўлиб, у пайғамбарлик мухрининг кўзидаги нур - валийлик шамъи Али бинни Ҳусайн эди. Ибодатни кўп қилганидан дин арбоблари унинг отини Зайнул-Обидин дер эдилар.

Кунларнинг бирида у ўгиини олдига чақириб, меҳрибон қўли билан унинг бошини силай бошлади. Одатда оталикнинг қонун-қоидаси бўлганидек, бу одамларни болага нисбатан мухаббатли бўлишга олиб келади.

Унинг феъ-атворида ҳам меҳр белгилари зоҳир бўлиб, ҳар нафасда ўз меҳръ-муҳаббатини изҳор этишга уринарди.

Унинг ягона бир қиз фарзанди ҳам бўлиб, жон ва кўнгул иплари унга боғланган эди. У мисоли поклик пардаси ичидаги порлоқ Қуёш бўлиб, умри вақтидан энди олти ёш ўтган эди.

(Кунларнинг бирида) у отаси бу кичкинани севиб эркалашларини кўриб, кўз ёшларини тўкиб, қошини учириб ҳам қўйди.

Унинг юзларидаги кўз ёшларини кўрган имом қошига қараб эхтиром кўрсатишни истади. Юзидаги кўз ёшларини кўриб, ичида уни кимгадир рашк қилиб йиғламаётибдими? деб ўйлади. Рахми келиб, очиқ меҳр-мухаббат изҳор қилиб:

- У хали онасининг сути оғзидан кетмаган бола-ку! - деди. - Бешикдаги кийимда тургандек унинг тани ҳам заифона. Мен унга рахм қилганимдан меҳр кўрсаттим. Унинг менга -бўлган меҳри гарчи бу даражада ошкўра бўлса ҳам, бу шунинг учунки, у хали ёш! Меҳрингнинг тафти ичимни ўртаган бўлса-да, менга кўра сен кўпроқ маҳфийсен. Сен билан нима юз берган бўлса, мен узрлимен. Рашк қилиш одатини унутишга ҳаракат қил! - дедим.

Бу сўзларни айтар экан, унинг ўзи ҳам хафа бўлиб, пок дур дарё олдида шундай деди.

- Менинг ташвишим бу жиҳатдангина эмас эди. Бошқа бир ғам туфайли ҳам мотамда эдим.

Сўз орасида бир куни эшиттимки, ўз оғзинг билан сен бу можаро хақида:

- «Менга Ҳақ (Аллоҳ) бўлгани етарлидир, бошқа ҳеч кимга майл билдириб, уни ҳавас қилмасмен!» - дебсен. Бу дамда бошқани севганингни кўриб қолдим. Бу ғам менинг руҳимни ўзгартириб юборди. У бегона билан шериклик қилганидан сўнг унинг рашки жонимга ўт солди. Унга сажда қилишнинг нима кераги бор, қачонки у Ҳақ ва бутнинг қошига топинса. Агар санам (бут) қатъият билан жилва қилган тақдирда ҳам қибла томонга қараб намоз ўқиш раво бўла оладими?

Бу сўзларнинг ҳаммасини эшитар экан, имом кўз ёшларини тўхтатолмай қолди. Аллоҳга шукр қилишни вожиб деб билиб, бошини ўпиб, яхши ниятлар билдирди. Болага Аллоҳ ўзи тўғри йўлни кўрсатар экан, у нима қилса тақво ва тоатга ўтгусидир.

Йигитликда Навоий саждаларни ўтказиб юборди. Қариганда энди пушаймон бўлишдан фойда йўқ.

Соқий, одамни хароб қиладиган ўша май шайхга йигитлик кайфиятини бағишлайди.

Сопол бўлиб, кучсизланиб қолганмен. Қадах тутиб, мени тоат-ибодат учун йигит холига келтир!

LVI
ЎН САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

Фалак ғамхонаси хақидаким, оқибат мазмуни парокандалик белгисидан иборат бўлиб, унда киши қийналса ҳам ўзини хурсандликка олиб юриши керак; жаҳон вайронаси хақидаким, унда ёзиғлик тилак ҳам кўнгул уйини обод тутишдир; ҳаёт гулшанидан есган ҳар нафаснинг қадрини билиш, умр гулидан чиққан ҳар бир хуш иснинг шукрини қилиш, баданда Худонинг буйруғини бажаришга қувват бор экан, тоат-ибодатни ғанимат билиш, дўстлар билан кўришиш имконияти бор экан, буни қўлдан чиқармай, киши ўзини хуррам тутиши кераклиги тўғрисида

Ақлли одамларга дунё зиндондир. Унга кирн кўнгул қўйган бўлса нодондир. Ўз таъбингни унинг занжирига боғлаб қўйма; ақлни унинг чоҳида хафа қилиб қўйма. Бу оламнинг айланма занжири ҳар қандай кимсани охири ер ости шахрига банд этади.

Шундай экан, нега энди бунинг ташвишини қилиб, инсон ўзини ўлмасдан бурун халок этиши керак?! Ўлиш учун нега мунча мотам тутасан? Амма-холаларинг сенга мотам тутишга улгуришади. Бошингга бир ғам тушса, жонингни ортиқча қийнама. Бир ғам етарли, уни иккита қилма. Хафа бўлиб, жисмингни қийноққа солма; шундай қилиб бир ранжингни иккита қилма. Кўксингда доғ бўлса ҳам фароғат иста; сиқилиш билан доғ устига доғ орттирма.

Тақдирдан қанча жафо етса ҳам унут. Бу жафолар қанча кўп бўлса ҳам ўзингга оғир олма. Ишда қанча қийинчилик юз берса ҳам ўзингга осон олсанг, бажаришинг ҳам осон бўлади. Агар ватанинг Шорн бўлса ҳам, Ҳирот бўлса ҳам ўйлашга арзимайди. Дунёда ким ташвиш чекмаса, ўшани шод деб бил. Дунёнинг ишлари ташвишланишга арзимайди. Чунки жаҳон боғи вафосиздир. Унда умр гулига ҳам бақо йўқ. Бу боғ шундай боғки, унинг гулига бақо йўқ, гуллари ҳам шундай гулларки, боғига вафо қилмайди. Бу боғ туриб, ором олишга нолойиқдир; у гуллардан ҳам димоғ муаттар бўлмайди.

Умрдъа ўтган ишлар ўтиб кетди. Нимаики ўтиб кетган бўлса, уни қувиб ета олмайсан. Ақлли одам келмаган ишлардан сўзламайди.

Маълум бўлмаган ишга нима деб баҳо бериш мумкин? Ўтган кун ўтиб кетди, эртаги кун хали келгани йўқ. Сенинг ихтиёрингда шу бугун, балки шу бир дам бор, холос.

Ўтмишнинг ҳам, келажакнинг ҳам аҳволи шу; хозирингнинг ўзини ҳам аниқ хаёл қилиш қийин. Ҳозиринг бир ондан иборат, вассалом. Шундай бўлгандан кейин нега хафа

бўлаверасан? Келмишинг ҳам ҳисобга кирмайди, ўтмишинг ҳам. Ҳозирги аҳволингга рахм қил, азоб тортаверма. Айш учун бир нафас вақт топсанг ҳам уни ғанимат бил, бошқа нарсага алиштирма.

Ҳар бир нафас вақтинг шундай нафис бир жавҳарки, уни сен ўзингга бир нафаслик дўст деб ҳисобла. Шу жавҳарни бошқалари орасида энг қимматлиси деб бил; қуёш лаълини эса унга қўшни деб бил. Лекин қуёш жавҳаридан бу (вақт) жавҳари азизроқдир; латифликда ҳам у бунга тўғри келолмайди. Унинг борлигини дунёдаги ҳамма одамлар кўриб туради; бу эса латофати туфайли кўздан ниҳон. Унинг иши доим келиш-кетиш; бу ўтиб кетгандан кейин эса киши унинг гардига ҳам ета олмайди. У одамларни хашакдек куйдиради. Бу бўлмаса, инсон бир нафас ҳам яшай олмайди.

Бу нафас эмас, (ҳаёт) моҳиятининг жавҳари; жавҳар ҳам эмас, оби ҳаётдир. Ҳамма нарсалар шу билан тирикдир. Шунинг учун буни оби ҳаёт десам, ажабланма.

Агар одамлар буни яна ҳам яхшироқ тушунсалар, бу нафас Илоҳий нафасдир. Шундай нафас туфайли танга рун кирса ҳам, лекин инсон бадани шу нафас билан тирикдир. Буни Исо нафаси деб атасалар ҳам, аслида бунинг қиймати Исо нафасиникидан ортиқдир. Рух билан борлиқ усиз ҳам бор, лекин бусиз ҳеч ким яшай-олмайди. Шунинг учун буни муқаддас нафаслар деб ата; муқаддас ҳам эмас, энг пок нафас деб ата.

Шундай бойлик сенга ҳамнафасдир; усиз сен бир нафас ҳам яшай олмайсан. Сенинг ҳамма юришинг, туришинг ўшандан; юришинг, туришинггина эмас, бутун ҳаётинг ўшандан. Сен эса уни ғаму ранж билан, юз аламу мотам билан ўтказасан; ғафлатда уни хор қилиб, ортиқча сўзлар билан ҳаромга чиқарасан; бехуда гаплар билан бузуққа чиқариб, бўлмаган фикрлар билан нобуд этасан. Унга энди бу қадар душман бўлма, у қадар зулм ва қаттиқлик ҳам қилма. Тангри сенга шундай ажойиб марҳаматлар кўрсатди. Унинг юзига боқ, бўлмасам, унинг ўзидан уял.

Кел, жаҳлни қўй, ақлли бўл, бир нафас бўлса ҳам насиҳатга қулоқ ос. Боқ, сенга Худо қандай яхшиликлар кўрсатяпти; қанчадан-қанча эҳсонлар, неъматлар беряпти. Бутун борлиқни, пасту баландни яратган Тангри сени ҳайвон ё ўсимлик, ёки жонсиз бир нарса қилиб эмас, у лутф кўрсатиб, сени инсон қилиб яратди; дин йўлида мусулмон қилиб яратди. Сенга у кўриш учун кўз, эшитиш учун қулоқ, гапириш учун тил, хидлаш учун димоғ берди. Овқатни ушлашинг учун қўл, юришинг учун оёқ ҳам берди. Юз хил неъматларни еб-ичишинг учун уларнинг ҳар бирига ўзига хос таъм ва шакл ато қилди. Буларнинг ҳаммасини шархлаш, санашга ожизлик қилиб, қалам уларни қисқачагина эслаб ўтмоқда. Сенга қанчадан-қанча ранг-баранг кийимлар инъом этилган. Буларнинг саноғини ақл санаб бирон нарсага таққослай олмайди. Отлар берилганки, тоғу далалардан ошиб кетади; хаёлий отдек осмондан ўтиб кетишга қодир. Боғлар худди аъло жаннатдек, сувлари эса худди соф оқар сувдек. Ундаги кумуштан гўзаллар жилва қилиб, жаннатдаги хум париларни эслатади. Осмондан ҳам баланд қасрлари бор; сув ва дарахтлари жаннатдаги кавсар ховузи ва тўбо дарахтларига ўхшайди. Олтину кумуш пулларнинг ҳисоби йўқ, дур ва гавҳарлар ҳам хаддан ортиқ кўп.

Бу инъом ва хадялар ҳаммаси ҳам бир томону, у берган ақл жавҳарларининг ўзи ҳам бир томон. Бу хилда ялтиллаб турган гавҳарни, гавҳар эмас, порлаб турган дурни у вужудинг қутисига ниҳон қилди. Бу қутини шундай бойликларнинг конига айлантирди. Мавжуд жаҳонлар ичида сени энг азиз қилиб, ўз сирларини. билишга сени мушарраф этди. У - Худо сенга яна бир амонат дур[1] топшириб, саховат тожини ҳам сенга совға қилди. Сенга шунча неъматларни бериб, у: «Шукр қилиш билан неъматлар орта боради», деб ёзиб қўйди. У қанчаки неъматлар дастурхонини очиб қўйган бўлса, буларнинг ҳаммаси учун шукр қилиш сенга шартдир. Унга шукр айтишнинг чек-чегараси йўқ, шукр айтиб тамомлашнинг имкони ҳам йўқ.

[1] Амонат дур - кишининг хаёти кўзда тутилади.

Ҳаммасини ҳам қўю мана бунисини айт: сен нафас олиб турган ушбу нафаснинг ўзининг ичингга кириши ғанимат бир неъмат бўлса, чиқиши ҳам худди шундай бир неъматдир. Бири сенинг ҳаётингга озиқ бўлса, иккинчиси сенинг борлиғингга қувватдир. Сенга кўрсатилган бу икки неъмат учун ҳар бирига алоҳида шукр қилиш ўринлидир. Жонингни фидо қилиб юборган тақдирингда ҳам бу икки нафаснинг шукрини адо қилишинг мумкин эмас. Ақлингни ажрим қилсанг, Худо сенинг нафасингни қандай азиз қилганини тушуниб оласан. Худо уни шундай азиз қилган экан, сен уни хор этма; унинг фақат шукрини қил. Жонинг тирик бўлиб, нафас олиш имконинг бор экан, нафаснинг қадрини билки, унга тенг келадиган нарса йўқ. Ҳар бир нафасинг анволидан хабардор бўл, балки унга ақл-хуш билан ҳамроҳ бўл. Бошидан-охиригача уни Ҳақ йўлида сарф қил; Тангри сенга ёр, ўқисанг, бу сенга сабоқ. Бу ишдан агар бир дам ғафлатда қолсанг, кишига бу катта мотамдир.

Ўзингни ғофил ва паришонхол тутиб, ҳар хил ишлар билан шуғул-ланар экансан, бундан Худога ҳеч қандай манфаат бўлмаса ҳам, ҳаракат қилки, гуноҳ ҳам содир бўлмасин. Ўз фаолиятингда бировга яхшилик қилмасанг, ҳеч бир ёмонлик ҳам қилма. Агар доридан жонинг бахра топмаса, жаҳл қилиб, пиёлангга заҳар солма. Ҳамма ишларнинг ичида энг ёқимлиси ҳамда яхшиси дўстларнинг дийдоридир. Бировга озор беришдан ўзингни сақла; бирон кимсани ранжитишдан ҳам. Сен томонингдан одамлар бехавотир бўлсинлар; ўзингни хурсандчилик бор ерга ол. Кишиларнинг ерига, оиласига нарас бўлса ҳам қайғусиз бўлишга ҳаракат қил; ёру дўстлар билан хурсанд бўл.

Боғда бир янги очилган гулни кўрсанг, унинг атрофида барча учун суҳбат жойини ораста қил. Сухбатдошларингнинг кўнглини олиб, у ерга чорла, ўрнига қўйиб дўстларингни чақир. Уларнинг қадами билан жонингни гулшанга айлантир; кўзингни уларнинг чеҳраси билан равшан қил. Еҳсон йўлини ўзингга шиор эт, нимангбўлса барини уларга хадя қил. Бplodарингнинг мақсади агар сенинг жонинг бўлса, жонингни сарф этиб, унга миннатдорчилик ҳам билдир.

Ҳаётингни шундай одамларнинг жамияти билан шод қил; кейин келадиган паришонликларни эсда тут. Бу ишлар учун юксак осмон[1] ҳар янги ойдан ўч олиш учун тиғ ясаб, икки ўртоқнинг ўзаро яқин бўлганини, уларнинг висол уйида айш қилганини билса, ўша тиғ билан уларнинг бахт кўчатини қирқиб, уларни бир-бирига боғлаган ипни кесиб ташлайди. Уларнинг бирини хижрон томон бошлайди, иккинчисини фурқат томон ташлайди. Чархнинг иши оқибатда доим шу бўлгани уснун наммага ҳам охирида шу ишни қилар экан.

Шундай экан, гул билан тик савсан ҳам, норвану[2] сарву шамшод ҳам, бу чаманда нимаики бўлса - ҳаммаси бир-бирига мехмондирлар. Кимники бир дўсти бўлса, кимгаки ҳамма дўст бўлса, дўстнинг висоҳни орзу қилиб, қидирсин, бир нафас ўз орзусига эришса ҳам, мени ёд этсин! Шу эслаш билан руҳимни шод этмаса - менинг гуноҳим унинг бўйнига!

Киши висолга эришиб, орзусига етса ва бунинг давом этишини хоҳласа, тили билан Худога шукр изҳор қилсин, шукр йўлини ўзига шиор этсин. Шоядки, ўша шукр билан лоақал бир неча дам ўша висол ичида нафас олиб, Худо унинг бахтини давомли қилса, бунинг ичида ҳаётдаги орзуларига ҳам эриштирса!

LVII

Чин ўтлоғидаги бир мушкин оҳунинг шерларни овлагани, мажруҳ овларнинг унинг тузоғига илиниб, шер панжасидан ажал тупроғи билан баробар бўлгуни

[1] Юксак осмон - бу ўринда тақдир маъносида.
[2] Н о р в а н - қайрағочга ўхшаш хушқомат, сербарг дарахт.

Чин мамлакатида бир нозанин бор эди. Унинг суратини чизишга Чин рассоми ҳам ожиз эди. Юзининг гулзори Хўтан диёрини эслатарди; кўзи шу гулзорда юрган мушкин оҳуга ўхшарди. Нурли юзи Чинда чизилган суратдек бўлиб, гажаги Хўтан мушкидек хушбўй эди. Шафқатсиз ғамзалари жонларни асир қилар, хатто унга Хитой мамлакатининг хонлари ҳам асир эди. Ғамзасининг ўғринча ҳаракатларидан Чин хатарда; сочи зунноридан дин зиён топарди. Дунёдаги одамлар унинг ҳуснига ошиқу хайрон; замон шоҳи ҳам унинг зулфига гирифтор эди. Бир нафас усиз нафас олмас эдилар; у бўлмаса жонсиз бўлиб қолиб, нафас олиш мумкин бўлмай қоларди.

У гул юз майдонга чиққанда гўй ва чавгон ўйнашга берилар эди. Хон ўзи унга ҳамроҳ бўла олмагани учун бир неча соқчиларни унга қўшиб юборар эди. Бирон киши унга кўз олайтирса ёки унинг хақида бир нарса деса, махсус нойиблар унинг айбини хонга айтар эдилар; хон хукми билан ундан қасос олинар эди. Бирон кун йўқ эдики, қанчадан-қанча ошиқлар шу хилдаги балодан халокат топмаган бўлсин.

Кунларнинг бирида унинг қилиқларини севиб қолган бир ошиқ ишқ-мухаббат йўлида содиқлик кўрсатиб, унинг дарду хасратидан йиллар давомида қон ютиб, қон ҳам эмас, хижрон майини ичиб, ошиқ хасдай бир гўшада ётганида, ёнидан севгилиси от ўйнатиб ўтиб қолди. Висол кайфи - кучли, ошиқ - заиф эди. Чидаёлмай хушидан кетиб йиқилди. Тайинланган одамлар биринчи бўлиб ошиқни, қолаберса бошқаларни хоннинг олдига олиб келишди. Хон бу бечора мазлум асирларни кўриб ўлдириш хақидаги хукм билан уларга ғазаб қилди:

- Буларнинг ҳаммасини ер билан тенг этинг, пахсанинг орасига олиб, улардан девор қилинг, юзлари девордан ташқарига чиқиб турсин; ҳамма томондан халқ уларни кўриб, ибрат олсин. Бу қахрдан одамлар ҳисоб олиб, улар кўп азоб чекиб ўлсин.

Жазоловчилар бу буйруқни билиб, хукм қанақа бўлса, ўшандай бажардилар. Заррин оҳу[1] тоғ орасига яширингач, енгил шабада хўтан мушки[2] ни соча бошлади. Дашт ерда базм қурган хон отланиб шаҳар томон йўл олди. Май бошини, ишқ ўти баданини қиздирар эди. Шаҳарнинг нозанини ҳам ёнида эди. Уларнинг йўли халиги пахсанинг олдидан ўтди. Ҳар томондан юз хил нола ва фарёд эшитилар эди. Хусуматкор шоҳ одамларини қолдириб, ўша томонга борди. У жазога буюрилганларнинг ишқ йўлида қанчалик мустахкам тура олишларини билмоқчи бўлди. Пахсанинг орасида бир тўда тутқунлар кўринди. Уларнинг ҳар бири ўз аҳволига йиғлар эди. Уларнинг ҳаммалари пушаймон бўлиб турган эдилар. Фақат бир ўша соф кўнгил ошиқ ишқнинг бу балоларига яхши қараб, юзи касалманд, сарғайган, ёмон бир аҳволда, девор орасида бир сомон каби турар эди. Ҳар лахза Тангрига сано айтиб, шукр қилишни жойига қўярди:

- Шу фурсатда менинг жоним чиқаяпти. Ёрнинг ғами эса буни осонлаштиради,- дерди у.

Умридан икки-уч нафас қолганда ҳам у ёр сўзини сўзларди, холос. Тилида ҳам ёр эди, сўзида ҳам, оғзида ҳам ёр эди, кўзида ҳам. Золим хукмдор уни кўриб, кўнглига ишқ ўти таъсир қилди; уни ўлимдан халос этиб, ёрнинг ҳарамига хос махрам қилди. Ишқ балоларига шукр қилгани учун, боқ, у қандай улуғ, юксак мартабага эришди.

Бу нафасни, Навоий, ғанимат билиб сақла, лекин ҳар нафасда шукр ҳам қил.

Соқий, алвон май йўлида ўлдим; май демагин, чинлик бир санам учун ўлдим. Чиний қадахлар тутиб, мени маст эт; Чин одамлари каби бодапараст қил.

LVIII
ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ

[1] З а р р и н   о х у - қуёш дейилмоқчи.
[2] Х ў т а н   м у ш к и - қора тун кўзда тутилади.

Хуросоннинг мисли йўқ вилояти баёнида... хусусан салтанат уйи бўлмиш осойиш жойи - Ҳирот тавсифида; гарчи (ўтмишда) боғ бўлса ҳам, аммо қуриб қолган эди, лекин шоҳ[1] *оқизган сойнинг адолати уни олий жаннатнинг рашки келадиган ерга айлантирди, агарчи (бир вақтлар) обод бо иган бўИса ҳам, бироқ бузилиб кетган еди; шаханшоҳнинг қурувчилик эҳсонидан Чин расмхонасининг ҳам рашки келадиган жойга айланди*

Ҳамма нарсаларни яратувчи Худо жаҳонни бино қилганда, осмоннинг бир қисмини кўзга кўринадиган, иккинчи бир қисмини кўзга кўринмайдиган қилиб яратди. Этти осмонни доира шаклида қуриб, уларнинг ҳар биттасини битта шамъ билан ёрийдиган қилди. Бу шамъларнинг олтитаси товланиб турса, биттаси машъал бўлиб порлаб туради. Уларнинг учтаси қуйига, учтаси юқорига интилса, машъал каби порлаб тургани осмоннинг тўртинчи уйига нур сочади. У шамълар шамъ эмас, тафаккур кечаси ўша машъалдан сачраган учқунлардир. У машъални эса машъал эмас, ўзидан нур сочувчи дур деса бўлади; дур ҳам эмас, порлаган қуёш дейиш керак. Кўкнинг етти иқлимида у султон, қолган ҳаммаси тан бўлса, бу хатто уларгажондир. У ўртадаги осмонда ҳар томонга нур сочиб, «Ҳамма ишнинг ўртачаси яхши» деган ҳикматни исботлаб туради.

Юлдузлар етти қисмга тақсимлангани сингари, билки, жаҳон ҳам етти иқлимга бўлинган. Уларнинг ҳаммаси бир-биридан қувват олади; ҳар бири иккинчисидан тарбия. Қуёш қолган олтитасидан устун бўлгани учун у жойлашган иқлим ҳам унга лойиқдир. Қаерда қуёш нур сочиб турган бўлса, юлдузлар кўзга кўрина олмайди-ку! Унинг ўрнашган жойи тўртинчи осмондир. Ҳам ўзи шу иқлимнинг тарбиячисидир.

Ер юзида ҳам шу иқлим энг яхшиси бўлиб, кўкдаги қуёш уйи каби беназирдир. Ерни ўлчаш фани йўлга қўйилгандан кейин бу жойни тўртинчи иқлим деб атай бошлашди. Гўзалликда у жаннат боғларига ўхшайди; бу боғ эмас, Хуросон мамлакатидир. Сатхи тўртинчи осмондгу ҳам кенг, мартабаси еттинчи осмондан ҳам баланд. Унинг ичидаги шаҳарларнинг сони ниҳоятда кўп. Уларнинг ҳар бирининг гўзаллиги хаддан ортиқдир. Шаҳарлари латофатда олий бир жаннатнинг ўзи. Яхши одамлари ўша жаннатнинг оқ юзли қизларига монанд. Тоғларининг олдида фалак оддий бир дашт. Унинг чўққиларида ҳар ким айланиб, томоша қилиши мумкин. Бу тоғларнинг ҳар биннинг бағрида юз хил конлар бор. Бу конларни ажойиб жавҳарлар ўзига макон этган. Оқиб келаётган сувлар оддий чашмалардан эмас; улар конлардан оқиб келаётган жавҳар сувларидир. Даштларининг сатхи оинанинг сатхига ўхшайди. Ўсиб ётган ўтлар бу оинанинг яшил ранг зангини ташкил этади. Унинг сабзазорлари осмон гулшанида рашк уйғотади. Тупроғига эса ҳар қандай тоза анбар ҳавас қилади. У етти осмон бойликларини ўзига сиғдира олиши мумкин. Этти иқлим тан бўлса, бу - сийнадир.

Уни жаҳоннинг кўкси деб таърифлаш керак. Ундаги юрак эса гўзал Ҳирот ўлкасидир. Кимки кўнгулни мақтаб, асослай олган бўлса, уни бадан мамлакафининг султони деган. Ўзини билган одам буни ҳам таърифлаб, бутун жаҳон мамлакатларининг подшоси дейди. Уни «кўнгул» эмас, «шоҳ» деса ҳам ажабланиш керак эмас, чунки шоҳнинг жойи ҳам ўртада бўлади-ку!

У кўнгулдан жой олгани учун одам ҳам ундан кўнгул уза олмайди. У кўнгулларга ёқиб қолган экан, бу - айб эмас. Кўнгуллардан ҳам бир-бирига йўл очилди. Зийнати худди инсон баданининг шаклидек, кенглиги кўнгул кишварининг кенглигидек. Уни кишвар дема, боғи Эрам деб ата; Эрам ҳам эмас, Байтулҳарам деб ата.

Унинг теварак-атрофи шу қадар кенгки, хаёл элчиси унинг ҳаммасини юз йилда ҳам айланиб чиқа олмайди. Унинг сатхига эгилгари осмон ўзи тартиб берган; қуёш соққаси билан

[1] Шох - бунда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилади.

текисланган; унинг тупроғини мушкка айлантирган; кўринишини беҳиштнинг рашки келадиган қилган. Қўрғоннинг деворлари ҳам шу қадар мустахкамки, баланд осмон қалъаси ундан уялади. Унинг атрофидаги буржлари шундай кўтарилганки, осмон унинг остида қолгандай. Арки ҳам тўққиз осмондан буюк, ер юзидан осмон кўтарилиб тургандай, деворларнинг кунгуралари қуёш каби товланиб туради. Улар малаклар тўдасига меҳроб бўлиб хизмат қиладилар. Улардаги лавҳалар кошин билан зийнатланган; кошинлари уни юзта лоиуворд осмондай безатган Дарвозасига осмоннинг фили ҳам сиғиб кетади; тоқи осмон тоқидан андоза олган. Хандақи ернинг тагига кириб кетган, чуқур; қалъани ер соққасидан алоҳида айириб туради. Қалъа ичидаги қўрғон осмондек юксак.

Шаҳарда юлдузларча аскарларнинг ғавғоси. Тўрт томон кетган йўл унинг бозорлари; у ерда ким бўлса, ҳамма бирон нарсага харидор. Харидор қандай нарсани олишни ўйлаъмасин, сотувчилар ундан юз хисса ортиғини мухайё қиладилар. Турлича молларининг қиймати билан ҳар бир дўкон ҳар қандай денгиз ва кон қийматига тенглаша олади. Баззозлар ранг-баранг кийим-кечакларни тахлаб қўйишган; улар осмон атласлари каби қатма-қат турибди. Қутичалардаги гавҳарлар ва жавҳарлар осмон ва ундаги юлдузларни эслатади. Бу бозорга кириб қолган киши чиқишга йўл топа олмай қолади; айлана бериб, киши бутунлай ақлидан адашади.

Унинг Масжиди Жомеи яна бир олам; унинг тоқи алоҳида бир катта осмон. Шаҳар ўзи бир жаҳон бўлса, унда бу ҳам бир жаҳон: икки жаҳон бири бирининг ичида ниҳон. Унинг минбари осмонга зина бўла олади; бу зинанинг поялари Муштарий сайёрасигача етади. Ой унга жаҳонни ёритувчи қандилдай; осмон камалагининг кўриниши унга меҳробдай.

Шаҳарда бу хил бинолар беҳисоб; шаҳар деворидан четдагилар бу ҳисобга кирмайди. Қаёққа кўз тушмасин, девор билан тўсилган. Ҳаммаёқда ободонлик, одамлар ўлтириши мумкин бўлган жой бор. Махаллалар тайинли бўлиши учун маҳалла ахллари шаҳар-шаҳарга бўлинган. Бу маҳаллаларга шаҳарларнинг оти берилган; шунинг учун Ҳиротда юзта шаҳарнинг номи бор.

Ҳай, хай! Бу Ҳирот қанақа шаҳар бўлди?! Унинг бир қисми иккинчи қисмидан ажойиб! Икки турғун осмондан белги бўлган унинг икки хиёбони Сомончининг йўлига ўхшайди. Унда мавжуд хонақоҳларнинг ҳаммаси обод; киши унинг ёнига боришга хайиқади. Унда ушалган ноннинг ҳар бири қуёшнинг гардиши, қадди хам, осмон эса унга тиланчидир. Бундаги зикр овозалари фалакдан, фалак эмас, малаклар тўдасидан ҳам ошиб кетади. Мадрасаларнинг ҳар биттаси алоҳида ўз қадрига эга; улуғворликда кўк мадрасасидан ҳам баланд. Уларнинг нусхасини бинокор қурувчиларнинг яратувчи қўллари чизган. У ердаги мударрисларнинг дили равшан, руҳи пок. Шогирдлари ҳар варақни очганда фойда оладилар; улар Аторудга ҳам сабоқ бера оладилар.

Мадраса тоқларининг кенглигига чегара йўқ. Уларнинг гумбази осмон гумбазини эслатади. Гумбазининг ҳар кошинида қуёш акси товланиб; кўк гумбази ичида қуёш юргандек бўлади. Ҳар томондаги миноралари шундай баландки, уларни тутам-тутам гулдаста деб ўйлаш мумкин. Уларнинг қуббаларига ўхшайдилар. Бу қуббалар уларга муқаддас тахт бўлиб, эгилган осмон уларнинг қафасидир. Қуббаларнинг чўзиқ ва ясси кўриниши уларнинг Илоҳий тахтга ҳам устун бўла олишига далилдир. Қуббанинг учи ва ундаги ярим ой ўз байроғини кўтариб, Илоҳий тахта ва қаламнинг маъносини зоҳир этиб туради. Ҳар кеча муаззин пастни шамъ билан ёритади; юлдузлар шамъини эса фалак ёритади. Осмоннинг айланиши ва сустлашишидан қубба этагида кесишув чизиғи пайдо бўлган.

Ҳар томонига олий даражада масжид қурилган; унинг зийнатини ақл ҳеч нарсага таққослай олмайди. Унинг буюклиги баланд осмонникича, осмон эмас, Масжиди Ақсоникича[1]. Унинг шамдонлари каптарларга хилват уя; каптарлар унда Жабраилдек

[1] Масжиди Ақсо- Суриядаги машхур қадимий масжид.

ўтирадилар. Бу масжидларга тоат-ибодат қилувчилар тўпланишган; бужамоат малаклар тўдасини эслатади. Бунда ҳар кун беш марта чексиз ғулғула юз беради. Бу - ғулғула эмас, Муҳаммад пайғамбарнинг дабдабасидир.

Боғларининг ҳар бири жаннатмисол, ҳар бурчаги жаннат боғига танбех беради. Унинг бирон манзили бошқасига ўхшамайди; ҳар манзили айшу тараб манзилидир. Ҳамма чаманлар гулу гулзорлик; ҳар чаманнинг ёии бўғин-бўғин. Ҳар бўғинида яна гулу гулшанлар бор, улар олти бурчаклигина эмас, саккиз бурчакли ҳам.

Гулларнинг навларини нима дей? Шунча гулки, шунча гул боиганда ҳам санаганингча бор. Дехқон кўчатларни парвариш қилар экан, шохига юз хил мевани пайванд этади. Ҳар дарахтнинг юз хил гули ва хусусияти бор; қизиғи шундаки, меваси ҳам юз хил. Сахнидаги бир дарахт юз хил гул чиқариш билан бирга унинг гулининг хиди ўн икки чақиримга боради. Қушлари ҳам юз хил, куйлаши ёқимли; сабза ва гуллар устида юргани юрган. Оқар сувлари куйлагандек овоз беради, гўё май идишидан култ-култ май қуйилаётгандай. У овоз одамларни худди хурсандликка тарғиб қилаётгандай. Бу садодан боғнинг димоғи хўлланган бўлади.

Қасрларининг барчаси кенг ва мустахкам. Уларга нақш беришда Чин наққошлари қаламларини синдирган. Зийнати Чин шойисининг зийнатидек. Нақшини тақдир наққоши нақшлаган. Тоқига осмон зинаси нарвон. Айланма кунгурасида Зухал сайёраси посбонлик қилади.

Жанубий чегарасида ажойиб бир дарё бор, уни дарё эмас, кўк осмон денгизи деса бўлади. У осмон эмас, унинг ҳар бир кўприги ҳам фируза гумбазлардан бошқача кўринишга эга. Шимолий чегарасига қараб икки сой оқади. У иккисидан шаҳар хуррам ва сероб. Иккиси ҳам ҳаёт сувининг таъмини беради. Жаннатдаги тўрт арик унинг олдида уятда. Бу сувларнинг тиниқлиги Хизр сувидек. Энгил шамоли Исонинг (ҳаётбахш) нутқига ўхшайди.

Унга туташ катта ерлар бўлиб, ундаги ҳар бурчак ўзи бир вилоятга тенг. Миср ва Самарқанд унга монанд келолмайди; ҳар вилоятининг ўзи ичига юзта Миср ва Самарқандни сиғдира олади. Уни Худо ўзи офатлардан асрасин; барча балолардан омон сақласин!

У шубхасиз бундай эмас эди. Олдин хозир бор нарсаларнинг ўндан бири ҳам йўқ эди. Бунча шарафни у шоҳ инсофидан топди; унинг васфига ақл лолдир. Бу ғолиб подшоҳ ақли тиниқ, тиниб-тинчимас подшоҳдир. Адолатни ўрганишда Ануширвон унга шогирддир. Ануширвон унга шогирд бўлишни ҳавас қилиб, унинг юз ишидан биттасини ўрганди, холос. Адолат йўлига қадам қўйган холда у адолат билан исломни ўрганмаган эди[1]. Мамлакатни бошқаришда у юзта яхши қоидага амал қилган. Бу қоидаларнинг ҳаммаси подшоҳлик ишида керакдир. Лекин ҳаммаси қолиб, у битта адолати билан мангулик топди ва қиёматга қадар яхши от қолдирди.

Адолат ҳамма нарсадан юқори бўлиб, диндаги юз қоидадан ҳам юксакдир. Бутун одамзод орасида дунёда бунинг оти ҳам уникидан юз хисса ортиқ қолса ажаб эмас. Одамзод бор экан, олам бор экан, олам ичида одамзод яшар экан, адолат билан олам юзини обод қил, яхши хулқ билан дунёдаги одамларни шод қил. Бутун одам ва одамзод, йўқ, бу икки оламгина эмас, яна бир олам ҳам сенинг хукмингда-ку!

LIX

[1] Ануширвон ислом динини қабул қилиш хақидаги Муҳаммад пайғамбарнинг мактубини йиртиб ташлаб, исломни рад этган эди. Бунда шунга ишора бор.

Бахромнинг май таъсиридан бахтининг кўзи уйқуга кетиб, мамлакатининг биноси бу селдан йиқилгани ва мазлумлар фарёдидан уйғониб, бунинг чорасини кўргани

Яздижирд жаҳон мулкини тарк этгач, Бахром маишатга берилиб кетди. Ғафлат бодаси уни маст қилиб, мастгина эмас, бодапараст қилиб қўйди. Шоҳ майни ичиб, мастлик уйқусига кетиши билан бошқа мастлар унинг мамлакатини хароб этишга бошлади. Кўнгли хасталарнинг кўнглини овлашни ўйламай, ишлари фақат даштда ов қилиш эди. Ичкилик ичиб, ёмонлик қилувчилар унинг мамлакатини ер билан яксон қилишди.

Бахром ов қилиб юриб, бир кун адашиб қолди. Шунда у бировнинг чайласига кириб, мехмон бўлди. У чайла эмас, хижроннинг қора кечасидек қоронғи, зулм-ситам қушларининг тузоғига ўхшаган, ошиқларнинг кўнгул уйидек бузук, ёғочлари ўққа ўхшаб ҳар томондан чиқиб турган жой эди. Бу чайлани зулм ўқлари тешгани кўриниб турар; бир неча мазлумлар у ердан бошпана топган эди. Замона зулмидан уларнинг ҳаммаси яланғоч, зулм қўлининг шапалоғидан ҳаммасининг қадди букилган эди. Битта қотган нон билан сув олиб келиб, уй эгаси уларга хизмат қила бошлади. Шоҳ аҳволни кўриб, нима гаплигини сўради.

У:

- Ахвол мана шу кўриб турганингдай, - деб жавоб берди. Шоҳ деди:

- Бу фақирлик, ожизлик, муҳтожлик нимадан? Бунинг ҳамма сирларини рўйи рост айт?

У деди:

- Бурун аҳволимиз яхши эди. Бизнинг аҳволимизни зулм хароб қилди. Шоҳ халқнинг аҳволидан хабардор эмас. Унга май ва куйдан бошқа нарса керак эмас. Унинг одамлари тамаъ оғзини кенг очиб, мамлакатни ер билан тенг қилишди.

Шоҳнинг кўзига рўпара бир кошона кўринди, лекин унинг ҳар хонаси вайрона эди. Шоҳ сўради:

- Бу вайрона илгари нима эди? У жавоб берди:

- Сарой эди. Атрофи эса боғ эди. Унда эскидан-ески дарахтлар, янги чиққан гуллар ўсар эди. Икки тегирмон кориз суви ҳам бор эди. Бу ажойиб сув дехқончилик даромадлари билан шу жойни кент, хатто шаҳар қилиб юборган эди. Энди коризга қарашга куч қолмади. Тақдирнинг унга кўзи тегиб, кўр бўлиб қолди. Сув қуригандан кейин боғ ҳам қуриди; гул ҳам қолмади: гул у ёқда турсин, унинг яфроғи ҳам. Бинони суваш, тузатишга ҳам куч йўқ; бу ишларни бажарадиган одамларнинг ўзи ҳам қолмади. Боғ ва сарой - ҳаммаси ер билан яксон бўлди, зулм, тамаъ эса бирга юз бўлди. Замона зулми молларни олгандан кейин, шу ёмон ожизлик, шундай бир аҳволга тушиб қолдик.

Шоҳ шу парданинг ўзидаги ўриш-арқоқдан аҳволни тушуниб, жони ўртанди, бошидан тутун кўтарилди. Ғам қиличи бағрини чок-чок қилиб, ғуссадан ўлишига сал қолди. Мастлик ғафлатидан уйғониб, жони хумор ўти билан ёна бошлади. Айшу ишратдан, хурсанд-чиликдан кўнгли совиб, ҳамма қилаётганлари хато эканини тушунди. Золимларни йўқотишни фикр қилиб, адолат қилишни кўнглидан ўтказа бошлади. Худонинг номи билан шу ниятни қилган эди, шу пайтда бир одам хушхабар келтирди. У деди:

- Коризни тешиб, оби ҳаётдек пок ва соф сув чиқиб кетди. Уй эгаси Тангрига шукр қилиб, деди:

- Айшга берилган шоҳ зулмни қўйиб, адолатни ният қилган эди, бундан дархол яхши хосиятлар кўрина бошлади.

Шоҳга бу сўз ҳам танбех бўлди; узр айтиш билан уни бой қилди-да, у билан хайрлашди. Мамлакатга қайтиб, адолат кўрсатди; ғам билан эзилган халқни шод қилди; ғам билан эзилган халқ шод, бу хол мамлакатига ҳам тез таъсир этди.

Ғозий подшоҳимиз[1], бир нафас йўқки, мамлакат ва халқ ғамини емасин. Шундай экан, унинг мамлакати обод бўлса, не ажаб! Халқи ҳам шод экан, бунга хайрон бўлмаслик керак. То абад унинг орзулари ушала борсин! Шу хол хаста Навоийда ҳам юз берсин.

Соқий, ёқимли қадахни олиб кел, шоҳни баланд овоз билан дуо қилиб, уни менга тут. Жоним қийналяпти, бирпас уни шод этай, тан уйини шу сув билан обод этай!

LX
ЙИГИРМАНЧИ МАҚОЛАТ

Мақсаднинг ўталгани хақида; агарчи бу латиф сўзлар мажмуаси шундай бир тўпламки, нозик маъноли сўзлардан иборат тухфалар билан тўла ва нозик ма ноли сўзлар тўплами шундай кемаки, фойдали инжулар унда хилма-хилдир; лекин табъ дарёсидан соҳилга энг олдин келгани нарсаларнинг энг қимматлилари бўлади ва зехн шабистонидан ҳам энг олдин жилва зуҳур этган келинчаклар бўлади, шунга кўра бу тўпламни салтанат боғчасининг олдинги гули ва халифалик чаманининг қад кўтарган нозли сарви бўлмиш султон Бадиуззамон баҳодир, ҳаёти давомли бўлсин, оёғига нисор қилинди ҳамда унга никоҳлаб берилди, токи бу насиҳатлар унинг дилида ўрнашиб қолсин ва бу жавҳарларни қулоғига оссин

Оламда нимаики мавжуд бўлса, ҳаммасининг сири ичида, ўртасидадир. Қаерда уларнинг ҳар бирининг моҳияти зоҳир бўлса, унинг аслида унга хос хусусиятлар ҳам яширинган бўлади. Қуёшнинг хосияти нур бериш, қиздиришдир; дурнинг яхшилари булутнинг уруғларидир. Ягона гавҳар ҳам коннинг фарзандидир; анбарнинг энг софи эса денгизнинг фарзандидир. Инсон ўрнини босадиган инсондир; шоҳники шоҳ, хонники хондир.

Соф кўнгул шоҳни кондек кўрган одам шаҳзодани бу коннинг гавҳари деб билсин. Гарчи бу коннинг ичида шоҳона дурлар кўп бўлса ҳам, ҳаммасини парвардигор ўзи мартабада тож эгаси қилсин: уларнинг ҳар бири мисоли бир қуёш бўлиб, осмонни тўн ўрнида кийиб юрсин.

Лекин уларнинг ичида ягона бир гавҳар бор. У мартабада ҳаммасидан юқоридир. Балки, у хавф-хатарсизликнинг сабабчиси Жамшиддек қадрли хукмдор Бадиуззамондир. Табиатининг покизалиги билан у фариштанинг ўзи. Бу қадар пок сифатларга эга бўлган одам бошқа йўқ. Унинг асли инсон бўлса ҳам сифатлари фариштаники; хатто аслини, ҳам, сифатини ҳам фаришта дейиш мумкин. У соф латофатнинг ўзидан яратилган бўлиб, туриш-турмуши жаҳон халқига Худонинг рахмини намойиш қилишдир.

Сенинг тўғрингда сўзлаш, мақташ қийин. Ҳар қандай нотиқ ҳам васфингда гунг ва лол. Сенда шунча юмшоқлик ва улуғворлик борки, мендай одамнинг мадхидан орқилишинг мумкин. Қуёш одамларнинг ҳар қандай васфидан юқоридир. Унинг нурини инсон нима деб мақташи мумкин?! «Оби ҳаёт одамларга жон беради» - дейиш оби ҳаёт учун етарли таъриф эмас. Ойни ёруғ, осмонни баланд дейиш табъи баланд одамларга ёқадиган гап эмас. Мадх билан сени мақташ мумкин бўлмагандан кейин, мен бошқа томондан хизматингни қилайин.

Хабаринг борки, хукмдор шоҳга кўп маҳфий нарсалар яхши маълумдир. Дунёда эртага нима ишлар бўлса, у ўз фикр қудрати билан бугун билиб туради. Эртага эмас, индинга бўладиган ишлар дафтарини ҳам бир-бир ўқиб, у узоқни, ҳамма кунларни билади. Унинг сирли хаёлотидаги юз минг суратлар хотира кўзгусида жилва кўрсатади. Шунча етуклиги билан у:

- Кўнглингга қандай яхши иш келса, олдимга келиб, бирма-бир айт, яхши эшитмаган бўлсам, бошқатдан айт! - деган менга.

[1] Султон Ҳусайн Бойқаро дейилмоқчи.

Шоҳгаки сўзимнинг эътибори бор экан, сснга ҳам насиҳат қилсам ўринлидир.

Шуни билгинки, умр вафосиздир, давлат ва мартаба ҳам бақосиз. Дунёда бахт ва бахтсизлик тушдай р-ир нарсадир. Кўзни юмиб очгунча ҳаммаси ўтиб кетади. Бу дунёнинг биносини хароб деб тушиин; унда нима кўринса, сароб бил. Жумла жаҳон мутлақ фонийдир; мутлақ доимийсини истасанг, у Худонинг ўзидир.

Инсон жисми уйининг биринчи нусхасини чизган ўша; унга руҳ бериб, олувчи ҳам ўша. Оламда инсон тирик экан, унга муносиб иш - Худо билан бўлишдир. Кимки Худони эслашдан огоҳ эмас экан, билки, у шоҳ бўлса ҳам гадодан пас.дир. Биров гадо бўлса ҳам, лекин Тангрини унутмаган бўлса, икки жанон подшоҳлиги уникидир.

Бу сахифада нимаики ёзилаётган бўлса, ҳаммасини тақдирнинг қалами ёзмоқда. Олдингда кўнгилсиз ко п ишлар юз берса, нолиш қилма, бу Худодандир. Ғалаба қозонсанг, буни билагихг кучидан деб билма; бу ғалабани ғалаба берувчидан деб бил. Шоҳлигингга эътибор қилма; Худонинг ғазабига, Иутфига эътибор қил. Кўргин, фил минган қўшин бир лахзада қалдирғочлар ҳужуми билан қирилиб кетган[1]. Кошона манзиллар йўқ бўлди, уларнинг ҳар бирини битта қуш бузди. Ёки, эсла, Заххок қандай азобларни тортди! Бойликни эса худо Фаридунга насиб этди. Заххокнинг қахридан йиртқич шер ҳам қўрқарди. Лекин унинг бошини сигир сутини ичган бола олди[2].

Халқингга жисм ва руҳни сен бермагансан. Уларга зафар ақл ва имон эшигидан келади. Уларга ажойиб бу неъматлар Худодан бўлади. Уларнинг ризқларига у сени сабабчи қилган. У сени сабабчи қилиш билан бахтиёр этти. Акс холда одамларга улуш беришга сенга қаердан ихтиёр бўларди. Шундай экан - баъзи нодонлар сенинг фармонингга бўйсунмас эканлар, бунга бошлиқ бўлишнинг қонуни бўлиб, ҳаммасига (ўша бўйинча) жазо хавфи бор.

Сенга Худо тожу тахтни марҳамат қилди, кўп бахт ва иқбол бахш этди. Оламни хукмингга бўйсундириб, халқ қаддини амрингга эгди. Сен агар унинг шунча яхшилигига шукр қилмасанг, Худо нима амр этган бўлса, уни бажармасанг, ғафлат ва мағрурлик кўрсатиб, буйруғига дастёрлик этмасанг, унинг қахри келиши мумкинми ё йўқми? - Айт! Мен бунга жавоб бергунча, ўзинг жавоб бериб қўя қол. Унинг ғазабининг қаттиқ шамоли келса, нима қиласан? Мамлакат унинг мамлакатидир. Сен қаёққа кетасан?

Унга қарши бузғунчилик қилиб, исён кўтармоқчи бўлсанг кўтар, агар буни ундан яшира олсанг. У холда халқ олдида хижолатлик юз беради. Яратувчи буни кўрса, қандай бўларкан? Ўз ишларингдаки халқдан уялар экансан, бу Худога маълум бўлса, у вақтда нима бўлади?

Асл мақсадни кўзламоқчи бўлсанг, Муҳаммаднинг шариати йўлини тут. Шоҳ нажот уйидан паноҳ истар экан, ушбу йўл у уйга олиб борувчи асосий йўлдир. Агар қаламнинг қадами сатр йўлидан четга чиқиб кетса, хат ҳам эгри возилади. Шариар йўлини ўзингга шиор қил, адолат билан мамлакатингга қувват бер. Шоҳ ишини адолат билан юргизса, адолат унинг вайрона мамлакатини ҳам обод қилиб юборади. Баъзан динсиз одил подшоҳлар уни обод қилади-ю, золим мусулмон уни барбод этади. Шоҳ адолат билан даврон сурса, унинг (у дунёда) сирот кўпригидан ўтиши осон бўлади. Ким ипнинг устида юришни орзу қилса, адолати тўғри бўлса, юради. Мақсадга етиш учун тўғри бўл, адолат билан иш тут. Ўқда ҳам тўғрилик бўлмаса, уча олмайди.

«Адл» сўзи уч ҳарф билан ёзилади. Лекин унинг ҳар биттаси ўзгача мазмунга эга. Унинг «айн»и ёндирувчи қуёш бўлиб, зулмнинг қора шомини пок қилади. «Дол»и эса давлат ва диннинг тожи бўлиб, дин ва давлат ахллари доим унга муҳтождирлар. Охиридаги «лом»ини

[1] «Қуръон»даги бир воқеага ишора қилинмоқда.
[2] Бунда золим Заххок бошини, Фирдавсий «Шохнома»сида хикоя қилинишича, ундан яширин холда сигир сутини ичиб катта бўлган Фаридун олгани эслатилмоқда.

хурларнинг сочи деб бил; иззат ва шараф қушларига эса уни тузоқ деб бил. Тожни кий, қуёш билан кўзингни ёрит, охиридаги махкам ипни қўлингга тут. Мазлумнинг шикоят сўзлари ҳар қанча чўзилса ҳам узоқ умр кўришни истасанг, малол келмасдан эшит. Адолат истовчи зулм ўтидан фиғон қилса, адолатинг соясидан унга паноҳ бер. У сояда уни қайғуда қўйма; шамънинг тагини унга қоронғи қилма. Мазлумнинг сўзи тўғри бўлиб чиқдими, энди золим ўзингга тегишли одам бўлса ҳам, юзига борма. Унинг нафси давомли айшни истадими, демак, у сенга гуноҳ орттириб, ўз мақсадини хосил этмоқчи бўлган. У хазина устида ётиб, илоннинг бахраланишини истайди. Вахоланки ундан заҳардан бошқа «бахраланиш»ни кутиш мумкин эмас. Унинг орзусини ўйлаб, ўзинг азоб чекма. Тавба қилдириб, уни текшириб тур.

Гуноҳнинг хирмони қанча катта бўлмасин, оҳу пушаймон уни шамолга учириб юборади. Гуноҳ ўти қанча қаттиқ ёнмасин, узр кўз ёшларининг суви уни ўчирмай қўймайди. Лутфу карам қанча ёқимли бўлмасин, қахру сиёсатнинг ҳам ўз ўрни бор. Оламдаги ҳамма одам бирдай яхши эмас; ҳар кимнинг ҳамма иши маъқул бўла бермайди. Яхши билан ёмонга баробар яхшилик қилиш ёмонга кўп, яхшига кам яхшилик қилиш демакдир. Лутфмг шабадаси билан одамни хурсанд эт. Шу билан бирга жазо тиғини ҳам ўткир тут. Қанчадан-қанча касаллар қанд билан тузалади, лекин бир қанчаларига заҳаргина фойда қилади. Малҳам билан мадда очилмаса, ништар билан ундаги йиринг олиб ташланади. Зирапча бармоқнинг учи билан чиқмаса, бадан игна воситасида ундан қутулади. Шунинг учун замон шоҳи фикр қилиб, яхшига яхши, ёмонга ёмон бўлиши керак. Бу иккаласини у бир хилда баҳоласа, мамлакатининг ичида қўзғолон кўтарилади.

Бировни тезда кўтариб юборма ҳамда озгина айби учун пастлатиб ҳам қўйма. Ким гумбазнинг учига чиқмоқчи бўлса, чиқиш ва тушиш учун махсус зина бор. Кимки зинадан ташқарига қадам қўйса, унга йиқилиш, ранж, алам хавфи бор. Бола савод чиқаришда хижога қарамай ўқийди. Сен унинг зеру забарга эътибор беришини кузат. Ҳар кимни одам десанг, одам бўлиб чиқа бермайди; кўринишда бир хил бўлса ҳам, феълда бир хил эмас. Шамъ билан муз сумалаги худди кўчатга ўхшайди; аслида бунинг бошоғи ўт, уники сувдир. Кимни ўзингга махрам қилмоқчи бўлсанг, яхши синамасдан уни ўзингга ҳамдам қилма. Билмасдан уни яхши кўриб, яхши гапирма; билганингдан кейин эса пушаймон еб қолма. Тушингда сенга парига ўхшаб, хурлардан ортиқ бўлиб кўринган одам ўнгингда, фахм этсанг, шайтон бўлиб чиқиши мумкин. Озгина айб учун қаттиқ азоб берма; ўлдириш ва жазолашда тезлик қилма. Қатл этиш бир оз кечикиб бўлса, ҳечқиси йўқ, ўлгандан кейин эса уни сўз билан тирилтира олмайсан. Сув юзидаги пуфак пуфласанг ёрилади; шундай экан, пуфак ясаш билан шуғулланиш керакми?

Жазолаш вақтида афв этиш яхши бўлса ҳам, лекин бу ишда фаросат ҳам керак. Гувоҳлар бир одамнинг гуноҳини исботлаган эса-да, шариатда ёлғон гувоҳлик берганлар оз бўлганми? Ёлғон гапиришга ўрганган одам рост гапирса ҳам, унга ишонма. Ростгўй одам ҳеч қачон ёлғон гапиришга интилмайди; ёлғонга одатланган қанча уринмасин, рост гапира олмайди. Тун билан тонг ўзаро мутаносибдир. Тонгнинг бошланиши ёлғон бўлса ҳам, охири тўғридир.

Кин ва адоват йўлини тутиб, бировнинг айби учун бошқани гуноҳкор этма. Қўйчибон бўлсанг, бу нафасда эътиборли бўл; ҳар қўйни ўз оёғидан ос. Хаёлингга яхши бир буйруқ келса, уни маслахатсиз амалга оширишга ошиқма. Таъбингдаги завқинг соғлом экан, одамларнинг гапининг тагидаги фасодини билишга ҳаракат қил. Ўз фикрингга кўп ишона берма. Ишончли кишилар фикридан фойдалан. Шоҳ ўз айтганини қила берса, фикрли кишиларнинг оғзига қулф солган бўлади.

Таваккал қилмаса юриш суст бўлса ҳам, маслахатсиз, дабдурустдан таваккал қилма. Кенгаш вақтида бахс юз берса, хафа бўлма. Шу билан бирга жуда узун кенгашнинг ҳам кераги йўқ.

Мўлжалланган ишингга кучинг етса, уни бир нафас ҳам вақтидан ўтказма. Боғдаги гулнинг жилваси саҳар вақтидадир; кеч қолсанг, уни болалар териб олган бўлади.

Ўз ишингга қанча берилмагин, уни Тангри иши билан қўшиб олиб бор. Одил насиҳатчи беғараз бўлади; билиб қўй, бундай одамнинг баҳоси йўқ. У хато қилса, уни дўстлик билан тузат. Хато қилмаслик Тангригагина хос.

Уруш куни душманга юзланганда қоида билан олдин сафларни туз. Жангда хатосиз, аниқ ҳужум қил; билки, кишининг ўлими тақдирига боғлиқ. Ажал шомида киши уйида ётмайди; умри бўлса гўрга тушиб ўлтирмайди. Алам қилиб турганда икки қадам орқага юргунча, ҳаракат қил, олға қараб бир қадам бос. Гарчи зафар Худонинг марҳаматидан бўлса ҳам, ҳаракатни бунинг мўтабар сабабларидан деб бил.

Сен сипоҳ тортиб, шундай ҳаракат қилки- халқнинг дуоси сени ўз паноҳига олсин. Шунга интилки, жанг юз берганда халқнинг оҳ шабадаси кўзингга чангни урмасин. Ўчли душманнинг мингта ўқи халқнинг бир оҳ ўқичалик ярадор қилолмайди. Жангда бегона одамларни енгсанг, бунинг шукронасига уларни ўлдиришга ҳаракат қилма.

Бу номада мен нималарни ёзган бўлсам, ҳаммасига шоҳ[1]нинг ишлари мен учун қўлланма бўлди. Агар ишда шоҳга ўхшаш бўлсанг, «Бола отанинг кўринишидир»,- дегани бўлади. Унинг қадами бўйича қадам боссанг, йўлда кўп ранжу пушаймонлик кўрмайсан. Болани мурид, отани эса пир деб бил; ҳар ишида унинг буйруғининг таъсири бўлади. Бахт ва қариб юришни истасанг, бу пир олдида ҳеч айб иш қилма.

LXI

Хожа Муҳаммад Порсодан хаж аҳли дуо қилишни сўрагани ва ўғли Хожа Абу Наср (отаси) Хожа Муҳаммад Порсонинг илтимоси билан дуо қилгани

Пок Хожа жаноблари Аллоҳ йўлида «Қудсия» ва «Фасл ул-хитоб» деган асарларини ёзганлар. Осмон монанд гумбазда у кишининг кавушларининг излари қолган бўлиб у кишининг лақаби «Порсо»[2] эканлиги бежиз эмас.

Гарчи ўзлари аср ягонаси бўлсалар у кишининг ўғли кимсан - Хожа Абу Наср эди. Тасаввуф йўли - фақрда отаси покларнинг подшоси - покиза табиати бўлса, бу покиза табиат подшонинг ўғли эди.

Кунларнинг бирида Муҳаммад Порсо Маккага борадиган бўлиб қолди. Хожа Абу Наср ҳам шу ишга жазм қилди. Отаси йўлбошчилик тараддудида бўлса ўғли унга энг яқин сирдош махрам бўлди. У чўлда кетаётиб, бир қадам босса, бу ҳам унга эргашиб, изма-из, қадам-бақадам борарди. Бир неча кун давомида улар чоини босиб ўтиб, (ниҳоят) мақсад манзилига ҳам етиб бордилар.

Келган халқ хаж қилишнинг асосий қоидаларини тўла бажариб, тавоф қилиш орқали яхши-ёмон муршид соликлар, хатто келолмаганлар ўрнида фаришталар ҳам олий мақомларга эришдилар. (Тасаввуф йўлини тутган) фонийлар ҳам, қолган амалдорлар ҳам ўз тилакларини билдиришиб, Аллоҳ қошида уларнинг барча тилаклари мустажоб бўлди.

Халқнинг (кўнглидаги) илтижоларини адо этиш ва барча келганларни дуо қилишлик учун шунча одамларнинг ичидан муносиб бир кишини излашар экан, Хожа Порсога ёзма ишора бўлди. Бу вазифани бажариш Хожа Порсо устида тўхтар экан, у эса Хожа Абу Насрга мурожаат қилди ва деди:

- У мендан устун! Бу юқори вазифага менга қараганда у лойиқроқдир! (Ҳаж) йўлида кимнинг бирон рахбари бўлмас экан, ҳар (хил) қўлга қараб адашиш мумкин. Бу сафарда менга бирон рахнамо йўқ эди. Тангри уни менга рахнамо қилди. Олдин менинг ишим уни

[1] Ш о х - Султон Ҳусайн Бойқаро.
[2] Порсо - художўй.

парвариш қилиш бўлган эди. Менинг тарбиямга қараб иш тутадиган бўлди. Йўл машаққатлари мени вахимага солган эди. Йўл қийинчилигини (Аллоҳ) унга осон қилди. Йўлдаги нотинчликлар менга зарар келтирса, унга бу тариқат йўлида роҳат ва хузур бағишлади. Мен (йўл-йўлакай) ўзим учун, унинг учун ташвиш чеккан бўлсам, у ўзини ҳам, мени ҳам Аллоҳга топшириб, барча ташвишлардан холи бўлди.

У шундай деб, ўғлини кўрсатар экан, унга қарши узр айтишга имконият қолмаган эди. Отаси шамъ сингари кўзидан ёшлар тўкиб, ичидан ёнаётган (қари) чинордек дуога қўлини очди, раҳмат айтиб, одатга кўра кечиришларига истак билдирди. Хожа эса кўзида ёш билан омин қилди. Унинг сўнгги дуоси шундай бўлди:

- Эй Худо, сени паноҳ қилиб, уятга қолган холда дейман: «Мен қандай тилак билдириш расмини ўрнига қўя олмаган бўлсам, унинг қилган оминини зоеъ этмасанг бўлгани!»

Ота дейишга лойиқ кишининг саъй-ҳаракати билан ўғлининг иши шу даражага етди.

Эй Худо, ўша қилган омин ва дуоларинг ҳурмати ҳамда Ота ва Ўғилнинг ҳурмати! Сен бу ота билан ўғилни доим давлат ва дин тахтида узоқ тутгайсен! Унинг бошқа ўғилларини, унинг ўғиллари бунинг иниларини ҳам ҳурматга сазовор этгайсен! Бутун олам уларнинг ихтиёрида бўлиб, олам халқи ичида шайху шахриёр ҳам шулардир.

Шоҳни дуо қилиш билан сўз ҳам тугади. Энди Навоийнинг тилаги шаробдир.

Соқий, қадахда бодани олиб кел, уни менга хоҳ шоҳ тутсин, хоҳ шаҳзода, фарқи йўқ. Эртаю кеч маст бўлай. Қачонгача риё билан порсо бўламан!

LXII

Ожизлик ва синиқлик тупроғларининг сариқ ранг сомонига пешона терини тўкиб, сомонли лай тайёрлаб, бу фақирлик кулбасини юз оҳ ва ўртаниш билан суваб тамомламоқ; киприкнинг синиқ игнасига кўз ёшининг узун ипини ўтказиб, юз тешик ва тикик билан ямашни тугалламоқ; бундай тузатувчиликдан хижолат бўлиб, узр ҳужрасига кирмоқ, бу тикувчилик учун узр сўраб, хижолат ёқасига яширинмоқ, Тангрининг ободонлик эҳсонидан афв масканини тиламоқ ва марҳамати хазинасидан мурувват сарпосини истамоқ

Мендек ошуфтахол, шайдойи одам бу орзуни[1] хаёлимга келтирганимда, бир неча кун яширин ранж чекдим; оби ҳаёт истаб, жонимни қийнадим. Китоб ёзиш учун қалам йўниб, қалам учун қоғозларни тайёрладим. Сахифа бўйлаб қаламим нақшлар чизиб, овозини най овозидек баланд этди. Най куйлаб қандай авжга чиқса, менинг қаламим ўз куйини ундан ҳам ошириб юборди. Най овозини эшитиб, сўфийлар тўдаси зикрга тушиб кетганлари сингари, бу қамиш қаламим овози кесак уйларга, хатто тўққиз осмон гумбазига ҳам етиб борди, одамзод орасига ғавғолар солди. Малаклар орасида ҳам шовқинлар кўтарилди. Одамзод эшитиб, дарди ошиб, дард билан ёқасини чок-чок қилди. Малаклар эшитгач, жонсиз бўлиб, ярадор бўлган қуш каби қанотлари осилиб қолди. Унинг куйидан хуш бўлса ҳам, нохуш бўлса ҳам, барибир, мамлакат ҳам, малаклар ҳам хаяжондадир.

Энди зебо юзли бир гулрух[2] хат ва хол билан нақшланган ва суратланган экан, осмон пардозчиси ўз ишини тамомлагач, у ўн тўрт кунлик ойдек тўлалиги ила намоён бўлди. Шуъласидан шарқу ғарб ёришиб, еру кўкка яна тўполон тушди. Чарх котибининг қалами синиб, уни сиёхдоннинг остига ташлаб қўйди. Осмон хазиначиси олдимга келиб, қуёш билан бирга бошимдан айлана бошлади. Бошимдан сочиш учун жони билан бирга тўққиз дастурхон юлдузни накд келтирди. Малаклар устидан пуллар, накд дурру гавҳарларни сочди. Менинг ҳурматимни қилиб у гард сингари ердан кўтарилди, бошимдан айланиб, оёғимни ўпди.

[1] Бу орзу - «Ҳайрат ул-аброр» достонини ёзиш.
[2] Зебо юзли гулрух - «Ҳайрат ул-аброр» дейилмоқчи.

Олдимга юзлаб бойликни қатор қилиб, ҳаммасини оёғим остига сочқи этди. Бошим устидан конидан келтирган лаълларни сочди; олдимга Уммонидан дурларни тўкди.

Бу ҳайратда мен фикрлаб қолдим; хатто бу фикрлашда хайрон бўлиб қолдим. Ушбу варақларни менинг қаламим (пешонамдаги) ёзиғлар каби қорайтирган экан, улар бу қадар иззатга арзимайдилар, балки бу иззатнинг мингдан бирига лойиқ эмас. Улар, у айтгандай, ёмон ҳам эмас. Яхшидирлар, лекин мақтагундай эмас. Маъноси яхши бўлса, таркиби йўқ; кўриниши ёқимли бўлса, тартиби йўқ.

Уларни ёзишга кўнгул кетгандан кейин ўн байт ҳам ёзмай, кўнгул қоронғилашди. Чунки бошимда қиладиган ишим кўп эди. Бош қашишга ҳам вақтим йўқ эди. Осмон варағи тун қорасини зирних[1] билан ювган вақтдан бошлаб, ҳар томонга тонг нур сочиб, тоза супурги билан кеча қоронғилигини супура бошлади. Тун ўзининг анбар сепилган латтасини яшираркан, тонг ўзининг зарли байроғини тикди. Бу байроқ энди ўзини йўқлик мамлакатининг байроғи деб эълон қилгунга қадар, шорн қорага қизил рангни қўшиб, нур ҳарфларини қорайтиргунга қадар, осмон юлдузларини зоҳир этиб, қора чойшабини дурлар билан безагунга қадар мен шу орада эзилиб, халқнинг жабру жафосига гирифтор бўламан. Халқнинг етказган азобидан бир дам менга тинчлик йўқ; одамларнинг жабридан бир нафас оромим йўқ. Бу хастанинг ғамли уйига (арз билан) келган одамнинг кетиш ёдидан бутунлай кўтарилиб қолади. Бир гуруҳи кетиб улгурмасдан, албатта бошқа икки гуруҳи кириб келади. Улар бузилган кўнглимга ўт ёқиб, эрталабдан-кечгача жонимни оладилар.

Менга улар шундай ишларни буюришадики, бажариш осон эмас; уни бажаришнинг сира имкони йўқ. Узр айтсам, ҳаммаларига қаттиқ ботади; яхши гапирсам, аччиқлари келади. Уларга осмонларча хайру эҳсон кўрсатсанг ҳам, ҳар осмонни улар бир хашакча кўришади. Кимнинг кўзини тамагирлик катта қилиб очган бўлса, бир қатра ҳам, бутун бир дарё ҳам унга бари бирдир. Берганингни олиб, яна норозилик ҳам изҳор қилади. Кўп берган бўлсанг ҳам оз дейди. Ҳар бири ўзича сўз сўзлаш иштиёқида; ўзича сўз сўзлаш билан бирга юзта нияти бор. Бировнинг Рустамча кучи, Ҳотами Тойича химмати, қўлида Қоруннинг бойлигича бойлиги бўлса ҳам уларни рози қилиш қийин.

Менда бу нарсаларнинг биронтаси йўқ. Заифлик уйида дард билан ҳамнафасман. Шунча ғаму мехнатим бўла туриб, мен уларга эхтиёт билан савол-жавоб қиламан. Табиий касаллигимнинг ўзи ҳам бир сари, улар билан муомала қилиш ҳам бир сари бўлиб, куни билан томоғим қуригани қуриган. Кечаси эса уйқум қочиб, фароғатсизман. Кундузи бўлса яна аҳвол шу; кеч кирди дегунча, яна ўша хол.

Кимнингки вақти шу хилда танг бўлгач, яхши шеър ёзишга унинг қачон имкони бўлади? Бу яратган назмим энг соф дур даражасида бўлмаса, мен бу ёзганим учун кечирим сўрашга хақлиман. Вақтимнинг иплари қисқа бўлиб, мен уни кўнглим хоҳлагандек уза олмадим. У шу хилда яратилгандан кейин унга ортиқча мартабажпердан бўлади. У қандай қилиб эл орасига хой-хуй солади-ю, қандай қилиб ҳамма томонга узундан-узоқ довруғи кетади!

Менга етарли имкон бўлганда, бир кеча-кундуз давомида бир-икки нафас мехнатдан қутулиб, дам олиб, кўнглимдагидек осойиш топганимда, хилват бир гўшада ўлтириб, таъбим фақат фикрлаш билан банд бўлганда, дурдона назм яратиш билангина шуғулланиб, хаёл денгизида ғаввослик қилганимда, унда юрганимча юриб, у денгиздан хоҳлаганимча олганимда эди, бу соҳани тушунган одамлар ундан назм дегани қандай бўлиши кераклигини билиб олган бўлишарди. Ҳаётда энг мухим бир нарсадан-ку, чўнтак қуруқ қолган эди; ижод соҳасидаги орзу амалга ошмаса, айби йўқ.

Шу хилда мен бу навони[2] куйлаб турарканман, бир пок фикрли оқил ногаҳ менга деди:

[1] Зирних- олтингугурт билан маргимуш аралашмаси.
[2] Бу н а в о - «Ҳайрат ул-аброр» достони кўзда тутилади.

- Эй қалами ожизлик сиёҳига ботирилиб, инсоф хатига бошини қўйган одам! Сенинг заифлигингга Худонинг ўзи қувват беради. Инсофинг кўринишларига юз офаринлар бўлсин. Сен баён қилиб битган нарса шуни кўрсатадики, сен бундан ҳам яхши ёза оласан. Ўзинг айтгандек юқори қилиб, истаганингдек ёқимли этиб ёзганингда, унга бозор бундан ҳам катта, бутун олам унга харидор бўлган бўлур эди! Шундай бўлса ҳам, у жаҳон бўйлаб савдода; овозаси бутун борлиқни тўлдирган. Бу жаҳоннинг безаги ундан, денгиз ва кондаги гавҳарлар зийнати ҳам ундан. Шоҳнинг отидан у шарофат топди; чунки саховат қуёши ҳам Худонинг сояси бўлмиш подшоҳ оти туфайли юз беради. Унинг асл зоти шарофат денгизини ташкил этган бўлиб, бу денгиздаги гавҳар эса унинг номидир.

- Эй номига адолат тангаси зарб қилинган, зотига хукмдорлик хутбаси ўқилган шоҳ![1] Сендан уялиб, осмон халқа шаклига кирди; сенинг номинг қуёшнинг узугига битилган. Сенинг мадхингни ёзиш учун мен кимман?! Бу - бир зарра осмондан жой олгани билан тенгдир. Қатра ўзининг қатралик даражасини билиши керак. У ўз борлигини денгиз билан тенг тутмаслиги лозим. Бирор ишни бажариш кимнингдир тақдирида бор экан, унга киришмасдан бошқа иложи йўқ. Ўтга парвона ўзини девонавор урмасдан тура олмайди-ку! Телбанинг ҳам болалар отган тошдан ярадор бўлмаслигининг чораси йўқ-ку.

Менинг ҳиссамга шеър ёзиш тушгандан буён жоним ўша ўт, ўша тошдан қийналгандай қийналади. Мен у билан шуғулланиб, на фойда кўраман, на уни тарк эта оламан. Гоҳо хаёлимга шундай фикр келади: умрни қийновчи бу бир қанча дағдаға шеър деб аталиб, уни ёзишдан фойда йўқдир: уни кўп ёзиш - зиёндан бошқа нарса эмас. Кимки бирғазални чиройли қилиб ёзса, уни ёртушунади, таъб эгаси тушунади, холос. Шеърдаги чин бошдан-оёқ бемаънилик бўлиб, қизиғи шуки, унинг яхшиси ёлғон ҳисобланади. Кимга умрида у билан шуғулланиш юз берган бўлса, у минг йил яшаган эса-да, умри зое кетган бўлади.

Жуда соз бўлардики, фақирлик қадамини босиб, фано кўчасида фақирлик жомини кўтариб ичиб, бу дунё ишларига оз майл қилсам, у дунёнинг узун йўлини яхши тутсам. У йўлда шарбат ичишни истарканман, юрагимнинг қони менга шарбат бўлса, фароғат топишим учун пул керак экан, танимдаги яра-чақалар танга бўлса; устимдаги чанглар бахтиёрлик кийими, икки оёғим сайр этишим учун йўловчи бўлса; соя учун чодир қидириб ўлтирмасам, отимни ҳеч қаерга боғламай йўрғалатиб кетаверсам; бу сайрда ҳар бир қадамим юз ёғочга[2] тенг бўлса, бошимдаги тўзғиган сочларим менга шараф тожи бўлса; яланг оёғим остидаги тиконлар фақирлик занжиримга мих бўлиб хизмат қилса; бошимга теккан ҳар тошдан ёриқлар пайдо бўлиб, хурсандчилигим бошимнинг ўша жойидан чиқиб турса; қонли кўз ёшларимнинг шоҳона дурлари барча фано қушларига дон бўлса; у қушлар шу дон билан айланишиб, жисмидаги ипдан унга илинса; ғам ханжари кўксимни ёриб, жисмим уйидан дард аҳлига муқаддас жой тайёрласа; юрган сари оёқларим қабариб, қадамимга бу қабариқлардан юзлаб тиниқ гавҳарлар сочилса; ёки йўИ бўйлаб тўкилган кўз ёшларим қонли оёғимнинг тагига дур бўлиб ёпишса; яраларимдан оққан қонлар қатра-қатра бўлиб, дард ва бало даштларини лолазор қилса; оҳим ўтининг учқунлари чарх уриб, япроғини ел совурган лолаларнинг япроғи ўрнига ҳар учқуни япроғ, ўчган қурумлари эса унга доғ бўлса; азоб-уқубатдан жисмим чарчаб, йўлда бир нафас дам олишни истаб қолсам, йъл устидаги битон тоғ етагини топиб, устимга осмон этагини ёпсам-да, уйқуга бош қўймоқчи бўлганимда бирон қоя тош менга қаттиқ болиш бўлса-да, ер юзидаги тупроғ тўшагим бўлиб, гавдам унга соядек чўзилса; юришдан толган иккита оёғимни Фарҳод билан Мажнун қўйнига олса, чунки қалбимда уларнинг ишқининг юзтаси; бузилган кўнглумда уларникидан минг хисса ортиқ дард бўлса ҳам, мен бировга буни фош этмадим, нола чекиб, висол талашмадим; иккаласи ҳам бу холимни кўриб хайрон қолишса: ўзларининг ишқидан эса хижолат бўлишса; ишқда

[1] Бунда Ҳусайн Бойқаро назарда тутилган.
[2] Й о ғ о ч - масофа ўлчови – 7-8 км.

устун эканимни тушуниб, униси ҳам, буниси ҳам менга тан беришса; ишқ менинг мартабамни шундай юксак, ишқнинг дарди кўнглумни шу қадар кенг қилиб, ер билан осмон менга баробар бўлиб, осмоннинг очиқ гулшани эса зиндон бўлиб қолса; ҳимматим шундай авжга чиққанда, этагимни қоқсам: унинг чангларини малаклар кўзларига суртишса; (орзу қилганимни) кўз билан кўра олиш кечаси келганда, малаклар қушларга айланиб қолса; қушлар ҳам эмас, ҳар томонда учган кўршапалакларга айланса; юлдузлар ва осмон эса (оддий) кўкнори ва унинг уруғларига ўхшаб қолса, дедим-да, ибрат кўзини кенг очдим: бор ҳам бир, йўқ ҳам; бору йўқни тенг кўрдим. Борлик ва йўқликдан мен худди Саййид Ҳасан Ардашердек ўтишни истадим. Кўнглим шундай юксак мақомни орзу қилди. Лекин нафсга эса (бу дунё) лаззатлари орзу бўлди. Ҳиммат шодлик ери -жаннатга қараб учиб кетди; нафс эса мени жаханнам чоҳига судради. Нафснинг юзи малакникига ўхшаса ҳам, ўзи яширин; унда дев билан шайтон иккаласи бирлашиб, жуфт бўлган. Иккаласи жуфт бўлиб кўя қолмасдан, ҳар нафасда ўзларидақаларнинг юзтасини туғдириб туради. Кимки ичдан пишган бўлса, дев билан шайтон жаҳон ичида жаҳон тургандек бўлади. Ичида юз макр ва хийла бошланса, шунча шайтон ва деви фитна кўтаради. Улар менга қанча истакларни раво кўришмасин, қизиғи шуки, ҳаммаси ўзимда бор.

Худо ҳақи, эй кўнгул, инсоф қил; диндан фақат нафсгина чиқариши мумкин. Бу нафснинг қўлида мен афгорман, шунча балоларга гирифторман. Зоҳиран вақтимнинг ўтиши ёмондан-ёмон; ички аҳволим эса ундан ҳам баттар. Қайғули дилимни эслаб йиғлар эканман, кўнглумнинг ўзи ҳам фарёдимдан хабар олмайди. Фараз қилайлик, кўз ёшимдан соф денгиз ясаб, кўксимни тешиб ундан кема қилсам ҳам, гавдам кемадек суза олмайди. Чунки менинг лангарим гуноҳ тоғидандир. Ташқи кўринишимдан одамга ўхшайман; жисмимнинг сурати ҳам инсон сифатида. Мазмунга келганда одамгарчиликдан йироқман. Одамгарчилик билан менинг ўртамда минг йиллик хижрон бор.

Лекин софдил одамлар бир ерга йиғилганда эса ўзимни шамъдек равшан ва тўғри кўрсатаман. Кўнглумда юзта илон бир-бирига чирмашиб ётибди; нотинчлик шамолидан қўзғолон кўтаришяпти. Мен шундайманки, «Мен!» демаганим яхшироқ; яхшилар мен - ёмондан узоқ бўлсани дуруст. Ичим-н ташим зулматда; қизиққи, кўнглум ҳам шуни тилайди.

Шундай экан, одамлардан ким мени авлиё деб, тоат ва ибодатга берилган деб тушунарди? Ҳаммалари мени ғамгин ошиқ деб, кўнгли, кўзи эса пок деб атайдилар. Қаттиқ ҳаракат қилиб, йиғидан кўзимни тия оламан. Аммо иш кўнгулни қўлга олишга келганда нима қилишим мумкин? Худо ўзи карам қилиб, бу ишларда қўлимдан ушламаса, оҳ, менинг холимга юз марта оҳ!

Ҳаётим даврини эслар эканман, уятга қолмайдиган бир иш қилганимни эслолмайман. Барча ишим қаламни қора қилиш, учи билан хат ёзиш бўлди. Қалам тилимдан ҳам хирароқ бўлиб, ёзган хатларим юзимдан ҳам қорароқ бўлди. Иккиси ҳам Худонинг раҳмат денгизига тушмаса, бошқа қаерда уларнинг қораси кетиши мумкин?

Эй Тангри, агар сўзим чўзилган бўлса, қилган гуноҳим бундан ҳам кўпдир. Бу ёзганим яхши бўлса, сўроқ вақтида рахм эт; ёмон бўлса, демак, ўзимнинг ҳам бошдан-оёғим ёмон. Ёмон нарсамни, рахм этиб, яхши қил, яхши бўлса уни қабул айла. Унга боққан эл кўзига ҳам жилва бериб, уни яхши кўрсат; халқнинг кўнглига уни ёқимли эт. Гуноҳим ҳар қанча қаватма-қават бўлса ҳам, сенинг раҳматинг олдида улар йўқдайдир. Яхшилигим камлигидан мен қанча қўрқсам, сен карам қилгин, чунки сен сахийсан.

LXIII

Оёғи-тойиб кетиб косадаги ошни шоҳнинг косадек бошига тўкиб юборган ва олижаноб шоҳ олдида ўз ошини пиширган бир қул хикояси

Сахий бир подшоҳ бор эди. Сахийлигидан халқи уни ҳурмат қилар эди. Унинг бир қули бор эди, хизмат даражаси баковуллик эди.

Кунлардан бир куни унинг базмида овқат вақтида, подшоҳнинг ҳам иштахаси яхши бўлиб турганда, фалокат босиб, фалокат унинг оёғига тош урди: иссиқ ошни подшоҳнинг бошига тўкиб юборди. Одамлар:

- Подшоҳ энди уни ўлдиради. Гуноҳига лойиқ жазо шудир! - дейишди.

Шоҳ эса қулнинг хафалигини кўриб, кечирди ҳам озод қилиб юборди. Вазир деди:

- Эй сахийликда беғараз шоҳ, унга тиғдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку?

Шоҳ эса завқ қилиб, лутф билан деди:

- Хижолат ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган ўликни бошқатдан ўлдирмаган; бошига эсажазо тиғин тортмаган. Халқ ичида ким энг гуноҳкор бўлса, ўша афв ва иноятга энг кўп сазовордир.

Эй Худо, шундай сахий шоҳларнинг юз минги эшигинг йўлагининг тупроғидирлар. Менинг. гуноҳим ҳар қанча кўп бўлганда ҳам, шукрки, сендек менинг Худойим бор. Хижолат торта бериб, жоним қолмади. Менга эҳсон қилсанг ўринлидир. Мен гарчи лутфу карамингга лойиқ бўлмасам ҳам, лекин улардан бутунлай ноумид ҳам эмасман.

Менга сендан эҳсон сўрашни ким қўйибди? Еҳсонинг бир денгиз бўлса, унинг бир қатраси менга етарли.

Шукрки, эҳсонинг мададкор бўлиб, дафтарим ўзининг охирги варақларини ҳам топди. Аслида яхшиларнинг ҳайратланганини кўриб, номини «Ҳайрат ул-аброр» деб қўйдим. Ёзилиш тарихининг маъноси чиройли бўлиб, у саккиз юз саксон саккизинчи йил эди[1].

Ким ўқиса ёки кўчириб ёзса, дуо билан руҳимни шод қилса, Тангри ишини мурод-мақсадига олиб бориб, руҳини жаннатда шод этсин!

Энди, Навоий, шукрона майини ич; қанча тўла бўлса, ҳаммасини ич!

Эй соқий, қадаҳни олиб кел! Йўқ, хато қилдим, тўла хуми билан келтир! Уни мен кўп-кўп олиб, шимирай, кўп-кўп ичиб, бир дам ўзимни унутай.

[1] Милодий 1483-йилга тўғри келади.